



Пирназар ДАВРОНОВ

**ЖҶҰМАРД
ЭЛЛИ ЖОМ**

Пирназар ДАВРОНОВ

ЖЎМАРД ЭЛИ ЖОМ

Тошкент – 2020

УЎК 908(575.141)
КБК 26.89(5Ў)
Д 14

Давронов, Пирназар. Жўмард элли Жом. – Тошкент: “Zamin nashr”
МЧЖ, 2020. – 660 бет.

ISBN: 978-9943-5893-6-0

© П.Давронов. Жўмард элли Жом
© «Zamin Nashr» МЧЖ

АСАР ҲАҚИДА СЎЗ

Таниқли олим, моҳир публицист Пирназар Давронов қаламига мансуб “Жўмард элли Жом” деб номланган асар қўлёзмаси билан танишар эканман, ёруғ хаёллар қуршовида қолдим.

Ватан нима? У қаердан бошланиб, қаерда тугайди? Назаримда, Ватанни севиш, уни ардоқлаш учун баландпарвоз гаплар, шалдиरोқ шиорлар эмас, баландпарвоз туйғулар, шарқироқ сойдаимусаффо, жўшқин муҳаббат, осмондай юксак, осмондай кенг хаёлот, теран тафаккур керак. Худди шундай хислатлар билангина биз Ватанни англаймиз, унинг бутун маҳобатини, гўзаллигини, куч-қудратини ҳис қиламиз. Қалб қўридан қайнаб чиққан шундай кечинмаларгина бизнинг аслида кимлигимизни белгилаб беради. Аслида инсоннинг бадавлат ё қашшоқлиги унинг жарақ-жарақ пуллари-ю, мол-мулки билан эмас, юрагида, онг-шуурида биз юқорида тилга олган маънавий омиллар нечоғлик мавжудлиги билан ўлчанади. Ўша олий ҳис-туйғулар, юксак фикрий тамойиллар бўлмас экан, инсон бу ёруғ оламдаги энг ғариб, энг нотавон мавжудотдир!

Менимча, китоб муаллифи ва унинг қаҳрамонлари Ватанни, ватанпарварликни худди шу нуқтаи назардан идрок этишади. Худди шу нуқтаи назар уларни яшашга, яшнатишга, курашга ундайди. Кўча-кўйда бу инсонларни кўриб қолсак, ёнларидан бепарво, нописанд ўтиб кетишимиз тайин. Чунки уларни бошқалардан ажратиб турувчи ташқи аломатлар йўқ. Оддий, камтар-камсуқум, соддагина кишилардир. Лекин кўнгиллари Жом дала-дашлари каби кенг ва улуғвор! Унда ёвқур аждодлар руҳи яшайди! Унда яхшиларга хайрихоҳлик, ҳақсизликка қарши исёнкорлик туйғулари кўпириб туради!

Пирназар Давронов ушбу “Жўмард элли Жом” китобида ўз она қишлоғи Жомнинг тарихи, кечаси ва бугуни ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Мустақиллик йилларида унинг ободлиги, фаровон турмуши учун олиб борилган машаққатли меҳнат жараёнларини қаламга олади. Бу борада Эштурди Раҳимов, Турсунмурод Норбеков, Қосим Авазов, Тўрамурод Холбозоров, Турум Хўжақулов, Азим Қосимов, Файзулла Лутфуллаев, Ўрол Мавлонов каби оқсоқолларнинг елиб-югуришларини батафсил ёритади. Жумладан, тарихий ғиштбанд сув омборини тиклаш, Омондара сойига тўғон солиш, кўприклар барпо этиш, қишлоқни электр қуввати билан таъминлаш учун алоҳида “подстанция” қуриш сингари серғалва, серташвиш муаммолар ечимини топиш борасидаги саъй-ҳаракатлар кенг баён этилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мутолаа давомида жомликлар аслида қорни учун эмас, қадри учун қайғурадиган халқ эканлигини чуқур англаймиз. Улар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, тарихи ва келажаги аллакимлар томонидан топталишига асло бефарқ қараб турмайдилар. Адолат, ҳақиқат учун курашда бир жону бир тан бўлиб бирлаша оладилар. Китобда қатор бунёдкорлик ишлари тилга олинар экан, уларга маҳаллий аҳоли бефарқ эмаслиги, Жом элининг ўзбекона жипслиги, ҳашар, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам каби юксак миллий

қадриятларни тоза қалбларига жо этишгани завқ-шавқ билан ифодаланади.

“Жўмард элли Жом”ни ўқир эканмиз, муаллиф Пирназар Давронов кенг жамоатчиликка ҳавола этаётган улуғвор ғоя кўз ўнгимизда ёрқин намоён бўлади: энг аввало, ўз киндик қони тўкилган муқаддас заминга меҳр-муҳаббат кўрсата билмаган одам ҳеч қачон улуғ бир мамлакатни сева олмайди, унга муносиб фуқаро, садоқатли фарзанд бўла олмайди. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, Ватан остонадан бошланади деган нақл беҳуда айтилмаган.

Пирназар Давронов қаламига мансуб мазкур китобда Жом қишлоғида барпо этилган сув иншоотларига, бошқа ободончилик ва қурилиш ишларига оид расмий ҳужжатларга ҳам кенг ўрин берилганки, бу бежиз эмас. Ажойиб кунларнинг бирида кимдир Жом қишлоғининг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида илмий изланишлар олиб боришга бел боғласа, китобда қайд этилган ушбу расмий рақамлар, жадваллар, турли ёзишмалар ўша олим учун айни муддаодир. Муаллиф масаланинг бу жиҳатларини ҳам ҳисобга олгани, эртанги кунни олдиндан кўра билгани ўқувчини завқлантиради, ҳайратлантиради. “Жўмард элли Жом” содда, жонли бир усулда ёзилган. Ўқувчи малолланмай, озорланмай мутолаа қилади. Энг муҳими, унда талай тарбиявий жиҳатлар мужассам. Ёшларга ибрат бўлгулик кўплаб воқеалар баён қилинган. Буларнинг ҳеч бири бесамар кетмайди, деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб муҳтарам китобхонларни ҳаётини, таъсирчан, сермазмун янги бир асар билан муборакбод этаман.

Луқмон БЎРИХОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

**Ушбу китобни синглим
Турсуной Давронованинг порлоқ
хотирасига бағишлайман**

МУҚАДДИМА

Жом... Бу муаззам ва муқаддас гўшани кўрмаган, билмаган ёхуд у ҳақда эшитмаган киши юртимизда топилмаса керак. Бу улкан қишлоқ Самарқанду Қашқа воҳаси чегарасида бамисли қимматбаҳо тошлар қадалган олтинтус камардай ястаниб ётибди. Бир ёни пурвиқор тоғларга, бир ёни бепоён даладашларга тутшиб кетган.

Профессор Х.Дониёровнинг “Қитмир” номли китобида келтирилган 92 бовли ўзбек уруғлари рўйхатида “жоми” ва “хабрин” атамалари учрайди. Бундан кўринадикки, қадимда бу ҳудудда Жоми ва Хабрин уруғлари яшашган. Даврлар ўтиши билан бу уруғларнинг номлари жой номига кўчиб, ўзлари унутилган. Бугунги кунда Жомнинг эли асосан ўзбекнинг қўнғирот, сарой, кенагас, найман уруғларига мансуб. Шунингдек, асли можор миллатига дахлдор қавмлар ҳам бор. Жом жўғрофий ва топонимик жиҳатдан ўзига хосдир. У Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон ва Жом деб аталувчи тўрт маҳалладан иборат. Қўшни “Сарикўл”, “Дўстлик” маҳаллалари ҳам Жом ҚФЙ таркибига киради. Бу ҳудудда 2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 26 504 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Бу нуфузли қишлоқнинг ёши оқсоч тарихнинг ўзидан ҳам қарироқдир. Археолог олимларнинг таъкидлашича, Жом 24 минг йилдан буён мавжуд экан. Қишлоқнинг Каттатепа, Ёиштбанд аталмиш жойларидан топилган сопол қозон қолдиқлари ўрганилганда уларнинг бундан 2300 йил олдин ясалганлиги аниқланган. Шунингдек, улар Термизнинг Фаёзтепасида учраган қозонлар билан бир хил эканлиги археолог олимлар томонидан исботланган.

1997 йилда Калтасой ҳудудидан ниҳоятда ноёб мармар тусли тошбитиклар топилди. Ундаги олтмишдан ортиқ белгилар бундан 2-2,5 минг йил илгари яшаб ўтган туркий халқлар имлосига тегишли экан! Бироқ уларни ўқишга, шарҳлашга ҳозиргача муваффақ бўлинмади. Ўша белгилар орасидаги буғдой бошоғи сурати олимлар ўртасида мазкур тошбитик зардуштийлик даврига мансуб, унга “Авесто”даги мадҳиялардан бири ўйиб ёзилган деган тахминни келтириб чиқармоқда. Бошоқ ўша даврларда ҳосилдорлик ва сув маъбудии ҳисобланмиш Анахитанинг тимсолларидан бири экан. Калтасойдан топилган бу ноёб ёдгорлик аждоқларимиз ўз ёзувларига эга бўлганлигидан, маърифатга интилганлигидан, кучли тараққиётга эришганлигидан дарақдир. Қолаверса, у зардуштийлик даврининг муҳим ёдгорлиги сифатида ўта қадрлидир.

Эрамиздан олдинги 329 йилда Юнон фотиҳи Искандар Зулқарнайн Эроннинг Сўза шаҳрида улкан тўй маросими ўтказиб, юзга яқин аёнларини, лашкарбошиларини туронлик ва эронлик мағлуб подшоҳларнинг, аслзодаларнинг қизларига уйлантиради. Жасур сўғд баҳодири Спитаменнинг

қизи гўзал Апама моҳир лашкарбоши Салавкага узатилади. Искандар Зулқарнайн эрамиздан олдинги 323 йилда 33 ёшида Вавилонда номаълум касалликдан вафот этгач, империянинг бир қисми, жумладан, Апаманинг юрти Сўғдиёна ҳам Салавка тасарруфида қолади. Милоддан аввалги 293 йилда Салавка шарқий вилоятлар – Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ноиби этиб ўғли Антиохни тайинлайди.

Салавка билан Апамадан туғилган ўғлон Антиох I Сотер иқтидорли лашкарбоши ва тадбиркор ҳукмдор бўлиб, милоддан аввалги 280 йилда отаси Салавканинг вафотидан сўнг улкан давлатга чорак аср ҳукмронлик қилган. Антиох Туронда ўз номи билан аталувчи шаҳар барпо этган, олтин ва кумуш тангалар зарб қилдирган. Бундан 2300 йил олдин зарб қилдирилган, жаҳоннинг санокли музейларидагина сақланиб қолган шундай кумуш тангалардан бири Жомдаги карвон йўлининг жанубий қисмида жойлашган, қадимда бозоржой саналган Яккатолдан ўқитувчи Нурулло Турсунов томонидан топилиб, тарихшуносларга туҳфа этилган.

“Зарафшон” газетасининг 2000 йил апрель сонида Самарқанд шаҳридаги “Ўзбекистон маданияти ва санъати музейи” олимлари томонидан “Самарқанд-3500 ёшда” мақоласи эълон қилиниб, унда Жом қишлоғининг Сигиртепа ҳудудидан топилган бронзадан ишланган тешанинг бундан 35 аср олдин ясалганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Жомнинг ғарбий томони, Гирдиқўрғон–Каримовул Фермасой–Каттақўтал йўналишига эътибор қилинса, қирлар қирқилиб кетгандек кўринади. Бунинг боиси, қадимда шу йўналишда қўл меҳнати билан карвон йўллари бунёд этилган. Карвон йўлининг жануб томонида, жумладан, Авлиёли Дашт ва Номсизтепадан одам суяклари топилди. Бироқ бу жойларда яқин ўтмишда қабристон бўлганлигини ҳеч бир жомлик эшитмаган.

Номсизтепада уч кўҳна қабрнинг аниқланиши, айниқса, диққатга сазовор. Бу мазорлар бронза даврига мансуб бўлиб, марҳумлар тириклик пайтида фойдаланган буюмлари ва ҳар хил тақинчоқлари билан биргаликда дафн этилган. Аёллар кўмилган гўрдан бронза ва мислардан ясалган билакузуклар, сирғалар, мунчоқлар, ҳар хил ҳайвонлар шаклида ишланган тўғноғичлар топилди. Археолог олимларнинг аниқлашича, бу буюмлар 3500 йиллик тарихга эга.

ЎзФА Я.Фуломов номидаги археология институти томонидан Нуробод тумани ҳокимлиги ва Жом ҚФЙга берилган ёзма хулосада эрамиздан олдинги VII-IV асрларда ҳам бу ҳудудда маданият, санъат тараққий этганлиги, буни қишлоқнинг қир-адирларидан топилган археологик ёдгорликлар, қоятош суратлари исботлаб турганлиги баён қилинган. Қўшимча тарзда айтиш мумкинки, 1983 йилдан буён жомлик археолог А.Ёрқулов томонидан топилган ва тўпланган осори атиқалар ичида, қисқача таърифласак, сўнгги полеолит давридан шу кунларгача бўлган турли замонларга оид ноёб ёдгорликлар мавжуд.

Яккатол қири устидан Хуршида Норқулова топган чақмоқтошнинг ясалганига 7000 йилдан ошган дея тахмин қилинади. 2000 йилда Ҳафринсойнинг Қайрағочидан ота бола Шокир ва Нажмиддин Ибрагимовлар топган

тошқирғични ўрганган археолог олимлар Жомда бундан 12-14 минг йиллар олдин ҳам одамлар яшаган деган мазмундаги хулосани беришган эди. Археолог А.Ёрқулов томонидан Газабетдан топилган тошболтага олимлар 24 минг ёшни тахмин қилишмоқда. Бу маълумотлардан ибтидоий жамоа даврларида ҳам Жомда аждодларимиз яшаганлиги шубҳасиз бўлиб чиқмоқда. Жомда азалдан инсонларнинг яшаганлигини бу ҳудудда қадимдан иссиқ иқлим шароити, ёввойи ҳайвонлар ва булоқларнинг кўп бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Доно қадимшунослардан бирининг “маданиятлар ҳар доим сув изидан юрган” деган фикри айна ҳақиқатдир. Чунки қаерда сув бўлса, у ер обод воҳага айланган, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, аста-секин катта-кичик шаҳарлар пайдо бўлган. Бизнинг жондан азиз Жом ҳам худди шу тарзда бунёд бўлган, ривожланган, тараққий этган дея бемалол айтишимиз мумкин. Қишлоқнинг гуллаб-яшнашига, қадр топишига яна бир омил, бу унинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганидир. Тошкент–Самарқанд–Қарши–Қобул–Қандаҳор ҳамда Хива–Бухоро–Тим–Шаҳрисабз йўналишида қатновчи карвонлар худди қадим замонлардаги каби ҳозир ҳам Жом орқали ўтишади. Биз бу жиҳатлар билан ҳам ғурурланамиз.

Жом бугун ҳам ўз мавқеини, шон-шавкатини бой бергани йўқ. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида эътиборга эга. Бу ҳудуддан худди илгари бўлганидек ҳозирги даврда ҳам кўплаб таниқли инсонлар, раҳбар ходимлар, олимлар ва ижодкорлар етишиб чиққан. Жумладан, Маҳмадўст Холбозоров, Тоҳир Одиров, Бурхон Турсунов, Шукур Расулов, Ўрол Бозоров, Эргаш Эсонов, Пўлат Раҳмонов, Турумназар Мўминназаров, Бердимурод Равшанов, Худойназар Давронов, Мамат Абдуллаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Орол Эрназаров, Дилором Ёрматова, Эштурди Раҳимов каби жуда кўплаб илмпарвар, элпарвар оқсоқоллар, зиёлилар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши Жом ҳаётида ҳам янги бир даврни бошлаб берди. Истиқлолнинг илк палласида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, туб ислохотлар бу улкан қишлоқ қисматида ҳам ўз аксини топди. Янгидан янги маиший-маданий объектлар барпо этилди, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Албатта, истиқлол, ўтиш даври, илк ободончилик ишлари ҳақида сўз борар экан, бу ўринда Республикамининг Биринчи Президенти Ислом Абуғаниевич Каримовни ёдга олиб ўтишимиз керак бўлади. Ислом Каримов яхши амаллари билан мамлакатимизда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқлар қалбидан ўчмас ўрин эгаллади. Ўзининг зукко сиёсатчи ва талантли раҳбар эканлиги билан бутун жаҳон сиёсатдонларини ҳам лол қолдириб, дунёнинг энг нуфузли давлат арбобларидан бирига айланди. Жамиятда шахснинг роли қандай бўлишини бор бўй-басти билан намоён этди.

Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш азим Самарқанд шаҳрининг Шоҳизинда мажмуаси ёнидан ўтар эканмиз, транспорт воситаларидаги радиоларнинг ўчирилишига, ўтганарни, жумладан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номини алоҳида тилга олиб Қуръон тиловат қилинаётганига кўп бор гувоҳ бўламиз ва чексиз меҳр-оқибатли халқимиз борлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Ислом Каримов сўзи билан иши бир инсон эди. Ҳақиқатан, элим деб, юртим деб, ёниб умр кечирди. Она юртимизнинг бахти, тинчлиги ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиб, “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним” шиори-ла яшашни барчамизга васият қилиб, гуллаб-яшнаётган мамлакатни ишончли қўлларга қолдириб кетди.

Бугунги кунда давлатимизни бошқариб келаётган оловқалб, довюрак инсон – Шавкат Миромонович Мирзиёев у кишига муносиб издош, лаёқатли шогирддир. 2017 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 461 805 сайловчидан 17 951 667 нафари иштирок этиб, улардан 15 906 724 нафари, яъни 88,61 фоизи Шавкат Мирзиёевни ёқлаб овоз берди. Хорижий мамлакатлардан келган кузатувчилар холис ва қизғин сайлов жараёнини самимий эътироф этишди. Жомликлар ибораси билан айтганда, “шуйтиб, учқур тулпор тизгини моҳир ва чапдаст чавондоз қўлига ўтди”.

Буюк аждодларга, улар яратиб кетган моддий, маънавий ва интеллектуал меросга садоқатни, Она ватан учун хизмат қилган инсонларни ардоқлашни, устозга эҳтиромни, мамлакат тараққиёти йўлида қандай меҳнат қилишни, одамларни ҳаракатга келтиришни, инсон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишни, инсонларга юксак ҳурмат кўрсатишни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бугунги кунда шак-шуҳбасиз юксак босқичга олиб чиқди. Бу борада ўзи алоҳида ўрнатқуч кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида халқ манфаатлари энг юқори ўринга қўйилди. 2017 йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” каби ғояларнинг олға сурилиши, давлатимиз раҳбарининг жойларда халқ билан бевосита мулоқотлар ўтказиб, кўтарилган мавжуд муаммоларни ўз ўрнида ҳал этиши, 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиб, доимий фаолият кўрсатиши, халқимизни кўнглидаги гапларни тўғридан-тўғри айтишга, ўз ҳуқуқларини мавжуд қонунлар доирасида талаб қилишга ўргатди. Буни мамлакатимиз ҳаётида сўнгги йилларда эришилган энг улкан ютуқлардан деб ҳисоблаймиз.

Юқоридатаъкидлаганимиздек, Истиқлол Жомқишлоғида ҳам туб ислохотлар, улкан бунёдкорликлар даврини бошлаб берди. Жумладан, қадимий Ғиштбанд сув омборининг тикланиши фикримизнинг яққол далилидир. Албатта, мазкур сув иншооти узоқ бир тарихга эга. Тарихчиларнинг таъкидлашича, у илк бор XII асрда, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган экан. Ушбу сув омборида ўша замонларда 300 минг метр куб сув захираси ҳосил қилинган ва ундан фойдаланиб 250-300 гектардан ортиқ ерда аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган, стратегик аҳамиятга молик бўлган Каттатепа ва Қўрғон атрофларидан қазилган чоҳлар сувлар билан тўлдирилиб, ташқи душманлардан

ҳимояланилган. Асрлар оша табиий равишда лойқа босиш, емирилиш туфайли Ғиштбанд сув омбори йўқ бўлиб кетган эди. Мана, мустақиллик шарофатидан у яна қайта тикланди. Умумий қиймати 3 миллиард 347 миллион 823 сўм бўлган қурилиш ишлари 2015 йил 5 мартда бошланиб, 2016 йил июль ойида якунланди. Албатта, бу улкан бунёдкорлик ҳақида ҳикоямиз давомида батафсил тўхталамиз.

Яқин келажақда Жомнинг Толли, Бешбулоқ, Баччакалон, Сувлисой, Боймат бобо, Қудуқча, Отқамар, Яккатол, Авлиёли Дашт, Каттасой, Ёйилма, Яккабулоқ, Анжирли каби бир қатор ҳудудларида селга қарши тўфонлар қуриш режалаштирилди ва ушбу йўналишда маълум ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Яккатолда ва Авлиёли Даштда сел тўфонлари қурилса, яна қўшимча 1,5 миллион метр куб сув захираси ҳосил қилиниб, натижада 1500 гектар ерга оқизиш ёки тўрт минг гектардан ортиқ ерда томчилатиб суғориш деҳқончилигини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бундай бунёдкорлик ишлари қишлоқнинг кўп минг сонли аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайди. Катта-кичик тўфонлар қуришдан ҳосил бўладиган мўл сув, равон ва кенг йўллар, Жом электр нимстанцияси келажақда Жом шаҳрини бунёд этишга асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун танлов асосида Жомга ички ва ташқи инвесторларни жалб қилиш, қишлоқдаги иморатларни шаҳарсозлик режасига мос равишда тоғ ёнбағирларида қайтадан қуриш, тоғлар оралиқларида агросаноат корхоналарини бунёд этиш, қир-адирлар ва унумдор ерларда иқлимга мос деҳқончиликни йўлга қўйиш, замон талаблари даражасидаги хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш талаб этилади. Шунда Жом қишлоғи, қир-адирлари, тоғлари яшилликка бурканган, сўлим, бетакрор, кўркама, сайёҳларбоп Жом шаҳрига айланади.

XX асрнинг бошларида асли Сариққўл қишлоғидан бўлган мулла Умир Самарқанд ҳокими этиб сайлангач, ҳар йили бир марта ҳафта давомида Анжирли қишлоғида эл-улусга тўй-тантана ташкил этиб берган. Бу йиғин “Мулла Умирнинг сайили” номи билан машҳур бўлган. Анжирлининг бу жойи ҳозир ҳам “Сайилжой” аталади. Сайил кунлари улоқ чопилган. Сайил думбурида мулла Холиқул чавандоз билан Ўсарбойнинг ораси бузилиб, полвон бойнинг Бўз отини минмай юрган. Бироқ Ўсарбойнинг ўғли Йўлдошбойда йирик кўк от бўлиб, мулла Холиқул полвон сайил кўпкариси куни ўзининг кичикроқ отидан тушиб, шу кўк тулпорни сўраб олади. Сабаби, дашт отларидан Чархин каби сувли ерларнинг отлари йирик бўлиб, уларга Йўлдошбойнинг кўкидан бошқаси тенг кела олмасди.

Кўпкаридан қайтишда мулла Холиқулга қишлоқдош шериклари, “Полвон, бой билан муносабатларингиз яхши эмасми, отини тилаб олдингиз”, деб пичинг қилишди. Шунда мулла Холиқул, “Сизлар нимани биласизлар, улоқ зот олиш учун эмас, элнинг ори учун чопилади, Жомнинг у ёғидагилар ҳам, бу ёғидагилар ҳам бой билан мени “жомлик”, яъни бир одам деб билишади, қишлоқ ичидаги гап-сўзлар амал эмас”, деб жавоб берган.

Бу ривоятни бежиз келтирмадим, албатта. Мулла Холиқул бобонинг гаплари

аввало элга, қолаверса, Она ватанга садоқатнинг оддий бир намунасидир. Мамнуният билан таъкидлашни истайманки, бугунги кунда ҳам Жомда худди шундай аҳил, элпарвар, ор-номусли инсонларнинг авлодлари истиқомат қилмоқда. Худди шундай боши баланд, кўкси тоғ ҳамқишлоқларимиздан бири Эштурди Раҳимовдир. Янада очикроқ айтар бўлсак, Эштурди бобо мазкур асаримизнинг бош қаҳрамонидир. Нима учун? Чунки жомликларга хос жўмардлик, юртга садоқат, ҳалоллик, донишмандлик шу кишида мужассам. Эштурди Раҳимовни нафақат туманимиз ёки вилоятимизда, балки бутун Республикада ҳам яхши танишади десак асло муболаға эмас. Чунки бу қадрдон ҳамқишлоғимиз ўзининг олижаноблиги, меҳмондўстлиги, ҳожатбарорлиги билан юртимизнинг чекка туман ва шаҳарларида ҳам доврўф қозонган.

2014 йилнинг 27 декабрида Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида катта мажлис бўлиб ўтди. Йиғилишга вилоят ҳокими Зойир Тойирович Мирзаев раислик қилди. Йиғилиш сўнггида Зойир Тойирович зал аҳлига қараб 29 декабрь куни бўладиган анжуманга Жомдан Эштурди Раҳимовнинг иштироки шарт, у қолиб кетмасин деди. Бу гапни бизга шу куни мажлисдан чиқиб келган Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Тоштемир Эшимович Остонақулов айтиб берди. Бу гап менда фахр туйғусини уйғотди. Боиси Э.Раҳимов тимсолида вилоят раҳбарияти томонидан Жом эли улуғланаётган эди. Бу хабарни эшитиб, Э.Раҳимов билан кўнғироқлашдим. “Менга вилоят ҳокимлигидан икки марта кўнғироқ қилиб, анжуманга таклиф этишди”, деди Эштурди ака.

29 декабрь куни Самарқанд вилояти фаолларининг янги йил анжумани ва концерти Самарқанд телевидениеси орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди. Э.Раҳимов вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаси билан тақдирланди. Анжуман охирида вилоят ҳокими З.Мирзаев Жомда қилиниши керак бўладиган янги қурилиш ишлари тўғрисида сўзлаб, бафуржа гаплашиш учун Э.Раҳимовдан янги йил байрамидан сўнг алоҳида келишини сўради.

Э.Раҳимов бундай ҳурмат-эҳтиромга қандай эришди? Албатта, бунга Жом элининг қонуний хоҳиш-иродасини мамлакат раҳбариятига ёзма равишда олиб чиқиш ва бу ишларни охирига етказмасдан тиниб-тинчимаслиги сабаб бўлди. Давлатимиз томонидан мамлакат, халқ, эл манфаати йўлида заҳмат чекадиган инсонлар шундай улуғланади.

Шу ўринда буюк мутафаккир, шоир ва саркарда Заҳириддин Бобур қаламига мансуб, гўё Эштурди ака каби фидойи инсонларни назарда тутиб ёзилган кўйидаги сатрлари ёдимизга тушади:

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

Дарҳақиқат, шундай. Яхшилик – бу мангулик дарвозасининг калитидир.

Жомдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида унинг фаоллари орасида кўп марта юзкўрмас даражадаги тортишувлар бўлиб турди, бироқ мулла Холиқул бобо фалсафасига содиқ қолган қишлоқдошлар,

юзага келган шароитдан келиб чиққан ҳолда бир-бирларини тўғри тушуниб, эл манфаати йўлида ҳар бири ўзининг қўлидан келадиган барча юмушларни бажараверишди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий хайрихоҳликлари ва бевосита ёрдамлари билан Жом қишлоғи ва жомликлар манфаати йўлидаги буюк мақсадларга эришишда Э.Раҳимов йўлбошчи, фаоллар унинг қанотлари, эл эса мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилди.

Биз қуйида худди шундай бунёдкорлик ишларининг тафсилоти, жараёни билан муҳтарам китобхонларни таништириб ўтамиз.

ҒИШТБАНД СУВ ОМБОРИ

Ер юзида глобал исиш жараёни рўй бермоқда ва бу кўплаб нохуш ҳодисаларга олиб келмоқда. Яшаш шароитининг ўзгариши оқибатида кўплаб жонзотлар қирилиб кетмоқда, кескин ер эрозияси ва чўлланиш содир бўлмоқда, ичимлик сувига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу вазият мавжуд сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб рационал фойдаланишни, янги сув захираларини ҳосил қилишни талаб этади. Деҳқончилигимизга томчилатиб суғориш усулининг жорий этилиши исрофгарчиликка йўл қўймасдан сувдан унумли фойдаланишнинг энг мақбул йўли эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Республикамизда қўшимча сув захираларини ҳосил қилиш имкониятлари жуда катта. Бунинг учун тоғларда, тоғ олди ҳудудларида асрлар оша бесамар оқиб ўтаётган, қор ва ёмғирлардан пайдо бўладиган жилғаю сойларни катта-кичик сув омборларига тўплаб, улардан оқилона фойдаланилиш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XII асрда, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Жом қишлоғининг Омондара сойи қирғоқлари юқори шарқий қисмида, Бешбармоқ қишлоғидан 1,5 км ғарбда, шимол томондан Бўлакчоғол ва жануб томондан Қорачоғол тоғларининг тор дарасида йўнилмаган, юзлари текис тошлар, алибастер ва ўсимлик кули аралашмасидан Ғиштбанд сув омбори қурилган.

Рус олимлари И.А.Сухарев ва В.И.Котовскийларнинг 1936 йил 23 августда Ғиштбанд сув омбори қолдиқларини ўрганиб, ёзиб қолдирган маълумотларига кўра, юкорисидан пастигача бузилган Ғиштбанд тўғони пойдевори қалинлиги тўққиз, баландлиги шимол томонда олти, жануб томонда етти, ўрта қисмининг эни икки метрдан ортиқ бўлган экан. Тўғоннинг икки тоғ оралиғидаги пастки қисми олти, юқориси эса ўн икки метрдир. Анча йиллар бурун қишлоқ кексаларининг айтишларича, сувнинг сатҳини маромида сақлаш учун тўғоннинг ўртасига тагма-таг қилиб учта тешик қўйилган.

«Ўзбек совет энциклопедияси»нинг 14-томида қуйидагича қайд этилган: "Ғиштбанд XII асрдаги сув омбори тўғонининг қолдиғи бўлиб, Омондарасойнинг энг тор қисмида жойлашган, ҳозирги баландлиги 9 м, узунлиги юқори қисмида 24,5 м, асосида 10 м; қалинлиги юқорисида 5,5 м, асосида 9 м, сув тўпланадиган ички томони тик, ташқариси зинапоя шаклида, XII асрда чуқурлиги

9 м, узунлиги 700 м, кенлиги тўғон олдида 25 м, юқори томонида 100 м бўлган, ёғин сувлари омборга тўпланиб, қарийб 300 минг метр куб сув захирасини ҳосил қилган, Ғиштбанд туфайли Самарқанд ва Қарши оралиғидаги қадимги карвон йўли ёқасида мустақкам қалъа қад кўтарган, қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатепа деб аталади, у Ғиштбанддан 5 км ғарбда жойлашган, бу сув омбори туфайли Жом қишлоғининг ўзида 250-300 га ер майдони суғорилиб обод этилган, орадан йиллар, замонлар ўтиб Ғиштбанд сув омбори нураш, лойқа босиш натижасида яроқсиз ҳолга келган”.

Машҳур археолог, профессор А.Р.Муҳаммаджоновнинг 1962 йилда берган маълумотига кўра, бу сув омбори қурилган сойнинг кенлиги 8-10 метрдан ортиқ эмас. Тўғоннинг тепадаги узунлиги 25,5 м, пастдагиси – 10 м, тепадаги қалинлиги – 5,5 м, негизидагиси эса – 9,1 м. Тўғон сақланиб қолган қисмининг баландлиги – 7-8 м, аввалги, яъни илк баландлиги – 9 м. Тарихий обида даражасидаги объект бўлган Ғиштбанд сув омборини қайта тиклаш жомликларнинг азалий орзусидир.

Қишлоқнинг Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида туғилиб, айти пайтда Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи Турсунмурод Норбеков 2011 йилнинг 27 декабрида Россиядан тайёр электр станция олиб келиб, уни Жомда қуриш ташаббуси билан чиқди. Кўп ўрганиш ва изланишлардан сўнг Т.Норбеков менга “Сиз қишлоқдаги электр станция қуриш мумкин бўлган жойларни яхши биласиз, мутахассислар билан бирга бориб кўрайлик”, деди. 2012 йилнинг 7 майида сув ишлари бўйича Республиканинг етук мутахассисларидан бири Зоир Ҳакимович Жўрабеков ва “Зарафшонлоийҳа” ХК бош муҳандиси Ўктам Бобобековлар билан бориб Ғиштбандни ва Омондарасойнинг электр станция қуриш мумкин бўлган бошқа жойларини биргаликда кўрдик. З.Жўрабеков Ғиштбандни олдин ҳам Нуробод туман ҳокими, тумандаги бошқа раҳбарлар, шунингдек, жомлик оқсоқоллар билан келиб кўрганликларини, сув камлиги туфайли электр станция қуриб бўлмаслигини, бироқ сел тўсар тўғончалар қуриш мумкинлигини айтди.

2012 йилнинг 10-11 май кунлари бўлиб ўтган сел тошқинлари оқибатида талафотга учраган кўприкларнинг ҳолатини аниқлаш учун вилоят ҳокимлигининг комиссияси 2012 йилнинг 17 майида Жомга келиб, аҳволни атрофлича ўрганишди. З.Жўрабеков, вилоят Инжиниринг компанияси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлимининг бошлиғи А.Муродқобилов, “Самарқандавтойўл” директори Д.Эрмаматов, вилоят Фавқу-лодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи подполковник В.Ашурматовлар сел тошқинлари олдини олиш борасида фикр юритиб, Фарғона водийсида кичик-кичик сел тўсар тўғонлар қурилганлиги туфайли сув тошқинларидан зарар кўриш кескин камайганлигини айтишди. Шунда А.Муродқобилов наҳотки Омондарасойнинг юқори қисмида шундай сел тўсар тўғончалар қуриш мумкин бўлмаса, деб қолди. Э.Раҳимов бунга имкониятлар борлиги тўғрисида сўзлаб, қадимий Ғиштбанд сув омбори тўғрисидаги тарихий маълумотларни кўрсатди. Суҳбат асносида Зоир Ҳакимович яқинда Ў.Бобобеков ва икки жомлик билан электр станция қуриш масаласида Ғиштбандни бориб кўрганликларини, бу жой сел тўсар тўғон қуриш

учун жуда мос эканлигини маълум қилди.

2013 йилнинг 22 сентябрь куни Пастдарғом туманидаги Сайрам қишлоғига бир сабабга кўра борган пайтимиз, гапдан гап чиқиб суҳбат яна Ғиштбанд мавзусига кўчди. Мен Ғиштбандни тиклаш масаласини таклиф этдим. Олдиндан шундай фикрда юрган Эштурди Раҳимов бу таклифимни ижобий қабул қилди.

Ўша йилнинг октябрь ойида Э. Раҳимов Самарқанд Давлат музейига бориб, унинг директори Маҳмуд Бобоёровдан архивдан Жом қишлоғига оид материалларни топишда ёрдам беришини сўради. Натижада икки музей ходими 1936 йил 23 августда олимлар И.А.Сухорев ва В.И.Котовскийларнинг Жом, Бешбармоқ, Анназират, Гумбаз, Йўрғабулоқ қишлоқларига қилган сафари тўғрисидаги асл қўлёзмаларни топишди. Унда “Ғиштбанд” сув омбори Акмал Икромов тумани Чўнқаймиш қишлоқ советининг Бешбармоқ қишлоғидан 1,5 км пастда эканлиги кўрсатилган эди.

2013 йилнинг 17 декабрь куни Самарқанд шаҳридаги Нодирабегим кўчасида жойлашган “Ягона” қаҳвахонасида Э.Раҳимов ва Т.Норбековлар иштирокида Ғиштбандни тиклаш масаласини яна муҳокама этдик. Бундан кейинги маслаҳатлар ҳам шу ерда бўлиши келишиб олинди. Ушбу учрашувда Э.Раҳимов бизларга қуйидаги маълумотларни берди: “2013 йил май ойининг бошларида Жом қишлоғидаги 2012 йил 11-12 май кунларида бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликлар оқибатида яроқсиз ҳолга келган тўртта Омондара, Дўғоб, Ҳафрин ва Каримовул кўприklarини қайта қуриш ҳаракатлари билан юрганимда ЎзФА Археология институти директори Амириддин Бердимуродов билан учрашиб қолдим. Олдиндан танишмиз, ҳол-аҳвол сўрашгач, менинг қандай ташвишлар билан юрганлигимни сўради. Айтдим. Савобли ишга қўл урибсиз, ғайрат қилинг, ишни тўхтатманг дея далда берди, яна битта савобли иш бор, шуни ҳам қилиш керак деб қўшиб қўйди. Мен нима ишлигини қизиқсиниб сўрадим. У жавоб берди. Қишлоқларингизда қадимий, тарихий Ғиштбанд деган сув омбори бўлган. Шу ёдгорликни тиклаш керак, агар бу масалани ҳурматли Бош вазир Шавкат Миромонович Мирзиёев билса, давлат томонидан тегишли кўмак олишда ёрдам беради. Шунга ҳам бир ҳаракат қилинг, мен тегишли ҳужжатларни топишда сизга ёрдамлашаман, деди. Маълум вақтдан сўнг у киши мени қайта учрашувга таклиф этиб, профессор Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг Ўзбекистон ССР ФАсининг мухбир аъзоси профессор Я.Ғуломов бошчилигидаги Махандаран археологик гуруҳининг Ғиштбанд сув омбори тўғрисидаги 1962 йилда ёзилган маълумотини тутқазди ва тегишли ҳужжатларни йиғишни ва ҳукуматга сув омборини қайта тиклаш борасида мурожаат қилишни маслаҳат берди, бу тўғрида маҳаллий матбуотга мақола билан чиқишни ўзининг катта илмий ходими Сирожиддин Суюновга топширди. 2013 йил 13 сентябрда Нуробод газетасининг 31-сонида “Қадимги Ғиштбанд сув омбори” номли мақола босилиб чиқди. Мен мақолага бир қатор ҳужжатларни қўшиб Нуробод туман ҳокими Жамол Хайруллаевич Ибрагимовга кирдим ва унга масалани билганимча баён қилдим. У киши бир оз мулоҳаза қилиб, Бош вазир номига чиқиш қилиш керак дея фикр билдирди. Бир қанча кишиларга бу борада учрашдим. Бу масала оғир, илгари 1949 йилда ҳам мурожаат қилинган.

Бироқ натижа бўлмаган деган фикр билдиришди улар”.

Бу гапларни эшитган Турсунмурод Норбеков деди: “Эштурди Раҳимович, бундай улкан ишни ҳозирги қишлоқдошларимиз ичида сиздан бошқа ҳеч ким бажара олмайди. Сизда зарур пайтда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдиган керакли сўзларни топиб одамлар билан эътирозга ўрин қолдирмай гаплашиш, ҳужжатларни меъёрида юритиш, ишни охирига етказмасдан тинчимасликдек ноёб хислатлар бор. Улардан элимизнинг порлоқ келажаги учун фойдаланишимиз керак. Агар шу иш битса, аввало, тарихий обида тикланади, республикамызда туристлар борадиган яна битта қўшимча объект пайдо бўлади, Жомда табиий иқлим, экология маълум даражада яхшиланади. Туманимиз дашт-чўл минтақада жойлашган, шунинг учун болалар оромгоҳларини ташкил этишга катта имкониятлар туғилади. Балиқчилик ташкил этилади. Гидроэлектр станцияни қуриш ҳам мумкин бўлар? Қанча боғ-роғлар пайдо бўлади. Кузда сув камайгач, тўпланган тоза қум-шағаллардан қурилиш ашёлари сифатида фойдаланилади. Кўп одамларимиз ишли бўлади. Энг асосийси, келажак авлодлар аждодларининг бунёдкорликларидан фахрланиб, шундай ишларни бажаришга ҳаракат қилишади. Бизлар кўпчилик қишлоқдошларимиз қатори Самарқанд шаҳрида Пирназар ака билан сизни қўллаб-қувватлаб турамыз”.

Бу суҳбатдан сўнг Эштурди Раҳимов қишлоқнинг Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон ва Жом маҳаллалари оқсоқоллари ҳамда гапга етарман инсонлари билан Ёиштбандни тиклаш бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборди.

Э.Раҳимов 2014 йил 8 январда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Акмал Жумаев қабулига борди, у ерда умрини сув хўжалиги тараққиётига бағишлаган ажойиб инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Ўрол бобо Жумаев, Мусурмон Махмановлар ўтиришарэди. Э.Раҳимов уларга Ёиштбанд тўғрисида фикрларини баён қилиб, тегишли дастлабки ҳужжатларни кўрсатди. Улар шундай қадимий иншоот борлигини ҳалигача билмасликларидан ҳайрон қолишиб, уни қуриш керак дейишди ва тезда тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини, сув омбори жойлашган ҳудуднинг топотасвирини тайёрлашни маслаҳат беришди.

2014 йилнинг 15 январь куни Эштурди Раҳимов Самарқанд шаҳридан Зарафшон сувлойиҳа хусусий фирмаси мутахассиси Ўктам Бобобековни Ёиштбандга олиб борди. Ў.Бобобеков жойнинг топотасвирини қай йўсинда тайёрлашни маслаҳат берди. Э.Раҳимов Самарқанд сувлойиҳа институтига бориб Ёиштбанд ер майдонининг топотасвирини тайёрлаш тўғрисида ушбу соҳа мутахассиси Ўткир Хўжақуловнинг розилигини олди. 2014 йил 21 январда Ў.Хўжақулов Ёиштбанд ер майдони топотасвирини тайёрлади. Зарафшон сувлойиҳа хусусий фирмаси мазкур объектнинг хомаки лойиҳа-сметасини ишлаб чиқди.

Тайёрланган ҳужжатлар Самарқанд ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг етакчи мутахассиси Ўрол бобо Жумаевга олиб борилди. Ўрол бобо Жумаев, Э.Раҳимов, Зарафшон лойиҳа хусусий корхонаси бош муҳандиси Ўктам Бобобеков ва корхона директори Толмас Эсоновлар Ёиштбандни қуриш

тўғрисида кенгашдилар. Ў.Бобобеков хомаки лойиҳа-сметани тайёрлаш учун ер ресурслари кадастридан ҳудуднинг харитаси, Самарқанд гедрометериология бошқармасидан кейинги 30 йиллик ёғингарчилик миқдори тўғрисидаги маълумотлар кераклигини айтди. Бу ҳужжатлар 2014 йилнинг 13 январидан №35-сонли хат билан олинганлиги туфайли улар тақдим этилди. 2014 йилнинг 26 февралда Ў.Бобобеков Ёиштбанд сув омбори тахминий лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб Э.Раҳимовга берди.

Тўпланган ҳужжатлар ва уларга асосланиб ёзилган аризани Э.Раҳимов 2014 йилнинг 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига топширди. Қабулхона ходими Эркин Юсупов аризага бир ой ичида жавоб бўлишини маълум қилди.

2014 йилнинг 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари Ахборот-таҳлил Департаментининг №18-8-8/1870-сонли Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Иқтисодиёт вазирлигига, Самарқанд вилояти ҳокимлигига, нусхаси Жом қишлоқ фуқаролари йиғини ва бошқаларга юборилган хатига асосан 2014 йилнинг 7 мартда Ўрол бобо Жумаев Э.Раҳимовга телефон қилиб, 9 мартда Ёиштбанд сув омбори ҳудудини ўрганиш учун ўзининг раҳбарлигида Самарқанд вилояти ҳокимлигининг жами 7 кишидан иборат тафтиш ҳайъати боришини маълум қилди ва иш айтилган муддатда бажарилди.

2014 йилнинг 10 мартда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Самарқанд вилоятига бириктирилган вакили Бахтиёр Мирзажонов ва Самарқанд вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Фарҳод Мажидовлар бошчилигидаги тафтиш ҳайъати яна қайтадан Ёиштбанд сув омборининг жойлашиши, табиий ўрнини ўрганишиб, қурилишни мақсадга мувофиқдеятопиб, далолатноматузишди. 2014 йилнинг 12 мартда №03/36-сонли хат билан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Республика Вазирлар Маҳкамасига, Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Иқтисодиёт вазирликларига Ёиштбанд сув омборини қуришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида чиқиш қилди. Вазирлик мурожаат юзасидан 2014 йилнинг 14 мартда №08/27-201-сонли хат билан Ёиштбанд сув омбори қурилиши келгуси йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Самарқанд вилояти ҚКБД-12 (Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги қурилаётган корхоналарни бирлаштириш дирекцияси) ташкилоти тақдимига асосан бажарилишини маълум қилди. ҚКБД-12 2014 йилнинг 27 мартда Вазирликка Ёиштбанд сув омбори қурилиши бўйича аниқ харажатлар суммаси кўрсатилган маълумотни топширди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Мамутов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958 сонли қарорига асосан беш йиллик Давлат дастури шаклланганлиги, ушбу Давлат дастурига 2013-2017 йиллар даврида

Самарқанд вилояти томонидан берилган таклифларга кўра, вилоят ҳудудида биринчи навбатда амалга оширилиши режалаштирилган сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари киритилганлигини, 2014 йилда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун вазирликка ажратилган капитал маблағлар, объектлар кесимида тўлиқ тақсимланганлигини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганлигини маълум қилиб, юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, Ёиштбанд тўғонини қайта қуриш масаласининг устуворлигидан келиб чиқиб, келгуси йиллар дастурини шакллантириш жараёнида вилоят томонидан бериладиган иқтисодий самарадорлиги асосланган таклифларга кўра белгиланган тартибда кўриб чиқилишини маълум қилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига 2014 йил 7 апрелида йўллаган №02/27-277-сонли хатида Ёиштбанд сув омбори қурилган тақдирда киритиладиган таклифларнинг аниқ кўрсатилишини сўради.

Бошқарма 2014 йилнинг 10 апрелида юқоридаги хат талабларидан келиб чиқиб ўзининг №01/91-сонли хатида Ёиштбанд сув тўғони қурилган тақдирда қуйидаги ижобий ҳолатлар юзага келишини маълум қилди:

- баҳор ойларида келадиган катта миқдордаги сел сувлари Омондара сойи атрофида қурилган уйларни бузиб кетиш хавфи бартараф этилади;
- Жом сойида қурилаётган қиймати 635 миллион сўмлик Омондара, 674 миллион сўмлик Омондара сой билан Толли сой сувларининг қўшилиш жойидаги Дўғоб, 538 миллион сўмлик Ҳафрин сой, 562 миллион сўмлик Каримовул кўприklarининг вайронага учрашидан сақланади;
- Жом қишлоғидаги 2250 хўжалиқда яшовчи 22000 аҳоли ичимлик суви билан таъминланиши кескин яхшиланади, 350 гектар экин майдони бемалол суғориладиган бўлади;
- сувни тежашнинг янги технологияларини жорий қилиш асосида 200 гектар янги ерларда мевали дарахтзор боғлар барпо қилишга ва кенгайтиришга, йил давомида фойдаланиш учун 360 минг метр куб сув сарфи йиғилиши имконияти яратилади, бунинг ҳисобига қишлоқда яшовчи аҳоли янги иш ўринлари билан таъминланади.

Э.Раҳимов 2014 йил 31 март куни эрталаб Жомдан Тошкентга етиб бориб, тайёрланган ҳужжатларни тегишли манзилларга топширди, сўнгра Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Мадаминжон Турсунович Қурбонов қабулида бўлиб, Ёиштбанд тўғони қурилиши ва уни тезлаштириш тўғрисида суҳбатлашди. М.Т.Қурбонов Самарқанд вилояти ҳокимлигидан сув тўғони қурилишини тезлаштириш тўғрисида хат олиб келинса, шу кунларда шакллантирилаётган 2015 йил давлат дастурига киритилишини маълум қилди. Тошкентдан Самарқанд вилояти ҳокимлигига етиб келган Э.Раҳимовга Нуробод тумани ҳокимининг шу мазмундаги хати кераклигини айтишди. Э.Раҳимов Нуробод туман ҳокимлигига етиб келиб, ҳокимнинг вилоят вакиллари билан Собирсой сув омбори комплексида эканлигини, соат 16.00 лар атрофида келишини аниқлаб олди. Нуробод тумани ҳокими Жамол

Хайруллаевич Ибрагимов Ёиштбанд тўғони қурилишини тезлаштиришга ва 2015 йилнинг манзилли дастурига киритилишига амалий ёрдам сўраб, 2014 йил 31 март санаси билан тайёрланган №01-2/1-115-сонли хатини Самарқанд вилояти ҳокимлигига топширди. Шу куни Э.Раҳимов Тошкентга қайтиб бориб соат 22.00 да Мадаминжон Турсунович Қурбоновга Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ш.Ж.Тешаев номига 2014 йил 31 март санаси билан тайёрланган №03/1-229-сонли хатини топширди.

Йўловчи транспортда Жомдан чиқиб, бир кун ичида Тошкентдан кўрсатма билан Нурободга келиб, дастлаб туман ҳокимининг, сўнгра вилоят ҳокимининг хатини олиб, шу куни қайтадан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига олиб бориб топшириш кекса ҳамқишлоғимиз учун ўзи бўлмагандир? Етмиш ёшли инсоннинг эл манфаати йўлидаги бир кунлик машаққатли меҳнати, дастлаб 2019 йилга мўлжалланган Ёиштбанд тўғони қурилишини 2015 йил манзилли дастурга киритилишига олиб келди.

2014 йилнинг 25 апрелида “Ягона” қаҳвахонасида бўлган навбатдаги суҳбат чоғида Э.Раҳимов деди: “Мадаминжон Турсунович ажойиб раҳбар экан, жуда яхши қабул қилди. Сув танқис бўлиб турган даврда, жуда савобли, керакли ишга бел боғлабсизлар, ишни бир зум тўхтатмасдан охирига етказинглар, бизлар ёрдам берамиз деб зўр маслаҳатлар берди”.

2014 йилнинг 16 апрелида Самарқанд ҚКБД-12 (Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси) маъмурияти Ёиштбанд сув тўғони қурилиши бўйича умумий маълумотни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этди. Мазкур ҳужжат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари октябрь ойигача, эксперт хулосалар ноябрь ойи охиригача яқунланиши ва қурилиш ишлари 2015 йилда бошланиши маълум қилинди.

Э.Раҳимов 2014 йилнинг 7 майида аҳволни билиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг капитал қурилиши бошқармасининг бошлиғи Мадаминжон Турсунович Қурбоновга қўнғироқ қилди. Мадаминжон Турсунович Ёиштбанд тўғонининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилнинг 1 майидаги №01-03/1-250-сонли қарорига асосан тасдиқланганлигини, лойиҳа-смета ҳужжатлари 2014 йилнинг октябрь ойигача, эксперт хулосалар ноябрь ойи охиригача яқунланиши ва қурилиш ишлари 2015 йилда бошланишини маълум қилди. Бу хушxabардан ҳаяжонланиб кетган Э.Раҳимов Тошкентда идорама-идора юрганларида яқиндан ёрдам кўрсатган асли жомлик Аҳмад Юсупович Қурбоновга қўнғироқ қилди. Улар бир-бирларини табриклашди ва шу куни Э.Раҳимов Самарқанддаги “Ягона” қаҳвахонасининг иккинчи қаватидаги қадрдон жойимизга етиб келди. Жомнинг уч ўғли Э.Раҳимов (69 ёш), П.Давронов (65 ёш), Т.Норбеков (58 ёш)ларнинг тилига бир калима сўз келмас, бир-бирларининг юзларига ҳам қарай олмас, таом айтишга ҳам ҳоллари йўқ аҳволда бири деворга, иккинчиси ерга қараган, учинчиси деразадан узоқ-узоқларга термулганича, емакхона хизматчиларини ва атрофдаги хўрандаларни лол қолдириб, хурсандчиликларидан юм-юм севинч

ёшларини тўқишар эди. Чунки мустақилликнинг шарофати ила минг йиллар давомида амалга оширилмаган, ҳеч ким кутмаган, ишониб бўлмайдиган буюк бир тарихий воқеа содир бўлган эди. Фақат эл манфаати учун йўловчи транспортларда кунлаб, ҳафталаб юриш азоблари, тунлари ухламасдан ишга дахлдор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганишлар, керакли ариза ва хатларни тайёрлашлар, идорама-идора югуришлар, соатлаб кутишлар, турли тўқнашувлар, ишнинг битишига ишончсизлик билдириб қишлоқда айтилаётган турли олди-қочди гап-сўзлар кўз олдидан ўтаётган Э.Раҳимов тебранган ҳолда товушсиз йиғларди.

Ҳақиқатан, Жомда бу ишнинг битишига ишончсизлик билдирганлар, ҳатто тўғон битса, қишлоқни сув олиб кетади дегувчилар кам эмас эди. Шундай бўлса-да, Э.Раҳимов майда-чуйда гапларга эътибор бермай эл манфаати йўлида бир зум тўхтамади. Унга қишлоқдошларидан Бердимурод Равшанов, Суюн ҳожи Норқулов, Абдуфаттоҳ Турсунов, Исмоил Жабборов, Холбой Маҳатов, Қудрат Хушатов, Тўра Холбозоров, Пўлат Сафаров, Холдор Зиятов, Орол Холбозоров, Аҳмад Қурбонов, Турсунмурод Норбеков каби инсонлар яқиндан далда бўлишди. Э.Раҳимовга ишни бўшаштирманг, сел тўсар тўғонни қуришимиз керак деган мазмундаги узлуксиз қўнғироқлари билан вилоятнинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги қурилишларни мувофиқлаштирувчи ҚКБД-12 раҳбари Фарҳод Тоиров, шу ташкилотнинг етакчи мутахассиси Ғайрат Отаёров, "Зарафшонлойиҳа" хусусий фирмаси раҳбарлари Толмас Эсонов, Ўктам Бобобековлар қўллаб-қувватлаб турдилар.

2014 йилнинг 15-20 июлида ЎзГАШКЛИТИ ДУК институти Самарқанд филиали ходимларидан 12 киши келиб, Ёиштбанд сув омбори ҳудудини қайта топотасвирга олишди, гидрогеологик текширув ўтказиб, тегишли ёзма хулосалар тайёрлашди. Институт ходимларининг ишларидан мамнун бўлган Бешбармоқ қишлоғида яшовчи Ҳасан Қиёмов ва Жабборхон Саримсоқовларнинг ҳар бири биттадан жонлиқ сўйиб, уларни меҳмон қилишди. Қолган икки кун Омондара маҳалласида меҳмон бўлишди.

ЎзГАШКЛИТИ ДУК институти Самарқанд филиали 25 июлга қадар Ёиштбанд сув омборини лойиҳалаштириш учун зарур бўладиган барча маълумотларни тайёрлаб, "Зарафшонлойиҳа" хусусий фирмасига тақдим қилди.

Бундай катта ҳажмдаги ишларнинг қисқа муддатда бажарилишида институт филиали бўлим бошлиғи Фахридин Тўраев амалий ёрдам кўрсатди, ходимларни тезлик билан ишга йўналтириш билан биргаликда Ёиштбандни қуриш жараёнини тўхтатмасдан охирига етказишга доир ўзининг қимматли маслаҳатларини ҳам бериб турди. Жойнинг топотасвири топографлар Бекзод Жўрақулов ва Рустам Абдурасуловлар, геологик хулосаларни тайёрлашни геолог Азиз Кенжаев, жиддий қийинчиликларга қарамасдан бурғулаш ишлари Шодмон Атақулов ва Ғайрат Хўжаназаров бошчилигидаги гуруҳлар томонидан бажарилди.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини Давлат экспертизасига тайёрлаш мақсадида 2014 йилнинг 10 октябрида Самарқанд давлат сув лойиҳа институтининг муҳандис-сметачиси Ленамара Ниязова билан "Зарафшонлойиҳа" хусусий

фирмасининг бош муҳандиси Ўктам Бобобековлар Жомга келиб, Ёиштбанд сув омборининг янги ўрнини, уни қуришда ишлатиладиган тупроқ, тош ва қумлар олинадиган жойларни қайтадан аниқлаб кетишди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ҚҚБД-12 дирекцияси тақдим этган ва Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Ш.Р.Ҳамроев тасдиқлаган, объектни қуришга Самарқанд вилояти бош архитектори Н.Содиқов розилик берган 2014 йил 31 октябрдаги №247-сонли топшириқ хати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги "Ўзсувэкспертиза"га топширилди.

2014 йил 27 ноябрда "Зарафшонлойиҳа" хусусий корхонаси бош муҳандиси Ў.Бобобековдан телефон орқали Ёиштбанд сув омбори қурилишига ҳали экспертиза идораси розилик бермаганлигини аниқлаган Э.Раҳимов, 2014 йилнинг 28 ноябрь куни соат 14.30 да Тошкент шаҳридаги "Ўзсувэкспертиза" биносига кириб борди. Ходимлардан бири ундан "Сиз қурувчимисиз ёки лойиҳачимисиз?" деб сўради. Шунда Э.Раҳимов "Мен қурувчи ҳам, лойиҳачи ҳам эмасман, бироқ Ёиштбанд қурилишини кутаётган элнинг вакилиман", деди. У киши кулиб, "Сувга шунчалик чанқоқмисизлар?" дейди ва ўзининг экспертиза бошлиғи Мўмин Раззоқов эканлигини айтади. Э.Раҳимов аҳволни баён қилиб, Ёиштбанд жойлашган ҳудудга доир расмларни кўрсатади. М.Раззоқов расмларни эринмасдан, бафуржа кўриб чиқиб, "Сизга раҳмат, сув омбори, селтўсар тўғон қуриш масаласида ҳали ҳеч ким шунчалик ҳужжатлар, фотолавҳалар билан бизга мурожаат қилмаган эди", дейди. М.Раззоқов иши тиғиз, ҳукумат топшириғи устида ишлаётган бўлса ҳам, ходима аёллардан бирига Ёиштбандга доир ҳужжатларни топишни буюради. Аёл №242-сон билан рўйхатга олинган ҳужжатларни топиб келади ва экспертиза ишлари бошланади.

2014 йил 3 декабрда Ў.Бобобеков экспертиза хулосалари келганлигини Э.Раҳимовга телефон орқали хабар қилди. 2014 йил 2 декабрда экспертизадан келган №242-14-сонли хатга иловада 28 та камчилик кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов 2014 йилнинг 5 декабрь куни эрталаб "Зарафшонлойиҳа" хусусий фирмасига бориб, директор ва бош муҳандис билан учрашди. Улар экспертиза хулосалари билан Э.Раҳимовни таништириб, ЎзГАСҲКЛИТИ ДУК институти Самарқанд филиалидан тегишли ҳужжатларни ва эксперт хулосасининг 4-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекциясидан Ёиштбанд сув омборини қайта қуриш учун розилик хати олишга ёрдамлашини сўради.

Э.Раҳимов шу куни эксперт хулосасидан нусха олиб, ЎзГАСҲКЛИТИ ДУК институти Самарқанд филиали директори Ф.Тўраевга мурожаат қилди. Ф.Тўраев институт ходимлари билан биргаликда №242-14-сонли экспертиза хулосасининг 5, 6, 7, 8, 9-бандларида кўрсатилган талаблар бўйича ўзларининг №73/218-14-сонли хатини расмийлаштириб берди.

Э.Раҳимов бу хатни Зарафшон сув лойиҳа хусусий фирмасига топшириб, уларнинг 2014 йил 5 декабрда тайёрланган №62-сонли хатини олиб, Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси бошлиғи Майсара Набираева билан учрашди.

Э.Раҳимов тақдим этган ҳужжатлар ва фотосуратлар билан танишган М.Набираева тарихий ва маданий қимматга эга бўлган объектга зарар етказмаслик шарти билан 2014 йилнинг 9 декабрида Ёштарбанд сув омбори жойини ўрганиб, кейин №936-сонли розилик хатини берди. Талаб этилган барча ҳужжатлар 2014 йилнинг 15 декабрида Тошкентга “Ўзсув экспертиза инжиниринг” фирмасига топширилди. 2014 йилнинг 17 декабрида Ёштарбанд сув омборини қуриш бўйича №242/14-сонли экспертиза хулосаси олинди.

2014 йил 22 декабрь куни эрталаб “Зарафшонлоийҳа” хусусий фирмаси бош муҳандиси Ў.Бобобеков телефон орқали Э.Раҳимовга ҚҚБД-12 директори ўринбосари Понамаренкога учрашиши зарурлигини маълум қилди. Понамаренко Э.Раҳимовга сув омбори қурилишини бошлаш учун Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг эксперт хулосасини олиш зарурлигини, бунинг учун Нуробод тумани ҳокимлигининг ер танлаш актини, ер ажратиш қарорини ва масъул ташкилотларнинг далолатномаларини тезлик билан етказиб келишини айтиб, 2014 йилнинг 23 декабрида туман ҳокими номига ёзилган №313-сонли хатни берди.

2014 йилнинг 24 декабрь куни Нуробод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Қ.Эргашевнинг топшириғи билан умумий бўлим мудираси Норгул Тангирова эрталаб зарур далолатномалар нусхаларини тайёрлаб Э.Раҳимовга беради. Э.Раҳимов шу куни 2014 йилнинг 24 декабрь санаси билан тайёрланган 13 та ташкилотнинг раҳбарлари тасдиқлаган далолатномаларни, туман санитария бош врачининг №4-04/644-сонли санитария техник шартини, №103-сонли хулосасини, №4-04/645-сонли хатини, туман ИИБ ЁХБ бошлиғи Отамуродовнинг №567-сонли хатини, Нуробод тумани ҳокимлигининг №575-К-сонли сув омбори қурилиши учун 12 гектар ер майдони ажратилиши тўғрисидаги қарорини ҚҚБД-12 дирекциясига етказди. Тўпланган барча ҳужжатлар 2014 йил 27 декабрда Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига топширилди. Қўмитадан қурилиш учун 2015 йил 7 январда №14-2015-сонли эксперт хулосаси олинди, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этилди.

2015 йилда қурилиши режалаштирилиб, ҚҚБД-12нинг манзилли рўйхатига киритилган “Самарқанд вилояти Нуробод тумани Омондарасойида пастбосимли сув омбори қуриш” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи С.Валиев, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор Ў.Жумаев, “Зарафшонлоийҳа” хусусий корхонаси бош муҳандиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор З.Х.Жўрабеков, Самарқанд шаҳар “Зарафшонлоийҳа” хусусий корхонаси директори Т.Эсонов, лойиҳа бош муҳандиси Ў.Бобобеков, ҚҚБД-12 раҳбари Ф.Тоиров, Самарқанд вилояти сув хўжалиги назорат инспекциясининг бошлиғи М.Махмановларнинг хизматлари катта бўлди.

2014 йилнинг 19 феврилида Ёштарбандни қуриш бўйича тендер савдосида уч ташкилот қатнашди ва ҳеч бири ютмади. 2014 йилнинг 20 феврилида бўлган қайта савдода белгиланган барча параметрлар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигининг Самарқанд махсус сув қурилиш ташкилоти ютиб чиқди ва 26 февраль куни техникасини Ёиштбанд қурилиш майдонига олиб келадиган бўлди. Бироқ 23 февраль куни Самарқанд вилоятида мўл қор ёғди. Қорнинг кеча-кундуз доимий музламасдан эриб туришига қарамасдан шаҳарда тупроқли ер устидаги қор қалинлиги 21 см, бетон, асфальт устидагиси 27 см ни ташкил этди, жомликлар қишлоқдаги қорнинг 50 см га етганлигини хабар қилишди. Натижада қурувчиларнинг Жомга келиши кечикиб, улар қор эриб бўлган куни, 2014 йилнинг 2 мартда Тошкентдан йўлга чиқди. Оғир юкдан тройлернинг баллонлари ишдан чиқиб, улар 3 мартда Жиззахда таъмирлангач, 4 март чоршанба куни эрталаб соат 10 да Мавлоно Жом ота – Боймат бобо йўналишидаги тоғ йўли орқали Ёиштбанд ҳудудига техниканинг дастлабки қисми етказиб келинди.

Ёиштбанд ҳудудида тўғон қуриладиган жойгача техникани ўтказиб бориш учун узунлиги 200 м, эни 6 м бўлган тош йўл очилди. Банднинг шимолий чегараси устига 25 кВт кучланишли трансформатор ўрнатилди ва 3 хонали қоровулхона қурилди.

Қорахонийлар подшолиги давридан 1000 йил ўтгач, Республикамининг мустақиллиги шарофати билан Янги Ёиштбанд сув омбори қурилиши 2015 йил 5 мартда бошланиб, 17 ой ичида ниҳоясига етказилди.

Тўғон ўзининг шимолий ва шарқий атрофидан олинган тоғ жинсларидан қурилди. Тўғоннинг олди ва орқа қисмига негиздан бошлаб 1,5 м қалинликда ҳарсангтошлар юқоритомон қиялатиб тўкиб чиқилган. Бутошлар орасидан ўтган сувлар тоғ жинсларига сингиб тўғоннинг мустақамлигини таъминлайди. Узунлиги 83,5 м, диаметри 750 мм, қалинлиги 5 мм бўлган қувур, баландлиги 1,5 м темир-бетон ёстиқ устига ўрнатилиб, қувурнинг атрофи ҳам темир-бетон билан мустақамланди. Қувурнинг сув кириш қисми атрофи қиялатиб тўртбурчак шаклда кўтарилиб баланд ўра ясалди ва унинг устига қувурнинг кераксиз жинслар билан тикилиб қолишидан ҳимояловчи темир тўсиқ-панжара очилиб-ёпиладиган қилиб ўрнатилди.

Сув омборининг шарқий олд қисмидаги негиздан юқорисигача қиялатиб 62 та зинапоя қурилган. Улар Ёиштбанддаги сув захираси ҳажмини кўрсатиб туради.

Сув омборининг ғарбий орқа қисмида юқорисидан пастга қувурнинг сув чиқиш оғзи томон қиялатиб 73 та зинапоя қурилган. Охирги зинадан сўнг тўғри тўртбурчак шаклидаги майдонча ва унинг жанубий томонида 4 та сув охурлари бетондан қурилган. Тўғон қувуридан катта босим билан отилиб чиққан сув биринчи охур деворига урилиб тезлигини пасайтириб, кейинги охурларга навбат билан ўтади. Охирги охурга ўрнатилган қувур Омандара сой йўналишида ғарб томон эмас, балки тўғондан чиқаётган сувнинг тезлигини янада пасайтириш учун жанубга қаратиб ўрнатилган. Қувурдан чиққан сув харсангтошлар устига тушиб тўғон қурилишига зиён етказмайди.

Тўғондан чиқаётган катта қувурнинг шимолий ёнига диаметри 250 мм бўлган қувур келажакда электр энергияси ҳосил қилиб, ундан фойдаланиш учун Т.Норбековнинг тавсияси бўйича қўшимча равишда қурилиш лойиҳасига киритилиб, ўрнатилди.

Катта сел сувлари оқибатида пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида 20 м баландликдаги тўғоннинг жанубий чети устида эни 3 м, баландлиги 2 м, устки қисми очик темир-бетон ариқ ясалган. Ундан оқиб чиққан ортиқча сув тўғон орқасига тўкилган харсанг тошлар устига қуйилиб, сув омбори емирилишининг олдини олади.

Қурилиши 2015-2019 йилларга, яъни 5 йил муддатга режалаштирилган улкан Ёиштбанд сув омборини бунёд этиш аввало Аллоҳнинг марҳамати, мамлакатимиз раҳбарияти, қолаверса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги капитал қурилиши бошқармасининг бошлиғи Мадаминжон Турсунович Қурбоновнинг беғараз ёрдамлари, элимиз фарзанди Э.Раҳимовнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари, жомликларнинг қўллаб-қувватлаб туришлари натижасида қисқа муддатда амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 22 июлдаги №135-сонли буйруғи билан тайинланган Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Жумаев раислигидаги 16 кишидан иборат давлат қабул қилиш ҳайъатининг қарори билан **умумий қиймати 3 миллиард 347 миллион 823 сўм бўлган**, қурилиши тугалланган Ёиштбанд тўғони объекти фойдаланиш учун қабул қилинди.

2016 йил 8 август эрталаб Ёиштбанд сув омборининг очилиш тантаналарига тайёргарлик кўриш учун қишлоқдошлар келишди. Сув омбори устида 5 бош ширбоз қўчқорлар сўйилиб, яхши ниятлар билан Аллоҳ йўлига қон чиқарилди. Уларнинг гўштлиридан турли тансиқ таомлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Чўнқаймиш қишлоғи фарзанди, хушовоз хонанда Зафар ҳожи Турсунов ўз гуруҳи билан келаётган меҳмонлар республикамизнинг тегишли вазирликлари, вилоят ва туман раҳбарлари вакилларини тоғ бағрида акс-садо берган ёқимли куй-қўшиқлари билан кутиб олди.

Чошгоҳ пайти тўғоннинг очилишига бағишланган йиғилишни Э.Раҳимов очиб, қадимги Ёиштбанд сув омборининг тарихи, янги мажмуанинг бунёд бўлиш жараёни тўғрисида маълумот берди. Сўзга чиққан Самарқанд вилояти Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Акмал Жумаев йиғилиш иштирокчиларини давлат дастури асосида қурилган иншоотнинг мазмун-моҳияти билан таништирди. Иншоотнинг қурилиши бўйича Ўзмахсус сув қурилиш ихтисослашган компаниясининг "Самарқанд махсуссус қурилиш" филиали раҳбари Абдиманнон Қаландаров маълумот берди. Шундан кейин тўғон қурилишига тегишли бўлган ташкилотлардан ирригация тизимлари бошқармаси фахрийлари Ўрол Жумаев, Зойир Жўрабеков, лойиҳа бош муҳандиси Ўктам Бобобеков, Дарғом қурилиш тизимлари бошқармаси бошлиғи Ш.Тўраев, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Бобонов, "Ўзмахсус сув қурилиш компанияси" давлат корхонаси раҳбари А.Ғофуровлар сўзга чиқиб, тилак-истаклар билдирдилар.

Тантана сўнггида меҳмонлар ва қурувчиларга тўнлар кийдирилди, эсдалик совғалари ва қурилиш ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ёиштбанд сув омборининг очилишига бағишланган хурсандчилик Омондара

булоғи бошида жойлашган Собир Ғойибназаровнинг сўлим чорбоғида кечгача давом этди.

Давлатимиз раҳбарларига, меҳмонларга ва қурувчиларга жомликлар номидан меҳнат фахрийлари Бердимурод Равшанов, Абдуфаттоҳ Турсунов, Сарикўл қишлоғидан Назар Нурматов, Иброҳим Юсупов, Анжирли қишлоғидан Тоштемир Давронов, Иброҳим ота қишлоғидан Мирза Исломовлар самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Ушбу анжуманни ташкиллаштириш ва ўтказишда Турум Хўжақулов, Қудрат Хушатов, Нурали Сафаров, Тўра Холбозоров, Исмоил Жабборов, Пўлат Сафаров, Болтабой Норқулов, Раззоқ Исматов, Бурҳон Нишонов, ҳарбий қисм командири Аброр Турсунов, Санжар Раҳимов, Нарзулла Шарипов, Содиқ Худойқулов, Абдулла Дўстов, шунингдек, Омондара маҳалласининг кўплаб йигитлари фаол хизмат қилди.

Тантанада “Жом” ҚФЙга қарашли 6 маҳалладан 150 дан ортиқ одам иштирок этди. Неча ўн йиллар бу тўғонни қуришга бел боғлаган марҳумларнинг руҳлари шод, тирикларнинг қалби қувончларга тўлиб тошди. Ёиштбанд сув омборини XII асрда бунёд этган Қорахонийлар подшолиги давридаги қурувчиларнинг ва бу масканда яшаб ўтган Муҳаммад Сами Мирзахўжа ўғлининг руҳи шод, охирати обод бўлсин!

Янги Ёиштбанд тўғони устида одимлаб юрар эканман, эл манфаати йўлида бажарилган шундай улкан бунёдкорлик ишларида иштирок этганимдан кўнглим тоғдек кўтарилиб, мени шукроналик туйғулари қамраб олади. Қадимги Ёиштбанд тўғони қолдиқларига қарар эканман, менда улкан фил ёнида янги туғилган фил болачаси тургандек тасаввур пайдо бўлади. Мустақил мамлакатимизнинг маҳобати нақадар улуғвор ва юксак эканлигини ҳис қилиб фахрланиб, ғурурланиб кетаман.

Янги Ёиштбанд сув омбори қадимгисидан 20 метр юқорида бунёд этилган бўлиб, унинг оқар сув келадиган шарқий қисмида эни 1,5 м тош қалаб чиқилган, орқасидан энига 20 м тупроқ тўлдирилган, сўнгра 62 м энига тош, қум, шағал ётқизилган. Демак, сув омборининг пастки туб қисми 83,5 м, баландлиги 20 м, устки қисмининг эни 4 м, бўйи (икки тоғ Бўлакчоғол ва Қорачоғол оралиғи) эса 102 м дан иборат. Бу сув омборининг сиғими тахминий ҳисоб бўйича 540 минг метр куб бўлиб, 540 гектар ерни оқизиб, 1500 гектар ерни томчилатиб суғориш қувватига эга.

2017 йилда Ёиштбанд сув омборига тўпланган сув 3 марта қўйиб юборилди. Ушбу ҳолат Ёиштбанд сув омборига оқиб келиб тўпланадиган йиллик сув миқдорининг 1,5 миллион метр куб атрофида бўлишини кўрсатди. Шунинг учун ҳозирда Ёиштбанд тўғонини яна қўшимча 10 метр кўтариб, сиғими 1 миллион куб метр бўлган сув ҳавзаси ҳосил қилиш режалаштирилган.

Ёиштбанд ҳавзаси, яъни унга сув оқиб келадиган умумий ер майдони 10 000 гектардан ортиқ. Сел тошқинлари кузатилмаган 2017 йилнинг қиш ва баҳор ойларида Ёиштбанд тўғони 3 марта тўлиб, иншоот қурилиши талабларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддатларда тўпланган сув чиқарилиб турилди. Бу ҳолат Ёиштбандга режалаштирилганидан ортиқ сув

тўпланишини исботлади. Жумладан, Ёиштбандда 2017 йил 19 февралда сувнинг тўпланиши ўлчамлари: тўғон эни (икки тоғ оралиғи) бўйлаб 90 м, тўғон олдидадан узоқлиги 700 м, тўғон баландлиги бўйлаб кўтарилиши 15 м бўлди.

20 февралда қурувчилар соат 14.00 да сувни очиб юборишди. Ёиштбандда тўпланган 400 минг м³ атрофидаги сув 13 кун давомида катта қувур орқали тўпланган лойқа билан оқиб чиқиб кетди. Қурувчилар 5-13 март кунлари Ёиштбанднинг сув тўпланадиган олди қисмига 1,5 метр қалинликда қалаб чиқилган тошларни ён томонларга олиб ташлашиб, ўрнига тўғоннинг жанубий чегараси бўлган Қорачоғолдан кавлаб олинган тупроқни 0,5 метрга яқин қалинликдаги тўкиб чиқишди. Тупроқ устидан тошлар олдингидек 1,5 метр қалинликда қайта ётқизилди. Ёиштбанд сув омбори 13 март эрталаб қайта ёпилди. 2017 йил 21 мартда тўғондаги сув миқдори яна 250 минг м³ дан ортиб кетди.

Ёиштбанд сув омбори сувидан фойдаланиш режасига асосан аҳолининг маблағлари ҳисобидан қишлоқнинг 9 ҳудудига қуйидаги масофаларга қувурлар тортилади: Жом сойининг жанубий сарҳадлари бўйлаб Ҳафрин (2 км), Мажак (6 км), Торомиш (8 км), Торомишнинг ғарбий чегараси (9500 м). Коллеж (10 000 м). Жом сойининг шимолий сарҳадлари бўйлаб Каримовул ва Гулқишлоқ (3500 м), Калбет (6000 м), Жом маҳалласининг шарқий чегараси (9500 м).

Албатта, Ёиштбандда тўпланган сув белгиланган 9 ҳудуд ер майдонларини сув билан таъминлаш учун етмайди ва аҳоли учун узоқ 9-10 км масофаларга қувур тортиш харажатлари ортиб кетади. Омондара, Ҳафрин, Каримовул ва Гулқишлоқ учун Ёиштбанд сувидан фойдаланиш қулай ва етарли бўлади. Шу маънода, Жомнинг қуйи ва жанубий сарҳадларини сув билан таъминлаш учун келажакда Яккатол ва Авлиёли Дашт тўғонларини қуриш зарурати пайдо бўлади.

2016 йил ноябрда ўрнатилган электр устунларидаги чироқларнинг ёритиши 2017 йил майдан бошлаб йўлга қўйилди. Қоронғу тунда маҳобатли тоғлар билан ўралган Ёиштбанд сув омбори ва унинг атрофи, майин шабада, мавжланиб турган сув жимирлаб чироқлар ёғдусида ажойиб манзара касб этди. Янги Ёиштбанд сув тўғонининг биринчи қоровули Санжар Раҳимов бўлди.

2018 йил 15 майда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати Т.Э.Остонақуловнинг сўровига асосан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом қишлоғи Жом сойида гидрологик кузатув постини ташкиллаштириш тўғрисидаги №01-15/255-сонли розилик хати олинди.

**Ғиштбанд тўғони қурилишига доир ҳужжатлар
Самарқанд гидрометеорология бошқармасининг Жом ҚФЙ раиси
Х.Жабборовга 2012 йил 8 августда ёзган
№513-сонли хати**

Самарқанд гидрометеорология бошқармаси Нуробод МС нинг маълумотига кўра, 2012 йил феврал, март ва май ойларида бўлган об-ҳаво маълумоти қуйидагича:

Феврал	Ёғингар-чилик	Март	Ёғингар-чилик(мм)	Май	Ёғингар-чилик(мм)
1	-	1	-	1	-
2	-	2	0.0 ёмғир	2	-
3	19.8 қор	3	-	3	-
4	2.2 қор	4	13.3 ёмғир (қор)	4	-
5	0.5 қор	5	-	5	0.0 ёмғир
6	-	6	66.0 ёмғир(қор)	6	0.0 ёмғир
7	-	7	1.7 қор	7	0.8 ёмғир
8	-	8	-	8	-
9	4.7 қор	9	3.0 ёмғир	9	-
10	2.8 қор	10	2.7 ёмғир	10	0.0 ёмғир
11	-	11	7.8 ёмғир	11	-
12	1.7 қор	12	-	12	-
13	0.9 қор	13	0.7 ёмғир	13	0.0 ёмғир
14	0.3 қор	14	3.8 ёмғир	14	0.0 ёмғир
15	-	15	-	15	-
16	-	16	20.6 ёмғир	16	-
17	0.0 ёмғир	17	-	17	3.2 ёмғир
18	4.0 ёмғир	18	20.1 ёмғир (қор)	18	3.0 ёмғир
19	8.4 ёмғир	19	3 қор	19	1.6 ёмғир
20	18.5 ёмғир	20	-	20	-
21	0.0 қор	21	-	21	-
22	-	22	-	22	-
23	-	23	-	23	-
24	-	24	1.0 ёмғир	24	-
25	-	25	-	25	0.0 ёмғир
26	-	26	-	26	14.2 ёмғир
27	25.0 ёмғир	27	-	27	1.2 ёмғир
28		28	-	28	0.0 ёмғир
29		29	3.9 ёмғир	29	0.0 ёмғир
		30	1.7 ёмғир	30	-
		31	2.6 ёмғир	31	-

Бошлиқ Мирзаев В.А.

Вычисление максимального расхода по формуле Алексеева

№п/п	Акм. кв	Лкм	ip м/ м	Logarifm			Vcp=(3,8-1,1*LogP) *i0,25 м/с			tn=L/3,6*Vcp час			Tп.д=tn*(n+1)*0,2 час							
				1	4	10	70	1%	4%	10	70	1%	4%	10	70	1%	4%	10	70	
1	3,0	5,2	0,02	0	0,60	1,	1,84	5,7	4,7	4,08	2,67	0,2	0,1	0,20	0,31	0,2	0,1	0,20	0,30	
				2	0	5	4	4				5	8		4	7				
				Суткалик ётнлар																
				Расчетные																
				сточные осадки																
				фонз хисобда %																
				1	4%	10	70													
				%	%	%	%													
				15	121	107	43													
				4																

Давоми															
Нтр. Нр*(1п.л/24) 0,33мм	$\alpha = Hmp / Tn \dots \delta$			$\varphi_{zc} = \xi * (\alpha + 0,1)^{0,34} * (T * 60)^{0,15}$			$Qp = 1667 * \varphi * \varphi * Am^3 / сек$								
1%	4%	10%	70%	1%	4%	10%	70%	1%	4%	10%	70%	1%	4%	10%	70%
33.7	23.6	21.9	10.1	2.34	2.31	1.86	0.57	0.28	0.27	0.26	0.19	33.2	31.1	23.7	5.3

**Жом ҚФЙ нинг Жом қишлоғи ҳудудида яшовчи аҳоли, хўжалик сони ва унинг ихтиёридаги мавжуд фойдаланиладиган ер майдони ҳақида
2013 йил 1 августдаги маълумот**

Маҳалла номи	Мавжуд хўжалик сони	Мавжуд аҳоли сони	Хўжалик ихтиёридаги жами ер майдони	Шу жумладан			Жами майдон
				Булоқлар сувидан суғориладиган майдон, га	Суғорилмайдиган майдон, га	Ғиштбанд боғланса қўшимча қўшиладиган майдон	
Омондара	400	2380	67	30	37	5	72

Тегир-монбоши	610	3800	91	41	50	7	98
Гирди-қўрғон	550	3646	88	44	44	15	103
Жом	650	6100	96	6	90	20	116
Жами:	2250	15926	342	121	221	47	389

Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов, котиб Ў.Ахмедов

Омондара МФЙ нинг 2014 йил 9 январда Самарқанд вилоят гидрометеорология бошқармаси бошлиғи В.А.Мирзаевга йўллаган №01-сонли хати

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ Омондара маҳалла фуқаролар йиғини Сиздан Омондара маҳалла ҳудудида XII асрда Қорахонийлар подшолиги даврида қурилган «Ғиштбанд» сув омборини қайта тиклаш масаласида сув йиғилиш миқдорини аниқлаш учун 1980 йилдан 2013 йилгача (ўттиз йиллик) ёғингарчилик миқдори бўйича аниқ маълумот беришингизни сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан Нуробод тумани Омондара маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д.Жумаев

Бу сўровнома хатига Самарқанд гидрометеорология бошқармаси 2014 йилнинг 13 январда №35-сонли жавоб хати

Сизнинг 2014 йил 9 январдаги №01-сонли сўровингизга жавобан, Самарқанд гидрометеорология бошқармаси, МС Нуробод маълумотида кўра 2004 йилдан 2013 йилгача бўлган ёғингарчилик миқдори мм ҳисобида қуйидагича:

	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Январь	109,9	1116,0	43,3	19,0	34,4
Февраль	34,1	43,5	43,2	27,1	27,0
Март	59,2	49,8	18,9	72,6	22,9
Апрель	64,9	23,0	27,3	29,2	44,9
Май	!!7	49,5	0,0	25,1	12,9
Июнь	-	11,8	-	-	-
Июль	6,5	0,5	1,7	0,0	4,0
Август	-	3,3	-	-	0,4
Сентябрь	-	-	0,6	-	7,8
Октябрь	12,7	3,6	3,8	7,0	13,9
Ноябрь	106,9	36,0	58,9	18,6	10,7
Декабрь	69,5	15,2	52,9	127,7	44,8

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
Ҳурматли Ш.М.Мирзиёевга**

Муҳтарам юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деганларидек, Соҳибқирондан сўнг ўзлигини асрлар давомида йўқотган ўзбек халқи Президентимизнинг жасорат ва журъат билан эълон қилган Мустақиллигимиздан сўнг қисқа давр ичида қайтадан ўзлигимизни англаб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топдик. Бу ҳамду сано эмас, тўғридан-тўғри эътироф, сабаби “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ!” деганларидек, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида, мустақиллик эпкинлари таъсирида қаратаётган эътиборингиз, айниқса, таҳсинга сазовор. Биргина Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги обидаларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари, айниқса, Самарқанд шаҳридаги Ландшафт меъморчилиги шаҳримизни янада фирдавсмонанд даражасига кўтарди. Бутун Ўзбекистонимиздаги ўзгаришларни жамласак, кўз ўнгимизга келтирсак, таърифга тил ожизлик қилади.

Жом Зарафшон водийси тепаликларининг бошқа жойлари каби кўп сонли сойлари борлигига қарамай Самарқанд вилоятининг энг суви кам ҳудуди ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олиб қадимдан Жом аҳолиси сувни тежаб ишлатиш учун бор имкониятларидан фойдаланиб, Каттасойнинг қишки ва баҳорги сел сувларини утилизация қилиш учун Омондара тоғининг тор дарасида Ёиштбанд сув омбори XII аср бошларида Қорахонийлар подшолиги даврида қурилган.

Ёиштбанд тўғони Омондарасойнинг энг тор чуқур водий (каньони)ни тўсиб туради, бу ерда сойнинг кенлиги 8-10 метрдан ортиқ эмас. Тўғоннинг тепадаги узунлиги 25,5 м., пастдаги – 10 м., тепадаги қалинлик – 5,5 м., негизида эса – 9,1 м. Тўғоннинг сақланиб қолган қисми баландлиги – 7-8 м., аввалги биринчи баландлиги – 9 м. Тошлар деярли тик ҳолатда терилган ва юқорига 87 даража остида кўтарилган. Сув ҳавзасининг ҳажми ўртача 250-300 минг метр кубни ташкил этади ҳамда у 250-300 гектар ерни суғориш имконини беради.

Бугунги кунда Нуробод тумани аҳолисининг қарийб 20 фоизидан ортиғини ташкил қиладиган Жом қишлоғида 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларни 2250 хўжалик бирлаштириб туради. Бугунги кунда аҳоли ихтиёрида 350 гектардан ортиқ ер майдони бўлиб, улардан булоқ сувлари ҳисобига фақат 120 гектарга яқин майдони шартли суғорилиб, деҳқончилик қилинади.

Агар Ёиштбанд сув ҳавзаси ўрнида замонавий лойиҳа асосида сув тўғони бунёд қилинса, Жом қишлоғи ҳудудида суғориладиган ер майдонлари 600 гектардан ортиб, аҳолининг турмуш шароити янада яхшироқ бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлган вақтдан буён юртимизда ҳар соҳада бажарилаётган истиқлол режалари ўз самарасини бераётганлигининг гувоҳимиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ўтмиши бор юртнинг келажаги буюк бўлади”, бу албатта бежиз айтилмаган.

Ўтмишимиздаги буюк алломаларимиз илми асосида яратилган кашфиётлар

ҳозирда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Албатта, бизларнинг Ёиштбанд сув ҳавзасини қайта қуриш ҳақидаги илтимосимизни тегишли идораларга кўрсатма бериб, амалга оширасиз, деган умиддамиз.

Сизга яратгандан соғлиқ, саломатлик тилаймиз. Мустақил мамлакатимизнинг янада гуллаб яшнашида Сизга Оллоҳнинг ўзи ёр бўлсин!

Ушбу нома чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 ва 15 йиллик эсдалик нишонлари соҳиби Э.Раҳимов, олим-агроном Б.Равшанов, олим-зоотехник С.Норқулов, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик эсдалик нишони соҳиби М.Соатова, "Шуҳрат" медали совриндорлари Қ.Худоёрова ва М.Усмонова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор А.Мақсудов, Халқ депутатлари Нуробод тумани Кенгашининг депутати Б.Рўзиқулов, Омондара маҳалласи раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши маҳалласи раиси И.Бобохонов, Гирдиқўрғон маҳалласи раиси Э.Муродов, Жом маҳалласи раиси Н.Ўриновлар томонидан йўлланган ва унга Ёиштбанд сув омборига тегишли йигирма уч варақ ҳужжатлар илова қилинган.

Бу хат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2014 йилнинг 5 мартида рўйхатга олинган.

Хатга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил Департаменти 2014 йилнинг 5 мартида №18-8-8/1870-сонли чақириқ хати билан қуйидагича жавоб берган:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига чақириқ, Иқтисодиёт вазирлигига, Самарқанд вилояти ҳокимлигига. Нусхаси: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғи, Э.Раҳимов ва бошқаларга.

Ушбу ариза ишчи гуруҳ тузиб жойида ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга маълум қилиш учун юборилмоқда.

Шўъба мудир А.Равшанов

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 7 мартдаги Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари А.Жумаевга, Вазирликнинг сув хўжалиги масалалари бўйича бириктирилган вакили Б.Мирзажоновга йўллаган №07/27-175-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириғида Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимов ва бошқа бир гуруҳ фуқаролар ёзган аризани ишчи гуруҳ тузиб жойида ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга маълум қилиш сўралган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11 март куни Иқтисодиёт вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг тегишли масъул ходимлари ҳамда ариза муаллифлари иштирокида ишчи гуруҳ

тузиб, аризада кўтарилган масалани жойида ўрганиб чиқилишини ташкил қилишингизни сўрайман.

Ўз навбатида ишчи гуруҳнинг ўрганишлар натижаси ва далолатномасини вазирликка тақдим қилишингиз талаб этилади.

Илова: Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириғи ҳамда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимов ва бошқа бир гуруҳ фуқаролар ёзган аризанинг нусхаси, 23 варақда.

**Сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи ўринбосари
Б.Рўзиев**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан оқиб ўтадиган
Омондара сойида паст босимли тўғон ёрдамида кичик ҳажмли сув
омбори қурилиши объекти бўйича умумий**

МАЪЛУМОТ

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан оқиб ўтадиган Омондара сойида кичик ҳажмли Ёиштбанд сув тўғонини қайта қуриш вилоят сув хўжалиги бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ва вилоят иқтисодиёт бошқармаси масъул ходим ва мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, сув тўғонини қайта қуриш мақсадга мувофиқ экани ҳақида далолатнома тузилган.

Омондара сойида Ёиштбанд сув тўғони қадимда XII асрда барпо этилган бўлиб, Жом қишлоғи атрофида жойлашган аҳоли ва лалми ерларни сув билан таъминлашга хизмат қилган.

Объект Самарқанд-Қарши йўлининг 60-километрида жойлашган.

Омондара сойида кичик ҳажмдаги сув омбори қуриш билан қуйидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий самарадорликларга эришиш мумкин:

– баҳорги-кузги сел тошқин сувларидан доимий зарар кўраётган 15 километр масофадаги аҳоли турар жойлари, мактаблар, маиший хизмат иншоотлари, йўллар, уларда миллиардлаб маблағлар эвазига қурилган кўприклар ва гидротехник иншоотларни доимий зарар кўришидан сақлайди;

– Жом қишлоғида истиқомат қилаётган 2250 хўжаликдаги 20 минг аҳолини сув билан таъминлаб, 350 гектар ерни суғориш имконини беради;

– ҳозирги янги суғориш технологияларини қўллаш ҳисобига қўшимча 100-150 гектар атрофида йиғилган сувдан йил давомида, рационал фойдаланиш ҳисобига боғ ва узумзорлар яратиш имконияти туғилади, шу билан бирга аҳолини қўшимча иш билан таъминлаш мумкин бўлади.

Омондара сойида кичик ҳажмдаги сув тўғони қурилиши бўйича “Зарафшонлойиҳа” хусусий лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан янги тўғон жойлашадиган жойи Жом қишлоғининг юқорисида, эски Ёиштбанд сув тўғони олдида, сойнинг нисбатан қисқа бўлиб оқадиган тоғнинг маҳкам тош қисмидан ўтадиган жойида танланган. Тўғон қуриладиган жойини техник асослаш мақсадида топогеодезик ўлчаш ишлари бажарилиб, гидрологик ва геологик ўрганишлардан сўнг қабул қилинган.

Тўғоннинг сойнинг қисқа бўлиб оқадиган жойида қурилиши физик иш ҳажмларининг нисбатан қисқаришига ва қурилиш объектининг нархи арзонлашишига асосли сабаб бўлади, ундан ташқари қурилиш материалларининг бир қисми ўша жойнинг ўзидан олиниши мумкин.

Юқоридаги ўрганишлар натижасида ишлаб чиқилган техник иқтисодий

самарадорлик асосларида лойиҳанинг график қисмига чизмалар ишлаб чиқилган ва объект физик иш ҳажмлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳисобланган бўлиб, улар қуйидаги асосий катталикларга эга:

Сув йиғиш ҳажми – 340/360 минг м³

Тўғон баландлиги – 15 м

Тўғон узунлиги – 71 м.

Тўғон усти эни – 4м

Тўғон пастки қисми эни – 28,2 м

Сув йиғиладиган майдони – 10 гектар

Сув таъминоти яхшиланадиган ер майдони – 350 гектар

Қўшимча ерларни сув билан таъминлаш – 10-150 гектар

1. Механик ер ишлари:

қозиш ишлари – 3758 м³

дамба кўтариш – 1479 м³

тош ташлаш (каменная наброска) – 14774 м³

2. Бетон ишлари – 183,71 м³

3. Арматура – 6,8 тонна

4. Д-630 мм. Темир қувур – 65 м

5. Шағал тош (гравийно-песчанная смесь) – 881 м³

Объектда қурилиш-монтаж ишлари қиймати:

Дамба кўтариш ишлари – 1382,027 млн.сўм

Сув чиқариш иншооти – 248,941 млн.сўм

Йўллар – 259,188 млн.сўм

Жами: – 1890, 156 млн.сўм

Қурувчининг бошқа харажатлари – 22,05 % – 416,779 млн.сўм

Жами: КМИ – 2306,935 млн.сўм

Жами ҚҚС билан – 2768,322 млн.сўм

12-сон ҚКБД директори Ф.Таиров, “Зарафшонлоийҳа” ХК лойиҳа бош муҳандиси У.Бабабеков

Краткая записка к ТЭО

Строительство низконапорной плотины на сае «Омондара» в кишлаке «Джам» Нурабадского района Самаркандской области необходимо для:

– создания преграды селевому потоку в период паводков, который проходит через территорию кишлака с разрушительной способностью, он является угрозой для существующих сооружений, построенных на сае и жилых домов, расположенных близко к его руслу;

– улучшения водообеспеченности существующих орошаемых площадей и приусадебных участков населенного пункта за счет аккумуляции стока воды в образуемой чаше емкостью около 340 тыс. куб.метров. Это вода может быть использована в жаркий период года, когда прекращается сток воды в сае с его водосборной площади.

Месторасположение плотины выбрано выше кишлака «Джам» перед

разрушенной древней плотиной, фрагменты которой сохранились до настоящего времени. Русло сая в этом месте проходит в узком ущелье в скальных грунтах, что значительно сокращает объемы строительных работ. Наличие здесь в большом количестве местных строительных материалов, камня и суглинистого грунта, является основанием для строительства каменно-набросной плотины с водонепроницаемым ядром из суглинка. Для строительства плотины с водосбросным и водоспускным сооружениями, могут быть привлечены местные трудоспособные жители, нуждающиеся в трудоустройстве.

Строительство плотины позволит более рационально использовать водные ресурсы (внедрение капельного орошения), даст возможность создать пруд площадью около 100 гектаров, который может быть использован как для хозяйственных нужд, так и для отдыха местного населения.

Для обоснования принятых технических решений, выполнена топогеодезическая съёмка выбранного места, визуально изучены геологические и гидрологические условия, на основе которых разработаны чертежи, представленные в графической части ТЭО, определены объемы строительных работ.

Объемы основных работ:

1. Земляные работы – Выемка – 3758 м/куб.

Насыпь – 1449 м/куб.

Каменная наброска – 14774 м/куб.

2. Бетонные работы – 183,71 м/куб.

3. Арматура – 6,8 тонна.

4. Стальная труба Д-630 мм – 65 м.

5. Гравийно-песчанная смесь – 881 м³.

Сметная стоимость объекта – 2 912 865 830 сум.

Ғиштбанд сув омбори қурилган тақдирда унинг Жом қишлоғида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий масалаларга таъсири бўйича тахминий ҳулоса

1. Сув омбори ҳисобига Омондара, Ўртабулоқ, Бошбулоқ ва бошқа майда булоқларнинг сувлари кескин кўпайиши ҳисобига янги ерлар ўзлаштирилади.

2. Аҳоли ихтиёридаги мавжуд 300 гектарга яқин ерда томчилатиб суғориш ҳисобига мевали дарахтлар экилиб, боғлар барпо бўлади.

3. Баҳорги сел-тошқин сувларидан зарар кўраётган 15 км масофада сойнинг яқинида жойлашган хўжаликлар хавфдан батамом қутулади.

4. Жом сойини кесиб ўтувчи Тошкент-Қобул йўналишидаги Жом сойи устига қурилган олтита автойўл балансида турадиган кўприкларнинг ўтказиш имконияти бузилмайди (сел оқибатида бутунлай вайрон бўлган, умумий қиймати 2,5 миллиард сўмни ташкил этаётган тўртта кўприк қайта қурилмоқда).

5. Қишлоқ марказида жойлашган касалхонага, туғуруқхонага, битта касб-ҳунар коллежига, олтита умумтаълим мактабларига қатнов хавфсизлиги

таъминланади.

6. Қирғоқларнинг қарийб 30 км ҳудудда ювилиб кетиши ва тупроқ эрозиясининг олди олинади.

7. Сув омбори ҳудудидаги тоғ бағрида 200 гектардан ошиқ майдонни ташкил этувчи ерларда ўрмонзор ва дам олиш масканлари пайдо бўлади.

8. Бу тадбирларнинг барчаси Жом қишлоғида яшовчи 20 мингдан ортиқ аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг
2014 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазирлигига, Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош
бошқармасига ёзган
№4-1/6-1390-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириғига биноан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқаролари томонидан ёзилган аризани жойида ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган ишчи гуруҳ таркибида Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мажидов Фарҳод Ҳасанович иштирок этади.

Вазир ўринбосари С.Шерматов

**Телефакс-хабарнома
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига, Самарқанд
вилоят ҳокимлигига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириғида Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимов ва бошқа бир гуруҳ фуқаролар ёзган аризани ишчи гуруҳ тузиб жойида ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга маълум қилиш сўралган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг 11 март куни соат 9-00 да аризада кўтарилган масалани ишчи гуруҳ тузиб жойида ўрганиб чиқиш учун тегишли масъул ходимларингизни Самарқанд вилояти Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси биносига етиб боришларини таъминлашингизни сўрайман.

**Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Б.Рўзиев**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан
оқиб ўтувчи Омондара сойда паст босимли сув тўғони қуриш
объектини ўрганиш бўйича Самарқанд
вилояти ҳокимлиги ва Зарафшон ирригация
тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларидан
иборат тузилган ишчи гуруҳи**

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2014 йил 10 март куни Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Нуробод тумани ҳокимлиги, Зарафшон Магистрал тизими бошқармаси, Дарғом ирригация тизими бошқармаси мутахассисларидан иборат тузилган ишчи гуруҳи Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва Э.Раҳимов билан учрашиб, Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондара сойи ва унда илгари замонда қурилиб, бузилиб кетган Ёиштбанд тўғонининг бугунги ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Омондара сойи Нуробод туманининг Жом қишлоғидаги 350 гектар экин майдонини ва шу ерда истиқомат қилаётган 2250 хўжаликдаги жами 20 мингдан ортиқ аҳолини сув билан таъминлайди.

Илгари замонда маҳаллий ишчи кучи билан қурилган Ёиштбанд тўғони Омондара сойининг юқори қисмида ва сойнинг энг тор жойида қурилган бўлиб, сойдан баҳор ойларида оқиб келадиган катта миқдордаги сувларни йиғиб олиш ва ундан йил давомида фойдаланиш мақсадида қурилган. Лекин баландлиги 9 метр бўлган бу сув тўғонида жами 250-300 минг метр куб сув йиғилиб, ишлатилиб келинган. Йиллар давомида баҳор ойлари келган катта сувлар натижасида бу тўғон ювилиб кетганлиги унинг қолган қисмларидан аниқ бўлиб турибди.

Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва Э.Раҳимов томонидан Жом қишлоғидан юқори қисмида Омондара сойининг эски паст босимли сув тўғони қуриш таклифи киритилиб, тўғон қурилиши учун Зарафшонлойиҳа томонидан техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилган. Жумладан, янги тўғон параметрлари: баландлиги 15 метр, узунлиги 71 метр, тўғон усти эни 4 метр, тўғоннинг пастки қисми эни 28,2 метр бўлиб, унинг қурилиши маҳаллий харсанг тош билан терилиб, тўғон ядроси оғир тупроқ билан тўлдирилади.

Тўғон қурилгандан сўнг кутилаётган натижалар:

– баҳор ойларида келадиган катта миқдордаги сел сувларининг Омондара сойи атрофида қурилган уйларни бузиб кетиш хавфини тўхтатади;

– Жом қишлоғи аҳолисининг мавжуд 350 гектар экин майдони ҳамда сувни тежаш янги технологиялари (томчилатиб суғориш) жорий қилиш ҳисобига 100 гектар янги мевали дарахтзорлар жорий қилишга, кенгайтиришга ва йил давомида фойдаланиш учун 340 минг метр куб сув сарфи йиғиш имкониятлари яратилади;

– селхона мақомидаги тўғон қурилиши ва экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ушбу қишлоқда яшовчи аҳолининг меҳнат бандлиги оширилади.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларидан иборат тузилган ишчи гуруҳи Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондара сойида Ѓиштбанд тўғонини қайтадан мукамал қилиб қуриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Далолатномани имзолаганлар: Жом маҳалла оқсоқоли Э.Раҳимов, вилоят ҳокимлиги мутахассиси М.М.Маҳманов, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси У.Ю.Жумаев, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ф.Ражабов, “Зарафшонлойиҳа” ХК директори Т.Эсанов, Нуробод тумани ҳокимлиги мутахассиси И.Азимов, Зарафшон магистрал тизими бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А.Бекмуродов, Дарғом ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Ш.Тўраев, Самарқанд вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Х.Мажидов.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Зарафшон
ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2014 йил 12 мартдаги
№02/36-сонли хати**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта
ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил
департаменти шўба мудири А.Равшановга.**

**Нусхаси: Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Б.Рўзиевга.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан 2014 йил 5 мартда юборилган №18-8-8/1870-сонли хатга жавобан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қуйидагиларни билдиради:

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондара сойда паст босимли сув тўғони қуриш объектини ўрганиш бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларидан иборат тузилган ишчи гуруҳ 2014 йил 10 март куни жойида атрофлича ўрганиб чиқиб, 340 минг метр кубга мўлжалланган селхона қуришни мақсадга мувофиқ, деб топди.

*Ишчи гуруҳ томонидан тузилган далолатнома тақдим қилинмоқда (2
варақ).*

**Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи в.б.
А.Жумаев**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси 2014 йилнинг 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти шўъба мудири А.Равшановга ва нусхаси Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Рўзиевга 03/36-сонли қуйидаги хатини тақдим этди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан 2014 йил 5 мартда юборилган №18-8-8/1870-сонли хатга жавобан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қуйидагиларни билдиради:

“Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондара сойида паст босимли сув тўғони қуриш” объектини ўрганиш бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларидан иборат тузилган ишчи гуруҳ 2014 йил 10 март куни жойига чиқиб, атрофлича ўрганиб 340 минг метр кубга мўлжалланган селхона қуришни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Ишчи гуруҳ томонидан тузилган далолатнома тақдим қилинмоқда (2 варақ).

**Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи в.б.
А.Жумаев**

**Утверждаю: Заместитель Министра Сельского и водного хозяйства
Республики Узбекистан Ш.Р.Хамраев 2014 г.
Согласована Главный архитектор Самаркандской области И.Содиков
2014 г.**

ЗАДАНИЕ

**На разработку рабочего проекта: "Строительство низконапорной
плотины
на сая "Омондара" в Нурабадском районе Самаркандской области".**

№	Наименование основных данных и требований	Содержание основных данных и требований
1	Заказчик	Объединенная дирекция строящихся предприятий №12
2	Основания для проектирование	Программа на 2013-2017 года утвержденная протоколом Кабинета Министров Р.Узб. №01-03/1-250 от 01.05.2013 года
3	Проектная организация	Определяется по результатам конкурсного отбора
4	Вид строительства	Строительство
5	Сроки начала и окончание строительство	2015-2019 г.г.
6	Стадийность проектирования	Рабочий проект
7	Условия площадки строительства	Сейсмичность района 8 балл, грунты непроедачные, СМР произвести в действующем объекте
8	Мощность, пропускная способность объекта	Строительство низконапорной плотины для объема воды *0,340 млн.м3
9	Подрядная организация	Определяется по тендерному торгу
10	Обеспечения объекта ресурсами	В пределах Республики Узбекистан
11	Требование по автоматизации и механизации	Требуется
12	Источник финансирования	Госбюджет
13	Необходимость инженерных	Провести инженерно-геологические и топографические исследования

	изысканий	
14	Требования к технологии и методом производства продукции, режим работы предприятия	Аккумуляция паводковых вод для улучшения водообеспеченности существующих орошаемых земель-350 га. – Защита населенного пункта от паводковых вод
15	Требования к архитектурно-художественным, объёмно-планировочным, конструктивно - инженерным решениям	Не требуется
16	Необходимость выделения очередей и пусковых комплексов	Не требуется
17	Требование по охране окружающей природной среды	В составе рабочего проекта разработать проект "ЗВОС"
18	Требование по рекультивации земель, благоустройству и озеленению территории	После окончания строительно-монтажных работ произвести благоустройства территории
19	Основные технико-экономические характеристики и показатели объекта	Строительство низконапорной плотины - 0,340 млн. мЗ; – длина плотины - 100 метр; высота плотины - до 20 метр; строительство водосбросного и водоспускного сооружений, электроснабжение; строительство сторожки и подъездной дороги. Улучшения водообеспеченности существующих орошаемых земель - 350 га

20	Требование по разработке инженерно-технических мероприятий гражданской защиты и по предупреждению чрезвычайных ситуаций	Согласно техническим условиям управления чрезвычайным ситуациям Самаркандской области
21	Требование по обеспечению условий жизнедеятельности инвалидов	Согласно ШНК. 2.07.02 – 08
22	Особые условия проектирования	Разработать ПОС. Разработать отдельные локально-ресурсные сметы и чертежи по каждому объекту. Произвести полсчёт земель, необходимых для отвода под строительство отводящих сетей. В
		пояснительную записку подшить фото существующего состояния объекта с указанием пикетажа с печатью эксплуатационной организации
23	Состав проектируемого объекта	Строительство низконапорной плотины - 0,340 млн. м/куб; - длина плотины - 100 метр; высота плотины - до 20 метр; строительство водосбросного и водоспускного сооружений, электроснабжение; строительство сторожки и подъездной дороги.
24	Ориентировочная стоимость стр-ва объекта	2912,87 млн. сумм
25	Эксплуатационная организация	Зарафшанского бассейнное управления ирригационных систем
26	Выдача проектной документации	Проектная документация выдаётся заказчику согласно пункта 2.9 ШНК 1.03.01-08

Директор ОДСП-12 Ф.Тоиров

Лист согласованная задания

На разработку рабочего проекта: "Строительство низконапорной плотины на сая "Омондара" в Нурабадском районе Самаркандской области".

Заместитель начальника Главного управления водного хозяйства Минсельводхоза Республики Узбекистан Р.Мамутов, Заместитель начальника Главного управления водного хозяйства Минсельводхоза Республики Узбекистан А.Фазилов, Начальник управления капитального строительства и организации строительных работ Минсельводхоза Республики Узбекистан М.Курбонов, Начальник управления мелиорации земель Минсельводхоза Республики Узбекистан Н.Аллаберганов, Управления эксплуатации ирригационных систем Минсельводхоза Республики Узбекистан Ж.Дурматов, Начальник управления развития водного хозяйства и внедрения рыночных принципов в водопользовании Минсельводхоза Республики Узбекистан Ш.Сувонов, Начальник управления балансов водных ресурсов и развития водосберегающих технологий Минсельводхоза Республики Узбекистан Ш.Кучкаров, Начальник Зарафшанского бассейнного управления ирригационных систем С.Валиев

**2014 йил 14 мартдаги Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Мамутовнинг Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи
Э.Раҳимов ва бошқаларга 08/27-201-сонли хати**

Сизларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган Ёиштбанд сув ҳавзасини қайта қуриш ҳақидаги илтимосномаларингизни вазирликнинг сув хўжалиги тизими ташкилотлари, вилоят ҳокимлиги, вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг масъул ходимлари ҳамда сизларнинг иштирокингизда жойида ўрганиб чиқилиб, далолатнома расмийлаштирилди.

Ўрганишлар натижасига кўра, Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондара сойида кичик ҳажмли сув тўғонини қуриш мақсадга мувофиқ, деб топилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелидаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1958-сонли қарорига асосан беш йиллик Давлат дастури шакллантирилган.

Ушбу Давлат дастурига 2013-2017 йиллар давомида Самарқанд вилояти томонидан берилган таклифларга кўра вилоят ҳудудида биринчи навбатда амалга оширилиши режалаштирилган сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари киритилганлигини билдирамиз. Шунингдек, 2014 йил ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун вазирликка ажратилган капитал маблағлар, объектлар кесимида тўлиқ тақсимланган ҳамда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мурожаатингизда кўрсатилган Ёиштбанд сув ҳавзасини қайта қуриш масаласининг устуворлигидан келиб чиқиб, келгуси йиллар дастурини шакллантириш жараёнида вилоят томонидан

бериладиган иқтисодий самарадорлиги асосланган таклифларига кўра, белгиланган тартибда кўриб чиқилишини маълум қиламан.

Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Мамутов

**Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани
ҳокимининг вилоят ҳокими ўринбосари А.А.Нурқуловга 2014 йил 31
мартда ёзган
01-2/5-115-сонли хати**

Ҳурматли Абдумажид Алибекович!

Самарқанд вилояти Нуробод туманининг Жом қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан Ёиштбанд сув омборини қайта қуриш масаласида ёзган аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириқ хати билан Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги бошқармаси, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда жойида ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳларининг ижобий хулосалари олинган, 340 минг метр кубга мўлжалланган тўғон қуриш мақсадга мувофиқ эканлигини билдиришган.

Бу ҳудудда қўшимча 100 гектар сувли ер майдони ўзлаштирилиб, қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ёиштбанд сув ҳавзасини қайта қуриш масаласининг устуворлигидан келиб чиқиб, қурилиш ишларини тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига мурожаат этилишида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазири Ш.Ж.Тешаевга ёзган 2014 йил 31 мартдаги
03/1-229-сонли хати**

Ҳурматли Шуҳрат Жўрақулович!

Самарқанд вилояти Нуробод туманининг Жом қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан Ёиштбанд сув омборини қайта қуриш масаласида ёзган аризалари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириқ хати билан Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги бошқармаси, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида тузилган ишчи гуруҳларининг ижобий хулосалари олинган, 340 минг кубга мўлжалланган тўғон-селхонани қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилган.

Шу билан бир қаторда ҳудудда қўшимча 100 гектар сувли ер майдони ўзлаштирилиб, қўшимча иш ўринларини яратиш имконияти туғилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ёиштбанд сув ҳавзасини қайта қуриш

масаласининг устуворлигидан келиб чиқиб, қурилиш ишларини тезлаштириш мақсадида мутасадди ташкилотларга тегишли кўрсатмалар берилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Нурқулов

**2014 йил 7 апрелдаги Сув хўжалиги бош
бошқармаси Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза
бошқармасига №08/27-277-сонли хати Зарафшон ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси бошлиғи С.Валиевга**

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2014 йил 31 мартдаги 03/1-229-сонли мурожаатида Нуробод туманининг Жом қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролари томонидан Ёиштбанд сув омборини қайта қуриш масаласида ёзган аризаларига асосан тегишли мутахассислар иштирокида жойида ўрганиб чиқиб, 340 минг метр куб сув йиғишга мўлжалланган тўғон-селхонани қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳамда ҳудудда қўшимча 100 гектар сувли ер майдон ўзлаштирилиши тўғрисида билдирилган.

Шунга кўра, Сиздан ушбу сел сув омборини қайта тиклаш ишларининг техник самарадорлигини аниқлаш мақсадида Самарқандсувлойиҳа институти билан биргаликда:

- Омондара сойидан келаётган кўп йиллик сув миқдори тўғрисида маълумот;
- сув омборига боғланган мавжуд экин майдонларининг харитаси;
- сувни тежаш технологияларини жорий этиш бўйича аниқ таклифларни ўрганиб чиқиб, хулоса тақдим этишингизни сўрайман.

Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Мамутов

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014
йил 7 апрелдаги 08/27-277-сонли хати**

**Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Рўзибоевга**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Жом” қишлоғидан оқиб ўтувчи “Омондара” сойида паст босимли сув тўғони қуриш, қадимий “Ёиштбанд” сув омборини қайта тиклаш борасида берилган ариза Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги №18-8-8/1870-сонли топшириғига асосан, Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ 2014 йил 10 март куни жойига келиб, атрофлича ўрганди ва 340 минг метр кубга мўлжалланган селхона қуриш мақсадга мувофиқ, деб топилган далолатнома ҳамда хатни олдим.

Аризамга эътибор қилинганлиги учун Вазирлар Маҳкамасига аҳоли номидан жуда катта раҳмат айтиб, аҳолининг самимий миннатдорчилигини билдираман. Селга қарши тўсиқ-тўғон қурилишини тезлаштириш учун амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Эштурди Раҳимов

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2014
йил 10 апрелдаги Сув хўжалиги
бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Мамутовга ёзган
№01/91-сонли хати**

Вазирликнинг 2014 йил 7 апрелдаги 08/27-277-сонли хатига Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади:

Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси томонидан Омондара сойининг эски Ёиштбанд тўғони қурилган жойдан юқори қисмида янги паст босимли сув тўғони қуриш таклифи киритилиб, техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилган, параметрлари кўрсатилган.

Тўғон қурилгандан сўнг кутилаётган натижалар:

– баҳор ойларида келадиган катта миқдордаги сел сувлари Омондара сойи атрофида қурилган уйларни бузиб кетиш хавфини тўхтатади;

– Жом қишлоғида истиқомат қилаётган 2250 хўжаликдаги 20 минг аҳолини сув билан таъминлаб, 350 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланиб, доимий сув мавжуд бўлишига эришилади;

– Жом қишлоғи юқори қисмида сувни тежаш технологиялари (томчилатиб суғориш) жорий қилиш ҳисобига 100 гектар янги мевали дарахтзорлар жорий қилишга, кенгайтиришга ва йил давомида фойдаланиш учун 340 минг метр куб сув сарфи йиғиш имкониятлари яратилади;

– селхона мақомидаги тўғон қурилиши ва экин майдонларининг кенгайтириши ҳисобига ушбу қишлоқда яшовчи аҳолининг меҳнатда бандлиги оширилади.

**Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи
С.А.Валиев, Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Б.Рўзиев**

АДРЕСНЫЙ СПИСОК

Проектно-изыскательных работ будущих лет на 2014 год за счет средств государственного бюджета По заказчику ОДСП-12 Самаркандской облсати Минселводхоза Республики Узбекистан

Наименование проектируемых объектов, их местонахождение	Мощность проект.объекта в соотв.единицах	Год начала окончания стр-ва (реконструкций)	Расчётная общая стоимость стро ва обема	Стадия проектированная (ПТЕО, ПТЕР, ТЕО, ТЕР, П, РП, РД, ТД)	Сметная стоимость ПИР по объекту	Выполнено ПИР с начала проектирования по состоянию на 01.01.2014г.	Остаток стоимости ПИР на 01.01.2014г.	Прогноз ПИР на 2014г	Сроки выдачи ПСД (месяц, год)	Основанно для включения программу	Дата № протокола конкурсного торга (отбора)	Наименование проектной организации
Строительство низконапорной плотины на саяе Омондара в Нурабадском о раёна ГТС шт	1	2015-2019	2912,87	РП	100,00		100,00	100,00	Окт-2014г	Программа на 2013-2014гг.уте прот.КМР.Уз №01-03/1-250 от 01.05.2013г		онкурсный отбор
<p style="text-align: center;">Директор ОДСП-12 Самаркандского области _____ Таиров «__» _____ 2014г</p>			<p style="text-align: center;">“Согласовано” Начальник управления инвестиции Минфина Республики Узбекистан _____ М.Ганиев “19” 06 2014 г.</p>			<p style="text-align: center;">“Согласовано” Начальник Главного управления по вопросам структурных преобразований в экономика и инвестпрограмм Минэкономики Республики Узбекистан _____ Д.Азимов “23”06 2014г.</p>						
- Уточнена потребность в строительных материалах и изделиях;
- Уточнены затраты на транспорт материалов и заготовительно-складские расходы;
- Уточнены прочие затраты Подрядчика;
- Заявленная заказчиком расчетная стоимость объекта в текущих договорных ценах в сумме 3576612,322 тыс. Сум с НДС и без прочих затрат Заказчика, за счет уточнения объёмов работ и затрат, стоимости строительных материалов и изделий, снижена на 456706,700 тыс. Сум с НДС.

После корректировки по замечанием и предложениям экспертизы расчетная стоимость объекта составила в текущих договорных ценах сумму 3119905,622

тыс.сум с НДС, кроме того прочие затраты Заказчика 113630,41 чел-час.

4.3. Отмечается что рабочий проект, представленный на экспертное рассмотрение, за соответствие проекта и объемов работ в сметной документации ответственность несет проектная организация.

4.4. Автором проекта передать Заказчику откорректированные чертежи и сметную документацию по замечаниям экспертизы.

4.5. Срок действия Экспертного заключения 2 года.

5. Выводы

5.1. Рабочий проект: "Строительство низконапорной плотины на сае "Омондара" в Нурабадском районе Самаркандской области" с учетом результатов экспертного рассмотрения и замечания по пунктам 4.3., 4.4. настоящего заключения, рекомендуется к дальнейшему рассмотрению и утверждению.

5.2. В соответствии с "Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах" утвержденная Постановлением Кабинета Министров РУз. От 11.026.03 г. № 261 и ШНК 4.01.09 рекомендуемая стоимость строительства является ориентиром при проведении конкурсных торгов и не может служить основанием для заключения договора подряда. Решения о принятии указанной стоимости для проведения конкурсного торга принимает Заказчик.

**Ведущие эксперты: Владыкина А.В., Мурадов А., Ортикова Э.В.,
Хашимов И.**

12-сон ҚКБД директори Ф.Тоировнинг 2015 йил 23 январда Нуробод тумани ҳокими Б.К.Эргашевга 2015 йил 23 январда ёзган №14-сонли хати

Хурматли Бахтиёр Қўшбоевич!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Самарқанд вилояти 12-сон Қурилаётган корхоналари бирлашган дирекцияси Сиздан 2015 йил манзилли дастурга киритилган ирригация объекти Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "Омондара" сойида паст босимли кичик сув тўғони қурилиши объекти бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги биносида 22 январь куни Илмий техник кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий талаб қурилиши кутилаётган Омондара сойида паст босимли кичик сув тўғон қурилиши объектидан фойдаланиш жараёнида томчилатиб суғориш тизими бўйича 150 гектар ер, яъни боғдорчилик ва тоқзорчиликни ривожлантириш мақсадли фойдаланиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ёзма равишда кафолат хати беришингизни сўрайман.

**12-сон ҚКБД директори Ф.Тоиров
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 12-
сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг 2015 йил 26
январда ёзган № 14-сонли хати**

Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва

**нархларни шаклантириш ҳудудий консалтинг маркази директори
С.И.Гулямовга**

Сиздан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Самарқанд вилоятида жойлашган 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг 2015 йилги манзилли дастурига асосан Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Омондара” сойида паст босимли сув тўғони қурилиши объекти, Каттақўрғон туманида “Хазара” каналини реконструкция қилиш, Булунғур туманидаги “Янги Беш” каналини реконструкция қилиш, Пастдарғом туманида “Дарғом” каналидаги гидротехник иншоотни реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари ҳужжатларини тайёрлаб, танлов савдоларини ташкиллаштириб ва ўтказиб беришингизни сўраймиз.

№	Қурилиш объекти номи ва манзили	ҚҚС билан минг.сум	ҚҚС сиз минг.сум	Қурилиш муддати ой
Лот-1	Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Омондара” сойида паст босимли сув тўғони қурилиши объекти	3 092 147,577	2 576 789,647	8
Лот-2	Каттақўрғон туманида “Хазара” каналини реконструкция қилиш	315 970,205	263 308,504	9
Лот-3	Булунғур туманидаги “Янги Беш” каналини реконструкция қилиш	590 730,710	492 275,592	12
Лот-4	Пастдарғом туманида “Дарғом” каналидаги гидротехник иншоотни реконструкция қилиш	422 441,550	352 034,625	6

**Бажарилган ишларга шартнома бўйича ҳақ тўланади. 12-сон ҚҚБД
директори Ф.С.Тоиров**

**12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг 2015
йил 26 январда Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва
нархларни шаклантириш ҳудудий консалтинг маркази директори
С.И.Гулямовга ёзган №15-сонли хати**

Сиздан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Самарқанд вилоятида жойлашган 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг 2015 йилги манзилли дастурига асосан Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли кичик сув тўғон қурилиши объекти бўйича танлов савдолари ҳужжатларини тайёрлаб, танлов савдоларини ташкиллаштириб ва ўтказиб беришингизни сўрайман.

№	Қурилиш объекти номи ва манзили	ҚҚС билан минг сўм	ҚҚС сиз минг сўм	Қурилиш муддати ой
---	---------------------------------	--------------------	------------------	--------------------

ЛОТ-1	Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли кичик сув тўғони қурилиши объекти	3 092 147,577	2 576 789,647	8
-------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------	---------------	---

Бажарилган ишларга шартнома бўйича ҳақ тўланади.

Изоҳ: Хатнинг Жомга тегишли қисми олинди.

12-сон ҚКБД директори Ф.С.Тоиров

**Нуробод тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг
2015 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазири ўринбосари Ш.Р.Ҳамроевга ёзган №03/19-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг 2015 йил 23 январдаги №14-сонли хатини ҳамда ирригация объекти Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли кичик сув тўғони қурилиши 2015 йил манзилли дастурга киритилганлигини инobatга олган ҳолда мазкур ҳудудда 2 босқичда – 2015-2016 йилларда жами 150 гектар томчилатиб суғориш системаси, яъни интенсив боғ ва токзор ташкил этилиши белгиланган. Мазкур лойиҳа эгалари танланиб, лойиҳа бажарилишини кафолатлаймиз.

Туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Ш.Абдурахмонов

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси 2015 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

Танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Нуробод туманидаги Омондара сойидаги паст босимли сув тўғони қурилиши	2 576 789 647 сўм	3 092 147 577 сўм	8 ой

Изоҳ: жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: (0 366)

231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорига асосан Лот 31-2 (Лот-1, Лот-2), Лот 32-2 (Лот-1, Лот-2) объектлари бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-Д, 403-хона. Телефон: 231-13-51. Факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10.00 да ўтказилади.** – “Правда востока” газетаси, 2015 йил 3 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд шаҳар “Зарафшонлойиҳа” хусусий корхонасининг 2015 йил март ойидаги № 67/ИСХ-сонли хати

Самарқанд вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Н.С.Содиқовга.

Нусхаси Нуробод тумани Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи А.Раҳимовга

Сизнинг 09.01.2014 йил №936-сонли хатингизга жавобан “Зарафшонлойиҳа” ХК қуйидагиларни билдиради:

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғининг юқори қисмида, шу қишлоқдан оқиб ўтадиган Омондара сойда қурилиши мўлжалланаётган паст босимли сув тўғони лойиҳаси қадимий Ёштбанд тўғонининг юқори қисмида лойиҳалаштирилган бўлиб, 15 метр юқорида жойлашади. Қадимий Ёштбанд тўғонига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Янги қурилаётган тўғон аҳоли уй-жойларини, томорқаларини, қишлоқда жойлашган мактаб, коллеж ва бошқа коммуникацияларини ҳам баҳорги, кузги сел тошқинларидан келадиган катта сувларни аккумуляция қилиши эвазига асраб қолади ва ҳимоя қилади.

“Зарафшонлойиҳа” ХК директори Т.Эсанов

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қурилиши объектини қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тантанали йиғилиши кун тартиби

2016 йил 8 август куни Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қуриш объекти бўйича амалга оширилган иш ҳажмлари, техник кўрсаткичлари, тўғони ва гидротехник, геодезик ва бошқа иншоотлар туширилган баннер ўрнатилган.

Соат 9:30 дан 09:50 гача	Йиғилиш қатнашчиларининг рўйхатдан ўтиши
Соат 10: да	Вилоятимизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва гидротехник иншоотлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг қабул қилинганлиги ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Нуркулов маърузаси.
Соат 10:20 да	Йиғилиш қатнашчиларига буюртмачи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Н.Қурдошев сув омбори қурилиши, гидротехник иншоотлари ва уларнинг техник кўрсаткичлари ва туман аҳолисининг турмушига ижобий таъсири тўғрисида маълумот беради.
Соат 10:35 дан 11:20 гача	Йиғилиш қатнашчиларининг сув омборида қурилган иншоотлар билан танишуви
Соат 11:20 да	Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида пудратчи ташкилот “Ўзмахсуссувқурилиш” ихтисослашган компанияси давлат корхонаси раҳбари А. Ғофуров ва “Ўзмахсуссувқурилиш” ихтисослашган компаниясининг “Самарқандмахсуссувқурилиш” филиали раҳбари А.Қаландаровлар маълумот беради.
Соат 11:50 да	Савол-жавоблар.

Соат 12:20 да	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят, туман ҳокимияти... Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1-майдаги № 01 03/1-250 сонли баённомаси билан тасдиқланган “2013-2017 йилларда ирригация объектлари қурилиши” дастурига асосан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида
Соат 12:50 да	Йиғилишнинг ёпилиши.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қурилиши объектини қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тантанали йиғилишга таклиф қилинганлар рўйхати

1. **Тешаев Ш.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири.
2. **Мирзаев З.** Вилоят ҳокими.
3. **Жумаев А.** Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.
4. **Назаров Б.** Самарқанд вилояти давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи.
5. **Эсанов Т.** “Зарафшонлойиҳа” ХК директори.
6. **Бобобеков У.** “Зарафшонлойиҳа” ХК лойиҳа бош муҳандиси.
7. **Тураев Ш.** Даргом ирригация тизими бошқармаси бошлиғи.
8. **Жонбоев Э.** Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари давлат инспекцияси эксперти.
9. **Жамолов З.** Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.
10. **Бобонов Ш.** Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қурилиши объектини қабул қилиш бўйича ўтказиладиган йиғилишга тумандан таклиф қилинганлар

1. Туман ҳокимияти.
2. Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси.
3. 5 киши. Ирригация тизимлари бошқармаси.
4. 2 киши. Қишлоқ фуқаролар йиғини.
5. 4 киши. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва оқсоқоллари.
6. 3 киши. Қурилиш бошланишида иштирок этган.
7. 3 киши. 12-сон ККБД техник ходимлари.
8. 2 киши. ОАВ ходимлари.
9. 3 киши. Фермерлар.
10. 2 киши. Сув истеъмолчилари уюшмалари ходимлари.

2015 йилда қурилиши мўлжалланган 12-сонли ҚКБДси манзилли рўйхатига киритилган “Самарқанд вилояти Нуробод тумани Омондара сойда паст босимли сув омбори қуриш” объекти лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда қатнашган сув хўжалиги ходимлари

- С.Валиев** – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.
У.Жумаев – “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор.

З.Х.Джурабеков – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор, “Зарафшонлойиҳа” хусусий корхонаси бош муҳандиси.

Т.Эсанов – Самарқанд шаҳар “Зарафшонлойиҳа” хусусий корхонаси директори.

У.Бабабеков – Лойиҳа бош муҳандиси.

Ф.Тоиров – № 12 сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бошлиғи.

**Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойда паст
босимли сув тўғони қуриш объекти бўйича
2016 йил 8 август ҳолатига**

МАЪЛУМОТ

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қуриш объектининг қурилиши 2015 йилда бошланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 майдаги № 01-03/1-250-сонли баённомаси билан тасдиқланган “2013-2017 йилларда ирригация объектлари қурилиши” дастурига асосан амалга оширилган.

Қурилиш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари “Зарафшонлойиҳа” ХК томонидан бажарилган ва қуйидаги асосий кўрсаткичларга эга:

- умумий сифими 0,375 млн.м³
- тўғон баландлиги 20 м.
- тўғон узунлиги 102м.
- тўғон юқори қисмининг эни 4 м.

Қурилиш-монтаж ишлари якка тартибдаги лойиҳа асосида амалга оширилган.

Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича 2015 йилда тендер савдолари ўтказилиб, “Ўзмахсуссувқурилиш” ихтисослашган компанияси давлат корхонаси бош пудратчи деб аниқланган. 2015 йилдан “Ўзмахсуссувқурилиш” ихтисослашган компаниясининг “Самарқандмахсуссувқурилиш” филиали томонидан қурилишда тўғонни кўтаришда механизациялашган тупроқ ишлари, бетон ва темир бетон конструкцияларини ўрнатиш, механик ва электротехник жиҳозлари монтажи, металлоконструкциялар ва бошқа қурилиш-монтаж ишларини тўлиғича бажарган ҳолда амалга оширилган.

Объект қурилиши бўйича фойдаланишга қабул қилинаётган қурилиш-монтаж ишларининг жорий нархлардаги умумий баҳоси қуйидагича:

Жами капитал маблағлар – 3283,262 минг сўм, шу жумладан:

Қурилиш-монтаж ишлари – 3004,918 минг сўм,

Нуробод туманидаги Омондара сойда паст босимли сув тўғони қурилиши объектининг тугалланиши Жом қишлоғи фуқаролар йиғинлари ҳудудида Омондара сойдан келадиган катта миқдордаги, кўприк ва йўлларни бузиб кетиш хавфига эга сел сувларини тўхтатиб қолиш билан бирга 375,0 минг метр куб сувни сақлаб туриб, қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги экин майдонларида сув таъминотини яхшиланишига хизмат қилади.

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи А.Аббаев

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги**

БУЙРУҚ

2016 йил 04 октябрь. Тошкент ш. №185-сонли

**Давлат қабул қилиш комиссияси далолатномасини тасдиқлаш ва
қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 22 июлдаги №125-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат қабул қилиш комиссиясининг “Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли сув тўғони қуриш” объектида қурилиш-монтаж ишлари тугалланганлиги ва уни доимий фойдаланишга топшириш тўғрисидаги Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномасига асосан,

Буюраман:

1. “Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли сув тўғони қуриш” объектида қурилиш-монтаж ишлари тугалланганлиги муносабати билан объектни доимий фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур объектни қуриш ишлари учун сарфланган жами 3 283 262 минг сўм, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари учун 3 004 918 минг сўмлик сарфланган харажатлар 12-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси балансидан чиқарилиб, “Дарғом” ирригация тизими бошқармаси балансига ўтказилсин.

3. “Дарғом” ирригация тизими бошқармаси (Тураев) ва 12-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси (Қурдошов) белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш ишларини амалга оширсинлар ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

4. Сув хўжалиги бош бошқармаси (Мамутов), Сув хўжалиги комплексини маблағ билан таъминлашни ташкил этиш бошқармаси (Мирзаев), Ирригация тизимларидан фойдаланиш бошқармаси (Дурматов) билан биргаликда Омондара сойида қурилган паст босимли сув тўғонининг лойиҳавий қувватларда ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Дарғом ирригация тизими бошқармасига белгиланган тартибда қўшимча штат бирликлари ажратиш масаласини кўриб чиқсинлар.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

Вазир Ш.Тешаев

**Қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида
давлат қабул қилиш ҳайъати далолатномаси**

2016 йил 4 октябрь. Нуробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 22 июлдаги №125-сонли буйруғи билан тайинланган давлат қабул қилиш ҳайъати ШНҚ 3.01.04-04 да кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда

Аниқланди:

1. Буюртмачи 12-сонли қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси ва бош пудратчи “Ўзмахсуссувқурилиш” ИК давлат корхонаси томонидан “Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли сув тўғони қуриш” объектини фойдаланишга қабул қилиш учун тақдим этилди.

2. Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1-майдаги №01-03/1-250 сонли баённомаси билан тасдиқланган “2013-2017 йилларда ирригация объектлари қурилиши” дастурига асосан амалга оширилган.

3. Қурилиш ишлари бош пудратчи “Ўзмахсуссувқурилиш” ИК ДК ва “Самарқандмахсуссувқурилиш” филиали томонидан тупроқ ишлари, бетон ишлари, металлоконструкция ва бошқа қурилиш-монтаж ишларини бажарган ҳолда амалга оширилган.

4. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари бош лойиҳачи ташкилот “Зарафшонлоиҳа” ХК томонидан ишлаб чиқилган.

5. Лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва “Самгидромет” гидрометеорология хизмати маркази томонидан берилган.

6. Қурилиш ишлари яқка тартибдаги лойиҳа асосида амалга оширилган.

7. Лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2015 йил 23 январдаги №2-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган ҳамда 2015 йил 7-январдаги №14-2015-сонли давлат экспертиза хулосалари олинган.

8. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилган:

Ишнинг бошланиши – 2015 йил апрель ойи

Ишнинг тугатилиши – 2016 йил июнь ойи

9. Давлат қабул қилиш ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилди:

- Ишчи ҳайъат далолатномаси;
- Объектнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва эксплуатацияга қабул қилинадиган техник-иқтисодий дастури тўғрисидаги маълумот;
- Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун “Давархитектқурилиш” назорат инспекциясининг рухсатномаси;
- Буюртмачи ва Бош пудратчи томонидан тасдиқланган, қурилишнинг ҳақиқатдаги қиймати тўғрисидаги маълумот;
- Ижро-техник ҳужжатлар;

Объектни эксплуатацияга топшириш учун тайёрлиги тўғрисида ишчи

ҳайъатининг йиғма ҳужжатлар тўплами;

10. Фойдаланишга қабул қилиш учун тақдим этилган объект қуйидаги асосий кўрсаткичларга эга:

Қуввати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа бўйича		Амалда	
		Умумий (аввал қабул қилинганларини ҳисобга олган ҳолда)	Шу жумладан, ишга тушириш комплекси ёки навбати	Умумий (аввал қабул қилинганларини ҳисобга олган ҳолда)	Шу жумладан, ишга тушириш комплекси ёки навбати
ГТИ 0,375	Дона млн.м ³	10,375	10,375	10,375	10,375

11. Гидротехник иншоотнинг техник-меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

умумий сув сифими – 0,375 млн.м³, баландлиги 20,0.

12. Объектда лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, портлатиш хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайдиган тадбирлар лойиҳага асосан амалга оширилган.

13. Объектнинг жорий нархлардаги умумий баҳоси:

Жами: 3347,823 млн. сўм, шу жумладан:

Қурилиш-монтаж ишлари – 3069,479 млн. сўм

Фойдаланишга қабул қилинаётган асосий фондларнинг нархи:

Жами: 3283,262 млн. сўм, шу жумладан:

Қурилиш-монтаж ишлари – 3004,918 млн. сўм.

Давлат қабул қилиш ҳайъати қарори:

Қабул қилиш учун тақдим этилган “Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Омондара сойида паст босимли сув тўғони қуриш” объекти фойдаланиш учун қабул қилинсин.

Комиссия раиси – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Жумаев.

Комиссия раиси ўринбосари – Самарқанд вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи в.б. Б.Назаров.

Комиссия аъзолари:

Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари – О.Джураев

Фойдаланувчи ташкилот “Дарғом” ИТБ бошлиғи – Ш.Тураев

12-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори – Н.Қурдошев

Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари в.б. – Ш.Бобонов

“Ўзмахсуссувқурилиш” ИК ДК директори – А.Ғофуров

“Самарқандмахсуссувқурилиш” филиали директори – А.Қаландаров

“Зарафшонлойиҳа” ХК директори – Т.Эсанов

“Зарафшонлойиҳа” ХК лойиҳа бош муҳандиси – Ў.Бобобеков

Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари Давлат инспекцияси эксперти – Э.Жонбоев

Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси – З.Жамолов

Нуробод тумани Давлат санитария эпидемиология нозорат маркази санитария бўлими мудирлари – Ў.Шаминов

Самарқанд вилояти Нуробод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори сержант – К.Джуракулов

Самарқанд қиёлати “Турон банк” АТБ Филиали кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи – У.Индиаминов.

12-сонли ҚҚБД касаба уюшмаси раиси М.Қодирова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Халқ депутатлари
Самарқанд вилояти кенгаши депутати Т.Э.Остонақуловга 2018 йил 15
майда йўллаган №01-15/255-сонли хати**

Сизнинг 2018 йил 30 апрелдаги №01-02/181-сонли хатингизга жавобан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом қишлоғи Жом сойида гидрологик кузатув постини ташкиллаштиришга қаршилик билдирмайди.

Аммо Ўзгидромет бюджет ташкилоти ҳисобланганлиги сабабли 2018 йилда гидропост қурилиши учун маблағ ажратилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, туман ҳокимлиги томонидан Жом сойи устига қуриладиган гидрологик кўприкнинг қурилишида амалий ёрдам кўрсатилиши таклиф қилинади.

Ўзгидромет гидропостда сув ўлчаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган гидрологик асбоб-ускуналар ва штат бирлиги билан таъминлашга тайёрлигини маълум қилади.

Бош директор биринчи ўринбосари Б.Нишонов

**Ғиштбанд сув омбори тўғрисидаги ёзма маълумотлар
Самарқанд вилоятининг ўлкашунослик музейида №621-инвентар
рақами билан сақланаётган
архив материали**

Жом, Бешбармоқ, Ана-зиёрат, Гумбазга сафар.

Иштирокчилар: Сухарев И.А., Котовский В.И.

22.08.1936 йил кун бўйи велосипедда юриб Самарқанддан Жомга бордик.

23.08.1936 йил. Жом сойи, яъни Омондара сойининг юқорисида, Бешбармоқ қишлоғидан 1 км пастда йўнилмаган тош ва алибастер аралашмасидан бунёд этилган Xisvand (Xist-vand) тўғони қолдиғи жойлашган (аралашмадан намуна олинди). Тўғоннинг пастдаги қалинлиги 9 м, баландлиги 6-7 м. Ўрта қисми 2-2,5 м энликда юқорисидан пастигача бузилган. Умумий кенглиги 6-12 м. Қишлоқ кексаларининг маълумотига қараганда, тўғоннинг ўртасида сувнинг сатҳини маромида сақлаш учун тагма-таг қилиб учта тешик қўйилган бўлган.

Тузатиш: Бешбармоқ қишлоғидан 1,5 км пастда.

Тўғонни қуришга йўнилмаган, юзлари текис тош бўлақларидан ишлатилган. Тўғоннинг ўрта қисми кесимидаги тошларнинг маълум қисми ўрнида сақланиб қолган, улардан айримларининг шакли емирилиш туфайли ўзгарган. Тўғон негизидаги эни 4-6 м, баландлиги бўйича 6 м дан 10-15 м гача.

Тўғонни ҳимоя қилиш чизиқларига эътибор қилинса, қўриқлаш жой ундан 150 м юқоридаги сойга яқин тепаликлардан бирида бўлган. Тепаликнинг баландлиги 9-10 м, юқорисида 15x5 м ўлчамдаги майдон бор. Майдоннинг юқори шарқий қисмидаги унчалик катта бўлмаган чуқурликда инсон яшаганлигини билдирувчи суяк қолдиқлари, қурилиш қолдиқлари каби белгилар йўқ.

Ғиштбанд

XII асрдаги сув омбори тўғонининг қолдиғи. Омондарасойда жойлашган. Ғиштбанд Омондарасойнинг энг тор қисмида бўлиб, ҳозирги баландлиги 9 м, узунлиги юқори қисмида 24,5 м, асосида 10 м, қалинлиги юқорисида 5,5 м, асосида 9 м. Ғиштбанднинг сув тўпланадиган ички томони тик, ташқариси зинапоя шаклида. XII асрда чуқурлиги 9 м, узунлиги 700 м, кенглиги тўғон олдида 25 м, юқори томонида 100 м бўлган. Соининг қишки оқими ва баҳорги сел сувлари омборга тўпланиб, қарийб 300 минг метр куб сув захираси ҳосил қилган. Ғиштбанд туфайли Самарқанд ва Қарши оралиғидаги қадимги карвон йўли ёқасида мустаҳкам қалъа қад кўтарган. Қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатепа деб аталади. У Ғиштбанддан 5 км ғарбда, Жом қишлоғида жойлашган. Жом қишлоғининг ўзида 250-300 га ер майдони суғорилиб обод этилган. Сув омбори нураш, лойқа босиш натижасида ишдан чиққан. Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 14-том, 1980 й.

А.Р.Муҳаммаджонов

Жомдаги қадимги Ғиштбанд сув ҳавзасини ўрганиш

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, проф. Я.Ғ.Ғуломов бошчилигидаги Махандаран (айрим мақолаларида Махондарё дейилган, изоҳлар китоб муаллифиники) археологик гуруҳи 1962 йилнинг баҳорида Каттақўрғондан 68 км узоқликда Жом қишлоғида жойлашган қадимий сув ҳавзаларидан бирини батафсил ўрганиб чиқди. Каттақўрғондан Жомга йўл Энамяхши, Кечкелдик, Кўктош, Бошқудуқ, Эшот, Улус ва Иброҳим ота жойларидан ўтади.

Жом Зарафшон тепаликларининг бошқа жойлари каби кўп сонли сойлари бўлишига қарамай Самарқанд вилоятининг суви кам районларидан биридир. Шунинг учун бу ернинг аҳолиси қадимдан кам сувни тежаб, ўзларининг ирригацион хўжалигида ишлатиш учун бор имкониятдан фойдаланишга интилган. Катта соининг қишки сувларини ва баҳорги сел сувларини утилизация қилиш учун Омондара (бу атама ушбу мақолада Амандар деб ёзилган) тоғининг дарасида сув ҳавзаси қурилган эди.

Қадимги сув ҳавзасининг бу тўғони аҳоли ўртасида Ғиштбанд ёки Хиштбанд номи билан машҳур бўлса ҳам, у тоғнинг оддий йўнилмаган тоши – аплитдан юқори сифатли оҳак ва кул қоришмасида терилган. Ташқи юза қисмига текис тошлар танлаб олинган. Ғиштбанд тўғони Омондарасойнинг энг тор чуқур водий (каньони)ни тўсиб туради, бу ерда соининг кенглиги

8-10 метрдан ортиқ эмас. Тўғоннинг тепадаги узунлиги 25,5 м., пастдаги – 10 м., тепадаги қалинлик – 5,5 м., негизида эса – 9,1 м. Тўғоннинг сақланиб қолган қисмининг баландлиги 7-8 м., аввалги биринчи баландлиги – 9 м.

Ҳозирги вақтда тўғоннинг ўрта қисми пастигача вайрон бўлган, унинг фақат Каттасойнинг қоялари қирғоқларига тақалган ён томонлари сақланиб қолган. Каттасойнинг ғарбий юз қисми – зинали, юқори зиналари ювилган, фақат пастки қисми сақланган, унинг баландлиги – 1,75 м., тошлар деярли тик ҳолатда терилган ва юқорига 87 даража остида кўтарилган.

Жомлик 78 ёшли Саъдин бобо Алимқуловнинг айтишича, қачонлардир тўғоннинг ўрта қисмида сув ҳавзасининг ҳар хил баландлигидан сувни чиқариб юбориш учун 5 та тешик қилинган. Аммо бу поғонали сув чиқариш тешиклари кейинчалик Каттасойдан оқиб келган сел тошқинлари оқибатида бузилиб кетган.

Ғиштбанд тўғонининг сақланиб қолган қисмига қараганда, у ўзининг тузилиши бўйича 1950 йилда Сирдарё вилояти Фориш туманида проф. Я.Ғ.Ғуломовтомонидан топилган ва Хасргатегишли бўлган Хонбанди тўғонининг тузилишига жуда ўхшайди.

Ғиштбанд тўғони Хонбанди тўғонига нисбатан икки марта кичик, умумий техник ҳисоби бўйича ундан мустаҳкамроқ. Ғиштбанд тўғонининг қалинлиги баландлиги ва узунлигига нисбатан (негизида) 1:1 га тенг, Хонбандининг қалинлиги баландлигига нисбатан 1:2 тенг, негизининг узунлигига нисбатан эса 1:3 тенг.

Тўғон олдида ташкил топган Ғиштбанд қадимий сув ҳавзасининг чегара ўрни Омондара водийсининг кенгайтирилган қисмида яхши намоён бўлади. У ерда сойнинг қадимий қолдиқ қатламлари ҳозирги Каттасойнинг оқим йўли кесиб ўтган. Сув ҳавзасининг узунлиги 650-700 метрга чўзилган, тўғон ёнидаги кенглиги – 25 м., чегаранинг охирида 100 м., сув ҳавзасининг ҳажми 250-300 минг метр куб ва 250-300 гектар ерни суғориш имконини берган. Шубҳасиз, Жом оазисининг аҳолиси қадимда Ғиштбанд сув ҳавзасидан фойдаланганлар. Бу сув иншоотининг ишдан чиқиши эксплуатация даврида йилдан-йилга лойқаланиб, ҳажми камайганлиги туфайли содир бўлган. Бу сув ҳавзасининг лой тўпланиши эксплуатациянинг биринчи кундаёқ бошланган, чунки бу иншоотни конструкция қилганда, одатда, сув ҳавзасида сув чиқиндилари туфайли пайдо бўладиган ўлик сувлар, бўшлиқ эътиборга олинмаган.

Сувдан тушган лойнинг ҳажмидан ва сувнинг лойқалиги билан ирригацион иншоотнинг эксплуатацияси даври боғлиқ. Вақт мобайнида Ғиштбанд сув ҳавзасининг косаси Каттасойнинг олиб ташланган чиқиндилари билан тўлди, Омондара водийсининг суғориладиган майдони анча қисқарди. Кейинчалик тоғ дарёсининг кучли сели тўғонни ёриб ўтди ва унинг ўрта қисмини вайронага айлантирди. Аста-секин илгариги чиқиндиларини ювиб, сув ўзи учун сув ҳавзасидан тор йўл очди. Соининг ҳозирги шимолий қирғоғи Каттасойнинг қадимий вақти-вақти билан, Ғиштбанд сув ҳавзасининг эксплуатация даврида тўпланган чиқиндиларидан ташкил топган.

Тўғоннинг тузилишини ўрганиш кўрсатдики: Жом оазисининг қадимий

деҳқонлари ушбу иншоотларидан фойдаланмаганлиги сабаби, у чет эл босқинчилари томонидан бошқа иншоотларга ўхшаб вайрон бўлмаганлиги эмас, балки сув ҳавзаси чиқиндилар билан тўла бўлганлигидир.

Тўғондан 5 км ғарбда Омондара тоғ дарасида ушбу иншоот XI асрда яратилганлиги туфайли бу ерда яхши мустаҳкамланган шаҳар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда бу вайроналар Каттатепа деб аталади. Каттатепа сойга параллел борадиган тоғ тепаликлари этагида жойлашган. У жанубдан шимолга чўзилган тўртбурчак шаклига эга, унинг майдони тахминан 3,5-4 га тенг. Шаҳарнинг ўртасида цитадель жойлашган, бу цитаделнинг майдони 40x60 м.

Каттатепа шаҳрида тўпланган археологик материал қизил рангли нозик текис ва усти ялтироқ XII асрга тегишли бўлган керамикадан ташкил топган. Ёштбанд тўғонини ўрганганда тўғонни қурилишида бунктирилган (ёпишқоқ) қурилиш материални ўрганиш катта илмий қизиқиш уйғотади.

1-жадвал

Ёштбанд плотинаси қурилиш қўйилманинг ишлатилиш тахминий таркиби ва физик-техник кўрсаткичлари

Намуна №	Қўйилманинг фойдаланиш жойи	Таркиби	Тахминий оғирлик Таркиби %	Ҳажмий оғирлиги см	Оғирлиги бўйича сув сингиши %	Қуруқ Ҳолатда мус таҳкамлиги %	Сув билан тўйинган ҳолатда мустаҳкам-лиги %	Юмшаш коэффи-центи	Мустаҳкам-ликнинг пасайиши сув билан тўйинган ҳолатда
1006	Плотинанинг паст қаватидан қўйилма	Оҳак ва ўсимлик кули	89+11	1,18	31,7	48	50	1	-
1007	Плотина-нинг юқори 7 м. баланд-ликдаги қавати дан қўйилма	Оҳак ва сымлик кули	73,4+ 2 6,6	1,12	31,2	59	42	0,71	21,9
1008	Плотина-нинг ўрта қаватидан 4м. баланд-ликдаги қавати данқўйилма	Оҳак ва ўсимлик кули	82+18	1,19	38,2	65	24	0,37	62

Қўйилманинг кимёвий-технологик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тўғоннинг ҳар хил қисмидан олинган бунктирилган материалли – Ўзбекистон иншоотларининг энг сифатли оҳак-кул цементидир.

Жадвалдаги рақамлар шуни кўрсатадики, Ёштбанд тўғонининг бунктирилган

материали таркибида асосий қисмини оҳак эгаллайди. Шу билан асосий ҳажмда оҳакнинг катта қисмлари ўртача кесимда 10x10, 8x12 мм. Эритма қалин, яхши аралаштирилган. 1-жадвал рақамлари шуни кўрсатадики, оҳак қуйилма таркибида пастки қаватдан юқори қаватгача пасаяди. Масалан, агар пастки қаватда оҳак фоизи эритмада 89 % (намуна 1006)ни ташкил этса, 7 м баландликдаги юқори қаватида қуйилма 73,4 % гача камаяди (намуна 1007). Эритманинг каттадоналиги, ўсимлик кули билан дона солинган, бунктирилган материални яхши чидамлилигини, унинг юқори сифатли бўлишини кафолатлаган.

2-жадвал

Ғиштбанд плотина қурилиш қуйилмасининг кимёвий таркиби

Намуна №	Қуйилманинг фойдаланиш жойи	Қурук нарсанинг кимёвий таркиби %							Компонентлар йиғиндиси
1006	Тўғоннинг паст қаватидан қуйилма	7,6	1,52		47,97	1,39	0,41	39,3	98,19
1007	Тўғоннинг ўрта қаватидан 4 м баланд-ликдаги қаватидан қуйилма	12,66	1,25	2,77	43,66	2,07	0,56	37,28	100,3
1008	Тўғоннинг юқори 7м. баланд-ликдаги қаватидан қуйилма	19,08	1,43	4,32	39,4	2,15	0,56	32,8	99,74

Шундай қилиб, Ғиштбанд тўғони конструкцияси, Каттатепа шаҳрининг археологик материали ва бунктирилган (ёпишқоқ) қурилиш эритмасининг тузилиши бу ёдгорликнинг XII асрга тааллуқлигини тасдиқлайди. Ҳар хил даврларга тегишли бўлган қадимий сув иншоотларини ўрганиш бизга Ўзбекистонда ирригацион техникани ривожланиш йўлини назорат қилиш имконини беради.

Бундан ташқари А.Р.Муҳаммаджонов “Жом қишлоғидаги қадимги Ғиштбанд сув омборини ўрганиш”, “Қадимги гидротехник иншоотлар ва янги ерларга сув чиқариш”, “Древние гидротехнические сооружения и орошение новых земель” (1966 й.) номли мақолаларида ҳам Ғиштбанд сув омбори ҳақида ёзиб, уни ўрганишда ўзига рассом И.К.Сазонов, оператор А.Далабоев, операторнинг ассистенти М.Октамовлар ҳамроҳ бўлишганларини маълум қилган.

Ғиштбанднинг табиий географик ўрни ва стратегик аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар П.Давроновнинг Самарқанд Жоми китобида ҳам ўз аксини топган (Самарқанд, 2009 й.).

Жомлик археолог Абдуманноп Ёрқуловнинг Ғиштбанд атрофидан кўплаб пайконлар (камон ўқининг темир учи), қилич, палохмон ва бошқа қурол-аслаҳа қолдиқларини топганлигини эътиборга олсак, қадимги урушлар кўпроқ Жом қишлоғининг баланд тоғлар билан ўралган қисмида кечганлигини англаймиз.

Ғиштбанд бекорга урушлар даврида қулай жой сифатида танланмаган. Сабаби Ғиштбанддан Омондарасой, Каптархона ва Қоразов томон учта тор йўлак мавжуд бўлиб, улардан биратўла тўрт отликнинг қочиб чиқиб кетиш имконияти

йўқ. Шунингдек, баланд тоғлар урушнинг боришини кузатиш ва қўшинни бошқариш учун лашкарбошиларга ўта қулай (“Ишонч” газетаси, 2007 йил 1 ноябрь).

Қорахонийлар подшолиги даврида Жомда бунёд этилган Ғиштбанд ҳозирда Каттатепа деб аталадиган қалъа, Қўрғонтепа устига қурилган майдони 25 сотихдан кам бўлмаган тўртбурчак шаклдаги Қўрғон каби кўп ёдгорликлардан бизларга уларнинг харобалари эсдалик бўлиб қолган.

Европага ҳам донғи кетган Жом қалъаси тўғрисида рус саёҳатчиси 1882 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган “Рус элчихонасининг Афғонистон ва Бухоро хонлиги бўйлаб саёҳати” номли китобнинг 1-томида шундай ёзади: “Мана ниҳоят, биз Жомда. Бизларнинг харитамизда Жом мудофаа иншооти сифатида белгиланган эди ва биз бу ерда қўрқинчли қалъа деворларини ва улардан чиқиб турган қуролларни кўришни кутар эдик. Лекин афсус, бундай эмас эди.

Жом ўзбеклар яшаётган оддий кичик қишлоқ эди. У сойнинг ўртасида, унчалик баланд бўлмаган тепаликлар билан ўралган ҳудудда жойлашган эди. Саёз, суви лойқа дарёча бу сойни шарқдан ғарбга кесиб ўтарди, қишлоқнинг жанубий-шарқий томонида аскарларнинг палаткалари кўринар эди. Бу ерда бир неча кундан бери 9-батальони ўзини Туркистон қўшинларининг авангарди сифатида намоён қилиб турарди.

Яна ҳам чапроқда, тоғларга яқин бўлган жойлардан унчалик баланд бўлмаган тепаликнинг юқори қисмида илгари Бухоро қалъачасининг вайроналари кўринарди. Бу қалъача қадимда Жомнинг мудофаа иншооти бўлган”.

Қадимги Ғиштбанд сув омбори

Қадимги шарқ мамлакатлари, жумладан, Туронзамин аҳолисининг иқтисодий ривожига, сунъий суғорма деҳқончилик ҳамда сувга чидамли махсус гидравлик қурилиш қоришмалари, тош ва ғишдан бино қилинган муҳандислик типидagi сув иншоотлари катта таъсир кўрсатган.

Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё минтақасида Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона ва Чоч каби тарихий, маданий ўлкаларнинг вужудга келиш жараёни, минтақанинг асосий сув манбалари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон каби йирик дарёлар, кўплаб тоғ дарёчалари ҳамда сой сувларига асосланган. Таъкидлаш жоизки, юқорида кайд этилган маданий ўлкаларнинг археологиясини, моддий-маданий ва ижтимоий ҳаётини ўзида мужассам этган, барча даврлардаги ривожланишга сабабчи бўлган муҳим бир омил ирригация хўжалиги, суғорма деҳқончилик ва сув иншоотларига етарлича аҳамият берилгани йўқ. Шу сабабли ҳозирда сунъий суғориш тармоқлари ва қадимги сув иншоотларини мукамал ўрганиш энг долзарб муаммодир.

Зарафшон водийсида ўрта асрларда бунёд қилинган сув иншоотларидан бири Ғиштбанд сув омборини илк бор ЎзР ФА Археология институти илмий ходимлари ўрганган. Самарқанд вилояти Каттақўрғон (ҳозирги Нуробод) туманининг Жом қишлоғи яқинида топиб ўрганилган бу сув омбори маҳаллий аҳоли ўртасида Ғиштбанд номи билан аталиб келинган. У Зарафшон тоғ

тизмасининг ғарбий этакларидан оқиб чиқадиган Омондара сойи ичида бунёд қилинган. Ғиштбанднинг номига кўра иншоотни ғишдан бино қилинганлиги тўғрисида ишора берса-да, аммо у йўнилган тоғ тошлари ва махсус қурилиш қоришмалари орқали қурилган.

Ғиштбанд сув омбори Омондарасойнинг энг тор жойига ўрнатилган бўлиб, баландлиги 9 метр, узунлиги устидан 25,5 метр, асосида 10 метр, қалинлиги асосида 9,1 метр, юқориси 5,5 метрга тенг. Тўғоннинг сув тўпланадиган ички томони деярли тик, ташқариси эса зинапоя шаклида қурилган. Жомлик кекса деҳқонларнинг сўзларига қараганда, тўғоннинг маказий қисмида паст-баланд жойлашган бешта қулфаги (қувури) бўлган. Ҳозирда бу қувурларни Омондарасойининг сел сувлари ювиб кетган, иншоотнинг фақатгина дара қисми, қоятошли мустаҳкам қирғоқларигина сақланиб қолган, холос.

Ўзма манбалар сув омборини XII аср бошларида Қорахонийлар давлати ҳукумронлиги даврида бино қилинганлигини кўрсатади. Омондарасойнинг қиш мавсумидаги доимий оқар ва баҳорги сел сувлари Ғиштбанд сув омборига тўпланиб, қарийб 300 минг кубометрга етганлиги қайд қилинган. Бу йиғилган сув манбаи ҳисобидан Самарқанд ва Қарши қадимги карвон савдо йўли ўртасида мустаҳкам қалъа қад кўтарганлиги, шу билан бирга Жом ҳудудида 250-300 гектарга яқин ер майдонлари ўзлаштирилиб, обод қилинганлиги айtilган. Бу мустаҳкам қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатепа номи билан аталади. Қалъа Ғиштбанд сув омборидан беш километр узоқликда, сойнинг ғарбий томонида жойлашган. Тўғонда олиб борилган археологик изланишларга кўра, сув омбори ўрта асрларда бунёд қилинганлиги кўп йиллар давомида ўтроқлашган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити яхшиланишига олиб келган. Баҳорги сел сувларининг доимий лойқа бўлиб оқиб келганлиги туфайли бу сув омбори бир неча йиллардан сўнг лойқага тўлиб, ишдан чиққан.

Бу сув иншоотлари аввалдан пухта тайёрланган лойиҳалар асосида катта тажриба соҳиби бўлган моҳир бинокор, лойиҳачи, ирригатор муҳандислар томонидан бунёд қилинган. Демак, Ғиштбандга ўхшаш сув иншоотлари ҳисобланган тўғонларни қуриш, албатта, суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида амалга оширилган. Ҳозирда мамлакатимиз тоғ олди ҳудудида сақланиб қолган қадимги сув омбори Ғиштбанд ўрнида янги замонавий лойиҳалар асосида сув тўғони бунёд қилинса, Жом, Тегирмонбоши, Омондара ва Гирдиқўрғон маҳалла ҳудудларида суғориладиган ер майдонлари кенгайиб, аҳолининг турмуш шароити янада яхшироқ бўлишига олиб келар эди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, юртимиз мустақил бўлган вақтдан буён ҳар соҳада бажарилаётган истиқболи буюк режалар ЎзР ФА археология институти илмий ходимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўтмишимиздаги буюк алломаларимиз илми асосида яратилган кашфиётлар ҳозирда ҳам ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда бундай кашфиётларга суянган ҳолда иш олиб бориш келажакка ёруғ юз билан боқиш демақдир.

**Сирожиддин Суёнов,
ЎзР ФА Археология институти катта илмий ходими.
Nurobod газетаси, 2013 йил 13 сентябрь**

Кейинги вақтларда “Биз Ғиштбандни топдик” мазмундаги мақолаларга дуч келмоқдамиз. Ғиштбанд XII аср Қорахонийлар подшолиги давридан буён доимо бўлган, уни ҳеч ким топмаган, аксинча, аждодлардан ёдгорлик бўлиб қолган табаррук ирригацион сув иншооти, ноёб тарихий обида сифатида қайта-қайта ўрганилганлиги юқоридаги ёзма манбалардан кўришиб турибди.

Келажак сув захираларини ҳосил қилиш имкониятлари

1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Қонуннинг XXI боб, 78-82-моддаларида сув омборларини сув билан тўлдириш ва улардан сув чиқариш режими, сув омборларидан фойдаланиш тартиби, сув омборларининг тегишли техника ҳолатини ва ободончилигини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, кўл ва бошқа сув ҳавзаларидан сув омборлари сифатида фойдаланиш, гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилган.

Ер юзида глобал исиш жараёни рўй бермоқда ва кўплаб нохуш ҳодисаларга олиб келмоқда. Яшаш шароитининг ўзгариши оқибатида кўплаб жонзотлар қирилиб кетмоқда, кескин ер эрозияси ва чўлланиш содир бўлмоқда, ичимлик сувга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу вазият мавжуд сув ресурсларидан оқилона тежаб-тергаб, рационал фойдаланишни, янги сув захираларини ҳосил қилишни талаб этади. Деҳқончилигимизга томчилатиб суғоришнинг кириб келиши исрофгарчиликка йўл қўймасдан сувдан унумли фойдаланишнинг энг мақбул усули эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Республикамизда қўшимча сув захираларини ҳосил қилиш имкониятлари жуда катта. Бунинг учун тоғли, тоғ олди ҳудудларида асрлар оша бекорга оқиб кетаётган қор ва ёмғирлардан пайдо бўладиган сувларни катта-кичик сув омборларига тўплаб, улардан оқилона фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Самарқанд вилоятининг жанубий сарҳадларида, Буюк ипак йўли тармоқларидан бири Самарқанд–Жом–Қарши ҳамда Бухоро–Тим–Жом–Шаҳрисабз йўналишларининг чорраҳасида, Жом сойи бўйлаб узунлиги 40 километрдан ва аҳолиси 22000 дан ортиқ, мамлакатимизнинг энг катта ва археологик олимлар эътирофига кўра, ёши 24 000 йилдан ошган кўҳна Жом қишлоғи ястаниб ётибди. Жом қишлоғининг мавжуд 18 000 гектар ер майдонлари тоғлар, қирлар ва 5000 гектар лалмикор ерлардан иборат.

XII аср Қорахонийлар подшолиги даврида Жом қишлоғи Омондара сойининг юқори шарқий қисмида, Бешбармоқ қишлоғидан 1,5 км ғарбда, шимол томондан Бўлакчоғол ва жануб томондан Қорачоғол тоғларининг

тор дарасида йўнилмаган, юзлари текис тошлар, алибастер ва ўсимлик кули аралашмасидан Ғиштбанд сув тўғони қурилган. Майдони 10 000 гектардан ортиқ дара (ҳавза)дан оқиб келадиган Жом сойнинг қишки оқими ва баҳорги сел сувлари омборга тўпланиб, қарийб 300 минг метр куб сув захираси ҳосил қилган. Бу сувдан фойдаланиб 250-300 га ер майдони суғорилиб, обод этилган. Ғиштбанд сув омбори асрлар оша нураш, лойқа босиш натижасида ишдан чиққан.

Кейинги ўн йиллар, айниқса, 2012 йил ёғингарчиликлари туфайли ҳосил бўлган кучли тошқин сел сувлари қишлоқдаги 6 та кўприкларни ишдан чиқарди, Тошкент–Қарши йўналишидаги халқаро йўлга катта хавф солиб, транспорт ҳаракатларига зарар келтирди, ўнлаб хонадонлар катта талафот кўрди, ҳатто одамларнинг ва ҳайвонларнинг оқиб кетиш ҳодисалари рўй берди. Жом сойи ва унинг ирмоқлари олдинги ҳолатига нисбатан 2000 йиллардан сўнг 2 м, ҳатто айрим жойларда 3 метргача чуқурлашиб, ерлар кучли эрозияга учрай бошлади.

Янги кўприкларни қуриш учун Республикамиз бюджетидан 2013-2015 йилларда узунлиги 24,5 метр, эни 10 метр бўлган Омондара кўпригига 635 миллион сўм, узунлиги 28,5 метр, эни 9 метр бўлган Омондарасой (Дўғоб) кўпригига 555 миллион сўм, узунлиги 28,5 метр, эни 9 метр бўлган Ҳафрин кўпригига 508 миллион сўм, узунлиги 30,5 метр, эни 9 метр бўлган Каримовул кўпригига 573 миллион сўм, жами 2 миллиард 271 миллион сўм маблағлар сарфланди.

Қурилиши 2015-2019 йилларга, яъни 5 йил муддатга режалаштирилган улкан Ғиштбанд тўғонини бунёд этиш қисқа муддат 17 ойда амалга оширилди. 2015 йил 5 мартда бошланган қурилиш ишлари 2016 йил июль ойида якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 22 июлдаги №135-сонли буйруғи билан тайинланган Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Жумаев раислигидаги 16 кишидан иборат давлат қабул қилиш ҳайъатининг қарори билан умумий қиймати 3 миллиард 347 миллион 823 сўм бўлган, қурилиши тугалланган Ғиштбанд тўғони объекти фойдаланиш учун қабул қилинди.

Янги Ғиштбанд тўғони қадимгисидан 20 метр юқорида бунёд этилган бўлиб, тўғоннинг сув келадиган шарқий қисмига 1,5 м қалинликда харсанг тошлар қалаб чиқилган, унинг орқасидан 20 м қалинликда тупроқ тўлдирилган, сўнгра 62 м қалинликда тош, қум, шағал ётқизилган. Демак, тўғоннинг пастки туб қисми қалинлиги 83,5 м, баландлиги 20 м, устки қисмининг эни 4 м, бўйи (икки тоғ Бўлакчоғол ва Қорачоғол оралиғи) эса 102 м дан иборат. Бу сув омборининг сиғими тахминий ҳисоб бўйича 540 минг метр куб бўлиб, 540 гектар ерни оқизиб, 1500 гектар ерни томчилатиб суғориш қувватига эга.

2017 йил баҳорида Ғиштбанд сув омборига табиий ёғингарчиликдан тўпланган сувнинг кўплигидан уни 3 марта тўла қўйиб юборишга тўғри келди. Бу кутилмаган ва ҳеч ўйлаб кўрилмаган хушxabар мутахассисларнинг ва маҳаллий аҳолининг изланишларни давом эттиришлари учун катта туртки бўлди. Бунинг натижасида Омондара сойида доимий оқиб турадиган катта булоқ суви билан Бешбулоқсой, Толлисой, Калтасой, Ҳафринсой, Кўрбулоқсой, Оқтошсой каби

кўплаб сойлардан ёғингарчиликлар туфайли оқиб келадиган сувлар бирлашиб, жуда катта ҳажмдаги сув захираларини ҳосил қилиши ҳаммага маълум бўлиб қолди.

Аҳолининг Ёиштбанд нима учун етарли баландликда қурилмади деган ҳақли саволига, мутахассислар гидрометрологик кузатишларнинг йўқлиги ва йиллик сув захираларининг тўғри баҳоланмаганлигини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Юзага келган мавжуд ҳолат маҳаллий аҳолининг ташаббуси билан мутахассислар томонидан чуқур ўрганилиб, хомаки таклиф лойиҳа тайёрланди. Бу лойиҳа бўйича сув захиралари ҳосил қилиш учун тўфонлар қуришнинг икки режаси назарда тутилган. Биринчи режага кўра, Ёиштбандни яна қўшимча 10 метр кўтариб, сиғими 1 миллион метр куб бўлган сув омборини ҳосил қилиш. Шунда ҳам бу сув омборидан ортиқча ярим миллион метр куб сув табиий равишда оқиб чиқиб кетиши кутилади.

Иккинчи режа Ёиштбанддан ортиб чиққан ва Толли сой, Оқтошсой, Ҳафринсойлардан оқиб келадиган сувларни ушлаб қолиш мақсадида баландлиги 10 метр, сув сиғими 200 минг м/кублик Яккатол ва баландлиги 30 метр атрофида бўлган сув сиғими катта 1,5 миллион м/куб бўлган Авлиёли Дашт тўфонларини қуриш. Агар Яккатол сув омбори қурилса, у сел сувларини ва Омондара булоғидан табиий равишда доимий оқиб келадиган сувларни ҳам ушлаб қолиб фойдаланиш имконини беради. Яккатол тўғонини қуриш ва унда тўпланган сувдан фойдаланиш учун қилинадиган харажатлар Авлиёли Дашт тўғонига нисбатан 3 баравар кам бўлади. Ҳудудда яшаётган аҳоли хонадонларини кўчириш зарурати туғилмайди. Бироқ катта ҳажмдаги сувларни ушлаб қолиш учун Авлиёли Дашт тўғонини қуришга тўғри келади. Бундай ҳолда Яккатол Авлиёли Дашт сув омборини сув билан таъминлайдиган ёрдамчи сув омбори вазифасини ўтайди ҳамда атрофидаги унумдор ер майдонларига сув беради.

Авлиёли Дашт тўғони ўрни Омондара сой, Толли сой, Оқтошсой, Ҳафринсой сувлари бирлашадиган нуқтада қуриладиган Яккатол тўғонидан 28,8 метр чуқурликда, 2000 м узоқликда жойлашган. Авлиёли Дашт тўғонида 1,5 миллион метр куб сув тўпланганда, унинг юза сатҳидан Яккатол тўғони ўрни 7 метр юқорида туради. Бу ҳисоб-китоблар Авлиёли Дашт тўғонини оқар сув билан тўлдириш мумкинлигини кўрсатади.

Қурилиши тугалланган Ёиштбанд сув омбори келажакда бунёд этилиши мумкин бўлган Авлиёли Дашт сув омборидан 112 метр баландда жойлашган.

Жом қишлоғи ҳудудидаги ерларни суғориб ободонлаштириш учун Ёиштбанд, Яккатол ва Авлиёли Дашт сув омборларида тўпланадиган сувлар етарли бўлади.

Таклиф лойиҳа бўйича талаб этиладиган харажатлар:

- Яккатол тўғони қуришга – 3 млрд. сўм;
 - Авлиёли Дашт тўғони қуришга – 8 млрд. сўм;
 - Яккатол ва Авлиёли Дашт тўфонларини қувурлар орқали бирлаштиришга – 3 млрд. сўм;
 - Лойиҳалаштириш ишларига – 700 млн. сўм.
- Жами – 14,7 млрд. сўм.

Албатта, тўғонларни қуриш ва лойиҳалаштириш, шунингдек, суғориш ва ичимлик сувларини қувурлар воситасида тарқатиш ишларини лойиҳалаштириш харажатлари давлат томонидан молиялаштирилади. Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган таклиф лойиҳага асосан 13 та сув тарқатиш иншоотларини қуришга 1,3 миллиард сўм, ер остидан 30 км қувурлар тортиш ишларига 6 миллиард сўм, уларни лойиҳалаштиришга 400 миллион сўм керак бўлади. Ушбу 7,7 миллиард сўмнинг 7,3 миллиард сўмлик қурилиш ишларини маҳаллий аҳолининг маблағлари ҳисобига ташкил этиладиган “Сувимизни асрайлик” жамғарма захираси ҳамда имтиёзли кредит ҳисобига молиялаштириш мумкин. Фикримизнинг тўғрилигини Сазағон қишлоғи ва Жом маҳалласи тажрибаси исботлайди. Бу жойларда яшаётган хонадонларнинг 4-8 таси биргалашиб ўзларининг шахсий маблағлари ҳисобига артезиан қудуқлар қаздириб, улардан чиққан сувлардан унумли фойдаланишмоқда. 2016-2017 йилларда Жом МФЙ ҳудудида аҳоли томонидан 11 та, 2018 йилда давлат ҳисобидан 4 та артезиан қудуқлар қазилиб ишга туширилди. Сувни артезиан қудуқлардан олишга нисбатан сув омборларидан қувурлар орқали оқизиб олиш арзон ва кам харажат бўлади. Бунда доимий равишда электр энергиядан фойдаланиш, мойлаш, насосларни таъмирлаш каби ишлар бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳат давлат аҳамиятидаги улкан бунёдкорлик ишларда аҳолининг ўз шахсий маблағлари билан иштироки шаклланади.

Ғиштбанд, Яккатол ва Авлиёли Дашт сув омборлари сувларидан фойдаланиш бўйича тузилган “Сувимизни асрайлик” жамғарма захирасини кейинчалик ҳиссадорлик жамиятга айлантириб, унга шу сув иншоотлардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатини сақлаб туриш вазифаси юклатилса, пайдо бўладиган масалаларни ечиш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини шартнома асосида давлатнинг мутахассислашган ташкилотларига берилса, бу ташкилий “йўл харитаси” сув омборлари сувларидан фойдаланиш тартибининг янги йўналиши бўлар эди.

Ҳозирда Жом қишлоғи аҳолиси 48 та табиий тоза минералларга бой булоқлар сувларидан ичиш ва суғоришда фойдаланади. Биргина Омондара булоғи Жом аҳолисининг асосий қисмини сув билан таъминлаб турибди. 2017 йилда Ғиштбанд сув омборида сувнинг тўпланиши билан барча оқиб турган булоқлар сувларининг кўпайиши, қуриб қолган булоқлар кўзларининг очилиши, янги булоқларнинг пайдо бўлиши кузатилди.

Қуриладиган сув омборлари сувлари суғориш учун етарли бўлганидан сўнг келажақда мавжуд булоқлар сувларидан фақат ичимлик учун фойдаланилади. Таклиф лойиҳада режалаштирилган 13 та сув тарқатиш иншоотларининг ҳар бири 2 қисмдан иборат бўлиб, улардан бирида ичимлик, иккинчисида суғоришга мўлжалланган сувлар тўпланади. Сув тарқатиш иншоотларининг ҳар биридан сув ҳисоблагичлар ўрнатилган ер ости қувурлари орқали белгиланган нуқталарга зарур ичимлик ва суғориш сувлари етказиб берилади. Тўғонларнинг қурилиши сел билан боғлиқ ҳар йил содир бўладиган барча хавф-хатарлар ва харажатларни йўқотади, суғориш ва ичимлик сувларининг фақат ер ости қувурлари орқали истеъмолчиларга етказилиши туфайли келажақда

кўприкларга мутлақо эҳтиёж қолмайди.

Жомда Ғиштбанд, Яккатол ва Авлиёли Дашт сув омборларининг ишга туширилиши Республикамиз Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги фармони доирасида қишлоқ ва унинг ҳудудидаги сувсиз ерларни суғориш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масалаларини ҳал этади.

Кейингийилларда Ўрта Осиёнинг кўпгина мамлакатлари ҳудудларида ичимлик ва суғориш сувлари танқислигининг ортиб боришига яна бир сабаб – қўшни давлатларда электр энергияси етишмаслиги муаммосини ГЭСлар қуриш йўли билан ечишга ҳаракат қилинишидир. Бу табиий ҳол ва яқин келажақда, албатта, ушбу лойиҳалар амалга ошади. Натижада республикамизга оқиб келаётган сувлар миқдорининг уч баравар қисқариб кетиши ва сув танқислигининг кучайиши оммавий ахборот воситаларида башорат қилинмоқда.

Амударё ва Зарафшон дарёлари бошланиш қисмида қўшни мамлакатлар томонидан ГЭСлар қурилса, уларнинг йил давомида ишлашини йўлга қўйишга тўғри келади. Маълумки, қиш ойларида тоғлардаги эриш тўхтади ва дарёлардан ГЭСларга оқиб келаётган сувлар миқдори кескин камаяди. ГЭСларнинг қиш ойларида ҳам ишлаб туришини таъминлаш учун сув омборлари қуриб, уларда сув захираларини ёзда ҳосил қилиниши талаб этилади. Бу сувлардан қиш ойларида фойдаланиб ГЭСлар ишлатилади. Бироқ ГЭСларда қиш ойларида фойдаланиб бўлинган сувлар бекорга оқиб кетади. Бизнинг таклифимиз – келажақда шу сувлар катта-кичик сув омборлари қурилиб ушлаб қолинса ва улардан экинлар ўсув даврида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун Республикамиз дарёларидан қишда ишлатилмасдан оқиб ўтадиган сувлар мавжуд сув омборлари томон йўналтирилади. Жумладан, Зарафшон дарёсидан Дарғом каналига йўналтирилган сувнинг маълум қисми Эскианҳор каналига оқизилади. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу сувларнинг 15-20 миллион метр кубини Эскианҳор каналдан 200-250 м баландда, янгидан қуриладиган, кўп маблағ сарф этилмайдиган Яккабулоқ, Сувлисой ва Каттасой каби бир қанча сув тўғонларини бунёд этишдан ҳосил бўладиган сув омборларида ушлаб қолиш ва уларнинг атрофида кичик ГЭСлар қуришнинг қулай имкониятлари мавжуд.

Эскианҳор канали Ғиштбанддан 14 км, келажақда қурилиши таклиф этилаётган Яккабулоқ тўғони ўрnidан 10 км, Авлиёли Дашт ва Каттасой тўғонлари ўрnidан 7 км, Сувлисой (Отқамар) тўғони ўрnidан 6 км узоқликда жойлашган.

Ҳозирги пайтда сув омборлари қуриш учун унумдор ерлардан фойдаланилмоқда. Тоғларда арзон сув тўғонлари қуриш, тоғ ҳудудларидан унумли фойдаланиш имкониятларини яратади. Жумладан, агросаноат, чорва, паррадачилик, балиқчилик мажмуалари, дам олиш жойлари, тоғ ўрмон хўжаликлари ва бошқалар барпо этилади.

Шу ўринда истиқболда Жом қишлоғида:

1) Толли сув омбори тўғони 20 метр баландликда қурилса, сув сиғими 500 000 метр куб бўлиб, бу сув Жом сойининг жанубий Толли-Яккатол йўналишидаги 500 га ер майдонларини суғоришга етарли бўлади;

2) Бешбулоқ сув омбори тўғони 20 метр баландликда қурилса, сув сиғими 200 000 метр куб бўлиб, бу сув Жом сойининг шимолий Бешбулоқ-Ғиштбанд йўналишидаги ер майдонларини суғоришда ишлатилади;

3) Баччакалон сув омбори тўғони 20 метр баландликда қурилса, сув сиғими 150 000 метр куб бўлиб, Баччакалон–Калтасой–Найманқўтон–Галашерик йўналишидаги ер майдонларини суғоришда ишлатилади;

4) Сувлисойнинг қуйи ғарбий қисмида бунёд этиладиган Отқамар сув омбори тўғони 10 метр баландликда қурилса, унинг сув сиғими 200 000 метр куб, 60 метр баландликда қурилса, 3,5 миллион метр куб бўлади;

5) Яккабулоқ сув омбори тўғони 70 метр баландликда қурилса, унинг сув сиғими 5 миллион метр куб бўлади;

6) Катта сой сув омбори тўғони 60 метр баландликда қурилса, унинг сув сиғими 3,5 миллион метр куб бўлади;

7) Анжирли сув омбори тўғони 20 метр баландликда қурилса, унинг сув сиғими 200 000 метр куб бўлади;

8) Қўчқорбулоқ-Ёйилма йўналишидаги сой, Ёйилманинг қуйи ғарбий чегарасидан, ҳеч қандай лойиҳа ҳужжатларисиз, оддий усулда, 7-8 метр баландликдаги банд ҳашар йўли билан қурилса, нисбатан текис катта майдонда 200 000 м³/куб дан ортиқ сув сиғимига эга кўл пайдо бўлиб, унинг атрофида аҳоли дам оладиган истироҳат боғлари бунёд этиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ёйилма ва унинг атрофида 40-50 гектардан ортиқ унумдор ер майдонлари бўлиб, уларнинг бир қисми Эскианҳордан насос воситасида олинаётган сувлардан фойдаланиб ўзлаштирилган. Ёйилма ер майдонлари Эскианҳор каналдан 15 метр баландликда жойлашган. Эскианҳордан насослар ёрдамида сув ташланган лоток ариқнинг охириги нуқтаси билан Ёйилма оралиғи 200 метр. Агар Ёйилмада банд қурилса, кўлда табиий равишда тўпланадиган сувнинг ортиқча қисмидан унинг атрофидаги экин майдонларини суғоришда фойдаланиш имкониятлари туғилади. Шунингдек, Ёйилма кўли учун сувга зарурат туғилганда уни Эскианҳор каналдан насос ёрдамида тортиб олиш мумкин бўлади.

Юқорида ёзилган барча маълумотлар умумлаштирилса, истиқболда Жом ва унинг яқин атрофида қуриладиган катта-кичик сув омборларининг тахминий сув сиғими 15 миллион метр куб атрофида бўлиб, бу сувлар оқизиб суғоришда 15 минг, томчилатиб суғоришда 35-40 минг гектар ерга етарли бўлади. Албатта, таклиф этилаётган лойиҳаларни чуқур қайта таҳлиллардан сўнг амалга оширилиши мутахассислар учун тушунарли.

Ҳозирги пайтда Жом сойи ўзани ер майдони 30 гектарни, сел хавфи туфайли фойдаланилмаётган унинг соҳиллари эса 50 гектарни ташкил қилади. Тўғонлар қурилиши натижасида Жом сойидан йил давомида сув оқмагач, қўшимча равишда ҳосил бўладиган 80 гектар ер майдонларидан фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлади.

Бугунгикунда Жом қишлоғи ҳудудидаги жами ер майдонларининг сув йўқлиги туфайли фақатгина 6000 гектаридан фойдаланилмоқда. Қўшни Қашқадарё ва Жом сойи атрофидаги фойдаланилмаётган сувсиз унумдор ер майдонлари

40 минг гектардан зиёд. Давлат солиғи нормаси 1 сотих суғорилмайдиган ер майдони учун йилига 1000 сўм атрофида бўлса, суғориладиган ерлар учун 7000 сўмни ташкил этади. Учта Ёиштбанд, Яккатол ва Авлиёли Дашт тўғонларининг қурилиб ишга туширилиши туфайли камида 1500 гектар ҳосилдор ва унумли суғориладиган ер майдонлари пайдо бўлади ва биргина ер солиғининг ўзидан давлат бюджетига 1 миллиард сўмдан ортиқ тушум келади.

Тахминий ҳисоблар бўйича томчилатиб суғоришда сабзавотлар учун белгиланган сув миқдори 3800-4500 м³/га, боғдорчилик учун 2000-2500 м³/га эканлиги эътиборга олинса, аҳолининг даромади кескин ўсади.

Мамлакатимиздаяратилаётганивестиционмуҳиттуфайли, сувмасаласининг ечилиши билан Жомга инвестициянинг кириб келиши кучаяди. Натижада агросаноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва кўп сондаги иш ўринларининг яратилиши билан давлат бюджетига солиқнинг ўзидан 100 миллиард сўмдан ортиқ даромад келишини таъминлаш мумкин.

Йилнинг энг иссиқ июль-август ойларида Жом тоғлари устидаги тошлар афдариб кўрилганда уларнинг тагида намлик борлиги кузатилди. Шунинг учун тоғларда ёввойи бодом (ҳаргана)лар ўсиб туради. Бундан кўринадики, тоғларнинг тошлик томонини сувни кам талаб этадиган ўсимлик, бўта ва дарахтлар ёрдамида яшилликка буркаш мумкин.

Жомдаги аксарият тоғларнинг жануб томони тошлик, шимол томони эса тоза унумдор ерлар. Келажакда тадбиркорлар бунёд этиладиган сув омборлар сувларидан фойдаланиб тоғларнинг жануб томонини ям-яшил шувоқзор, арчазор, бодомзор, ёнғоқзорларга, шимол томонини эса боғ-роғларга айлантиришлари мумкин. Бунинг учун тоғларни боғ-роғларга айлантиришга бел боғлаган матонатли тадбиркорлар узоқ муддат ер, сув каби ҳар қандай солиқлардан озод этилишлари керак.

2017 йилнинг сентябрь ойидан 2018 йилнинг февраль ойига қадар Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтининг бир гуруҳ олимлари 7 нафар талабалари билан биргаликда “Самарқанд вилоят Нуробод туман Жом қишлоғининг замонавий агросаноат мажмуалари асосида ривожлантириш концепцияси” мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб боришди. Натижада Жом қишлоғининг ҳозирги ҳолат режаси, Жом қишлоғининг ҳозирги ҳолат кўриниши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш инфраструктураси, Жом қишлоғи бош режасининг ривожланиш таклиф лойиҳаси, истироҳат боғларини ривожлантириш концепцияси, ичимлик ва суғориш сувлари билан таъминлаш таклиф лойиҳаси, ўрмон хўжалиги ҳудудини ривожлантириш таклиф лойиҳаси, туризмни ривожлантириш таклиф лойиҳаси, Жом қишлоғидаги археологик ҳудудлар, Жом қишлоғида туристик рекреацион ҳудудларининг ривожланиши, агросаноат мажмуаларининг бош режаси, Жом қишлоғида “Мевани қайта ишлаш” мажмуаси таклиф лойиҳаси, Жом қишлоғида “Парранда гўштини қайта ишлаш” мажмуаси таклиф лойиҳаси, Жом қишлоғида “Гўшти қайта ишлаш” мажмуаси таклиф лойиҳаси, Жом қишлоғида “Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш” мажмуаси таклиф лойиҳаси, Жом қишлоғида “Сабзавот ва қуруқ меваларни қайта ишлаш” мажмуаси таклиф лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ушбу таклиф лойиҳаларнинг 2018 йил 2 февраль куни Жом қишлоғидаги коллеж биноси фаоллар залида бўлиб ўтган тақдиротида Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтининг бир гуруҳ олимлари ва талабалари, давлат аттестация ҳайъатининг раиси, Самарқанд ҚХИ олимлари, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ва мутахассислари, Самарқанд ҚКБД-12 маъмуриятидан, Нуробод тумани ҳокимлигидан, Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлардан аҳоли вакиллари иштирок этишди. Анжуманда қатнашган мутахассислар таклиф лойиҳани арзон амалга ошириш мумкинлигини, бунинг учун сув тўфонларини қуриш, қишлоққа танлов асосида ташқи ва ички инвесторларни жалб этиш зарурлигини айтишди.

2018 йил 27 март куни Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг йиғилишида "Самарқанд вилоят Нуробод туман Жом қишлоғининг замонавий агросаноат мажмуалари асосида ривожлантириш концепцияси" тақдироти бўлди. Депутатлар гуруҳи концепцияни маъқуллаш билан биргаликда Республикамиз Президентининг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда, тўфонларда кичик ГЭСлар қуриб, улардан электр энергия ҳосил қилиб фойдаланиш фикрини билдиришди.

О'зЛиДеР Самарқанд вилоят кенгаши ва фаоллари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида Нуробод тумани Жом қишлоғи ва атроф ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича, табиий сув захираларини яратиш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш бўйича иқтисодий лойиҳани амалга ошириш учун чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ тегишли таклифлар тайёрлаш мақсадида 2018 йил 10 апрель куни Жом қишлоғи ҳудудида бунёд этилган Ёиштбанд ва келажакда қурилиши тахмин қилинаётган тўфонларнинг ўрни депутатлик ишчи гуруҳи томонидан жойида ўрганиб чиқилди. Бунда "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, вилоят гидрометеорология маркази, вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси, вилоят архитектура қурилиш назорат инспекцияси, лойиҳалаштириш ташкилотлари, вилоят инвестиция бошқармаси, вилоят электр тармоқлари ОАЖ, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаларидан вакиллар, Самарқанд ДУ, Самарқанд ҚХИ, Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти олимлари, қишлоқ фаоллари иштирок этдилар.

Жомга ташқи ва ички инвесторларни жалб этиш учун сув етишмаслигини ҳисобга олмаганда, барча қулайликлар мавжуд:

- электр қуввати етарли, чунки 2017 йил 4 декабрда 35/10 кВли Жом электр нимстанцияси ишга туширилди;
- 2017-2018 йилларда қишлоқнинг ички йўллари таъмирланди;
- Жомдан ўтувчи Тошкент-Қарши йўналишидаги халқаро автомагистрал инвесторларнинг барча талабларига жавоб беради;
- маҳаллий мутахассис кадрлар ва иш кучи етарли.

Булар натижасида кўплаб ижтимоий масалалар ўз ечимини топади,

жумладан:

- Жом ҳудудидаги ичиш ва суғоришдаги сув танқислигига тубдан барҳам берилади (ҳозирда 70 % ер майдонлари суғорилмайди ва 50 % аҳолининг ичимлик сув билан таъминланишида ечимини кутаётган катта муаммолар мавжуд);

- сув омборларининг қурилиши тоғ иқлимининг ўзгаришига ва етарли даражада дам олиш масканларининг пайдо бўлишига, замонавий агросаноат мажмуаларининг бунёд этилишига олиб келади. Жом ва унинг атрофидаги ҳудудларда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг кўплиги экологик туризмни ривожлантириш имконини беради. Жом ерлари қадимдан йилнинг апрель-май ойларида Қашқадарё вилоятининг яқин қишлоқлари, Самарқанд шаҳри, Самарқанд тумани, Нуробод тумани, айниқса, Пастдарғом тумани кўпчилик аҳолиси учун дам олиш масканига айланиб бўлган. Жомнинг сўлим гўшаларига жуда кўплаб уюлмаган гуруҳларнинг сайру-саёҳат қилишлари табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига катта зарар етказмоқда, ноёб ҳидли арча дарахти ва лола гули йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Табиий равишда дам олиш маскани бўлган Жом ерларига режали туризм ташкил этилса, экология бузилишининг олди олинар, аҳоли бандлиги ошар ва давлат бюджетига маълум миқдорда қўшимча маблағлар тушар эди.

Самарқанд шаҳрининг Сиёб бозорида кекса одамларнинг туристлар билан хорижий тилларда сўзлашиб савдо қилаётганларига гувоҳмиз. Бугунги кунда иқтисодий манфаат хорижий тилни ўрганиш механизми бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан кўринадики, келажакда Жомга ички, айниқса, ташқи туризмнинг кириб келиши аҳолининг нафақат иқтисодий, шунинг билан биргаликда маънавий қиёфасининг ҳам ўзгаришига олиб келади, кексаю ёш жомликлар хорижий мамлакатлардан келган сайёҳлар билан инглиз тилида сўзлашадиган бўлишади.

Хулоса қилиб айтганда, Жом қишлоғи ер майдонларининг табиий географик жойлашув рельефи тўғонлар қуриш учун жуда қулай. Бунёд этиладиган сув омборларда табиий ёғингарчилик ҳамда куз, қиш ва эрта баҳор ойларида Эскианҳор каналида кераксиз оқиб кетадиган сувлар ушлаб қолинади. Натижада Жом ерларидан ташқари унга туташ Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Умакай, Қўчқорбулоқ, шунингдек, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманига қарашли Иброҳим ота, Анжирли, Сарикўл қишлоқлари ҳудудларида минглаб гектар ерлар ўзлаштирилади. Агросаноат ривожланади, табиий муҳит мўътадиллашади, ер эрозиясининг олди олинади, ҳозирда фойдаланилмай ётган катта ер майдонлар боғ-роғларга айланади, экотизим яхшиланади, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг ранг-баранглигига, балиқчилик ва ўрдакчиликни ривожлантиришга, қишлоқнинг сўлим жойларида аҳоли ва туристларга хизмат қиладиган ошёнлар пайдо бўлишига, одамлар бандлигига, сервис хизматининг кучайишига, туризмнинг ривожланишига, аҳоли онгининг жадал ўсишига ва яшаш тарзининг замонавийлашишига эришилади. Жом қишлоғи ўзига хос, бетакрор шаҳарга айланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг катта имкониятлари пайдо бўлиб, сел тошқинлари туфайли фавқулодда вазиятлар келтириб чиқараётган зарарлар бутунлай йўқолади. Юқори даражадаги тоза

табиий иқлим вужудга келади ва ерларнинг унумдорлиги ошади. Аҳолининг яшаш тарзи бутунлай яхшиланади, мамлакат иқтисодиётига қўшимча равишда маблағ қўшилади. Энг муҳими, мамлакатимизда сув мустақиллиги томон ишончли қадам ташланган бўлади.

Профессорлар Т.Остонакулов ва П.Давроновлар ҳаммуаллифлигида ёзилган ушбу мақола мазмуни газеталарда кенг ёритилди ва жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди:

1. *Жомнинг тўғонлари: сув мустақиллиги томон қадам. – Жамият газетаси, 2018 йил, 2 март.*

2. *Асрлар ошган инновацион ечим (сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда қўл келади). “Ma’rifat” газетаси, 2018 йил, 4 апрель.*

3. *Жомга сув омборлари керак. – “Zarafshon” газетаси, 2018 йил, 12 апрель.*

Сел сувлари тутиб қолинса – роҳат-фароғат, акс ҳолда – офат

“Севимли” телеканалнинг 2018 йил 24 май кечки “Замон” кўрсатувида берилган маълумотга кўра, 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб Фарғона водийси, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳозиргача яқин ўтган йилларда кузатилмаган ёмғир селлари бўлди. Жумладан, 2018 йил 15 май куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Мирзатўп қишлоғида сел тошқинлари туфайли 5 инсон ҳалок бўлди. Жомнинг жануб томонидан 15 км масофада жойлашган Мирзатўп қишлоғида бошланган кучли ёмғир Умакай, Қўчқорбулоқ қишлоқлари йўналишида соат 21.30-22.00 оралиғида Жомга кириб келди. Жом сойининг жануб томони Торамиш, Ҳафрин, Тиқилинч жар, Калтасой ва Толли гузарлари бўйлаб ёғиб ўтган кучли ёмғир сувлари қўшилиб секундига 66 м/куб ҳажмдаги катта сел суви тошқинларини ҳосил қилди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги нашри “Zarafshon” газетасининг интернетдаги www.zarnews.uz сайтида берилишича, Жомда 71 хонадонни сув босиб талафот кўрган, лойиҳасиз қурилган тўртта кўприк ишдан чиққан, енгил автомобилларнинг, қорамоллар ва бошқа ҳайвонларнинг оқиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Сел суви сатҳи 8 метргача кўтарилиб Самарқанд–Қарши йўналишидаги халқаро катта автомагистрал йўлни лойқа босган ва транспорт қатнови тўхтаган, унинг шарқий қисмида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасида катта вайронагарчилик рўй берган. Аслида автомагистралнинг Жом сойи қисмида ер усти кўприги қурилиши лойиҳалаштирилган. Бироқ лойиҳага риоя этилмасдан ер ости қувурлари ётқизилиб, йўл қурилган. 2018 йил 15 май куни сел сувлари оқизиб келган янги “Нексия” русумли енгил автомашина, катта-кичик дарахтлар ва бошқа ашёлар қувурларга тиқилиб, сув йўлини тўсиб қўйди. Бундай ходиса 1973 йилдан буён деярли ҳар йили кузатилмоқда ва сув босиш оқибатида автомагистралнинг шарқий қисмида жойлашган кўплаб хонадонлар ва бошқа иншоотлар талафот кўрмоқда. Қўчқорбулоқ қишлоғи аҳолисининг томорқалари ва уларнинг тусиқларини сел суви ювиб кетди. Бу сел суви Қўчқорбулоқ қишлоғининг қуйи ғарбий қисмида жойлашган Қашқадарёнинг ДАН пости шимолий атрофини ва автомагистрални қалин лойқага бостириб, Ёйилма орқали Эскианҳор каналига

оқиб кетди. Автомагистралнинг Жом ва Қўчқорбулоқ оралиғидаги лойқа босган қисми 16 май куни техникалар ёрдамида балчиқдан ювиб тозаланди.

Бу ёмғир Жом сойининг жанубий сарҳадларидан эмас Ғиштбанд сув омбори қурилган шимолий томонидан ёғиб ўтганда ҳеч қандай талафот ва катта иқтисодий зарар кўрилмас, балки қурғоқчилик келган бу йилда Ғиштбанд сувга туларди. Ушбу ҳодиса ҳам келажакда Жом сойининг Толлисой йўналишида жойлашган Яккатол ва Авлиёли Дашт тўғонларини қуриш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

2018 йил 2 июль куни қишлоқдаги “Обод қишлоқ” дастури бўйича қурилиши яқунланган Жом МФИ ҳудудидаги артезиан қудуқнинг очилишига бағишланган йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокими сел оқибатида кўрилган талафотни қоплаш учун давлат бюджетидан 4 миллиард сўм маблағ ажратилганлигини, ушбу маблағ ҳисобидан талафот кўрган хонадонларга тегишли ёрдам кўрсатилишини маълум қилиб, Нуробод тумани ҳокимига селдан талафот кўрган 71 хонадонни хавфсиз жойларга кучириш, бундан кейин ҳокимиятнинг қарорисиз бирорта ҳам хонадон қурилишига рухсат бермаслик тўғрисида топшириқ берди.

Агар яқин келажакда биргина Яккатол сув омбори қурилса, Жомда сел сувларидан кўриладиган талафотларнинг олди буткул олиниб, катта иқтисодий самарага эришилади.

ЖОМ НИМСТАНЦИЯСИ

Жом нимстанциясининг қурилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги №245-сонли “Об утверждении правил пользования электрической и тепловой энергией” қарорининг 26-банди асос қилиб олинган.

Аҳолининг электрдан фойдаланиш таъминотини яхшилаш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги №294-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида электр нимстанция объектини қуриш учун тегишли ташкилотлар билан ушбу масалани муҳокама қилиш ва унинг урнатилишини таъминлаш бўйича 2015 йил 28 апрелда Жом ҚФЙнинг кенгаши қарори билан фуқаролар Эштурди Раҳимов, Урол Мавлонов, Файзулла Лутфуллаев, Усмон Қодиров, Абдуфаттоҳ Турсунов, Тоштемир Равшановлар қишлоқ фуқаролар йиғинининг ваколатли вакиллари қилиб тасдиқланди.

Ваколатли вакиллардан Нуробод тумани ҳокимига, Нуробод тумани электр тармоқлари корхонаси (ЭТК), Самарқанд вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (ҲЭТК) ва “Ўзбекэнерго” ДАК раҳбариятларига Жом ҚФЙ ҳудудида яшовчи 30 мингдан ортиқ аҳоли номидан электр таъминотини яхшилаш учун ҳудудда нимстанция қуриш масаласида мурожаатлар туша бошлади.

Самарқанд вилояти ҲЭТК АЖ бош директори Ғ.Т.Примов 2015 йил 30 апрелда №26-63/1475-сонли рухсатнома хат билан “Қишлоқэнерголойиҳа” АЖнинг ишлаб чиқариш бўйича директори У.У.Расуловга ҳамда лойиҳа ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича СамҲЭТК директори А.Қувондиқовларга Жом электр тармоғини бошқа тармоққа уланишига розилигини билдирди.

Жом ҚФЙ ва унинг таркибидаги 6 та МФЙлари раислари ҳамда қишлоқ фаоллари томонидан, ҳудудда яшовчи 30 000 дан ортиқ аҳоли номидан 2015 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекэнерго” ДАК бошқаруви раиси Басидов Искандар Собитовичга, нусхалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутаты Ж.Тухташевларга Жом қишлоғида нимстанция қуриш масаласида амалий ёрдам кўрсатишлари тўғрисида ёзма мурожаатнома тақдим этилди.

2015 йил 5 майда Нуробод тумани ҳоқими вазифасини бажарувчи Б.Эргашев №01-2/5-267-сонли, Нуробод туман ЭТК бошлиғи Р.Ғ.Шакиров 7 май 2015 йилдаги №100-сонли хат билан Самарқанд вилояти ҲЭТК АЖ бош директори Ғ.Т.Примовдан Жом қишлоғида янгидан қурилиши лойиҳалаштирилаётган ПС 110/10 га техник шарт олишни тезлаштиришини сўрашди.

2015 йил 18 майда Самарқанд вилояти ҲЭТК АЖ бош муҳандиси в.б. И.Абулқосимов “Ўзбекэнерго” ДАК ЭТФБ бошлиғи С.И.Юсуповдан №02/574-сонли хат билан Жом каръери ҳудудида янги 10 000 кВли нимстанция қуришни 2016 йил дастурига киритилишини сўради.

Ўзбекэнерго ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.И.Исоқулов 2015 йил 19 майда №ДИ-01-01-21/2185-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан Жом қишлоғида 110 кВ электр тармоқлари ва 110/10 кВ нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласининг кўриб чиқилишини сўради. Шунингдек, бу ҳақда 2015 йил 19 майдаги №ДИ-01-21/2186-сонли хат орқали Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов ва бошқаларни хабардор қилди.

Нуробод тумани ҳокимининг 2015 йил 19 майда Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари О.Очиловга йўллаган №01-2/5-280-сонли хатига асосан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги "Ўзбекэнерго" ДАК бошқаруви раиси И.С.Басидовдан 2015 йил 22 майда №02/1-429-сонли хат билан Жом қишлоғида ПС 110 кВли ҳаво тармоғи қурилишини 2016 йил манзилли дастурга киритилишида амалий ёрдам кўрсатишини сўради.

Нуробод тумани ҳокими в.б.Б.Эргашев 2015 йил 3 июндаги №01-2/5-343-сонли хат билан Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Жом нимстанцияси ва 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғини қуриш учун 16 млрд. сўм миқдорда маблағ талаб этилишини маълум қилди ва молиялаштириш масаласини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишини сўради.

Самарқанд ҲЭТК АЖ бош директори Ғ.Т.Примов 2015 йил 13 июнда №01-2/5-343-сонли хат билан Самарқанд вилояти ҳокимлигини Жомда қурилиши лозим бўлган 110 кВ электр узатиш тармоғи ва 110/10 кВ нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини ҳал этиш бўйича "Ўзбекэнерго" АЖга мурожаат этилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ўздавэлектр назорат инспекцияси 2015 йил 24 июндаги №УЭ-01-04/1238-сонли хат билан ҳозирги кунда 2015 йилдаги инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун соҳа маблағларининг етишмаётганлиги туфайли тижорат банкларидан кредит олишга қаратилган ишлар олиб борилаётганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 июндаги №06/1-751-сонли топшириғига асосан Самарқанд ҲЭТК АЖ 2015 йил 25 июнда Жом нимстанциясига электр узатиш тармоғини қайси ПС дан тортиш бўйича уч хил вариантдаги таклифларини тавсия этди. Ушбу масала юзасидан 2015 йил 30 июндаги якуний хулоса қуйидагича бўлди:

1-вариант. 220\110\10 кВ "Иштихон" ПСдан ГАЖК учун янги қурилаётган "Айритом" ПСгача 110 кВ Л-Айритом-2 электр узатиш тармоғининг энг яқин таянчидан 25 км узунликда электр узатиш тармоғи ва 1 дона нимстанция қуриш.

25 км узунликда электр узатиш тармоғи қуриш – 9,0 млрд. сўм.

110\10 кВ ПС (110\10 кВ 6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 6,3 млрд. сўм.

Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан – 15,3 млрд. сўм.

2-вариант. Навоий кон металлургия комбинатига 110\35\6 кВ "Сабирсой" ПСдан 35\10 кВ "Айритом" ПСни электр энергияси билан таъминловчи 35 кВ Л-Айритом электр узатиш тармоғининг энг яқин бўлган таянчдан 18 км узунликдаги электр узатиш тармоғи ва 1 дона нимстанция қуриш.

35\10 кВ "Айритом" ПС ва 35 кВ Л-Айратом электр узатиш тармоғининг ГАЖК балансида.

18 км узунликдаги электр узатиш тармоғи қуриш – 5,4 млрд. сўм.

Янги ПС (35\10 кВ 6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан 8,9 млрд. сўм.

3-вариант. 35 кВ Улус электр узатиш тармоғининг энг яқин бўлган таянчидан янги қуриладиган Жом ПСгача 30 км узунликдаги электр узатиш тармоғи ва 1 дона нимстанция қуриш.

ПС 110\35\6 кВ “Сабирсой” ПСдан чиқувчи 35\10 “Улус” ПСни таъминловчи 35 кВ Л- Улус электр узатиш тармоғидаги 11 км узунликдаги АС-70 симни АС-120 алмаштирилиши 880 млн. сўм (1 км АС-70 симни АС-120 га алмаштирилиши 80 млн. сўм атрофида).

30 км узунликдаги электр узатиш тармоғи қуриш – 9,0 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан – 13,4 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (4000 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (2x4000 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 4,5 млрд. сўм.

Таклиф этилган вариантлар эътиборга олинган ҳолда ПС 110\35\6 кВ “Сабирсой” ПСдан чиқувчи 35\10 “Улус” ПСни таъминловчи 35 кВ Л-Улус электр узатиш тармоғидан Жом ПС йўналиши танланди.

Самарқанд ХЭТК АЖнинг техник директори О.Мейлиев 2015 йил 7 августдаги №02/811-сонли хат орқали Самарқанд вилоят ҳокимлигига Жомда қурилиши лозим бўлган 110 кВ электр узатиш тармоғи ва 110/10 кВ нимстанция масаласини ҳал қилиш мақсадида лойиҳа институти мутахассислари билан биргаликда жойига чиқиб ўрганилиб, лойиҳа ишлари бошланганлигини маълум қилди.

Самарқанд ХЭТК АЖ 2015 йил 24 ноябрда №05/05-321-сонли хат билан “Қишлоқэнерголойиҳа” ЎзКЭК АЖ га Жом қишлоғида қуриладиган ПС 110/10 кВ нинг лойиҳа-смета ишларини бошлаши кераклигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2015 йил 9 декабрь куни Тошкент шаҳрида Республика “Қишлоқэнерголойиҳа” институтида лойиҳа-смета ишлари бўйича бўлим бошлиғи Игнатъева Наталья Николаевна билан учрашди. У 2015 йил 24 ноябрда Самарқанд ХЭТК бош директори Ғ.Т.Примов номига юборилган №9-3/8-2235-сонли хат орқали лойиҳани бошлаш учун техник хулосанинг берилмаётганлигини айтиб, ундан нусха берди. Э.Раҳимов бош директор Зокир Убайдуллаевич Абдужабборов билан учрашди. З.У.Абдужабборов техник хулосасиз ходимларга топшириқ бериб бўлмаслигини маълум қилди. Бу ҳақда СамХЭТК бош директори Ғ.Т.Примовга қўнғироқ қилинганда техник хулосанинг “Ўзбекистон темирйўллари” АҚдан келиши кутилаётгани маълум бўлди. 2015 йил 10 декабрь куни эрталаб Республика “Темир йўллар” АҚ электрдан фойдаланиш маркази директори Маъмуржон Сулаймонов билан учрашувда Сабирсой нимстанциясининг айни пайтда ишламаётганлигини, улар янги линияни ишга туширганлигини, бу линияни “Ўзбекэнерго” АҚ ўзининг балансига ишлатилишини айтиб, техник шарт бера олмаслигини билдирди. “Ўзбекэнерго”га келиб мазкур ҳолат Самарқанд вилояти куратори Аҳмад Турғунов ва “Ўзбекэнерго” АҚнинг инвестицияларни татбиқ қилиш бошқармаси (УРИП) ходими Абдулла Маамутович Ахмедовлардан сўралди.

А.М.Ахмедов Жомда қурилиши режалаштирилаётган ПС-110/10 кВ учун барча ишлар қилинганлигини, қурилиш учун 1 миллиард сўм ажратилаётганлигини, 2016 йилда бу маблағ ўзлаштирилиши кераклигини, техник шартни Самарқанд ҲЭТК ва Аҳмад Турғунов бўлими ҳал қилишини айтди. Бу идорадан чиққан Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК ИЧБ бошлиғи Мурод Арипов билан телефонда боғланиб ҳолатни тушунтирди ва Президент Девонига мурожаат қилишини айтди. М.Арипов Девонга мурожаат қилмасликни, масалани ўзлари ечишини маълум қилди. Шундан сўнг Э.Раҳимов “Ўзбекэнерго” АКга кириб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Б.А.Ходжаев номига 2015 йил 12 ноябрда ёзилган №ДИ-01-21/4792-сонли мурожаат хатини, “Ўзбекэнерго” бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.А.Исакулов имзолаган хатни ва 2016 йилда қурилиши режалаштирилаётган иншоотларнинг иловасини олди. Унда Жомда қурилиши режалаштирилаётган ПС-110/10 кВ учун 2016 йилда 3,5 млрд. сўм сўралган эди.

Техник хулоса ололмаётган Э.Раҳимов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги №245-сонли “Иссиқлик энергияси, электр энергиясидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарордан нусха олди. Унинг 26-моддасида қонун доирасида рухсат берилиши кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов 2015 йил 5 ноябрда Самарқанд ҲЭТ корхонасига бориб ИЧБ бошлиғи М. Арипов, техдиректор О.Мелиевлардан техник хулосани сўради. Бу ҳақда лойиҳа институтининг сўраётганлигини айтиб, уларга №245-сонли қарорнинг нусхасини кўрсатди. Улар ушбу қарор билан танишиб Тошкентга “Ўзбекэнерго”га мурожаат қилишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 9 ноябрда Самарқанд ҲЭТ корхонасидан “Қишлоқэнерголойиҳа” институти директори У.Абдужабборов ва инвестиция лойиҳаларини татбиқ қилиш СамҲЭТК директори Акрам Қувондиқов номига ёзилган №26-63/1475-сонли техник хулоса берилганлиги ҳақидаги хатдан нусха, Жомда қурилиши режалаштирилаётган ПС-35 кВ ва 35/10 кВ нимстанция учун 0,6 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги 2015 йил 21 декабрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокими номига ёзилган №02/1288-сонли хатни олди. 2015 йил 22 декабрда Нуробод тумани ҳокимлигига хатни топширди ва ер ажратиш ҳақидаги далолатномани олиб тегишли идораларга имзо ва муҳр қўйдирди.

2015 йил 28 декабрда Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан эксперт хулоса олиш учун Самарқанд ҲЭТКнинг №02/1348-сонли хатини вилоят экологик меъёрлаштириш ва мониторинг марказига топширди. Улар Э.Раҳимовдан 18 км масофанинг харитаси (топотасвири)ни ва Самарқанд ҲЭТК билан тузилган шартномани келтиришни талаб қилишди. 2016 йил 4 январда Нуробод туман ер ресурслари кадастри бўлимидан ўттиз қулоч Жом йўналиши бўйича харитадан нусха олиб, 2016 йил 6 январь куни Самарқанд ҲЭТКда шартномани тасдиқлатиб, табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси қошидаги марказга топширди. У ерда 2016 йил 11 январгача ҳужжатлар тайёр бўлишини ва пул ўтказилганидан сўнг берилишини маълум қилишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 11 январда Самарқанд ҲЭТКдан техник шарт масаласини

сўради. Улар ҳали олмаганликлари тўғрисида билдиришди. Бу тўғрида бош инженер О.Мелиев билан гаплашганида, у аҳволнинг шундайлигини билдириб, ИЧБ бошлиғи М.Ариповга мурожаатнинг жавобини талаб қилиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АК раиси номига хат жўнатиш топшириғини берди. Шу куни Самарқанд ҲЭТК ўзининг 2016 йил 11 январдаги №01/31-сонли хати билан 2015 йил 21 октябрдаги №02/981 ва 2015 йил 28 декабрдаги №05/05-338-сонли хатларига жавоб беришини сўраб факс орқали “Ўзбекистон темир йўллари” АК раиси А.Ж.Раматов номига чиқиш қилди. Э.Раҳимов эса “Ўзбекэнерго” АК бошқаруви раиси И.С.Басидов ва биринчи ўринбосар Д.А.Исакулов номига техник шарт олиш учун амалий ёрдам беришни сўраб телеграмма жўнатди.

Э.Раҳимов 2016 йил 16 январда юборилган телеграмманинг белгиланган манзилга борганлиги тўғрисидаги маълумотни телеграфдан олди. Телеграмма натижасини билиш учун “Ўзбекэнерго” АК ходими Аҳмад Турсуновга телефон қилиб вазиятни сўради. У ҳали янгилик йўқ деди. Кейин “Ўзбекистон темир йўллари” АК электрдан фойдаланиш маркази бошлиғи Маъмур Сулаймоновга телефон қилди. У “Ўзбекэнерго” АК хат билан чиқса подстанцияни тўлиқ уларга беришни, ҳозир линия узиб қўйилганлигини маълум қилди. Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК ИЧБ ходими Мирзақулов Сухробга вазиятни тушунтирди ва Тошкентга телефон қилишини сўради. У “Ўзбекистон темир йўллари” АКга телефон қилиб гаплашди ва “Ўзбекэнерго” АКга телефон қилди. У ердан Аҳмад Турсунов “Ўзбекэнерго” бошқаруви раисининг ўринбосари Д.А.Исакулов номига техник шарт олишга амалий ёрдам кўрсатиш ёки линияни Республика давлат акциядорлик темир йўллари компанияси (ДАЙТК) балансидан Самарқанд ҲЭТК балансига ўтказиш сўралган хат тайёрлашни айтди. Тайёрланган хат соат 15³⁰ да бош директор Ғ.Т. Примовга имзолатилиб факс орқали “Ўзбекэнерго” АК га жўнатилди. Хат 2016 йил 15 январь куни №01/63-сон билан расмийлаштирилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 20 январь куни Самарқанд ҲЭТКдан “Ўзбекэнерго” АК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.А.Исакуловга 2016 йил 15 январда юборилган №01/63-сонли ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АК бошқаруви раиси А.Раматов номига юборилган 2015 йил 23 декабрдаги №10-04/171-сонли хатларнинг жавобини сўради. “Ўзбекэнерго” АКга хат Аҳмад Турсунов номига юборилгани, “Ўзбекистон темир йўллари” АКнинг 35/10 кВ Собирсой нимстанциясидан уланишга техник шарт берилмаслиги ҳақидаги 2016 йил 8 январдаги №Э-21-сонли хатдан нусха олди. Самарқанд ҲЭТК бош инженери ҳузурига кириб масалага ойдинлик киритишини сўради. У Д.А.Исакулов 21-22 январь кунлари Самарқандга келаётгани, 22 январда “Ўзбекэнерго” АКда катта кенгаш бўлишини, унда масаланинг кўрилишини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 26 январь куни Самарқанд ҲЭТ корхонасига бориб ИЧБ бошлиғи М.Ариповдан техник хулосани сўради. Ундан масаланинг ечилмаганлигини билгач, ҲЭТК бош инженери О.Мелиев ҳузурига кириб масалага ойдинлик киритишни, акс ҳолда Республика прокуратурасига мурожаат қилишини айтди. У бош директор Ғ.Т.Примовга киришни маслаҳат берди. Ғ.Т.Примов қабулига кириб ҳолатни баён қилиб, нима учун давлат

объекти қурилиши учун фуқаро йиллаб сарсон бўлишини, нима учун мутасадди ташкилот шуғулланмаслигини сўраб, "Ўзбекэнерго" АК раиси ёки унинг биринчи ўринбосари билан телефон орқали гаплаштиришни талаб қилди. Ғ.Т.Примов Тошкентга телефон қилиб "Ўзбекэнерго" АК раиси ёки унинг биринчи ўринбосари билан боғлашни сўради. Биринчи ўринбосар Д.А.Исакулов билан боғланиб Жом ПС бўйича техник хулоса "Ўзбекистон темир йўллари" АКдан 4-мартга берилмаслик ҳақида хат олганлигини, бу ПСни қайси линияга улашни аниқлаштиришни ваколатли вакил сўраётганлигини айтди. Шунда Д.А.Исакулов Жом ПСни янги қурилган Иштихон-Айритом линиясига улашни ва 35 кВ ПС эмас, балки 110/10 кВ ПСни қуриш топшириғини берди. Шу куни Жом ПСни Иштихон-Айритом линиясига улаш тўғрисидаги 2016 йил 26 январь №26-64/32-сонли техник хулоса олинди ва "Қишлоқэнерголойиҳа" АКга факс орқали жўнатилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 2 февралда "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига бориб и/ч директори Улуғбек Расулов ва Жом ПС бўйича ГИП Абдор Каримов билан бирга лойиҳа-смета масаласини муҳокама қилди. У.Расулов Жом ПС Иштихон-Айритом-2 линиясига уланишидан хавфсираётганлигини айтиб, "Ўзбекистон темир йўллари" АКнинг 2016 йил 26 январь №26-64/32-сонли хатини кўрсатди. Э.Раҳимов унга уланишга шахсан бошқарув раиси биринчи ўринбосари Д.А.Исакулов 2016 йил 26 январь соат 15.30 да телефонда Самарқанд ҲЭТК ходими Икром Абулқосимовга шу линиядан улашга рухсат берганлигини билдирди. Шундан сўнг 2016 йил 26 январдаги №26-64/32-сонли Жом ПСни Иштихон-Айритом-2 линияга улашга берилган рухсатномани қайта тасдиқлаб бериши учун Самарқанд ҲЭТК техник директори О.Мелиев номига хат жўнатилди. Э.Раҳимов телефон орқали Самарқанд ҲЭТК ИЧБ бошлиғи М.Арипов билан боғланиб ҳолатни тушунтирди ва унга тезлик билан хатни тайёрлаб факс орқали "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига юборишини илтимос қилди. 2016 йил 3 февраль куни лойиҳа институтига бориб ГИП А.Каримовдан Самарқанд ҲЭТК техник директори О.Мелиев тасдиқлаган рухсатномани сўради. Шундан сўнг и/ч директори У.Расулов қабулида бўлди. У.Расулов Э.Раҳимовдан тегишли ходимларнинг Ангрен шаҳридан қайтгач, Жомга боришини, уларга ётоқ-жой ва бошқа масалаларда ёрдамлашишини сўради.

Э.Раҳимов 2016 йил 9 февралда Самарқанд ҲЭТКга бориб лойиҳа-смета ҳужжатлари учун маблағ ажратилиши тўғрисидаги рухсатномани сўради, инвестицияларни татбиқ қилиш ОКС бўлиmidан "Ўзбекэнерго" АК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.А.Исакулов тасдиқлаган 400 млн. сўмлик манзилли Дастурнинг нусхасини олди ва "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига қўнғироқ қилди. Улар ҳужжатларни тайёрлашаётганини, Жомга келишларини маълум қилишди.

2016 йил 15 февралда "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига бориб нимстанциянинг харитаси ва тегишли ҳужжатларни олди. 2016 йил 17 февраль куни Самарқанд ҲЭТКга бориб ҳужжатларни бош инженер О.Мелиевга кўрсатди ва институт томонидан берилган актни расмийлаштириш кераклигини айтди. У институтнинг 2016 йил 16 февралдаги №1-1/3-297-сонли хатини ОКС бўлимига

бажариш учун топширди. Э.Раҳимов ИЧБ бошлиғи М. Ариповга қурилишга ер ажратиш учун вилоят экология бошқармаси қошидаги экологик меъёрлаштириш ва мониторинг марказидан атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш баёноти (АМТКБ) лойиҳасини олиш учун пул кўчирилмаганлигини айтди. М.Арипов директорга киришни маслаҳат берди. Директор Ғ.Т.Примов қабулига кириб АМТКБни олиш учун декабрь ойида хат берилганлигини, лекин ҳозиргача пул кўчирилмаганини, лойиҳа ишлари чўзилаётганини айтди. Ғ.Т.Примов пул йўқ деди. Э.Раҳимов буни ёзиб беришини талаб қилганидан сўнг, бош ҳисобчи Лола Алмамедовага кўнғироқ қилиб АМТКБ ҳужжатини олиш учун 833536 сўмни кўчиришини айтди. Бухгалтер Э.Раҳимовга пул йўқлигини, пул тушса кўчириб беришини маълум қилди. Э.Раҳимов кутиб ўтирди ва соат 16.30 да пул кўчирилди. Шундан сўнг Самарқанд вилояти “Экологик меъёрлаштириш ва мониторинг” марказига №312-тўлов талабномасини кўрсатиб АМТКБ ҳужжати олинди ва шу асосда вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармасида Мирзамурот Жумаевдан шартнома ҳужжатини олди. М.Жумаев шартнома билан бирга 65120 сўм тўлов талабномасини ҳам бирга олиб келишни тайинлади.

Э.Раҳимов 22 февралда шартномани ва №341-тўлов талабномасининг нусхаларини олиб бориб, улардан 2016 йил 25 февралга тегишли ҳужжатларни олди.

Э.Раҳимов ҲЭТҚдан 2016 йил 23 февралда тайёрланган №05/05-69-сонли хатни вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига топшириб ва у ердан Нуробод тумани ҳокими номига ер ажратиш учун архитектура-режа топшириғи АРТ ҳужжатларини тайёрлаш учун ёрдам бериш сўралган №11-02/10-сонли хатни олди. 2016 йил 26 февраль куни вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан АТТА ҳужжати асосан №230-сонли Давлат экологик экспертизаси хулосасини олди ва ер танлаш далолатномасини тасдиқлатди. Шу куни Нуробод тумани ДСНЭМнинг №404/70-сонли, Нуробод “Сувоқова” ДУК (давлат унитар корхонаси)нинг №112-сонли, Нуробод ИИБ ЁХБнинг №547-сонли, Нуробод тумани газ филиалининг №144-сонли техник хулосаларини олди. “Қишлоққурилиш лойиҳа” МЧЖнинг Жомда 35/10 кВ ли Жом нимстанцияси ва 35 кВ ли ҳаво электр тармоғини қуриш учун танланган ер майдони актини Нуробод тумани бош архитектори, туман ДСНЭМ бош врачлари, туман ИИБ ЁХБ инспекцияси, туман ер ресурслари кадастри, туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси инспекторига имзолатиб, тасдиқлатди ва туман “Архитектура қурилиш” бўлими бошлиғининг вилоят архитектура қурилиш бошқармаси бошлиғи номига 2016 йил 26 февраль санаси билан ёзилган №9-сонли хатни олди. 2016 йил 28 февраль куни 35/10 кВ ли Жом нимстанцияси қуриладиган 456-контур далолатномасидан 4 нусха олди. 2016 йил 29 февралда тўпланган барча ҳужжатларни Тошкентга юбориш учун вилоят архитектура ва қурилиш бўлимига топширди.

2016 йил 2 март куни “Қишлоқэнерголойиҳа” институтининг ходимларидан 5 киши келишиб, Айритом–Иштихон электр узатиш тармоғи 234-отлонкасидан Жом қишлоғида қуриладиган майдонга томон ўлчаш, топотасвир олиш ишларини бошлашди. 4 март куни соат 15.00 лар атрофида Тошкентдан телефон

қилишиб нимстанция майдони топотасвирини Тошкентга юборишни сўрашди. 5 март куни Жом ПС жойининг топотасвирини олишиб, яна тармоқнинг топотасвирини олишни давом эттиришди. Тармоқиши Эскианхор канали бўйига етганда Тошкентдан лойиҳа бош раҳбари Аброр Каримов телефон орқали “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясида йиғилиш бўлганини, 110/10 ПС қурилиши тўхтатилганлигини, чунки талабга нисбатан 3 баробар харажат ортиқлигини, Иқтисодиёт вазирлиги 35/10 ПСга маблағ ажратилишини баён қилганини, шу сабабли тармоқни Улус подстанцияси томон йўналтиришни, Жом ПС 35/10 Собирсой 35/10 ПСга уланишига рухсат берилганлигини айтди. Бу йўналишга 9 миллиард сўм ажратилишини маълум қилди ва ходимларидан ишни тезлаштиришни сўради. Ходимлар шу куни, яъни 6 март кечга қадар назорат ўлчов ишларини бажариб Тошкентга маълум қилишди.

Э.Раҳимов “Қишлоқэнерголойиҳа” институтига қўнғироқ қилиб Людмила Николаевна Игнатъевадан ўзгариш сабабини сўради. У Нуробод тумани бир ойда ўртача 3400-3500 кВ электр энергиясини харажат қилишини, ПС 110/10 қурилса, Нуробод тумани талабига нисбатан ҳам уч баробар ортиқча харажат бўлишини, унга йўл қўйилмаслигини, шу сабабли Иқтисодиёт вазирлиги ПС 35/10 қурилиши мақсадга мувофиқлигини исботлаб, 110/10 ПСни бекор қилганини маълум қилди.

Лойиҳа қидирув ишларини “Қишлоқэнерголойиҳа” институти ходимлари: Сурков Дмитрий Сергеевич – гуруҳ раҳбари, Нурчаев Нурхўжа – техник топограф, Асадов Жўрабек Қаҳрамонович – геолог, Эрназаров – шофёр-ишчи, Кулметов Комилжон Эминжонович – ишчилар 2-11 март кунлари ПС Жом 35/10 ва ЛЭП-35/10 кВа линияси ҳужжатларини тайёрлаб кетишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 9 мартда Самарқанд ҲЭТ корхонасида лойиҳанинг ўзгариш сабабларини “Ўзбекэнерго” ДАК йиғилишида қатнашган Икром Абулқосимовдан сўраганда Нуробод туманининг ҳозирдаги ойлик электр сарфи 3600-4200 кВА эканлигини, 110-10 ПС қуриладиган бўлса, мавжуд харажатнинг 2 баравар ортиб кетишини эътиборга олган Иқтисодиёт вазирлиги 35/10 ПС ва 35 кВ ли ҳаво тармоғи қурилишига маблағ ажратилишини маълум қилганлигини, Собирсой ПС 35/10 га уланишга техник хулоса берилганлигини айтиб, ИЧБ га кириб ундан нусха олишини билдирди. Э.Раҳимов ИЧБ га бориб 2016 йил 9 мартда берилган №126-29/163-сонли рухсатномадан нусха олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 10 мартда Тошкентдаги “Қишлоқэнерголойиҳа” институтига бориб техник директор У.Расулов, лойиҳа учун масъул А.Каримов, бўлим бошлиқлари Л.Н.Игнатъева ва Н.Маҳкамвалар билан учрашганда улар Самарқанд вилояти ҲЭТК билан келишган ҳолда қурилиши режалаштирилаётган ПС 35/10 кВА ва 35 ПС ҳаво тармоғининг ҳозирда мавжуд электр узатиш тармоқлари бўйича фидерлар ва ячейкалар сонини тақдим этилиши кераклигини айтишди.

2016 йил 15 мартда Самарқанд вилояти ҲЭТҚда ИЧБ бошлиғи М.Арипов, бош инженер ўринбосари И.Абулқосимовлар билан биргаликда келажакдаги тараққиётни, завод, фабрикалар қурилишини ҳам эътиборга олган ҳолда, янги ПС 35/10 кВА да 5 та фидер ва 7 та ячейка ўрнатиш, трансформаторни 2 та

қилиб белгилаб, биттасига жой қолдиришни келишиб, тегишли ҳужжатлар тайёрланди. Бу ҳужжатлар 2016 йил 17 мартда “Қишлоқэнерголойиҳа” институтида бўлим бошлиғи Л.Н.Игнатъевага топширилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 25 мартда Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан Жом қишлоғида ПС 35/10 ва ВЛ-35 ҳаво тармоғи қурилишига рухсат бериш сўраб “Қишлоққурилишлойиҳа” институтига юборилган 2016 йил 14 мартдаги №03-16/11-843-сонли хатни, “Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан юборилган 2016 йил 16 мартдаги №344-07-сонли рухсат хатини, сўнгра Самарқанд ҲЭТКдан АРТ ҳужжатини тайёрлаб беришни сўраб 2016 йил 25 мартда тайёрланган №05/05-97-сонли хатини олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 28 мартда Нуробод тумани ҳокимлигидан Жом ҚФЙ таркибидаги Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудининг № 456-контурида қурилиши режалаштирилган 35/10 кВ ли ПС ва 35 кВ ли ҳаво тармоғи қурилиши учун 2016 йил 16 мартда тузилган ер майдони ҳамда трасса учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномани, шунингдек, ушбу қурилишни бошлаш тўғрисидаги ҳокимнинг 2016 йил 26 мартдаги №215-К-сонли қарорини олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 29 мартда Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасига бориб, қурилиш учун АРТ ҳужжатларини ишлаб бериш тўғрисидаги Самарқанд ҲЭТКнинг 2016 йил 25 мартдаги №05/05-97-сонли хатига барча тегишли ҳужжатларни илова қилиб, режалаштириш бўлими бошлиғи У.Д.Исаевга топширди. Нуробод тумани ҳокимининг №215-К-сонли қарорининг нусхасини Самарқанд вилояти ҲЭТКга топшириб, ОКС бўлими бошлиғи Акрам Қувондиқовга шартномани олиш ва бажарилган иш учун пул тўловини тезлаштиришни, АРТ ҳужжатларини лойиҳа институтига тезроқ топшириш кераклигини айтди. У бу иш билан Бахтиёрнинг шуғулланишини айтди. Бахтиёр тайёрланган шартномани олмаган эди. Бундан аччиқланган Э.Раҳимовнинг ўзи Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси режалаштириш бўлимига бориб Умар Исаевдан шартномани олди. У.Исаев АРТ ҳужжатларининг тайёрлаб қўйилганлигини, 416 минг сўм пул кўчириб, сўнгра олиб кетиш лозимлигини айтди.

Э.Раҳимов Самарқанд вилояти ҲЭТК капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Қувондиқовга шартномани бериб, пул кўчиришни сўради. Бошлиқ шартномани имзолаб, ёрдамчиси Бахтиёрни чақириб ҳуқуқшунос, бош инженер ёрдамчисига, бош ҳисобчига, техник директорга қўл қўйдириб келишни буюрди. Бош ҳисобчидан бошқа айтилган барча мутахассисларга Э.Раҳимовнинг ўзи кириб шартномани имзолатди. Бош ҳисобчи Лола Алмамедова соат 17.30 гача келмагач, барча ҳужжатларни рўйхат қилиб, қўл қўйдириб қўйиши учун бошлиқ ёрдамчиси Бахтиёрга “эртага эрталаб келиб сиздан оламан” деб қолдириб кетди.

Э.Раҳимов 2016 йил 4 апрелда эрталаб Бахтиёрдан яна имзолатилмаган ҳужжатларни қайтариб олиб, ҲЭТК инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (ОКС) бўлими директори А.Қувондиқовдан АРТ учун пул кўчиришга билдирги ёзишини талаб қилди. У билдирги тайёрлашни ёрдамчиси Бахтиёрга буюрди. Э.Раҳимов билдиргини ёздириб, А.Қувондиқовга қайта кириб имзолатиб, ҲЭТК

бош директорига тасдиқлатиб бухгалтерияга борди. Бош ҳисобчи йўқлиги сабабли яна пул кўчириб бўлмади.

Э.Раҳимов ҲЭТК бош инженери О.Мелиевга кириб, бош ҳисобчининг йўқлигини эътиборга олган ҳолда шартномани, счет-фактурани, билдиргидан нусхани беришини илтимос қилди ва шу асосда Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан АРТ ҳужжатларини қандай йўл билан бўлсин олишини айтди. Унга айтилган ҳужжатларни беришди.

Э.Раҳимов Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси режалаштириш бўлими бошлиғи У.Д.Исаевга мавжуд ҳолатни тушунтириб, лойиҳа ишини тезлаштириш учун ушбу ҳужжатларга ишонган ҳолда бир дона АРТ ҳужжатини беришини, уларни Тошкентдаги “Кишлоқэнерголойиҳа” институтига топширишини айтди. У.Исаев ўйланиб туриб “майли, халқ учун шундай ишни ҳам қиламиз” деб АРТ ҳужжатини берди.

Э.Раҳимов 2016 йил 7 апрелда қурилиши режалаштирилаётган ПС-35/10 кВ ли Жом нимстанцияси учун тўпланган Нуробод тумани ҳокимининг қарори, Қишлоққурилишлойиҳа институтининг хулосаси, қурилиш учун ажратилган ер тўғрисидаги барча ҳужжатлар, АРТ лойиҳаси ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармасидан олинган ЗВОС лойиҳасини “Қишлоқэнерголойиҳа” институтида техник директор У.Расулов, бўлим бошлиқлари Н.Н.Игнатъева ва Н.Маҳкамова, А.Каримовларга топширди. Улар билан 5 та фидер лойиҳага 5 та ишловчи, 2 та ортиқча ячейка ўрнатишни, 6300 кВТ ли трансформатор ва яна битта ортиқча трансформаторга жой белгилаб қолдиришни, қурилаётган тармоққа электр ажратгич ўрнатмасликни келишиб олди. Институт ходимлари Э.Раҳимовнинг ҳужжатларни тайёрлашдаги фаоллигига катта ҳурмат билан қарашди, ҳамжиҳатликда иш кўраётган элингизга катта раҳмат дейишди. Белгиланган лойиҳа-смета ҳужжатларини июнь ойи охиригача тайёрлаб “Ўзбекэнерго” АКга қурилишни бошлаши учун топширишларини маълум қилишди. Институтдан кўчага чиққан Э.Раҳимов ўзидаги ҳаяжонни боса олмасди, Жом электр нимстанцияси қурилишига доир шу кунгача босиб ўтган йўли, тўқнашувлар, олди-қочди гаплар, эришилган муваффақиятлар кўз ўнгидан бирма-бир ўтар, кўзидан севинч, ғолиблик ёшлари сизиб чиқаётганлигини сезмасди. Сабаби шунча ҳаракатлар билан элнинг орзу-истаги ушалган, унинг рўёбга чиқиши йўлидаги муҳим қадам қўйилган эди.

Э.Раҳимовга 2016 йил 4 апрелда Тошкентдан “Қишлоқэнерголойиҳа”дан Аброр Каримов кўнғироқ қилиб, электр симлари тортиладиган майдонда Шўртан-Сирдарё газ қувури ўтганлиги сабабли Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармасидан тегишли хулоса олиш кераклигини ва уни институтга етказишини сўради.

Э.Раҳимов 2016 йил 18 апрелда Самарқанд туманида жойлашган Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармасига бориб бўлим бошлиғи Дилшод Раҳимовга вазиятни тушунтирди. У киши “сиз кимсиз?” деб институтнинг хатини сўради. Шунда Э.Раҳимов ушбу иш бўйича элнинг ваколатли вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни унга кўрсатди. Д.Раҳимов Э.Раҳимовдан ариза ёзишини сўради. Э.Раҳимов ташкилот раҳбари У.А.Туронов номига мавжуд вазият баён

қилинган аризани ёзиб, ишни иложи борица тезлаштириб беришини сўради. Д.Раҳимов жойни бориб кўришгач, техник хулоса беришларини маълум қилди. Э.Раҳимов 2016 йил 19 апрелда эрталаб машинада белгиланган манзилга олиб кетишини айтиб хайрлашди.

2016 йил 19 апрель эрталаб соат 9.30 да Турум Хўжақулов машинасида Д.Раҳимов билан унинг бир ходимини олиб, Иброҳим ота қишлоғининг пастки ғарбий қисмидаги газ қувури ўтган жойга олиб боришди. Улар газ ва электр трассалари бўйича тегишли ўлчов ишларини амалга оширишди. Меҳмонлар иш жойларига қайтариб олиб борилганда, тайёрланган ҳужжатни тасдиқловчи бош муҳандиснинг хизмат сафари билан Сирдарёга кетганлиги маълум бўлди.

Э.Раҳимов 2016 йилнинг 20 апрелида Турум Хўжақулов билан эрталаб 8.30 да ташкилотга етиб келишди. Соат 10.30 да расмийлаштирилган зарур актни олишди. Дилшод Раҳимов "Ўзтрансгаз" АЖ бошқаруви раисининг 1-ўринбосари Б.Б.Эшмуродов номига техник хулоса олиш учун вилоят ХЭТК АЖдан хат кераклигини маълум қилди. Э.Раҳимов шу куни вилоят ХЭТК АЖдан айтилган №02/633-сонли хатни олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 апрелда Тошкентга бориб "Қишлоқэнерголойиҳа" институтида лойиҳа бош муҳандиси Аброр Каримов билан биргаликда техник директор У.Расулов қабулига киришди. Укиши Э.Раҳимов тақдим этган ҳужжатлар билан танишиб, улар асосида "Ўзтрансгаз" АЖга хат тайёрлашини, сўнгра бу ташкилотга ўзлари боришса, улардан тегишли хатни олишнинг тезлашишини айтди ва А.Каримовдан бўлим бошлиқлари Л.Н.Игнатъева, Н.Маҳкамова, С.Г.Васильевларни чақиришини сўради. Бўлим бошлиқлари Э.Раҳимов ҳузурида қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот бериб, ишнинг 2016 йил май ойи охирида якунланишини айтишди. Шунда институт техник директори У.Расулов Э.Раҳимовга қўл узатиб, тайёрлаб келган ҳужжатлари учун ташаккур билдириб, энди бироз дам олинг, сўнгра қурилишни бошлайсиз деб хайрлашди. Раҳбарнинг илиқ муомаласидан руҳланган Э.Раҳимов элнинг галдаги ишлари сари, яъни қишлоқнинг ички йўлини капитал таъмирлаш масаласини давлатнинг манзилли дастурига киритиш "Ўзавтойўл" ДАК ва Молия вазирлиги ҳузуридаги РИЖ фонди томон илдам одимлаб кетди.

2016 йил 10 майда қурилиш лойиҳаси раҳбари А.Каримов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб Самарқанд вилояти газ қувурлари магистрал бошқармаси нотўғри хулоса берганлигини, ЛЭП-35/10 кВт нинг Шўртан томондан эмас, балки Сирдарё томондан ўтишини кўрсатган, шу сабабли опорадан 340 метр Сирдарё йўналишига техник хулоса берганлигини, 2016 йил 20 апрелдаги техник хулоса ҳақиқий эмаслигини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 4 майда Самарқанд вилояти газ қувурлари магистрал бошқармасига бориб олдинги техник хулосанинг нотўғри эканлигини айтиб янгисини олди ва 12 майда лойиҳа институтига топширди. Институтда лойиҳа ишларининг бориши тўғрисида сўраб, ЛЭП-35/10 кВт тармоғи лойиҳаси битганлигини, ПС-35/10 кВт лойиҳасининг 25 майда тамомланишини, июнь ойида улардан бир нусхадан олишини билди.

2016 йил 4 июнда А.Каримов қўнғироқ қилиб, техник хулосани "Ўзтрансгаз"дан эмас, балки "Ўзнефтгазалоқа" МЧЖ дан олинишини айтди. Бунинг учун Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК билан шартнома тузилишини ва 937034 сўм кўчирилишини назоратга олиши керак эди. Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТҚда бу ҳужжатларни тегишли ходимларга тайёрлатиб, расмийлаштириб, 2016 йил 3 июнда ёзилган №09/509-сонли хатни ва №3-сонли шартномани институтга етказиши керак эди. Э.Раҳимов 2016 йил 7 июнда айтилган ҳужжатларни тўғрилаб, ОКС бошлиғи Қувондиқовга кириб пул кўчириш тўғрисида билдирги ёздириб, унга директор имзосини қўйдириб, бош ҳисобчи Лола Алмамедовага учрашди. Бош ҳисобчи соат 17.00 дан сўнг маблағ бўлишини ва тегишли 937 034 сўмнинг кўчирилишига ваъда берди. Шундан сўнг Э.Раҳимов Самарқанднинг "Улуғбек" номли бекатига бориб тўпланган ҳужжатларни А.Каримовга етказиш учун у билан қўнғироқлашиб, Тошкентга борадиган такси орқали жўнатди.

2016 йил 9 июнда А.Каримов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб тегишли 937034 сўмнинг кўчирилмаганлиги туфайли "Ўзнефтгазалоқа" МЧЖдан техник хулоса олинмаганлигини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йилнинг 14 июнида Самарқанд вилояти ҲЭТК бош ҳисобчисидан пулнинг кўчирилмаганлиги сабабини сўраганида, ташкилот билан тузилган шартноманинг йўқлигини маълум қилди. Э.Раҳимов ОКС бўлимига кириб Бахтиёр Ҳабибовдан ўзи олиб қолган ҳужжатларни нима қилганлигини сўради. Иккаласи бош ҳисобчига боришди, лекин тузилган шартнома топилмади. Жанжал бошланди. Бир соатлардан сўнг шартнома Б.Ҳабибов столдан топилди. Бош ҳисобчи №1075-сонли хат билан 937034 сўмни тегишли манзилга кўчирди. Э.Раҳимов бу хатдан нусха олиб, уни факс орқали лойиҳа институтига жўнатди. Шундан сўнг Навоий тоғ металлургия комбинатининг Жом электр нимстанциясининг ЛЭП-35/10 кВт ва ПС-35/10 кВт тармоқларини тортиш тўғрисидаги 2016 йил 19 апрелдаги №1202-07-04/390-сонли хулосасидан нусха олди.

2016 йил 13 июлда "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига бориб 2016 йил 12 июлда №1-1/3-1268-сонли хат билан биргаликда лойиҳа ҳужжатларидан 3 нусха, ҳисоб фактурасидан 4 нусха, накладнойдан 2 нусха олди. Бу ҳужжатлар 2016 йил 14 июлда Самарқанд вилояти ҲЭТКга топширилди.

Шу куни Жомда қурилиши режалаштирилаётган ЛЭП-35/10 кВт ва ПС-35/10 кВт бўйича Самарқанд ҲЭТК АК директори О.А.Мелиев тасдиқлаган инвентарларни ташиш транспорт схемасидан нусхани ва ЛЭП-35/10 кВт ва ПС-35/10 кВт нинг лойиҳаси туширилган электрон вариантли дискни олди. Шунингдек, 2016 йил 20 июлда "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига "Ўзнефтгазалоқа" МЧЖнинг техник хулосани қабул қилганлиги тўғрисидаги 2016 йил 14 июндаги №538-сонли ҳисоб фактурасини топширди.

2016 йил 25 июлда Самарқанд ҲЭТҚда 16,632 км электр ҳаво тармоғини тортиш иши бўйича техдиректор Одил Мейлиев тасдиқлаган қурилишга керакли инвентарларни ташиш транспорт схемасидан нусха олди.

2016 йил 20 июлда "Қишлоқэнерголойиҳа" институтига "Ўзтрансгаз"га қарашли ООУ УПТС "Ўзнефталоқа"нинг техник шартни топширганлиги

тўғрисидаги 2016 йил 14 июндаги №53-сонли ҳисоб-фактурани топширди ва ВА35 кВ нинг лойиҳаси туширилган электрон вариантли дискни олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 20 июлда Самарқанд ҲЭТКга лойиҳа ҳужжати 35КВли 16,632 км ҳаво тармоғини қачон бошлашни билиш учун борди, у ерда ОКС бошлиғи А.Қувондиқов қурилиш масаласи бўйича тутқич бермагач, 2016 йил манзилли дастурни сўради. ҲЭТКнинг манзилли дастурига Жом ПС-35 кВ ва ВЛ-35кВАли ҳаво тармоғи киритилган бўлиб, маблағ кўрсатилмаган эди. Э.Раҳимов сабабини суриштирди ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг маблағ ажратмаганлигини билди. Э.Раҳимов "Ўзбекэнерго" ДАКнинг 2016 йил манзилли дастурини сўради. Суриштиришни давом эттиравергач, дастурни беришди. Манзилли дастур "Ўзбекэнерго" ДАКдан 2016 йил №06/ 20-6-128-сонли хат билан Самарқанд ҲЭТКга келиб тушган, уни ДАК УРИП бошлиғи А.З.Сираджев имзолаган, ДАК бошқаруви раиси И.С. Басидов тасдиқлаган бўлиб, дастурнинг 1-бандида Самарқанд ҲЭТК учун 8,5 млрд. сўм, шундан 3-бандида Жом ПС-35кВ ва ВЛ-35 кВА учун 3,5 млрд. сўм ажратилганлиги кўрсатилган эди. Э.Раҳимов улар билан мунозара қилиб, техдиректор О.Мелиевга киришини илтимос қилди. А.Қувондиқов иккови унинг қабулига киришиб, манзилли дастурни Жом ПС-35 КВ ва ВЛ-35кВА бўйича муҳокама қилишди. Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК манзилли дастурда маблағнинг кўрсатилмаслик сабабини сўради. Ярим соатлар тортишувлардан кейин О.Мелиев "Ўзбекэнерго" ДАК 16.632 км учун қанча маблағ кетишини аниқлаб беришини, хат билан чиқишини А.Қувондиқовга айтди. У ердан чиққач, А.Қувондиқов хонасида муҳокама яна давом этди. А.Қувондиқов Шароф билан Бахтиёр Хабибовларни чақириб, 16,632 км 35кВА-ВЛ га қанча маблағ кетишини аниқлаб, "Ўзбекэнерго" ДАКга хат тайёрлашни топширди. Э.Раҳимов ундан манзилли дастурдан нусха беришини талаб қилиб олди. ОКС ходимлари "Ўзбекэнерго" ДАКга 16,632 км ҳаво тармоғи учун 3,4 млрд. сўм маблағ кетишини ҳисоблаб чиқишиб, ДАК бошқаруви раиси И.С.Басидов номига хат тайёрлашди. Э.Раҳимов ўша куннинг узидаёқ соат 16.00 да бош директор Ғ.ТПримов ҳузурига хатни олиб кирди ва имзолашини сўради. У бу масалаларни ОКСдагилар ҳал қилади, деган жавобни бергач хатни расмийлаштириб олиб, 2016 йил 25 июлда №01-727-сон билан рўйхатдан ўтказиб, Сарикўл маҳалласи вакили Мавлонов Урол, Дўстлик маҳалласи вакили Лутфуллаев Файзулла, Омондара маҳалласи вакили Хўжақулов Турум, Тегирмонбоши маҳалласи вакили Турсунов Абдуфаттоҳ, Гирдиқўрғон маҳалласи вакили Ёрқулов Долига телефон қилиб, вазиятни тушунтирди ва 2016 йил 26 июль куни эрталаб йиғилиб масалани ечиш кераклигини айтди.

2016 йил 26 июль куни соат 5.30 да Гирдиқўрғон маҳалласидан Очиллов Қурбон ва Эсиргадиев Ҳамзалар Э.Раҳимовнинг уйига келишиб, асли жомлик, ҳозир Хончорбоғ қишлоғида яшовчи Мирзаев Салимнинг 25 июль куни соат 16.00 лар атрофида Хончорбоғдан ўтувчи магистрал каналга тушиб кетганлигини айтишди. Қидирувлар ҳозиргача самарасиз эканлигини, Пастдарғом тумани ҳокимлигига, прокуратурасига ва туман ИИБга ёрдам сўраб мурожаат этишганини, улар эса каналдаги сувни тўхтатишнинг иложи йўқлигини айтишганини сўзлашиб, Э.Раҳимовдан вилоят ҳокимлиги орқали муаммога ечим топиб беришни илтимос қилишди. Эштурди ака ўйга толди, ҳокимият тўхтатолмаган сувни бу долзарб вақтда қандай тўхтата оларканмиз деб боши қотди. Одамларнинг бор умиди сиздан дейишгач, чидаб туrolмади. Хўжақулов Турумга вазиятни тушунтириб, белгиланган учрашувга кечикиб келиши мумкинлигини айтиб йўлга отланди. Йўл-йўлакай вилоят ҳокимлигига

қўнғироқ қилиб, вазият ҳақида маълумот берди. Мутасаддилар Э.Раҳимовга Мирзаев Салимнинг паспортини олиб Пастдарғом туман ИИБ бошлиғидан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Жумаев номига хат олиб, уни тезлик билан топшириши кераклигини айтишди.

Эштурди ака Очиллов Қурбон, Эсиргадиев Ҳамза билан Тиллаев Норбўта (Мирзаев Салимнинг қўшниси) ҳамроҳлигида хончорбоғлик ҳайдовчи йигитнинг машинасида Пастдарғом тумани ИИБ бўлимига соат 7.30 да етиб келиб, навбатчидан бошлиқни сўрашди. Бошлиқ ҳали келмаганлигини айтишгач, 8.30 гача кутиб яна қабул қилишини сўрашди. Уларга бошлиқ йиғилиш ўтказаетганини, йиғилишдан кейин қабул қилишини айтишди. Бошлиқ подполковник Қодиров қабулига 9.30 да киргач, у Э.Раҳимовга вазиятдан хабардорлигини, ҳозир сувни тўхтатиб бўлмаслигини айтди. Э.Раҳимов эса унга вилоят ҳокимлигининг тегишли телефон рақамига телефон қилишини сўради. Ҳокимлик тавсиясига кўра бошлиқ зудлик билан ўринбосарини чақириб хат тайёрлашини буюрди. Ярим соатларда хат тайёр бўлгач, бошлиқ имзолаб, рўйхатдан ўтказиб берди. Шу ерда фидойи инсон Э.Раҳимовнинг қалби ўкинчга тўлди, кўзидан аламли ёш тирқиради. Наҳотки, олти фарзанднинг отаси бўлган 57 ёшли инсоннинг тақдирига шундай бефарқлик қилинса?! Ахир орадан озмунча муддат эмас, икки кун ўтган эди! Наҳот раҳбарият тушуна олмаса?! Шундай ўйлар оғушида Э.Раҳимов Самарқандга йўл олди. Соат 11.00 да қўлидаги хатни Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Жумаевга топширди. У хатни ўқиб, Э.Раҳимовга ҳозирок вилоят ҳокимлигига чиқишини, рухсат беришса. канал сувини соат 21.00 ларда тўхтата олишини, аммо кечаси мурдани излаб бўлмаслигини, шунинг учун сувни кеч соат 17.00 да тўхтатиб, эрталаб соат 4:00 дан туриб излаб топишларини таклиф қилди. Фақат одам сонини кўпайтириб тезроқ топишлари кераклигини илтимос қилди. Э.Раҳимов ўша заҳотиёқ вилоят ҳокимлигига телефон қилиб хатни топширганини ва бошлиқнинг таклифини айтди. Э.Раҳимовга энди кетавериши мумкинлигини айтишди. Э.Раҳимов ўша заҳотиёқ Мирзаев Салимнинг ўғли ва қайноғасига телефон орқали вазиятни тушунтирди. Шу вақт ичида Э.Раҳимовга 4 киши телефон қилиб йиғилишга таклиф этилган одамлар кутаётганини айтишди. У ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди. Наҳот одамлар ўртасида меҳроқибат йўқолаётган бўлса, деган қийноқли хаёллар оғушида Жомга йўл олди. Йиғилганларга эса йўлга чиққанлигини айтиб қўйди ва 12.30 да қишлоққа кириб келди. Йиғилган одамларнинг бир қисми Жом маҳалласида кутишаётган экан. Э.Раҳимов уларга нимстанция ва электр тармоғига доир ҳужжатларни кўрсатиб, “Ўзбекэнерго” ДАКга бориб вазиятга оидинлик киритиш зарурлигини тушунтирди. Анча тортишувлардан кейин Омондара маҳалласидан Хужақулов Турум, Гирдиқўрғондан Ёрқулов Доли, Дўстликдан Расулов Тоштемирлар бирга боришадиган бўлишди. Тегишли ҳужжатларни олиб эрталаб соат 4.00 да кетишга келишишди.

2016 йил 27 июль куни эрталаб соат 10.30 да Э.Раҳимов бошлиқ жамоа “Ўзбекэнерго” ДАК қабулхонасида раис қабулига кирмоқчиликларини айтишди. Бу ерда уларга бир неча бўлимларнинг телефон рақамларини беришди.

Улар билан алоқа боғлашди ва ДАКнинг ЭТФБсидан Илҳом Неъматуллаев билан учрашишди. У эса кутиш кераклигини айтди. Бироздан кейин ДАК бошқаруви раиси қабулига рухсатнома олишди. Илҳом Неъматуллаев эса барча ҳужжатларни кўриб кетаверишларини, 28 июль куни уларга факс орқали мурожаатларининг жавобини юборишини айтди. Э.Раҳимов эса раис ҳузурига кириши шартлигини, манзилли дастурга аниқлик киритишлари зарурлигини айтиб, қаттиқ туриб олди. Кейин қабулхонага телефон қилиб, раиснинг уларни қабул қилиш вақтини аниқлаштирди. Соат 15.00 да қабулхонада бўлишларини айтишгач, айтилган вақтда ўша ерда бўлишди. Аммо анча кутишлардан кейин 16.30да раис эмас ўринбосари Раимов Рўзиқул Облақулович уларни қабул қилди. Қабул жараёнида ходимлардан Улуғбек Ҳакимов, Илҳом Неъматуллаев ва яна уч киши қатнашди. Раис ўринбосари улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, мавзунини буришга ҳаракат қилди. Э.Раҳимов эса бизнинг мурожаатга қайтайлик, деди. Кейин раис ўринбосари ходимларига Самарқанд вилоятида бўлаётган ва амалга оширилаётган тадбирларни айтишни таклиф қилиб гапни яна чалғитмоқчи бўлди. Бу ҳам вазиятдан чиқара олмагач, Самарқанд ҲЭТК бош директори Ғ.Т.Примовга телефон қилиб, пўписа қила бошлади. Э.Раҳимов буларга эътибор қилмасдан, бизнинг масаламиз ечимини айтинг деб қаттиқ туриб олгач, ўртада тортишув юзага келди. Раис ўринбосари қарздорлик тўғрисида ваъз ўқиш орқали вазиятдан чиқмоқчи бўлди. Охири уларнинг манзилли дастур бўйича мурожаати муаммосига 5 кун ичида жавоб хати йўллашга рози бўлди. Э.Раҳимов ҳамроҳлари билан қўйилган мақсадга эриша олмай, тун соат 2.30 да Жомга кириб келишди.

2016 йил 1 август куни Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТКга бориб бош директорни тополмагач, ОКС бошлиғи А.Қувондиқов қабулига кирди. У Э.Раҳимовдан вазирликдаги ҳолатнинг натижасини сўради. Э.Раҳимов унга Р.О.Раимов билан бўлган суҳбатни батафсил айтиб берди. Э.Раҳимов барча ҳужжатларни унинг олдига қўйди ва Бош прокуратура номига ёзилган аризани унга танишиб чиқиш учун берди. У ярим соатлар ариза билан танишгач, ҲЭТК бош муҳандисининг ёрдамчиси Абулқосимов Икромни чақириб, унга мавжуд вазиятни баён қилди. У ҳам ўйланиб қолди ва бош директорга кириб масалани кўндаланг қўйиш зарурлигини айтиб, Э.Раҳимов билан соат 15.00 да бош директор Ғ.Т.Примов ҳузурига биргаликда киришга келишиб олишди.

Э.Раҳимов соат 15.00 да Қувондиқов Акрамнинг олдига келиб Тошкентга “Ўзбекэнерго” АЖнинг ЭТФБ ходими Илҳом Неъматуллаевга телефон қилиб раис ўринбосари билан бўлган учрашув натижасини сўради. У киши 1 август куни эрталаб йиғилишда муҳокама қилиниб ҳамма бошқармаларга топшириқ берилганлигини, умумий бир фикрга келингач, жавоб хати тайёр бўлишини ва Э.Раҳимовга ўзи телефон қилишини айтди. Кейин Э.Раҳимов УРИП ходими Улуғбек Ҳакимовга телефон қилди ва раисга ёзилган хатнинг жавобини ҳали ҳам олмаганлигини айтди. Самарқанд ҲЭТК АЖнинг 2016 йил 25 июлдаги №01/727-сонли хатида “Ўзбекэнерго” ДАКдан Жом ПС-35 кВ ва ВЛ-35 кВА нинг 16.632 км тармоғини тортиш учун 3,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши сўралган эди. Шундан кейин А.Қувондиқов, И.Абулқосимов ва Э.Раҳимовлар орасида

қурилишга доир мунозара яна давом этди.

Соат 17.20 да Э.Раҳимовга Тошкентдан Улуғбек Ҳакимов телефон қилиб жавоб хатини қайси факсга ташлашини сўради. Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК АЖ факсининг рақамини берди. Ўн дақиқалар ўтгач, факсдан “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси И.С.Басидовнинг бошқарув раиси ўринбосари Раимов Р.О. номига чиқарилган 2016 йил 25 июлдаги №01/727-сонли хатга асосан 27.07.2016 йилда №3029-П-сонли факсда ПС-35 кВА тармоғини муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобидан молиялаштириш топшириғи (ИЛАОБ ва ЭТФБга) берилган эди. Бу хатни ўқиган Э.Раҳимов катта қониқиш ҳосил қилди. Чунки унинг бир йилу уч ойлик меҳнатлари ўзининг натижасини бергандек эди.

Кўнгли хотиржам тортган Э.Раҳимов А.Қувондиқов ва И.Абулқосимовга “поезднинг жойидан қўзғалганлигини”, энди кўрқмаслигини айтиб, улар билан хурсанд хайрлашди.

2016 йил 10 август куни Э.Раҳимов Тошкентга “Қишлоқэнерголойиҳа” институтига бориб, лойиҳа бўлими бошлиғи Анора Маҳкамova ва институт бош инженери Улуғбек Расулов билан суҳбатлашиб нимстанция лойиҳасини тезлаштиришни илтимос қилди. Улар 25 октябргача лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришни ваъда қилишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 11 август куни “Ўзбекэнерго” ДАК да соат 14.30 да Улуғбек Ҳакимов билан учрашди. У Э.Раҳимовга маблағ масаласи оғир бўлаётганини, қурилиш 2018 йилга чўзилишини айтди. Э.Раҳимов кейин ИЛАОБ бошқармасига телефон қилиб, №3029-П-сонли хатнинг ижросини суриштирди. Улар Татьяна Ивановна билан боғланишни айтишди. Т.Ивановна Э.Раҳимовга бошқарув раиси топшириғига асосан ишни бошлаш учун маблағ ажратиш бўйича УРИП бошлиғи Сираджевга рапорт ёзиб киритганлигини билдирди. Э.Раҳимов УРИП бошқармасига телефон қилиб рапортнинг натижасини суриштирди. У ердан А.З.Сираджев йўқлигини, ҳали рапорт кўриб чиқилмаганлигини, Улуғбек Ҳакимов билан телефонда боғланиб учрашиб ва гаплашиб олишини таклиф қилишди. Э.Раҳимов у киши билан учрашиб, бошқарув раисининг рухсатномасига асосан қурилишни бошлаш учун ажратиладиган маблағ ва ҳужжатлар бўйича маълумот сўради. У Ҳакимов бу маълумотларни Самарқанд ҲЭТК АЖдан олишини айтди.

2016 йил 23 августда Э.Раҳимов Тошкентга “Қишлоқэнерголойиҳа” институтидан Жом ПС-35/10кВ ва ВЛ–35 КВАнинг 63 нусхадаги ҳужжатларни ва керакли маълумотларни олиб, уйга мамнун қайтди.

24 август куни Ёрқулов Долининг машинасида Самарқандга келиб “Коне-клуб” фермасига ва “Меъмор лойиҳа” МЧЖга ҳужжатлардан нусха олиб беришлари учун топширди. Иш энгил кўчиши учун 4 та лойиҳа папкасини Гирдиқўрғон маҳалласида яшовчи Ёрқулов Сирожиддинга нусха олиш учун бериб кетишди ва шу куни 19.30 да ҳужжатларни олиб Жомга қайтишди. Соат 21.00 да Сирожиддинни келиб ҳужжатларини сўрашди. У 180 варақ қолганлигини, эрталаб тайёр бўлишини айтгач, уйларига тарқалишди.

Э.Раҳимов Сирожиддиндан 4 та папкани олиб, бир гуруҳ жомликлар билан

2016 йил 25 август куни эрталаб Самарқанд ХЭТКга ҳужжатларни топшириш учун боришди.

Э.Раҳимов элнинг вакиллари Т.Хўжақулов, Д.Ёрқулов, Ф.Лутфуллаев, Н.Нурматовлар билан СамХЭТКга қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини топширишди ва қурилиши қачон бошланишини аниқлаш мақсадида бош директор Ғ.Т.Примов қабулига ОКС бошлиғи А.Қувондиқов билан бирга киришди. Кескин мунозаралардан сўнг СамХЭТК раҳбарияти 2016 йил 1 сентябрдан қурилишни бошлашга ваъда берди. Бироқ ваъдага вафо қилинмади. Жомликлар Э.Раҳимов бошчилигида 2016 йил 5 сентябрь куни СамХЭТКга қайтадан эрталаб соат 9.00 да келишиб ОКС бошлиғи А.Қувондиқовга қурилишни бошлаш учун келганликларини айтишди. У бир қисм керакли инвентарларнинг тегишли жойларга буюртма қилинганини айтди. Эл вакиллари соат 10.00 да бош директор Ғ.Т.Примов билан учрашди. Бош директор А.Қувондиқовга “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” директори Ҳошим Қаимов билан учрашиш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш топшириғини берди. Э.Раҳимовга 16,632 км масофали ВЛ-35кВ лойиҳа-смета ҳужжатларини ва 2016 йил 5 сентябрдаги №02/1052-сонли “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖ бош директори Ҳошим Қаимов номига ёзилган хатни беришди.

“Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖда А.Қувондиқов билан жомлик вакилларни техник директор Бобур Саидмуродов қабул қилди. А.Қувондиқовнинг ахборотини эшитгач, тақдим этилган ҳужжатларни 10 кун ичида ўрганиб чиқиб, маблағ масаласи ҳал қилинса, ВЛ-35 кВ тармоғини 3 ой ичида қуриб бериш мумкинлигини айтди.

2016 йил 6 сентябрда Э.Раҳимов, Т.Хўжақулов, Қ.Авазовлар Нуробод ЭТКда директор бўлиб ишлаган нафақадаги Равил Шакировдан Жом чўлларидаги СК-22 устунларнинг қачон ўрнатилганлигини сўрашди. Р.Шакиров бу устунлар бирор ташкилотнинг балансида турмаслигини, Шаҳрисабз-Навоий электр ҳаво тармоғи бирлашиши мўлжалланган 1980 йилларда ўрнатилганлигини айтди. Жомликлар бу тармоқни ахтариб топишиб, Жимилдидан-Дюкергача бўлган масофани яёв босиб ўтишиб, ишлатилмай турган 35 дона СК-22 устунлари мавжудлигини аниқлаб, Гирдиқўрғон маҳалласи фуқароси Поён Аbruевга расмга олдиришди. Улар йўл-йўлакай биз қарияларнинг чўлда сарсон-саргардон бўлиб юришимизга томоша қилинлар деб роса кулишиб, ўзларининг чарчоқларини чиқаришди.

Э.Раҳимов 2016 йил 8 сентябрь куни Т.Хўжақуловнинг машинасида Қосим Авазов билан СамХЭТК га бориб мавжуд СК-22 устунларнинг фото тасвирларини бош директор Ғ.Т.Примов билан бош инженер ўринбосари И.Абулқосимовларга кўрсатишди. Бош директор “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” раҳбари Ҳошим Қаимовга телефон қилиб, СамХЭТКга келишини сўради. Фото тасвирлар билан танишган Ҳошим Қаимов мутахассислар билан кўриб экспертизадан ўтказишни маслаҳат берди ва Ғ.Т.Примовга ишни бошлаш учун материал-ёнилғи маҳсулотларига пул кўчиришини таклиф қилди. Агар шу 35 дона СК-22 устунлар яроқли бўлса, туман ҳокими фармойиш чиқариши кераклигини айтди.

Жомлик вакиллар Самарқанд ҲЭТКдан чиқиб Нуробод тумани ҳоқими в.б. Б.Қ.Эргашев билан учрашиб, ВЛ-35 кВ ишини бошлаш учун Жом ҳудудидаги мавжуд 35 дона СК-22 устунлар хўжасиз мулк эканлигини, шу сабабли уларни тармоққа ишлатиш учун ҳоқимликнинг фармойиши чиқиши кераклигини айтиб Самарқанд ҲЭТКнинг 2016 йил 8 сентябрдаги №01/8541-сонли хатини топширишди. Ҳоқим хатни кўриб чиқиб қурилиш бўлими мутахассиси Наврўз Раҳмоновга тегишли ташкилот раҳбарлари билан гаплашиб фармойишни тайёрлаш топшириғини берди.

Н.Раҳмонов Эштурди акадан туман ЭТКга бориб бу 35 та СК-22 устунларнинг ҳеч жойда балансда турмаслиги тўғрисида маълумот келтиришни сўради. Э.Раҳимов Нуробод тумани ЭТК директори Усанов Баҳодирдан 35 дона СК-22 устунларнинг балансда турмаслиги тўғрисидаги 2016 йил 8 сентябрь №835-сонли хатни олиб келди. Э.Раҳимов соат 16.00 лар атрофида тайёр бўлган фармойишни ҳоқимнинг биринчи ўринбосарига, юристга, ташкилий бўлим мудирига имзолатиб ҳоқимга киритди. Соат 17.00 да ҳоқим ёрдамчиси Э.Раҳимовдан Самарқанд вилояти ҲЭТКдан маълумот келтиришни талаб қилди. Э.Раҳимов ҳоқимга кириб шу ишни олдин айтсангиз бўлмасмиди, менинг 5 соат вақтим бекорга кетди, дея мунозара қилиб чиқиб кетди.

Самарқанд ҲЭТК техдиректори А.Қувондиқовга қўнғироқ қилиб, эрталаб боришини, айтилган маълумотни тайёрлаб қўйишни сўради. 2016 йил 9 сентябрь эрталаб Самарқанд ҲЭТКдан тайёрлаб қўйилган 2016 йил 9 сентябрдаги №02/1-1065-сонли хатни олди ва 35 та СК-22 устунларни ўрнатиш учун ҲЭТК технадзори Алишер Жумаевни, "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" ПТС бошлиғи Жасур Қурбоновни ва мутахассис Михайлов Виталий Борисовични олиб Жомга келди. Улар устунларнинг техник ҳолатини кўздан кечириб беришди. 2016 йил 13 сентябрда Нуробод тумани ҳоқимлигидан 35 та СК-22 устунлардан ВЛ-35 кВ учун фойдаланишга рухсат берилгани ҳақидаги 2016 йил 10 сентябрдаги №66-ф фармойишни олиб шу куни "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" ва СамҲЭТКга топширди. "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" АЖ бош инженери Бобур Саидмуродов 14 сентябрь куни Шаҳрисабздан МК-14 қурувчилари 16,632 км 35кВА-ВЛ ҳаво тармоғи қурилишини бошлаш учун келишини, улар устунлар турган жойларни ва ПС-35 кВ қуриладиган жойларни кўздан кечиришларини айтди. Э.Раҳимов 2016 йил 13 сентябрь куни соат 14.30 да ҲЭТК технадзори Алишер Жумаев билан СамГАСИ биносида жойлашган "ООOSVP MASKAN" фирмасига бориб, унинг бошлиғи Валиаҳмад Усмонов билан 35 дона СК-22 устунларни экспертиза қилиб бериш борасида гаплашди.

Э.Раҳимов 2016 йил 13 сентябрь соат 21.30 да телефон қилиб 14 сентябрда Шаҳрисабздан МК-14 ташкилоти келолмаслигини, топшириқ асосида Деҳқонободга кетганини айтишди. Э.Раҳимов 2016 йил 14 сентябрда "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" АЖ бош инженери Б.Саидмуродовга телефон қилиб, МК-14 ходимларининг келмаслигини айтди. У Э.Раҳимовга мавжуд 35 та СК-22 устунларини экспертизадан ўтказиш, аванс пули тушгандан сўнг бошланишини маълум қилди. Шу куни СамҲЭТК бош директори Ғ.Т.Примов билан учрашиб ҳозиргача қурилиш учун алоҳида ҳисоб рақам очилмаганлиги ва пулнинг нима

сабабдан кўчмаганлигини сўради. У “Ўзбекэнерго” АЖ пул кўчирмаётганлигини айтиб, иложи бўлса, Тошкентга бориб масалага ойдинлик киритиб келинг, деди.

Э.Раҳимов 2016 йил 15 сентябрь соат 14.00 да “Ўзбекэнерго” ДАК бош ҳисобчиси Трофимова Инна Юрьевнага телефон орқали ВЛ 35 кВА ва 35/10 кВ бўйича келганини, “Ўзбекэнерго” ДАК УРИП бошлиғи А.З.Сираджев 2016 йил 10 августда бошқарув раиси номига рапорт билан қурилишга август-ноябрь ойларида 3,4 млрд. сўм маблағни кўчиришга рухсат сўрагани, бошқарув раиси И.С.Басидов рухсат берганини айтди. Бош ҳисобчи рапортлар кўплигини, раис объектни алоҳида кўрсатиб топшириқ берса, пул кўчиришни маълум қилди. Бундан ташқари, Самарқанд ҲЭТКнинг ўзи муддати ўтган қарздорлик суммаси ҳисобидан алоҳида ҳисоб рақами очиб харажат қилиши мумкинлигини ҳам айтди. Шундан кейин Э.Раҳимов у ердан чиқиб Вазирлар Маҳкамасига борди, соат 16.00 да қабулхона мудири Мирзаев Имомназар қабулида бўлди. Э.Раҳимовга мурожаатидан сўнг нимага ташкилот раҳбари эмас, сиз юрибсиз деб сўради. Э.Раҳимов бу саволни телефон орқали “Ўзбекэнерго” ДАК раҳбариятига бериши лозимлигини, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июндаги №06/1-751–сонли топшириғининг натижаси бўйича сарсон бўлиб юрганлигини айтди. У шу соҳа бўйича масъул бўлган Ислоҳ Ҳамидовга телефон қилиб, Э.Раҳимов билан бу масалани муҳокама қилишни сўради. Ислоҳ Ҳамидов ҳужжатлар билан танишиб, бу масаланинг ўта оғирлигини, бугунги кунда “Ўзбекэнерго” ДАК банклардан 4 триллион сўм қарз эканлигини, Республикада бўлаётган қурилишлар учун маблағ бериш зарурлигини, биринчи навбатда давлат объектлари учун пул тўланишини, биргина Самарқанд вилояти учун шу йил 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ талаб қилинаётганлигини, шу сабабли “Ўзбекэнерго” ДАК бошқаруви раиси вилоятнинг ички резервидан фойдаланса, қурилишнинг тезроқ битиши мумкинлигини ўйлаб алоҳида ҳисоб рақами очиб, қурилиш ишларини бошлашни таклиф қилгани, нима учун Самарқанд ҲЭТК бу ҳаракатни бошламагани номаълум экани, Сам ҲЭТКга бориб бош директор Ғ.Т.Примовни унга телефон қилдиришини, ўзининг унинг ҳузурида бўлишини, Ғ.Т.Примовга масала ечимини тушунтиришини айтди.

Э.Раҳимов қабулдан чиқиб Самарқандга “ОООСVP МАКАН” фирмаси бошлиғи В.Усмоновга телефон қилди – 35 та СК-22 устунларининг эксперт-хулосасини сўради. У Э.Раҳимовга СамҲЭТКнинг бир ходими келиб расм ва ҳужжатларни ташлаб кетганлигини, 20 сентябрь куни Жомга бориб устунларни кўришини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 19 сентябрда Т.Хўжақуловнинг машинасида Холбозоров Тўра, Авазов Қосим, Қосимов Азим, Мавлонов Ўрол билан биргаликда Самарқанд ҲЭТК бош директори Ғ.Т.Примов қабулига киришди ва Тошкентдаги вазиятни баён қилиб Ислоҳ Ҳамидовга телефон қилишини сўрашди. У бош ҳисобчи Лола Нуриевнани чақириб, “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖга пул кўчиришни тайинлади ва мазкур ташкилот раҳбари Ҳошим Қаимовга 2016 йил 5 октябрдан қурилишни бошлашни таклиф этди. Ҳошим Қаимовга учрашинг, прокуратурага мурожаат қилиб юрманг, деб илтимос қилди Эштурди акадан.

Жомлик вакиллар Ҳошим Қаимов билан учрашиб, Тошкентга 16 дона

устунларнинг буюртма қилинганлигини, 35 та СК-22 устунлар тезлик билан экспертизадан ўтказилса, 2016 йил 5 октябрда қурилиш ишининг бошланишини аниқлашди. СамХЭТКга қайтиб келишиб ОКС бошлиғи А.Қувондиқов ва технадзор Алишер Жумаевларга устунларни лаборатория қилиб эксперт ҳужжатларни тайёрлашни “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” раҳбари сўраганлигини айтишди. Бу масалани ўзингиз ечинг, дейишди улар. Шундан кейин Валиаҳмад Усмонов билан Алишер Жумаев ва Э.Раҳимов иккаласи учрашди. В.Усмонов транспорт бўлса, жойига бориб кўришини, кейин хулоса беришини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 20 сентябрда Худойқулов Содиқнинг “Дамас” автоуловида Самарқандга бориб “ОООСVP МАКАН” раҳбари В.Усмоновни Жомга олиб келди. У Жом каръери олдидаги 10 дона ва Жом чўлидаги устунларни кўриб, расмга тушириб, турли жойларининг ўлчамларини олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 26 сентябрда “ОООСVP МАКАН” фирмасидан мавжуд 35 та СК-22 устунларнинг ишлатишга яроқлилиги ҳақидаги техник хулосани олиб, В.Усмоновга раҳмат айтиб, СамХЭТК бош директори Ғ.Т.Примовга хулосадан нусха бериб, пулни кўчиришини сўради. У “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” УК раҳбари Ҳошим Қаимовга телефон қилиб устунларнинг яроқлилиги тўғрисидаги хулоса олинганлигини, пулни кўчиришини, 2016 йил 5 октябрь куни Жомга қурувчилар ташланишини айтди ва Э.Раҳимовга унинг олдига боришини тайинлади. Эштурди ака Ҳошим Қаимовга бир нусха техник эксперт хулосасини берди. У киши 2016 йил 5 октябрь куни МК-13 қурилиш бригадаси Жомда бўлишини айтди.

2016 йил 30 сентябрь чошгоҳ пайти “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” УК бош инженери Бобур Саидмуродов УКга қарашли Жиззахда жойлашган МК-13 директори Анвар Сафаров ва бош инженер Эргаш Исроиловлар билан биргаликда устунларни, нимстанция жойини, тегишли материалларни тушириш манзилини кўриш учун Жомга келдилар. Нимстанция қурилиш майдонини, ҳаво тармоғини, ўрнатилмаган 10 та, ўрнатилган 25 та устунларни кўздан кечиришди. Ёрқулов Мамадалининг машинасида юришиб Жом, Улус станциялари жойларини кўришди ва Улус станциясига материалларни туширадиган бўлишди. Улар ишчилар учун ётоқ-жой сўрашгач, Жомдаги коллеж ётоқхонасидан ёки бошқа жойдан жой топиб берилиши айтилди. Қурилишда бош инженер Эргаш Исроилов ўзи бўлишини айтиб, Э.Раҳимовнинг телефон рақамини олди. 2016 йил 5 октябрь куни учрашадиган бўлишиб кечга яқин хайрлашдилар.

2016 йил 6 октябрда Жиззахдаги МК-13 нинг бош муҳандиси Эргаш Исроилов бошчилигида 15 кишидан иборат ишчи гуруҳи келди. Улар Сайдуллаева Раънонинг хонадонига жойлаштирилди. Шу куни устунларнинг ўрнини белгилаб бериш учун Тошкентдан “Қишлоқэнерголойиҳа” АЖдан ходимлар келишди, улар Сирожиддин Ёрқуловнинг уйига жойлаштирилди. 6 октябрдан иккала гуруҳ ҳам ишни бошлашди. Ишлатилмай тик турган СК-22 темир-бетон устунлар Эргаш Исроиловга кўрсатиб чиқилгач, бригада бошлиғи Абдумўмин устунларни техника ёрдамида суғуриб олиш ишларини бошлади. Шундан сўнг Э.Исроилов, Э.Раҳимов лойиҳачилар биргаликда устунларни ўрнатиш

жойларини аниқлаш учун кетишди.

2016 йил 7 октябрда 16,632 км ҳаво тармоғининг 1-устуни Жомдан Самарқанд томон чиқишдаги ғарб томонга ўрнатилди. 2016 йил 11 октябрда нимстанция жойини белгилаш ва ҳаво тармоғининг тортилишидан олдин халқимиз удумига кўра, ҳар маҳалладан 10 тадан вакиллар таклиф этилиб, Жом жоме масжиди ҳовлисида 3 та улоқ сўйилиб қон чиқарилди. Қурувчилар, газчилар билан бирга юздан ортиқ одамлар қатнашди. Маҳаллалардан келган имомлар Қуръон тиловат қилишиб, ишнинг барорини беришни Аллоҳдан сўрадилар. 2016 йил 13 октябрда “Қишлоқэнерголойиҳа” вакиллари ишни тамомлаб кетишди.

2016 йил 9 октябрда “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖ бошлиғи Ҳошим Қаимов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб, керакли материалларни заводга буюртма қилиш учун маблағ кераклигини, СамХЭТК пулни кўчирмаётганлигини, 16 та устун учун Тошкентга буюртма берганлигини айтди. Э.Раҳимов 2016 йил 10 октябрда эрталаб СамХЭТКга бориб, техник назорат бошлиғи Алишер Жумаев билан учрашди ва ундан вазиятни сўради. У нимстанцияни экспертизадан ўтказиш учун 2016 йил 29 сентябрдаги №26-36/498-сонли хат билан “Қишлоқэнерголойиҳа” АЖга мурожаат қилганлигини маълум қилди. Э.Раҳимов хатдан нусха олиб ва маблағнинг кўчирилмаганлиги сабабини сўради. У “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖнинг тегишли материалларни олиш учун 50 млн. сўм кўчириш ҳақидаги 2016 йил 6 октябрдаги №1023-сонли хатини кўрсатди, хатга бош директор виза қўйганлиги, бироқ “Ўзбекэнерго” АК раиси номига хат тайёрланмаганини айтди. Э.Раҳимов биргаликда “Ўзбекэнерго” АК бошқаруви раиси Ф.И.Саломов номига хатни тайёрлатиб, соат 17.00 да бошлиқ қабулига кириб, бажарилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. У Ҳошим Қаимовга ишни сусайтирмасликни, бугун эрта пул кўчирилишини айтиб, хатни имзолади. Э.Раҳимов имзоланган хатни Алишер Жумаевга топширди. У 2016 йил 10 октябрда юборилган хатни №01-944-сон билан рақамлаб Тошкентга факс орқали жўнатди. 2016 йил 24 октябрда Жиззах МК-13 бошлиғи Эргаш Исроилов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб, 13 дона устунлар ўрнатилганлигини, 13 дона устунларни ўрнатиш жойига олиб борилиб, жойларини ковлаб тайёрланганлигини, бироқ Самарқанд вилоят ҲЭТК сўралган пулни кўчирмаётганлиги сабабли иш тўхтаганлигини айтди.

2016 йил 26 октябрда Ҳошим Қаимов Эштурди акага қўнғироқ қилиб Тошкентдан юкланган 16 дона устунлар келаётганини, уларни Улус станциясига туширишга ёрдам беришни сўради. Эштурди аканинг илтимосига кўра станция бошлиғи Фарҳод Маҳмудов 27 октябрда устунларни Улус станциясига тушириб олди. Бироқ пул кўчирилмаганлиги сабабли иш тўхтаб қолди.

Э.Раҳимов 2016 йил 3 ноябрда яна Самарқанд ҲЭТКга бориб эрталаб бош директор Ғ.Т.Примов билан учрашиб вазиятни тушунтирди. У Э.Раҳимовга техник директор Акрам Қувондиқов билан бош ҳисобчи Лола Нуриевнага киришни, йиғилиш тамом бўлгач, бу масалани гаплашишини айтди.

Э.Раҳимов А.Қувондиқов билан биргаликда бош ҳисобчи хонасига кирди. Бош ҳисобчи Вазирлар Маҳкамасининг №139-сонли қарори билан тушум маблағлари марказлашганини, шу сабабли маблағ масаласини бошқарув раиси ҳал қилишини, Тошкент билан, УРИП бошлиғи А.З.Сираджев ёки ўринбосари

Абдулла Маметович билан боғланиш кераклигини айтди.

А.Қувондиқов "Ўзбекэнерго" ДАҚдан Аҳмад Турсуновга телефон қилиб Жомда қурилаётган 35/10 ВЛ ва 35/10 ПС учун материал олишга 2016 йил 10 октябрдаги №01-944-сонли хат билан 50 млн сўм сўралгани, ҳозиргача натижа йўқлигини айтди. У факс орқали шу хатни яна ташлашни сўради. Алишер Жумаев бу хатни Э.Раҳимовдан олиб, Тошкентга факс орқали жўнатди. Шундан кейин Э.Раҳимов А.Қувондиқовдан А.З.Сираджевга телефон қилишини сўради. А.Қувондиқовнинг ўринбосари Абдулла Маматовичга телефон қилиб Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июндаги №06/1-751-сонли топшириғига асосан Жомда қурилаётган 16,632 км 35 ВЛ ва 35/10 ПС қурилиши бошланганлиги, шу сабабли қурилиш ташкилотига материал олиш учун 2016 йил 10 октябрда №01-944-сонли хатнинг жавоби йўқлигини айтгач, у киши бошқарув раиси номига Вазирлар Маҳкамасининг топшириғини, қурилаётган 16,632 км 35/10 ВЛ ва 35/10 ПСнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари рақамини, қачон лойиҳа бўлганини, эксперт-хулоса рақамини, ким қураётганини, қанча устун талаб қилинишини, шундан неча донаси ўрнатилгани ҳақидаги маълумотни жўнатишни айтди. 2016 йил 3 ноябрда сўралган маълумотлар ўз аксини топган №01/1169-сонли хат бошқарув раиси Ф.И.Саломов номига жўнатилди.

Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТКнинг ОКС бўлиmidан 16,632 км 35/10 ВЛ учун ўрнатилган далолатномадан, ВЛ-35 кВ ва 35/10 ПСнинг эксперт-хулосасини Тошкентдан сўратиб факс орқали 2016 йил 24 октябрдаги эксперт хулоса №Е-125дан нусха олди ва соат 11.00 да Ғ.Т.Примов қабулига кириб ҳолатни биргалиқда муҳокама қилди. У маблағнинг марказлашганини айтгач, Э.Раҳимов Бош вазир қабулига боришини айтди. Шунда Ғ.Т.Примов Тошкентга қўнғироқ қилиб бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Дадажон Исакулов билан гаплашди. У киши раисга чиқишини, хатни киритишини айтди. Ғ.Т.Примов кейин "Ўзэлектрқишлоққурилиш" бошлиғига телефон қилиб ишни тўхтатмасликни, маблағ билан шуғулланаётганини маълум қилди. А.Қувондиқовга тайёрланган хатни бошқарув раиси ва А.З.Сираджев комплексига ташлашни ва бир нусхани ўзига беришини, раис билан гаплашганда қўлида бўлиши зарурлигини айтди. Э.Раҳимовга раис билан гаплашиб пулни ҳал қилишини ва "Ўзэлектраппарат" заводига бориб нимстанция учун берилган буюртмаларни тезлаштиришини маълум қилди. Самарқанд ҲЭТКнинг СП ООО "Armaturno-izolyatorniy zavod" билан керакли ашёларни етказиб бериши тўғрисида 2016 йил 24 октябрда тузилган №24/10-16-сонли шартномадан Э.Раҳимов нусха олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 6 ноябрда СамҲЭТКга бориб пулнинг кўчирилмаганини, бош директорнинг Каттақўрғонда эканини билгач, бош ҳисобчи Лола Нуриевнага кирди. У ҳеч қандай топшириқ йўқлигини, Тошкентдан пул келмаганлигини айтди. Соат 11.00 ларда Э.Раҳимов телефонда бош директор билан гаплашди, у соат 16.00 лардан кейин бўлишини ва пулни кўчиртиришини айтди, бироқ шу куни директор келмади.

Э.Раҳимов 2016 йил 7 ноябрь эрталаб Самарқанд ҲЭТКга бориб, директорнинг бўлмаслигини билгач, бош муҳандисга кирди ва унга "Ўзқишлоқэлектрқурилиш"га материал учун 50 млн. сўм пул сўралганини, бош

директор унга 5 ноябрь куни соат 14.30 да телефон қилиб рухсат олганлигини, ҳозиргача пул кўчмаганлигини айтиб, бошлиғига телефон қилишини сўради. У телефон қилди, телефонни кўтармагач, Э.Раҳимовга кутишини айтди. Соат 16.00 гача кутди, бош директор келмагач, бош муҳандис О.Мейлиевга кириб бош бухгалтерга телефон қилиб топишни ва пулни кўчиртиришни илтимос қилди. Соат 18.00 гача бош ҳисобчи келмагач, уйга қайтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 10 ноябрда Самарқанд ҲЭТКга бориб бош директор соат 9.30 да келгач, у билан хонасига кириб маблағни сўради. Ғ.Т.Примов бошқарув раиси рухсат бермаётганлигини айтди. Ўртада мунозара бошлангач, бошлиқ бош ҳисобчиси Лола Нуриевнани чақирди. Э.Раҳимов Тошкентга телефон қилишини, иш ижобий силжимаган ҳолда Бош вазирга ва Бош прокурорга мурожаат қилишга мажбурлигини айтди. У “Ўзбекэнерго” АЖ билан боғланиб раисни сўради, раис йўқ деган жавобни олгач, 1-ўринбосар Дадажон Исакулов билан боғлашни сўради, у киши телефонни кўтармагач, УРИП бошлиғи А.З.Сираджев билан боғлашни сўради. Ундан ҳам жавоб бўлмагач, Э.Раҳимов директор хонасидан чиқмади. Ғ.Т.Примов Э.Раҳимовга “мен ишлашим керак, хонадан чиқинг” деди. Э.Раҳимов унга масала ҳал бўлмагунча хонадан чиқмаслигини, қонунни бузган бўлса, маъмурий органларга телефон қилиши мумкинлигини айтди.

Ғ.Т.Примов соат 10.00 да қайта Тошкентга телефон қилиб, 1-ўринбосар билан боғланди. Д.Исакулов маблағ масаласида раисга чиқишини айтди, раисни тополмагач, УРИП бошлиғи билан боғланди. У ҳам раисга чиқишни айтгач, ЭТФБ бошлиғи Суннатилло Ибрагимович Юсуповга чиқди. У ҳам раисга чиқишни таклиф қилди. Соат 11.30 да бошқарув раиси билан боғланиб, аҳволни таҳлил қилиб бергач, у киши хат сўради. Бош директор 2016 йил 10 октябрда ва 2016 йил 3 ноябрда №01/1169 ва №01/944-сонли хатлар ташланганини маълум қилди. Шундан кейин пул ажратилишини маълум қилишди. Э.Раҳимов шу куни соат 16.30 да “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖга №208-тўлов талабномаси билан 50 млн. сўм кўчиртириб, ундан нусха олиб, кечаси соат 23.30 да уйга кириб келди.

Бош директор Ғ.Т.Примов: “Бобо, маблағ учун менга келманг, “Ўзбекэнерго” АЖга боринг, вазиятни кўрдингиз”, деди. Эштурди ака бундан кейин келмаслигини, марказга мурожаат қилишини айтди. 2016 йил 12 ноябрда “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” бошлиғи Ҳошим Қаимовга телефон қилиб маблағ кўчганини етказди. У Э.Раҳимовга ташаккур билдириб, МК-13 ходимлари 16 ноябрда Жомга боришини, 13 та темир устунлар учун 471 млн. сўм пулни тезроқ кўчиртиришини илтимос қилди. Э.Раҳимов бошқарув раиси ҳафтанинг чоршанба куни қабул қилишини, шу сабабли 16 ноябрда унинг қабулига боришини айтди.

2016 йил 15 ноябрда “Ўзбекэнерго” АЖга бориб, 2016 йил 7 ноябрдаги №02-1237-сонли Ф.И.Саломов номига ёзилган 13 та темир устун учун 471,6 млн. сўм сўралган хатнинг натижасини сўради. Хат кўриб чиқиш учун №3246-сон билан ЭТФБ бўлимига юборилганини айтишгач, Э.Раҳимов шу бошқармага сим қоқди. У ердан хат ижро учун Ҳаёт исмли ходимга юклатилганини билди.

Уни икки соатлар излаб тополмагач, ЭТФБдан телефон рақамини олиб, у билан масъулиятсизлиги учун мунозара қилди. Кейин рухсатнома бўлимига кириб, раис қабулига кириш учун рухсат сўради. Ф.И.Саломов Қозоғистонда хизмат сафарида эканлигини ва 1-ўринбосар ҳузурига киришини айтишди. Ҳўринбосар билан иш ҳал бўлмаслигини ҳисобга олган Э.Раҳимов экспертиза бўлимидаги Меҳри опадан ВЛ-35 кВЛ ва ПС 35/10 кВ нинг эксперт хулосасидан нусха олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 16 ноябрь куни эрталаб Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов қабулига ёзилди. Уни қабулхона мудири Имомназар Мирзаев ва Эркин Юсуповлар эшитиб, кутишини айтишди. Соат 12.30 да Бош вазир ўринбосари йиғилишга кирганлиги сабабли комплекс раҳбари Акбархон Йўлдошев қабул қилди. У барча ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Раҳимов Бобур Сатторовичга телефон қилиб, масалани соат 15.30 да ечиш учун керакли раҳбарлар билан келишини айтди. Белгиланган вақтда Б.С.Раҳимов "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджев ва ўринбосари Абдулла Аҳмедовлар билан келишди. Тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилгач, УРИП бошлиғи А.З.Сираджев бу масалада маблағ ажратиш учун раисга рапорт билан чиққанлигини айтди. Кейин Ғ.И.Ибрагимов келиб масаланинг ечимини топиш учун маблағ ажратишни, қийинчилик бўлса пулни бўлиб-бўлиб бўлса-да кўчириш топшириғини бериб, 2017 йилда албатта объект ишга тушади, лекин электрдан фойдаланганлик учун пулни тўлангизлар деб хайрлашиб чиқиб кетди. Б.С.Раҳимов ва А.З.Сираджев бугуннинг ўзида рапорт ёзиб Ф.И.Саломов столига қўйишни, пулни албатта кўчириб беришни ваъда қилишди.

Э.Раҳимов бу жойдан чиқиб, электраппарат заводига бориб ПС 35/10 кВ ни сўради. Улар шартнома тузилганлигини, декабрь ойида ярмарка ўтказилишини, шунда биржа нархлари маълум бўлишини, март ойигача тайёрлаб беришларини айтишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 23 ноябрда Самарқанд ҲЭТКга бориб Тошкентда ваъда қилинган маблағ масаласини сўради. Ғ.Т.Примов факсограмма билан 200 млн. сўм ажратилгани ҳақида маълумот келганлигини, уни ҳали ўқимаганлигини айтиб, котибасига факсограммадан бир нусха беришини айтди. Факсограммада "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджевнинг Жомда қурилаётган 16,6 км.лик ВЛ35 кВ учун 3,5 млрд. сўм талаб қилиниши, иш бошланганлиги, 13 та темир устунлар учун 471,6 млн. сўм маблағ кераклиги, шуни ҳисобга олиб ноябрь-декабрь ойларида 100 млн. сўмдан "Ўзқишлоқэлектрқурилиш"га пул ўтказишга Ф.И.Саломов 2016 йил 19 ноябрда бошқарув раиси ўринбосари Б.С.Раҳимов ва бош ҳисобчи Т.И.Трофимовага топшириқ берганлиги қайд этилган эди. Э.Раҳимовбу ҳақда "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" АЖ бош директорига телефон қилди. Натижада 2016 йил 24 ноябрь МК-13 ишчилари Жомга келиб ишни бошлашди. Қор тинимсиз ёғишига қарамасдан устунларни ўрнатиш бошланди. 25 ноябрда соат 12.00 лар атрофида кўтарма кран чуқурликка тушиб кетиб, ағанаш ҳолатига келди. Э.Раҳимов Иброҳим ота қишлоғидан Бахтиёр Ҳакимов ва Файзулла Лутфуллаевларни топиб Найман (Қизил-Карвон) қишлоғидаги автйўлнинг экскаваторини олиб келиб, чуқурликни шағал билан

тўлдириб, кеч соат 16.30 да кўтарма кранни чиқариб олишди. Шунда Бахтиёр Ҳакимов “раис бобо, одамлар шу юришларингизни билармикан”, деб кулди. Шунда МК-13 нинг муҳандиси Мўмин “ҳозир билмайди, лекин қачонлардир, албатта, билади”, деди. Э.Раҳимов ўзининг юришига ҳам ачинди, ҳам қувонди. Ачиниши – қарилик, қувониши – эл дарди билан ёниш эди.

2016 йил 29 ноябрда МК-13 ишчилари темир бетон устунларни Улус қишлоғига 2,5 км масофа қолган жойгача ўрнатиб, устунлар қолмагач, уйларига қайтишди. 2016 йил 9 декабрда “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” бош директори телефон қилиб, Самарқанд ХЭТК маблағни кўчирмаётганлигини айтди. Э.Раҳимов 2016 йил 12 декабрда Самарқанд ХЭТКга бориб бош ҳисобчи Лола Алмамедовага учрашди. У Тошкент пул бермаётганини айтди. Э.Раҳимов Самарқанд ХЭТК бош директори Ғ.Т. Примов йўқлиги учун ОКС бошлиғи Акрам Қувондиқовга кириб, техник назорат бўлими бошлиғи Алишер Жумаевни чақиртириб, нима учун Тошкентдан рапортга асосан маблағни талаб қилиб олмаётганини сўради. А.Қувондиқов жавобгарликдан қочиб “маблағни бош директор ҳал қилади” деган жавобни берди. Э.Раҳимов ундан нима учун 400 млн. сўмнинг ҳисобини бугунгача Тошкентга юбормаганини сўради ва улар билан қаттиқ мунозарага бориб, Тошкентга телефон қилишларини талаб қилди. Улар телефон қилишмагач, Э.Раҳимов ХЭТК идорасидан чиқиб Тошкентга Абдулла Ахмедовга, А.З.Сираджевга, Б.С.Раҳимовларга қўнғироқ қилди, лекин уларнинг бирортаси телефонни кўтаришмади.

Э.Раҳимов Республика Бош вазири А.Орипов ва бош прокурор Б.И.Абдуллаев номига ариза тайёрлаб, 2016 йил 16 декабрда Ғ.Т.Примовга кириб, ариза мазмуни билан танишишини илтимос қилди.

Ғ.Т.Примов Бош вазир ва Бош прокурор номига ёзилган аризаларни ўқиб бирдан Тошкентга УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга телефон қилди. У телефонда гаплашиб бўлгач, Э.Раҳимов телефонни беришини, у билан гаплашишини айтди. Телефонда А.З.Сираджев объект учун маблағ ажратишни сўраб, 3 марта рапорт ёзганлигини, бугун яна рапорт билан бошқарув раиси Ф.И. Саломов номига маблағ ажратиш бўйича чиқишини айтди. Э.Раҳимов унга 2016 йил 19 декабрда Бош вазирга ва Бош прокурорга мурожаат қилишини маълум қилди. А.З.Сираджев Э.Раҳимовга “бу сизнинг қонуний ҳуқуқингиз” деди. Кейин Ғ.Т.Примов раис ўринбосари Б.С.Раҳимовга чиқиш қилди. Э.Раҳимов яна Ғ.Т.Примов билан мунозарага ўтиб, нима учун бошқа объектлар билан қизиқаётганини, лекин Жом билан қизиқмаётганлигини айтиб, Қўшрабботни мисол қилиб кўрсатди. У индамай қолди ва бугун Ф.И.Саломов Сурхондарёдан қайтишини, Б.С.Раҳимов билан такрор гаплашиб натижаси бўйича Э.Раҳимовга қўнғироқ қилишини айтди. Уйга қайтган Э.Раҳимов уч кундан сўнг Тошкентга жўнашни мақсад қилиб, тегишли ҳужжатларни тайёрлашга киришди.

Э.Раҳимовни 2016 йил 19 декабрь соат 9.30 да Вазирлар Маҳакамаси қабулхонасида Ҳасан Турғунов қабул қилди. Ҳужжатларни ва Бош вазир А.Арипов номига ёзилган мурожаатни кўриб чиқиб, комплекс ходимлари Акбар Йўлдошев ва Ислон Ҳамидовларга қабул қилишларини айтди. Акбар Йўлдошев Президиум йиғилишига кираётганлиги учун Ислон Ҳамидов барча

ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Ўзбекэнерго"га телефон орқали маблағни кўчириш топшириғини берди. Бу ердан чиққан Э.Раҳимов Республика прокуратурасига бориб Бош прокурор номига ёзилган мурожаатномани топширди. Соат 11.30 да Вазирлар Маҳкамасидан Ислон Ҳамидов Э.Раҳимовга телефон қилиб, "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджев билан учрашишини, у кутаётганини айтди. Э.Раҳимов соат 12.20 да "Ўзбекэнерго" АЖда А.З.Сираджев қабулида бўлди. У Жом ВЛ-35 кв ҳаво узатиш тармоғига бугун 100 млн. сўм кўчирилиши ҳақидаги ҳужжатни кўрсатди ва "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" бош директори Ҳошим Қаимовга телефон қилиб, ишни давом эттиришини айтди.

2017 йил январь ойдан бошлаб маблағ ойма-ой кўчириладиган бўлди.

Э.Раҳимов "Электраппарат" заводига нимстанция ҳужжатлари учун борганида, унга "Ўзбекэнерго" АЖнинг заводга ПС 35 кВ аппарати учун рапорт бериши зарурлигини маълум қилишди. Э.Раҳимов "Ўзбекэнерго"га келиб УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга экспертиза ҳужжатларини кўриб чиқиб рапорт бериши кераклигини етказди.

Э.Раҳимов 2016 йил 20 декабрь куни Самарқанд ҲЭТК бош директори Ғ.Т.Примовдан маблағ келиб тушмаганлигини билгач, 2016 йил 21 декабрь куни соат 10.30 да "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга телефон қилиб, яна маблағ масаласини сўради. У рапорт билан вазирга кирганлигини, лекин пулнинг кўчирилмаслик сабабини билмаслигини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 декабрда Самарқанд ҲЭТКга бориб нимстанция учун керакли инвентарларга "Тошэлектраппарат" МЧЖга хат билан нима учун ҳозиргача чиқмаганини сўради. Самарқанд ҲЭТК бош директори Ғ.Т.Примов Тошкентга "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга телефон қилиб, Э.Раҳимовнинг келганлигини ва нимстанция учун "Тошэлектраппарат" МЧЖга хат талаб қилаётганини айтди. А.З.Сираджев рухсат берди. Ғ.Т.Примов кулиб Э.Раҳимовга "бошқарув раиси қабулига кирдингизми", деди. Э.Раҳимов йўқ деб, Бош вазир қабулхонасига кирганлигини айтиб мурожаатининг нусхасини кўрсатди. У нимстанция учун "Тошэлектраппарат" МЧЖ бош директори А.О.Назаров номига 2016 йил 22 декабрда ёзилган №01/1983-сонли хатга қўл қўйиб, "хуллас ютиб чиқдингиз, бобо, объект 2017 йил қурилиб ишга тушади", деб кулиб юборди. Э.Раҳимов хатдан нусха олди. Техник назорат бўлими бошлиғи Алишер Жумаев хатнинг электрон вариантини "Тошэлектраппарат" МЧЖга жўнатди.

2016 йил июнь ойдан 19 декабргача бўлган даврда "Ўзбекэнерго" АЖ УРИП бошқарув раҳбарияти Самарқанд ҲЭТК раҳбарияти билан Э.Раҳимовнинг мурожаатларига берган жавоблари, Вазирлар Маҳкамасига қилган мурожаатга "Ўзбекэнерго" АЖ ЭТФБ бошлиғи С.И.Юсуповнинг 2016 йил 19 августдаги №04-19/2346-сонли норасмий жавоб хатининг сири Республика бош прокурорига мурожаат қилинганидан кейин очилди. Самарқанд ҲЭТК раҳбарияти Жомда қурилиши режалаштирилган ВЛ-35 кВ ҳаво узатиш тармоғи учун ажратилиши лозим бўлган маблағ миқдори кўрсатилган ва бошқарув раиси рухсат берган ҳужжатларнинг аслида йўқлиги аниқланди. 2016 йил 22 декабрда Самарқанд ҲЭТК Э.Раҳимовга мурожаат қилиб ҳужжатлардан нусха

беришини, марказ сиқувга олаётганини бош ҳисобчи Л.Н.Алмамедова ва техник назорат бўлими бошлиғи А.Жумаевлар айтишди.

Э.Раҳимов қўлидаги ҳужжатлардан нусха бермади, сабаб прокуратура бу ишни очиш билан шуғулланаётган эди.

Сир деганимизнинг асл моҳияти шундан иборатки, Жомда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июлдаги №06/1-751-сонли топшириғига асосан қурилиши режалаштирилган, 2016-2017 йиллар давлат дастурига киритилган объектни барпо этиш учун мўлжалланган 3,4 млрд. сўмни бошқа объектларга харажат қилиш кўзда тутилган экан. Марказдаги раҳбарларда Э.Раҳимовнинг ҳаракатлари С.И.Юсупов имзолаган хатдан сўнг тўхтайди деган фикр пайдо бўлган. Лекин Э.Раҳимов улар кутгандек жимиб кетмади. Аксинча, қоғозбозлик, буйруқбозлик, лоқайдлик иллатларидан бешиб Бош вазирга, Бош прокурорга 2016 йил 19 декабрда мурожаат қилди. Оқибатда, юқори мартабали кишиларнинг сўраб-суриштирувидан кейин найрангбозлик юзага чиқиб қолди.

2016 йил 30 декабрь соат 16.10 да СамХЭТК бош директори Ғ.Т.Примов кириб келаётган янги йил билан Э.Раҳимовни табриклаб, ВЛ-35 кВА учун “Ўзбекэнерго” АЖ 50 миллион сўм маблағташлаганини, ишлар 2017 йил январдан бошланишини маълум қилди. Соат 16.30 да эса “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” бош директори Х.Қаймов телефонда устунлар учун 50 миллион сўм Самарқанд ХЭТКга ўтказилганлигини, 2017 йил январдан МК-13 қурилиш ишларини давом эттиришини билдирди.

Э.Раҳимов 2017 йил 4 январда СамХЭТК бош директори Ғ.Т.Примов билан учрашди ва бухгалтериянинг “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АКга 2016 йил 28 декабрдаги №245-тўлов талабномасидан нусха олди.

2017 йил 6 январда СамХЭТКдан мурожаати бўйича Республика прокуратурасидан 2017 йил 5 январда келган №01/75-сонли хатини ҳамда 35 кВ ХТ (ҳаво тармоғи) ва нимстанция учун “Тошэлектраппарат” МЧЖ билан тузилган шартноманинг нусхасини олди. Шунингдек, нимстанция ускуналарининг 15 фоиз қиймати миқдоридagi 337 миллион сўмни кўчиришни тезлаштириш тўғрисидаги “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси Ғ.Саломов номига тайёрланган №01/101-сонли хатни факс орқали жўнаттирди.

“Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖ директори Х.Қаймов қиймати 471 миллион сўм бўлган 16 та СК-22 темир бетон устунларининг заводга буюртма қилганлигини, бундан ташқари нимстанция ҳовлисини ўраш учун устунларга ҳам пул кўчиртиришни тезлаштиришини Э.Раҳимовдан суради ва 16,632 км 35 кВ ХТ йўналиши тўғрисидаги ҳисоботдан нусха берди.

Э.Раҳимов 2017 йил 11 январда Вазирлар Маҳкамасидан 2016 йил 19 декабрдаги мурожаатига ҳозиргача жавоб олмаганлиги сабабини сўради. Қабулхона ходими Эркин Юсупов мурожаатнинг 2016 йил 21 декабрда №23596-сон билан рўйхатга олиниб, департамент бошлиғи Р.Мамадалиев имзоси билан “Ўзбекэнерго” АЖга 2016 йил 28 декабрда жавоб бериши тўғрисида топшириқ берилганлигини айтди.

Э.Раҳимовга мурожаат натижасини “Ўзбекэнерго” АЖнинг ЭТФБ ва ИЛАОБдан билиши мумкинлигини айтишди. У жойда Самарқанд вилояти бўйича куратор Ҳаёт исмли ходим Республика прокуратурасига Самарқанд ХЭТК йўллаган хатни кўрсатишди. Э.Раҳимов Республика прокуратурасидан жавоб олганлигини, Бош вазирга ёзган мурожаатининг жавобини талаб қилаётганлигини айтиб, уларга тегишли барча ҳужжатларни кўрсатди. Улар Э.Раҳимовга соат 14.30 да раис ўринбосари Б.С.Раҳимов ва УРИП бошлиғи А.З.Сираджев қабулига киришни

айтиб кетишди. Аммо Э.Раҳимов раис ёрдамчисидан билдики, Б.С.Раҳимов Бухорода, А.З.Сираджев эса Қорақалпоғистонда экан.

Э.Раҳимов шу куни Тошкентда қолиб, эртасига 12 январь 2016 йилда "Ўзбекэнерго" АЖ қабулхонасида раҳбарлардан бошқарма бошлиғи Улуғбек Ҳақимовнинг борлигини аниқлаб, у билан телефонда қаттиқ мунозарага борди. Улуғбек Ҳақимов рухсатнома бериладиган хонага тушиб келди. Э.Раҳимов ундан Вазирлар Маҳкамаси Департаментининг 2016 йил 21 декабрдаги №1888/23596-сонли топшириғининг бажарилиши тўғрисида жавоб хатини талаб қилди. У маблағ йўқлигини айтди. Э.Раҳимов ҳужжатларни кўрсатиб Давлат дастурининг бажарилмаслиги сабабини ойдинлаштиришни талаб қилди. У.Ҳақимов ҳужжатларни қараб чиқиб, "ишнинг ярми бажарилган-ку, бобо", деб кулди. "Наҳотки, раҳбарият ўзларига тегишли тармоқда шунча иш бажарилганлигидан, давлатнинг 1 миллиард сўмга яқин маблағи сарфланганидан беҳабар бўлса", деди Эштурди ака. У.Ҳақимов "икки соат ичида жавоб хатини оласиз", деб чиқиб кетди. Соат 14.30 да Э.Раҳимовга 2017 йил 12 январь санаси билан №04-19/199-сонли "сувдан қуруқ чиқиш" қабилидаги жавоб хатини беришди. Хатга ЭТФБ бошлиғи С.Юсупов ўрнига У.Ҳақимов, ИЛАОБ бошлиғи А.З.Сираджев ўрнига А.Аҳмедов имзо қўйган эди. Унда Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар ва қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиб, Жом қишлоғида 35/10 кВ ПС ни қуриш учун 2016 йил 400 миллион сўм маблағ кўзда тутилиб, амалда 2017 йил 1 январга 976,9 миллион сўм маблағ ўзлаштирилганлиги қайд этилган эди.

2017 йил 22 январда "Электр қурилиш" идораси бош инженери Э.Раҳимовга 1 февраль атрофида Ғазалкентдан темир бетон устунларнинг вагонга ортилиши ҳақида хабар берди.

Э.Раҳимов СамҲЭТКдан шу кунгача "Ўзбекэнерго" АЖнинг маблағ кўчирмаганлигини билгач, 2017 йил учун Ўзбекэнерго АЖнинг №06/2-5/192-сонли 29 сентябрь 2016 йил ТФГ га асосан тасдиқланган манзилли рўйхатдан, ВЛ-35/10 кВА тармоғини давом эттириш учун МК-13 раҳбари билан тузилган шартномадан нусхалар олди. Шу куни ВЛ-35кВА ва ПС 35/10 кВ учун маблағ ажратилмаётгани ҳақида Республика бош прокурорига ёзган аризасига Нуробод тумани прокуратурасининг 2017 йил 10 январдаги №245-17-сонли жавоб хати келди.

2017 йил 25 январда МК-13 раҳбари телефон орқали Қамашидан темир анкерларни ўрнатиш учун 52 дона фундамент ва 82 дона регеллар Айритом станциясига келганлигини, уларни 26 январда ташиб олишини хабар берди. Эштурди ака Авазов Қосимга уларнинг озиқ-овқатидан хабар олишни илтимос қилди.

Қурувчилар 3 дона анкер устунлар учун келтирилган ускуналарни териб чиқишди ва 2017 йил 6 февралда уларни Айритом станциясидан белгиланган нуқталарга ташиди.

2017 йил 16 февралда Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК директори Ғ.Т.Примовдан "Ўзбекэнерго" АЖ пул кўчирмаганлигини билгач, Республика прокуратурасига ва Президент қабулхонасига боришини билдирди. Ғ.Т.Примов "Ўзбекэнерго"

АЖ раҳбариятини Э.Раҳимовнинг ҳаракатидан хабардор қилгач, А.З.Сираджев раис ўринбосари Б.С.Раҳимовга хат билан чиқишини айтди. Шундан кейин Ғ.Т.Примов “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” бошлиғи Х.Қаимовга телефон қилиб, материаллар кўрсатилган аниқ ҳисоб-китобни хат орқали СамХЭТКга юборишини сўради. Соат 15.00 да келган хатда ВЛ-35 кВА ҳаво узатиш тармоғи қурилишини тамомлаш ҳамда унга кетадиган материаллар учун 1 миллиард 567 миллион сўм маблағ талаб этилиши баён этилган эди. Самарқанд ХЭТК шу ҳисоб-китоб асосида “Ўзбекэнерго” АЖ раиси ўринбосари Б.С.Раҳимов номига 2017 йил 16 февралда №01/1164-сонли хатни тайёрлаб, соат 17.00 да факс орқали жўнатди. Э.Раҳимов ушбу хатдан ва “Тошэлектраппарат” МЧЖ билан 2017 йил 24 январда Жом электр нимстанциясига етказиб бериладиган ашёлар тўғрисида тузилган №42160953-сонли шартномадан нусха олди.

Э.Раҳимов 2017 йил 1 мартда “Ўзбекэнерго” АЖ қабулхонасидан №01/1164-сонли хатнинг жавобини сўради. Улар бундай хат келмаганлигини айтишгач, Э.Раҳимов Намозовага ўша хатнинг қўлидаги нусхаларидан бирини берди.

Э.Раҳимов 2017 йил 6 февралдаги №01/803-сонли хатнинг жавобини сўраганда Шахло исмли котиба қиз бу хатнинг келганлигини, УРИП бошлиғи А.З.Сираджев рапорт ёзиб бошқарув раисига узатганини, ВЛ-35кВА ва ПС 35/10 кВ-Жом 2017 йил дастурига киритилганини, тасдиқдан чиққач, Самарқандга факс орқали ташлаб беришини айтди.

Э.Раҳимов 2017 йил 10 мартда Самарқанд ХЭТКдан манзилли дастур келмаганлиги ва белгиланган пулнинг кўчирилмаганлигини билгач, “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раисига киришга аҳд қилди. Шунингдек, Самарқанд ХЭТК билан “HI-TECH KABEL” МЧЖ ҚКнинг нимстанция қурилишига тегишли ашёларни етказиб бериш тўғрисидаги 2016 йил 6 октябрда тузилган №503-сонли шартномага қўшимча равишда 2017 йил 10 мартда тузилган №1-сонли келишувдан нусха олди.

2017 йил 22 мартда “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси Ф.И.Саломов соат 17.30 да Э.Раҳимовни қабул қилди. Э.Раҳимов мақсадни қисқача баён қилгач, бошқарув раиси инвест-дастурлар учун маблағ ажратилаётганини, маблағ танқислигини, туманлардаги истеъмолчиларнинг қарзларни тўламаётганлигини рўқач қила бошлади. Раис ўз фикрини атрофида ўтирган кишиларга тасдиқлатди. Шунда Э.Раҳимов тегишли барча ҳужжатларни унинг олдига қўйиб, маблағ йўқ деб ёзиб беришини талаб қилди. Ярим соатдан ортиқ муддат кескин мунозара кетди. Ф.И.Саломов Эштурди акадан тумандаги истеъмолчилар зиммасидаги 2,7 миллиард сўмни ундириб бераман, деган билдирги ёзиб беришини талаб қилди. Э.Раҳимов ВЛ-35кВА ва ПС 35/10 кВ-Жом қурилишга маблағ ажратилиши шarti билан аҳолидаги қарздорликни ундириб бериш мажбуриятини олди.

Э.Раҳимов ВЛ-35кВА ва ПС 35/10 кВ-Жомнинг давлат объекти эканлигини, бироқ оддий бир фуқаро унинг қурилиши масаласида “Ўзбекэнерго” АЖга бугун 76-март келганлигини айтди. Ф.И.Саломов Э.Раҳимовнинг аризасини қабул қилди, уни №24-сон билан рўйхатга олди ва маблағ ажратиш тўғрисида рапорт тайёрлашни ходимлари зиммасига юкледи.

Э.Раҳимов 2017 йил 28 мартда Самарқанд ҲЭТКга келган “Ўзбекэнерго” АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджев, “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” бош директори Ҳ.Қаимовлар билан учрашди. “Жом жойидами?”, деган А.З.Сираджевга Э.Раҳимов “йўқ, пулни берадиган Тошкент томон силжияпти”, деб жавоб берди. Ҳамма кулишди. А.З.Сираджев Самарқанд вилояти учун маблағ ажратиш тўғрисида рапорт киритилганлигини, маблағ босқичма-босқич ўтказилишини ва Ҳ.Қаимовга ишни қайта бошлашини айтиб хайрлашди.

Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТКдан чиқиб “Ўзбекэнерго” АЖга, Шомурод Хайтембетовга қўнғироқ қилди. У рапорт ёзилиб бошқарув раисига имзога киритилганини айтди.

2017 йил 31 мартда Э.Раҳимов хонадонига Самарқанд ҲЭТК ва Нуробод туман ЭТКдан Акбар Қиронов ва Мавлон Расуловлар келишиб, электр ҳисоблагич кўрсатувини ва тўловномаларни кўриб кетишди. Э.Раҳимовга соат 14.00 лар атрофида Мавлон Расулов телефон қилиб катта йўл бўйига келишини сўради. “Нива” русумли машинада Акбар Қиронов, Мавлон Расулов ва яна бир нотаниш киши кутиб олишиб, “Ўзбекэнерго” АЖ раиси Ф.И.Саломов қабулида ёзган аризаси бўйича келишганини айтишди. Э.Раҳимов “аризада кўтарилган масалага энергиядан фойдаланиш бўлимининг алоқаси йўқ, маблағни “Ўзбекэнерго” АЖ бериши керак” деди. Акбар Қиронов Э.Раҳимовга хатни узатиб, ариза бўйича шу кунгача нима қилинган бўлса шуни ёзиб беришини сўради. Э.Раҳимов “Ўзбекэнерго” АЖ УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга телефонда вазиятни баён қилган эди, у киши бор ҳақиқатни ёзиб бераверинг, деб жавоб берди. Э.Раҳимов “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан тегишли маблағнинг ажратилмаганлигини, умуман ҳеч қандай иш қилинмаганлигини ёзиб берди.

Акбар Қиронов Э.Раҳимовга “Уйингиздаги электр ҳисоблагични кўрдик, давлатдан 4,5 миллион сўм қарзсиз”, деб ҳужжат узатди. Э.Раҳимов ундан буни исботлаб беришини, ўзининг ҳузурида тузилган актни ва туман ЭТКнинг билдириш хатини кўрсатишини талаб қилди. Акбар Қиронов ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади.

Юзага келган вазиятдан маълум бўлдики, Акбар Қиронов ариза бўйича эмас, балки Э.Раҳимовда қарздорлик бўйича катта камчилик борлигини шама қилиб, Жом нимстацияси қурилиши учун “Ўзбекэнерго” АЖга маблағ сўраб бормасин деб ҳужум уюштираётган экан.

Э.Раҳимов 2017 йил 3 апрелда хонадонидаги электр ҳисоблагич кўрсатувини, тўловномаларни олиб Самарқанд ҲЭТКнинг масъул ходими Акрам Қироновдан электрдан фойдаланганлигига доир барча маълумотларни беришини сўради. А.Қиронов “Ўзбекэнерго” АЖ электр энергиясининг ягона харид қилувчиси эканлигини айтиб, Самарқанд ҲЭТК “Энергосотиш” АЖнинг 2017 йил 27 мартда директор ўринбосари Ш.Ходжаев имзолаган №194-сон факсномаси, далолатнома ва тўлов қайдномасидан нусхалар берди. Ҳисоб-китоблар туман ЭТКнинг Э.Раҳимовдан 147643 сўм қарздор эканлигини кўрсатди.

Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТКнинг ОКС бўлиmidан 2016 йил 26 октябрда тузилган №4260963-сонли шартномага 2017 йил 24 январда тузилган №1-сон қўшимча келишув хатидан нусха олди ва “Ўзбекэнерго” АЖ раиси Ф.И.Саломов

қабулида 1 миллиард 567 миллион сўм маблағ сўраб ёзган аризасининг жавобини сўради. Шундан сўнг Самарқанд ҲЭТК “Энергосотиш” АЖ директори ўринбосари Ш.Ходжаев номига №01/2114-сонли хат билан Жом 35/10 ПС ва 35 кВА қурилиши учун 1 миллиард 437 миллион сўм маблағ ажратишни сўради.

Э.Раҳимов 2017 йил 19 апрелда “Ўзбекэнерго” АЖ раиси Ф.И.Саломов хузурига қайта кириш учун соат 9.10 да қабулга ёзилди. Соат 17.30 да раис ўринбосари Р.Г.Мубаракшин қабул қилди. Э.Раҳимов унга тегишли ҳужжатларни кўрсатиб, белгиланган маблағнинг нима учун ўтказилмаётганлигини сўради. Р.Г.Мубаракшин Самарқанд вилояти 660 миллиард сўм, Нуробод тумани эса 6,6 миллиард сўм қарздор эканлигини айтиб таъна қилди. Э.Раҳимов унга ўзининг ташкилот раҳбари эмаслигини, оддий фуқаро эканлигини, саволларини тегишли ташкилот раҳбарларига беришини айтиб, маблағни талаб қилди.

Р.Г.Мубаракшин 2017 йил дастурига Жом 35/10 ПС кирмаганлигини айтди. Э.Раҳимов унга 2016 йил 29 сентябрдаги Ўзбекэнерго АЖнинг ТФГсига асосан киритилган ҳужжатни кўрсатди. Шундан сўнг 2-3 ойлар ичида маблағ ажратилишини айтди.

Э.Раҳимов 2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзилган мурожаатни 220-ўринда қабулхонада Сайдулла Нурматовга топширди. С.Нурматов мурожаат билан танишиб ва компьютерга рўйхатга олиб, Э.Раҳимовга Президентнинг давлат маслаҳатчиси Турсунхон Айдарович Худойбергеновнинг Самарқандга боришини, масаланинг жойида муҳокама этилишини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 1 майда Нуробод тумани ЭТКдан электр бўйича умумий қарздорлик қанчалигини, шундан ундириб бўлмайдиганлари, яъни тугатилган юридик субъектлар рўйхатини аниқлаб беришини сўради.

Нуробод туман ЭТКнинг 2017 йил 1 майда берган маълумотига асосан Нурбулоқнинг 1 401 628 000 сўм, Улуснинг 692 692 000 сўм, Жомнинг 400 726 000 сўм, Сазағоннинг 408 853 000 сўм, Тимнинг 636 617 000 сўм, Жарқудуқнинг 369 425 000 сўм, жами дебитор қарздорлик 3 миллиард 799 миллион 841 минг сўм эканлиги аниқланди.

2015 йилгача тугатилган 160 та юридик субъектлар рўйхатини ва уларнинг зиммасида электрдан 2 408 979 561 сўм қарздорлик борлиги тўғрисидаги варақанинг нусхасини олди.

2017 йил 2 майда Самарқанд ҲЭТК бош директори қабулига кириб, Жом 35/10 ПС ва 35 кВА қурилиши учун маблағ масаласини сўради ва “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Ш. Шералиев, ОКС бошлиғи Ш.Ҳайтмамбетовлар имзолаган рапортни кўрсатди. Унда Жом 35/10 ПС ва 35 кВА қурилиши учун 200 миллион сўм ажратиш бошқарув раисидан сўралган эди. Бош директор пул кўчмаганлигини айтиб, Э.Раҳимовга “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Р.О.Раимов имзолаган 2017 йил 22 апрелдаги хатдан ва Самарқанд ҲЭТКнинг 2017 йил 27 апрелдаги №01/2349-сонли хатидан нусхалар берди. Унда Жом 35/10 ПС ва 35 кВА қурилиши Нуробод тумани ЭТКнинг 6 миллиард қарздорлик суммасидан бажарилиши мумкинлиги кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТКнинг янги бош директори М.Ҳақимовга Нуробод

тумани 6 миллиард қарз эмас, сизлар 2015 йилда ҳукуматга ундириб бўлмайдиган, яъни тугатилиб кетган ташкилотларнинг электрдан қарздорлигини балансдан чиқаришни сўраб хат киритган сизлар, унда Нуробод тумани ҳисобидан 2 548 773 000 сўм чиқарилиши сўралган деб, тегишли ҳужжатни кўрсатди. Директор бу ҳужжатни қаердан олганлигини сўраганда, бу ҳақда ахборот бермаслигини айтиб, ушбу суммани тумanning қарздорлиги ҳисобидан чиқариб ташлашни талаб қилди. М.Ҳақимов бухгалтерни чақириб, Э.Раҳимов кўрсатган ҳужжатдаги суммани аниқлаб, Нуробод тумани қарздорлигидан чиқаришини сўради. Э.Раҳимов текшириб утирмасдан чиқариб ташлашни сўраб, собиқ раҳбар Ғ.Т.Примов ва бош бухгалтер Л.Н.Алмамедова имзолаган ҳужжатни кўрсатди. У ҳеч нарса демасдан бухгалтерга балансдан чиқаринг, деб топшириқ берди.

Шундай қилиб, Э.Раҳимов 2017 йил 22 мартда "Ўзбекэнерго" АЖ раиси Ф.И.Саломовга Нуробод туманидаги электр истеъмолчилари зиммасидаги 2,7 миллиард сўм дебитор қарздорликни ундириб бераман деган ёзма сўзининг устидан 2017 йил 2 майда мардона равишда чиқди. Шу уринда, ҳақли савол туғилади, аҳолининг электр ёки газдан дебитор қарздорлиги бўйича масалани нафақадаги, кекса, оддий бир фуқаро Э.Раҳимов ҳал қилган ишни, нима учун туман ЭТК ёки вилоят ҲЭТК АЖ раҳбарияти бажариб, жойига қўймай, аҳоли қарздор деб радио, телевидение, матбуот ва халқ билан учрашувларда аюҳаннос солишади?

2017 йил 10 майда Э.Раҳимовга вилоят ва туман қабулхоналаридан кўнғироқ қилишиб, 11 май соат 13.00 да Жума шаҳри қабулхонасида Президентнинг давлат маслаҳатчиси, қабулхона бошлиғи Т.А.Худойбергеновнинг қабулига етиб боришини айтишди. Соат 15.00 да қайта кўнғироқ қилишиб, қабулнинг Пастдарғом тумани Гўзалкент кўрғонидаги коллеж биносида бўлишини хабар қилишди. Э.Раҳимов, Турум Ҳўжақулов ва Аваз Қосимовлар қабулга биргаликда боришди.

Соат 18.00 да қабул бошланди. Навбат келгач, Т.А.Худойбергеновга Э.Раҳимов қурилиши бошланган Жом 35/10 ПС ва 35 кВА га 2017 йилда маблағ жратилмаслик сабабини сўраб, бу тўғридаги Самарқанд ҲЭТК хатларини, ўзининг мурожаат аризаларининг нусхаларини, бошқарув раиси И.С.Басидовнинг 2016 йил 27 июлдаги ўз ўринбосари О.Р.Райимовга ва ИЛАОБ, ЭТФБ раҳбарларига 3,4 миллиард сўмни кўчириш тўғрисидаги кўрсатмасини, 2016 йил 10 августда бош ҳисобчисига маблағ кўчириш тўғрисидаги кўрсатмасини, Ф.И.Саломовнинг 2016 йил 18 октябрда ўринбосари Б.С.Раҳимов ва бош ҳисобчи И.Н.Трафимовага қурилиш учун 200 миллион сўм, шундан ноябрь ва декабрь ойларида бўлиб-бўлиб 100 миллион сўмдан кўчириш ҳақидаги рапортини, 2017 йил 18 апрелда "Ўзбекэнерго" АЖ раисининг ўринбосари Ш.Шералиев ва ОКС бошлиғи Ш.Ҳайитмамбетовларнинг апрель ойида 200 миллион сўм кўчириш ҳақидаги рапортини, бироқ пул кўчмаганлигини, 2017 йил 22 март ва 18 апрелда берган аризаларига жавоб олмаганини айтди.

Т.А.Худойбергенов Э.Раҳимовдан ҳужжатларни олиб ёрдамчисига ўзининг номига докладнома тайёрлашни буюрди. Шунда "Ўзбекэнерго" АЖ бошқарув раиси ўринбосари Р.О.Раимов Э.Раҳимов мурожаатига жавоб бермоқчи бўлди, Т.А.Худойбергенов унга "сизнинг жавобингизни эшитмайман" деди.

Т.А.Худойбергенов Э.Раҳимовга 2017 йил 13 май соат 10.30 лар атрофида Жомда кутишини тайинлади. Ҳақиқатан, 2017 йил соат 10.30 да вилоят ҳокими билан Жомга етиб келди. Шу куни соат 6.00 да "Ўзбекэнерго" АЖ бошқарув

раиси ўринбосари Р.О.Раимов, Х.Қаимов, Самарқанд ҲЭТК директори М. Ҳақимов, ЎзКЭКнинг №13-мехколоннаси 2 та анкер устун ва бошқа керакли нарсалар билан етиб келишиб, шу куни ишни бошлашди.

Самарқанд ҲЭТК бош муҳандисига Тошкентга бориб нимстанция масаласини ҳал қилишини, бошқарув раиси ўринбосари Р.О.Раимовга 21 та СК-22, 8 та анкер устунлар ва бошқа керакли инвентарлар учун маблағ кўчириш топшириғини берди.

Т.А.Худойбергенов “Ўзбекэнерго” АЖ раҳбарлари ва Э.Раҳимов билан гаплашиб 2017 йил ноябрнинг бошигача нимстанциянинг топширилишини айтди ва хайрлашиб вилоят ҳокими билан қайтиб кетди.

2017 йил 17 майда Ўзбекистон телеведениясининг “Ахборот” дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига тушган аризаларнинг жойларда ўрганиб чиқиладигани, Жом қишлоғида қурилиши бошланган 35 кВА ҲТ ва 35/10 ПС қурилишининг давом эттирилиб, МК-13 Жиззах механизациялашган колоннаси темир устунларни ўрнатиш ишларини олиб бораётгани тўғрисида сўз борди. Унда И.О.Раимов ҳаво тармоғи ва 35/10 ПС ноябрь ойигача ишга тушиши ҳақида ахборот берди.

2017 йил 22 майда Самарқанд ҲЭТКда техник кенгаш бўлиб, унда 21 та СК-22 темир-бетон устунларни, 8 та анкерни, тармоқ учун керакли сим, темир-бетон таянчларни ички имкониятдан фойдаланиб ўрнатиш масаласи кўрилди.

2017 йил 28 майда Жомга Самарқанд ва Каттақўрғондан қурувчилар келишди. Улар Искандар Обрўевнинг ҳовлисига жойлаштирилди, қишлоқдошлар томонидан 3 кунлик озиқ-овқат, кўрпа-тўшак, автоулов билан таъминланди. Қурувчилар тушлиқдан сўнг иш бошлади.

2017 йил 31 майда қурилиш бригадаларининг раҳбарлари Э.Раҳимовга 11 км.лик эски тармоқдаги устунларни суғуриб, симларини тўлиқ ечиб йиғиштириб олиш учун яна 5 кун давомида Улус нимстанциясида ётиб ишлашларини, озиқ-овқатларни шу жойга юбориш кераклигини хабар қилди.

Э.Раҳимов масалани Иброҳим ота қишлоғи оқсоқоли Файзулла Лутфуллаев билан биргаликда ечиб, ишчилар учун озиқ-овқатлар Улус нимстанциясига етказиб берилди.

2017 йил 5 июнда Нуробод электр тармоғи тўлиқ демонтаж қилиниб, 0,95 мм.ли ҳаво узатиш симлари ечиб олинди.

2017 йил 16 июнда Жиззах МК-13 раҳбариятидан қўнғироқ қилишиб, қурилиш колоннасининг 19 июнда Жомга келишини хабар қилишди. 2017 йил 20 июнда 35 кВА ҲТ нинг 16,632 км масофасига ўрнатилган темир-бетон устунларга 0,95 мм.лик симларни тортиш бошланди. Бу қурилишдан манфаат кўрадиган аҳоли қурувчиларнинг яшашларига доимий равишда шароит яратиб, таомланишларини узлуксиз навбат билан таъминлаб туришди.

2017 йил 20 июлда 35/10 ПС ер майдонини текислаш ишлари Эргаш Исроилов раҳбарлигида бошланди. Майдонни ўрашда фойдаланиладиган бетон ускуналар келтирилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 3 августда Жом электр нимстанциясига ўрнатиш режалаштирилган 10 000 кВАли трансформаторнинг “Тошэлектраппарат”

заводида тайёрланиш ҳолатини ўрганиш учун борди. Унга цех бошлиғи 10 000 кВАли эмас, балки 6300 кВАли трансформатор тайёрлаш тўғрисидаги Самарқанд ҲЭТК техник директори К.Оқиловнинг 2017 йил 5 июндаги №03-633-сонли хатини кўрсатди. Э.Раҳимов хатдан нусха олиб, лойиҳа институтида бўлим бошлиқлари Анора Маҳкамova, Людмила Николаевна, Улуғбек Расуловлар билан учрашди. Улар хат келганлигини айтишди. Э.Раҳимов телефон орқали Самарқанд ҲЭТК техник директори К.Оқиловдан “Ўзбекэнерго” шундай топшириқ берганлигини аниқлади. Ким шундай топшириқ берганлиги сўралганда, К.Оқилов бу саволга жавоб бермади. Э.Раҳимов унга 4 август куни Президент қабулхонасига мурожаат қилишини айтди.

Э.Раҳимов эрталаб 9.00 да Президент қабулхонаси ҳовлисига кирганда К.Оқилов унга телефон орқали трансформатор алмаштирилмаслигини, дастлаб режалаштирилган 10 000 кВАли трансформаторнинг ўрнатилишини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 10 августда УРИП бошлиғи А.З.Сираджевга телефон орқали қурилиш ишларининг сушт бораётганлиги тўғрисида ахборот берди. А.З.Сираджев объектнинг мустақиллик байрамига ишга тушишини, қурилишнинг бориши тўғрисида қўнғироқ қилиб туришини сўради ва ўзгариш бўлади деди. Шу куни соат 16.00 да ЎзКЭК бош директори Х.Қаимов, МК-13 бошлиғи А.Санаевлар келишиб объектнинг имкон қадар 1 сентябрда ишга туширилишини айтди.

2017 йил 11 август соат 10.00 да Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқилов Э.Раҳимовга телефон орқали Тошкентдан 10 000 кВАли трансформатор олиб чиқилганлигини маълум қилди.

Трансформатор 2017 йил 12 августда Самарқанд ҲЭТК ҳовлисига туширилди. Буни Э.Раҳимов билан ёнма-ён турган Жомнинг фаол инсонлари эшитиб барчалари қувонишди. Э.Раҳимов Самарқанд ҲЭТК техник назорат бўлими бошлиғи Алишер Жумаевдан ячейка ва фидерларни улаш бўйича ишларни бошлашини сўради. А.Жумаев Нуробод тумани ЭТКдан ички тармоқ лойиҳасини тайёрлаган бўлса, ундан нусха олиб келишини сўради. Афсуски, иш битай деб турган бир пайтда Нуробод туман ЭТКдаги айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли ички тармоқ лойиҳасининг тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Э.Раҳимов зудлик билан Доли Ёрқуловнинг автоуловида Самарқанд ҲЭТКга 12.30 ларда етиб келиб, техник директор К.Оқилов билан учрашди. К.Оқилов лойиҳа институтидан ходимларини олиб симёғочлар ўрнатиладиган тармоқни кўрсатишини айтди ва лойиҳа институтига қўнғироқ қилиб, масалани жойига бориб кўришни, лойиҳани тезлаштиришларини сўради.

Э.Раҳимовга лойиҳа институти бош инженери Жом ички электр тармоқ лойиҳасини тайёрлашнинг 2017 йил манзилли дастурида йўқлигини, бу тўғрида Нуробод тумани ЭТК томонидан ҳеч қандай мурожаат ҳам бўлмаганлигини, шунинг учун асоссиз равишда ходимларни юбормаслигини маълум қилди.

Э.Раҳимов вилоят ҳокимлигига бориб мавжуд аҳволдан котибият мудирини Рустам Олимовни хабардор қилди. Лойиҳа институти раҳбариятига Р.Олимовнинг топшириғига асосан Э.Раҳимов улардан Хуршид исмли бир ходимни олиб

Жомга келди. Хуршид МК-13 қурувчиларидан лойиҳа ҳужжатларини олиб кўриб чиқди, ички электр тармоқни ўрганиб, Э.Раҳимовдан тез кунда талаб этиладиган ҳужжатларни тўплаб беришини сўради.

Э.Раҳимов 2017 йил 14 август эрталаб Самарқанд ҲЭТКга бориб, Жом ички электр тармоғини лойиҳалаштириш тўғрисидаги, “Қишлоқэнерголойиҳа” институти Самарқанд филиали директори Ф.Қўчқоров номига 2017 йил 10 августда ёзилган №02/906-сонли хатдан нусха олиб, улардан ишни тезлаштириб беришни илтимос қилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 16 августда Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқилов билан ишнинг сушт кетаётганлиги, 2017 йил 22 майдаги техник кенгашнинг қарори бажарилмаётганлиги, яъни ҳозиргача 6 дона анкернинг етказиб берилмаганлиги тўғрисида суҳбатлашди. К.Оқилов телефон орқали ЎзКЭК бош директори Ҳ.Қаимовдан ишни тезлаштириб беришни сўради. Ҳ.Қаимов Самарқанд ҲЭТКда экан, хонага кириб саломлашгач, 2017 йил 10 августдаги керакли инвентарлар билан таъминлаш тўғрисидаги №862-сонли хатнинг натижасини сўради. К.Оқилов гапни бошқа ёққа бурган эди, Ҳ.Қаимов маблағ бўлмаса ички электр тармоқ ишини бошламаслигини маълум қилди.

К.Оқилов нимстанцияга ўрнатиладиган 10 000 кВт трансформаторнинг Каттақўрғонда совуқ обкаткага қўйилганлигини, Тойлоқдан бир дона анкернинг шу бугун Жомга етказилишини айтди. У 2017 йил 17 август куни эрталаб Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб, ички тармоқ учун кетадиган харажатга аниқлик киритиш учун Самарқанд ҲЭТКга етиб келишини сўради.

Э.Раҳимов етиб келгач, К.Оқилов лойиҳа институти директори Ф.Қўчқоровга телефон қилиб, ички тармоқ тўғрисида маълумот сўради. Ф.Қўчқоров 7 км электр узатиш тармоғи учун 140 дона темир-бетон устунлар, сим ва бошқа инвентарлар керак бўлишини, буларни 2017 йил модернизация дастурига киритилмаса, ишнинг бошланмаслигини маълум қилди.

К.Оқилов шу куни “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Р.О.Райимов номига 2017 йил 17 август санаси билан №01/3454-сонли хатни факсограмма орқали жўнатди.

ЎзКЭКнинг МК-13 ишчилари 14 км масофага AS 095, AS 070 маркали симларни тортишди, Самарқанд–Қарши темир йўли ва Тошкент–Термиз асфальт йўли ёқаларига, Жом электр нимстанциясига темир устун (анкер)ларни ўрнатишни бошлашди.

2017 йил 21 август эрталаб нимстанция майдонига келган Э.Раҳимов трансформатор, узоқ муддат очиқ ҳавода туриб занг босган 3 та радиатор ва бошқа материалларни кўрди. Ташлаб кетилган барча инвентарлар ишлатилган ускуналар эди. Э.Раҳимов зудлик билан Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқиловга қўнғироқ қилди. К.Оқилов бўлиши мумкин эмас, ҳозир Каттақўрғондан мутахассислар боряпти деди. 7 киши 2.30 да келишди. Э.Раҳимов улардан ускуналарни ким ташлаб кетганлигини сўради. Улар билмасликларини, тайёр бўлган нимстанцияни қабул қилиш учун келганликларини айтишди. Қишлоқ фаоллари, келган мутахассислар барча ҳайрон. Шунда Э.Раҳимов МК-13 прораби Эргаш Исроиловни нимстанцияга таклиф қилди. Э.Исроилов

Каттақўрғондан келган мутахассислар бошлиғи Акрам Роззақовдан буларни қандай ишлатасизлар, деб сўради. Йиғилганлар А.Роззақовдан Самарқандга қўнғироқ қилиб вазиятни айтишини талаб қилди. А.Роззақов Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқиловга вазиятни айтди.

А.Роззақов шериклари билан Жомда қолишди. Уларга Мавлоноижом ота масжидидан гилам, кўрпа-тушаклар, идиш-товоқлар, одамларнинг уйларидан озиқ-овқатлар келтириб берилди.

Нимстанцияга келтирилган яроқсиз ускуналарни расм ва электрон кўринишда олиб, Э.Раҳимов билан биргаликда қишлоқнинг 4 нафар фаоли – Турум Хўжақулов, Назар Нурматов, Қосим Авазов, Қудрат Хушатовлар эрталаб Самарқанд ҲЭТКга етиб бориб, бош директор, бош инженер, ёрдамчи инженер, ОКС бошлиғи билан учрашиб, масалага ойдинлик киритишларини талаб қилишди. Улар тутқич бермасликка уринишарди. Жомликлар нимстанцияга олиб борилган ашёларнинг ҳужжатларини беришларини талаб қилишди. ҲЭТК раҳбарияти гўёки гунг, ҳеч нарса дея олмасди.

Шу куни соат 17.30 да бош инженер Икром Абулқосимов, ёрдамчи инженер Суннат Шерматовлар СамҲЭТКнинг марказий омборидан янги 3 дона ячейкаларни машиналарга юклаб беришди.

2017 йил 24 августда жомлик фаоллар СамҲЭТКка қайта боришиб қолган ячейка, фидер, трансформатор ва бошқа керакли ашёларни, шунингдек, ҳеч кимга айтмасдан нимстанцияга ташлаб кетилган 4000 кВА трансформаторнинг ҳужжатини талаб қилишди. Улар бу ҳужжатни топиб беришмади.

2017 йил 25 августда Тошкентга юзага келган вазият тўғрисида қўнғироқ қилинди. Тошкентдан буюртмачи ва қурувчи ташкилотлар ҳамда прокуратурага мурожаат этиб, улардан олинган жавоб хатлари билан Тошкентга мурожаат қилишни айтишди. Каттақўрғондан келган мутахассислар қайтиб кетишди.

2017 йил 28 август эрталаб Э.Раҳимов, Т.Хўжақулов, Т.Холбозоров, Н.Нурматов, Ф.Лутфуллаев, Д.Ёрқуловлар Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқиловга мурожаатни топширишди. СамҲЭТК икки кунда мурожаатга жавоб беришларини маълум қилишди. Вакиллар яна 4000 кВА трансформаторнинг ҳужжатини сўрашди. К.Оқилов ОКС ходимларини чақириб ҳужжатни беришни айтиб, ЎзКЭК бош директори Х.Қаимовга қўнғироқ қилди. Соат 12.30 да трансформатор ҳужжатини беришди. Бу ҳужжат "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Р.Раимов имзоси билан 2017 йил 8 августда йўлланган №РР-257-сонли топшириқ хати эди. Хат Тошкент ҲЭТК АЖдан, Самарқанд ҲЭТК АЖга 4000 кВА трансформаторни қолдиқ қиймат бўйича ажратиш тўғрисида эди. Вакиллар бу хатдан нусха олишиб тегишли ташкилотларга мурожаат этиш учун чиқишаётганларида, Самарқанд ҲЭТК бош директори К.Оқилов 2 кун тўхтаб туришларини сўради. Шу пайт ЎзКЭК бош директори Х.Қаимов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб учрашишни илтимос қилди. Х.Қаимов вакиллар билан суҳбатлашиб, нимстанцияга доир барча ишларни 1 сентябрга қадар бажаришни ўз зиммасига олишини, 30 августда масалани жойида тегишли мутахассислар билан бориб ўрганиб муҳокама қилишларини ваъда берди. Вакиллар Х.Қаимов гапига ишониб қайтишди.

2017 йил 30 августгача 16,632 км тармоққа барча ускуналар ўрнатилиб бўлинган, фақатгина темир йўл, А378 автйўл ва Собирсой тармоғига улаш ишлари қолган эди.

2017 йил 30 августда Ҳ.Қаимов топшириғи асосида мутахассислар келишди. Каттақўрғонга қайтиб кетган гуруҳ ҳам келиб иш бошлади. Мутахассислар керакли ашёларни тўхтатмасдан етказиш ишларини ўзаро келишиб олишди.

2017 йил 8 сентябрь куни эрталаб СамХЭТК бош инженери И.Абулқосимов, ёрдамчи инженер С.Шомуратов, ОКС бошлиғи А.Қувондиқовлар келишиб, ички тармоқ, яъни Жом фидери (Жом маҳалласи ва Гирдиқўрғон маҳалласининг 2/3 қисмидаги аҳолини электр энергияси билан таъминлайди) – Нуробод фидери (Гирдиқўрғон маҳалласининг 1/3 қисми, Тегирмонбоши ва Омондара маҳалласи ҳудудидаги аҳолини электр энергияси билан таъминлайди) – Мармар фидери (Иброҳим ота, Анжирли, Сарикўл қишлоқлари аҳолисини электр энергияси билан таъминлайди) каби 3 йўналиш бўйича ячейкаларни ишга тушириш, Мармар электр тармоғи масофасини аниқлаш ва уни тортиш ишлари бўйича маълумот тўплаб, СамХЭТКда муҳокама қилишларини айтишди.

2017 йил 11 сентябрда Жом-Улус йўналиши бўйича устунларга сим тортиш ишлари тугалланди. Шу куни СамХЭТКга тақдим этилган мурожаатга №01/3799-сонли жавоб хати олинди. Унда ички қурилиш-монтаж ишлари бўйича тегишли ускуналарга буюртма берилганлиги, 4000 кВА трансформатор ўрнига, “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, 6300 кВА трансформатори ўрнатилиши кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов 2017 йил 12 сентябрда СамХЭТК директори, бош ва ёрдамчи инженерлар, ПТО бошлиғи, ЎзКЭК бош директори билан учрашди. Улар нимстанциянинг ички фидерларини улаш учун 7,5 км 10 кВЛ ҳаво узатиш тармоғини 2017 йил модернизация дастури асосида қуриш учун техник баённома тузишди ва СамХЭТКнинг 2017 йил 12 сентябрь санаси билан Нуробод тумани ҳокими номига ёзилган №01/3802-сонли хатни Э.Раҳимовга берди. Бу хатни олган Э.Раҳимов 2017 йилнинг 13 сентябрида Нуробод тумани ҳокимидан Самарқанд вилояти ҳокими номига Жом нимстанциясининг ички фидерларини улаш учун 7,5 км 10 кВЛ ҳаво узатиш тармоғини 2017 йил модернизация дастурига киритишга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида хат беришини сўради.

Э.Раҳимов туман ҳокимлигининг Самарқанд вилояти ҳокими номига 2017 йил 13 сентябрда ёзилган №01-2/5-653-сонли хатини олиб, 14 сентябрда вилоят ҳокимлигига топширди. Шу куни ЎзКЭКа бориб техник директор Бобур Саидмуродовдан нимстанциянинг модернизацияси бўйича СамХЭТКнинг 2017 йил 11 сентябрдаги №01/3779-сонли хатини олганлигини, шундан келиб чиқиб улардан 2017 йил 13 сентябрда №958-сонли хат билан Жом нимстанциясидан чиқувчи учта 10 кВ ҳаво тармоғи қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тақдим этишларини сўраганини билди. Э.Раҳимов ушбу хатдан нусха олиб, СамХЭТКдан лойиҳа-смета ҳужжатларини нимага бермаганликларини сўради. Улар тармоқ лойиҳасини туман ташкилотларига тасдиқлатиш учун Нуробод тумани ЭТК бош инженери О.Холиёровга 2017

йил 9 сентябрда берилганлигини айтишди. О.Холиёров ҳужжатларни участка бошлиғи Шамси Тоғаевга берган, бу ҳужжатлар унинг уйида ётар эди. Э.Раҳимов Доли Ёрқуловга қўнғироқ қилиб, Ш.Тоғаевдан ҳужжатларни олиб, йўл машинасидан бўлса-да Самарқандга етказишини сўради. Лойиҳа ҳужжатлари тегишли ташкилотлар раҳбарларига тасдиқлатилмаган эди.

Э.Раҳимов 2017 йил 15 сентябрда Турум Хўжақуловнинг автоуловида Нуробод туманига бориб, 7 ташкилот раҳбарларига тасдиқлатиб, соат 15.00 да СамХЭТК раҳбариятига лойиҳа ҳужжатларини топширди.

СамХЭТК раҳбари лойиҳа институти директори Ф.Қўчқоровга қўнғироқ қилиб, лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиб ундан бир нусха беришини, бу нусхани Э.Раҳимовдан ЎзКЭКка олиб бориб топширишини сўради.

Э.Раҳимов олиб келган лойиҳа ҳужжатлари нусхасини ЎзКЭК бош директори Х.Қаимов кўриб чиқиб, 200 дона СП устун, сим ва бошқа инвентарларни СамХЭТК берса қурилишни бошлашни маълум қилди. Э.Раҳимов СамХЭТК қайтиб бориб ушбу масалада бош инженер ва ОКС бошлиғи билан гаплашди. Улар 3 вагон СП маркали устунлар келтирилиб Улуғбек станциясига туширилганини, шундан 1 вагон, яъни 50 донасини Жомга беришларини айтишди. Э.Раҳимов улардан ЎзКЭК бош директори Х.Қаимовга телефон қилишларини сўради. Улар Х.Қаимов билан гаплашишди ва Э.Раҳимовга Х.Қаимов ҳузурига қайтиб боришини айтишди.

ЎзКЭК бош директори Х.Қаимов бош инженер билан Э.Раҳимовга душанба кундан бошлаб 50 дона СП устунларнинг Жомга ташилишини айтиб, тармоқнинг жойлашишини сўради. Э.Раҳимов лойиҳадан тармоқ йўналишини кўрсатиб, ер рельефини баён қилиб берди. Бош инженерга устунларни ҳисоб-китоб билан тармоқ йўналиши бўйлаб ташлаб чиқилишини назорат қилиш топшириғини берди.

Э.Раҳимов 2017 йил 19 сентябрда СамХЭТК раҳбариятидан СП устунларнинг етказилмаётганлигини суриштирди. Бош инженер нимстанция қурилишини кўриб келиш учун шу бугун ёрдамчи инженерни юборишини, устунларни ташишни Х.Қаимов билан келишиб, транспорт ажратишини маълум қилди. СамХЭТК бош директори ЎзКЭК бош директорига телефон қилиб СП устунларни ташишни бошлашни айтиб, қайси МК қурилишни бошлашни сўради. Х.Қаимов янги лойиҳадаги уйлар монтаж қилиб бўлингач, Каттақўрғондаги МК-2 ни беришини маълум қилди.

2017 йил 23 сентябрда ички тармоқ йўналишида СП устунларни ташлаш бошланиб, тездатўхтаб қолди. Бунинг сабабини Э.Раҳимов 2017 йил 26 сентябрда СамХЭТК раҳбариятидан сўраганда, улар келган 2 вагон устунларнинг 9 метрлик эканлигини, шунинг учун иш тухтатилганлигини айтишди. Э.Раҳимов уларга нима учун 2017 йил 22 сентябрда вилоят ҳокимлигига йўлланган №01-3891-сонли хатда 10 кВли 7,5 км масофада ҳаво тармоғи қурилиши олиб борилаётгани тўғрисида ахборот бергансизлар деб мунозарага борди. СамХЭТК раҳбари Тошкентга телефон қилиб йўлда келаётган вагонларда қандай СП устунлар эканлигига аниқлик киритишни сўрашди. Улар 2 вагон 9 метрлик ва 1 вагон 11 метрлик СП устунлар келаётганини маълум қилишди. Э.Раҳимов 11 метрлик

вагон рақами №65692402-50 ни талаб қилиб олди. Шундан сўнг Э.Раҳимов СамХЭТК раҳбарларидан керакли траус, изолятор ва 50 мм.лик симни талаб қилди. Улар траус ва изолятор борлигини, қурилиш бошлангунча ҳаво тармоғи учун симни топишларини айтишди. Шу пайт Каттақўрғон юқори кучланишли электр тармоқлари корхонасидан телефон орқали бугун кечга нимстанция қурилиши яқунланиши хабар қилинди. 2017 йил 26 сентябрь соат 17.30 да нимстанция тўлиқ фойдаланиш ҳолатига келтирилди. Каттақўрғон ЮКЭТК ходимлари хайрлашиб кетишди, Э.Раҳимовнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бу хушxabарни тезлик билан Тошкентга Аҳмад Қурбоновга, Самарқандга Турсунмурод Норбековга, Пирназар Давроновга, ҳамқишлоқлари Абдуфаттоҳ Турсунов, Турум Хўжақулов, Доли Ёрқуловларга ҳаяжонланиб етказди. Ҳатто қувончу масрурликдан йиғлаб ҳам юборди. Китобдаги ушбу сатрларни ўқиётган ўқувчини билмадим, бироқ бу ишда яқиндан иштирок этган барча қишлоқдошларим севинч ёшларини тўкиб, Буюк яратувчига ҳамду санолар айтганларига аминман.

2017 йил 30 сентябрда 25 дона СП маркали 11 метрлик темир-бетон устунлар келтирилди. Э.Раҳимов 2017 йил 2 октябрда СамХЭТКга бориб қолган СП устунларнинг берилишини талаб қилди. Улар устунларнинг Қўшработ туманига берилиши муносабати билан бироз кутишни сўрашди. Қаттиқ тортишув бошланди. Э.Раҳимов Тошкентга қабулхонага чиқишини ва ҳукуматга телеграмма беришини айтди. Соат 12.00 да яна СамХЭТК бош директори, техдиректори, бош инженери ва технадзори иштирокида муҳокама бошланди, охири улар 50 дона СП темир-бетон устунларни берадиган бўлишди. Э.Раҳимов Улуғбек станциясида технадзор билан келишиб, 2 машинага 40 дона СПни юклатишди. Технадзор СПларни туширишга кран йўқлигини, Э.Раҳимовдан бир иложини қилишини сўради. ЎзКЭКка телефон қилган эди, улар ҳам кран йўқлигини айтишди. Э.Раҳимов машиналарни чуқурликка киритиб, орқа томонидан СПларни ерга тортиб тушириш мумкин деган фикр келди. Доли Ёрқуловга телефон қилиб битта трактор топишни, Турум Хўжақулов ва Алимардон Худоёровлар билан боғлашни илтимос қилди. Э.Раҳимов Д.Ёрқулов билан Алимардон Худоёровга вазиятни тушунтириб, Яккабулоқнинг энишида уларни кутиши ҳақида хабар берди.

Э.Раҳимов машиналарда юкларни соат 14.30 да етказиб келганда, қишлоқдошлар техникалари билан уларни кутиб турарди. СП устунлар техника ёрдамида тортиб туширилди. Э.Раҳимов келган юк машиналарда яна Самарқандга қолган СП устунларни олиб келиш учун қайтиб кетди. СПларни туширган тракторни кечаси ишлатиш имконияти бўлмаганлиги учун Э.Раҳимов Алимардон Худоёровдан Иброҳим ота қишлоғида техникаси билан кутишини илтимос қилди. Э.Раҳимов олиб келган 25 дона СП устунлар юк машинасидан соат 23.00 га қадар тушириб олинди. Улуғбек станциясида яна 15 дона СП устунлар қолган эди. Уларни олиб кетиш учун Э.Раҳимов эрталаб Улуғбек станциясига етиб келди. Бироқ устунларни технадзор Алишер Жумаев бермади. Шундан сўнг Э.Раҳимов СамХЭТКга келиб техник директор А.Қувондиқов билан узоқ тортишиб, унинг ўзи билан Улуғбек станциясига бирга бориб қолган СП

устунларни олди ва соат 14.00 да уларни Иброҳим ота қишлоғига туширди. Э.Раҳимовнинг саъй-ҳаракати билан 50 дона СП устунлар ўрнига, 80 дона темир-бетон устунлар олиб келинди. Натижада Жом–Иброҳим ота ички электр тармоқ учун СП устунлар етарли бўлди.

Э.Раҳимов 2017 йил 5 октябрь куни ЎзКЭК бош директори Х.Қаимовга қўнғироқ қилиб СП устунларни ўрнатиш ва сим тортиш учун МК-12 ни юборишини талаб қилди. Белгиланган кунда қурувчилар келмагач, Э.Раҳимов МК-12 бошлиғи Алишер Тоштемировга қўнғироқ қилди. А.Тоштемиров Қўшрабодда ишнинг тугамаганлигини, 2017 йилнинг 16 октябрида Жомда иш бошлашини маълум қилди.

Иш бошланмади, шунинг учун Э.Раҳимов 2017 йил 19 октябрда СамХЭТК, ЎзКЭК ва МК-12 раҳбарияти билан қаттиқ мунозара қилди. Анча пайт давом этган тортишувдан сўнг МК-12 Жомда 21 октябрда иш бошлаши, СамХЭТК қўшимча 55 дона СП устунлар беришни, А35 мм симни А50 мм билан алмаштиришни, изоляторни буюртма қилишни, траусларни 21 октябрга етказишни, Э.Раҳимов эса қурувчиларни ётоқ жой ва иссиқ овқат билан таъминлашни келишиб олишди.

2017 йил 20 октябрда МК-12 устаси Э.Раҳимовга телефон қилиб, қайси йўналишда иш бошланишини сўради. Э.Раҳимов 3-Мармар йўналишида иш бошланишини айтиб, неча киши келишларини сўради. Ун киши Қўшрабоддан йўлга чиқишганини, трауслар тайёрлаб қўйилса, соат 15-16 ларда иш бошлашларини айтди.

Трауслар газ тарқатиш сервис маркази ҳовлисига туширилди ва қурувчилар учун ётоқ жой, озиқ-овқат масаласи Хўжақулов Турум билан биргаликда ҳал этилди.

2017 йил 2 ноябрга қадар ҳеч ким келмади ва телефонларини ҳам кўтармади. 3 ноябрь куни МК-12 қурувчилари биргина бурғулаш техникаси билан келишиб, тракторлари бузуқ эканлигини, СП устунларни тегишли жойларга ташиб чиқариш учун техникадан ёрдам берилишини сўрашди.

Э.Раҳимов ғазабланди, чунки давлат дастурига киритилган объектда нима бўлаётганини ҳеч ким сўрамасди. Э.Раҳимов тегишли барча раҳбарларга телефон қилиб чиқди. Ахири 2017 йилнинг 5 ноябрь куни ЎзКЭК техник директори техникаларнинг Бухорода эканлигини, уларни олиб келиш учун маблағ ҳам, ёқилғи ҳам йўқлигини маълум қилиб, раҳбар одам оддий фуқаро Э.Раҳимовдан ёрдам сўради. Э.Раҳимов Турум Хўжақулов билан устунларни ташиш учун техника излашга тушишди. Т-28 трактори 11 метрлик темир-бетон устунларни торта олмасди, шунинг учун МТЗ-80 трактори бор одамларни излашиб Гирдиқўрғон маҳалласидан Ҳаким Эсиргадиевни, Иброҳим ота қишлоғидан Бахтиёр Ҳакимов ва Файзулла Лутфуллаевларни топишди. Улардан 7 ноябрь куни эрталаб тракторлари билан нимстанцияга 8.30 да етиб келишларини илтимос қилишди. Бу уч нафар олийҳиммат инсон трактори билан эрталабдан соат 17.30 гача барча 11 метрлик СП устунларни 5,3 км масофага ташиб, ўрнатиладиган жойларига етказиб берди. Ишнинг якунланиши арафасида Иброҳим ота қишлоғидан Сирож Дўстов ва Бахтиёр Ҳакимовлар

келиб Э.Раҳимовларга раҳмат айтди.

2017 йил 8 ноябрь эрталаб МК-12 устаси телефон орқали Э.Раҳимовга Каттакўрғондан солярка етиб келмаганлигини, аниқроғи базада ёқилғи йўқлигини, 40 л солярка топиб бермаса иш тўхтаб қолишини, ўзининг ички тармоқни тортиш учун А70 мм.лик симни ва изоляторни олиб келиш учун кетаётганлигини айтди. Э.Раҳимов элнинг гапни тушунадиган инсонларидан пул тўплатиб, 40 л соляркани харид қилишди. Шундан сўнг МК-12 ишчилари соат 10.00 да ишга киришди.

Бу аҳвол тўғрисида Э.Раҳимов ЎзКЭК ва МК-12 раҳбариятини хабардор қилди ва нимстанция ҳовлисида қоровулхонанинг қурилишини сўради.

2017 йил 9 ноябрь соат 7.00 да МК-12 устаси яна солярка йўқлигини маълум қилди. Э.Раҳимов раҳбариятдан бирор нажот бўлмаслигини билиб, ишнинг тўхтаб қолмаслиги учун Турум Хўжақуловнинг автоуловида Иброҳим ота ва Анжирли қишлоқларидан пул тўплаб, 20 л солярка келтириб берди.

2017 йил 10 ноябрь куни Э.Раҳимов СамХЭТК техдиректори А.Қувондиқовдан нимстанция ҳовлисига шағал ётқизишни, қоровулхона ва ҳожатхона қуриш ишларини тезлаштиришини сўраб, ўзи шу бугун "Ўзбекэнерго" раиси ўринбосари Р.О.Райимов билан учрашишини маълум қилди. У техдиректор К.Оқиловга учрашишни айтди. К.Оқилов ЎзКЭК директори Х.Қаимовга телефон қилиб ишни тезлаштиришни сўради ва Э.Раҳимовдан бир-икки кун индамай туришини илтимос қилди.

Э.Раҳимов таъминот бўлиmidан ички тармоқ учун траус, изолятор ва симларнинг 9 сентябрда бериб юборилганлигини аниқлади. Жомга келиб МК-12 устасидан ҳамма нарса келганлигини билди. Бироқ лойиҳада кўрсатилган AS-70 мм.лик сим ўрнига AS-50 мм. лик сим берилган эди. Э.Раҳимов СамХЭТК техдиректори А.Қувондиқовга телефон қилиб сим маркасининг алмаштирилиш сабабини сўради, у тузукроқ жавоб беролмади. Э.Раҳимов бу симни қўйдирмаслигини айтганда А.Қувондиқов телефонини ўчириб қўйди.

А.Қувондиқов 2017 йил 11 сентябрда Э.Раҳимовга AS-50 мм.лик симнинг юкламани кўтариши ҳақида техник хулоса беришини айтиб, ишни тўхтатмасликни айтди.

2017 йил 12 сентябрь куни МК-12 устаси Э.Раҳимовга телефон қилиб ернинг қаттиқлиги учун қазил ишларининг қийинлашиб кетганини, 1 дона Самсунг русумли экскаватор топишга ёрдам қилишини сўради.

Э.Раҳимов Турум Хўжақулов билан Иброҳим отага бориб, Файзулла Лутфуллаевга вазиятни тушунтирди, қурувчиларнинг тушлик ва кечки таомларидан хабардор бўлишларини тайинлади. Содиқ Муродовниқига ўтиб, унга МК-12 устаси билан келишиб 15 та СП устунлар ўрнини қазиб беришини илтимос қилди.

Содиқ Муродов МК-12 устасига 13 сентябрь кечга ва 14 сентябрь кунлари ерни қазиб беришини айтди. Иш 16 сентябрда тугатилди ва 15 та устун ўрнатилди.

2017 йил 18 сентябрда 5,3 км Мармар фидери ҳаво тармоғини тортиш бошланди.

2017 йил 22 сентябрда Э.Раҳимов СамҲЭТК бош муҳандисига қоровулхона ва ҳожатхона қурилишини бошлашни сўраган эди, у маблағ сўраб "Ўзбекэнерго" раиси ўринбосари Р.О.Райимовга хат билан чиққанлигини маълум қилди. Р.О.Райимов ЎзКЭК бош директорига ишни бошлаш топшириғини берди ва Э.Раҳимовга Самарқандда учрашишни айтди.

Нуробод тумани ЭТК раҳбари 24 сентябрда Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб Р.О.Райимов билан учрашувга боришни тайинлади. Соат 11.30 да СамҲЭТК бош директори хонасида учрашув бўлди. Э.Раҳимов нимстанциядаги мавжуд ҳолат бўйича олинган материалларни электрон шаклда тақдим қилди. Р.О.Райимов қилинган ишларни кўриб чиқди. Э.Раҳимов унга НГМК нимстанцияни улашга рухсат бермаётганлигини айтди. У СамҲЭТК раҳбарига тезлик билан НГМК бош муҳандиси номига хат тайёрлаб жўнатишни, Э.Раҳимовга 2017 йил 1 декабрда нимстанция ишга тушишини айтди. Э.Раҳимов унга "ишонса бўладими, мен бу хабарни элга етказишим керак" деди. Р.О.Райимов ишонаверинг, "сиз "Ахборот 24" ходимларига интервью бераверинг" деди. Э.Раҳимов хонадан чиқиб, уни кутиб турган мухбирга интервью берди.

2017 йил 26 сентябрда Нуробод фидери йўналишида устунлар ўрнатиш бошланди. 30 сентябрда Жом фидери йўналишидаги устунлар ўрнатиб бўлинди.

2017 йил 1 декабрда тармоқларни улаш учун Нуробод, Мармар ва Жом фидерларини модернизация қилиш бошланди.

2017 йил 4 декабрда Э.Раҳимов Турум Хўжақулов билан СамҲЭТК техдиректорлари К.Оқилов, Т.Ирисқулов, ёрдамчи инженер С.Шомуратовлар билан учрашиб нимстанцияни ишга тушириш кечикаётганлигини, шу бугун 1 та фидерни бўлса-да ишга туширишни талаб қилди. Улар Жиззах МК-13 ходимлари анкер устунларга "заземля"ларни ўрнатмай кетганлиги, ҳозир улар шу ишни бажараётганликларини, кечга бўлса-да, Нуробод фидерини ишга туширишларини маълум қилишди.

2017 йил 4 декабрь соат 18.00 да Нуробод фидери янги Жом нимстанциясидан умумий тармоққа қўшилди. Э.Раҳимов бу хушxabарни дарҳол Самарқандга биринчи бўлиб Пирназар Давроновга етказди, улар бир-бирларини қутладилар.

2017 йил 5 декабрда Жом фидери, 6 декабрда Мармар фидери ишга туширилди. Шу куни нимстанция ҳовлисига МК-13 ходимлари 3 автомашина шағални тўшашди, 7 декабрь куни нимстанцияга кириш тош йўли қилиниб белгиланган барча ишларга яқун ясалди.

2017 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да Самарқанд ҲЭТКга қарашли Жом 35/10 ПС ва 35 кВА ҳаво тармоғи нимстанциясининг очилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Самарқанд ҲЭТК, ЎзКЭК АК, Жиззах МК-13, Каттақўрғон МК-12, Каттақўрғон КТЮКК раҳбариятлари ва ишчилари, Нуробод тумани ҳокимлиги, туман ЭТК ходимлари, "Нуробод тонги" газетаси муҳаррири, вилоят телерадиокомпанияси ходимлари, Самарқанд ҚХИ ректори, профессор Т.Э.Остонақулов, шу институт профессорлари П.З.Давронов, С.Т.Санаев, "Ўздавэлектрناзорат" инспекцияси ходими К.Ҳайитов, туман прокурори, ИИБ бошлиғи, нимстанциядан фойдаланадиган 6 та маҳалланинг ҳар биридан 20 нафардан оқсоқоллар, нимстанция қурилишида фаоллик кўрсатган 23 нафар фидойи инсонлар иштирок этишди.

Анжуман йиғилишини Самарқанд ҚЭК директори Х.Қаимов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Самарқанд ХЭТК раҳбар ходимлари К.Оқилов, А.Қувондиқов, туман ҳоқими ўринбосари О.Бўтаев, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Т.Э.Остонақулов, Самарқанд ҚХИ профессори П.З.Давронов, МК-12 бошлиғи О.Худоёров, МК-13 бошлиғи Э.Исроилов, қишлоқ оқсоқолларидан А.Турсунов, Қ.Авазов, А.Қосимов, Н.Нурматов, Ф.Лутфуллаевлар сўзга чиқиб Президентга, қурувчиларга, бу иншоотни бунёд этишга ўз ҳиссаларини қўшган барча инсонларга самимий миннатдорчиликларини билдирдилар. Жом ва унинг атрофидаги 14 та “Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга қўмаклашиш” ассоциациясининг раиси М.Х.Мошонов бошчилигида 21-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчилари чиқиш қилишди.

Нимстанция қурилишида иштирок этган 60 кишига эсдалик сифатида тўнлар кийдирилди. Анжуман якунида 250 кишига Жом тўйхонасида зиёфат берилди. Барча хурсанд, белгиланган тадбир жуда очиқ кўнгиллик билан ўтди.

Жом нимстанциясини бунёд этишда Э.Раҳимовга 3 йил мобайнида Т.Хўжақулов, Қ.Хушатов, Н.Суванов, У.Хушатов, А.Турсунов, И.Жабборов, Т.Холбозоров, М.Султонов, С.Туйғунов, Қ.Авазов, Д.Ёрқулов, А.Қосимов, Ф.Лутфуллаев, У.Мавлонов, Н.Нурматов, Р.Мустаев, Х.Қулмурзаев, П.Сафаровлар туну кун яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Нимстанция Мармар фидерининг Жом–Иброҳим ота йўналишидаги ҳаво тармоғини тортишда шахсий “Зил” русумли автомашинаси билан Алимардон Худоёров, “Белорус” русумли трактори билан Бахтиёр ва Бойтемир Ҳакимовлар эсда қоларли ишларни бажаришди. Шунингдек, Иброҳим ота қишлоғи оқсоқолларидан Ф.Лутфуллаев, Т.Расулов, Қ.Усаров, Қ.Ҳидоят, Анжирли қишлоғидан Т.Аҳмедов, К.Худойбердиевлар беминнат хизмат қилишди. Қаторингда нор бўлса, юкинг ерда қолмагай, дегани шундай бўлади.

2018 йилда трансформатор қуввати 4000 кВА, ВЛ-35 кВ ҳаво узатиш тармоғи 16,632 км, 35/10 кВ Жом нимстанцияси 13 кишидан иборат давлат комиссияси томонидан қурилиши тугалланган объект сифатида фойдаланишга қабул қилиш акти имзоланди.

Нимстанцияни барпо этишга доир ҳужжатлар

Ваколат хати

Берилди ушбу ваколатнома Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан ҳудудда яшовчи фуқаролар Раҳимов Эштурди, Мавлонов Урол, Лутфуллаев Фаизилла, Қодиров Усмон, Турсунов Абдуфаттоҳ, Равшанов Тоштемирларга шулу ҳақдаким, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида электр энергиясидан максимал фойдаланишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги №294-сонли қарори талабидан келиб чиқиб, ҳудудда нимстанция объектини қуриш учун тегишли ташкилотлар билан шу масалани муҳокама қилиш ва унинг ўрнатилишини таъминлаш бўйича қишлоқ фуқаролар йиғинининг ваколатли вакиллари қилиб 2015 йил 28 апрелда ЖОМ ҚФЙнинг Кенгаши қарори билан тасдиқланган.

Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ў.Аҳмедов Техник шарт

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ПС-35/10 кВли Жом нимстанциясини ичимлик сув билан таъминланишида қуйидаги техник шартлар бажарилиши лозим.

1. Асосий сув тармоғи ҳудудидан бино ҳудудигача 0,6х0,6 метр чуқурликда

айланаси – 15 мм тармоқ ётқизиш.

2. Асосий қувурга уланиш жойида 1,5x1,5x1,5 метр қудуқ қуриб, айланаси 15 мм ли “задвишка” ўрнатиш.

3. Мавжуд бино ҳудудида 1,5x1,5x1,5 метр ўлчамда қудуқ қуриб, айланаси – 15 мм ли задвишка ва сув ўлчагич ўрнатиш.

4. Бино ичимлик сув таъминотини лойиҳа асосида тақсимлаб қуриш.

5. Қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино мавжуд сув етказиш, сув тарқатиш ва оқова сув тармоқларидан меъёрий қурилиш қоидалари асосида муҳофаза зона қолдирилиши лозим.

Ушбу техник шарт бир йил муддатга берилди.

(Ушбу техник шарт сув олиш учун рухсатнома эмас).

“Сувоқова” ДУК Нуробод тумани филиали раҳбари А.Аҳмедов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил
6 мартдаги №2313-сонли электр тармоқлари ва трансформатор
пунктларини модернизация-реконструкция қилиш ва янгилаш
тўғрисидаги қарорига асосан “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари”
ОАЖ бўйича 2016 йилда амалга ошириладиган ишлар**

ДАСТУРИ

№	Шаҳар ва туманлар номи	Амалга ошириладиган тадбирлар	Талаб қилинган жами сумма (млн. сум)	Талаб қилинган жами сумма (млн. дол)	Талаб қилинган т/б устун	Талаб қилинган СИП ва АС сымлар (км)	Талаб қилинган ТП (шт.)	Молиялаш-тириш манбаси	Тадбирни бажариш муддати	Ижро учун масъул
1.	Нуробод тумани	Жом ҚФЙ электр энергия таъминотини яхшилаш учун 110/35/10 кВ ли 6300 кВа трансформаторли Подстанция қуриш 1 этап	8000,0					Чет эл инвестиция 56% “Ўзбекэнерго” ДАК маблағи 44%	2016	“Ўзбек-энерго” ДАК “СамХЭПК” АЖ

Изоҳ: дастурнинг Жомга тааллуқли қисми олинди.

апрелдаги №26-63/1475-сонли хати
Директору по производству АО "QISHLOQENERGOLOYIHA" У.У.Расулову
Директору по реализации проектов и инвестиции А.Кувандикову

"СамПТЭС" разрешает подключение к энергосистеме электроустановок для электроснабжение потребителей кишлака Жом Нурабадского района согласно письмом №РР-01-21/3070 от 08.07.2015 г АО "Узбекэнерго" потребной мощности 6300 кВт, потребителя Ш категории.

Точкой подключения принять: ближайшая опора ВЛ-35 кВт Л-Айрытам ПС Сабирсай 110/35/6. Подключение согласовать с АО "Узбекистан темир йўллари".

Построить ЛЭП-35 кВт от ближайшую опору ВЛ-35 кВт Л-Айрытам до проектной ПС-35/10.

Предусмотреть строительства ПС-35/10 с трансформатором на потребную мощность 6300 кВа.

Учет электроэнергии предусмотреть: на вводе ячейки 35 кВ проектной ПС 35/6 на базе современных приборов учета классом точности не ниже 1,0.с функции дистанционного управление нагрузки.

Рассчитать уставки РЗУ и токов К.З. проектной ПС 35/10.

Технические условия по СДТУ получит отдельно.

Технические условия по АСКУЭ получить отдельно.

Установить систему АИИСКУЭ согласно Постановлению Кабинета Министров РУз №295 от 01.11.2013 г подключенную к системе ОАО "СамЭС". До подключения потребителя к системе АИИСКУЭ ОАО "СамЭС" запрещается составление акта об установке приборов учета и договора на отпуск эл.энергии.

11. Прибор учета установить в запирающемся шкафу.

12. Для использования эл. энергии в целях электро нагрева, отопления помещений, необходимо получить разрешение в ГИ "Узгосэнергонадзор".

13. Для освещения использовать экономичные светодиодные лампы согласно Постановление Каб.Мин РУз за №161 от 02.07.2014г.

Срок технических условий три года.

Директор Г.Т.Примов

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекэнерго”
ДАК раиси Басидов Искандар Собитовичга.
Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Ибрагимов Г.И. ва
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси
депутати Тўхташов Ж. ларга**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи
фуқаролар вакиллари томонидан 2015 йил 5 майда ёзилган мурожаат**

Ҳурматли Искандар Собитович!

Ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб яшнаётган мамлакатимизда олиб борилаётган асрга татиғулик ишлар барчамизни қувонтиради. Бу борада кечаю-кундуз халқ, юрт фаровонлиги йўлида собитқадамлик билан олиб борилаётган тадбирларда сиз раҳбарлик қилаётган давлат акциядорлик компаниясининг таҳсинга лойиқ ўрни борлигидан биз жомликлар фахрланамиз.

Бизлар яшаётган ҳудуд Самарқанд вилоятининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Ҳудудда бугунги кунда 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2 та коллеж, 14 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та 600 ўринли тўйхона, 3 та бензин, 1 та газ қуйиш иншоотлари, 17 та артезиан қудуқ, 1 та карьер, 240 гектар ер майдони насос ёрдамида суғориладиган “Жом-Самфрукт” қўшма корхонаси, янги қурилаётган 540 минг м³ сув сиғимига эга бўлган Омондарасой сув омбори, 1 та қишлоқ касалхонаси, 4 та ҚВП, 12 та ФАП биноси, 2 та спорт комплекси, 200 дан ортиқ субъектлар, ҳудудда яшовчи 3700 дан ортиқ абонентларни 35 км узоқликда жойлашган Улус-35/10 нимстанциясидан 70 км масофага Жом фидери, 80 км масофага Нуробод фидери, 45 км масофага Мармар фидери ҳаво узаткичлар орқали электр энергияси етказиб беради.

Улус нимстанцияси 1969-1970 йилларда қурилган, ҳаво узаткичлар эскирганлиги туфайли берилаётган ва аҳолига етиб келаётган электр энергияси миқдори орасида катта фарқ келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги №294-сонли “2011-2015 йилларда паст кучланишли 35-10-6-04 кВ ли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини модернизация қилиш ва янгилаш тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, Жом қишлоғида техник лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 110/10 кВА нимстанцияси давлат дастури асосида қурилишига рухсат беришингизни сўраймиз.

Келиб чиқадиган хулоса:

1. Меъёрий инструкцияга асосан нимстанция билан фойдаланувчи орасидаги масофа кескин қисқаради, ҳаво узаткичлар орқали узатилаётган электр энергиясидаги йўқотишларнинг олди олинади – 10 кВ ли узатмалар масофаси 10-15 км. дан ошмаслиги керак.

2. Қурилаётган Омондарасой сув омборида йиғиладиган 540 минг м³ сув ҳисобига томчилатиб суғориш орқали 400 гектар ер майдони интенсив боғлар яратилиши ҳисобига қарийб 500-600 киши иш билан таъминланади.

3. Мавжуд аҳолининг асосини ташкил этувчи хотин-қизлар тикувчилик цехлари ва бошқа оилавий кичик хусусий бизнес билан шуғулланади.

4. “Жом-Самфрукт” қўшма корхонаси ихтиёридаги 240 га майдон насос билан суғорилиши ҳисобига яна ишсизлик сони камаяди.

5. Келажакда ҳунармандчиликнинг барча соҳаларини қамраб олувчи кичик цехлар очилиши ҳисобига аҳоли фаровонлиги яхшиланади.

6. Мавжуд 2 та коллеж ва 14 та умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган 5000 дан ортиқ ўқувчилар компьютердан, интернетдан фойдаланиши ҳисобига ҳудудда билимдон ўқувчилар сони кескин ошади. Бу тадбирларнинг барчаси янгидан қурилиши режалаштирилаётган нимстанция туфайли масофанинг кескин камайиши ва энергиянинг табиий йўқолишининг олдини олиш ҳисобига пайдо бўлади.

7. Режалаштирилаётган нимстанция бугунги кунда Улус 35/10 кВА нимстанциясига-35 км ни ташкил қилади. Ўттиз қулоч ва Тинчлик қишлоқлари оралиғи 3 км, Тинчлик қишлоғи ва янги ПС-110/10 ўрнатиладиган жой оралиғи 17 км, жами 20 км ни ташкил этади. Натижада Улус ПС-110/10 га нисбатан оралиқ масофа 15 км. га қисқаради.

ПС-110/10 номи	Фидер номи	Оралиқ узатиш масоқаси (км)	Жом ПС-110/10 қурилса узатиш масофаси (км)	Қисқариш масофаси (км)
Улус	Жом	70	10	60
	Нуробод	80	25	55
	Мармар	45	14	11
	Қалдирғоч	50	-	-
Жами		245	49	146

Агар Айритом темир йўли 110/10 кВА нимстанциясидан олинса масофа 20 км ни ташкил қилади. Бундай ҳолда Улус 35/10 кВА нимстанциясига нисбатан масофа 15 км га қисқаради. Аслида Жом нимстанциясини 1989-1990 йиллар қуриш режалаштирилган, бироқ бу иш номаълум сабабларга кўра қолиб кетган.

Албатта, олдин режалаштирилган савобли ишни қайтадан бошлаб бизларнинг илтимосимизни амалга оширасиз деган ният билан сизга яратгандан соғлиқ-саломатлик тилаб 30 минг кишилик Жом қишлоғи аҳолиси номидан 17 нафар инсонлар мурожаатномани имзоладик:

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 ва 15 йиллик эсдалик нишонлари соҳиби Э.Раҳимов ва С.Муҳаммадиева, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик эсдалик нишонлари соҳибаси М.Соатова, Шуҳрат медали соҳибалари М.Усмонова ва Қ.Худоёрова, Буюк ғалабанинг 70 йиллиги медали соҳиблари Б.Равшанов, Р.Буриев, Х.Исмоилова, Қ.Ёрқулов, А.Ортиқов, Жом ҚФЙ раиси Ў.Аҳмедов, Омондара МФЙ раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши МФЙ раиси И.Бобохонов, Гирдиқўрғон МФЙ раиси Э.Муродов, Жом МФЙ раиси Д.Алимов, Дўстлик МФЙ раиси Н.Султонов, Сарикўл МФЙ раиси Қ.Раҳмонов.

Нуробод тумани ҳокимининг 2015 йил 5 майда Самарқанд ҲЭТК АЖ директори Ғ.Т.Примовга йўллаган №01-2/5-267-сонли хати

Ҳурматли Ғулом Турсунович!

Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиши, 17 та ижтимоий соҳа объектларини электр энергия билан таъминловчи Улус нимстанцияси 1969-1970 йилларда қурилган бўлиб, бугунги кунгача мазкур фидерларга уланган ҳаво узаткичлар алмаштирилмаганлиги натижасида ҳамда 35 км узоқ масофадалиги, ҳаво узаткичларнинг 4 та фидерида 245 км ни ташкил этиш оқибатида жуда катта сунъий равишда энергия йўқотишлари содир бўлмоқда.

Бу йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида Жом қишлоғида алоҳида нимстанция қурилиши ҳисобига 146 км масофа қисқариши натижасида катта миқдордаги электр энергия тежалади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги №294, 2011 йил 21 майдаги №144, 2015 йил 13 февралдаги №25-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги №23-13-сонли қарори талабидан келиб чиқиб, Жом қишлоғига янгидан қурилиши лойиҳалаштирилаётган ПС 110\10 га техник шарт олишни тезлаштиришингизни сўраймиз.

Нуробод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.К.Эргашев

**Директору АО Самаркандские Территориальные Электрические Сети
Г.Т.Примову 07.05.2015г. №100**

Прошу Вас оказать ваши содействие для включение 2016 г вновь проектируемую Подстанцию КФЙ Дзам согласно Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 13.12.2010г. №294 "В настоящее Постановление внесены в соответствии с Постановлением КМ РУз от 21.05.2011г. №144, Постановлением КМ РУз от 13.02.2015 г. №25" и Постановление Президента Республики Узбекистан 6.03.2015 г №ПП2313 "О Программе развития и модернизации инженерное–коммуникационной и дорожно-транспортной инфраструктуры на 2015-2019".

(Экономические показатели прилагаются).

Начальник Нурабадского РЭС Р.Г.Шакиров

**Директору АО Самаркандские Территориальные Электрические Сети
Г.Т.Примову**

Прошу вас оказать ваше содействие для получения технических условия для вновь проектируемой ПС 110\10 в КФЙ Дзам от проектируемой Л-Айритом 110\10 на 2016 год.

Начальник Нурабадского РЭС Р.Г.Шакиров

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология,
ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноати
масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2015 йил 11 майда
“Ўзбекэнерго” компаниясига ёзган №18-8-8/7173-сонли хати**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов ва бошқаларнинг аризасини жойида ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича ариза муаллифига жавоб йўллашингизни сўрайман. Муддати 25.05.2015 йил. И.Н.Хамидовга. **Р.Мамадалиев**

**“Самарқанд ҲТЭК” АЖнинг
2015 йил 18 майда “Ўзбекэнерго” ДАК
ЭТФБ бошлиғи С.И.Юсуповга.
Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани
Жом ҚФЙ фуқароси Э.Раҳимов ва
бошқаларга йўлланган №02/574-сонли хати**

Сизнинг 2015 йил 11 майдаги № 18-8-8\7173-сонли факсограммангизга.

“Самарқанд ҲТЭК” АЖ мутахассислари Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Жом қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқароларнинг аризасида қайд этилган ҳолатларни атрофлича ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Нуробод тумани 35\10 кВли Улус нимстанция орқали электр энергия билан таъминланади, Улус нимстанциясида иккита 4000 кВАли трансформатор мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу иккита трансформатор ҳам ўта юкланиш билан ишламоқда. Ушбу нимстанциядан чиқувчи 10 кВли Ф-Жом (70 км), Ф-Нуробод (80 км), Ф-Қалдирғоч (50 км) электр узатиш тармоқлари орқали Жом қишлоқ фуқаролар йиғинидаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари электр энергия билан таъминланмоқда. Мазкур нимстанциядан чиқувчи 10 кВли электр узатиш тармоқларининг масофаси узунлиги сабабли Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида электр энергиясини меъёрида етказиб беришда ҳам муаммолар бўлмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ҳамда Нуробод туманидаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига келгусида электр энергияси етказиб берилишини янада яхшилаш мақсадида Улус нимстанциясининг юкламасини меъёрлаш мақсадида Жом карьер ҳудудида янги 10000кВА трансформаторли 110\10 кВли нимстанция қуриш учун 2016 йил дастурига киритишни таклиф этамиз. 110 кВли “Айритом” ҳаво электр узатиш тармоғи Жом қишлоғи ҳудудидан ўтган бўлиб, ушбу ҳудудда 40-50 км оралиғида 110\35 кВли тармоқлар мавжуд эмас. Шу сабабли янги нимстанцияни ушбу 110 кВли “Айритом” электр узатиш тармоғига 110 кВли ҳаво тармоғи қуриб унга улаш мумкин.

Илова: уланиш схемаси 1 варақда.

Бош муҳандис в.б. И.Абулқосимов

Нуробод тумани ҳокимининг 2015 йил 19 майда Самарқанд вилояти

ҳокими ўринбосари О.Очиловга йўллаган №01-2/5-280-сонли хати

Ҳурматли Олимжон Исмоилович!

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан Жом қишлоғида 110 кВли ҳаво тармоғи қуриш туғрисида ёзган аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги №18-8-8\7173-сонли топшириқ хати билан “Ўзбекэнерго” ДАКнинг 2015 йил 11 майдаги №ЦР-551-сонли топшириғига асосан Самарқанд вилояти электр тармоқлари корхонаси томонидан жойида ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг ижобий хулосаси олинган, ҳудудда 110 кВли “Айритом” электр узатиш тармоғи 110 кВли ҳаво тармоғи қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилган.

110 кВли “Айритом” ҳаво узатиш тармоғи Жом қишлоғи ҳудудидан ўтган бўлиб, бу ҳудудда 40-50 км оралиқда бошқа 110\35 кВли тармоқлар мавжуд эмас.

Бу билан Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган объектларга ва аҳолига электр энергияси меъёрлари етказиб берилишига имкон яратилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги № 294-сонли, 2011 йил 21 майдаги №144-сонли, 2015 йил 13 февралдаги № 25-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги №23-13-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Жом қишлоғида қурилиши режалаштирилаётган ПС-110кВли ҳаво тармоғи қурилишини 2016 йил манзилий дастурига киритишда “Ўзбекэнерго” ДАКга мурожаат этишда амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Нуробод тумани ҳокими в.б. Б.Эргашев

“Ўзбекэнерго” ДАКнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Нуробод туман ҳокими в.б. Б.Эргашевга 2015 йил 19 майда йўлланган №ДИ-01-01-21/2185-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги №18-8-8\7173–сонли топшириғига биноан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқароларнинг ёзган аризаси “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси мутахассислари томонидан жойига чиқиб ўрганилди.

Жом қишлоғидаги аҳоли ва улгуржи ҳамда ҳудудда яшовчи янги ташкил этилаётган истеъмолчиларнинг (суғориш ишлари учун насос станцияси, тикувчилик цехлари ва ҳоказолар) электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқнинг карьер ҳудудида трансформатор қуввати 10000 кВА бўлган 110\10 кВ нимстанция, 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қуриш кераклиги аниқланди. Ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш учун тахминан 16 млрд. сўм маблағ талаб этилади.

2015 йилда “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 17.11.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестицион дастури тўғрисида”ги №ПК-2264 сонли қарорига мувофиқ электроэнергетикани модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг инвестиция дастурида ҳаммаси бўлиб 1532,1 млрд. сўм (эқв. 599,52 млн.дол) маблағ узлаштирилиши керак, шу жумладан, соҳанинг ўз маблағлари ҳисобидан 305,2 млрд. сўм. Дастурдаги ўта муҳим инвестицион лойиҳаларини тўлиқ молиялаштириш учун соҳа маблағлар етишмаслиги сабабли, тижорат банкларидан 100,0 млрд. сўмдан ортиқ кредит олишга ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2014 йил 11 январдаги №02\1-751-сонли топшириғида инвестицион лойиҳаларини ўз муддатида амалга ошириш ҳамда тасдиқланган ишлаб чиқариш дастуридаги курсаткичларни бажариш мақсадида 2014-2015 йиллар даврида “Ўзбекэнерго” ДАКнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга маблағ ажратилиши махсус ҳукумат қарорлари асосида ёқилғи-энергетика раҳбари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекэнерго” ДАК Нуробод тумани, Жом қишлоғида истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 110 кВ электр тармоқлари ва 110\10 кВ нимстанция қурилиши молиялаштириш масаласини кўриб чиқилишини сўрайди.

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Д.И. Исакулов

“Ўзбекэнерго” ДАКнинг 2015 йил 19 майдаги Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимов ва бошқаларга йўллаган №ДИ -01-21/2186-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги №18-8-8\7173-сонли топшириғига биноан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқароларининг ёзган аризасини “Ўзбекэнерго” ДАК мутахассислари жойига чиқиб ўрганиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Жом қишлоғида аҳоли ва улгуржи ҳамда ҳудудда янги ташкил этилаётган истеъмолчиларнинг (суғориш ишлари учун насос станциялари, тикувчилик цехлари ва ҳоказолар) электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқнинг карьер ҳудудида трансформатор қуввати 10000 кВА бўлган 110\10 кВ нимстанция, 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қуриш кераклиги аниқланди. Ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш учун тахминан 16 млрд. сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

2015 йилда “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.11.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги №ПК-2264-сонли қарорига мувофиқ электроэнергетикани модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг инвестиция дастурида ҳаммаси бўлиб 1235,1 млрд. сўм (эқв. 599,52 млн.долл.) маблағ ўзлаштирилиши керак, шу жумладан, соҳанинг ўз маблағлари ҳисобидан 305,2 млрд сўм дастурдаги ўта муҳим инвестицион лойиҳаларни тўлиқ молиялаштириш учун соҳа маблағлари етишмаслиги сабабли, тижорат банклари 100,0 млрд. сўмдан ортиқ кредит олишга ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиши лозим

бўлган 110 кВ электр узатиш тармоғи ва 110\10 кВ нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини ҳал қилиш бўйича "Ўзбекэнерго" компанияси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилди.

Бошқарув раиси биринчи ўринбосари Д.Исакулов

Ўзбекэнерго" ДАК бошқаруви раиси И.С.Басидовга Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 22 майда йўлланган №02/1-420-сонли хати

Ҳурматли Искандар Сабитович!

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги №18-8-8\7173-сонли ҳамда "Ўзбекэнерго" ДАКнинг 2015 йил 11 майдаги №ЦР-551-сонли топшириқларига асосан Самарқанд ҲЭТК АЖ томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилган ва ишчи гуруҳ хулосасига кўра ҳудудда 110 кВли "Айритом" электр узатиш тармоғига 110 кВли ҳаво тармоғи қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилган.

110 кВли "Айритом" ҳаво узатиш тармоғи Жом қишлоғи ҳудудидан ўтган бўлиб, бу ҳудудда 40-50 км оралиқда бошқа 110\35 кВли тармоқлар мавжуд эмас.

Ушбу тармоқ қурилиши амалга оширилса, Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган объектларга ва аҳолига электр энергиясининг меъёрида етказиб берилишига имконият яратилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги №294-сонли, 2011 йил 21 майдаги №144-сонли, 2015 йил 13 февралдаги №25-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги №ПҚ-2313-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Жом қишлоғида ПС-110 кВли ҳаво тармоғи қурилишини 2016 йил манзилли дастурга киритилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан О.Очилов

Нуробод тумани ҳокимининг 2015 йил 3 июнда Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга йўллаган №01-2/5-343-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тоирович!

Жом қишлоғи туманнинг йирик аҳоли пункти ҳисобланиб, аҳоли мурожаати асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 майдаги №108-8-8\7173-сонли факсограммасига асосан вилоят электр тармоқлари корхонаси мутахассислари ушбу қишлоқда электр энергиясини яхшилаш масаласини ўрганиб чиқдилар.

Ҳудудда аҳоли ва улгуржи, яъни М-378 халқаро автомагистралнинг 42-56 км. ларида электр таъминотни яхшилаш ушбу қишлоқнинг "Карьер" ҳудудидан трансформатор қуввати 10000 кВА бўлган 110\10 кВ нимстанция, 25 км

узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қуриш учун 16 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилиш хулосаси қилинди.

Бугунги кунда Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 110 кВ электр тармоқлари ва 110\10 кВ нимстанция ишларини 2016 йил “Ўзбекэнерго” ДАКнинг Дастурига ёки махсус ҳукумат қарори асосида ёқилғи энергетика комплекси раҳбари билан келишилган ҳолда молиялаштириш мақсадида Сизнинг номингиздан ҳукумат раҳбарига мурожаат этилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Туман ҳокими в.б. Б.Қ.Эргашев

**Самарқанд вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирига 2015 йил 6 июнда ёзган №02/1-468-сонли хати**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчилар (аҳоли, суғориш ишлари учун насос станциялари, тадбиркорлар ва ҳоказолар)нинг электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқ ҳудудида трансформатор қуввати 10 000 кВА бўлган 110/10 кВ нимстанция, 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қуриш кераклиги бўйича “Ўзбекэнерго” ДАК ўзининг хулосасини берган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш учун 16,0 млрд. сўм маблағ сарфланиши аниқланган.

2015 йил “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли қарорига мувофиқ электроэнергетикани модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг инвестиция дастурида ҳаммаси бўлиб Республика бўйича 1532,1 млрд. сўм (экв. 599,52 млн.долл.) маблағ ўзлаштирилиши зарур, шу жумладан, соҳанинг ўз маблағлари ҳисобидан 305,2 млрд.сўмдастурдагиўтамуҳиминвестиционлойиҳаларнитўлиқмолиялаштириш учун соҳа маблағлари етишмаслиги сабабли тижорат банкларидан 100,0 млрд. сўмдан ортиқ кредит олишга ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 январдаги №02/1-751-сонли топшириғида инвестицион лойиҳаларни ўз муддатида амалга ошириш ҳамда тасдиқланган ишлаб чиқариш дастуридаги кўрсаткичларни бажариш мақсадида 2014-2015 йиллар даврида “Ўзбекэнерго” ДАКнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга маблағ ажртилиши махсус ҳукумат қарорлари асосида ёқилғи-энергетика комплекси раҳбари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 110 кВ электр тармоқлари ва 110/10 кВ нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини ҳал этишда амалий ёрдам беришингизни

сўраймиз.

Ҳурмат билан З.Т.Мирзаев

“Самарқанд ҲЭТК” АЖнинг 2015 йил 13 июнда Самарқанд вилояти ҳокимлигига, нусхаси: Нуробод тумани ҳокими в.б. Б.Эргашевга йўллаган №01-2\5-343-сонли хати

2015 йил 9 июндаги №4\414-сонли ҳужжатга жавобан, “Самарқанд ҲЭТК” АЖ мутахассислари томонидан Нуробод тумани ҳокими в.б. Б.Эргашевнинг 2015 йил 3 июндаги №01-2\5-343-сонли хатида қўрсатилган масала ўрганиб чиқилиб маълум қилади:

“Ўзбекэнерго” ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Исақулов томонидан 2015 йил 19 майдаги №ДИ-01-21\2186-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилинган бўлиб, унда Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларининг электр таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиши лозим бўлган 110 кВ электр узатиш тармоғи 110\10 кВ нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини ҳал этиш бўйича “Ўзбекэнерго” АЖга мурожаат қилинди. Иловада ушбу мурожаат тақдим этилади.

Илова: 1 варақ.

Директор Ғ.Т.Примов

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Ғ.И.Ибрагимовнинг 2015 йил 17 июндаги №06/1-751-сонли чақириқ хати

Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаевга) чақириқ, “Ўзбекэнерго” ДАК (Басидовга), “Ўздавэнергоназорат” ДИ (Нигматуллаевга), Самарқанд вилояти ҳокимлигига.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 6 июндаги №02/1-468-сонли хатида кўтарилган масалани биргаликда кўриб чиқиб, унинг ечими юзасидан таклиф киритишингизни сўрайман. Муддат: 2015 йил 25 июн.

Бош вазир ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов

“Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2015 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига йўллаган №ДИ-01-21/2789-сонли хати

“Ўзбекэнерго” ДАК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 июндаги №06\1-75-сонли топшириғига асосан Самарқанд вилояти ҳокимининг 2015 йил 6 июндаги №02/1-468-сонли хатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Жом қишлоғидаги аҳоли ва улгуржи ҳамда ҳудудда янги ташкил этилаётган истеъмолчиларнинг (суғориш ишлари учун насос станциялари, тикувчилик цехлари ва ҳоказолар) электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу

қишлоқнинг карьер ҳудудида трансформатор қуввати 10 000 кВА бўлган 110/10 кВ нимстанция ва 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш ҳаво тармоғи қурилиши лозим. Ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш учун тахминан 16 млрд. сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

2015 йилдаги инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун соҳа маблағлари етишмаслиги туфайли тижорат банкларидан кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилаётганлиги сабабли компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2015 йил 19 майдаги №ДИ-01-21/2185-сонли хат билан электр тармоқлари ва нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини кўриб чиқилишини сўраб мурожаат этди (хат илова қилинмоқда).

Илова: 1 варақ.

Бошқарув раисининг ўринбосари Д.И.Исақулов

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг
2015 йил 24 июндаги №УЭ-01-04/1238-сонли хати**

“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 июндаги №06\1-75-сонли топшириғига асосан Самарқанд вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган 2015 йил 6 июндаги №02\1-468 сонли хатини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

“Ўзбекэнерго” ДАҚдан олинган маълумотга кўра, Нуробод тумани Жом қишлоғида истеъмолчиларнинг (суғориш ишлари учун насос станциялари, тикувчилик цехлари ва ҳоказолар) электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқнинг карьер ҳудудида трансформатор қуввати 10000 кВА бўлган 110\10 кВ нимстанция ва 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қурилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш учун тахминан 16 млрд. сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда 2015 йилдаги инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун соҳа маблағларининг етишмаслиги туфайли тижорат банкларидан кредит олишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Компания 2015 йил 19 майдаги № ДИ-01-21\2185 сонли хати билан мазкур ҳудудда электр тармоқлари ва нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласини кўриб чиқилишини сўраб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат этган.

Инспекция бошлиғининг ўринбосари У.Эгамбердиев

**П\ст-Улус-35\10 дан чиқаётган Жом ҚФЙ аҳолисини электр энергия
таъминоти бўйича фидерлар тўғрисида маълумот**

1. ф. Нестерова – 1х630 кВа. ХУ -10кВ -53 км. -45 км. + 8 км.

2. ф. Мармар – 20х2320 кВа. ХУ – 10кВ – 23.4 км -31+ 7.6 км.

(Улус зонасидан чиқади)

3. ф. Нуробод – 26х3000 кВа. ХУ- 10кВ – 127 км. – 55 +72 км.

4. ф. Жом – 20х2200кВа. ХУ- 10кВ – 127 км. – 70+ 57 км.

(Улус соҳаси киради)

Жом ҚФЙ бўйича электр энергияси юкламаси текшириб чиқилганда п\ст

Улусдан 10 кв тармоқ охиридаги Нуробод тармоғининг охири бўлган Омондара маҳалласида 6,5 кв ни ташкил этмоқда. Сабаби тармоқнинг узоқлиги ва симларининг ҳар хил сабабларга кўра бўлиниб тортилганлигида.

Нуробод туман ЭТК бошлиғи Р.Г.Шакиров

**ЭТФБ 2015 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2015 йил 17 июндаги №06\1-751–сонли топшириғига
асосан қуйидагиларни маълум қилади:**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида янги қуриладиган нимстанцияга “Самарқанд ХЭТК” АЖнинг таклифлари:

1. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК учун қурилаётган, 110 кВ “Тяговая” нимстанцияни таъминловчи 220\110\10 кВ “Иштихон” нимстанциясидан 110 кВ Л-Айритом-1, Л-Айритом-2 электр узатиш тармоғининг энг яқин таянчидан Жом қишлоғида янги қуриладиган нимстанция учун 1-цепли 25 км 110 кВ ҳаво узатиш тармоғи қуриш лозим. Ўрнатиладиган куч трансформатори 110\10 кВ 10 минг кВА.

2. Навоий кон металлургия комбинатига қарашли 110\35\6 кВ “Собирсой” нимстанциясидан чиқаётган “Ўзбекистон темир йўллари” ДАКга қарашли 35 кВ Л-Айритом электр узатиш тармоғининг энг яқин таянчидан тармоқ қуриш. Қурилиш масофаси 18-20 км. Фойдаланиладиган сим АС-70. Ўрнатиладиган куч трансформатори 35\10 кВ 2х4,0 минг кВА.

3. 35\10 кВ Улус нимстанциясига келадиган 35 кВ Л-Улус электр узатиш тармоғининг охириги таянадиган электр тармоғи қурилади. Қурилиш масофаси 33-35 км. Фойдаланиладиган сим АС-70. Ўрнатиладиган куч трансформатори 35\10 кВ 2х4,0 минг кВА.

1. Турсунов Аҳмаджон – “Ўзэнерго” ДАК Самарқанд вилояти куратори.

2. Мелиев Орол – вилоят электр тармоқлари бош муҳандиси.

3. Абулқосимов Икром – режалаштириш бўлими бошлиғи.

4. Қурбонов Акрам – капитал қурилиш бўлими бошлиғи

5. Калашников Иван Михайлович – Каттақўрғон туманлараро юқори кучланишли тармоқ директори.

6. Шакиров Равил – туман электр тармоқлари бўлими бошлиғи.

7. Белалов Марлин – Республика электр тармоқлари лойиҳа институти ходими.

2015 йил 30 июндаги якуний хулоса

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғининг энергияси таъминотини яхшилаш тўғрисидаги таклифлар

1-вариант. 220\110\10 кВ “Иштихон” ПСдан ГАЖК учун янги қурилаётган “Айритом” ПСгача 110 кВ Л-Айратом-2 электр узатиш тармоғининг энг яқин таянчидан 25 км узунликда электр узатиш тармоғи ва 1 дона нимстанция қуриш. 25 км узунликда электр узатиш тармоғи қуриш – 9,0 млрд. сўм.

110\10 кВ ПС (110\10 кВ 6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 6,3 млрд. сўм. Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан –

15,3 млрд. сўм.

2-вариант. Навоий кон металлургия комбинатига 110\35\6 кВ “Собирсой” ПСдан 35\10 кВ “Айритом” ПСни электр энергияси билан таъминловчи 35 кВ Л-Айритом электр узатиш тармоғининг энг яқин бўлган таянчдан 18 км узунликдаги электр узатиш тармоғи 1 дона нимстанция қуриш.

35\10 кВ “Айритом” ПС ва 35 кВ Л-Айритом электр узатиш тармоғининг ГАЖК балансида.

18 км узунликдаги электр узатиш тармоғи қуриш – 5,4 млрд. сўм.

Янги ПС (35\10 кВ 6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан – 8,9 млрд. сўм.

3-вариант. 35 кВ Улус электр узатиш тармоғининг энг яқин бўлган таянчидан янги қуриладиган Жом ПСгача 30 км узунликдаги электр узатиш тармоғи ва 1 дона нимстанция қуриш.

ПС 110\35\6 кВ “Собирсой” ПСдан чиқувчи 35\10 “Улус” ПСни таъминловчи 35 кВ Л- Улус электр узатиш тармоғидаги 11 км узунликдаги АС-70 симни АС-120 алмаштирилиши 880 млн. сўм (1 км АС-70 симни АС-120 га алмаштирилиши 80 млн. сўм атрофида).

30 км узунликдаги электр узатиш тармоғи қуриш – 9,0 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (6300 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

Жами сарфланадиган тахминий маблағ қурилиш-монтаж ишлари билан – 13,4 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (4000 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 3,5 млрд. сўм.

35\10 кВ ПС (2x4000 кВА куч трансформатори билан) қуриш – 4,5 млрд. сўм.

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2015 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ёзган №УЭ-01-04/1238-сонли хати

“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 июндаги №06\1-75-сонли топшириғига асосан Самарқанд вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган 2015 йил 6 июндаги №02\1-468 сонли хатини ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

“Ўзбекэнерго” ДАҚдан олинган маълумотга кўра Нуробод тумани Жом қишлоғида истеъмолчиларнинг (суғориш ишлари учун насос станциялари, тикувчилик цехлари ва ҳоказолар) электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқнинг карьер ҳудудида трансформатор қуввати 10000 кВА бўлган 110\10 кВ нимстанция ва 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қурилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қурилиш ишларини амалага ошириш учун тахминан 16 млрд. сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда 2015 йилдаги инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун соҳа маблағлари етишмаслиги туфайли тижорат

банкларидан кредит олишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Компания (2015 йил 19 майдаги №ДИ-01-21/2185-сонли хати билан) мазкур ҳудудда электр тармоқлари ва нимстанция қурилишини молиялаштириш масаласининг кўриб чиқилишини сўраб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат этган.

Инспекция бошлиғининг ўринбосари У.Эгамбердиев

“Ўзбекэнерго” ДАКнинг 2015 йил 8 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноати масалалари департаментига йўллаган №РР -01-21/3070-сонли хати

“Ўзбекэнерго” ДАК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 июндаги №06\1-751-сонли топшириғига биноан, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2015 йил 6 июндаги №02/1-468-сонли хатида кўрсатилган масаланинг ечими мутахассислар томонидан 3 та вариантда кўриб чиқилиб, Нуробод тумани Жом қишлоғининг электр энергия таъминотини яхшилаш 110/35/6 кВ “Собирсой” нимстанциясидан чиқувчи “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТЙК балансида бўлган 35 кВ “Айритом” ҳаво узатиш тармоғидан 18 км узунликдаги тармоқ ва 35/10 кВ янги нимстанция қуриш (Талаб этиладиган тахминий маблағ 8,9 млрд. сўмни ташкил этади) лозим бўлади.

Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 35 кВ электр тармоғи ва 35/10 кВ нимстанция қурилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш 2016-2017 йилларда манзилли дастурга киритилиши мумкинлигини маълум қилади.

Бошқарув раиси ўринбосари Р.Раимов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноати масалалари департаментининг “Ўзбекэнерго” АЖга ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига 2015 йил 23 июлда йўллаган №06/1-751-сонли хати

Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 12 июлдаги №ХБ-3-2/4-3238-сонли хулосасида қайд этилган чора-тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш учун юборилмоқда.

Департамент мудири Р.Мамадалиев

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2015 йил 27 июлда йўллаган №ХБ-3-2/4-3238-сонли хати

2015 йил 18 июндаги №06\1-751-сонли топшириққа асосан, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Нуробод тумани Жом қишлоғида электр энергия таъминотини яхшилаш бўйича мурожаатини “Ўзбекэнерго” ДАК ва “Ўздавэнергоназорат” ДИ билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Топшириққа асосан, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан Жом қишлоғининг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида трансформатор қуввати 10 000 кВА бўлган 110/10 кВ нимстанция ва 25 км узунликдаги 110 кВ электр узатиш тармоғи қурилиши лозимлиги ва мос равишда тахминан 16,0 млрд. сўм маблағ талаб этилиши таъкидланган (23.06.2015 йилдаги №ДИ-01-21/2789-сонли хати). Ушбу ҳисоб-китоблар ва таклифлар “Ўздавэнергоназорат” ДИ томонидан ҳам киритилган (24.06.2015 йилдаги №УЭ-01-04/1238-сонли хат).

Шу билан биргаликда, тезкор ҳисоб-китобларга кўра, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан қурилиши таклиф этилаётган қуввати 10 000 кВА (ўртача 8-9 МВт) трансформатор ва 110/10 кВ нимстанция жами туман истеъмолчиларининг ўртача эҳтиёжидан (5-6 МВт) 2 марта кўп, Бу эса ўз навбатида яратилаётган қувватлардан паст даражада фойдаланишга сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Қишлоқэнерголойиҳа” АЖ ва Нуробод тумани ҳокимлиги билан биргаликда:

– икки ҳафта муддатда Жом қишлоғининг истиқболдаги эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, ҳудудда электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича аниқ ҳисоб-китобларни шакллантириш;

– якуний ҳисоб-китоблар асосида талаб этиладиган ишларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил мартдаги №ПҚ-2313-сонли “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларни ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарорида назарда тутилган “Самарқанд вилоятида паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида амалга ошириш таклиф этилади.

Илова: 4 варақда.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Хўжаев

Телетайпограмма №06/2-5/146 от 27.07.2015 г.

С целью ускорения производства проектно-изыскательских работ и разработки проектно-сметной документации прошу Вас в 3-дневный срок обеспечить выезд на место ответственных представителей для уточнения нагрузок, обеспечения надежного электроснабжения потребителей кишлака Жом в Нурабадском районе Самаркандской области и определения стройплощадки ПС 110/10 кВ Жом.

Начальник УРИП А.З.Сираджев

Акт**г. Самарканд. 05.08.2015 г.**

Мы нижеподписавшиеся комиссия в составе: представитель АО "O'ISHLOQENERGOLOYIHA" Начальник ОЭС и ПС (35-220 кВ) Н.Махкамова, Главный инженер проекта А.Каримов, начальник ПТО АО "Самаркандское ПТЭС" М.Арипов и представитель МФЙ Жом Э.Рахимов произвели осмотр место расположение проектируемой ПС "Жом" и точка подключения. При осмотре было обнаружено, что ближайшая точка подключения-ВЛ 110 кВ-"Л-Айритом-2" с опоры №234.

При этом требуется получить технические условия от владельца линии.

Начальник ПТО АО "Самаркандское ПТЭС" М.Арипов, начальник ОЭС и ПС (35-220 кВ) АО "O'ISHLOQENERGOLOYIHA" Н.Махкамова, главный инженер проекта А.Каримов, Представитель МФЙ Жом **Э.Рахимов**

**Самарқанд вилоят ҳоқимлигига 2015 йил 7 августдайўлланган
№02/811-сонли хат**

Сизнинг 2015 йил 24 июлдаги юборган, №2\1348 сонли Нуробод тумани Жом қишлоғининг истиқболдаги эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, ҳудудда электр энергияси таъминотини яхшилаш" ҳақидаги хатингизга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмаси бўйича маълум қиламизки, ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида, лойиҳа институти мутахассислари билан биргалиқда жойига чиқиб ПС ва электр тармоғи қурилиши ўрни аниқланиб лойиҳа тузиш ишларининг бажарилиши бошланди.

Техник директор Мейлиев О.

**"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ электр таъминоти марказининг
Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро
Э.Рахимовга 2015 йил 12 августда ёзган №Э-1513-сонли хати**

"Ўзбекистон темир йўллари" АК электр таъминоти маркази Сизнинг компания номига юборган мурожаатномангизни атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Темир йўл тармоғи технологик тармоқ бўлиб, у бекатлар ва темир йўл транспорти ҳаракатини, темир йўл корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун хизмат қилади. Ҳозирги кунда темир йўл корхоналарига қўшимча янги замонавий ускуналар ўрнатилиши муносабати билан корхоналарнинг истеъмол қуввати кун сайин ошмоқда. Юқори кучланишли нимстанцияларимиздаги қўшимча истеъмолчилар сонининг оширилиши, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи тизимнинг барқарор ва ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли темир йўл электр тармоғига уланган барча темир йўл транспортга тааллуқли бўлмаган истеъмолчиларни шаҳар электр тармоғига ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирга кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил

5 январдаги ПҚ-1676-сонли "Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, участканинг электрлаштириш ишлари тугалланиш арафасида. Ушбу йўналишда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд қатнови режалаштирилган.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, "Ўзбекистон темир йўллари" АКнинг янги қурилаётган Айритом нимстанциясига келувчи юқори кучланишли ҳаво тармоғидан захира уланишнинг техник имконияти мавжуд эмас.

Электр таъминоти масаласи бўйича "Ўзбекэнерго" ДАКга қарашли шаҳар электр тармоғига мурожаат этишингиз тавсия қилинади.

Электр таъминоти маркази бошлиғи М.М.Сулаймонов

"QISHLOQENERGOLOYINA" AJ нинг "Ўзбекэнерго" АК бошқарув раиси ўринбосари Р.О.Раимовга 2015 йил 21 августи ёзган №9-1/1-1608-сонли хати

По вопросу электроснабжения ПС "Жом" в Нурабадском районе Самаркандской области.

Телетай программой АО "Узбекэнерго" №06/2-5/146 от 27.07.2015 г. институт поручено выполнение проектно-изыскательских работ по строительству ПС 110/10 кВ Жом ВЛ 110 кВ к ней в Нурабадском районе Самаркандской области.

При выезде на место представителей института и сотрудников АО "Самаркандского ТПЭС" было определено место расположения площадки проектируемой ПС "Жом", электроснабжение которой возможно выполнить по разным вариантам. Просим Вас рассмотреть предлагаемые варианты и вынести свое решение по данному вопросу.

Приложение: пояснительная записка с чертежами и письмами на 13 листах.

Генеральный директор Абдужаббаров З.Ю.

"Қишлоқэнерголойиҳа" АЖ нинг 2015 йил 24 сентябрдаги №9-3/8-2235-сонли хати

Генеральному директору АО "Самаркандского ТПЭС" Примову Г.Т.

Для обеспечения надежного электроснабжения потребителей кишлака Жом в Нурабадском районе Самаркандской области АО "Узбекэнерго" письмом №РР-01-21/3070 от 08.07.15 г. рекомендовал строительство новой подстанции 35 кV с подключением её к ВЛ кV Л-Айратам, находящейся на балансе "Узбекистон темир йуллари".

Для составления договора на проектно-изыскательские работы, просим Вас повторно прислать в наш адрес технические условия и разрешение "Узбекистон темир йуллари" па подключение ПС 35/10 кV Жом к Л 35 кV Айритам.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 9 октябрда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган №02/1-830-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 13 февралдаги ПҚ-2313-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчилар (аҳоли, суғориш ишлари учун насос станциялари, тадбиркорлар ва ҳоказолар)нинг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқ ҳудудида трансформатор қуввати 10 000 кВА бўлган 110/10 кВли нимстанция, 25 км узунликда 110 кВли ҳаво электр узатиш тармоғи қуриш бўйича “Ўзбекэнерго” АК ўзининг хулосасини берган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига “Ўзбекэнерго” АКнинг 2015 йил 23 майдаги №ДИ-01-21/2789-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси “Ўздавэнергоназорат” ДИнинг 2015 йил 24 июндаги №УЭ-0104/1238-сонли, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 8 июлдаги РР-01-21/3070-сонли ёзган хатларида Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида 110/10 кВли нимстанция қурилиши 2016-2017 йиллар манзилли дастурига киритилиши маълум қилинган.

“Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари” АЖ 2015 йил 7 октябрь куни №01/978-сонли хат билан Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган нимстанцияга яқин ҳудудда жойлашган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ балансида бўлган 110/35/6 кВли “Собирсой нимстанциясидан чиқувчи 35 кВли ҳаво электр узатиш тармоғидан Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган нимстанцияга “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан Техник шарт олиш бўйича мурожаат қилинган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АК балансида бўлган 110/35/6 кВли “Собирсой нимстанциясидан чиқувчи 35 кВли ҳаво электр узатиш тармоғидан Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган нимстанцияга “Ўзбекистон темир йўллари” АКдан Техник шарт олишга амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов

**“Ўзбекистон темир йўллари”
АК Электр таъминоти маркази
бошлиғи М.М.Сулаймоновга.**

**Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
ўринбосари Ғ.И.Ибрагимовга**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ ҳудудида жойлашган
маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 2015 йил 13 октябрда
ёзилган жамоавий**

МУРОЖААТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 13 февралдаги ПҚ-2313-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ПС-110 кВли ҳаво тармоғининг қурилиши “Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2015 йил 23 майдаги №ДИ 01-21/2789-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электр энергияси назорат бўйича давлат инспекциясининг 2015 йил 24 июндаги №УЭ-0104/1238-сонли Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 17 июлдаги №ХБ 3-2/4-3238-сонли “Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2015 йил 8 июлдаги №РР-01-21/3070-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган хатларида 2016-2017 йиллар манзилли дастурига киритилиши маълум қиланган.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТЙК балансида бўлган 110/35/6 кВли “Собирсой нимстанциясидан чиқувчи 35 кВли Айритом ҳаво электр узатиш тармоғидан қурилиши режалаштирилаётган Жом нимстанцияда фойдаланишга Техник хулоса олишга рухсат беришингизни сўраймиз.

Чунки Мароқанд-Қарши тез юрар поездини электр энергияси билан таъминлаш учун янги Иштихон-Айритом ҳаво узатиш тармоғи қурилиб ишга туширилмоқда. Ҳудудда 40-50 км. оралиқ масофада бошқа уланадиган манба йўқ. Келажакда бугунги кунда балансингизда бўлган Собирсой нимстанциясидан фойдаланиш учун “Ўзбекэнерго” ДАКнинг балансига берилишини ҳисобга олиб, Жом қишлоғида қуриладиган 35 кВ электр тармоғи ва 35/10 кВ нимстанция лойиҳаси 2016 йилда қурилиши 2017 йилда амалга оширилиши режалаштирилганлиги ҳақидаги мутасадди вазирликларнинг хатларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини “Қишлоқэнерголойиҳа” АЖ томонидан тайёрлашни тезлаштириш учун бизларнинг илтимосимизни инобатга оласиз деган ният билан 30 минг кишилик аҳоли номидан

Жамоатчилик вакили Э.Раҳимов, Жом ҚФЙ раиси Ў.Аҳмедов, Омондара МФЙ раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши МФЙ раиси И.Бобохонов, Гирдиқўрғон МФЙ раиси Э.Муродов, Дўстлик МФЙ раиси М.Султонов, Сарикўл МФЙ раиси Н.Нарматов, Жом МФЙ раиси Д.Алимов

“Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2015 йил 21 октябрда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг энерготаяминоти бошқармаси бошлиғи М.М.Сулаймоновга ёзган №02/981-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 13 февралдаги ПҚ-2313-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, Нуробод тумани Жом қишлоғидаги истеъмолчилар (аҳоли, суғориш ишлари учун насос станциялари, тадбиркорлар ва ҳоказолар)нинг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ушбу қишлоқ ҳудудида трансформатор қуввати 10 000 кВА бўлган 35/10 кВли нимстанция, 25 км узунликда 35 кВли ҳаво электр узатиш тармоғи қуриш бўйича “Ўзбекэнерго” АК ўзининг хулосасини берган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига “Ўзбекэнерго” АКнинг 2015 йил 23 майдаги №ДИ-01-21/2789-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси “Ўздавэнергоназорат” ДИ нинг 2015 йил 24 июндаги №УЭ-0104/1238-сонли, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 8 июлдаги РР-01-21/3070-сонли ёзган хатларида Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида 35/10 кВли нимстанция қурилиши 2016-2017 йиллар манзилли дастурига киритилиши маълум қиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан балансингизда бўлган 110/35/6 кВли “Собирсой нимстанциясидан чиқувчи 35 кВли Айритом ҳаво электр узатиш тармоғидан Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган 35/10 кВ нимстанцияга Техник шарт олишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Бош директор Ғ.Т.Примов

“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг 2015 йил 23 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган №УЭ-01-04/2112-сонли хати

“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси “Ўзбекэнерго” АК вакиллари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги №18-8-8/18385-сонли топшириғига кўра Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида аниқ ҳисоб-китобларга асосланган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 17 июлдаги №ХБ-3-2/4-3238-сонли хати) чора-тадбирларини ўрганиб чиқиб, Нуробод тумани Жом ҚФЙ ҳудудида нимстанция ва электр узатиш тармоғи қурилишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларни ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда назарда тутилган “Самарқанд вилоятида паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида амалга оширишни таклиф қилади

(“Самарқанд ҲЭТК” АК томонидан ишлаб чиқилиб, 2015 йил 27 октябрда тасдиқланган чора-тадбирлар илова қилинади).

Инспекция бошлиғининг ўринбосари У.Эгамбердиев

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ энерготаъминоти бошқармасининг Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ жамоатчилик вакили Э.Раҳимовга 2015 йил 23 октябрда ёзган №Э-1897-сонли хати

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ энерготаъминоти бошқармаси Сизнинг мурожаатингизни кўриб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Собирсой 110/35/10 кВ нимстанцияси “Ўзбекэнерго” АЖ тизимидаги корхонага қарашли бўлиб, ушбу нимстанциядан Қарши электр таъминоти корхонасининг Айритом 35/10 кВ нимстанциясига 35 кВ кучланишли тармоқ тортилган. Сиз уланиш учун сўраган электр тармоқ ҳозирги кунда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, алоқа ва сигналлаштириш тизими ҳамда бир қатор темир йўл корхоналарининг узлуксиз ўз иш фаолиятини олиб боришига хизмат қилмоқда. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу электр тармоққа чет истеъмолчиларнинг уланиши учун техник имконият мавжуд эмас.

Келажақда юқорида келтирилган электр тармоқ “Ўзбекэнерго” АЖ балансига топшириладиган тақдирда, тармоқ эгасига мурожаат қилишингизни билдирамыз.

Электр таъминоти бошқармаси бошлиғи М.М.Сулаймонов

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ энерготаъминоти бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2015 йил 27 октябрда ёзган №НГ-3382-15-сонли хати

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти Сизнинг компания номига юборган 2015 йил 20 октябрь №18-8-8/18385-сонли топшириғингизга асосан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи электр энергия таъминотини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ электр энергия тармоғидан уланиши масаласини атрофлича ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Собирсой 110/35/10 кВ нимстанцияси “Ўзбекэнерго” АЖ тизимидаги корхона бўлиб, ушбу нимстанциядан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Қарши электр таъминоти корхонасининг Айритом 35/10 кВ нимстанциясига 35 кВ кучланишли тармоқ тортилган. Мурожаатномада уланиш учун сўраган электр тармоқ ҳозирги кунда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, алоқа ва сигналлаштириш тизими ҳамда бир қатор темир йўл корхоналарининг узлуксиз ўз иш фаолиятини олиб боришига хизмат қилмоқда.

Шу сабабли поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу электр тармоққа чет истеъмолчиларнинг уланиши учун техник имконият мавжуд эмас.

Компания бош менежер-бош муҳандиси Ш.Ш.Исматуллаев

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2015 йил 27 октябрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ жамоатчилик вакили Э.Раҳимовга ёзган №НГ-3383-15-сонли хати

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти Сизга шуни маълум қиладики, мурожаатингиз электр таъминоти бошқармаси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, 2015 йилнинг 23 октябрь санасида № Э-1897-сонли хат билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Қарши электр таъминоти корхонасининг Айритом 35/10 кВ нимстанциясига уланишнинг техник имконияти йўқлигини билдиради.

Компания бош менежер-бош муҳандиси Ш.Ш.Исматуллаев

2015 йил 27 октябрдаги маълумотнома

Жом қишлоғи аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июлдаги №06/1-750-сонли топшириғига асосан ҳудудда 35/10 кВ нимстанциясини қуриш бўйича 2016 йил август ойида “Қишлоқэнерголойиҳа” МЧЖ институти томонидан 13-16 лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2016 йил 24 октябрда “Ўзэлектртармоқ” УКнинг №Е-125-сонли эксперт хулосасига асосан қурилиш бошланди. 35 кВА ҳаво тармоғи (16,632 км) ва 35 кВ нимстанцияси “Ўзбекэнерго” АЖнинг 2016-2017 йиллар манзилли дастурига киритилди.

Лойиҳа-сметада 35/10 кВ нимстанцияга 10 000 кВА трансформатори, 9 та ячейка, 7 та фидер ўрнатилиши кўрсатилган. 2017 йил 5 июнда Самарқанд ҲЭТК №02-625-сонли хатида 10 000 кВА трансформаторни 6300 кВА трансформаторга алмаштириш тўғрисида “Қишлоқэнерголойиҳа” МЧЖга асосиз равишда мурожаат қилган.

Буюртмачи Самарқанд ҲЭТК 2016 йил 26 октябрда “Тошэлектраппарат” ИПООО билан №42160962-сонли ва 2017 йил 24 январда шу шартномага қўшимча шартнома 10 000 кВА трансформатор учун тузилган. 2017 йил 22 августда Самарқанд ҲЭТКнинг Каттақўрғон шаҳрида жойлашган КТЮКТ (раҳбари А.Раззақов) Жом қишлоғида қурилишни бошлаган жойга олдин ишлатилган, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 4000 кВА трансформаторни ва ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлган 1 дона ячейкани ташлаб кетган.

2017 йил 23 августда “Тошэлектраппарат” заводига мурожаат қилинганда, ўрнатилиши лозим бўлган 6300 кВА трансформатор заводдан ҳали чиқмаганлиги

маълум бўлди.

Ҳурматли раҳбарлар, бу объект реконструкция ёки модернизация асосида эмас, балки янги объект ҳисобида қурилади. Шу масаланинг ечимини топишда амалий ёрдам беришларингизни сўраймиз. Сизларнинг жавоб хатларингизга асосан Республиканинг тегишли раҳбариятига мурожаат қилишимизни маълум қиламиз.

Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов, Т.Хўжақулов, М.Ёрқулов, Қ.Авазов, Т.Холбозоров, Н.Нурматов, Ф.Лутфуллаев.

**Самарқанд ҲЭТК АЖнинг “ЎзҚЭҚ” АЖ техник директори
Б.Саидмуродов, нухаси МК-12 МЧЖ директори А.Тоштемировга
2017 йил 11 сентябрда ёзган №01/3779-сонли хати**

Самарқанд ҲЭТК АЖ Сиздан Нуробод туманида янги қурилаётган Жом нимстанциясидан чиқувчи 10 кВ ли учта ҳаво тармоғи (жами 7,5 км) қурилиш-монтаж ишларини бажариб беришингизни сўрайди.

Бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг тўловлари ўрганилган тартибда бажарилади.

Бош директор в.в.б Оқилов К.

**Самарқанд ҲЭТК АЖнинг Жом ҚФЙ фуқароларига
2017 йил 11 сентябрда ёзган №01/3799-сонли хати**

Сизларга ушбуни ёзиб маълум қиламизки, 35/10 кВ Жом нимстанцияси қурилиш-монтаж ишлари бўйича бугунги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ускуналар буюртма қилинган.

Ҳозирги кунда нимстанцияни ишга тушириш учун 4000 кВА трансформатор вақтинча ишга тушириб берилди.

“Ўзбекэнерго” АЖ томонидан буюртма қилинган ускуналарга маблағ ажратилганидан сўнг 6300 кВА трансформатор келтирилиб жойига ўрнатилади.

Бош директор в.в.б. Оқилов К.

**Нуробод ТЭТКнинг Самарқанд ҲЭТК бош директори в.в.б. К.Оқиловга
2017 йил 12 сентябрда ёзган билдириш хати**

Ушбуни ёзишимдан мақсад, 2017 йилги модернизация реконструкция дастури асосида қурилаётган ХУ-35 кВ электр тармоғини ст 35/10 Жомнинг ички уланиши бажарилиши учун зарур бўлган ХУ-10 кВ фидер Жом, фидер Нуробод, фидер Мармар 7,5 км 10 кВ электр тармоғининг қурилишига қўшимча дастурга киритилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Нуробод ТЭТК бош муҳандиси Холёров О.С.
Самарқанд ҲЭТК АЖнинг Самарқанд вилояти Нуробод тумани**

ҳоқими Ф.А.Заировга 2017 йил 12 сентябрда ёзган №01/3802-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июндаги №06/1-751-сонли топшириғининг ижросини таъминлаш юзасидан, 35/10 кВ Жом нимстанция ва 16,62 км 35 кВли ҳаво тармоғи қурилиш-монтаж ишлари тугатилиш арафасида. Шундан келиб чиқиб, нимстанциядан чиқувчи мавжуд Жом, Нуробод ва Мармар ички фидерларини улаш учун 7,5 км 10 кВли ҳаво узатиш тармоқларини 2017 йил модернизация дастури асосида қурилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Бош директор в.в.б Оқилов К.

**Нуробод тумани ҳоқимининг Самарқанд вилояти ҳоқими
в.б. Т.И.Джураевга 2017 йил 12 сентябрда ёзган
№01-2/5-653-сонли хати**

Ҳурматли Туробжон Икромович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 июндаги №06/1-751-сонли топшириғи ижросини таъминлаш юзасидан, туманда янгидан қурилаётган 35/10 кВ Жом нимстанция ва 16,62 км 35 кВли ҳаво тармоғида қурилиш-монтаж ишлари тугатилиш арафасида.

Шундан келиб чиқиб, нимстанциядан чиқувчи мавжуд Жом, Нуробод ва Мармар ички фидерларини улаш учун 7,5 км 10кВ.ли ҳаво узатиш тармоқларини 2017 йил модернизация дастури асосида қурилишига амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Туман ҳоқими Заиров Ф.

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖнинг
Самарқанд ҲЭТК АЖ бош директори в.в.б К.Оқиловга 2017 йил 15
сентябрда ёзган №958-сонли хати**

“Ўзқишлоқэлектрқурилиш” АЖ Сизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги №01/3779-сонли хатингизга жавобан Нуробод туманида янги қурилаётган Жом нимстанциясидан чиқувчи учта 10 кВ ҳаво тармоғи қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тақдим қилишингиз сўралади.

Техник директор Саидмуродов Б.Т.

**Самарқанд ҲЭТК АЖнинг Самарқанд вилояти ҳоқимлигига 2017 йил
22 сентябрда ёзган №01/3891-сонли хати**

Самарқанд вилояти ҳокимлигида 2017 йил 14 сентябрда №4/2651-сон билан қайд қилинган Нуробод туман ҳокимининг 2017 йил 12 сентябрдаги №01-2/5-653-сонли вилоят ҳокимига қилган мурожаатига Самарқанд ҲЭТК АЖ қўйидагиларни маълум қилади:

Нуробод туманида янги қурилган 35/10 кВли Жом нимстанциясига 16,63 км ҳаво тармоғи ҳамда 4000 кВли трансформатор ўрнатиш ишлари бажарилди.

Ҳозирги кунда Жом нимстанциясидан учта янги фидер чиқарилиши билан мавжуд Нуробод, Жом, Мармар фидерлари юкмасини камайтириш мўлжалланган. Айни пайтда бу фидерлар қурилиш-монтаж ишлари 2017 йил давлат дастурига киритилди ва 7,5 км 10 кВли ҳаво тармоғи қурилиши олиб борилмоқда.

Бош директор в.в.б Оқилов К.

**Самарқанд ҲЭТК АЖнинг бош энергетик НГМК С.А.га
2017 йил 23 ноябрда ёзган №02/1169-сонли хати**

АО «Самаркандское ПТЭС» просит Вас согласовать технические условия новой ПС Жом 35/10 кВт на территории кишлака Жом.

Приложения: 1 лист.

Технический директор Оқилов К.

**Самаркандское предприятия территориальных
электрических сетей АО
РАСПОРЯЖЕНИЕ**

от 26.01.2018 г. №47

г. Самарканд

«Об электроснабжения»

Объект: ВЛ-35кВ и ПС 35/10 кВт Нурабадского района для внешнего электроснабжения кишлака Жом Нурабадского района.

Проект: Выполнен проектным институтом «Кишлокэнерголойиха» согласованный решением за №26-36/498 от 29.09.2016 г. и технические условия за №26-29/163 от 09.03.2016 г. и технические условия АО «Узбекэнерго» за РР-01-21/3070 от 08.07.2015 г.

Заказчик: АО Сам. ПТЭС.

Подрядчик: АО «УзКЭК» ООО МК-13.

ПНР: АО Сам. ПТЭС служба изоляция Каттакурганский участок.

На основании актов приёма в эксплуатацию, рапорта монтажников, далолатнома №14-108-18 от 01.02.2018 г. и Рухсатнома № от 01.02.2018 г. Самаркандского отдела «Узгосэнергонадзора» о готовности к вводу в эксплуатацию рапорта начальника КРВВС.ЭТЛ СРЗАИ ВЛ-35кВ и ПС 35/10 кВт Нурабадского района для внешнего электроснабжения кишлака Жом Нурабадского района. АО «Сам ПТЭС».

ОБЪЯЗЫВАЕТ

1.Вновь построенной ВЛ-35 кВт выполненной проводом АС-70/11 на 77

опорах из них 13 металлических и 64 на ж/б на стойках СК-22 протяженностью 16,63 км и подключенной к анкерной опоре №42 ВЛ-35 Л-Улус отпайка на ПС Улус присвоить диспетчерское наименование 1-Улус отпайка на ПС Жом.

2. Вновь смонтированная ПС 35/10 кВт с трансформаторами типа ТМН-4000/35 с силовым трансформатором мощностью 4000 кВт с разъединителями РНЗД выключателем масляный ВТ-35, трансформатором собственных нужд КТП-25/10, СШ-10 кВт состоящих из трех ячеек типа К-59У1 и трех типа К-13 и подключенной к вновь вводимой ВЛ-35 кВт Л-Улус отпайка на ПС Жом присвоить диспетчерское наименование ПС Жом 35/10.

3. Вновь вводимое оборудования согласно п.№1-2 является собственностью АО Сам ПТЭС и обслуживается персоналом КРВВС АО Сам ПТЭС.

4. Учёт расхода эл. энергии предусмотрен на вводе 35 кВт ПС Жом 35/10 приборами учета типа ТСТЕ 7338 №4201500000127 в отдельно запирающимся шкафу. Установленный счетчик соответствует системе АСКУЭ Сам ПТЭС. После подключение необходимо произвести наладку проверить и представить копию схемы учета и вывести в АРМ АО Сам ПТЭС АСКУЭ. В том случаи невыполнения, указанного примечание вашему предприятию будет прикрашена подача эл. энергии без дополнительного предупреждения Справка № 198-АСКУЭ от 13.12.2017 г.

5. Начальника КРВВС принять в эксплуатацию указанного п.№1.2.

6. Начальников КРВВС.ОДС.ПТО.СРС.ОРИК. э. сбыта. СРЗАИ.СИИП.ФЗИ соответственно внести изменения в техническую и оперативную документацию.

7. Начальнику КРВВС подать заявку в ДД ОДС на включение оборудования в №1.2.

8. Начальнику КРВВС.ОДС включение разрешить после наличия внесения изменения в оперативной документации.

9. Вновь вводимая ВЛ-35 Л-Улус отпайка ПС Жом и ПС-35/10 Жом находится в оперативном управление ДД ОДС.КРВВС.

10. Контроль за исполнением данного распоряжения возложить на ГПР.

11. Приложение: Однолинейная схема.

12. После устранения замечания указанных в акте ГИ «УЗэнергоназорат» объект рассматривается повторно.

Технический директор К.Окилов.

**«Утверждаю» ХЭТК. Ген. директор АО «Самарканд ПТЭС»
АКТ**

**Рабочей комиссии о приёмке в эксплуатацию законченного
строительством здания, сооружения, помещения**

Самарканд «___» _____ 2018 г.

Рабочая комиссия, назначенная АО «Самаркандские предприятие

территориальных электрические сети».

Решением от

Руководствуясь, правилами, изложенными в КМК 3.01.04-99

УСТАНОВИЛА:

1. Генеральным подрядчиком АО «Узкишлокэлектрқурилиш» ООО МК-12.

Предъявлено к приёмке в эксплуатацию законченное строительство Ф.Нуробод на ПС 35/10 кВт «Жом» Нурабадский район, Самаркандской области находящего в состав модернизация и обновление низковольтных электрических сетей на 2017 год. Самарканд области. Этап 33. Нурабадский район.

2. Строительство произведено на основании решения (постановления, распоряжения, приказа) от ПП-2661 от 23.11.2016г. О программе дальнейшей модернизации и обновлению низковольтных электрических сетей на период 2017-2021 годы.

3. Строительство осуществлялось генеральным подрядчиком АО «Узкишлокэлектрқурилиш» ООО МК-12 выполнивший строительно-монтажные работы.

4. Проектно-сметная документация на строительство разработана проектными организациями Сам ОКП АО «Сельэнергопроект»,

5. Строительство осуществлялось по проекту Этап 33. №609-186-РСД.

6. Проектно-сметная документация утверждена АО «Самарканд ПТЭС»

7. Строительно-монтажные работы осуществлены в сроки.

8. Рабочей комиссии представлена следующая документация: технические документы.

9. Предъявленное к приемке в эксплуатацию здание, сооружение, помещение имеет следующие основные показатели ВЛ-10 кВт протяженностью-5,425 км,

10. Технологические архитектурно-строительные решения по зданию, сооружению, помещению характеризуются следующими данными: ВЛ-10 кВт; опора СВ – 92 шт.; одностойчная – 78 шт.; с одним подкосом – 7 шт.

11. Оборудование установлено согласно актам его приемке после индивидуального испытания и комплексного опробования рабочими комиссиями (перечень актов приведен в приложении к настоящему акту) в количестве: по проекту... единиц; фактически... единиц.

12. Мероприятия по охране труда, обеспечению взрывобезопасности, пожаробезопасности, охране окружающей природной среды и антисейсмические мероприятия, предусмотренные проектом выполнен. Характеристика мероприятий в приложении к акту.

13. Внешние наружные коммуникации холодного и горячего водоснабжения, канализации, теплоснабжения, газоснабжения, электроснабжения и связи обеспечивают нормальную эксплуатацию здания, сооружения помещения приняты городскими эксплуатационными организациями.

Перечень справок городских эксплуатационных организаций приведен в приложении к акту.

14. Недоделки и дефекты устранены.

15. Сметная стоимость по утверждённой проектно-сметной документации: всего 1 9655,923 тыс.сум, в том числе: строительно-монтажных работ 19655,923 тыс.сум, оборудование, инструмента и инвентаря...тыс.сум.

16. Сметная стоимость основных фондов, принимаемых в эксплуатацию тыс.сум, в том числе: строительно-монтажных работ ... тыс.сум, оборудование, инструмента и инвентаря ... тыс.сум.

17. Экономический эффект от внедрённых мероприятий подрядчика, удешевляющих строительство на сдаваемом в эксплуатацию здании, ... сооружении, помещении ... тыс.сум.

Решение рабочей комиссии: предъявленное к приемке модернизация и обновление низковольтных электрических сетей на 2017 год. Самарканд области. Этап 33. Нурабадский район Ф.Мармар ПС 35/10 кВ "Жом" принять в эксплуатацию.

Председатель-представитель заказчика (застройщика) Тех директор АО "Самарканд ПТЭС".

Члены комиссии-представителей от организаций: Инспектор инспекции Госэнергонадзора, Замхакима Нурабадского района, Гл.архитектор хакимията Нурабадского района.

Генеральный подрядчик: Саидмуродов Б. – Техдиректор АО "Уз КЭК".

Исполнитель: Гл.инженер ООО МК-12 Мингбоев З.

Исполнитель: Мастер ООО МК-12 Худоёров О.

Технадзор директор ПРИ и И, Начальник ОПИ и РИП АО "Самарканд ПТЭС", Эксплуатационной организации Начальник Нурабадского РЭС, Мастер участка Нурабадского РЭС, ГИП ОКП АО "Сельэнергопроект", Ответ хранения принял мастер участка Нурабадского РЭС.

АҲОЛИ МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАРҚАТИШ СЕРВИС МАРКАЗИ

2015 йил 13 март куни кечқурун Эштурди Раҳимов хонадонига «Самарқандгазтаъминот» унитар корхонасининг газдан фойдаланиш бўлими ходими Исомиддин Аbruев келиб Самарқанд вилоятида 4 та (ГНП) маркази қурилиши 2015 йилга режалаштирилганлиги тўғрисидаги, 2015 йил 17 февралдаги №27/41-сонли “Ўзтрансгаз”нинг факсограммасини кўрсатиб, қишлоқда аҳолининг кўплигини эътиборга олган ҳолда, ҳаракат қилиб шу марказнинг биттасини Жомда куриш таклифини киритди.

Э.Раҳимов 2015 йил 16 мартда «Марказгазтаъминот» унитар корхонасига бориб И.Аbruев билан биргаликда ташкилотнинг бош муҳандиси Қобил Ғаниев, қурилиш бўлими бошлиғи Нодир Жўрақуловлар биргаликда маслаҳатлашишди. Қ.Ғаниев Нуробод тумани ҳокимига 2015 йил 16 март санаси билан №896-сонли хатни тайёрлаб, Э.Раҳимовдан ҳужжатлаштириш ишларини тезлаштиришда амалий ёрдам беришини сўради.

Э.Раҳимов 2015 йил 17 мартда Нуробод тумани ҳокими ўринбосари Ўрол Санаев билан учрашди. Ў.Санаев туман архитекторига мазкур масала бўйича шуғулланиш топшириғини берди. Архитектор қурилиши режалаштирилаётган сервис объектининг жойини кўриш таклифини киритди. Э.Раҳимов туман архитектори билан биргаликда қишлоқдоши Содиқ Худойқуловнинг «Дамас» русумли автоуловида Жомга келди. Аҳолига қулай бўлиши эътиборга олинган ҳолда, қишлоқнинг ўртаси бўлган Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудидаги Жом мрамар карьери атрофидан жой танланди. Туман бош архитектори ернинг контурини аниқлаб харитадан нусха олиш, топотасвир қилиш таклифини киритди.

Э.Раҳимов 2015 йил 18 март куни Нуробод туманига бориб икки кун давомида сервис маркази қуриладиган жойнинг харитасидан нусха ва ер танлаш далолатномаларини олди. 20 март куни туман ДСЭНМ бош врачининг №4-04/171-сонли санитария-техник шартини, туман ИИБЭХТ бўлимининг №717-сонли хулосасини, туман ҳокимлигининг вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси номига ёзилган №01-2/5-185-сонли хатини олиб, уларни «Марказгазтаъминот» УК директори Ф.Қ.Бойжигитовга тақдим этди. У киши бу ҳужжатларни бош муҳандиси Қ.Ғаниев, қурилиш бўлими бошлиғи Н.Жўрақуловларга кўрсатишни маслаҳат берди. Н.Жўрақулов вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасига телефон қилиб, сервис маркази қурилиши учун бошқармага қандай ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлигини аниқлади: ер танлаш далолатномаси, туман ҳокимлигининг хати, ажратилган ер майдонининг харитаси ва топотасвири, жойнинг 4 та фотосурати, туман ер кадастри бўлимининг хулосаси, Жом ҚФЙнинг хулоса хати, туман йўл бўлимининг хулоса хати, туман ИИБЭХТ бўлимининг хулосаси.

Э.Раҳимов 2015 йил 20 март куни Тайлоқ туманида яшовчи топотасвирчи Асад ҳожига телефонда сервис маркази жойини топотасвир қилиб беришини

илтимос қилди. Асад ҳожи шу куни соат 11.30 да Жомга келиб топотасвир қилиб кетди. Э.Раҳимов 2015 йил 23 март куни Асад ҳожидан тайёрланган топотасвирни олиб ундан нусхалар кўчиртирди ва туман архитекторига тасдиқлатди. Талаб этилган барча ҳужжатларни тайёрлаб шу куни вилоят архитектура қурилиш бошқармасига олиб борди. Бошқарма ходими Ойбек Хўжанов 2015 йил 24 март куни ҳужжатларни кўриб, уларни Тошкентга «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтига розилик олиш учун жўнатиш кераклигини айтди.

2015 йил 24 мартда Э.Раҳимов “Марказгазтаъминот” УК бош муҳандиси Қ.Ғаниевга тайёрланган ҳужжатларни вилоят архитектура қурилиш бошқармасига топширганлигини, бироқ «Марказгазтаъминот» УКнинг бу объектни қуришга экологик хулоса бериш учун маблағи йўқ деб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлими бошлиғи Зафар Азимовнинг экологик хулоса бермаганлигини маълум қилди.

«Марказгазтаъминот» УК бош муҳандиси Қ.Ғаниев ҳақиқатан тўлаш учун корхонада маблағ йўқлигини айтиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси номига 2015 йил 23 мартдаги №982-сонли хатни беради. Э.Раҳимов Жом ҚФЙ таркибидаги Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудининг №456-контурида қурилиши режалаштирилаётган «Маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази» қурилиши учун ажратилаётган ер майдонига экологик хулоса бериш ҳақидаги хатни олиб вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими А.Муҳаммадиевга 2015 йил 24 мартда топширди ва «Марказгазтаъминот» УК маблағ тушиши билан пул кўчиришни маълум қилганлигини айтди.

Э.Раҳимов 2015 йил 11 апрелда Тошкентга «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтига қурилишга розилик олиш учун жўнатилган хатнинг жавобини олиш мақсадида «Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси»га мурожаат қилди. Бошқарма ходими Рустам Норқулов «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2015 йил 31 мартдаги №317/18-сонли хатидан нусха ва 2015 йил 27 мартдаги №03-15/32-169-сонли хулосасини берди. Хулосанинг 32-бандида уларга юборилган ҳужжатда вилоят бош архитекторининг имзоси йўқлиги қайд этилиб, шу туфайли қурилишга рухсат берилмаганлиги маълум қилинган эди. Ҳақиқатан бошқарма бошлиғи вилоятдан республикага жўнатилган 2015 йил 23 мартдаги №02-219-сонли хатга имзо қўйган, бироқ далолатномани имзоламаган эди.

Э.Раҳимов юзага келган вазиятга аниқлик киритиш учун 2015 йил 13 апрель куни эрталаб бошқарма ходими Ойбек Хўжановга учрашди. О.Хўжанов бошқармада сақланаётган ҳужжатларнинг аслини Э.Раҳимовга бериб, уларнинг тўғрилигини кўрсатди. Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи Норқул Содиқов келишувга имзо қўйиб ташкилот муҳрини босган. Шундан сўнг «Марказгазтаъминот» УКга бориб Қ.Ғаниевга маъмуриятнинг эътиборсизлик қилаётганини айтиб, унга Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 апрелдаги №03-371-сонли №26-йиғилиш баёнини кўрсатди. Унинг 10-бандида сервис қурилишининг шу йил тугалланиши кўрсатилган. Қ.Ғаниев Э.Раҳимовдан ҳужжатларнинг нусхаларини олиб Тошкентга «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ

бош лойиҳа-қидирув институти раҳбарияти номига 2015 йил 13 апрелда №1210-сонли хатни тайёрлаб берди. Шундан сўнг вилоят экологиясидан экспертиза хулосасини олиш учун борилганда, у ердаги мутахассис Зафар Азимов аввало ташкилот шартнома тузиши, кейин лойиҳа тайёрланиши ва бажарилган иш учун пул тўланиши кераклигини маълум қилди. Э.Раҳимов яна «Марказгазтаъминот» УКга қайтиб бориб раҳбариятга учрашди. Корхона директори Ф.Қ.Бойжигитов қурилиш бўлими бошлиғи Н.Жўрақуловга масала билан шуғулланиб, керакли ҳужжатларни тайёрлашни буюрди. Корхона ходими И.Абруев тайёрланган ҳужжатларни Тошкентга олиб борадиган бўлди.

2015 йил 15 апрелда И.Абруевга «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти бўлим бошлиғи Акрам Латипов вилоят бош архитекторининг ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномани имзолагани, лекин муҳр қўймаганлигини кўрсатди. Бу ҳақда И.Абруев телефон орқали Э.Раҳимовни хабардор қилди.

Э.Раҳимов 2015 йилнинг 20 апрелига қадар ҳужжатларни қайтадан тайёрлаб, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан олинган №02-269-сонли хат билан «Марказгазтаъминот» УКга топширди. Корхона маъмурияти хатни 2015 йил 15 апрель санаси билан расмийлаштириб берди.

Э.Раҳимов 2015 йил 22 апрелда тайёрланган ҳужжатларнинг Тошкентга олиб кетилган-кетилмаганлигини, экологик хулосани олиш учун унитар корхонанинг шартномани тузиб пул кўчирганлигини аниқлаш мақсадида «Марказгазтаъминот» УК бош муҳандиси Қ.Ғаниевга учрашди. Ҳужжатлар Тошкентга юборилган, бироқ шартнома тузилмаган эди. Э.Раҳимов шу куни шартномани тайёрлатиб, имзо ва муҳр қўйдириб, шу сана билан олинган №168-сонли хатга қўшиб вилоят экология бошқармасига топширди. Э.Раҳимов вилоят экология бошқармасига шартномани 2015 йил 24 апрелда №415-сон билан тасдиқлатди ва экологик хизмат учун 888000 сўм пул тўлови тўғрисидаги маълумотномани «Марказгазтаъминот» УКга топширди ҳамда Тошкентга юборилган ҳужжатларнинг тасдиқланишини тезлаштиришни талаб қилди.

2015 йил 28 апрелда «Марказгазтаъминот» УК капитал қурилиш бўлими бошлиғи Н.Жўрақулов ташкилотда пул йўқлиги туфайли маблағ кўчирилмаганлигини Э.Раҳимовга айтиб, Нуробод тумани газ ташкилоти ҳисобидан бўлса ҳам пул кўчириб туришни илтимос қилди.

Э.Раҳимов вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармасига бориб тегишли ҳужжатларни олиб келди ва «Марказгазтаъминот» УКдан 2015 йил 20 апрелдаги №271122-сонли факсограмма ва Ўзтрансгазнинг №198-сонли буйруғидан нусхалар олди.

2015 йил 12 майда вилоят давлат архитектура ва қурилиш бошқармасидан Жом ҚФЙ таркибидаги Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида «Газ маиший баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази»ни қуришга келишилганлик тўғрисидаги «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институтининг 2015 йил 28 апрелдаги №04-15/2-250-сонли хулосаси олинди.

2015 йил 19 майда туман ҳокимининг №262-К-сонли қурилиш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарорини ва ҳужжатларни «Марказгазтаъминот» УК

ходими Саттор Нарзиевга топширди. 2015 йил 20 май куни Саттор Нарзиев ҳужжатларни вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига АРТ топшириғини олиш учун топширилди. Телефон қилиб сўралганида шу соҳа бошлиғи Умар Исаев, «Марказгазтаъминот» УК шартнома тузгани йўқ, бажарилган иш учун пул тўлаши керак деган жавобни бергач, Э.Раҳимов Саттор Нарзиевга телефон орқали вазиятни айтиб ва Умар Исаевдан ҳужжатни тайёрлашни илтимос қилди. 2015 йил 4 июнда №401-сонли АРТ ҳужжатининг бир нусхасини олди ва «Марказгазтаъминот» УКга бориб 2015 йил 5 июнь №1789-сонли «Трансгаз» инжиниринг УК директори С.С.Жўраев номига Жомда «Аҳоли газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази» биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш тўғрисидаги хатини олиб 2015 йил 9 июнь куни Тошкентга «Лойиҳа» УК бўлим бошлиғи Миршод Шомировга топширди. 2015 йил 14 июнь куни Тошкентга телефон қилиб лойиҳа-смета ҳужжатларининг қачон тайёр бўлишини сўраганида ҳали «Марказгазтаъминот» УК буюртмани сўрамаганлигини айтишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 16 июнь куни «Марказгазтаъминот» УКга бориб бош инженер Қобил Ғаниевга ҳолатни тушунтириб, Тошкентга телефон қилдирди. Миршод Шомиров 17 июнь куни Самарқандга келишини ва лойиҳа-смета ишларини бошлаш топшириғини беришини айтди.

2015 йил 18 июнь куни соат 15:30 да «Марказгазтаъминот» УК бош инженери Қобил Ғаниев Э.Раҳимовга бугун Миршод Шомировни Тошкентга кузатганлигини, бир ҳафта ичида ҳужжатлар тайёр бўлишини айтди.

Э.Раҳимов 2015 йил 24 июнь куни «Трансгазинжиниринг» унитар корхонасига бориб Самарқанд вилояти бўйича куратор Бахтиёр Ғуломовга учрашди ва Жомда қурилиши режалаштирилган газ тарқатиш сервис маркази қурилиши ҳужжатларини сўради. Б.Ғуломов «Ўзбекнефтгаз» бошқарувининг қурилиш бўйича буйруғи чиқмаганлигини айтди. Э.Раҳимов у кишига АРТ ҳужжатларининг 2015 йил 11 июнда топширилганлигини билдириб, ҳозиргача ишга қўл урилмаган бўлса, қурилиш қачон бошланишини сўради ва сервис марказнинг 2015 йил 1 сентябргача ишга тушиши тўғрисидаги «Ўзбекнефтгаз» бошқарувининг 2015 йил 15 апрелдаги №198-сонли буйруғини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 мартдаги №26-сонли йиғилиш баёнини бериб, унга кўра сервис марказининг 1 октябргача ишга туширилиши кераклигини кўрсатди. Б.Ғуломов бошқарувга ҳужжатларни 25 июнь куни тақдим қилишини, ҳужжатлар 2015 йил 6 июлгача тайёр бўлишини, сервис марказда иморатлар қурилмаслигини, тайёр вагон-уй буюртма берилганлигини, марказнинг белгиланган муддатда тўлиқ ишга туширилишини билдирди.

Э.Раҳимов 2015 йил 30 июнь куни «Марказгазтаъминот» УКда бош инженер Қ.Ғаниев билан учрашиб, сервис маркази қурилишини бошлаш масаласини ва Тошкентга телефон қилиб буйруқ «Ўзтрансгаз»дан чиққанлигини билишни сўради. Тошкентдан Бахтиёр Ғуломов ГНПлар бўйича буйруқ чиққанлигини, ГНС бўйича буйруқ чиқмаганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2015 йил 6 июль куни Тошкентда «Ўзтрансгаз»га кириб сервис

маркази бўйича 2015 йил 10 июнда чиққан миллий холдинг компаниясининг №433-сонли буйруғини олиб, “Трансгазинжиниринг” УҚда Бахтиёр Ғуломов билан учрашди ва буйруқдани талаб қилинган ҳужжатлар тўлиқ топширилганлигини ва қурилиш қачон бошланишини сўради. Б.Ғуломов Республикада қуриладиган 17 та сервис маркази ҳужжатлари жамланганидан кейин маблағ ажратилиши ва қурилиш бошланишини, Жом сервис маркази лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлигини – вагон-уй, насос, атрофини ўраш учун тўсиқларга буюртма қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўрсатди.

Э.Раҳимов 2015 йил 28 июль куни қайтадан “Ўзтрансгаз”га бориб, Самарқанд вилояти куратори Б.Ғуломов билан учрашди ва нима сабабдан қурилишнинг бошланмаётганлигини ва “Ўзтрансгаз”нинг 2015 йил 10 июндаги №433-сонли буйруғининг бажарилмаслик сабабини сўради. Б.Ғуломов қурилишни сентябрь ойида бошлаш учун маблағ қидириляётганлигини айтди.

Э.Раҳимов 2015 йил 19 августда Нуробод тумани архивини ташкил қилиш бўйича Тошкентга борганида “Ўзтрансгазинжиниринг” компаниясига кириб, Жомдаги сервис маркази қурилиши учун жавобгар ходим Азимбек Усмоновдан қурилиш бўйича банкдаги ҳисоб рақамнинг “музлатилган”лигини билди.

Э.Раҳимов 2015 йил 3 сентябрь куни “Ўзтрансгаз” миллий холдинг компаниясига бориб, улардан 2015 йил 10 июндаги №433-сонли ва 2015 йил 15 апрелдаги №198-сонли буйруқларнинг бажарилмаётганлиги сабабини сўради. Улар бу масала бўйича бошқарув раиси ўринбосари Мурадулла Бошмановга учрашишни айтишди. Э.Раҳимов компанияда ички телефон 2-82 орқали М.Бошманов билан боғланиб, қабул қилишини сўради. У киши Э.Раҳимовдан масаланинг моҳиятини сўраганда, унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 мартдаги №26-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги ПҚ-2367-сонли қарори асосидаги йиғилиш баёни ва “Ўзтрансгаз” миллий холдинг компаниясининг 2015 йил 15 апрелдаги №198-сонли ва 2015 йил 10 июндаги №433-сонли буйруқлари Нуробод туман Жом қишлоғида бажарилмаётганлиги сабабини билиш учун келганлигини айтди.

М.Бошманов қабул чоғида компаниянинг эксплуатация бошқармаси бошлиғи Ҳикматуллаевни чақиртириб, масалага ойдинлик киритиб жавоб беришини айтди. Э.Раҳимов Ҳикматуллаев хонасида ундан масалага ойдинлик киритиб, ёзма жавоб беришини сўради. Ҳикматуллаев “Ўзтрансгазинжиниринг” лойиҳа институти билан ҳали буюртмачи шартнома тuzмаганлигини, шу сабабли лойиҳа ҳужжатлари охирига етмаганлигини айтиб, лойиҳа институти билан боғланди. Э.Раҳимов бу масалага ёзма жавоб беришини талаб қилди ва ундан “Жом қишлоғида газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази” қурилиши бўйича пудрат ташкилоти, ишга тушиш муддати, ажратилган ва режалаштирилган маблағ, қурилиш ишга туширилиш муддати тўғрисидаги ёзма маълумотни олди.

Э.Раҳимов 17 сентябрь куни Самарқанд вилояти «Марказгазтаъминот» УҚ да директор вазифасини бажарувчи Қобил Ғаниев билан учрашиб сервис маркази қурилиши тўғрисидаги вазият борасида суҳбатлашди. Қ.Ғаниев бу

масала билан бошқарма ходими Аъзам Бабалиев шуғулланаётганини, у ҳозир Тошкентда эканлигини айтиб, боғланиши учун унинг телефон рақамини берди.

Э.Раҳимовнинг қўнғироғига А.Бабалиев “Ўзтрансгаз”да шу масала билан шуғулланаётганлигини айтди. Э.Раҳимов “Ўзтрансгазинжиниринг” компаниясига қўнғироқ қилиб, қурилиш учун жавобгар Азимжон Усмонов билан гаплашди. У қурилиш учун кредит суммаси ҳужжатлари тайёрланаётганини, лойиҳа ҳужжатлари ниҳоясига етаётганини, яқин кунларда қурилиш бошланишини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2015 йил 22 сентябрда «Ўзтрансгазинжиниринг» компаниясига бориб ГНС қурилишининг бошланмаётгани сабабини бош инженер Бахтиёр Ғуломовдан сўради. У “Трансгаз” пул кўчирмаётганлигини айтгач, “Трансгаз” ходими Бекзод Охуновдан телефон орқали нима учун нотўғри маълумот берганлигини сўради. Б.Охунов “Трансгазинжиниринг” буюртма берса, шу бугун пул кўчирилишини айтди. Шу куни бир гуруҳ лойиҳачилар Самарқандга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида, жумладан, 2015 йил 23 сентябрь куни «Ўзтрансгазинжиниринг» компаниясидан лойиҳа бўйича бош инженер Анвар Маматов, қурилиш учун жавобгар Азим Усмоновлар, топотасвирчи Эркин Абдуллаев, Егор Лебедев соат 10.30 да Жомга келишди ва ГНС қуриладиган майдонни топотасвир қилишди. Улар Э.Раҳимовга 600 газбаллонини сақлайдиган сервис маркази лойиҳасидан бир нусха бериб, 10 октябрда қурувчилар билан келишларини айтишди. Топотасвир қилинган жойлар расмга тушириб олинди. Сувни Жом мармар каръери шўъба корхонасидан оладиган бўлишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 29 сентябрда Жом мармар шўъба корхонасининг “Ўзтелеком” Нуробод тумани телекоммуникация боғланмасининг №161-сонли техник хулосасини олиб, уни Самарқанд вилояти «Марказгазтаъминот» УКнинг факсограммаси орқали лойиҳа институтининг факсограммасига жўнатди.

Э.Раҳимов 2015 йил 13 октябрь куни “Ўзтрансгазинжиниринг” компаниясида Азим Усмонов билан учрашди. А.Усмонов лойиҳа бош инженери Анвар Маматовни чақиртириб, Э.Раҳимовга ҳолатни тушунтиришини айтди. Э.Раҳимов ажратилган маблағни сўради. А.Маматов маблағ тўлиқ ажратилганини айтиб, Э.Раҳимовни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таништирди ва лойиҳа бир-икки кунга кечикишини, яъни 14- ёки 15- октябрга тайёр бўлишини, шундан кейин Жомга келиб ишни бошлашини, агар ўзи кела олмаса тегишли ҳужжатларни почта билан жўнатишини айтиб, Э.Раҳимовдан уларни тегишли ташкилотлар раҳбарларига тасдиқлатиб, муҳр бостиришга ёрдамлашини сўради.

2015 йил 28 октябрь куни лойиҳа институтидан А.Маматов қўнғироқ қилиб, Самарқандга Комил исмли ходимнинг Жомда қуриладиган сервис маркази ҳужжатларини олиб боришини, Э.Раҳимовдан бу ҳужжатларни олиб алоқадор ташкилотларга тасдиқлатиб, муҳр қўйдириб, у кишига беришини сўради. Э.Раҳимов Самарқандга бориб, барча ҳужжатларни олиб 28-29 октябрь кунлари ташкилот раҳбарларига келишув актига имзо ва муҳр қўйдириб, Самарқандга олиб бориб лойиҳа институти ходими Комилга топширди.

2015 йил 4 ноябрда “Ўзтрансгаз”нинг 2015 йил 3 сентябрда берган маълумотномасини олиб “Ўзтрансгаз”га кирди. У ерда раис ўринбосари

Муродулла Бошмонов мутахассислар билан бирга киришини ва улар билан ички телефон орқали боғланишини айтди. Э.Раҳимов бу рақамлар билан боғланиб мутахассислар Эшонқулов Акмал, Собиров Зафарлар билан биргаликда қурилиш учун жавобгар Сиддиқжонованинг бўлимига киришди. Масала бўйича ярим соатлар қаттиқ тортишув бўлди. Сиддиқжонова маблағ йўқлигини, ҳозир М.Бошмоновга кирган билан натижа бўлмаслигини, маблағ масаласининг 2015 йил 20 ноябргача ечилишини маълум қилди.

Э.Раҳимовушбумасалаюзасидан2015йил9ноябрда“Ўзтрансгаз”бошқаруви раиси Махмудов Шукурулла Нодирхонович номига телеграмма берди. 2015 йил 30 ноябрь куни “Марказгазтаъминот”га бориб директор бўлмаганлиги сабабли капитал қурилиш бўлими бошлиғи Нодир Жўрақулов қабулига кириб, нима учун Жомда ГНС қурилиши бошланмаётганини сўради. У телеграмманинг “Марказгазтаъминот”га 2015 йил 10 ноябрда №18-3354-сонли хат билан “Ўзтрансгаз”дан М.Бошмонов имзоси билан келганлигини, хатга жавоб ва Э.Раҳимовга хатнинг нусхаси юборилганлигини маълум қилди. Э.Раҳимов хатнинг нусхасини олмаганлигини айтиб, ундан хат билан таништиришини сўради. Хатда, ҳақиқатан, қурилиш ишлари ҳозиргача бошланмаганлиги маълум қилинган эди.

Э.Раҳимов 2015 йил 10 декабрь куни “Ўзтрансгазинжиниринг” компаниясига бориб директор Жўраев қабулига кирмоқчи бўлди, у киши йўқлиги туфайли бош инженер Рустам акага кириб, Жомда қурилиши режалаштирилган ГНСнинг нима сабабдан бошланмаётганлигини сўраб, “Марказгазтаъминот”нинг 2015 йил 25 октябрдаги №3843-сонли хатини кўрсатди. У киши Музаффар Файзуллаевни чақириб ҳолатни айтди. М.Файзуллаев 2015 йил 10 декабрь ҳолатига АПЗ ҳужжатлари тайёрлигини, бош пудратчига берилганлигини ва маблағ йўқлиги сабабли ишнинг бошланмаётганини, шунинг учун қурилишнинг 2016 йилга ўтишини маълум қилди. Э.Раҳимов бу ердан чиқиб “INOX OIL SERVICES” ташкилотидан ГНС лойиҳа-смета ҳужжатларини олиб “Ўзтрансгаз”га борди. Бу жойдамасўлходимларСиддиқжонова,бошҳисобчисиваАкмалЭшанкуловларга 4 ноябрь куни қабулда бўлганлигини, 9 ноябрда Жомда ГНС қурилиши бошланмаётганлиги сабабли телеграмма берганлигини, ҳозиргача жавобни ололмаётганлигини тушунтирди. Улар Э.Раҳимовга “Ўзтрансгазинжиниринг” УКнинг 2015 йил 20 ноябрдаги “Ўзтрансгаз” бошқаруви раиси Ш.Махмудов номига ёзилган №02-01-2876-сонли хатини беришди. Унда Жомда қурилиши режалаштирилган ГНС ҳужжатлари тайёрлиги, лойиҳа-смета ҳужжатлари бош пудратчи “Нақл газмахсусқурилиш”га берилганлиги, шунингдек, қурилишни бошлаш учун 30 миллион сўм маблағ ажратилганлиги кўрсатилган эди.

Бош ҳисобчи Э.Раҳимовга 2015 йилнинг 14 декабрга қадар аниқ жавоб беришни ўз зиммасига олди. Э.Раҳимов масалага ойдинлик киритиш учун 2015 йил 11 декабрь куни “Ўзтрансгаз” МХҚда Зухриддин Аброров билан учрашиб “Ўзнефтгаз”нинг №433-сонли, “Ўзтрансгаз”нинг №107, №198-сонли буйруқларининг бажарилмаётганлик сабабини сўраб, тегишли барча ҳужжатларни кўрсатди. У ҳужжатларни кўриб чиқиб “Ўзтрансгаз”га телефон орқали жавоб хати тайёрлашни, бу объект қурилишини ўз назоратига олишини,

ҳозирда маблағнинг Каттақўрғонда қурилаётган ГНПга йўналтирилганини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 4 январь куни «Ўзтрансгаз»га телефон қилиб жўнатилган телеграммининг жавобини ололмаганлигини сўраганида улар жавоб юборилганлигини айтишди. Э.Раҳимов ушбу хатни факс орқали ташлаб беришларини сўради. 2015 йил 5 декабрда бошқарув раиси ўринбосари М.Бошманов имзоси билан ёзилган №02-05-260-1202/7535-сонли жавоб хатида Жом ҚФЙ ҳудудида 497 та газ баллони билан таъминланувчи хонадон борлиги, Жомда ГНС қурилишини бошлаш учун “Ўзтрансгазинжиниринг” УКга 30 миллион сўм ажратилгани маълум қилинган эди.

Э.Раҳимов Нуробод тумангаз филиалидан 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра 1247 хонадон газ баллонлари билан таъминланаётгани тўғрисидаги 2016 йил 4 январдаги №1-сонли хатни олиб М.Бошмановга юборди. 2016 йил 8 январь куни “Ўзтрансгазинжиниринг” УК ходими Азимбекдан телефон орқали қурилишнинг нима сабабдан бошланмаётганини сўради. У Э.Раҳимовга керакли жиҳозларни олиш учун “Нақл газмахсусқурилиши”га ноябрь ойида 30 миллион сўмнинг ўтказилганлигини билмаслигини айтиб, қурилиш раҳбари Жамшид ва бош муҳандиси Давронларнинг телефон рақамларини бериб, улар билан гаплашишини сўради.

Э.Раҳимов бош муҳандис Даврондан телефон орқали ҳақиқатан 30 миллион сўмлик керакли жиҳозлар Булунғур туманида турганлигини аниқлади. Э.Раҳимов 2016 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ибрагимов Т.И.), “Ўзбекнефтгаз” (Султонов Ж.), “Ўзтрансгаз” (Махмудов Ш.), “Ўзтрансгазинжиниринг” (Жўраев С.С.) номларига сервис маркази қурилмаётганлигининг сабабини сўраб телеграмма берди.

2016 йил 19 январда “Ўзтрансгаз”нинг бош ҳисобчисига телефон қилиб “Сервис маркази” қурилишини сўради. У Э.Раҳимовга “Трансгазинжиниринг” қурувчи билан шартнома қилаётганини айтиб, унинг ходими Азимбек билан боғлади. У ҳужжатлар тайёр бўлаётганини, қурилиш 31 мартгача тугалланиб, “Сервис маркази” тўлиқ ишга туширилишини айтди.

2016 йил 25 январь куни Жомдаги ГНС қурилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан “Ўзбекнефтгаз” МХК вакили, “Марказгазтаъминот”дан Бадалиев Аъзам, қурувчи Олим Ниязов ва қурилиш учун масъул Абдушукуров Ғофирлар Э.Раҳимовга қўнғироқ қилишиб келишаётганини айтишди. Э.Раҳимов уларни соат 12.40 да Жомда кутиб олиб қурилиши режалаштирилган майдонга олиб борди. Улар жойни кўришиб “Объектларнинг жойланишини билишимиз керак, лойиҳа-смета ҳужжатлари бизда йўқ”, дейишди. Э.Раҳимов объект бўйича 10 та лойиҳа ҳужжатларини берганда улар ҳайрон қолишиб, ГНС қурилишига доир ҳужжатлардан ва мурожаатлардан нусха олишди.

Мутахассислар 2016 йил 26 январь куни зарур техникалар келишини ва 27 январь чоршанба кунидан қурилиш бошланишини маълум қилишди, ишчиларнинг ётоқ жойи, сув ва бошқа масалаларда келишиб олинди. 2016 йил 27 январь куни Жиззах шаҳрида жойлашган “Жиззахмахсусгазсув” МЧЖ

ташкилотининг техникалари келиб, ГНС қурилишини бошлади.

2016 йил 19 февралда “Марказгазтаъминот”нинг “Ўзтрансгаз” бошқаруви раиси ўринбосари М.Бошманов ва Э.Раҳимовга ёзилган хат нусхасини, шунингдек, 2016 йил 20 февралда Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Назорат давлат инспекциясининг 2016 йил 1 февралдаги №02/09-250-сонли хатини олди.

Қурилишда Жом қишлоғидан 1-гурух: Манзаров Фахриддин, Юлдошев Қаҳҳор, Қодиров Санжар, Нишонов Аслиддин. 2-гурух: Жалилов Толиб, Жалилов Самад, Бегимов Шуҳрат, Ражабов Ботир, Қаршиев Озодбек. 3-гурух: Сарикўл қишлоғидан Ортиқов Адҳам, Пирназаров Қурбонали, Баҳриев Ёқуб, Сафаров Ҳасан, Холмуродов Обидлар ишлашди. Экскаваторчи – Хўжақулов Собир.

Ишчиларни кундалик озиқ-овқат билан таъминлашда Гирдиқўрғон ва Жом маҳаллалари аҳолиси ҳашар уюштиришди. Бу тадбирни амалга оширишга Улуғов Мурод, Авазов Қосим, Шоволов Суюнлар бошчилик қилишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 3 июнда “Ўзтрансгаз”га бориб 4-10 телефонда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзгоснефтгаз” инспекциясининг 2016 йил 25 январдаги №02/09-182–сонли хатининг ижросини сўради. Уердан хатички расмийлаштириш билан №08-45-сон билан бошқарув раиси ўринбосари Бошманов Муродулла Абдувоитовичга юборилганлигини маълум қилишгач, улардан 1-59 телефон орқали хатнинг ижросини сўради. Улар Э.Раҳимовга “Ўзтрансгаз”нинг 2016 йил 5 февралдаги №02-05.27-33/682-сонли хатининг “Ўздавнефтгаз” инспекциясига юборилгани ҳақидаги хатдан нусха беришди. Бу хатда Жомдаги “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази” Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 6 январдаги №06/1-444-сонли топшириғига асосан 2016 йил 30 мартгача фойдаланишга топширилиши кўрсатилганлиги сабабли “Ўздавнефтгаз” инспекцияси назоратидан чиқариш назарда тутилган эди.

Э.Раҳимов шу куни “Ўздавнефтгаз” инспекцияси бош технологи Шуҳрат Норбеков қабулида бўлиб, қурилишнинг тўхтатилганлик сабабини сўради. Ш.Норбеков “Ўзтрансгаз”нинг 2016 йил 5 февралдаги хатига асосан назоратдан чиқарилганлигини маълум қилди. Э.Раҳимов унга қурилиш расмларини кўрсатганидан кейин “Ўзтрансгаз”га қўнғироқ қилиб, Баҳром Раҳмоновдан қурилиши тугалланмаган объектни нима сабабдан назоратдан чиқариш хатини берганлигини сўради. У бу ишга янгидан тайинланганини айтиб “Ўзтрансгазинжиниринг” АКга телефон қилишини айтди. Ш.Норбеков шу манзилга телефон қилгач, улар “Ўзтрансгаз” маблағ ажратса, қурилиш давом этишини билдиришди. Ш.Норбеков яна “Ўзтрансгаз”га – Б.Раҳмоновга телефон қилди. У киши аҳвол билан танишганини, маълумот нотўғри берилганлигини, 2016 йил 7 июндан маблағ ажратилишини, ой охиригача объектнинг ишга туширилишини маълум қилди. Шундан сўнг Ш.Норбеков Э.Раҳимовга телефон рақамларини бериб, хабарлашиб туришини, ишни шахсан ўзи назоратга олишини айтди.

Э.Раҳимов шундай нуфузли идоралар раҳбарларининг қонундан қўрқмасдан бажарилмаган ишларни бажарилди деб ҳукумат назоратидан чиқаришларига ҳайрон қолди.

Э.Раҳимов 2016 йил 30 июнь куни қурувчи Олим ака билан гаплашиб, пул берилмаётганлиги сабабли қурилиш чўзилиб кетаётганлигини аниқлагач, Самарқандга бориб Тошкентга “Ўзтрансгаз”, “Ўзнефтвергаз” МХК, “Трансгазинжиниринг”, “Нақл газмахсусқурилиш” акциядорлик компанияси ва унитар корхонаси раҳбариятига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига, Бош прокуратурага 2015 йил сентябрь, октябрь ойларида қурилиб, ишга туширилиши лозим бўлган Жомдаги “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази”нинг ишга тушмаслик сабабини сўраб 120 минг сўмлик қийматдаги телеграммаларни жўнатди. 2016 йил 7 июль куни Самарқандга бориб бош почтадан телеграммаларнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олди.

2016 йил 12 июль куни Э.Раҳимовга Самарқанд вилояти прокуратурасидан Азиз Ваҳобов қўнғироқ қилиб, 13 июль куни эрталаб вилоят прокуратурасига етиб келишини ва прокурор билан телеграммадаги масала бўйича суҳбат бўлишини маълум қилди. Э.Раҳимов тайинланган вақтда вилоят прокуратураси назорат бўлими катта прокурори Азиз Ваҳобов қабулида бўлиб, ГНСга доир барча ҳужжатларни унга тақдим этди. Азиз Ваҳобов 3 соат давомида ҳужжатларни ўрганиб, тегишли ариза лойиҳасини тайёрлаб, Э.Раҳимовга ўқиб чиқиб имзолаши учун тақдим этди. Э.Раҳимов аризани имзолаб берар экан, мансабини суиистеъмол қилаётган ташкилот раҳбарларига тегишли қонуний чора кўришларини ҳам сўради.

2016 йил 14 июлда “Нақлгазмахсусқурилиш”га қарашли махсус газтаъмир корхонаси Тўхтаев Жамшид раҳбарлигида иш бошлади, олдиндан ишлаб турган “Жиззахмахсусгазсув” МЧЖ қурилиш объектидан кетди.

Э.Раҳимов 2016 йил 30 июлда Бош прокуратурадан 2016 йил 1 июлдаги №10³/39-16-3024-сонли хатни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2016 йил 20 июль № 01/09-1727-сонли хатини олди.

Э.Раҳимов 2016 йил 1 август куни “Ўзтрансгаз”дан №02-04-17-123/4255-сонли 2016 йил 8 июлда рўйхатга олинган хатни олди. Бу тинчлантирувчи хат бўлиб, ҳали ишнинг 40 фоизи бажарилмагани ҳолда, 18 августга объект топширилади, дейилган эди.

2016 йил 23 августга қадар “Ўзтрансгаз” ва “Марказгазтаъминот” назоратчилари 2 мартадан келиб кетишган.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 августда Самарқанд вилояти прокуратурасидан 2016 йил 29 июлдаги №10/938-16-сонли вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Азимов О.Б. имзоси билан хат олди. Хатда мурожаатга нисбатан “Ўзтрансгаз” АК тизимидаги “Трансгазинжиниринг” унитар корхонаси директори С.С.Жўраев 2016 йил 10 августга қадар ГНС фойдаланишга топширилишини маълум қилганлиги ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида Нуробод тумани ҳокимига хат юборганлиги билдирилган.

Э.Раҳимов 2016 йил 15 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 6 апрелда қабул қилинган №26-сонли йиғилиш баёни назоратини билиш

мақсадида қабулхонада мудир Мирзаев Имомназар билан учрашди. У бу масалада “Ўзтрансгаз”, “Ўзтрансгазинжиниринг”, “Ўзнефтваз” МХКларга учрашиш кераклигини айтди. Э.Раҳимов ундан йиғилиш қарорининг назоратини талаб қилди. Иккаласи бир оз мунозара қилгач, шу соҳа бўйича масъул ходим Анвар Раупов чақирилди. Э.Раҳимов уларга тегишли ҳужжатларни кўрсатиб, ГНС қурилишининг ҳолатини баён қилди. Анвар Раупов нима учун вилоят мутасадди раҳбарларининг шуғулланмаётганлигини сўради. Шунда Э.Раҳимов “Улардан сўраш, талаб қилиш сизнинг вазифангиз”, деди. У Э.Раҳимовга трансгазга бориб раис ўринбосари Раҳмоновга учрашишини айтди. Э.Раҳимов унга Раҳмоновнинг 2016 йил 8 июлдаги №02-04-17-123/4255-сонли ва Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2016 йил 20 июлдаги №01/09-1727-сонли хатларини кўрсатди ва хатнинг ижроси йўқлиги сабабини улардан сўрашни талаб қилди. Шундан сўнг улар Э.Раҳимовнинг ёзма мурожаатини олиб, расмий равишда қайд қилиб беришди.

Э.Раҳимов 2016 йил 19 сентябрда Самарқанд “Марказгазтаъминот” бошлиғи Абдумалик Худойқулов қабулига кириб қурилишнинг нима сабабдан тўхтаганлигини сўради. У Тошкент маблағ масаласини ҳал қилмаётганлигини, “Нақлгазтаъмирқурилиш” УК раҳбари Жўраев Собир Сафаровичнинг масъулиятсизлиги жонига тегиб кетганлигини айтиб, “Бош прокураторга телеграмма беринг, зора бунга бир чора кўрса”, – деди. Э.Раҳимов Бош вазир номига ёзган мурожаатининг натижасини кутишини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 3 октябрда вилоят прокуратурасида Азиз Вахабовга мавжуд вазиятни баён қилди. У “Марказгазтаъминот”га қўнғироқ қилган эди, директор Абдумалик Худойқулов унга бошқарув раиси Ш.Махмудов шу ерда эканлиги, шу сабабли Э.Раҳимовнинг тез етиб келишини сўради.

Э.Раҳимов директор А.Худойқулов қабулига кириб, бошқарув раиси Ш.Махмудовнинг масалани ҳал қилишни “Нақлгазтаъмирқурилиш” УК раҳбари Жўраев Собир Сафаровичга қолдирганини аниқлади. С.С.Жўраев бошқарув раиси ўринбосари Раҳмонов имзоси билан Вазирлар Маҳкамасига, “Ўзбекнефтваз” МХК раиси ва Э.Раҳимов номига ёзилган хатнинг нусхасини берди. Хатда тўлиқ ахборот берилиб, 2016 йил 11 октябрда сервис марказининг ишга тушиши ёзилган эди. Э.Раҳимов С.С.Жўраев билан қаттиқ мунозара қилди, натижада у бир ҳафта муҳлатда сервис марказининг топширилишини ваъда қилди ва тегишли ҳужжатларни тезлаштиришни сўради.

Э.Раҳимов Нуробод тумангаз филиалидан Жомдаги “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази” учун тумангаз ҳисобидан 4 та штат бирлигини қисқартириш сўралган 2016 йил 5 октябрдаги №963–сонли хатни олиб “Марказгазтаъминот”га факс орқали юборди.

2016 йил 16 ноябргача ҳеч қандай ўзгариш бўлмагач, Э.Раҳимов Вазирлар Маҳкамасига бориб “Ўзтрансгаз”нинг Вазирлар Маҳкамасига 2016 йил 3 октябрда юборган №02-04-17-1831/5965-сонли хатнинг натижаси ҳозиргача йўқлигини айтди. Бу соҳа бўйича куратор Анвар Раупов Самарқандга телефон қилиб “Марказгазтаъминот”дан ҳолатни сўради, А.Худойқулов Тошкент пул

бермаётганлигини айтди, кейин у “Ўзтрансгаз”га телефон қилди ва менга 25 ноябрда сервис маркази ишга тушишини маълум қилди. 2016 йил 17 ноябрда техник назорат бўлими бошлиғи Эркин Саидмуродов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб 18 ноябрь эрталаб “Марказгазтаъминот”га келишини айтди. Э.Раҳимов айтилган муддатда бош директор А.Худойқулов, бош инженер Қ.Ғаниев, техник назорат бўлими бошлиғи Эркин Саидмуродов билан учрашди. Бош директор ҳозирда 200 дона газ баллонлари Жомга юборилганини, бугун Қўқондан яна 400 дона баллон келишини айтиб, Э.Раҳимовдан вилоят ХЭТК ОДС бўлимидан трансформаторни улашга рухсат олишни, ҳовузларга сув тўлдиришни ва 22 ноябрда фойдаланишга топшириш маросимига тайёргарлик кўришни илтимос қилди.

2016 йил 19 ноябрда Самарқанд ХЭТК ОДС бўлимидан электр учун масъул ходим Шухрат исмли йигит келиб, бу иш билан шуғуллана бошлади. Артезиан қудуғининг бошқарув тугмаси ишдан чиққанлиги сабабли уни топиб келиш учун Одил Худойқулов Самарқандга кетди. Э.Раҳимов қишлоқдошлари Авазов Қосим, Шарипов Файзулла, Хидиров Ҳайдарлар билан “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази”нинг очилиш маросимига доир ташкилий масалаларни келишиб олди. Шу куни кечаси Қўқондан 400 та газ баллони келтирилди, ГНС мутахассиси Худойқулов Одил Самарқанддан техника хавфсизлигига доир кўргазмали қуролларни, артезиан қудуғи учун зарур қисмни олиб келди. 2016 йил 20 ноябрь куни Жом карьеры артезиан қудуғидан ГНС сув ҳовузларини тўлдириш учун сув олинди. 2016 йил 20 ноябрь куни ГНС очилиши муносабати билан мавжуд 6 та маҳаллага 80 дона таклифнома тарқатилди.

2016 йил 22 ноябрь соат 11.00 да Жом “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази”нинг очилиш маросимида “Марказгазтаъминот” бош директори А.Худойқулов, бош инженер Қ.Ғаниев, қурилиш бўлими бошлиғи Н.Жўрақулов, технадзор Эркин Саидмуродов, қурувчи Аббос Жабборов, Нуробод тумангаз филиали директори Зайни Исоқов, “Ўзтрансгаз” вакиллари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати СамҚХИ ректори, профессор Т.Э.Остонақулов, проректори А.Ҳамзаев, профессор П.З.Давронов, доцент Собиржон Санаев, мавжуд 6 та маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари қатнашди. Маросим Жом қишлоғида яшаб ўтган, шу кунларни орзу қилган аждодлар руҳларига Қуръон тиловати билан бошланди.

Бу тўхфа учун Республика ҳукуматига, вилоят ҳокимлигига, қурувчиларга самимий миннатдорчилик изҳор қилинди. Меҳмонлар ва қурувчиларга эсдалик совғалари улашилди. “Турғун бобо” тўйхонасида бир пиёла чой устида тадбир давом эттирилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 декабрь куни Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудидаги Жом “Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази”нинг давлат қабули тўғрисидаги ишчи гуруҳ ҳайъатининг актидан ва “Ўзтрансгаз”нинг 2016 йил 20 сентябрдаги №573-сонли буйруғидан нусха олди.

Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш

сервис маркази қурилишига доир ҳужжатлар

**“Марказгазтаъминот” унитар корхонасининг 2014 йил
4 декабрдаги №2740-сонли Самарқанд вилояти
ҳокимлигига ёзган хати**

Вилоят ҳокимининг 2014 йил 22 ноябрдаги Нуробод тумани “Халқобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносига ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг 14-банди “Омондара” маҳалласида яшовчи Раҳимов Эштурди томонидан кўтарилган масала юзасидан Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида вилоятдан битта ISUZU автомашинаси билан 2015 йилнинг март ойига қадар тумангаз ихтиёрига ўтказилиши сўралган.

“Марказгазтаъминот” УК тасарруфида махсус автокорхона бўлиб, вилоят хонадонларига суюлтирилган газни марказлашган ҳолда ISUZU автомашиналари орқали етказиб берилади. Бугунги кунда Нуробод тумани маҳалларига суюлтирилган газни етказиб беришда 2 та ISUZU автомашина ажратилган. Зарурат бўлса қўшимча бир дона автомашина ажратиш имконияти мавжуд.

“Омондара” маҳалласида жами 399 та хонадон бўлиб, шундан 2014 йил ҳолатига “Нурободтумангаз” филиалидан маҳаллага 82 дона маиший газ баллонлари берилган.

Суюлтирилган газ билан таъминланаётган аҳоли хонадонлари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, маҳалла хонадонларига режалаштирилган маиший газ баллонлари вақтинча фойдаланиш учун таъминланади.

Директор Ф.Қ.Бойжигитов

«Тасдиқлайман»

**«Марказгазтаъминот» корхонаси директори
Ф.Қ.Бойжигитов**

**«Марказгазтаъминот» унитар корхонаси техник
кенгаш йиғилиши
БАЁНИ**

2015 йил 11 февраль Самарқанд шаҳри

Йиғилиш раиси: Ф.Қ.Бойжигитов – «Марказгазтаъминот» УК директори.

Қатнашдилар: Қ.Ганиев – «Марказгазтаъминот» УК бош муҳандиси.

В.Ҳалимов – «Марказгазтаъминот» УК директор ўринбосари.

Корхона бўлим ва хизмат бошлиқлари, филиаллар бош муҳандислари (рўйхат бўйича).

КУНТАРТИБИ

1. «Ўзтрансгаз» АКнинг 2014 йил 29 декабрдаги №27/376-сонли факсограммаси «Республика бўйича табиий ва суюлтирилган газ инфраструктурасини 2015 йилда истиқболли ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш» тўғрисида.

- Асфальтирования (2-слой) – выделены денежные средства но по причине дефицита битума изготовление асфальта задержано. Завод- производитель гарантирует выпуск асфальта до 10.10.2016 года.

Заместитель Председателя правления Б.С.Рахманов

**“Нурободтумангаз” филиалининг “Марказгазтаъминот” УК директори
А.И.Худойқуловга 2016 йил 5 октябрда ёзган №963-сонли хати**

“Нурободтумангаз” филиали Сизга ушбун и ёзиб маълум қиладики, “Ўзтрансгаз” АКнинг 2016 йил 3 октябрдаги №02-04-17-183/5 965-сонли хати га асосан Нуробод тумани Жом ҚФЙ Гирдиқўрғон МФЙ да газ баллонларни сақлаш ва тарқатиш сервис маркази қуриб битказилганлиги сабабли «Нурободтумангаз» филиалининг тасдиқланган штат бирлигидан 4 та аҳоли бўйича назоратчи (Нуробод шаҳар ҳудудидан 2 та, Нурбулоқ ҳудудидан 2 та) штатини қисқартириб, газ баллонларни сақлаш ва тарқатиш сервис марказига 4 та штат бирлиги уста – 1 та, чилангар – 1 та, қоровул – 2 та штати ажратишингизни сўраймиз.

“Нурободтумангаз” филиали бошлиғи З.Исаков

АО «Нақлгазмахсусқурилиш» филиал «Махсусгазтаъмир»

Акт рабочей комиссии по объекту:

«Строительство промежуточного склада на 600 баллонов сжиженного газа в КФЙ «Жом» Нурабадском районе Самаркандской области»

Ташкент-2016

ШИК 3.01.04-04

АКТ

Рабочей комиссии, о приемке в эксплуатацию законченного строительством объекта: «Строительство промежуточного склада на 600 баллонов сжиженного газа в КФЙ «Жом» Нурабадском районе Самаркандской области».

г.Ташкент»»2016г.

Рабочая комиссия, назначенная: АК «Ўзтрансгаз»

(застройщика), назначившей рабочую комиссию)

Приказом от 20 сентября 2016 года за № 573 руководствуясь правилами,

изложенными в ШНК 3.01.04-04

Установила

1. Генеральным подрядчиком филиал «Махсусгазтаъмир» АО «Нақлгазмахсускурилиш» Предъявлено к приемке в эксплуатацию законченное строительством объект:

Строительство промежуточного склада на 600 баллонов сжиженного газа в КФЙ «Жом» Нурабадском районе Самаркандской области

2. Строительство осуществлялось генеральным подрядчиком, филиал «Махсусгазтаъмир» АО «Нақлгазмахсускурилиш», выполнившим строительные, монтажные, сварочно-монтажные, земляные работы, общестроительные, благоустройство, противопожарный резервуар, склад сжиженного газа пустых и полных баллонов, ограждение территории сетчато-металлическими ограждениями.

3. Проектная документация на строительство разработана проектными организациями: ООО «INOXOilServices»

4. Строительство осуществлялось по проекту: 08/10/2015-3

5. Проектная документация утверждена АК«Узтрансгаз» УП Трансгазинжиниринг»

(наименование органа, утвердившего документацию на объект в целом)

«__» _____ 2015г. № _____

6. Строительно-монтажные работы осуществлены в сроки:

начало работ: июнь 2015 г. окончание сентябрь 2016 г.

Рабочей комиссии представлена следующая документация:

Реестр №10/8

(перечень документов в соответствии с: п.3.5 ШНК 3.01.04-04 или номер приложения к акту)

Указанные документы являются обязательным приложением к настоящему акту.

8. Здание, сооружение имеет следующие показатели:

Согласно проекту:

(мощность, производительность, производственная площадь, фотажность Уместимость и т.п.)

9. Технологические и архитектурно-строительные решения по заданию, сооружению характеризуются следующими данными: _____

(краткие технические характеристики по планировке, этажности основным матер, и конструкциям,

_____ (Инженерному и техническому оборудованию)

10. Оборудование установлено согласно актам о его приемке после индивидуального испытания и комплексного опробования рабочими комиссиями (перечень актов приведен в приложении к настоящему акту) в количестве:

по проекту 3 комплект

- фактически 3 комплект

11. Мероприятия по охране труда, обеспечению взрывобезопасности, пожаробезопасности, охране окружающей природной среды и антисейсмические мероприятия, предусмотренные проектом

(выполнена согласно проекту) _____

(сведения о выполнении)

Характеристика мероприятий приведена в приложении.....к акту.

12. Обеспеченность инженерными коммуникациями имеется

13. Выявленные дефекты и недоделки должны быть устранены в сроки, указанные в приложении №12/841 к акту

14. Общая стоимость объекта в текущих ценах:

Всего _____ тыс.сум, в том числе:

строительно-монтажных работ _____ тыс.сум

оборудования, инструментов и инвентаря _____ тыс.сум

Решение рабочей комиссии

Строительно-монтажные работы выполнены в полном объеме в соответствии с проектом, требованиями СНиП! 3.05.02.96 и «правил безопасности в газовом хозяйстве»

Строительство промежуточного склада на 600 баллонов сжиженного газа в КФИ «Жом» Нурабадском районе Самаркандской области.

Считать готовым для предъявления Государственной приемочной комиссии

Председатель комиссии:

Директор УП «Трансгазинжиниринг»: Джураев С.С.

Члены комиссии: Главный инженер УП «Марказгазтаъминот» Ганиев К.Т., Инженер 2-ой категории УП «Марказгазтаъминот» Боболиев А., Инженер ОТН УП «Трансгазинжиниринг» Саидмурадов Э., Директор ф-ла «Махсусгазтаъмир» Тухтаев Д.М., Мастер ф-ла «Махсусгазтаъмир» Хужаев Ш., ГИПООО «Inbox Oil Services» Мусаев О.М., Главный инженер «Нурободтумангаз» Хушвактов Н., "Начальник УПБ УВД Самаркандской области Амониллаев И.Ф., Санитарный врач СЭС Самаркандской области Ганиева М.Г., Региональный инспектор ГИ «Саноатгеотехназорат» Самаркандской области Худойбердиев У., Ведущий специалист. ГАСН Самаркандской области Хамраев Ж.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ

Жомдан 4Н513“и” Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўли

Жом ҚФЙнинг ваколатли вакили Э.Раҳимов 2014 йил 20 январда “Самавтойўл”га бориб 378-М автойўлининг (56 км) Чўнқаймиш қишлоғига кириш 4Н513“и” маҳаллий автомобиль йўлини (14 км) капитал таъмирлаш учун 2016 йил давлат дастурига киритиш таклифини берди. Шунингдек, йўлнинг ҳозирги аҳволи фототасвирини тақдим этди. “Самавтойўл” ҲЙФТ бошлиғи Рауф Исҳоқов фототасвирни кўриб, 4Н513“и”нинг капитал таъмирини 2016 йилнинг манзилли дастурига киритишни маъқуллади. 2016 йил вилоят бўйича 47 та объект манзилли дастурга киритилиши режалаштирилаётганлигини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 9 февралда “Самавтойўл” ҲЙФТга бориб масалага оидинлик киритилишини сўради. Директор Р.Исҳоқов “Ўзавтойўл” ДАКга ва Молия вазирлиги ҳузуридаги “Йўл жамғармаси фонди”га мурожаат қилишни

айтди ва “Ўзавтойўл” ДАКга 2016 йил 9 февралдаги №73-сонли Жом қишлоғи йўлини давлат дастурига киритиш ҳақидаги хатни берди.

Э.Раҳимов тегишли ҳужжатларни йиғиб, 2016 йил 15 февралда “Ўзавтойўл” ДАКга топширди ва у ерда Фозил Ражабов, Маҳмуд Жумабоев, Нуриддин Усмонов, Хамдам Юнусовлар билан учрашди. Улар хат бўйича компьютердан 4Н513“и” маҳаллий йўлни топа олишмади, шундан кейин ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Шухрат Назаров қабулига кирган Э.Раҳимов аҳволни баён қилди. Ш.Назаров Инвестицияларни шакллантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хамдам Юнусовга учрашиши кераклигини айтди. Э.Раҳимов у кишининг қабулига кириб ҳолатни тушунтирди. Хамдам Юнусов компьютерни кўриб, Самарқанд автойўли балансида бунақа рақамли автомобиль йўли йўқлигини айтиб, Самарқандга телефон қилди. У ердан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги №169-сонли қарори билан 4Н513“и” автойўли борлигини, “и” бандида Чўнқаймиш қишлоғига чиқиш (56 км) – 14 км ва 5-бандида Жом қишлоғига кириш (56 км) – 5 км деб кўрсатилгани айтилгач, ДАК компютерида “4Н” эмас, балки “4К” бўлиб хато ёзилганлиги аниқланди. Э.Раҳимов дарҳол шу қарордан нусха олди. Ташкилот йўл қурилиши бўйича ягона буюртмачи қилиб Самарқанд вилоят инжиниринг компанияси белгиланганлигини айтиб, шу тўғрида Республика Президентининг 25.10.2016 йил ПП–499-сонли қарорининг 3-иловасига асосан тартибни кўрсатди. Э.Раҳимов бу ҳужжатдан ҳам бир нусха олди.

2016 йил 16 февралда Э.Раҳимов Молия вазирлиги РЙЖга бориб директор ўринбосари Шухрат Даулетияровга йўлнинг аҳволига доир ҳужжатларни ва унинг электрон шаклини берди. Ш.Даулетияров ҳужжатларни компютерига киритиб, Э.Раҳимовга бу ишни вилоят ҳокимлиги ва инжиниринг компанияси 2016 йил манзилли дастурига киритиши зарурлигини айтди.

2016 йил 22 февралда Э.Раҳимов “Самавтойўл” директорига вазиятни тушунтирди. У киши эса 2016 йил учун берилган таклифлардан 32 та объектнинг маблағ етишмаганлиги сабабли олиб ташланганлигини маълум қилди. Э.Раҳимов ушбу таклифдан бир нусха олди. Дастурдан Жом йўли чиқарилмаган эди.

Э.Раҳимов “Ўзавтойўл” ДАК нинг 2016 йил 19 февралдаги №03/541-497-сонли хатидан нусха олди ва вилоят ҳокимлигидан Жом йўлини 2016 йил дастурига киритиш ҳақида хат беришини сўради. Улар Э.Раҳимовга 2016 йил 17 февралда вилоят ҳокими номига ёзилган №88-сонли хатни беришди. Э.Раҳимов ўша куниёқ вилоят ҳокимлигига “Ўзавтойўл” ДАК ва “Самавтойўл” ХЙФТ нинг хатларини топширди.

2016 йил 26 февралда вилоят ҳокимлигига бориб хатнинг натижасини сўраган Э.Раҳимовга хатни кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлиги қурилиш компаниясига юборишганини маълум қилишди. У ерда эса хат инжиниринг компаниясига юборилганини айтишди. Э.Раҳимов компания қабулхонасига кириши билан уни директор Сафаев Акмал Атаевич кулиб қарши олди ва “Бобо яна нима хизмат?”, – деди. Э.Раҳимов директорга Жом қишлоғи ички автойўлининг 1980 йилда қурилганини, шундан буён бир марта ҳам таъмирланмаганлигини, бу йўлни

2016 йил дастурига киритиш учун югуриб юрганлигини айтиб қўмак сўради. А.Сафаев ҳужжатлар ўзига келиб тушганлигини, Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармаси (РЙЖ) фонди дирекциясига хат беришини айтиб ходими Абдуғаффор Саримсоқовни чақирди ва ҳужжатларни унга бериб тезлик билан хат тайёрлашни буюрди.

Вилоят ҳокимлигида “Самавтойўл” ҲЙФТнинг Жом йўлини таъмирлашни назоратга олганлиги ҳақидаги 2016 йил 16 февралдаги №4/376-сонли назорат карточкаси мавжуд. Э.Раҳимов назорат карточка ва 2016 йил 9 мартда вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компаниясининг Молия вазирлиги ҳузуридаги РЙЖ дирекцияси номига ёзилган №01-697-сонли хатни тегишли ҳужжатлар билан биргаликда 2016 йил 11 мартда РЙЖ дирекциясининг директор ўринбосари Ш.Даулетияровга тақдим этди. Шу куни Э.Раҳимов шартномалар бўлими бошлиғи Жамшид Ярашев қабулида бўлди. У ҳамма ҳужжатлар билан танишиб, электрон шаклдаги тасвирларни олди ва қўнғироқлашиб туришларини, лекин бу йил маблағ танқислиги туфайли 7 км масофадаги йўлнинг дастурга тўлиқ киритилмаслигини, кейинги йилларда ҳар йили йўлнинг маълум километри қўшиб борилиб таъмирланишини тушунтирди.

Э.Раҳимовга 2016 йил 14 апрелда “Самавтойўл” ҲЙФТ ва инжиниринг компаниясида манзилли дастур шаклланиши бўйича ҳаракат бошланганлигини айтишди.

2016 йил 10 майда ягона буюртмачи инжиниринг компаниясида бўлган Э.Раҳимов, 2016-2017 йиллар учун РЙЖ ва “Ўзавтойўл” АКга вилоятдан берилган тахминий маълумот, яъни таъмирланадиган йўлнинг 35,9 км қилиб белгиланиб, унга 9 млрд. 800 млн. сўм сўралгани ҳақидаги ҳужжатдан нусха олишга муваффақ бўлади.

Э.Раҳимовга 2016 йил 11 май куни “Ўзавтойўл” ДАКда манзилли дастур бўйича Шуҳрат Даулетияров ва Жамшид Ярашевлар Самарқанд вилоятига 16,9 км йўлни таъмирлаш учун 4 млрд. сўм ажратилгани ҳақидаги маълумотни беришди.

2016 йил 13 майда “Ўзавтойўл” ДАК га борган Э.Раҳимов 2016 йилда Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компаниясига вилоят ва туманлар ичидаги умумфойдаланув автомобиль йўлларини РЙЖ фонди ҳисобидан 16,9 км. йўлни капиталтаъмирлаш манзилли дастурга киритилганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха олди.

Манзилли дастурга 4Н513“и” Чўнқаймиш қишлоғига кириш автойўлининг 0-2 километрини таъмирлаш киритилган эди.

2016 йил 17 майда Э.Раҳимов дастурни олиб вилоят инжиниринг компанияси лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Элмурод Суяровга учрашиб, лойиҳа ишларини бошлаш кераклигини айтди. У Самарқанд йўл-лойиҳа институти директори Зокиров Собирга қўнғироқ қилиб, 4Н513“и” автойўлининг 2 километрини лойиҳалаштиришини айтиб, Э.Раҳимовдан унга учрашишини сўради.

Э.Раҳимов С.Зокиров билан аввалдан таниш бўлгани учун тортинмасдан суҳбатлашиб, йўлнинг дастурга киритилганлигини энди лойиҳа ишларини бажаришга ёрдамлашишини сўради.

С.Зокиров Э.Раҳимовни қизғин табриклар, албатта ёрдамлашишини айтди.

2016 йил 25 майда институт ходимлари лойиҳа ишларини бошлаш учун Жомга боришларини айтиб, телефон рақамини берди.

2016 йил 25 май куни институтнинг 4 нафар ходимлари (гуруҳ раҳбари Соли Муқимов, мутахассислар Воси Муқимов, Шерали Шайматов, Сейимовлар) соат 10.00 да Жомга келишди. Уларни Э.Раҳимов қишлоқдошлар Назаров Ўктам, Ёрқулов Долилар билан бирга кутиб олиб, бажариладиган ишлардан 2 км масофадаги йўлни ўлчаб чиқишгач, ходимларни Ў.Назаров билан қолдириб, ўзи Ёрқулов Долининг машинасида туман йўл қурилиш бўлими (ТЙҚБ)дан Жом йўлининг нечанчи йил қурилгани ва категорияси ҳақидаги маълумотларни олиб келиш учун кетди. Чунки ушбу маълумотлар асосида йўлнинг лойиҳаси тузилиши ва тўкиладиган иссиқ ёки совуқ асфальт тури йўл лойиҳа институти томонидан белгиланиши ва РЙЖ дирекцияси бунга розилик бериши керак эди. Э.Раҳимов у ерда директор Акбар Қувондиқов Самарқандга, ундан кейин Жомбойга боришини билиб унга телефон қилди. У киши муҳр ўзида эканлигини, Жомбойдан қайтишида Жомга кириб, лойиҳачилар билан учрашиб тегишли маълумотларни беришини айтди. Нурободдан қайтиб келган Э.Раҳимов лойиҳачиларни овқатлантириб. Жом касб-ҳунар коллежи ётоқхонасига жойлаштирди.

2016 йил 26 май куни режалаштирилган ишларни бажарган лойиҳачилар қайтиб кетишди. 2016 йил 27 май куни Э.Раҳимов телефонда ТЙҚБ директори Акбар Қувондиқов билан мунозара қилиб тегишли маълумотни кечқурун олишга муваффақ бўлди. Бу маълумотлар 2016 йил 28 май куни йўл-лойиҳа институтига топширилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 6 июнда йўл-лойиҳа институтига бориб тўпланган ҳужжатлардан нусха олди. Ҳужжатда автомобиль йўлининг эни 10 м бўлиши, асосига 21 см шағал тўшалиши, 1-қатламга 5 см, 2-қатламга эса 7 см асфальт ётқизилиши, 3та бекат қурилиши, 4та қувур ўрнатилиши режалаштирилган.

Э.Раҳимов 2016 йил 14 июнь куни Самарқанд йўл-лойиҳа институтига бориб 4Н513“и” йўналиши бўйича 2 км йўлнинг капитал ремонт учун бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатлари билан танишиб, ундан нусха олди. Директор С.Зокиров сметани “Самавтоўл” инжиниринг компанияси, СамДАИ раҳбарлари имзолагач, Республика ЙЖФга топширилишини, бунинг учун 25 июнларгача кутиш кераклигини маълум қилди.

2016 йил 30 июнь куни Э.Раҳимов Самарқандда Йўл-лойиҳа институтига кириб 4Н513“и” автоўлининг 2 км.лик лойиҳа-смета ҳужжатларини олди, унинг баланс қиймати 1.643.839 минг сўмни ташкил этган. Шу куни ҳужжатнинг асл нусхаси Молия вазирлиги қошидаги РЙЖ фондига экспертиза қилиш учун юборилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 14 июлда “Йўл-лойиҳа” МЧЖга бориб, эксперт-хулоса ҳужжатларини олди.

2016 йил 14 июлда Самарқанд ХВДААЙСИТФК раҳбари Якубов имзоси билан №601-сонли хатда 4Н513“и” Чўнқаймиш қишлоғига кириш автойўлининг 2 км.ни тўла таъмирлаш учун битум маҳсулоти беролмаслигини маълум қилган хатни олди. Йўл-лойиҳа МЧЖ директори С.Зокиров инжиниринг компаниясига ва Э.Раҳимовга РЙЖ фондига бориб йўл қуриш учун битум ва транспорт харажатларини ўзгартиришни, акс ҳолда йўл қурилиши қолиб кетишини хабар берди.

2016 йил 19 июль куни Э.Раҳимов РЙЖ фондида бўлим бошлиғи Ғулом Муродов, Саидносир ва бошқа ходимлар билан масалани муҳокама қилди. У ерда барча ҳужжатларни, шунингдек, йўлнинг электрон тасвирини тўлиқ кўрсатди. Улар тасвирларни атрофлича ўрганиб, “Самарқанд йўл-лойиҳа” МЧЖ тайёрлаган эксперт-хулосани бекор қилиб, смета бўйича хулоса беришини ва лойиҳанинг олдин белгиланган қиймати ўзгармасдан қолишини, ушбу хулосани факс орқали юборишларини директор С.Зокировга телефон орқали маълум қилишди.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 июль куни Республика Молия вазирлиги ЙЖФ директори Ш.Даулитяровга телефон қилиб 4Н513“и” йўлининг 0-2 км.ни капитал таъмирлаш эксперт-хулосасини тезлаштиришини илтимос қилди. У киши 23-24 июлларга тайёрланиб Самарқандга юборилишини айтди.

2016 йил 29 июль куни Э.Раҳимов “Самавтойўл” МЧЖ га телефон қилди, директор эксперт-хулоса келганлигини, вилоят давлат архитектура қурилиш бошқармасига йўлнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ва РЙЖФнинг эксперт хулосасини топширганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 1 августда институтга бориб эксперт-хулосадан нусха олиб, сўнгра вилоят архитектура қурилиш бошқармасига бориб тегишли ҳужжатларни сўради. Улар инжиниринг компаниясининг ҳали мурожаат қилмаганлигини айтишди. Э.Раҳимов инжиниринг компаниясига кириб бўлим бошлиғи Элмурод Суяровдан олдиндан тайёрланган №01-1497-сонли хатни олиб бошқарма экспертиза бўлими бошлиғи Сулаймон Бақоевнинг олдига кирди. У дарҳол хатни имзолаб ходимларига ишни тезлатишни тайинлади. Э.Раҳимов ҳолатни С.Зокировга телефонда баён қилиб ҳужжатларни олишини сўради. Шундан кейин инжиниринг компанияда йўл масаласи бўйича тендер ва маблағ масаласи билан шуғулланди. Бўлим бошлиғи Абдуғаффор Саримсоқов Самарқанд вилоят ҳокимлигига хат киритилганлигини, бугун-эрта хатнинг жавобини олиб Вазирлар Маҳкамасига боришини, ҳужжатлар тайёр бўлгач, тендер ўтказилишини айтди.

Э.Раҳимов вилоят ҳокимлигига ёзилган хатдан нусха олади. Унда вилоятга 16 км йўл учун 10.341 млн. 554 минг сўм, шундан 4Н513“и” автомобиль йўлининг 0-2 км учун 1.643.839 минг сўм ажратиш сўралган эди.

2016 йил 15 августда Э.Раҳимов “Самавтойўл” лойиҳа институтига бориб 4Н513“и” автойўлининг 0-2 км.ни капитал таъмирлаш бўйича Самарқанд вилояти архитектура ва қуриш бошқармасининг 2016 йил 3 августда тасдиқланган №939-2016-сонли эксперт хулосасини олди. Вилоят инжиниринг компаниясига бериб йўлнинг

тендерга қўйилиши ҳақидаги ҳужжатларни сўради. Шунингдек, танловни ўтказиш тўғрисидаги вилоят давлат-архитектура, қурилиш бошқармаси вилоятда қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг матбуотга берган маълумотномаларидан нусха олди.

2016 йил 16 августда “Ўзбекистон овози” газетасининг №95-сонида танлов эълон қилинди.

2016 йил 19 сентябрда Э.Раҳимов вилоятда танлов савдоларини ташкил қилиш ҳудудий консалтинг марказига кириб тендер масаласини сўради. Бўлим бошлиғи Зиёдулла ака йўлни тендерда ютиб олиш учун “Ғайтуруз Ҳамкор” фирмаси, Самарқанд кўприкларни таъмирлаш корхонаси билан яна бир фирма ҳужжат топширганини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 26 сентябрда қайтадан тендер масаласини сўраганида, 23 сентябрда тендер ўтганлигини, Самарқанд кўприкларни қуриш ва таъмирлаш корхонаси ютиб олганини, энди шартнома тузилиб Тошкентга РЙЖ фондига юборилишини, РЙЖФ пул ажратгандан кейин 15 октябрлар атрофида иш бошланишини маълум қилишди. Э.Раҳимовнинг қўнғироғига корхона раҳбари Аҳад Ўроқов ҳам шу жавобни берди.

Э.Раҳимов 2016 йил 30 сентябрда танлов савдоларини ўтказиш консалтинг марказига бориб Лош №672 Нуробод туманидан ўтувчи 4Н513“и” А-378М автомобиль йўлининг (56 км) 0-2 км Жом қишлоғига кириш қисмини капитал таъмирлаш тўғрисидаги 2016 йил 3 сентябрь йиғилиши баённомасидан нусха олди. Унда автомобиль йўлини капитал таъмирлашни Самарқанд КХСИТФК ташкилоти ютиб олган бўлиб, қурилиш муддати 145 кун қилиб белгиланган эди.

2016 йил 3 ноябрда Э.Раҳимов ташкилот раҳбари Аҳад Ўроқов билан учрашиб ҳолатни сўради. У маблағ танқислиги сабабли ҳозиргача маблағ ажратилмаганлигини маълум қилди.

Жом ички автомобиль йўлини таъмирлашни 2016 йил 14 декабрь танловида ютиб олган Самарқанд КХСИТФК фирмаси томонидан 15-16 декабрь кунлари диаметри 700 мм, узунлиги 12 м бўлган 7 дона темир қувурлар келтирилиб йўл қурилиши ишлари бошланди. Қурувчиларга тушлик овқатларни хонадонларда тайёрлатиш Гирдиқўрғон МФЙ оқсоқоли Қосим Авазов зиммасига юклатилди. Йўл қурилишида Жом маҳалласида яшовчи Фаррух Холмўминовнинг “Камаз” русумли автомашинаси ва экскаваторидан ўзаро келишув асосида фойдаланиладиган бўлди.

2017 йилнинг 20 февралига қадар қирлар қирқилиб йўлнинг эни 10 метрга келтирилди, белгиланган жойларга қувурлар ётқизилди, текислаш учун тупроқ-граверлар тўкилди, бироқ маблағ етишмовчилиги туфайли ишлар тўхтади.

2017 йил 27 февралда РВМ нинг №38-сон протоколи билан йўл қурилиши учун 1 миллиард 502 миллион сўм маблағ ажратилди. Март ойида буюртмачи ва бажарувчи томонидан манзилли дастур шакллантирилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 16 майда Қосим Авазов ва Жўрабек Муродовлар билан Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари А.Ўрақовдан ҳали маблағнинг ажратилмаганлиги, сабаби Республика Президентининг Республика автйўл компаниясини қайта ташкил қилиш бўйича қарорни

имзолаганини, раҳбарият шакллантирилаётганлигини билди. Э.Раҳимов шу жойда Президентининг Республика автойўл компаниясини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қароридан, унинг ижросини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий автойўллардан фойдаланиш ташкилотининг 2017 йил 21 февралдаги №18-сонли буйруғидан нусха олди. Буйруқнинг 5-бандида Самарқанд вилоят ҳудудий автойўллардан фойдаланиш ташкилоти пудратчи ташкилот ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинган эди. Шунинг учун А.Ўрақовдан Самарқанд вилоят ҳудудий автойўллардан фойдаланиш ташкилоти раҳбари К.К.Ҳасанов номига 2017 йил 15 майда ёзилган №83-сонли хатдан нусха олиб, шу куни унинг қабулида бўлди. К.К.Ҳасанов бош инженер ва қурувчи билан биргаликда масалани муҳокама қилди. Тошкентга телефон қилиб Республика автомобиль йўллари давлат қўмитасининг янги устав ва низоми ишлаб чиқилиб қўмита раисига киритилганлиги, бироқ имзодан чиқмаганлигини аниқлади. Э.Раҳимов тегишли идораларга мурожаат қилишини айтиб, уларни огоҳлантирди.

Э.Раҳимов 2017 йил 16 майда қурилиш ташкилоти раҳбаридан №84-сонли хатни олиб вилоят инжиниринг компаниясидан қурилишнинг тўхтаганлиги сабабини сўради. Бўлим бошлиғи А.Саримсоқов маблағ тақсимоли йўқлиги туфайли ишнинг тўхтаб турганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 23 майда Республика умумий фойдаланишдаги автойўлларни қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси бўлим бошлиғи Улуғбек Қунишевга Жом қишлоқ аҳолиси мурожаатини топширди. У.Қунишев мурожаатни ўқиб чиқиб “Икром Исроиловга учрашинг” деди.

Э.Раҳимов Жом йўлига тегишли барча ҳужжатларни И.Исроиловга кўрсатди. У Самарқанд КХТФК раҳбари А.Ўрақов ва А.Саримсоқовларга телефон қилиб, улардан ҳозиргача ишга алоқадор ҳужжатларнинг топширмаганлик сабабини сўради. Улар ҳужжатларнинг Самарқанд вилояти бўйича вакил Абдираим Умаровга берилганлигини айтишди.

И.Исроилов Э.Раҳимовга директорнинг келишини кутиб унга кириши кераклигини билдирди. Э.Раҳимов соат 15.00 да директор Дилшод Шукуров қабулига кириб, масалани баён қилиб, мурожаатни топширди. Директор ташкилотнинг янги ташкил этилганлигини, 10 кун ичида мурожаатга жавоб берилишини, бироқ Самарқанд вилояти тегишли ҳужжатларни топширмаганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2017 йил 26 майда Қосим Авазов ва Доли Ёрқуловлар билан биргаликда қурувчи Самарқанд КХТФКдан инвентаризация акти ва қайта ҳисобланган йўл лойиҳаси актини олиб инжиниринг компаниясига боришди ва бўлим бошлиғи А.Саримсоқовдан йўл қурилиши ҳужжатларининг Тошкентга топширилмаётганлиги сабабини сўрашди. А.Саримсоқов Тошкентдан вакил келиб йўлни ўлчаб олиши, бажарилган ишлар далолатнома билан қабул қилиниши кераклигини, шу туфайли ҳужжатларни юбориш кечикаётганлигини, 2017 йилнинг 1 юнига қадар барча ишлар ҳал бўлишини тушунтирди.

Э.Раҳимов “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси”га 2017 йил 23 майда топширган мурожаатига

2017 йил 7 июнда №77-сонли жавоб хатини олди. Хатда Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ДУК (Давлат унитар корхонаси)га ўрнатилган тартибда барча ҳужжатлар топширилганидан кейин шартнома тузилиши мумкинлиги билдирилган эди.

Э.Раҳимов 2017 йил 12 июнда ушбу хатни инжиниринг компаниясида А.Саримсоқовга ўқиб чиқиб жавоб беришини таклиф қилди. У барча ҳужжатларни ДУК бош мутахассиси Абдураим Умаров март ойида олиб кетганлигини айтди. Э.Раҳимов ундан Республика автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва ДУК дирекцияси номига хат беришини талаб қилди.

А.Саримсоқов компания директори А.А.Сапаев билан маслаҳатлашиб 2017 йил 12 июнь санаси билан сўралган хатни №01-1317-сон билан тайёрлаб берди. Унда барча тегишли ҳужжатларнинг А.Умаров томонидан март ойида олиб кетилганлиги, шартнома тузиш учун вакилнинг келмаётганлиги кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов Жом қишлоғи йўл қурилишининг икки йилдан буён бошланмаётганлиги сабабини аниқлаш мақсадида тайёрланган жамоа хатини 2017 йил 16 июнда Республика “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ва Республика бош прокуратурасига топширди.

ДУК маъмурияти хат билан танишиб Самарқанднинг тегишли ҳужжатларни бермаганлигини, жумладан, А.Умаров ҳам бундай ҳужжатларни олмаганлигини айтди. Э.Раҳимовуларга Самарқанддан берилган №01-1317-сонли хатни кўрсатиб қаттиқ мунозарага киришди. Шунда ДУК бош мутахассиси А.Умаров Э.Раҳимов қўлидаги жамоа мурожаат нусхасига имзо қўйиб, 2017 йил 20 июнда Самарқандда қурувчилар билан биргаликда масалани ҳал қилишини маълум қилди. Э.Раҳимов ундаги йўлнинг бажарилган ишлари бўйича тузилган далолатномадан, вилоят ҳокимлиги ва буюртмачи ташкилотлар номларига 2017 йил 13 июнда ёзилган №154-сонли хатдан нусха олди.

Э.Раҳимов 2017 йил 16 июнда Вазирлар Маҳкамасидан 2017 йилда қурилиши режалаштирилган автомобиль йўллари масаласига бағишланган 2017 йил 6 июндаги №108-сон йиғилиш баённомасидан нусха олди. Унда 2017 йилнинг 1 июнь ҳолатига қолдиқ пул миқдорларини аниқлаш кўрсатилган эди.

Ҳақиқатан 2017 йил 20 июнда А.Умаров Самарқанд инжиниринг компаниясига келиб қурувчи ва буюртмачилар билан биргаликда учрашув ўтказди. Ярим соатлик кескин мунозаралардан сўнг А.Умаров Э.Раҳимовнинг қўлини олиб, “Бобо, сизнинг тинимсиз югуришларингиз бўлмаганида йўлларингизнинг қурилиши пул танқислиги туфайли бу йил режасидан қолиб кетар эди, элим деб югураётган сизга раҳмат, ишни бўшаштирманг, мен ҳам ёрдам қиламан” деди.

Э.Раҳимов 2017 йил 28 июнда Самарқанд КФУК директори А.Ўрақовдан йўлга доир ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномасидан нусха олди ва Республика ДУК директори Д.Шукуров 2017 йил 22 июнда имзолаган №253-сонли хатдан факс орқали нусха олди. Бу хатда 2017 йил 30 июнга қадар йўлга доир ҳужжатлар белгиланган тартибда ДУК га келиб тушса, таъмирлаш

ишларининг бошланиши кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов А.Ўрақовга шартнома тузиш ишларини тезлаштиришини, 2017 йил 15 июлда виртуал қабулхонага мурожаат билан чиқишини айтди.

2017 йил 2 августда Э.Раҳимов Республика автомобиль йўллари давлат қўмитасига бориб, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 июнда департамент бошлиғи Н.Маҳкамов имзолаган №18-8-8/8878-сонли хатни сўради. Қабулхона Вазирлар Маҳкамасига қўмитанинг ДУК директори Д.Шукуров имзоси билан келган 2017 йил 29 июндаги №288-сонли жавоб хатни кўрсатишди. Э.Раҳимов бу хатдан нусха беришларини ва ўзининг нима учун жавоб хати олмаганлигини сўради. Шундан кейин қабулхона ходимлари 2017 йил 22 июнда ёзилган №253-сонли хатни излаб топишди. Шундан сўнг Э.Раҳимов Вазирлар Маҳкамаси ходими Шарофиддин Галтемиров билан учрашди. У автомобиль йўллари давлат қўмитасига қўнғироқ қилиб, нима учун хатнинг ҳозиргача жўнатилмаганлиги ва маблағнинг ажратилмаганлиги сабабини сўради. Сўнгра ДУК бош инженери Алишер Ҳақбердиев билан гаплашганлигини, 2017 йил 3 август эрталаб у билан Э.Раҳимовнинг учрашиши кераклигини маълум қилди.

2017 йил 3 август соат 10.00 да А.Ҳақбердиев қабулига кирган Э.Раҳимов йўлга тегишли барча ҳужжатларни кўрсатди. У А.Умаровни чақириб нима учун ҳозиргача шартнома тузилмаганлигини ва маблағ ажратилмаганлигини сўради. А.Умаров ишнинг шу бугун ниҳоясига етишини билдирди. Шунда Э.Раҳимов “нима учун бевосита ўзларингизга тегишли бўлган мазкур масала билан қизиқмайсизлар, ҳар келганимда иш шу бугун битади деб жавоб берасизлар” деди. Улар шу бугун тегишли ҳужжатлардан нусха беришларини айтишди. Соат 18.30 да ваъда қилинган ҳужжатларни беришди. Ҳужжатларни ўрганган Э.Раҳимов декабрь ойида қандай асфальт бўлади, деди. Шунда А.Умаров “агар қурувчи ажратилган 1,600 млн сўм маблағни август ойида ўзлаштира олса, шу ойда ҳисоб-китоб қилиб пулни тўлаймиз”, деди. Э.Раҳимов ундан қурувчи А.Ўрақовга телефон қилиб масалани айтишини сўради.

Э.Раҳимов 2017 йил 8 августда қишлоқ вакиллари билан биргаликда қурувчи А.Ўрақовга тегишли ҳужжатларни кўрсатди. У 2017 йилнинг манзилли дастури шаклланмаганлиги туфайли маблағ йўқлигини айтди. Э.Раҳимов қаттиқ мунозарага киришиб Республика прокуратурасига мурожаат қилишини билдирди. Шунда А.Ўрақов Э.Раҳимовдан ўтиришини илтимос қилди. Э.Раҳимов А.Умаровга қўнғироқ қилиб манзилли дастурни сўради. У манзилли дастур тайёр бўлганлигини, молиялаштириш ишлари бораётганлигини айтгач, қурувчи билан гаплашинг деб телефонни унга берди. Улар гаплашиб бўлишгач, А.Ўрақов бош ҳисобчини чақирди. У 2017 йил 8 августда манзилли дастур келганлигини айтди. Қаттиқ аччиқланган Э.Раҳимов “сизларга ўхшаган масъулиятсиз, ёлғончи раҳбарлардан жамият қачон қутулади” деб шериклари билан хонадан чиқди. А.Ўрақов улар билан йўлгача бирга чиқиб, узр сўраб кузатди ва қурилишни тезлаштиришини айтди. Э.Раҳимов “халқдан қўрқмасанг ҳам, худодан қўрқ”, – деди.

Э.Раҳимов телефон орқали 2017 йил 12 августда ДУК Молия бошқармасидан белгиланган маблағнинг бир қисми 11 августда кўчирилганлигини аниқлади.

Қурувчи А.Ўрақов 14 августда иш бошланишини маълум қилди. Э.Раҳимов ишлар шундай кетса келажак нима бўлар экан деб, узоқ хаёлга чўмиб, кўзидан сизиб чиқаётган ёшларини арта бошлади. Чунки 2 йилдан буён йўлнинг 2 км қисмини таъмирлаш иши шунчалик қийин бўлса, қолган қисми нима бўлади деб ўйларди.

Ҳақиқатан, 2017 йил 14 августда Жомнинг ички 2 км йўлига шағал тўшаш ишлари бошланди. Бу ишлар 2017 йил 4 октябрда якунланди, унда 1 та экскаватор, 1 та скрепер, 2 та автомашина, 1 та шағални зичлаш техникаларидан фойдаланилди.

Битум маҳсулотининг йўқлиги туфайли иш яна 2017 йил 7 ноябрга қадар тўхтади. Бироқ шу муддатда йўл четига қўйиладиган бордюрлар, бекатларга ўрнатиладиган темир-бетон ашёлар келтирилди.

2017 йилнинг 11 ноябридан 4 декабрга қадар йўлнинг 700 метр қисмига 5 см қалинликда асфальт ётқизилди. Битум йўқлиги, ёғингарчилик ва ҳаво совиб музлаш бошланганлиги учун ишлар 2018 йилнинг апрель ойига қадар тўхтатилди.

Йўлнинг қолган 1300 метр қисмига 2018 йилнинг 27 июнидан 3 июлига қадар асфальт ётқизилди. Бундан ташқари, "Обод қишлоқ" дастури муносабати билан қўшимча равишда Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида 1,5 км, Жом маҳалласи ҳудудида 2,5 км, жами 6 км йўл асфальтланиб, аҳоли фойдаланишига топширилди.

Жомдан 4Н513"и" Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлига доир ҳужжатлар

ДАЛОЛАТНОМА 2013 йил 15 февраль, Жом қишлоғи

Бизларким ушбу далолатномани тузиб имзоловчилар Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзов, фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи Б.Бойбўриев, "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси Нуробод бўлими бошлиғи О.Тожиев, Жом қишлоқ оқсоқоли Э.Раҳимов, Нуробод ТИХПТФК директори Р.Ҳаитов, бош муҳандис А.Қувондиқов, ИЧБ бошлиғи С.Алимов, бош мутахассис У.Хушбақов, №291-сон Йўл бўлими бошлиғи У.Атамуродовлар тузамиз шу тўғридаким, ҳақиқатдан ҳам жорий йилнинг 5 февраль куни Жом қишлоғи ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғига кириш (56 км)" (0-4 км) автомобиль йўлининг ҳолати кўриб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

Ўтган йиллар ва шу кунгача бўлган ёғингарчиликлар натижасида йўлнинг

бутун узунлиги бўйича йўл қопламаси ва жиҳозларида нуқсонлар ҳосил бўлган. Жумладан: йўлнинг бутун узунлиги бўйича қоплама ўпирилиб кетган, йўл пойи чўккан, йўл ёқаси сел суви натижасида ювилиб кетган ва жарликлар ҳосил бўлган.

4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғига кириш (0-14 км)" автомобиль йўлининг бутун узунлиги бўйича қопламани қайтадан тиклаш, йўл пойини кўтариш, 30 дона сув ўтказувчи қувур ўрнатиш ва сув ўзанини тўғрилаш, 6 км.даги кўприкни қуриш ишларини бажариш талаб этилади.

Юқорида аниқланган иш ҳажмларини тўғри деб қуйида имзо чекувчилар:

Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзов, Фавқулудда вазиятлар бўлими бошлиғи Б.Бойбўриев, "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси Нуробод бўлими бошлиғи О.Тожиев, Жом қишлоқ оқсоқоли Э.Раҳимов, Нуробод ТИХПТФК директори Р.Хаитов, Бош муҳандис А.Қувондиқов, ИЧБ бошлиғи С.Алимов, Бош мутахассис У.Хушбақов, 291-сон Йўл бўлими бошлиғи У.Атамуродов.

"Тасдиқлайман"
Самарқанд вилоят
ҳокимининг
ўринбосари О.Очилов.

"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси
ижро этувчи дирекцияси
директори А.А.Абдувалиев

"Келишилди"
"ЎЗавтойўл" ДАК
бошқарув раиси
М.Абдуллаев.
2015 йил

"Ўзавтойўл" ДАКнинг 2015 йил 16 ноябрдаги № 270/13-сонли фоксограммасига асосан Самарқанд вилоятидаги маҳаллий аҳамиятдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2016 йилда тўла таъмирлаш ишлари дастури

"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида

Т/Р	Объектлар номи	2016 йилга		Дастурга киритилиши учун асословчи ҳужжат	Фойдаланишга топшириш	Пудратчи
		Қуввати км	Қиймати млн.сум			
1	4Н 513"и" "Чўнқаймиш қишлоғига кириш (56 км) автомобиль йўлининг 0-7 км"	7	10500	Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига олиб борувчи йўл. Баҳорги ва кузги кўрик далолатномалари	2016 йил	Тендер

Изоҳ. Жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

"Самарқандавтойўл" ҲЙФТ директори в.б. Р.Исоқов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд вилоят
хокимининг ўринбосари
О.Очилов.

“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси
бошқарув раиси ўринбосари
директори М.Аллаберганов.

“КЕЛИШИЛДИ”
“ЎЗАВТОЙЎЛ”
Акционерлик компанияси.
2016 йил.

**Самарқанд вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компаниясининг буюртмасига асосан Республика йўл жамғармаси
маблағлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятидаги умум фойдаланувдаги
автомобиль йўлларида амалга ошириладиган тўла таъмирлаш ишлари
бўйича 2016 йил учун
Манзилли рўйхати**

Т/Р	Йўлнинг номи ва манзили	Қурилиш ишлари бошланиши ва тугатиш йили	Лойиҳавий қуввати (мос киймагларда) км/тм	Қурилишнинг пудрат шартномаси тузилган умумий киймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари	01.01.16 ҳолатига қурилишнинг қолдиқ киймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари	01.01.16 йил ҳолатига қурилишнинг қолдиқ киймати (кайта ҳисоблаш бўйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари	Капитал қуйилмаларнинг 2016 йил истақболи				Ишга тушириладиган қувват (чорак)	Асосий фондларнинг ишга туширилиши	Қурилиш тугатилган объектларнинг 01.01 .17 ҳолатига қолдиқ киймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари	Лойиҳа экспертиза санаси №	Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси №	Пудратчи ташкилоти	
							Шу жумладан			Шундан буюртмачининг саклаш харажатлари							
							Жами капитал қуйилма	ҚТИ	жиҳозлар								Буюртмачи
																	Жами
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	4Н513”и” “А378 автойўлидан- Чўнқаймиш кишлоғига (56км) шоҳобча” 0-2 км қисмини	2016- 2017	2 км				20000,000			20000,000							Тендер

Изоҳ. Жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

Самарқанд вилоят
хокимлиги Инжиниринг
компанияси директори
А.Сафоев 2016 й.

“Самарқандавтойўл”
ҳудудий йўлларида
фойдаланиш давлат
ташкilotи директори
в.в.б Р.Исаков 2016 й.

Молия вазирлиги
ҳузуридаги Республика
йўл жамғармаси 2016 й.

**Самарқанд вилояти бўйича 2016 йилда умумфойдаланувдаги маҳаллий
аҳамиятдаги автомобиль йўлларида тўла таъмирлаш тўғрисида
маълумот**

т/р	Объект номи ва манзили	Объектнинг қуввати		Объектнинг умумий қиймати	Қурилиш бошидан бажарилган иш ҳажми	Қурилиш бошидан молиялаштирилган маблағ	01.01.2016й ҳолатига қолдиқ иш ҳажми	Пудратчи ташкилот	Дастурга киритилишига асос
		км	пм						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	4Н 513"и" "Чўнқаймиш қишлоғига кириш" маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлидан 7 км	7		5000000,000				Тендер	19.02.2016 йилдаги 03/541-497-сонли Ўзавтойўл ДАК нинг хати

Изоҳ. Жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

Самарқанд вилояти ЯБХ ИК директори А.Сафаев

"Самарқандавтойўл"нинг 2016 йил 9 февралда "Ўзавтойўл" ДАК бошқарув раиси А.А.Абдувалиевга ёзган №73-сонли хати

Самарқанд вилоятидаги умумфойдаланув маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўллари 2016 йил тўла таъмирлаш дастурига киритиш бўйича берилган дастлабки таклифининг биринчи навбатида таъмирланиши зарур бўлган объектлар: Пастдарғом тумани ҳудудидаги 4К543 "Жума ш-А.Темур ф/й-Эскианҳор" автомобиль йўлининг 4 км.даги 18 пм кўприк, бу кўприк 1956 йил қурилган бўлиб, кўприк ўтиш плиталари кўприк учун мўлжалланмаган, бино қурилишида ишлатиладиган плита бўлганлиги сабабли кўприк плиталари синиб яроқсиз ҳолатга келиб қолган, бугунги кунда транспорт ҳаракати тўхтатилишига сабаб бўлди.

Нуробод тумани ҳудудидаги 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)" автомобиль йўлининг 0-7 км қисмлари – объект 1980 йилда қурилганлиги, тоғ зонасида жойлашганлиги, ёмғир ва сел сувлари йўл пойига жиддий таъсир кўрсатганлиги, қурилгандан сўнг тўла таъмирлаш муддати бир неча марта ўтиб кетганлиги ва бугунги кундаги ҳолатидан келиб чиқиб, ушбу объектларни 2016 йил тўла таъмирлаш дастурига киритишга амалий ёрдам беришингизни сўраимиз.

Директор в.б. Р.Исоқов

"Самавтойўл"нинг Самарқанд вилоят ҳокимига 2016 йил 17 февралда ёзган №88-сонли хати

Ҳурматли Зоир Тоирович!

Самарқанд вилоятидаги маҳаллий аҳамиятдаги умумфойдаланув автомобиль йўллари 2016 йил тўла таъмирлашга киритиш бўйича берилган дастлабки таклифининг биринчи навбатда таъмирланиши зарур бўлган объектлар рўйхатида Нуробод тумани ҳудудидаги А-378 автойўлидан 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)" кириш автойўли 0-14 км узунликда, ушбу йўл

1980 қурилган, тоғли ҳудудда жойлашган.

Қурилгандан буён тўла ва ўрта таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Таъмирлараро муддати бир неча марта ўтиб кетган. Тоғли ҳудудда тез-тез кучли жала ва сел ёмғирлари ёғиши натижасида йўл пойига ва қатнов қисмига жиддий таъсир кўрсатиб, бузилишга олиб келган. Йўлнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб ушбу объект маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўли бўлганлиги сабабли буюртмачи Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати вилоят инжиниринг компанияси буюртмаси асосида шакллантирилаётганлиги сабабли 2016 йил тўла таъмирлаш дастурига киритилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Ушбу йўлнинг бугунги ҳолати бўйича фотолавҳалар илова қилинади.

Директор в.в.б.Р. Исаков

**“Ўзавтойўл” АК нинг 2016 йил 19 февралда “Самарқандавтойўл”
ҲЙФТ директори в.б. Р.Исаковга ёзган №03/541-497-сонли хати**

“Ўзавтойўл” АК Сизнинг 2016 йил 9 февралдаги №73-сонли хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли қарорининг 3-банди, 2-хатбошига кўра, умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш йиллик дастурини шакллантириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Республика йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” ДАК билан келишилган ҳолда амалга ошириши ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш Кенгаши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хатингизда кўрсатилган Самарқанд вилояти ҳудудидаги 4К543 “Жума ш. – А.Темур ф/й – Эскианҳор” автомобиль йўлининг 4 км.даги кўприкни ҳамда 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғи шохобча” автомобиль йўлининг 0-7 км қисмини тўла таъмирлаш объектлари Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси томонидан, Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 2016 йилда ажратиладиган маблағлардан келиб чиқиб, маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш манзилли дастурида шакллантирилиши инobatга олиниб, келишиш учун Республика йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” компаниясига тақдим этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масаланинг ечимида вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ишларни ташкил этиш чораларини кўришингиз топширилади.

Бошқарув раиси ўринбосари Ш.Назаров

**Жом қишлоқ фуқаролари вакилларининг 2016 йил
25 февралдаги Самарқанд вилоят ҳокими З.Т.Мирзаевга
МУРОЖААТИ**

Нуробод тумани Жом қишлоғи тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, қишлоқ ичидан ўтувчи йўл Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги №169-сонли қарори билан маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўли ҳисобланиб, оралиқ масофаси 19 км бўлиб, 378-М магистраль йўлнинг 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғи кириш" (56 км)идан бошланади. Йўл 1980 йилда қурилган бўлиб, шундан буён бирор марта ҳам жорий ёки капитал таъмирланмаганлиги сабабли йўлнинг бутун узунлиги бўйлаб қоплама ўпирилиб кетган. Йўл пойи чўккан. Йўл ёқалари сел суви натижасида ювилиб кетиб, жарликлар ҳосил бўлган.

Бу тўғрида вилоят "Самарқандавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотига 2013 йилдан буён мурожаат қилиб келинмоқда. 2015 йил январь ойида "Самарқандавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотига мурожаат қилингандан сўнг, ташкилот 2016 йил 9 февралдаги №73-сонли хат билан бу йўлни капитал таъмирлаш учун 2016 йил давлат манзилли дастурига киритиш тўғрисида "Ўзавтойўл" ДАКга мурожаат қилган. Мурожаатга асосан "Ўзавтойўл" ДАК маъмурияти 2016 йил 19 февралдаги №03/541-497-сонли жавобхатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПК-535-сонли қарорининг 3-банди, 2-хат бошига кўра умумий фойдаланувдаги маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўллари тўла таъмирлаш йиллик дастурини шакллантириш вилоят ҳокимликлари томонидан Республика йўл жамғармаси ва "Ўзавтойўл" ДАК билан келишган ҳолда амалга ошириш ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси бошқариш Кенгаши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги №499-сонли қарори асосида Ягона буюртмачи қилиб инжиниринг компанияси белгиланганлигини ҳисобга олиб, "Самарқанддававтойўл" 2016 йил 12 февралдаги №88-сонли хат билан Сиздан 2016 йил манзилли дастурига 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғи кириш (56 км)" маҳаллий автойўлининг 7 км узунликдаги қисмини киритишда амалий ёрдам беришингизни сўраган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПК-2313-сонли "2015-2019 йилларда муҳандислик коммуникация ва йўл транспорти инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги Қарори талаблари асосида 378-М магистрал йўлининг 4Н513"и" "Чўнқаймиш қишлоғи кириш (56 км)" маҳаллий автомобиль йўлининг (19 км узунликда) 2016 йил ва кейинги йиллар манзилли дастурига киритишда ёрдам беришингизни сўраймиз.

Қишлоқ аҳолиси номидан:

Буюк ғалабанинг 70 йиллиги эсдалик медали соҳиби Б.Равшанов, Шухрат медали соҳибалари М.Усмонова ва Қ.Худоярова, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 ва 15 йиллик эсдалик нишони соҳиби Э.Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик эсдалик нишони соҳибаси М.Соатова, меҳнат фахрийлари Қ.Хушатов, Т.Хўжақулов, И.Жабборов, Т.Холбозоров, М.Ёрқулов, Н.Шарипов, Қ.Авазов, С.Азимов, З.Шукуров, М.Султонов, Омондара МФЙ раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши МФЙ раиси

И.Бобохонов, Гирдиқўрғон МФЙ раиси Э.Муродов, Жом МФЙ раиси Д.Алимов, Жом ҚФЙ раиси Ў.Аҳмедов.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 2016 йил 9 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси дирекцияси директори М.Абдуллаевга ёзган

№01-697-сонли хати

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи маҳалла фуқаролари йиғинининг хатига асосан “Самарқандавтойўл” ХФЙТ нинг 2016 йил 9 февралдаги №73-сонли, “Ўзавтойўл” ДАК нинг 2016 йил 19 февралдаги №03/541-497–сонли хатлари ва Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2016 йил 16 февралдаги №4/376–сонли назорат карточкасига асосан Нуробод тумани ҳудудидаги 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғига шохобча” автомобиль йўлини мукамал таъмирлаш ишлари вилоят Инжиниринг компанияси томонидан 2016 йил манзилли дастурига киритилиши билдирилган.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги ПҚ-299-сонли қарорига асосан “Самарқандавтойўл” ЙХФТ томонидан берилган таклифлар бўйича “Самарқандавтойўл” ЙХФТга қарашли туман йўл таъмирлаш корхоналари балансидаги маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари таъмирлаш учун буюртмачилик қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сиздан ушбу Нуробод тумани ҳудудидаги 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғига шохобча” автомобиль йўлини мукамал таъмирлаш ишларини 2016 йил манзилли дастурга киритиш учун маблағ ажратишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Аҳолининг мурожаат хати, “Самарқандавтойўл” ХЙФТ, “Ўзавтойўл” ДАК хатлари илова қилинади.

**Компания директори А.А.Сафаев
Нуробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш
корхонасининг 2016 йил 24 майдаги
маълумотномаси**

Нуробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси тасарруфидаги 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)” га кириш 14 км ва 4Н513“и” “Жом қишлоғи” га кириш 5 км қора қопламали автомобиль йўли 4-тоифада 1980 йиллар атрофида кўрилиб фойдаланишга топширилган.

Нуробод ТЙХПТФК директори в.б. А.Қувондиқов

Самарқанд вилояти ҳокимлигига

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш ишлари учун қўшимча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 октябрдаги

№02/1-2043-сонли топшириғига асосан қуёш энерго станциясига олиб борувчи қуйидаги объектларни (2-босқич) 2016 йилда тўла таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилишига амалий ёрдам беришингизни сўраймиз:

Т/р	Объектлар номи	Ўлчов бирлиги (км)	Объектнинг смета қиймати	Изоҳ
7.	4Н513"и»А378 автойўлдан - Чўнкаймиш қишлоғига (56 км) шохобча	2 км	1643,839	Экспертиза хулосасини олиш учун топширилган

Изоҳ: Жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

Компания директори А.А.Сафаев

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси

“Тасдиқлайман” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекцияси директори ўринбосари Ш.Даулетияров _____ 2016 й.

Соҳавий экспертиза хулосаси № 27/16-Т

Тошкент ш.	2016 йил 18 июль
Амалга ошириладиган лойиҳа	4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғига кириш (56км)” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш ишчи лойиҳаси.
Буюртмачи	Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
Кўзда тутилаётган молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари.
Лойиҳа институти	“Самарқандавйўллойиҳалаш” МЧЖ
Лойиҳанинг кўриб чиқилиши	Биринчи марта кўриб чиқилиши
Бош пудратчи	Танлов савдолари асосида аниқланади.
Лойиҳалаш учун асос	Бош вазир ўринбосари томонидан 2016 йил 10 июнда тасдиқланган 144 (14.06.2016 йилдаги №05-05/1-123)–сонли баённома ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан берилган лойиҳалаш учун топшириғи
Иш тури	Тўла таъмирлаш

1.Экспертиза кўригига тақдим қилинган ҳужжатлар:

Самарқанд вилоятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2016 йил 29 июндаги №01-1351–сонли хати орқали тақдим қилинган 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғига (56км) ” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш ишчи лойиҳаси.

Республика йўл жамғармасининг экспертиза кўриги “Самарқанд-йўллойиҳалаш” МЧЖ томонидан тақдим этилган 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғига (56км) ” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объектининг бошланғич жамланма баҳоси ҚҚС билан 1643839,319 минг (бир миллиард олти юз қирқ уч миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг уч юз ўн тўққиз) сўмни ташкил этмоқда.

1. Асосий техник иқтисодий хусусиятлари ва кўрсаткичлари.

4Н513 “и” “Чўнқаймиш қишлоғига (56км) ” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объектининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари:

Автомобиль йўли тоифаси	IV тоифа
Лойиҳавий автомобиль йўли узунлиги	2,0 км
Йўл пойи кенлиги	10,0 м
Қатнов қисми кенлиги	2х3,0+0,5 м
Йўл ёқаси кенлиги	2х1,5м

3. Экспертиза таклифлари ва талаблари.

1. 4Н513 “и” “Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)” автомобиль йўли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги 169-сонли

қарорига асосан, маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўллари рўйхатига киради;

2. Олдин ишлаб чиқилган айрим машина-механизмларининг (Ўртача типдаги автогрейдерлар типа 99 (135) кВт (л,с), Автопогрузчик 5т, Бульдозерлар 108 л.с, 130 л.с. ва ҳоказо) самарадорлик ва қувватига асосланиб, мазкур иш нархига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан аниқлик киритилсин;

3. Нуробод ТИХПТФКнинг 2016 йил 24 майда 41-сонли хатидаги маълумотида кўра, 1980 йилдан бери фойдаланиб келиниши ва йўлнинг диагностикасига асосан, фреза ёрдамида 4 см қалинликда қопламани қирқиб олиш ўрнига, қопламани юмшатиш йўли билан киритиб ортиқча иш ҳажмларини ЛСХларидан чиқарилсин;

4. Йўлнинг тоифасига биноан, габарити 7,0 метр бўлган асфальт бетон қопламасининг юқори ва пастки қатламлари бўйича сметада ҳисобга олинган майдонига аниқлик киритиб, ортиқча иш ҳажмларини ва унга боғлиқ бўлган харажатларни ЛСХ ларидан чиқарилсин;

5. Бош пудратчини танлов савдолари асосида аниқланишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қошидаги Самарқанд вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан берилган 2016 йил 22 февралдаги 05Р-2016-сонли эксперт хулосасига кўра, Оқдарё ТИХПТФКдаги автотўловларни тн-км нархига (3 км масофага ташишга 553,48 сўм, 40 км. масофага ташишга 455,55 сўм, 51 км. масофага ташишга 454,86 сўм, 66 км. масофага ташишга 553,66 сўм, 66 км. масофага ташишга 553,66 сўм, 87 км. масофага ташишга 525,19 сўм қўлланилсин) аниқлик киритиб, ортиқчасини ЛСХ ларидан чиқарилсин;

6. Соҳавий экспертизанинг мулоҳаза ва талабларини иш жараёнида аниқлик киритиб, қайта ҳисобланиши натижасида, қайта ҳисобланган смета қиймати ҚҚС билан бирга 1582139,552 минг сўмни ташкил қилмоқда;

7. Лойиҳанинг техник ечимларига, иш ҳажмларига, лойиҳада аниқланган камчиликларга, лойиҳадан тушиб қолган иш ҳажмларига, лойиҳа асосида иш бажариб қурилган зарарга ва қўлланилган меъёр ҳужжатлар (ресурс смета расценкалари)ни тўғри қўлланилишига, ШНҚ 1.03.01-08 нинг 1.13 ҳажмда ҚМҚ 1.03.09-97 нинг 4.1-бандларига ва ШНҚ 4.01.01-04 нинг 7-бўлимига асосан, жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига тўлиқ юклатилади;

8. 4Н513 "и" "Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)" автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш ишчи лойиҳасининг дасталбки баҳосини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ШНҚ 4.01.16-09 "Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари"нинг 4.2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2004 йил 02-7-11-сонли баённомасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ваколатидадир.

4. Хулоса

1. Соҳавий экспертиза кўригидан сўнг, юқорида қайд этилган таклиф ва талаблар асосида дастлабки ишлаб чиқилган смета харажатлари билан ушбу соҳавий хулоса кейин тегишли ўзгартиришлар киритиб, якуний хулоса олиш учун Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тақдим қилинсин ҳамда қайта ҳисобланган смета харажатлари орасидаги фарқни Республика йўл жамғармасига расмий равишда маълумот юборилсин;

2. Мазкур соҳавий хулоса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499 сонли қарорининг VI-бобининг 16-пунктига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш қўмитасининг бошқармаларидан якуний экспертиза хулосаси олишда фойдаланиш учун қўлланма сифатида тавсия этилади ва пудрат шартномаси тузиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Экспертиза бўлими бошлиғи в.в.б. Ғ.Зоҳидов, Бўлим бошлиғи ўринбосари С.Ғуломов

“Ўзавтойўл” ДАК “Йўл лойиҳа экспертиза” давлат корхонаси
“Тасдиқлайман” Корхона директори Б.Алимов. “ 1 ” 06 2016 й
Экспертиза хулосаси №185/1-2016

**Калькуляция цен на изготовление 1 тн горячей плотной
мелькозернистой, горячей пористой крупнозернистой и
асфальтбетонной смеси и черного щебня в АБЗ Самаркандского
ХДААЙСИТФК**

1. Подрядная организация: Самарканд ХДААЙСИТФК.
2. Материалы, представленные на экспертизу.
 - 2.1. Письмо-заказ №270 от 28.03.2016 года.
 - 2.2. Калькуляция на приготовление 1тн горячей плотной мелкозернистой, горячей пористой крупнозернистой асфальтобетонных смесей и черного щебня в АБЗ Самаркандского ХДААЙСИТФК;
 - 2.3. Копии счет-фактур на материалы и ГСМ.

3. Результаты экспертизы

3.1. Подбор состава и нормы расхода используемых основных и вспомогательных сырья и материалов, топливно-энергетические ресурсы на изготовления 1тн асфальтобетонных смесей приняты в соответствии с рецептом лаборатории и утвержден директором Самарканд ХДААЙСИТФК.

3.2. Затраты на оплату труда принято согласно бухгалтерским данным с учетом отчислений на единый социальный платеж.

3.3. Стоимость затрат на сырье, материалы, зап.части и покупные комплектующие изделия принята согласно представленных счет фактур.

3.4. Затраты на топливно-энергетические ресурсы также, приняты согласно представленных счет-фактур.

4. Выводы

4.1. Расчет выполнен в соответствии с Постановлением КМ РУз от 05.02.1999г. №54 «Положение о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов» (со всеми дополнениями и изменениями), Постановления КМ РУз от 11.06.2003 г. № 261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений» и ШНК 4.01.16-09. «Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах».

4.2. Представленные калькуляции прямых затрат (без расходов периода и рентабельности) стоимости приготовления 1тн горячей плотной мелкозернистой, горячей пористой крупнозернистой асфальтобетонных смесей и черного щебня в АБЗ Самаркандского ХДААЙСИТФК, **рекомендуется** для дальнейшего согласования и утверждения без НДС со следующими показателями:

№ п/п	Наименование продукции	Ед. изм.	Предъявленная стоимость	Рекомендуемая стоимость
1	Горячая плотная мелкозернистая асфальтобетонная смесь тип БМ	тн	120812,0	119383,2
3	Горячая пористая крупнозернистая асфальтобетонная смесь	тн	97227,0	95797,9
2	Черная щебень	тн	89096,0	87667,4

4.2. произведенный расчет договорных отпускных цен изготовления вышеуказанных дорожно-строительных материалов согласно ШНК 4.01.16-09 "Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах" носит рекомендательный характер и применяется по согласованию заказчика и подрядчика.

4.3. ГП "Йўл лойиҳа экспертиза" не несет ответственность за достоверность представленные Разработчиком исходные данные.

Начальник отдела Айходжаев М.М., Главный специалист Тохтаев Ю.А.

Рекомендуемая стоимость объекта в текущих ценах

Капитальный ремонт а/дороги 4Н513"и" «Подъезд к кишлаку «Чункаймиш» (56км а/д А-378) на участке 0-2 км Нурабадского района

№ п/п	Наименование затрат	Цена (сум)
1	2	3
1	Затраты на строительные материалы, изделия и конструкции	651 128 746, 000

2	Затраты на основную заработную плату с учетом начислений	21 206 508,000
3	Затраты на эксплуатацию машин и механизмов	121 662 180,000
4	Затраты на транспортные расходы на привозные материалы	240 237 772,157
5	Транспортные расходы на привозные материалы	3 961 106,500
	Итого: П.1-5	1 038 196 312,657
6	Прочие затраты и расходы подрядчика-18,11% от суммы по П.1-5	188 017 352,222
	Итого: П.1-6	1 226 213 664,879
7	НДС 20%	245 242 732,98
	Итого стоимость строительства в текущих ценах	1 471 456 397,855

Подрядчик
Мп

Заказчик
Мп

2. Ишчи лойиҳада объектнинг бошланғич нарҳини шакллантиришда қўлланилаётган пудратчининг бошқа харажатлари миқдорини белгилашда, амалдаги қонун талаблари доирасида жавобгарликни ҳис қилган ҳолда, пудратчи ташкилотнинг бирламчи ҳисоб-китоблари ҳаққоний асос бўлиши, тақдим қилган ташкилотнинг зиммасига юклатилганлигини инобатга олиб, ҳамда буюртмачи – Самарқанд вилоятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжинринг компанияси жавобгарлигида буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузилган келишув баённомасига аниқлик киритилсин ҳамда якуний ҳулосани беришда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан аниқлик киритилсин;

3. Олдин ишлаб чиқилган айрим машина-механизмларнинг (Ўртача типдаги автогрейдерлар 99 (135) кВт (л.с.), Автопогрузчик 5т, Бульдозерлар 108 л.с., 130 л.с. ва хоказо) самарадорлик ва қувватига асосланиб, мазкур иш нарҳига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан аниқлик киритилсин;

4. Нуробод ТЙХПТФК нинг 2016 йил 24 майда 41-сонли хатидаги маълумотига қўра, 1980 йилдан бери фойдаланиб келиши натижасида йўлнинг қопламаси қолмаганлиги сабабли сметага киритилган (фреза ёрдамида 4 см қалинликда қопламини қирқиб олиш) иш ҳажмини ЛСХ ларидан чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқдир;

5. Йулнинг тоифасига биноан габарити 7,0 метр бўлган асфальтбетон қопламасининг юқори ва пастки қатламлари бўйича сметада ҳисобга олинган майдонига аниқлик киритиб, ортиқча иш ҳажмларини ва унга боғлиқ харажатларни ЛСХ ларидан чиқарилсин;

6. “Ўзавтоўл” АКга қарашли “Йўл лойиҳа экспертиза” давлат корхонаси томонидан берилган 2016 йил 1 июндаги №185/1-2016-сонли экспертиза

хулосасига асосан, Самарқанд ХДААЙСИТФҚда ишлаб чиқарилаётган асфальтбетон қоришмасининг таннархига (Смесь асфальтобетонная плотная горячая мелкозернистая тип б марки 1-1 тонна учун 139047 сўм ўрнига 119383,2 сўм ва Асфальтобетонные смеси поритие горячие и теплие крупозернистие М-1-1 тона учун 123017 сўм ўрнига 95797,9 сўм қўлланилсин) аниқлик киритиб, ортиқчасини ЛСХларидан чиқарилсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қошидаги Самарқанд вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан берилган 2016 йил 22 февралдаги 05Р-2016-сонли эксперт хулосасига кўра, Оқдарё ТИХПТФҚ даги автотуловларни тн-км нархига (3 км. масофага ташишга 553,48 сўм, 40 км масофага ташишга 455,55 сўм, 51 км. масофага ташишга 454,86 сўм, 66 км. масофага ташишга 553,66 сўм, 87 км. масофага ташишга 525,19 сўм қўлланилсин) аниқлик киритиб, ортиқчасини ЛСХ ларидан чиқарилсин;

8. Лойиҳанинг техник ечимларига, иш ҳажмларига, лойиҳада аниқланган камчиликларга, лойиҳадан тушиб қолган иш ҳажмларига, лойиҳа асосида иш бажариб кўрилган зарарга ва қўлланилган меъёрий ҳужжатлар (ресурс смета расценкалари)нинг тўғри қўлланилишига, ШНҚ 1.03.01-08 нинг 1.13, ҳажмда ҚМҚ 1.03.09-97 нинг 4.1-бандларига ва ШНҚ 4.01.01-04 нинг 7-бўлимига асосан жавобгарлик тўлиқ лойиҳа ташкилоти зиммасига юклатилади;

9. 4Н513“и” “Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш ишчи лойиҳасининг дастлабки баҳосини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ШНҚ 4.01.16-09 “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари”нинг 4.2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2004 й. №02-7-11-сонли баённомасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш қўмитаси ваколотидадир.

4. Хулоса

1. Соҳавий экспертиза кўригидан сўнг юқорида қайд этилган таклиф ва талаблар асосида дастлабки ишлаб чиқилган смета харажатлари билан ушбу соҳавий хулосадан кейин тегишли ўзгартиришлар киритиб, якуний хулоса олиш учун Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тақдим қилинсин ҳамда қайта ҳисобланган смета харажатлари орасидаги фарқни Республика йўл жамғармасига расмий равишда маълумот юборилсин;

2. Мазкур соҳавий хулоса Ўзбекистон Республика Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли қарори VI бобининг 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш қўмитасининг бошқармаларидан якуний экспертиза хулосаси олинсин.

Самарқанд халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг 2016 йил 14 июлда “Самарқандйўллойиҳалаш” МЧЖга ёзган №601-сонли хати

Самарқанд халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси Сизга Нуробод туманидаги 4Н513 "и" "Чўнқаймиш қишлоғи (56 км)" автомобиль йўлининг 0-2 км.ларини тўла таъмирлаш, Пахтачи туманидаги 4Н535 "Болтали–қ.Боғолон–қ.Навбахор–қ.Дарйатут" Автомобиль йўлининг 0-2 км.ларини тўла таъмирлаш объектларига битум маҳсулотлари учун ажратилган лимит ўз эҳтиёжимизни қондира олмаслиги сабабли Самарқанд шаҳар, Фарҳод қўрғонидаги асфальтбетон ишлаб чиқариш заводи ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги асфальтбетон ишлаб чиқариш заводидан маҳсулот билан таъминлаб бера олмаслигимизни маълум қиламиз.

Директор: Ф.Якубов

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси

"Тасдиқлайман"

Ижро бўйича дирекцияси директор ўринбосари Ш.Даулетияров.

Тошкент шаҳри. 2016 йил 18 июль.

Соҳавий экспертиза хулосаси №27/16-Т

Амалга ошириладиган лойиҳа: 4Н513"и» А-378 автойўлдан Чўнқаймиш қишлоғига (56 км) шохобча йўлининг 0-2 км қисмини тўлиқ таъмирлаш ишчи лойиҳаси.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Самарқанд вилоят давлат экспертиза бошқармасининг 2016 йил 3 августдаги эксперт хулосаси

«Тасдиқлайман»

Бошқарма бошлиғи Боқиев С.В.

По рабочему проекту: «Капитальный ремонт автомобильной дороги 4Н531"и" Подъезд к кишлаку Чункаймиш (56 км а/д А-378) на участке 0-2 км Нурабадского района Самаркандской области».

Заказчик: ИК Самоблхокимията. Источник финансирования: Средства Республиканского дорожного фонда. Генпроектировщик: МЧЖ «Самарқандйшллойиҳалаш».

Лицензия: №000566 до 16.03.2016 г.

Генподрядчик: по тендеру

1. Основание для проектирования

1.1. Задание на проектирование утвержденное директором ИК Самоблхокимията Сафаевым А.А.

1.2. Сходный экспертиза – хулоса №27/16-1 от 18.07.2016 г. Республиканского дорожного фонда.

1.3. Письмо №01-1284 от 10.06.2016 г. Инжиниринговой компании Самоблхокимията.

2. Материалы, представленные на экспертизу

2.1. Проектно-сметная документация на стадии разработки «Рабочий проект», согласно состава проекта и перечня материалов, представленных на экспертизу.

3. Краткое содержание проектных решений

3.1. Характеристика участка строительства: дорожно-климатическая зона - 4, сейсмичность - 7 баллов.

Длина ремонтируемой дороги 2 км, ширина существующего земельного полотна 9 - 10 м, ширина проезжей части 5,3-7 м.

Существующее покрытие черное, толщиной в среднем 4,5 см. Покрытие имеет большуюямочность, шелушение, прочие неровности, края проезжий части разрушены, обочены не укреплены. Местами на длину 38-303 мм покрытие перешло на гравийное. Дорога проходит в передгорной местности.

Грунты на трассе суглинок легкий пылснчатый с примесью щебня и крупнозернистого песка- 10%.

Искусственные сооружения: ж/б трубы Д- 1,0 м и металлические трубы Д- 0,1-0,15 м.

3.2. Основные показатели проектных решений

- категория дороги - 4.
- расчетная скорость движения - 60 км/час.
- длина дороги - 2 км.
- ширина земельного полотна - 10 м.
- ширина проезжей части -6 м.
- количество полос движения -2.
- -ширина полос движения -3 м.
- ширина укрепленной красной полосы у обочины -2x0,5 м.
- ширина обочни -2x2 м.

3.3 Проектом предусмотрено

- устройство земельного полотна.
- устройство металлических труб Д-0,53-0,72 м.
- устройство выравнивающегося слоя из горячего пористого крупнозернистого а/бетона марки - 1.
- устройство основания в корытах уширения гравийно-песчаной смесью толщиной 28 см.
- досыпка основания гравийно-песчаной смесью толщиной 19 см.

- устройство подстилающего слоя щебня фр. 5-20 мм толщиной 3 см.
- устройство нижнего слоя покрытия из горячей пористого крупнозернистого а/бетона смеси М-1 толщиной 7 см.
- устройство верхнего слоя покрытия из горячей пористого мелкозернистой а/бетонной смеси тип БМ-1 толщиной 5 см.
- укрепление обочин гравийно-песчаной смесью толщиной 12 см.
- обустройство съездов.
- устройство автобусных остановок.
- установка теневых навесов.
- установка БДО-3.
- установка сегнальных столбиков.
- установка дорожных знаков.
- разметка проезжей части.

3.4. Сметная часть

Расчет стоимости работ произведен ресурсным методом согласно Постановления Кабинета Министров №261 от 11.06. 2003 г. «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов», Постановления Кабинета Министров №226 от 12.05. 2004 г. «О внесении изменений в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и Правилами определения стоимости строительства в договорных текущих цены согласно ШНК 4.01.16-09.

Стоимость объекта в текущих ценах определена на основе расчетной документации ресурсным методом с применением «Каталога текущих цен на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве РУз» за 1 кв. 2016 года и по данным представленным заказчиком письмо №01-1284 от 10.06.2016 г. (заключение №17/1-2016 от 04.02.2016 г. ООО «NEWTECHSAMARKAND»). Стоимость эксплуатации строительных машин и механизмов, стоимость 1 тн/км грузов приняты по данным представленным заказчиком и справки прогнозных цен по Самаркандской области 2016 г. Дальность возки стройматериалов принято согласно справки представленным заказчиком.

Стоимость затрат труда (за 1 чел/час) принято 5739,17 сум с учетом отчислений на социальное страхование 25% из уровня среднестатистической месячной заработной платы по отрасли «Строительство» за 1 кв. 2016 г. согласно данных Госкомстата РУз по Самаркандской области.

4. Материали согласований

4.1. Проект рассмотрен и согласован с:

Начальником ГУАС - Садыковым Н.С.

Директором ИК Самоблхокимията - Сафаевым А.

Директором Самавтойул ХЙФТ главным инженером - Исаковым Р.

УБДД УВД Самобласти - Умаровым Х.

5. Результаты экспертного рассмотрения

5.1. В процессе проведения экспертизы в рабочий проект внесены коррективы

согласно локального заключения и получены ответы, исправленные чертежи и дополнительные согласования.

5.2. По замечаниям и предложениям экспертизы, с учетом замечаний Республиканского дорожного фонда в сметную документацию внесены следующие исправления и дополнения в рабочем порядке:

- уточнены ресурсные показатели маш/час, трудозатраты чел/час;
- уточнена потребность в строительных материалах и изделиях;
- уточнены затраты на транспорт материалов;
- уточнены прочие затраты подрядчика;
- заявления заказчиком расчетная стоимость объекта в текущих договорных ценах в сумме 1643839,319 тыс.сум с НДС и без прочих затрат заказчика, за счёт уточнения объёмов работ и затрат, снижена на 61699,767 тыс.сум с НДС.

После корректировки по замечаниям и предложениям экспертизы расчетная стоимость объекта составила в текущих договорных ценах сумму 1318449,627 тыс.сум без НДС (или 1582139,552 тыс.сум с НДС) и без прочих затрат заказчика. Нормативная трудоемкость 3682,21 чел/час.

5.3. Отмечается, что за соответствие проекта и объемов работ в сметной документации рабочего проекта, представленного на экспертное рассмотрение, ответственность несет проектная организация.

5.4. Автором проекта передать заказчику откорректированные чертежи и сметную документацию по замечаниям экспертизы.

5.5. Срок действия экспертного заключения 2 года.

6. Выводы

6.1. Рабочей проект: «Капитальный ремонт автомобильной дороги 4Н531"и" Подъезд к кишлаку Чункаймиш (56 км а/д А378) на участке 0-2 км Нурабадского района Самаркандской области» с учетом результатов экспертного рассмотрения и замечания по пунктам 5.3. и 5.4. настоящего заключения, рекомендуется к дальнейшему рассмотрению и утверждению.

6.2. В соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах» утвержденная Постановлением Кабинета Министров РУз от 11.06. 2003 г. №261 и ШНК 4.01-16-09 рекомендуемая стоимость строительства является ориентиром при проведении конкурсных торгов и не может служить основанием для заключения договора подряда. Решение о принятии указанной стоимости для проведения конкурсного торга принимает заказчик.

Ведущий эксперт по ТХ части Закиров С.М.

Ведущий эксперт по СМ части Хашимов И.Х.

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси
2016 йилда янгидан қурилиши режалаштирилган қуйидаги
объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти
билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари
ўтказилишини эълон қилади:**

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚС сиз)	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚС билан)	Қурилиш муддати
	ЛОТ 67-2:			
ЛОТ-2	Нуробод туман худудидан ўтувчи 4Н513”и” ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш	1 314 494 278 сўм	1577393133 сўм	5 ой

Изоҳ: Жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинган.

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Савдо ташкилотчиси – Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй.

Телефон: (08366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг йиғилиш баённомасига асосан пудрат ташкилотларини танлашда кичик бизнес субъектларига 25 фоиз миқдорида квота берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 29 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйиладиган нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун

сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказида қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2Д, 403-хона. Телефон: (0366) 231-13-51. Факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами - 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 19.00 да ўтказилади.

“Ўзбекистон овози” газетаси, 2016 йил 16 август.

**“Тасдиқлайман»
Танлов комиссияси раиси
Самарқанд вилоят ҳокими
ўринбосари О.И.Очилов
2016 йил.**

**Танлов савдоларини ўтказиш бўйича
Самарқанд вилоят комиссиясининг
БАЁНИ**

№324-1(16) (1-пакет очилиши). 2016 йил 23 сентябрь.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2016 йил 9 августдаги №103-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби:

Комиссия раиси: Очилов О.И. – Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари.

Комиссия раиси ўринбосари: Олимов Р. – вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудир.

Комиссия котиби: Гулямов С.И. – Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг Маркази директори в.б.

Комиссия аъзолари: Сафоев А. – Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори, Ҳамдамов М. – Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Мажидов Ф. – Самарқанд вилоят иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Вахидов Р.Х. – «Меъморқурилишлойиҳа» МЧЖ директори, Боқиев С. – Самарқанд вилояти Давлат экспертиза бошқармаси бошлиғи, Назаров Б. – Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи, Ҳамроев М. – Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Санаев А. – «Саноатқурилишбанк» Самарқанд вилоят филиали капитал қўйилмалар

қурилиш бўлими бошлиғи, Жумаев М. – Самарқанд вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат экологик экспертизаси бўлими бошлиғи, Турдиев Ш. – Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Исоқов Р. – «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори.

Комиссия таркибидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори Сафоев А. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи Суяров Э., Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳамдамов М. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бош иқтисодчиси Суванов А., «Меъморқурилишлойиҳа» МЧЖ директори Вахидов Р.Х. ўрнига ишончнома асосида «Меъморқурилишлойиҳа» МЧЖ бош муҳандиси Усмонов Р., Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи Назаров Б. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бош мутахассиси Илмуратов Ш., Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳамроев М. ўрнига ишончнома асосида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Сайимов Ш., Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Турдиев Ш. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси «Юридик шахсларга солиқ солиш» бўлими бошлиғи Турсунов М., «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори Исоқов Р. ўрнига ишончнома асосида «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти бош мутахассиси Исломов О. иштирок этдилар.

Комиссия таркибидан Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, комиссия раиси Очилов О.И., Самарқанд вилоят иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мажидов Ф., Самарқанд вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат экологик экспертизаси бўлими бошлиғи Жумаев М. узрли сабабларга кўра комиссия йиғилишида қатнаша олмадилар.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Самарқанд вилоят архитектура қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Н.Содиқов хизмат сафарига бўлганлиги учун йиғилишда унинг ўрнига ваколатли вакили, бошқарма бош мутахассиси О.Хўжаев иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудир, танлов комиссияси ўринбосари Р.Олимов олиб борди.

Кун тартиби:

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмасига асосан танлов савдоси эълон қилинган Лот №67-2. Нуробод туман ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотлар томонидан қурилишни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш учун

топширилган оферталарнинг 1-пакетини очиш, оферталар билан танишиб чиқиш.

Кун тартибидаги масала бўйича танлов комиссияси котиби Фуломов С.И. маълумот бериб ўтди. Объект қурилишига белгиланган тартибга биноан танлов ҳужжатлари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасида:

Т/р	Объектнинг номи ва манзили	Экспертиза рақами	Экспертиза ўтган сана
1.	Лот №67-2. . Нуробод туман ҳудудидан ўтувчи 4Н513”и” ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш.		

экспертизадан ўтказилган ва 2016 йил 16 август куни «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли қарорига асосан ўтказиладиган харидлар ҳақидаги эълон махсус ахборот порталида тендер №8006809-сонли лот рақами билан буюртмачи томонидан жойлаштирилади.

Танлов ташкилотчиси – Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига танлов савдосида қатнаниш учун :

Лот №67-2. Нуробод туман ҳудудидан ўтувчи 4Н513”и” ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича:

1) Самарқанд КХСИТФК, 2) «Файтуруз ҳамкор» ХК, 3) «Вазир Парвиз Омад Қурилиш» ХК лар талабнома беришган.

Шундан:

Лот №67-2. Нуробод туман ҳудудидан ўтувчи 4Н513”и” ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича:

1) Самарқанд КХСИТФК, 2) «Файтуруз ҳамкор» ХК, 3) «Вазир Парвиз Омад Қурилиш» ХК лар ўз оферталарини топширдилар.

Танлов комиссияси томонидан оферталарнинг 1-пакетлари талабгор ташкилотлар вакиллари иштирокида 2016 йил 23 сентябрь куни Самарқанд вилоят ҳокимияти Инжиниринг компанияси биносида очилди.

Танлов комиссияси берилган маълумотлар, таклифлар билан танишиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Лот №67-2. Нуробод туман ҳудудидан ўтувчи 4Н513”и” ва «А-378 автомобиль йўлининг 56 километрдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича «Вазир Парвиз Омад Қурилиш» ХКнинг 1-пакет ҳужжатларида танлов савдоси буюртманомасининг таъминлаш кафолати ҳамда танлов савдоси предмети қийматининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари кафолати йўқлиги сабабли 1-пакет ҳужжатлари баҳоланмасдан ва 2-пакети очилмасдан талабгор

ташкилотга офертаси қайтарилсин.

Самарқанд КХСИТФК ва «Ғайтуруз ҳамкор» ХК ларнинг 1-пакет маълумотлари тўлиқлиги, тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда танлов савдоси буюртмасини таъминлаш кафолати ва танлов савдоси предмети қийматининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари кафолати мавжудлигини инобатга олиб, бу корхоналарга малакавий баҳо берилсин.

Йиғилиш баёни тузилиши тўғри деб топилиб комиссия аъзолари:

Олимов Р., Суяров Э., Боқиев С., Суванов А., Санаев А., Илмуратов Ш., Усманов Р., Сайимов Ш., Турсунов М., Исломов О., комиссия котиби Гулямов С.И.лар имзолашган.

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2017
йил 26 январдаги №01-260-сонли хати**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика
йўл жамғармаси директори ўринбосари Ш.Даулетяровга.
Нухаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида
яшовчи Э.Раҳимовга.**

Сизнинг 2017 йил 12 январдаги №ШД/28-05-77-сонли хатингиз ва Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимовнинг 2017 йил 11 январдаги Республика йўл жамғармасига қилган мурожаат хати ўрганиб чиқилиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Самарқанд вилоятининг маҳаллий аҳамиятдаги “А-378 автомобиль йўлидан–Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини мукамал таъмирлаш мақсадида Самарқанд вилояти Инжиниринг компанияси билан Самарқанд КХСИТФК ўртасида тендер савдоларига асосан 2016 йил сентябрь ойида шартнома тузилган.

Маблағ танқислиги туфайли Республика йўл жамғармаси томонидан 2016 йилнинг ноябрь ойи охирида маблағ ажратилиб, объектнинг шартнома суммасига нисбатан 15% миқдорида аванс маблағлари пудратчи ташкилотга молиялаштириб берилди.

2016 йилнинг декабрь ойи охирига келиб яна қўшимча объектнинг шартнома нархининг қолган 15% қисми ажратилган ва яна маблағ танқислиги ҳамда Республика йўл жамғармаси томонидан объект бўйича очилган махсус ҳисоб рақами ёпиқлиги сабабли пудратчига шартнома асосида 2-аванс маблағларини тўлаб бериш имкони бўлмади.

Лекин шунга қарамасдан, бугунги кунда объектда йўл қисмидан сув ўтказиш қувурлари ўрнатиш тўлиқ бажарилиб, ер жойини кесиш ишлари, асос тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятдаги “А-378 автомобиль йўлидан – Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини ва Инжиниринг компанияси буюртмачилиги асосида олиб борилаётган бошқа мукамал

таъмирлаш ишлари учун 2017 йилда ажратилган маблағлар асосида қуриб фойдаланишга топширамиз.

Компания директори А.А.Сафаев

“Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг 2017 йил 28 январдаги №44-сонли хати

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга.
Нусхаси: Самарқанд вилояти ҳокимлигига.**

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш карточкаси орқали 2017 йил 19 январдаги №10-2/419“н”-сонли назорат хатига.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимов аризасида келтирилган 4Н513 “и” “А-378 автойўлидан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари тўхтаб қолганлиги билдирилиб, таъмирлаш ишларини тезлаштириш бўйича сўралган мурожаати кўриб чиқилиб қуйидагиларни маълум қиламиз:

Аризада кўтарилган масала бўйича бош пудратчи Самарқанд КХСИТФК томонидан 2017 йил январь ойигача лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бир нечта иш турлари бажарилиб, бугунги кунда таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Изоҳ: ушбу масала бўйича “Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори номига Самарқанд КХСИТФК директорининг 2017 йил 2 февралдаги №21-сонли хати илова қилинади.

Директор в.б. Р.Исақов

“Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг 2017 йил 21 февралдаги №18-сон буйруғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарори ҳамда “Ўзавтойўл” АК нинг 2017 йил 17 февралдаги №24-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарори ҳамда “Ўзавтойўл” АК нинг 2017 йил 17 февралдаги №24-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги 2776-сонли қароридан келиб чиқиб:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 22 мартдаги №03-сонли буйруғига асосан “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК ташкил этилган.

“Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилсин.

Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари Туман йўллардан фойдаланиш корхоналари этиб қайта ташкил этилсин.

Самарқанд кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси “Самарқанд кўприклардан фойдаланиш корхонаси” этиб қайта ташкил этилсин.

Самарқанд халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси “Самарқанд йўллардан фойдаланиш корхонаси” этиб қайта ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги 2776-сонли қароридан келиб чиқиб:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклидаги “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси”;

Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ҳузурида белгиланган тартибда Минтақавий автомобиль йўлларига буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси;

Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ҳузурида Минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш ихтисослаштирилган унитар корхонаси;

4. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича бош буюртмачи функцияси Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ҳузурида Минтақавий автомобиль йўлларига буюртмачи хизмати давлат унитар корхонасига юклатилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг таркбий бўлинмалари умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва минтақавий автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудратчи корхоналар ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. “Самарқандавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси этиб қайта

ташкил этилиши билан боғлиқ тадбирларни қонунчилик асосида амалга ошириш бўйича иловага асосан ташкилот комиссияси ташкил этилсин.

7. Ташкилот юридик маслаҳатчиси (А.Норбўтаев), кадрлар бўйича инспектор (Ф.Хошимова), ташкилот тизимидаги корхоналар раҳбарлари Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилиши муносабати билан:

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалар амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий риоя этилган ҳолда бекор қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига биноан ходимларнинг меҳнат шартномалари бекор қилинганда ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси қонунчиликда кўрсатилган тартибда тўлансин;

Корхоналарнинг бир-бирига қўшилиши, қайта ташкил этилиши, тугатилиши натижасида иш ўрни тугатиладиган ходимларни қонунчилик доирасида ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишга жойлаштириш чораларини кўриш.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор в.б. Қ.Ҳасанов

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика
йўл жамғармасининг 2017 йил 22 февралда Самарқанд вилоят ҳоқими
Ҳ.Қ.Оқбўтаевга ёзган
№ШД/28-12-481-сонли хати**

Ҳурматли Ҳиммат Қўчқорович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4954-сонли фармонида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ва тўла таъмирлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари томонидан тузилган шартномаларга асосан юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар, лойиҳачи ва пудратчи корхоналар билан тузилган шартномалар, бирламчи ва ижро ҳужжатлари, бугунги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқиляётган, қурилиш-монтаж ишлари тугатилган, лекин фойдаланишга топширилмаган, вақтинча тўхтаб қолган ва давом этаётган барча объектларни 2017 йил 1 март ҳолатига хатловдан ўтказиб, барча ҳужжатларни “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКга топширишга тегишли ташкилотларга топшириқ беришингизни сўраймиз.

Ҳурмат билан директор ўринбосари Ш.Даулетияров

Самарқанд КХСИТФК раҳбари А.Ўроқовга Нуробод тумани Жом

**қишлоғида яшовчи фуқаролар томонидан
МУРОЖААТ**

Танлов савдоларини ўтказиш бўйича Самарқанд вилоят комиссиясининг 2016 йил 21 сентябрда бўлган йиғилишида Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" "А-378 автомобиль йўлининг 56-км дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш" йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича қурилиш қиймати (ҚҚС билан шу жумладан 15% ЯИТ билан) 1 570 247 800 сўм ҳисобида қурилиш ишларини тўлиғича қуриб объектни 145 кун муддатда фойдаланишга топшириш мажбуриятини олгансиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб "Ягона буюртмачи" Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 2017 йил 26 январдаги №01-220-сонли хатида Сизнинг ташкилотингизга 2016 йил ноябрь ойида объектнинг шартнома суммасига нисбатан 15% ҳисобида аванс берилган. Маблағ танқислиги ҳамда Республика йўл жамғармаси томонидан объект бўйича махсус очилган ҳисоб рақамининг ёпиқлиги сабабли ташкилотга шартномага асосан 2-аванс маблағи берилмаган. 2017 йилда маблағ берилиши маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари О.Ж. Раматов тасдиқлаган 2017 йил 27 февралдаги №38-сон баённомада Самарқанд вилоятини 2017 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурида объект 2017 йилга киритилиб, 1 502 млрд. сўм ажратилганлиги қайд этилиб, маблағнинг берилиши апрелдан белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, объектда нима сабабдан иш бошланмаётганлиги тўғрисида маълумот беришингизни, сизнинг маълумотингизга асосан тегишли ташкилотларга мурожаат қилишимизни маълум қиламиз. Яна 2 ойдан сўнг асфальт қурилиш ашёларини ишлатиб бўлмайди.

**Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов, Қ.Авазов, М.Ёрқулов,
З.Шукуров, А.Турсунов, Э.Муродов, Т.Хўжақулов, Д.Жумаевлар
имзоланган. 2017 йил 15 май.**

**Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2017
йил 15 майдаги №83-сонли хати**

Самарқанд вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Қ.Қ.Ҳасановга.

Сизга шуни ёзиб маълум қиламизки, Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" "А-378 автойўлининг 56-кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш" автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш ва Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани "Ҳарбий ҳудуд"га киришдаги Самарқанд шаҳар айланма автойўл – Човчандир қишлоғи 4К-542 автомобиль йўлининг 3,814 км кўприкни тўла таъмирлаш объектларимизда буюртмачи ўзгараётганлиги сабабли молиялаштириш ишлари тўхтатилиб қўйилган, натижада маҳаллий аҳоли томонидан норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу объектларда бажариладиган ишларни тезлаштириш ҳамда ўз вақтида

топшириш мақсадида буюртмачини аниқлаб бериб, молиялаштириш ишларида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Директор А.Ўроқов

Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2017 йил 16 майда ёзган №84-сонли хати

Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаролар Э.Раҳимов ва бошқаларга.

Сизларнинг 2017 йил 11 майдаги мурожаатларингизга асосан қуйидагиларни маълум қиламиз:

2016 йил 11 майда Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" "А-378 автойўлининг 56-кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш" автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объекти бўйича қурилиш қиймати 1 570 247 800 сўм ҳисобида қурилиш ишларини тўлиғича бажариб объектни 145 кун муддатда фойдаланишга топшириш мажбуриятини корхона олган.

Ишни бажариш учун ягона буюртмачи Самарқанд вилоят инжиниринг компанияси томонидан объектнинг бўнак ҳисобидан 10% маблағ 170 млн. сўм ажратилиб берилган. Ажратилган маблағ ҳисобида мазкур йўлнинг сув ўтказиш ишлари тўлиғича бажарилди, тепаликлар ва ер кесиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли қарори ижросини таъминлаш талабидан келиб чиқиб "Самавтойўл" ҳудудий йўлларида фойдаланиш ташкилотининг 2017 йил 21 февралдаги №18-сонли буйруғининг 5-бандида корхона пудратчи этиб кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси 2017 йил 15 майдаги №83-сонли хат билан мазкур объектни таъмирлаш ишлари учун маблағ масаласини аниқлаб бериш тўғрисида мурожаат қилган. Маблағ масаласи ҳал қилингандан сўнг қурилиш ишларининг бошланишини маълум қиламиз.

Директор А.А.Ўроқов

**Ўзбекистон Республикаси Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси директори
Д.Шукуровга
МУРОЖААТ**

Танлов савдоларини ўтказиш бўйича Самарқанд вилоят комиссиясининг 2016 йил 21 сентябрда бўлган йиғилишида Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513"и" "А-378 автомобиль йўли 56-км дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш" йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича қурилиш қиймати (ҚҚС билан шу жумладан 15% ЯИТ билан) 1 570 247 800 сўм ҳисобида

қурилиш ишларини тўлиғича қуриб объектни 145 кун муддатда фойдаланишга топшириш мажбуриятини Самарқанд КХТФК корхонаси олган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компаниясининг 2017 йил 26 январдаги №01-220-сонли хатида ижрочига 2016 йил ноябрь ойида объектнинг шартнома суммасига нисбатан 15% ҳисобида аванс берилган. Маблағ танқислиги ҳамда Республика йўл жамғармаси томонидан объект бўйича махсус очилган ҳисоб рақамининг ёпиқлиги сабабли ташкилотга шартномага асосан 2-аванс маблағи берилмаган. 2017 йилда маблағ берилиши маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари О.Ж.Раматов тасдиқлаган 2017 йил 27 февралдаги №38-сон протоколда Самарқанд вилоятини 2017 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурида объект 2017 йилга киритилиб, 1 502 млрд. сўм ажратилганлиги кўрсатилиб, маблағнинг берилиши апрелдан белгиланган.

Бироқ капитал таъмирлаш ишлари бошланмагач, 2017 йил 11 майда объектни қурувчи ташкилотга 2017 йил 15 майда №83-сонли хат билан мурожаат қилиниб Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Қ.К.Хусановдан қурилишни бошлаш учун молиялаштириш масаласини ҳал қилиш сўралган. Бошқарма мазкур сўров хатига асосан 16 майда сизнинг ташкилотингизга телефон орқали мурожаат қилди. Бироқ бугунга қадар натижа йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, объектда нима сабабдан иш бошланмаётганлиги тўғрисида маълумот беришингизни сўраймиз. Сизнинг маълумотингиз асосида тегишли ташкилотларга мурожаат қилишимизни маълум қиламиз.

Агар йўл қурилиши яна 2 ойдан кейин бошланса, бу сифатсиз йўл кимга керак.

**Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов, Қ.Авазов, М.Ёрқулов,
З.Шукуров, А.Турсунов, Э.Муродов, Т.Хўжақулов, Д.Жумаевлар
имзоланган. 2017 йил 23 май.**

**“Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва
реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК нинг 2017 йил
29 майдаги №77-сонли хати**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат
қилувчи Э.Раҳимов ва бошқаларга**

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК Сизнинг 2017 йил 23 майда келиб тушган мурожаатингизни кўриб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Мурожаатингизда 4Н513“и” “А-378 автойўлининг 56-кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объектида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ва фойдаланишга топшириш

мақсадида қолдиқ иш ҳажмини тўлиқ бажариш учун лимит маблағи ажратилиши сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-2776-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 22 мартдаги №03-сонли буйруғига асосан “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК ташкил этилган.

Мазкур қарорнинг 3-бандига асосан “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК га юклатилган.

Ҳозирги кунда йилдан-йилга ўтувчи ва жорий йилда йўл ишлари дастурига киритилган объектларнинг барча асословчи ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг масъул ходимлари томонидан “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК га топшириш ишлари белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 4Н513“и” “А-378 автойўлининг 56-кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объектининг буюртмачи ташкилоти “Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан барча асословчи ҳужжатлар “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК га тақдим этилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда шартнома тузиш мумкинлигини билдирамыз.

Директор Д.Шукуров

**Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг
2017 йил 12 июнда ёзган №01-1317-сонли хати**

**Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси
А.Абдувалиевга.**

**Нусхаси: “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва
реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК директори Д.Шукуровга.**

Самарқанд вилояти инжиниринг компанияси томонидан буюртмачилик қилиб келинаётган, 2016 йил манзилли дастурга киритилган Самарқанд вилояти ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирланаётган ишлари бўйича пудратчи ташкилотлар ва ушбу йўллар олиб борувчи қишлоқларда яшаётган аҳолилар ўртасида кўплаб муаммолар вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-4954-сонли Фармони ва 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли қарорига асосан Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси таркибида “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ва тўла таъмирлаш ишларига буюртмачи этиб белгиланганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмачилик қилаётган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари топшириш мақсадида “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК бош мутахассиси А.Умаров 2017 йил март ойида келганида пудратчи ташкилотлар ўртасида Акт-сверка ва молиялаштирилган ишлар, бажарилган ишлар тўғрисида маълумот ҳамда қолдиқ иш ҳажми бўйича инвентаризация қилиниб, қабул қилиш учун бериб юборилган эди. Лекин бугунги кунга қадар объектларни қабул қилиш ишлари тугатилгани йўқ. Объектларни қабул қилиб молиялаштириш ишлари очилмаганлиги сабабли қишлоқ аҳолиси томонидан ёзма хатлар келиб тушмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4954-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Сиздан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмачилик қилаётган объектларни қисқа муддатда Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси таркибидаги “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК томонидан қабул қилиш учун мутахассис юборишингизни сўраймиз.

Компания директори А.Сафаев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
О.Ж. Раматовга, Ўзбекистон Республикаси Умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси
директори Д.Шукуровга,
Ўзбекистон Республикаси бош прокуратурасига
МУРОЖААТ

Танлов савдоларини ўтказиш бўйича Самарқанд вилоят комиссиясининг 2016 йил 21 сентябрда бўлган йиғилишида Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513”и” “А-378 автомобиль йўлининг 56-км дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича қурилиш қиймати (ҚҚС билан шу жумладан 15% ЯИТ билан) 1 570 247 800 сўм ҳисобида қурилиш ишларини тўлиғича қуриб объектни 145 кун муддатда фойдаланишга топшириш мажбуриятини Самарқанд КХТФК корхонаси олган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Ягона буюртмачи” Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 2017 йил 26 январдаги №01-220-сонли хатида ижрочиға 2016 йил ноябрь ойида объектнинг шартнома суммасига нисбатан 15% ҳисобида аванс берилган. Маблағ танқислиги ҳамда Республика

йўл жамғармаси томонидан объект бўйича махсус очилган ҳисоб рақамининг ёпиқлиги сабабли ташкилотга шартномага асосан 2-аванс маблағи берилмаган. 2017 йилда маблағ берилиши маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари О.Ж.Раматов тасдиқлаган 2017 йил 27 февралдаги №38-сон протоколда Самарқанд вилоятини 2017 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурида объект 2017 йилга киритилиб, 1 502 млрд сўм ажратилганлиги кўрсатилиб, маблағнинг берилиши апрелдан белгиланган.

Бироқ капиталтаъмирлаш ишлари бошланмагач, 2017 йил 11 майда объектни қурувчи ташкилотга 2017 йил 15 майда №83-сонли хат билан Самарқанд вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Қ.К.Хусановдан қурилишни бошлаш учун молиялаштириш масаласини ҳал қилиш сўралган. Бу борада 2017 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекциясига мурожаат қилинди. Мурожаатга дирекциянинг 2017 йил 29 майдаги №77-сонли хати олинди. Хатда буюртмачи ташкилот Самарқанд вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан барча асословчи ҳужжатлар ДУКга тақдим этилганидан сўнг ўрнатилган тартибда шартнома тузилиши кўрсатилган. Буюртмачи қўйидаги асосланган ҳужжатларни тақдим этган: манзилли дастур; тендер ҳайъати ҳужжатлари; буюртмачи билан иш бажарувчининг акт-сверка ҳужжатлари; хатлов далолатномаси; қайта баҳолаш далолатномаси; буюртмачи ва иш бажарувчининг шартномаси; лойиҳа-смета ҳужжатлари; давлат экспертиза хулосаси; соҳавий экспертиза хулосаси.

Буюртмачининг 2017 йил 12 июндаги №1317-сонли хатида ДУК бош мутахассиси А.Умаровнинг барча ҳужжатларни 2017 йил мартда олиб кетганлиги кўрсатилган.

Агар йўл қурилиши яна 2 ойдан кейин бошланса, бу сифатсиз йўл кимга керак? 1 млрд 502 млн сўм ҳавога учирилса, унга ким жавоб беради? Мазкур масалада йўл қурилиши тўғрисида аниқлик киритилишини сўраймиз.

Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов, Қ.Авазов, М.Ёрқулов, З.Шукуров, А.Турсунов, Э.Муродов, Т.Хўжақулов, Д.Жумаевлар имзолашган. 2017 йил 15 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2017 йил 22 июндаги №18-8-8/8878-сонли хати

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси (Абдувалиевга), Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Жўраевга).

Раҳбариятга ахборот берилди.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан ёзилган мурожаатни (15.06.2017 йил, №18-8-8/8878) ўрнатилган тартибда

кўриб чиқиб, мурожаатда кўтарилган масаланинг ечими юзасидан аниқ хулоса киритишингизни сўрайман. Муддат: 5 кун.

Хатни И.Маҳкамов имзолаган.

“Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКнинг 2017 йил 22 июндаги №253-сонли хати

Самарқанд вилояти Нуробод тумани, Жом қишлоғи фуқароси Э.Раҳимов ва бошқаларга

Дирекция томонидан Сизнинг “Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигидаги, Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513“и” “А-378 автойўлининг 56-км.дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш” тўғрисидаги мурожаатингиз ўрганиб чиқилиб, натижалари бўйича қуйидагиларни билдиради:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Раматов томонидан 2017 йил 6 июндаги №118-сонли “2017 йилда Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини ташкиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш” баёнининг 3-бандида “Умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйича 2017 йил 1 июнь ҳолатига қолдиқ иш ҳажмларини тўлиқ хатловдан ўтказилиб, мазкур объектларни жорий йилнинг 30 июнига қадар маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияларидан қабул қилиб олинишини таъминлаш” белгилаб қўйилган.

Ушбу баённома ижросини таъминлаш мақсадида дирекциянинг 2017 йил 13 июндаги №154-сонли хатига асосан Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компаниясига вилоятдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари таъмирлаш бўйича жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига қолдиқ иш ҳажмларини Дирекцияга топшириш вазифаси юклатилган. Худудий Инжиниринг масъул мутахассиси иштирокида аниқланган иш ҳажмларини топшириш-қабул қилиш далолатномалари орқали Дирекцияга жорий йилнинг 30 июнига қадар топшириш вазифаси юклатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сизга объект ўрнатилган тартибда Дирекцияга топширилганидан кейин таъмирлаш ишлари Дирекция буюртмачилигида давом эттирилишини маълум қиламиз.

Директор Д.Шукуров

Айнан шу мазмундаги хат “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК томонидан

директор Д.Шукуров имзоси билан 2017 йил 29 июнда №288-сон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳам юборилган.

Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2017 йил 31 июлдаги №17-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Раматов томонидан тасдиқланган 2017 йил 6 июндаги №118-сонли “2017 йилда Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини ташкиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш” баёнининг 3-бандида “Умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйича 2017 йил 1 июнь ҳолатига қолдиқ иш ҳажмларини тўлиқхатловдан ўтказилиб, мазкур объектларни жорий йилнинг 30 июнига қадар маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияларидан қабул қилиб олинишини таъминлаш” белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб Нуробод тумани ҳудудидан ўтувчи 4Н513“и” ва “А-378 автойўлининг 56-кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини капитал таъмирлаш объекти бўйича қуйидаги ҳужжатлар “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК га топширилган: лойиҳа смета ҳужжатлари ва шартномалар; экспертиза хулосалари (давлат ва соҳавий экспертиза); тендер ҳужжатлари; пудрат шартномалари ва қўшимча келишувлар; акт инвентаризация; хатлов далолатномаси; акт сверкалар; тўлов топшириқлари; бажарилган ишларнинг счет фактураси (ф-3).

Самарқанд КФУК директори А.Ўроқов

2017 йил 8 августдаги пудрат шартномаси

4Н513“и” “А-378 автойўлидан – Чўнқаймиш қишлоғига (56 км) шохобча” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш.

Шартнома тузувчилар:

Буюртмачи: “Умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК.

Директор Д.Шукуров имзолаган.

Пудратчи: Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси.
Директор А.Ўроқов имзолаган.

Ушбу шартномага илова

4Н513“и” “А 378 автойўлидан – Чўнқаймиш қишлоғига (56 км) шохобча” автомобиль йўлининг 0-2 км қисмини тўла таъмирлаш объектини бажариш жадвали (минг сўм ҳисобида)

Бажариладиган ишлар	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	Иш турлари бўйича қиймати
Жами қурилиш-монтаж ишлари 2017 йил	50 000,000	350 000,000	450 000,000	650 000,000	70 247,800	1 570 247,800

ЖОМ СОЙИДАГИ КЎПРИКЛАР

2012 йилнинг 11-12 май кунлари бўлган кучли ёмғир-жала сувлари Жом қишлоғининг ўртасидан оқиб ўтувчи Омондарасой устига қурилган кўприкларни бузиб кетди. Оқибатда Чўнқаймиш, Анназират, Йўрғабулоқ, Омондара, Галашерик, Ҳафрин, Гирдиқўрғон каби кўплаб қишлоқлар, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Китоб туманлари ҳудудларига транспорт қатнови қийинлашди. Нуробод туманининг масъул ташкилотлари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари Омондара, Галашерик, Ҳафрин ва Каримовулнинг сойдан ўтиш кўприкларининг вазиятини атрофлича ўрганишиб, тасвирга тушириб, тегишли ҳужжатларни тузиб кетдилар.

Кўприкларни тиклаш бўйича ҳеч қандай ҳаракат бўлмагач, Эштурди Раҳимовсиз бу иш битмайди, деган фикрга келган қишлоқ фаолларидан Бердимурод Равшанов, Қудрат Хушатов, Эгам Бўтаев ва Турум Хўжақуловлар унинг хонадонига келишди. “Қараб ўтирсак кўприклар битиб қоладиганга ўхшамайди, сиз керакли ташкилотлар ва уларнинг раҳбарларини яхши биласиз, ёрдам бермасангиз бўлмайди”, дейишди. Шундан сўнг Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари раислари, фаоллари, қишлоқнинг гапга етар инсонлари бирга йиғилишиб, маслаҳатлашиб, кўприкларни қуриш масаласига уриниб кўрайлик деган фикрга келишдилар ва бу ишга Э.Раҳимовни масъул қилиб белгиладилар. У 2012 йилнинг август ойи бошидан Самарқанд вилояти ва Нуробод туманининг кўприклар масаласига алоқадор ташкилотларига мурожаат этишни бошлади.

2012 йилнинг 14 августида Тошкент шаҳрида “Ўзавтойўл” ДАК раиси Муродулла Абдуллаевга учрашгач, у киши диққат билан эшитиб, бузилган кўприкларнинг қайси ташкилотлар балансида туришини сўради. Э.Раҳимовдан Самарқанд автойўл балансида туришини билгач, М. Абдуллаев кўприкларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш зарурлигини, шундагина маблағ ажратилишини маълум қилди.

Э.Раҳимов шу куни Самарқандга келиб “Самавтойўл” бошқарувига мурожаат этди. 2012 йилнинг 17 августида “Самавтойўл” раҳбари Деҳқон Эрмаматов №269-сонли хати орқали Омондара кўпригининг балансида туришини, лекин қолган учта кўприкнинг улар балансида йўқлигини, бу масалада бош муҳандис Рауф Исоқовга мурожаат этиш кераклигини маълум қилди.

Омондара кўприги балансида бўлган “Самавтойўл” 2012 йилнинг 21 августида №323-сонли хат билан Қашқадарё КЛҚЭ (комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси) корхонасига ушбу кўприкнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш ҳақида мурожаат этди.

Бош муҳандис Рауф Исоқов Э.Раҳимовга Республикада тўртта лойиҳа-смета институтлари борлигини, уларнинг режали ишлари ҳажми ҳаддан ташқари кўплигини айтиб, имкон қадар Тошкент, Наманган, Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги институтлар билан боғланиб кўришни таклиф этди.

2012 йилнинг 6 сентябрида ушбу масала юзасидан Республика Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга ёзма мурожаат этилди. Мурожаатга 2012 йилнинг 4 октябрида

Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаменти бошлиғи Н.М.Хановдан №18-8-8/6745-сонли хат олинди. Унда кўтарилган масалани ижобий ҳал этиш учун хатнинг Самарқанд вилоят ҳокимлигига юборилганлиги маълум қилинган эди.

Галашерик, Ҳафрин ва Каримовулга ўтиш кўприклари ҳеч бир ташкилотнинг балансида бўлмаганлиги учун уларни лойиҳалаштирувчи институт ҳам йўқ эди.

Республика Молия вазирлиги 2012 йилнинг 27 декабрида бу кўприкларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш тўғрисидаги №МА/20-01-01-13-785/108-сонли хатини Самарқанд вилоят молия бошқармасига йўллаган эди. Вилоят молия бошқармаси маҳаллий бюджетда бундай маблағнинг йўқлигини маълум қилди.

Жуда кўп югур-югурлар, маслаҳатлар, изланишлар ва ўрганишлардан сўнг Э.Раҳимов учта кўприкнинг лойиҳа-сметасини ҳал этиш масаласида қишлоқ жоме масжидининг имом-хатиби Абдуфаттоҳ Турсунов ва кўп йиллар Қарши нефт қазил бошқармасида ишлаган Тўра Холбозоровлар билан келишиб, ҳозирда Қарши шаҳрида яшовчи, Ўзбекистоннинг нефт-газ саноати бўйича кўзга кўринган мутахассисларидан бири, Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси бош менежери, асли жомлик Рустам Бозоровга мурожаат этдилар. У киши бу соҳада ёрдам бера олмаслигини, лекин Қарши шаҳридаги Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси жамоа корхонаси директори билан боғлай оладиган, Қарши «Меъмор» институти муҳандис-ходими Бахтиёр Жалиловга қўнғироқ қилишини, уни қидириб топишларини айтди. Уларни Б.Жалилов Қарши шаҳрининг Хонобод кўчасида жойлашган лойиҳалаштириш идораси раҳбарининг хонасига бошлаб борди. Хонада қорачадан келган, 40 ёшлар атрофидаги, истараси иссиқ йигит билан таништирди. Э.Раҳимов аҳволни баён қилиб, кўприкларнинг фото тасвирларини кўрсатди. У киши аҳвол оғир эканини тушуниб турганини, лекин ишнинг кўплигидан Самарқанд вилояти ҳокимлигининг хатига асосан қилиниши лозим бўлган кўприкларнинг лойиҳаларини тузишни ҳам бошлай олмаётганликларини маълум қилди. Энди Жомдаги аҳоли аҳволининг мураккаблигини уч кишилашиб тушунтира бошладилар ва ҳазил билан бу ишни бажариб бермасангиз Тошкент томон йўл олганингизда Жомдан ўтказмаймиз дейишди. Шунда у киши Тахти-Қорача орқали ўтаман деб кулди ва ўзининг Диёр Алимов эканлигини, Китоб шаҳрида яшашини айтди. Жомликлар аҳволни яна қайтадан тушунтира бошладилар, шунда Диёр Алимов бош муҳандиси Ғафур Ражабовни чақириб, бу оғайнилар кетмайдиган кўринадидеб, у кишини аҳвол билан таништирди. Шунда 50 ёшлар атрофидаги Ғафур Ражабов ўйланиб туриб, «қани, жамоа билан маслаҳатлашиб кўрай-чи, нима дейишар экан», деб чиқиб кетди. Бир соатлардан сўнг қайта кириб келган Ғафур ака жамоа аҳвол шунчалик оғир экан, кечалари ишлаб бўлса ҳам лойиҳани қилиб беришга рози бўлганликларини, тегишли ҳужжатларни йиғиб, буюртмачининг хати билан тақдим этилиши зарурлигини айтди. Учала вакил хурсанд ҳолда қишлоққа қайтиб, эртасига эрталаб маҳалла фаолларига ахборот беришди. Қишлоқдошлар улардан ишни бўшаштирмасликларини

илтимос қилишди.

Э.Раҳимов айтилган ҳужжатларнинг бир қисмини тегишли ташкилотлардан йиғиб Қашқадарё КЛҚЭ маъмуриятига топширди. Бироқ учта Галашерик, Ҳафрин ва Каримовул кўприклари бирор ташкилотнинг балансида бўлмагани учун буюртмачининг хатини олиш имкони бўлмади. Шунда у “Самавтойўл”нинг 2012 йилдаги бош муҳандиси Рауф Исоқовга қайта мурожаат этди. Рауф Исоқов Э.Раҳимовга вилоят ҳокимлигига бориб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 ноябрдаги №535-ПП-сонли қарорини топишни, унинг 4-бандида хўжаликлар ички йўллари 2007 йилнинг 1 мартига қадар маҳаллий ҳокимликлар балансига олиниши кўрсатилганлигини, шу асосда кўприкларни туман ҳокимияти балансига олдиришни, бундай ҳолда буюртмачи Нуробод туман ҳокимияти бўлишини айтиб маслаҳат берди.

Э.Раҳимов Самарқанд вилояти ҳокимиятидан Республика Президентининг 2006 йил 20 ноябрдаги №535-ПП-сонли қароридан нусха олиб, Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари Зоир Ниёзовга тақдим этди ва учта кўприкни балансга олишни сўради. Зоир Ниёзов сел олиб кетиш туфайли бугунги кунда мавжуд бўлмаган кўприкларни балансга ололмаимиз жавобини берди. Шундан кейин Э.Раҳимов Нуробод туман ҳокими Ибрагимов Жамол Хайруллаевичга учраб, аҳволни тўлиқ баён қилди. Ҳоким ўринбосари Зоир Ниёзовни чақириб, “Қандай ҳужжатлар керак бўлса тўғриланг, вилоят ҳокимияти билан боғланинг, агар қарор чиқариш имконияти бўлса лойиҳасини тайёрлаб кириш, мен имзо қўяман”, – деди.

2012 йилнинг 6 сентябрида туман ҳокимининг №343-К-сонли қарори билан Галашерик, Ҳафрин ва Каримовул кўприклари ҳокимият балансига олинди ва қарор нусхаси шу куни Қашқадарё КЛҚЭ корхонасига етказилди. Буюртмачи бўлиб туман ҳокимлигининг коммунал хизмат бўлими шартномани тасдиқлади. Барча ҳужжатлар тайёр бўлгач, Қашқадарё КЛҚЭ корхонаси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга киришди.

2012 йилнинг 7 сентябрида Қашқадарё КЛҚЭ корхонасининг директори Диёр Алимов Э.Раҳимовга кўприклар жойининг топотасвирини ва гидрогеология ҳужжатларини Самарқанд вилоятининг ўзида тайёрлашни таклиф қилди.

Э.Раҳимов 2012 йилнинг 8 сентябрида Самарқандйўллойиҳа институти директори Собир Муқимович Зокиров билан учрашиб, топотасвир ҳужжатларини зудлик билан тайёрлашга ёрдам беришини сўради. 2012 йилнинг 9 сентябрида институтнинг 5 кишидан иборат ходимлари келиб, икки кун давомида тўртта кўприк жойларининг топотасвирини олиб кетишди ва 12 сентябрда тайёрланган ҳужжатларни беришди.

Э.Раҳимов тайёр топотасвир ҳужжатлари билан ЎзГАШКЛИТИ ДУК институти директори Ҳ.Н.Абдусаломов қабулига кириб, гидрогеология ҳужжатларини тўғрилашда ёрдам кўрсатишини сўради. Ҳ.Н.Абдусаломов шартнома ҳужжатларини тўлдириб, туман ҳокимиятидан тасдиқлатиб келишни сўради. Э.Раҳимов Нуробод туман ҳокимлигининг коммунал хизмат бўлими бошлиғи Х.Примов тасдиқлаган шартнома ҳужжатларини институтга келтириб топширди.

ЎзГАШКЛИТИ ДУК институти маъмурияти 2012 йилнинг 15 октябрида

бажарилган ишлар учун №141-сонли тўлов топшириқномаси билан 13 млн 666 минг сўмни ўзларига кўчириб олгач, тайёрланган ҳужжатларни берди. Қашқадарё КЛҚЭ корхонасининг кўприклар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашлари учун зарур бўладиган барча ҳужжатлар уларга тақдим этилди.

Самарқанд автойўл маъмурияти 2012 йил 5 сентябрда №295-сонли хати билан Республика Молия вазирлиги Ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижро этувчи дирекцияси директори Ж.М.Шукуровга Омондара кўприги ишчи лойиҳасини соҳавий экспертизадан ўтказишга рухсат беришини сўраб мурожаат этди.

Э.Раҳимов 2012 йилнинг 21 декабрида Омондара кўприги лойиҳа-смета ҳужжатларини Қашқадарё КЛҚЭ корхонасининг директори Диёр Алимов билан Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл фонди маъмуриятига экспертиза учун топширишга боришди. Улар кўприкнинг яроқсизлик акти йўқлиги учун ҳужжатларни қайтардилар. Диёр Алимов зудлик билан корхонанинг бош муҳандиси Ғафур Ражабовга қўнғироқ қилиб, яроқсизлик актини тайёрлаш топшириғини берди ва Э.Раҳимовга бу актни олиб Нуробод туман ҳокими ҳамда “Самавтойўл” бош муҳандисига тасдиқлатиб тезда етказиб келишини, ўзи Тошкентда кутишини айтди. Э.Раҳимов шу куни соат 16.00 лар атрофида Тошкентдан Қаршига йўл олди. 22.30 лар атрофида Қашқадарё КЛҚЭ корхонасига кириб келганида бош муҳандиси Ғафур Ражабов тайёр акт билан уни кутиб турарди. Тунда шу ерда ётиб, эрталаб йўлга чиқиш олдидан “Самавтойўл” бош муҳандиси Рауф Исоқовга қўнғироқ қилди. Тасодифни қарангки, Рауф Исоқов Республика автойўл ДАК раҳбариятининг топшириғи билан Қашқадарё йўлларининг ҳолатини текшираётган эди. У ўзининг Деҳқонободда эканлигини, соат 12.00 лар атрофида Қаршида учрашини айтди ва соат 11.30 да келиб, актни имзолади.

Э.Раҳимов соат 14.30 да Нурободга келганда туман ҳокими Самарқанд вилоятининг тафтиш аъзолари билан Собирсой сув омборида эканлигини маълум қилишди. Соат 16.00 лар атрофида ҳоким ўринбосари Зоир Ниёзов тасдиқлаган Омондара кўпригининг яроқсизлиги тўғрисидаги акт билан Э.Раҳимов 23.30 да Тошкентга етиб келди ва 2012 йилнинг 23 декабрида эрталаб йўл жамғарма фондида Диёр Алимовга ҳужжатни топширди.

Э.Раҳимов 2012 йилнинг 27 декабрида балансга олинган учта кўприкни қайта қуриш давлат дастурига киритиш учун қандай ҳужжатлар тайёрлаш зарурлигини аниқлаш мақсадида “Самавтойўл”га мурожаат қилди. Бош муҳандис Рауф Исоқов лойиҳа-смета ҳужжатларисиз маблағ ажратилмаслигини айтди. Шундан сўнг Самарқанд инжиниринг компанияси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Абдуғани Муродқобиловга учрашилиб, аҳвол атрофлича баён қилинди. У киши ўйланиб “Сизнинг лойиҳа-смета ҳужжатларингизга пул тўлаб олувчи ташкилот бўлмаса, Нуробод туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлимида маблағ етишмаса нима қиласиз, яхшиси яна Қашқадарё КЛҚЭ корхонасига мурожаат қилиб кўринг”, деб маслаҳат берди.

Э.Раҳимов қишлоққа келиб яна А.Турсунов ва Т.Холбозоровлар билан Қаршига йўл олишди. Қашқадарё КЛҚЭ корхонасининг директори Диёр

Алимовга учрашиб, вазиятни тушунтириб, агар лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлмаса кўприкларнинг давлат дастурига кирмай, қурилмай қолишини маълум қилишди. Диёр Алимов уларга қонун бўйича бунортмачи лойиҳа учун пул тўлаши, кейин лойиҳанинг берилишини айтиб, узоқ ўйланиб қолди ва бош муҳандис Ғафур Ражабовга учта кўприкнинг лойиҳасидан бир нусхадан беришини илтимос қилди. Ғафур Ражабов қайтариб олиб келиш тўғрисидаги тилхат билан лойиҳаларни уларга берди.

2013 йилнинг 14 январь соат 11.30 ларда вилоят ҳокими қабулхонасининг мудири Ҳамза Сулаймонович Турдиев Э.Раҳимов билан А. Турсуновни вилоят ҳокими Зойир Тойирович Мирзаев хонасига олиб кирди. Вилоят ҳокими уларни диққат билан эшитгач, ўзининг қурилиш бўйича ўринбосари О.А.Алихўжаев, қурилиш бўлими бошлиғи Ш.Тошпўлатов, котибият мудири Т.Мамадалиевларни чақириб, масалани атрофлича ҳужжатлар асосида ўрганиб, кўприкларни 2013 йилда қуриш давлат дастурига киритишга доир ҳужжатларни тайёрлаш топшириғини берди ва жомликлар билан самимий хайрлашди.

2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари яна серёғин келди. Кўприклар бузилган, транспорт ва одамлар қатнови қийинлашган. Э.Раҳимов 2012 йилнинг 5 декабрида вилоят ҳокимига кириб аҳволни баён қилди. Зойир Тойирович ўринбосари О.А.Алихўжаевни чақириб зудлик билан йиғилиш чақиритишини, вилоят ҳокимлигининг йиғилиш баёни билан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғини берди. Шу куни вилоят ҳокимлигининг №02/3-497-сонли йиғилиши қарори билан Жом қишлоғидаги кўприкларда вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш режаси ишлаб чиқилди.

2012 йилнинг 7-9 декабрь кунлари вилоят ҳокими ўринбосари О.А.Алихўжаев, "Самавтойўл" корхонаси бошлиғи Д.Эрмаматов, вилоят КХСИТФК директори Т.Рисқулов, ПМК-173 МЧЖ директори С.Янгибоев, "Согда Зарафшон" сув қурилиш шўъба корхонаси раҳбари О.Эргашев, Зирабулоқ магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи Н.Эломонов, Самарқанд ХДААЙСИТФК директори К.Ҳимматқулов, Самарқанд ТИХПТФК директори Ш.Исомиддинов, Нуробод нефт базаси УК директори А.Ҳайдаров, Нуробод тумани ҳокими Ж.Х.Ибрагимовлар бошчилигида механизациялашган гуруҳ кўприкларнинг вақтинчалик қатновини тиклади. Бироқ 2013 йилнинг 10 январидан рўй берган кучли сел оқими Омондара кўпригидан ташқари барча кўприкларни ювиб кетди, қатнов тўхтади.

2013 йилнинг 24 январидан вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий давлат органлари балансида бўлган дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларни тозалаш ҳамда 2012 йилда сел оқимлари ва сув тошқинларидан талафот кўрган хўжалик йўлларидаги 5 та кўприклар, улардан биттаси Пайариқ туманида, биттаси Қўшрабат туманида, қолган учтаси Нуробод тумани Жом қишлоғида қурилиши Давлат дастурига киритилиб тасдиқланди.

2013 йилнинг февраль ойида кўприкларни қуриш учун ажратиладиган маблағлар тўғрисида ҳеч қандай хабар бўлмади.

2013 йилнинг 20 февралда кўприклар учун ажратилиши керак бўлган маблағ масаласи ва Давлат дастурининг ижроси бўйича Э.Раҳимов, А.

Турсунов, Т.Холбозоровлар тегишли идораларга боришди. Уларни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқармасининг бошлиғи полковник Аброр Турсунов ва подполковник Фахриддин Ғуломовлар қабул қилишиб, кўтарилган масала бўйича Республика Президентининг қарор лойиҳаси тайёрланганлигини маълум қилиб, ундан нусха берди. Э.Раҳимов хурсанд ҳолда Нуробод туман ҳокими Ж.Х.Ибрагимовга хушxabарни етказди. Туман ҳокими энди иш битадиган бўлди деб уларни табриклади.

2013 йилнинг 5 мартда яна шу уч киши Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари О.А.Алихўжаев қабулига соат 10.00 да киришди. Ўн дақиқалардан сўнг телефон жиринглаб қолди. Шунда қабулдагилар Э.Раҳимовга телефонни ўчиринг дейишди. Кўпдан буён йиллаб кутилаётган тарихий воқеа содир бўлган эди: Тошкентдан Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан полковник Аброр Турсунов телефон қилиб: “Бобо, қаердасиз?”, деди. Э.Раҳимов вилоят ҳокимиятида эканлигини билдирди. Полковник ҳазиллашиб, “Суюнчи нима бўлади?” деди. Э.Раҳимов “Жомнинг ширбоз қўзисидан” бўлади деди. Шунда полковник Аброр Турсунов 2013 йилнинг 28 феввалида кўприкларни қуриш тўғрисида Республика Президенти И.А.Каримовнинг №1926-ПП-сонли қарори чиққанлигини маълум қилди. Шошилиб қолган Э.Раҳимов вилоят ҳокимиятидагиларга «биз кетамиз», деди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.А.Алихўжаев нима гаплигини сўраганда Э.Раҳимов содир бўлган воқеани билдирди. О.А.Алихўжаев хурсанд бўлиб: “Мана, бобо, яхши орзулар ушалаверади”, деб эришилган муваффақият билан жомликларни Самарқанд вилояти ҳокимлиги номидан табриклади. Қабулхонадан чиққан Э.Раҳимов, А.Турсунов, Т.Холбозоровлар бир-бирларини қучоқлашиб, кўзларидан севинч ёшларини тўкишарди. Улар хурсандчиликни эл билан баҳам кўриш учун зудлик билан қишлоққа жўнашди. Хушxabар қишлоққа тезда ёйилиб, ҳамма хурсанд бўлди.

2013 йилнинг 4 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №82-йиғилиш баённомаси қарори билан маблағлар объектларга тақсимланди. Омондарасой (Галашерикка ўтиш) кўпригига 508 миллион сўм, Хафринга ўтиш кўпригига 530 миллион сўм, Каримовул (Гирдиқўрғонга ўтиш) кўпригига 517 миллион сўм пул ажратилган эди. Мазкур қарор билан буюртмачи қилиб Самарқанд вилоят инжиниринг компанияси белгиланди.

Яна ҳужжатларни янгилаш бошланди. Самарқанд вилоят инжиниринг компанияси ва Қашқадарё КЛҚЭ корхонасига барча тегишли ҳужжатлар қайтадан топширилди.

2013 йилнинг 5 июлида Жом маҳалласида яшовчи қишлоқдошимиз Холбой Маҳатов Э.Раҳимовни 2013 йилнинг 4 июлида «Ўзбекистон овози» газетасининг №67-сонида Жомдаги кўприкларни қуриш бўйича тендер эълон қилинганлигидан хабардор қилиб табриклади. Бу ҳақда Э.Раҳимов Жомдаги 4 та маҳаллаларнинг раисларига, қишлоқ оқсоқоллари билан Зомин ва Фориш бўйлаб зиёратга чиққан мулла А.Турсуновга, Тошкентда оғир кунларда ҳамроҳ бўлиб, бошпана берган Аҳмад Қурбоновга қўнғироқ қилиб, барча жомликлар биргаликда қувонишиб бир-бирларини табриклашдилар.

2013 йилнинг 14 июлида ўтказилган тендер савдоларида Ҳафринсой ва Каримовул кўприклари қурилишларини «Ғайтуруз ҳамкор» фирмаси ютиб олди ва август ойида иккала кўприкларда қурилиш ишларини бошлади.

Омондарасой (Галашерикка ўтиш) кўприги нимагадир тендер савдосига қўйилмади. Тегишли ташкилотларга мурожаат этилгандан кейин Самарқанд инжиниринг компанияси 2013 йилнинг 4 сентябридаги №01-1986-сонли Вилоят ҳокимлигига берган жавоб хатида мазкур кўприкни қуришга талабгор қурувчи бўлмаганлиги сабабли тендер савдоси ўтмаганлигини ва ажратилган маблағ бошқа объектларга тақсимланиб, манзилли дастур тасдиқланганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов Республика Президентининг қарори билан мазкур Омондарасой (Галашерикка ўтиш) кўпригига ажратилган маблағни топиш учун яна идораларга мурожаат этишни бошлади.

2013 йилнинг 11 ноябрида Республика Иқтисодиёт вазирлиги ўзининг №ХБ-2-7/4-4-45-сонли хати орқали Республика Вазирлар Маҳкамасига ва Самарқанд вилоят ҳокимлигига Омондарасой кўпригининг лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат экспертизасидан ўтганлигини, бироқ танлов савдоси ўтказилмаганлигини, ушбу йилда лойиҳа-смета ҳужжатлари учун маблағ ажратилганлигини, объектнинг қурилиши ва топширилиши 2014 йил қилиб белгиланганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси дирекциясининг Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Э.Раҳимовга йўллаган 2013 йил 29 ноябрдаги №ЖШ/18-12-3727-сонли хатида Омондарасой кўпригининг Республика бюджети ҳисобидан қурилиши маълум қилинди.

Ниҳоят 2014 йилнинг 6 январида «Қурилишга танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Самарқанд вилоят ҳудудий консалтинг маркази» №4/10-04-сонли хат билан Омондарасой кўпригини қуриш бўйича савдоларнинг ўтказилганлигини ва объект бўйича танлов ҳайъатининг 2014 йил 4 январдаги №287-3(13)-сонли баённомаси қарорига асосан «Кент» МЧЖ ташкилоти ёлиб деб топилганлигини маълум қилди.

Омондарасой (Галашерикка ўтиш) кўпригини қуриш бошланди.

Э.Раҳимовда худо берган жуда кўп яхши хислатлар бор. Бундай қобилиятли бошқа инсонлар ҳам йўқ эмас. Бироқ Э.Раҳимов ўзидаги барча яхши сифатларни эл манфаати йўлида беминнат намоён қилади. Ёшлигидан ҳар куни 15 км пиёда илдам юришни ўзига одат қилиб олган. Ҳозир кексалигида ҳам бу одатини ташлагани йўқ.

Э.Раҳимов имкон қадар иш бўлаётган жойнинг бошида бўлади. Масалан, Омондара кўприги қурилиши жараёнида иш бошида ўтириб олиб, рўйхат билан қишлоқдошларга "қурувчилар учун, Аҳмаджон, бир тандир нон ёптириб келинг", "Илҳомжон, битта қўзи олиб келиб сўйинг", "Дониёрбой, тоғдан бир машина тош келтиринг", "Қилич бобо. ўн идиш сув олиб келинг", қурувчилар техникасида носозлик пайдо бўлса, Қудрат Хушатовни чақириб, ҳайдовчилардан яхши биладигани билан тезда керакли эҳтиёт қисмларни топиб келинг, қабилидаги топшириқларни берарди.

Элнинг иттифоқлиги шу даражадаки, бундай топшириқлардан бирор киши оғринмайди. Сабаби Э.Раҳимов узоқ йиллар қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлаган даврларида бу одамларнинг аксарият қисмининг туғилганлик гувоҳномасини ёзиб берган, ҳар бир оиланинг иқтисодий, маънавий ва маърифий томонларини яхши билади. Шунинг учун қишлоқдошлар ўзларининг имкониятлари даражасида берилган топшириқларни сидқидилдан қабул қилиб бажаришади ва эл-юрт ишида қатнашаётганликларидан фахрланишади. Э.Раҳимов зарур пайтда ҳазилни ҳам ўрнига қўяди. Ҳафрин кўприги қурилиши даврида, “Облаёрбой, битта улоқ сўйинг”, деди. Облаёр улоқни болалари келтириб беришини айтди. Шунда Э.Раҳимов “Йўқ, мен нима биламан, бировнинг улоғини ўғирлаб ўғлингиздан бериб юборарсиз, улоқни ўзингиз олиб келиб, ўзингиз сўйиб қон чиқарасиз, тозалаб гўштни қолдириб, уйингизга калла-пойчаси, терисини олиб кетасиз. Улоқ бегонаники бўлса, териси ўзингизнинг уйингиздан чиқиб, ўзингиз жавоб беринг, бизларга ортиқча ғалвани олиб келманг”, деди. Бундай муомалани кўп кузатган қурувчилардан бири, хафа бўлади ҳам демайсиз-а, раис бобо, деди. Шунда Э.Раҳимов букатта элнинг хайрли иши, бундан бутун қишлоқ аҳли, келажакда авлодларимиз, қишлоққа келган-кетганлар фойдаланишади, хафа бўлса бўлиб кетсин деди. Биргина Омондара кўприги қурилиши даврида қурувчилар учун қишлоқдошлар томонидан 14 бош улоқ-қўзилар сўйилди. Қурувчилар тушликка чиқиши олдидан Э.Раҳимов уйига кетиб қоларди. Кўприклар уч йил давомида қурилган бўлса, Э.Раҳимов бир марта ҳам қурувчиларга тайёрланган таомдан истеъмол қилмади, аҳолидан йиғилган эҳсонларга қўл урмади. У ўзига ғубор юқтирмайдиган, қадрини юқори даражада сақлайдиган инсон. Элдан ҳадя қилинган хайр-эҳсон ва уларнинг сарф-харажатларига доир масалалар Омондара маҳалласида Қудрат Хушатов, Очил Бердиев, Тегирмонбоши маҳалласида Тўра Холбозоров, Абдуфаттоҳ Турсунов ва Эрка Ғойибназаровлар ихтиёрида бўлди.

Жом сойида қурилган тўрт дона, жами узунлиги 114 метр бўлган кўприкларни қуришда Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари фуқароларининг асосий қисми баҳамжиҳат бўлиб иштирок этишди. Аҳолини бирлаштиришда Бердимурод Равшанов, Қудрат Хушатов, Эгамберди Бўтаев, Жаҳонгир Ҳамзаев, Бурхон Нишонов, Турум Хўжақулов, Қурбонали Бобоқулов, Абдуфаттоҳ Турсунов, Тўра Холбозоров, Очил Бердиев, Нурулла Турсунов, Суюн Туйғунов, Эрка Ғойибназаров, Баҳридин Бердиев, Холдор Зиётов, Исмоил Жабборов, Нишон Холмўминовлар фаоллик кўрсатдилар.

Кўприкларни лойиҳалаштириш, экспертизадан ўтказиш, тендер ҳужжатларини расмийлаштириш ишларида Пўлат Сафаров кўмаклашди.

Кўприкларни қуришда техникага муҳтожлик сезилганда Илҳом Давронов, Бобомурод Юсупов, Дониёр Хўжақулов, Элмурод Бозоровлар ўзларининг юк машиналари, шунингдек, Омондара маҳалласи фуқароси Содиқ Худойқулов “Дамас” русумли автоуловида беминнат хизмат кўрсатдилар. Шунингдек, Фаррух Бозоров ўзининг шахсий экскаватори ва камаз автомашинаси билан доимо ёрдамга шай бўлиб турди.

Уч йиллик (2012-2014 йиллар) елиб-югуришлар даврида Тошкент шаҳрида

ҳафталаб қолиб кетишга тўғри келганда Э.Раҳимов ва унинг шерикларига қишлоғимиз фарзандлари Аҳмад Қурбонов, Одил Усмоновлар бошпана бериб сидқидилдан хизмат қилдилар.

Шундай қилиб, 2013-2014 йилларда узунлиги 24,5 метр, эни 10 метр бўлган Омондара кўпригига 635 миллион сўм, узунлиги 28,5 метр, эни 9 метр бўлган Омондарасой (Дўғоб) кўпригига 555 миллион сўм, узунлиги 28,5 метр, эни 9 метр бўлган Ҳафрин кўпригига 508 миллион сўм, узунлиги 30,5 метр, эни 9 метр бўлган Каримовул кўпригига 573 миллион сўм, жами 2 миллиард 271 миллион сўм Республикамиз бюджети маблағлари сарфланди.

2015 йилнинг 5 январь куни Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари ҳудудларида эрталабдан тўй тараддуди бошланди. Катта-кичик қишлоқдошлар бунёд этилган 4 кўприк бошига йиғилишиб, самоварларни ўрнатдилар, дошқозонларни осилиб хайрли ишга шўнғиб кетдилар. Боиси қишлоқдошлар узоқ кутган кўприклар шу куни ишга тушириладиган бўлди. Омондарасой кўприги бошига Исмоил Жабборов бир бош кўзи, Очил Бердиев, Усмон Хидиров ва Бегали Бобоқуловлар бир бошдан сарка олиб келиб сўйдилар. Ҳафринсой кўприги бошига осилган дошқозонларда Тўра Холбозоров бошчилигида ош дамланди. Каримовул кўприги бошида Эркабой Ғайимназаров ва Баҳриддин Соатовлар элни бириктириб, бир бош қўчқор сўйиб, таом тайёрладилар.

Кўприкларни ишга тушириш маросимида ушбу кўприкларнинг қурилишида бош-қош бўлиб, фаоллик кўрсатган Нуробод туманининг собиқ ҳоқими Ж.Х.Ибрагимов, туман ҳоқими в.б. Б.Қ.Эргашев, туман прокурори А.Раҳматов, туман Ички ишлар бўлими бошлиғи А.Ҳусайнов, Самарқанд вилоят ҳоқимлиги Инжиниринг компанияси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи А.Муродқобилов, сув хўжалиги объектлари бўлими бошлиғи Т.Қулжонов, Омондарасой кўпригини қурган «Кент» МЧЖ хусусий фирмаси бошлиғи Р.Зоҳидов, Ҳафринсой ва Каримовул кўприкларини қурган «Ғайтуруз ҳамкор» хусусий фирмасининг бошлиғи Т.Худойқуловлар раҳбарлигида ишлаган қурувчилар бригадалари, шунингдек, А.Ашуров бошчилигидаги вилоят телерадиокомпаниясидан бир гуруҳ меҳмонлар келишиб, жомликларни сидқидилдан табрикладилар. Маҳаллалар аҳли барча қурувчиларга, меҳмонларга ва кўприк қурилиши ташкилотчиларига тўнлар кийдиришди. Бу ҳолатдан лол қолган бир қурувчи: “Бизлар кўп жойларда кўприк қурдик, лекин жомликлардек мард, жумард одамларни ҳеч жойда кўрмадик, қурувчилар ва меҳмонларнинг ҳар биримиз тўрт кўприкнинг очилишида иштирок этиб, тўрттадан тўн кийдик. Бундай сахий элнинг келажаги порлоқ. Жомда улкан ўзгаришлар, қурилишлар келажақда янада кўпроқ бўлаверсин, бизлар келиб хизмат қилиб тўнлар кийиб юраверайлик” деди.

Тадбир якунида Жом тўйхонасида унинг раҳбари Содиқ Худойқулов, Тегирмонбоши маҳалласи фуқаролари Болтабой Норқулов, Алишер Бегимов, Ўрол Холиқуловлар қурувчилар ва меҳмонларга қайта зиёфат уюштирдилар.

Вилоят телерадиокомпанияси Жом кўприкларининг очилиш тантаналарини 2015 йилнинг 11 январь куни соат 18.30, 21.30, 12 январда 8.30 да ўз кўрсатувларида намоиш қилди.

Бу улкан қурилишлар аввало Аллоҳнинг марҳамати, Республикамиз Мустақиллигининг шарофати, қолаверса, Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари аҳолисининг баҳамжиҳатликда қилган меҳнатларининг самарали натижаси ҳисобланади. Биз жомликлар Мустақиллигимизнинг боқий, раҳбарларимизнинг омон бўлишларини Аллоҳдан сўраймиз. Шундай келажаги буюк юртда яшаётганлигимиздан фахрланамиз, халқи манфаатини кўзлаб иш юритаётган давлатимиз бор экан, келажакка ишонч билан яшаймиз ва мамлакатимизнинг порлоқ келажаги учун ҳормай-толмай хизмат қиламиз.

Жом сойдаги кўприкларнинг қурилишига доир ҳужжатлар

2012 йилнинг 24 августида Омондара ва Тегирмонбоши МФЙлар и томонидан Эштурди Раҳимовга берилган №393 сонли КАФОЛАТ ХАТИ

Берилди ушбу ваколатнома Нуробод тумани Омондара ва Тегирмонбоши маҳалла фуқаролари йиғинлари кенгашлари томонидан Омондара МФЙ раисининг маслаҳатчиси фуқаро Эштурди Раҳимовга шул ҳақдаким, 2012 йил баҳорги сел тошқинлари оқибатида Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари ҳудудида ўрнатилган кўприкларнинг тўлиқ ишдан чиққанлиги – фойдаланиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу 4 (тўрт) та кўприкларни қайта қуриш учун маблағ ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда тегишли ташкилотлар билан масалани муҳокама қилишда Омондара ва Тегирмонбоши маҳалла фуқаролари йиғинлари кенгашлари томонидан Омондара МФЙ раисларининг ваколатли вакили қилиб 2012 йил 16 июлдаги кенгаш қарори билан тасдиқланган.

**Омондара МФЙ раиси Т.Ғоффоров, Тегирмонбоши МФЙ раиси
И.Бобохонов**

2012 йилнинг 6 сентябрида Э.Раҳимовнинг телеграмма орқали Ўзбекистон Республика Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга йўллаган шикоят хати

2012 йилнинг февраль-май ойларидаги кучли жала, сел оқимлари таъсирида Жом қишлоғининг Омондара маҳалласида 1995 йилда қурилган 4Н513«и» рақамли темир-бетон кўприк, шахсан Сиз ўзингизнинг раҳбарлигингизда 2002 йилда қурилган 3 дона темир-бетон кўприклар бутунлай яроқсиз ҳолга келди.

Бу тўғрида туманнинг тегишли ташкилотлари хокимият раҳбарлигида 2012 йил 10 майида ва 11 майида далолатнома ва кўприкларнинг тасвирларини юқори ташкилотларга тақдим қилишган.

Омондара маҳалласида жойлашган 4Н513«и» кўприкнинг қулаш (авария) ҳолатда эканлиги, тезлик билан таъмирлаш ишларини ташкил қилиш тўғрисида Нуробод ТИХПТФК директори ўзининг 2012 йил 21 майдаги №20-сонли хатида

ташкилот кўприкни таъмирлашга қодир эмаслигини, шунинг учун «Самавтойўл» ХФЙТ ва вилоят кўприк қурилиши корхонасига мурожаат қилиш билдирилган.

Омондара МФЙ маъмурияти ўзининг 2012 йил 25 майдаги №11 ва №12-сонли хатлари билан мазкур кўприкни тиклашга амалий ёрдам беришни сўраб «Самдававтоўл» ХЙДФДТ га мурожаат қилган.

Бу ташкилот ўзининг 2012 йил 26 июндаги №234-сонли хатида кўприк РЙЖ вакили билан кўрилганлиги, унинг рухсат хатидан кейин лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, кўприкни таъмирлаш ишлари бажарилишини маълум қилган.

Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудидаги 3 дона кўприк «Самавтойўл» ХФЙТ балансида турмаслигини 2012 йил 17 июлдаги №269-сонли хатида маълум қилган.

Ваҳоланки, 2006 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПП-536-сонли қарорининг 4-бандида 2007 йил 1 мартгача маҳаллий йўллар, кўприклар ҳокимиятлар балансида олиниши кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур кўприклар Нуробод туман ҳокимининг 2012 йил 6 августдаги №343-сонли қарори билан туман ҳокимлиги коммунал хизмат кўрсатиш ташкилоти балансида ўтказилган.

Мазкур кўприкларни қайта тиклаш борасида амалий ёрдам сўраб Нуробод туман ҳокимлиги 2012 йил 6 августда №02-198-сонли хати билан Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.А.Алиходжаевга чиқиш қилган.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги бу хатни 2012 йил 7 августда №4/2115-сонли назорат хати сифатида Самдававтоўл ХЙФТ га юборган. Ташкилот ўзининг 2012 йил 21 августдаги №322-сонли хатида вилоятда кўприкларни лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрловчи ташкилот йўқлигини маълум қилиб, бу борада Ўзавтойўл ДАК тизимидаги «Йўллойиҳа Бюро»га ёки «Ўзбекистон темир йўллари» Тошкент боштранслоиҳа институтига мурожаат этишини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги РЙЖ 4Н513«и» рақамли кўприкни қуришга ўзининг 2012 йил 25 июлдаги №28-06-2538-сонли хатида розилик берган. Бироқ, бу кўприкни лойиҳалаштирадиган ва қурадиган ташкилот йўқ.

Мазкур кўприкларнинг ҳолатини умумлаштириб Республика Вазирлар Маҳкамасига вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва ҳокимликлар тақдим қилмаганлиги сабабли ана шундай салбий ҳолат юзага келган.

Яна 2 ойда ёғинли кунлар бошланади. Транспорт ҳаракати бугунги кунда тўхтаган. Кейинчалик болалар мактабга кўприксиз сувдан ўтиша олишмайди. 16000 аҳоли сойнинг икки томонида қолишлари натижасида, алоқада узилиш юзага келади.

Мазкур масала бўйича 2012 йил 28 август кунги эрталаб соат 8.30 да бошланган Республика селекторида «Ўзавтойўл» ДАК раиси Муродулла Абдуллаев вилоят ва туман ҳокимликларига кўприкни лойиҳалаш ва қуриш учун камида 1 (бир) миллиард сўм маблағ ва сойликни хавфсиз зонага айлантириш учун 1 дона 50 тонналик автокран ва 1 дона бульдозер ажратиш таклифини берган эди. Лекин ушбу таклиф ҳозирги кунга қадар амалга ошган эмас.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги №ПҚ-585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлдаги №103-сонли қарори ижросидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятидаги хўжаликлараро автомобиль йўлларини таъмирлаш учун ажратилган 7 миллиард 210 миллион сўмдан, Республика бюджетидан озод пул маблағларидан, Республика йўл жамғармаси фондидан маблағ ажратилиб, мазкур кўприкларнинг қурилишида Жом қишлоғи аҳолисининг талаб ва истакларини албатта рўёбга чиқарасиз. Кўприкларни қуриш ишларига мутасадди ташкилотларни зудлик билан жалб қиласиз деган умид билан Сизга яратгандан соғлиқ тилаб Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан нафақадаги фуқаро Эштурди Раҳимов.

Шикоят хатига кўприкларнинг 8 (саккиз) дона тасвирлари, туман фавқулодда вазиятлар бўлимининг 4 (тўрт) дона далолатномаси илова қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2012 йилнинг 4 октябридаги №18-8-8/6745-сонли хати

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги (О.А.Алиходжаев)га,
нусхаси аризачи: Самарқанд вилоят, Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимовга**

Сизларга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимов томонидан Вазирлар Маҳкамасига ёзилган ариза хати юборилмоқда.

Ушбу аризада кўтарилган масалани жойига чиққан ҳолда атрофлича кўриб чиқиб, ҳал қилиш чораларни кўришингизни ва натижаси бўйича хат муаллифига ахборот беришингизни сўрайман.

Н.Ханов.

2012 йилнинг 9 ноябрида Э.Раҳимов томонидан Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари О.А.Алиходжаевга юборилган телеграмма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 6 сентябрда №ВА142802907 ИЧ-сон билан рўйхатга олинган ва 2012 йил 9 сентябрда №18-8-8/674-сонли ижро учун Сизга юборилган аризам ҳаракатсиз қолди. Аризамга жавоб беришингизни талаб қиламан, акс ҳолда, Президентга ва Бош вазирга телеграмма бераман.

Нуробод тумани Жом қишлоғи, фуқаро Э.Раҳимов

2012 йилнинг 20 ноябрида Э.Раҳимов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаменти (Н.М.Ханов)га йўлланган телеграмма

Фуқаро муҳофазаси бўйича 2012 йил 6 сентябрда №ВА142802907 ИЧ-сон билан рўйхатга олинган аризам Департаментдан 2012 йил 4 октябрда №18-8-8/6745-сонли хат билан ижро учун Самарқанд вилояти ҳокимлиги (О.А.Алиходжаев)га юборилган. Аризам бугунгача ҳаракатсиз. 2012 йилнинг 4 ноябрида О.А.Алиходжаевга телеграмма берганман. Натижа йўқ. Ҳукумат аъзоси сифатида аризамга сизнинг муносабатингиз?

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи, фуқаро Э.Раҳимов.

2012 йилнинг 26 ноябрида Э.Раҳимов томонидан Республика Фавқулодда вазиятлар вазирига йўлланган хат

2012 йил феврал-март ойларидаги ёғингарчиликлар таъсирида Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида ўрнатилган 1 дона Самавтойўл тасарруфидаги, 3 дона Нуробод тумани коммунал хизмат кўрсатиш бўлими балансидаги кўприклар бутунлай яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақидаги маълумотни Нуробод туман ҳокимлиги ўзининг 2012 йил 11 майдаги №02-124-сонли хати билан Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари О.А.Алиходжаевга берган. 2012 йилнинг сентябрь ойигача ҳеч нарса қилинмагач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилдим. Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 6 сентябрда №ВА 142802907 ИЧ-рақам билан рўйхатга олиниб ижро учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаменти (Н.Ханов)га юборилган. Департаментнинг 2012 йилнинг 4 октябридаги №18-8-8/6745-сонли хати билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги (О.А.Алиходжаев)га юборилган. Аризам ҳаракатсиз бўлгач, 2012 йил 9 ноябрда О.А.Алиходжаевга телеграмма бердим. Ҳаракат бўлмагач 2012 йилнинг 13 ноябрида вилоят Фавқулодда Вазиятлар Бошқармасига мурожаат қилдим. Бошқарма 2012 йил 14 ноябрда тегишли далолатнома тузиб, 16 ноябрда №1812-сонли хат билан вазиятни барқарорлаштириш зарурлигини Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга маълум қилган. Ҳаракат бўлмагач 2012 йилнинг 20 ноябрида аризамнинг тақдири бўйича Н.Хановга телеграмма бердим. 2012 йил 26 ноябрда вилоят Фавқулодда Вазиятлар Бошқармаси ва “Самавтойўл” раҳбарлари билан учрашиб, Сизга телеграмма беришга мажбур бўлдим. 16000 кишининг тақдири шу 4 та кўприкка боғлиқ. Бу тўғрида бошқармангизда аниқ маълумот бор. Вазият тез кунлар ичида барқарорлаштирилмаса, қорлиқировли кунларда кўнгилсиз ҳодисалар бўлиши мумкин.

Самарқанд вилоят Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимов

2012 йилнинг 5 декабрида Э.Раҳимовнинг кеч соат 20.00 да Нуробод тумани ҳокими ўринбосари З.Н.Ниёзов ва вилоят ҳокимлиги бўлим бошлиғи Ш.Тошпўлатов иштирокида Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.А.Алиходжаевга топширган аризаси

Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.А.Алиходжаевга Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси вакиллари Эштурди Раҳимов, Суюн Норқулов, Очил Бердиев, Тўра Холбозоровлар томонидан ариза.

2012 йил феврал-март ойларидаги ёғингарчиликлар сабабли яроқсиз ҳолга келган кўприкларнинг ҳолати бўйича 2012 йил 11 майдаги Нуробод тумани ҳокимлигининг «№02-124-сонли билдириш хатини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев)га кўприкларни қайта қуриш учун юборилган ва бажариш учун вилоят ҳокимлигига (Сизга) 2012 йил 4 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг (Н.Хановнинг имзоси билан) 2012 йилнинг 4 октябридаги №18-8-8/6745-сонли хатини, 2012 йил 9 ноябрдаги аризанинг тақдирини сўраб Сизга юборилган телеграммани, 2012 йил 16 ноябрдаги вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг ҳужжатларини, 2012 йил 20 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси (Н.Ханов)га юборилган телеграммани, 2012 йил 26 ноябрда Республика Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигига юборилган телеграммани, мавжуд 3 (уч) дона кўприкларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини олиш учун Нуробод тумани ҳокимининг 2012 йил 22 октябрдаги №01-2/306-сонли хатини, 2012 йил 22 октябрдаги Жом сойидаги сел таъсирида юзага келган аҳволни бартараф қилиш учун амалий ёрдам бериш тўғрисидаги хатини, яроқсиз ҳолга келган кўприкларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда амалий ёрдам беришни сўраб ёзилган Нуробод тумани ҳокимининг 2012 йил 6 августдаги №02-108-сонли хатини, 2012 йил 13 ноябрдаги Нуробод тумани ҳокимининг вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасига 3та кўприкни 2013 йил Давлат дастурига киритиш ҳақидаги хати ва ҳужжатларни (икки дона), талафот кўрган кўприкларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш тўғрисидаги Нуробод туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлимининг 2012 йил 10 сентябрдаги №73-сонли хатини, 3та кўприкнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлганлиги сабабли шартномада кўрсатилган 27600,0 (йигирма етти миллион олти юз минг) сўмни тўлаш лозимлиги ҳақидаги Қашқадарё ҚЛҚЭ корхонасининг 2012 йил 21 ноябрдаги №160-сонли хатини, Самарқанд вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2012 йил 16 ноябрдаги Вилоят ҳокими З.Т.Мирзаевга юборилган хатни (расмлари билан), "Самавтойўл" бошқаруви директорининг 2012 йил 23 ноябрдаги №488 ва 26 ноябрдаги №498-сонли хатларининг биз юбораётган (22 varaқ) нусхалари билан танишиб чиқиб аризамизга жавоб беришингизни сўраймиз.

**Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов,
С.Норқулов, О.Бердиев, Т.Холбозоров**

**Самарқанд вилояти ҳоқимлигида ҳоқим ўринбосари О.А.Алиходжаев
раислигида 2012 йилнинг 5 декабрида ўтказилган №02/3-497-сонли
йиғилиш баёни**

Йиғилишда иштирок этганлар:

Вилоят ҳоқимлиги масъул ходимлари, Вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси, “Марказгазтаъминот” УҚ, “Самарқандавтойўл” ҲЙФТ, Самарқанд ҲДЛАЙСИГФК, Самарқанд КХСИТФК, ПМК-173 МЧЖ, “Согда Зарафшон” сув қурилиши шўъба корхонаси раҳбарлари, Нуробод туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИДА

1. 2012 йилнинг 9-10 май кунлари ёққан кучли ёмғир натижасида Нуробод туманидаги Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидан ўтувчи “Жомсойи” устига ўрнатилган талафот кўрган кўприкларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш ҳамда ушбу талафот кўрган кўприклар орқали вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд автойўл ҲЙФТ раҳбари Д.Эрмаматовнинг Нуробод туманидаги Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидан ўтувчи Жомсойи устига ўрнатилган талафот кўрган кўприкларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш ҳамда ушбу қишлоқларга кўприклар орқали вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш юзасидан берган ахбороти маълумоти учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳоқимининг ўринбосари котибияти мудирини (Мамадалиев)га табиий офат натижасида Нуробод туманида зарар кўрган кўприкларни тиклаш ишларини молиялаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида маблағ ажратиш масаласида Вазирлар Маҳкамасига хат лойиҳасини тайёрлаш, имзога киритиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш топширилсин.

3. 6 км даги Республика йўл жамғармасининг 2012 йил манзилли дастурига киритилган, табиий офат натижасида талафот кўрган кўприкни қайта тиклаш ишлари ҳанузгача бошланмаганлиги Самарқанд автойўл ҲЙФТ директори Д.Эрмаматов, пудратчиташкилот Самарқанд КХСИТФК раҳбари Т.Рисқуловларга кўрсатиб ўтилсин.

4. Нуробод туманидаги Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидан ўтувчи Жомсойи устига ўрнатилган табиий офат натижасида талафот кўрган кўприклар орқали вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш ишларини ташкиллаштириш ҳамда амалга ошириладиган ишлар бўйича белгиланган чора-тадбирлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Нуробод тумани ҳоқими (Ибрагимов) Самарқанд автойўл ҲЙФТ (Эрматов), Самарқанд КХСИТФК (Т.Рисқулов) билан биргаликда Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги табиий офат

оқибатида зарар кўрган кўприклар орқали вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш ишларини ташкиллаштириш топширилсин.

6. Нуробод тумани ҳоқими (Ибрагимов)га кўприкларни тиклаш ишларини амалга ошириш жараёнида оғир юк автомобиллари, автокранлар ва бошқа техника воситаларини ҳаракатланиши ҳамда иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, яъни кўприкларга бориш йўлидаги аҳоли томорқалари билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласини ҳал этиш топширилсин.

7. Мазкур йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Самарқанд вилояти ҳоқими ўринбосари О.А.Алиходжаев

Самарқанд вилояти ҳоқимлигида ҳоқим ўринбосари О.А.Алиходжаев раислигида 2012 йилнинг 5 декабрида ўтказилган №02/3-497 сонли йиғилиш баёнига илова

Нуробод туманидаги Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидан ўтувчи Жомсойи устига ўрнатилган табиий офат натижасида талафот кўрган кўприклар орқали вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш ишларини ташкиллаштириш ҳамда амалга ошириладиган ишлар бўйича белгиланган

ЧОРА-ТАДБИРЛАР

№	Бажариладиган ишлар	Бажаришга масъуллар	Бажариш муддати
1.	Бажариладиган ишларни мувофиқлаштириб бориш	В.Ашурматов – вилоят ФВБ бошлиғи в.б.	Бажарилиш давомида
2.	Темир-бетон ишларини, балкаларни демонтаж қилиш ишларини бажариш	Д.Эрматов – “Самарқандавтойўл” ХЙФТ директори, Т.Рисқулов – Самарқанд КХСИТФК директори	2012 йил 10-12 декабрь
3.	Кўприкдаги монолит бетонни бузиш учун гидромолот (ковш билан биргаликда) билан таъминлаш	С.Янгибоев – ПМК-173 МЧЖ директори	Бажарилиш давомида
4.	Темир бетон плиталарни демонтаж қилиш, кўприкларда вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш учун кувурлар ўрнатиш ишларига 2та 25 тонналик автокран ажратиш	С.Янгибоев – ПМК-173 МЧЖ директори, О.Эргашев – Соғда Зарафшон сув қурилиши шўъба корхонаси раҳбари	2012 йил 10-15 декабрь
5.	Кўприкларда вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш учун d=1000 мм 6 дона 5 метрлик темир кувурлар ажратиш	Н.Эломонов – Зирабулоқ магистрал газ кувурлари бошқармаси бошлиғи	2012 йил 10 декабрь
6.	Темир кувурларни келтириш ҳамда бульдозерни олиб бориш учун трайлер ажратиш	К.Ҳимматқулов – Самарқанд ХДЛАЙСИГФК директори	2012 йил 10 декабрь
7.	Кўприкларни тиклаш, вақтинчалик ҳаракатни йўлга қўйиш учун экскаватор ажратиш	Ш.Исомиддинов – Самарқанд ТЙХПТФК раҳбари	2012 йил 10-15 декабрь

8.	Кўприкни қайта куриш бўйича ишлаётган транспорт воситаларини дизел ёнилғиси билан таъминлаш	А.Хайдаров – Нуробод нефт базаси УК директори	Бажарилиш давомида
9.	Кўприк куришда ишлаётган ишчиларни иссиқ овқат ҳамда ётоқхона жойлари билан таъминлаш	Ж.Ибрагимов –Нуробод туман ҳоқими	Бажарилиш давомида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2012 йилнинг 7 декабрида №18-8-8/8323- сонли хати: Самарқанд вилояти ҳоқимлиги (О.А.Алиходжаев)га, Нусхаси аризачи: Самарқанд вилоят, Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимовга

Сизларга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимов томонидан Вазирлар Маҳкамасига ёзилган такрорий ариза хати юборилмоқда.

Ушбу аризада кўтарилган масалани атрофлича ўрганиб ҳал қилишингизни ва натижаси бўйича хат муаллифига жорий йил 10 декабргача ахборот беришингизни сўрайман

Н.Ханов

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва нусхаси Самарқанд вилоят ҳоқимлигига йўлланган №МА/20-01-31-13-785/108-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Самарқанд вилоят ҳоқимининг 2012 йил 3 декабрдаги №02/1-827-сонли Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жорий йилнинг 9-10 май кунлари ёққан кучли ёмғир натижасида “Жомсойи” устига ўрнатилган 3та кўприк яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли кўприкларни таъмирлаш учун 635,0 миллион сўм маблағ ажратилишига амалий ёрдам берилиши сўралган хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни билдиради:

Бюджет қонунчилигига мувофиқ тасдиқланган бюджет параметларида кўзда тутилмаган қўшимча харажатлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча шаклланган даромад манбалари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур хатда кўрсатилган тадбирларни вилоят маҳаллий бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига ёки 2013 йил 1 январь ҳолатига кутилаётган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда йўналтириш орқали қоплаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Вазир ўринбосари М.Абдуллаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа,
транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари
ахборот-таҳлил Департаментининг 2013 йилнинг 21 февralида
№18-8-8/1201-сонли хати**

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги (О.А.Алиходжаев)га,
нусхаси аризачи: Самарқанд вилоят, Нуробод тумани, Жом қишлоғида
истиқомат қилувчи Э.Раҳимов ва бошқаларга**

Сизларга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролар Э.Раҳимов ва бошқалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзилган такрорий ариза хати юборилмоқда.

Ушбу ариза хатида кўтарилган масалани ижобий ҳал этиш мақсадида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Н.Ханов

**Нуробод туман ҳокимининг 2012 йил 22 октябрдаги Самарқанд вилоят
ҳокими З.Т.Мирзаевга йўллаган №01-2/5-305-сонли хати**

Ҳурматли Зоир Тойирович!

Жорий йилнинг 9-10 май кунлари Жом қишлоғида кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқини ва сел оқими юзага келиб, Ҳафрин қишлоғига ўтувчи кўприк ҳамда хўжаликлараро ички йўлларда жойлашган 3 та сув кўприклари жиддий талафот кўрган. Мазкур кўприklar ва сув қувурлари қишлоқларни бирлаштириб, мактаб ўқувчиларининг мактабга, аҳолининг бозорга ва бошқа жойларга қатнашида ҳизмат қилади. Бугунги кунда кўприklar ва сув қувурлари жиддий талафот кўрганлиги сабабли транспорт қатнови тўхтаган.

Туман ҳокимлиги ва Жом қишлоқ аҳолиси маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, мазкур сув қувурларини тозалаб чиқди. Туманда оғир юк кўтарувчи техника ва механизмлар йўқлиги сабабли Ҳафрин қишлоғига ўтувчи кўприкни таъмирлаш ва тозалашнинг имконияти бўлмади.

Шу сабабли тегишли соҳа мутахассисларига кўрсатма бериб, Ҳафрин қишлоғига ўтувчи кўприкни тозалаш учун оғир юк кўтарувчи автокран ва бошқа керакли техникалардан ажратиб берилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Туман ҳокими Х.Ибрагимов

**Нуробод туман ҳокимининг 2012 йил 22 октябрдаги Самарқанд вилоят
ҳокими З.Т.Мирзаевга йўллаган №02-2/5-306-сонли хати**

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Жорий йилнинг 9-10 май кунлари Жом қишлоғида кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқини ва сел оқимидан Омондара ва Тегирмонбоши маҳалла

фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўприклар жиддий талафот кўрган. Мазкур кўприклар қишлоқларни бирлаштириб, мактаб ўқувчиларининг мактабга, аҳолининг бозорга ва бошқа жойларга қатнашида ҳизмат қилади. Бугунги кунда кўприклар жиддий талафот кўрганлиги сабабли транспорт қатнови тўхтаган.

Омондара ва Тегирмонбоши маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3та кўприкларга тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини олиш учун Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси жамоа корхонаси билан 27600 минг (йигирма етти миллион олти юз минг) сўмлик шартнома тузилган.

Туман ҳокимлиги Сиздан Қашқадарё КЛҚЭ жамоа корхонасидан мазкур тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини олиш учун маблағ ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайди.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Нуробод туман ҳокимлигининг 2012 йил 9 декабрдаги
Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари О.А.Алиходжаев йўллаган
№02-2/5-383-сонли хати**

Ҳурматли Олимжон Акмалович!

Ўзингизга маълум, Сизнинг раҳбарлигингиз билан Жом қишлоғида 2012 йил 9-10 май кунлари табиий офатдан талафот кўрган кўприкларда бугунги кунда қайтатиклаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу беғараз ёрдамнингиз учун Нуробод туман ҳокимлиги ва Жом аҳолиси номидан Сизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Сиз томонингиздан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар бўйича Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Жанубий кон бошқармасида махсус оғир юк кўтарувчи автокран йўқлиги сабабли ишлар охирига етказилмасдан қолмоқда.

Шу сабабли Сиздан тегишли соҳа мутахассисларига кўрсатма бериб, Ҳафрин қишлоғида охирига етказилмасдан қолган кўприкни қайта тиклаш учун оғир юк кўтарувчи автокран техникаси ажратилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзов

**2012 йилнинг 10 декабрида Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани, Жом қишлоғида тузилган
ДАЛОЛАТНОМА**

Бизлар далолатнома тузиб имзо чекувчилар – Жом ҚЙФ раиси Х.Жабборов, Омондара МФЙ раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши МФЙ раиси И.Бобохонов, Гирдиқўрғон МФЙ раиси Э.Муродов, ЗМГКБ омбор мудирини Н.У.Раҳмонов, ЗМГКБ Камаз 30 668 ЕАА ҳайдовчиси Х.Турдиевлар шу ҳақдаким, ҳақиқатан 2012 йил 9-10 май кунлари кучли жала ёғиб катта сел келиши натижасида Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудидан ўтувчи Жомсойидаги кўприклар бутунлай яроқсиз бўлиб аҳоли ва мактаб ўқувчилари ўтишининг умуман

иложи бўлмай қолди. Самарқанд вилояти ҳокимининг 5 декабрь 2012 йилдаги №02/3-497-сонли йиғилиш баёнига асосан Зирабулоқ магистрал газ қувурлар бошқармаси «Камаз» русумли 30 668 ЕАА рақамли автомашина билан 3 (уч) дона 33,26 метр 26 см ҳажмли 1020 мм темир қувур сел олиб кетган кўприклар ўрнига ўрнатилди деб имзо чекувчилар Жом ҚЙФ раиси Х.Жабборов, Омондара МФЙ раиси Д.Жумаев, Тегирмонбоши МФЙ раиси И.Бобохонов, Гирдиқўрғон МФЙ раиси Э.Муродов, ЗМГКБ омбор мудирини Н.У.Раҳмонов, ЗМГКБ «Камаз» русумли 30 668 ЕАА ҳайдовчиси Х.Турдиев

**Самарқанд вилоятининг 2013 йилда сел ва сув тошқинлари хавфи мавжуд бўлган ҳудудларини ўрганиш тўғрисида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Самавтойўл ҲЙФТ ташкилоти томонидан 2012 йилнинг 24 декабрида тузилган
ДАЛОЛАТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 февралдаги «2012 йилда сел тошқинлари ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1703-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2012 йил 10 февралдаги «Тошқин, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича 2012 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1-сонли баёни билан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, Самарқанд вилоят аҳолиси ва ҳудудларини сел ва сув-тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида 2013 йилда вилоятда юзага келиши мумкин бўлган тошқин, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар қуйидагича тахминий таҳлил этилди.

Нуробод тумани бўйича:

Омондара-Тегирмонбоши МФЙлари ҳудудларидаги кўприкни қайта қуриш.

Сойнинг ўнг томонида 2000та аҳоли ва 575 ўринли мактаб, чап томонида эса 3500та аҳоли ва 480 ўринли 1 та мактаб жойлашган. Ушбу кўприкнинг қурилиши аҳоли ва мактаблар ўқувчиларининг қатновини таъминлайди. Мазкур кўприкни қуриш бўйича сарф этиладиган маблағнинг тахминий қиймати 508,4 миллион сўмни ташкил этади.

Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги кўприкни қайта қуриш.

Сойнинг ўнг томонида 1300та аҳоли ва чап томонида 2200та аҳоли жойлашган. Ушбу кўприкнинг қурилиши аҳолининг қатновини таъминлайди. Мазкур кўприкни қуриш бўйича сарф этиладиган маблағнинг тахминий қиймати 530 миллион сўмни ташкил этади.

Тегирмонбоши МФЙ Каримовул қишлоғи ҳудудидаги кўприкни қайта қуриш.

Сойнинг ўнг томонида 1500 та аҳоли, 300 ўринли 1 та мактаб, 25 ўринли касалхона, 12 ўринли туғруқхона ва чап томонида 1100 та аҳоли жойлашган. Мазкур кўприкни қуриш бўйича сарф этиладиган маблағнинг тахминий

қиймати 517 миллион сўмни ташкил этади.

Булардан кейин Пайариқ ва Қўшрабодта қуриладиган 1тадан кўприкларга мос равишда 1000 миллион ва 600 миллион сўмлик маблағлар сарфланиши келтирилган.

Қурилиши лозим бўлган 5та кўприклар учун жами: тахминан 3162,4 миллион сўм талаб этилади.

**Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Х.Давронов,
“Самавтойўл” ҲЙФТ директори Д.Эрмаматов**

**Самарқанд вилоят ҳокими – Тошқин сувлари ва сел оқимларини
талафотсиз ўтказиш, қор кўчкиларини ва кўчки ҳодисаларинининг
хавфини камайтириш бўйича ҳукумат комиссияси вилоят штабининг
бошлиғи З.Т.Мирзаева**

**Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқаролари Э.Раҳимов, А.Турсунов,
Т.Холбозоровлар томонидан 2013 йил 12 январда ёзилган
АРИЗА**

2012 йил январь-май ойларидаги кучли ёғингарчиликлар ва сел тошқинлари сабабли Жом қишлоғида яшовчи 16 мингдан ортиқ аҳолининг тақдири боғланган 3та кўприклар бутунлай ишдан чиққан.

Бу тўғрида Республикада маълумотлар мавжуд.

Сизнинг иштирокингиздаги 2012 йил 7 декабрда вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилишда кўприкларни вақтинчалик тиклаш ва ҳукуматнинг манзилли дастурига киритиш бўйича топшириқ берган эдингиз. Шундан келиб чиқиб вилоят ҳокимлигининг 2012 йил 5 декабрда №02/3-497-сонли йиғилиш баёни қарори қабул қилиниб, кўприкларни вақтинчалик тиклаш бўйича (О.А.Алиходжаев бошчилигида) тадбир тузилиб 10-19 декабрь кунлари мавжуд кўприклардан вақтинчалик фойдаланиш йўлга қўйилган эди.

2013 йил 11 январдаги кучли сел оқими натижасида 1 (битта) кўприк яроқсиз ҳолга келди, яна 1 (битта) кўприкнинг бир дона плитаси тушиб кетди. Мазкур кўприкларни қайта қуриш учун Республика Вазирлар Маҳкамасига 2012 йил 3 декабрда №02/1-827-сонли хат билан вилоят ҳокимлиги 635 миллион сўм ажратилишини сўраб мурожаат қилинган.

Бажарилаётган ишлар бўйича Сизга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз, катта раҳмат.

Бугунги кунда яна мактаб болаларининг мактабга, аҳолининг касалхона, туғруқхона, бозор ва бошқа жойларга боришида жиддий қийинчиликлар юзага келди.

Ҳурматли Зоир Тоирович, мавжуд 3та кўприкнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Мазкур кўприкларни қайта қуришни манзилли дастурга киритиш ва маблағ масаласини ҳал қилишда амалий ёрдам қилишингизни илтимос қилиб сўраймиз.

**Сизга бу ишларни амалга оширишда Яратгандан соғлиқ тилаб
нафақадаги фуқаролар Э.Раҳимов, А.Турсунов, Т.Холбозоров**

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг 2013 йил
4 январдаги №ХБ-2-7/19-4-5252-сонли хатига Самарқанд вилоят
ҳокимлигидан 2013 йилнинг 14 январда йўлланган №02/1-28-сонли
жавоб хати**

Ҳурматли Ботир Асадиллаевич!

Сизнинг хатингизга илова қилинган жадвал асосида Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Жомсой сойи устига ўрнатилган табиий офат натижасида зарар кўрган 3та кўприклар бўйича техник-иқтисодий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Илова 1 варақ.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Алиходжаев

**Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2013 йил
19 январдаги №5-Д буйруғи**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 август 2002 йил №302-сонли «Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган зоналарга республика аҳамиятига эга бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 август 2002 йил №303-сонли «Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида Зарафшон дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақасини белгилаш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги №174-сонли қарори билан тасдиқланган «Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН

1. Вилоят сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш инспекцияси (Б.А.Муҳаммедов, С.А.Турсунов) ҳамда шаҳар ва туман инспекция бошлиқларига:

2013 йил мабайнида сув ҳавзаларининг муҳофаза зоналарида табиатни муҳофаза қилиш қонуни талабларининг бажарилиши, экологик ва санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, шунингдек сув омборлари, дарё, канал ва коллекторлар сувлари ифлосланишининг олдини олиш бўйича қирғоқни мустаҳкамлаш, ўрмон мелиоратив тадбирлари ва бошқа сувни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида доимий равишда рейд тадқиқотларини ўтказиш кучайтирилсин.

2. Вилоят сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш инспекцияси ҳамда шаҳар ва туман инспекторларига:

Сувни муҳофаза қилиш зоналарида жойлашган объектлар (корхоналар, қишлоқ хўжалик корхоналари, кичик корхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, техникаларни ювиш шохобчалари ва бошқа объектлар) нинг инвентаризациясини ўтказиш, потенциал экологик хавфли объектларни сувни муҳофаза қилиш зоналаридан истисносиз барча объектларни чиқариш ва рейд тадқиқотларининг ўтказилишини ва қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан маъмурий чоралар кўрилиши таъминлансин.

3. Очиқ сув ҳавзалари дарё, сой, канал, коллектор ва бошқа сув ҳавзасини муҳофаза қилиш минтақасида бўлган техникаларни ювиш шохобчаларини инобатга олиш. Ушбу буйруқнинг бажарилиши бўйича маълумот ҳар ойнинг якуни билан вилоят сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш инспекцияларига тақдим этилиши таъминланишини шахсан шаҳар ва туман инспекцияси бошлиқларига юклатилади.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қўмита раиси З.Ў.Жамолов

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги зарар кўрган 3та кўприклар бўйича маълумот

№	Объектнинг номи ва манзили	Конструктив тури	Кўприкдан ўтувчи йўлнинг тури	Баланс бўйича эгаси	Сақлаш бўйича молиялаштириш маблағи
1.	Омондара маҳалласидаги Ҳафрин қишлоғига ўтувчи ички кўприк	Темир-бетон	Маҳаллий аҳамиятдаги йўл	Нуробод туман коммунал фойдаланиш бўлими	Нуробод туман маҳаллий бюджети
2.	Тегирмонбоши маҳалласидаги ички кўприк	Темир-бетон	Маҳаллий аҳамиятдаги йўл	Нуробод туман коммунал фойдаланиш бўлими	Нуробод туман маҳаллий бюджети
3.	Гирдиқўрғон маҳалласидаги ички кўприк	Темир-бетон	Маҳаллий аҳамиятдаги йўл	Нуробод туман коммунал фойдаланиш бўлими	Нуробод туман маҳаллий бюджети

Самарқанд вилояти ҳокими – Тошқинга қарши вилоят штаби бошлиғи З.Т.Мирзаев 2013 йилнинг 24 январида тасдиқлаган «Самарқанд вилоятида 2013 йилда маҳаллий давлат органлари балансида бўлган дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалаш ҳамда 2012 йилда сел оқимлари ва сув тошқинларидан талафот кўрган ички хўжалик йўлларидаги кўприкларни қуриш бўйича РЕЖА»

Т/н	Туманлар номи	Тадбирлар номи ва бажариладиган жойлар	Иш тури	Ўлчов бирлиги	Ҳажми	Қиймати (млн. сўм)	Лойиҳа ҳужжатлари учун маблағ	Экспертиза ҳулосаси учун маблағ
1.	Нуробод тумани	Омондара – Тегирмонбоши МФЙлари ҳудудларидаги кўприк	Кўприк қуриш	М2	8x27,6	508,4	30,5	1,5

2.		Тегирмонбоши МФЙ худудидаги кўприк	Кўприк қуриш	М2	8x27,6	530,0	31,8	1,6
3.		Тегирмонбоши МФЙ Каримовул қишлоғи худудидаги кўприк	Кўприк қуриш	М2	8x30	517,0	31,0	1,6

Изоҳ: катта режанинг фақат Жом қишлоғи кўприкларига тегишли қисми олинган.

**Нуробод тумани ҳокимлиги «Коммунал хизмат кўрсатиш бўлими»
томонидан 2013 йилнинг 16 февралда Эштурди Раҳимовга берилган
№17-сонли қафолат хати**

Берилди ушбу ваколатнома Нуробод тумани ҳокимлиги «Коммунал хизмат кўрсатиш бўлими» бошлиғи томонидан «Омондара маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси» фуқаро Эштурди Раҳимовга шул ҳақдаким, 2012 йил баҳорги сел тошқинлари оқибатида Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллалари худудида ўрнатилган кўприкларнинг тўлиқ ишдан чиққанлиги-фойдаланиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу 3 кўприкни қайта қуриш учун маблағ ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тегишли ташкилотлар билан масалани муҳокама қилишда Нуробод тумани ҳокимлиги «Коммунал хизмат кўрсатиш бўлими» бошлиғининг ваколатли вакили қилиб 2012 йил 20 июлида тасдиқланган.

**Нуробод тумани ҳокимлиги «Коммунал хизмат кўрсатиш бўлими»
бошлиғи Х.Примов**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари М.Абдуллаевга
Нуробод тумани Жом қишлоғи
фуқаролари Э.Раҳимов, А.Турсуновлар томонидан
2013 йил 22 февралда ёзилган
АРИЗА**

Жом қишлоғидаги 3 (уч)та туман ҳокимлиги балансида турган кўприклар 2012 йил феврал-май ойларидаги сел тошқинларидан жиддий зарар кўриб яроқсиз ҳолатга келди. Бу тўғрида туман, вилоят ҳокимликлари ва бошқа мутасадди ташкилот раҳбарлари хабардор.

Кўприкларни қайта қуриш учун Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2012 йил 3 декабрда Вазирлар Маҳкамасига йўлланган №02/1-827-сонли хатида Республика захира фондидан маблағ ажратиш сўралган. Ушбу хатга Сиз 2012 йил 27 декабрда №МА2001511370-сонли хат билан маҳаллий бюджетдан харажат суммаси қопланишини маълум қилгансиз. Маҳаллий бюджетдан сўралган

маблағнинг ажратилишига асос йўқ-ку? Масалага ойдинлик киритишингизни сўраймиз. Аризага 12 (ўн икки) varaқ ҳужжатлар илова қилинди.

**Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқаролари
Э.Раҳимов, А Турсунов**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нуробод тумани
Жом қишлоғи фуқаролари Э.Раҳимов ва А Турсуновлар ёзган ариза
бўйича Самарқанд вилоят ҳокимлигига 2013 йилнинг 27 февралда
йўллаган
№МА/20-01-33-14/135-253-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сиздан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаролар Э.Раҳимов ва А.Турсуновлар томонидан Молия вазирлигига ёзган аризани Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича ариза муаллифларига ҳамда Молия вазирлигига 2013 йил 9 мартга қадар ёзма ахборот беришингизни сўрайман.

Вазир ўринбосари М.Абдуллаев

**Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2012 йил
27 февралдаги №01-278-сонли мажбурий талабномаси**

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги №174-сонли қарори билан тасдиқланган «Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 август 2002 йил №302-сонли «Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган зоналарга республика аҳамиятига эга бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 август 2002 йил №303-сонли «Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида Зарафшон дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақасини белгилаш тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида: сувни муҳофаза қилиш зоналарида жойлашган объектлар инвентаризациясини ўтказиш, потенциал экологик хавфли объектларни сувни муҳофаза қилиш зоналаридан истисносиз чиқаришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 февралдаги №ПҚ-1703 сонли «2012 йилда сел-тошқинлари ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чара-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини, Ўзбекистон Республикаси

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йил 13 февралдаги №25-сонли буйруғини, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2012 йил 10 февралдаги №29-К-сонли қарорини ҳамда 2012 йил 14 февралдаги Тошқин сувлари ва сел оқимларини талафотсиз ўтказиш, ҳодисалар хавфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича сиздан ҚФЙ, МФЙлари раислари ва ташкилот раҳбарларидан-----
(Сувнинг муҳофаза доираси ва қирғоқбўйи минтақасида жойлашган объект номи) объектингизни очиқ сув ҳавзаси муҳофаза доирасидан чиқаришингизни сўраймиз.

Қўмита раиси З.Ў.Жамолов

**Нуробод тумани ҳокимининг 2013 йил 14 мартда Самарқанд вилоят ҳокимига йўллаган
№01-2/5-93-сонли хати**

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Ўзингизга маълумки, 2012 йил январь-май ойларида кучли ёғингарчиликлар, сел ва тошқинлар сабабли Жом қишлоғидаги 3та кўприкка зарар етказилди. Ушбу кўприкларни вақтинчалик тиклаш ва кейинчалик қуриш мақсадида вилоят ҳокимлигига, Республика Вазирлар Маҳкамасига, Иқтисодиёт вазирлигига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига, Молия вазирлигига ёзма мурожаатлар қилинди.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва мутасадди давлат ташкилотларининг амалий ёрдамлари натижасида, 2012 йилда сел оқимлари ва сув тошқинларидан талафот кўрган ички хўжалик йўлларидаги кўприкларни қуриш бўйича вилоят ҳокимлиги режасига киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926-сонли қарорига мувофиқ ушбу кўприклар жорий ва келгуси йилларда қурилиши режалаштирилган.

Ушбу кўприклар воситасида 4 та мактабга, 1 та касб-ҳунар коллежига, 1 та шифохонага, 1 та туғруқхонага ва 1 та спорт мажмуасига Жом қишлоғининг 16 мингдан зиёд аҳолиси қатнови таъминланади.

Жом қишлоғи аҳолисининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, аҳоли ва транспорт қатновида юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилда мазкур 3та кўприк қурилишига амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Нуробод тумани ҳокимининг 2013 йил 23 апрелда Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори А.А.Сафаевга йўллаган
№01-2/5-90-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгашнинг 2013 йил 3 апрелдаги №82-сонли йиғилиши баёни

асосида аҳолини сел тошқинлари, емирилиш ҳолатларида сақлаш бўйича қирғоқларни мустаҳкамлаш ва бошқа ҳимоя тадбирларини бажариш ишларига буюртмачи вазифаси Сизга топширилганлиги муносабати билан туманимизда сув тошқинлари талафот етказган қуйидаги:

Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги Омондара қишлоғига кириш кўприги;

Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги Ҳафрин қишлоғига кириш кўприги;

Тегирмонбоши МФЙ Каримовул қишлоғи ҳудудидаги кўприклар қурилишини 2013 йил режасига киритишингизни ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмаси билан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари пулини тўлаб беришингизни сўрайман.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Нуробод тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасининг 2013
йил 23 апрелда Самарқанд
вилояти инжиниринг компанияси директори
А.А.Сафаевга йўллаган №28-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгашнинг 2013 йил 3 апрелдаги №82-сонли йиғилиши баёни асосида аҳолини сел тошқинлари, емирилиш ҳолатларида сақлаш бўйича қирғоқларни мустаҳкамлаш ва бошқа ҳимоя тадбирларини бажариш ишларига буюртмачи вазифаси Сизга топширилганлиги муносабати билан туманимизнинг сув тошқинлари талафот етказган кўприклари бўйича тайёрланган қуйидаги лойиҳа-смета ҳужжатларини юбормоқдамиз:

Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги Омондара қишлоғига кириш кўприги.

Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги Ҳафрин қишлоғига кириш кўприги.

Тегирмонбоши МФЙ Каримовул қишлоғи ҳудудидаги кўприк.

Сиздан бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида мазкур кўприклар қурилишини 2013 йил режасига киритишингизни ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари пулини тўлаб беришингизни сўрайман.

Илова қилинди:

1) Лойиҳа-смета ҳужжатлари – 3 нусхада.

2) Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш бўйича шартномалар – 3 нусхада.

Нуробод туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Х.Примов

**Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 3 майда Нуробод туман
Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов ва бошқаларга йўллаган
№10-2/99- сонли хати**

Сизларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига «Кўприк қуриш масаласида» ёзган аризаларингиз ўрганиб чиқилди.

2012 йилнинг 9-10 май кунлари ёққан ёмғир натижасида сел оқимлари Нуробод тумани Жом қишлоқ МФЙга қарашли Омондара, Тегирмонбоши ва Гирдиқурғон МФЙ ҳудудидан ўтувчи Жом сойи устига ўрнатилган 3та

кўприкларга талафот етказиб, яроқсиз ҳолга келтирган.

Табиий офатдан зарар кўрган кўприкларни таъмирлаш ишларига Республика бюджетидан 1578,0 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси томонидан кўприкларни таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат тайёрламоқда. Манзилли рўйхат тегишли вазирликлар билан келишилгандан сўнг белгиланган тартибда қурилиш ишлари бошланишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокими ўринбосари О.А.Алиходжаев

Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг 2013 йил 10 майдаги Қашқадарё вилоят Давлат экспертиза ҳудудий бошқармаси бошлиғи М.Р.Ҳайитовга йўллаган №02/159т-сонли хати

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.

Қўшработ тумани «Жуш к-Миришкор к.» автомобиль йўлининг 2 км даги Булоқбошисой устидан ўтган кўприклар қуриш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги идоралараро кенгашининг 2013 йил 3 апрелдаги №82-сонли йиғилиши баёни асосида буюртмачилик вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясига берилганлиги муносабати билан Нуробод, Қўшработ туман ҳокимликлари коммунал бўлимлари буюртмаси билан тайёрланган ишчи лойиҳаларга берилган экспертиза хулосаларини «Буюртмачи – вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси» деб ўзгартириш киритиб беришингизни сўрайман.

Молиявий манба: бюджет маблағлари.

Илова: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги идоралараро кенгашининг 2013 йил 3 апрелдаги №82-сонли йиғилиши баёни.

Компания директори А.А.Сафоев

Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг 2013 йил

15 майдаги Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Э.Холматовга йўллаган хати

Сиздан қуйидаги объектларни:

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.

Нуробод туманидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча» автомобиль йўлидаги

«Омондарасой» устига кўприк қуриш.

Қўшработ тумани «Жуш к-Миришкор к.» автомобиль йўлининг 2 км даги Булоқбошисой устидан ўтган кўприклар учун тайёрланган смета ҳужжатларини кўриб чиқиб, уларнинг бошланғич нархлари тўғрисида хулоса беришингизни сўрайман.

Компания директори А.А.Сафаев

**Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг
2013 йил**

**31 майдаги Нуробод туман Жом қишлоғи, Омондара ва
Тегирмонбоши маҳаллалари вакили Э.Раҳимовга йўллаган
№01-977-сонли хати**

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча" йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча" йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча" йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қурилишлари бўйича Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси томонидан тайёрланиб, экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатлари расмийлаштирилиб, матбуотга эълон бериш учун 2013 йил 27 май куни Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига топширилди.

Компания директори А.А.Сафаев

2013 йилнинг 4 июлида «Ўзбекистон овози» газетасининг №67 сонида Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси қурилиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилди

Т/н	Объектнинг номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи	Буюртмачи бошланғич нархи	Қурилиш муддати
		ҚҚС сиз	ҚҚС билан	
1.	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги	426666667 сўм	512000000 сўм	8,5 ой
1.	4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш			

2.	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдикўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	479166667 сўм	575000000 сўм	8,5 ой
3.	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	468333333 сўм	562000000 сўм	8,5 ой

Изоҳ: эълоннинг фақат Жом қишлоғи кўприкларига тегишли қисми олинган.

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел.231-13-51, факс. 233-32-00.

2013 йилнинг 24 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга йўлланган телеграмма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарори талабларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида 3 (уч) та баланс қиймати 1 миллиард 649 миллион сўм бўлган кўприклар қурилиши учун 2013 йилда 44 фоиз, яъни 707 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №82-сонли йиғилиши баёнининг 3-бандида буюртмачи қилиб Самарқанд вилоят Инжиниринг компанияси белгиланган. Бугунги кунда компания 2 (икки) та кўприк қурилиши учун 24 фоиз, яъни 260 миллион сўм маблағ ажратган. Кўприк қурилиши тендер асосида бошланди. Ҳозиргача маблағ йўқлиги туфайли 1 (бир)та кўприк тендерга қўйилмаган. Республикаси Президентининг ПҚ-1926 қарори бажарилишининг назорати Сизнинг зиммангизга юклатилганлиги сабабли ҳозиргача тендерга қўйилмаган қиймати 562 миллион сўм бўлган кўприкнинг қурилишини бошлаш учун ва қурилиши бошланган кўприкларга қўшимча маблағлар ажратишни тегишли идораларга кўрсатма беришингизни илтимос қиламан.

Аҳолининг мактабга, касалхона ва бошқа тадбирларини амалга ошириш учун қатновида жиддий муаммолар юзага келмоқда.

Сизга ҳурмат билан Жом қишлоғи аҳолиси номидан Э.Раҳимов

2013 йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ходжаевга йўлланган телеграмма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги

№02-02/1-190-сонли йиғилиш баёни талабларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоят Нуробод тумани Жом қишлоғида қурилиши лозим бўлган 562 миллион сўмлик кўприк Самарқанд вилоят Инжиниринг компаниясининг 2013 йил манзилли дастурига киритилган ва 2013 йил 4 июль «Ўзбекистон овози» газетасининг №67-сонида тендер асосида қурилиши эълон қилинган. Дастурда маблағ кўрсатилмаган. Қурилиш ҳозиргача бошланган эмас. Сабабини маълум қилишингизни сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан фуқаролар Э.Раҳимов, Т.Холбозоров

2013 йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимовга йўлланган телеграмма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарори талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №02-02/1-190-сонли йиғилиш баёнига асосан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида қурилиши режалаштирилган қиймати 562 миллион сўмлик кўприк 2013 йил 4 июлда «Ўзбекистон овози» газетасининг №67-сонида тендер асосида қурилиши эълон қилинган ва Самарқанд вилоят Инжиниринг компаниясининг 2013 йил манзилли дастурига киритилган. Дастурда маблағ кўрсатилмаган. Қурилиш ҳозиргача бошланган эмас. Сабабини маълум қилишингизни сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан фуқаролар Э.Раҳимов, Т.Холбозоров

2013 йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил Департаменти Н.Хановга йўлланган телеграмма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарори талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №82-сонли йиғилиш баёнининг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш Сизнинг зиммангизга юклатилганлиги сабабли Самарқанд вилоят Нуробод тумани Жом қишлоғида қурилиши режалаштирилган, қиймати 562 миллион сўмлик кўприк 2013 йил 4 июлда «Ўзбекистон овози» газетасининг №67-сонида тендер асосида қурилиши эълон қилинган ва Самарқанд вилоят Инжиниринг компаниясининг 2013 йил манзилли дастурига киритилган. Дастурда маблағ кўрсатилмаган. Қурилиш ҳозиргача бошланган эмас. Сабабини маълум қилишингизни сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан фуқаролар Э.Раҳимов, Т.Холбозоров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил Департаментининг 2013 йил 24 октябрда Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Очилов)га ва нусхаси аризачи Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимовга йўлланган №18-8-8/6948-сонли хати

Сизга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимов томонидан Вазирлар Маҳкамасига ёзилган ариза хати юборилмоқда.

Мазкур аризани ўрнатилган тартибда биргаликда кўриб, муаммони ҳал

қилиш учун керакли чораларни кўришингизни ва натижаси юзасидан хат муаллифига ёзма жавоб беришингизни сўрайман.

Н.Ханов

ПОЧТА ВАРАҚАСИ: Нуробод тумани, Жом қишлоғи Э.Раҳимовга

Сизнинг 2013 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти, вилоят ҳокими номига юборган №10-2/2018-сонли хатингизни кўриб чиқиш учун вилоят Инжиниринг компанияси (А.Сафоев)га юборилиб, натижасини Сизга маълум қилиниши сўралди.

Самарқанд вилоят ҳокимиятининг умумий бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил Департаменти 2013 йил 28 октябрда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (З.Т.Мирзаев)га №18-8-8/6947-сонли хатини йўллади.

Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаролар Э.Раҳимов ва Т.Холбозоровлар номидан Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган хат, ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва натижаси бўйича муаллифларга жавоб бериш учун жўнатилмоқда.

**Ҳудудларни комплекс ривожлантириш шўъбаси мудирини А.Турсунов
2013 йилнинг 29 декабрида йўлланган ва Президент
маълумотхонасида Регстр. Жом-48-581-рақам билан 30 октябрда
рўйхатга олинган телеграмма**

Муҳтарам юртбошимиз!

Таъбирингиз билан айтганда, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони ҳазрати Мир Алишер «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» деганларидек, Соҳибқирондан сўнг ўзлигини асрлар давомида йўқотган ўзбек халқи, Сизнинг жасорат ва журъат билан эълон қилган Мустақиллигимиздан сўнг қисқа давр ичида қайтадан ўзини англаб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топди. Бу ҳамду сано эмас, тўғридан-тўғри эътироф сабабли «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деганларидек, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида, мустақиллик эпкинлари таъсирида қаратган эътиборингиз, айниқса таҳсинга сазовор. Биргина Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги обидаларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари, айниқса Самарқанд шаҳридаги ландшафт меъморчилиги шаҳримизни янада фирдавсмонанд даражасига кўтарди. Бутун Ўзбекистонимиздаги ўзгаришларни жамласак, кўз ўнгимизга келтирсак, таърифига тил ожиз.

2012 йил феврал, март, май ойларидаги сел тошқинлари натижасида жиддий зарар кўрган Нуробод тумани Жом қишлоғидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча Омондарасой устига кўприк қуриш Сизнинг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарорингиз билан ҳукумат дастурига киритилган эди. Шундан, келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №02-02/1-190-сонли йиғилиш қарорига асосан буюртмачи қилиб Самарқанд вилояти Инжиниринг компанияси тасдиқланиб, компания 2013 йил 4 июлда «Ўзбекистон овози» газетасининг №67-сонида баланс қиймати 562,0 миллион сўмлик кўприкни тендер асосида қуришни эълон қилинган эди.

Самарқанд вилоят Инжиниринг компанияси манзилли дастурига кўприк киритилган, лекин маблағ кўрсатилмаган. Компанияга мурожаат қилганимизда маблағ йўқ деган жавобни бермоқда.

Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Бош вазир ўринбосари Б.Зокиров номига йўллаган 2013 йил 19 сентябрдаги №02/1-693-сонли хатида кўприк қурилиши бошланди деб маълумот берган.

Мазкур масалада 2013 йил 4 октябрда Республика Бош вазирининг 1-ўринбосари Р.Азимовга, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №82-йиғилиш баёни ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган. Ахборот-таҳлил департаменти (Н.Ханов), Иқтисодиёт вазири 1-ўринбосари Б.А.Хўжаевларга телеграмма билан мурожаат этдик. Ҳозиргача натижа йўқ.

Мазкур масалани ижобий ҳал қилишда Сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз, муҳтарам юртбошимиз.

Сизга чексиз ҳурмат билан, Аллоҳдан сизга соғлиқ тилаб, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқаролари номидан **Э.Раҳимов, Т.Холбозоров.**

**Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг 2013 йил
4 ноябрда Самарқанд вилояти ҳоқимлигига йўллаган
№01-1986-сонли хати**

Вилоят ҳоқимлигининг 2013 йил 16 октябрдаги №10-2/1947-сонли аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаролар томонидан ёзилган ариза бўйича қуйидагилар маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарорининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №02-02/1-190-сонли №82-йиғилиш баёнига асосан Самарқанд вилоятида 7 та, сел тошқинлари мавжуд ҳудудларда қирғоқларни мустаҳкамлаш учун 5 та кўприк қурилиши белгиланган.

Бугунги кун ҳолатига объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, экспертизадан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда тендер савдолари ўтказилиб пудратчи қурилиш корхоналари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда, фақат Нуробод туманидаги 3 та объектдан 1 тасига, яъни 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғидаги Омондара сойи устига кўприк қурилишига талабгор пудратчи бўлмаганлиги сабабли тендер савдолари ўтказилмади. Ажратилган маблағ қолган объектларга тақсимланиб манзилли дастур тасдиқланган.

Ушбу қурилишлар учун 2013-2014 йиллар давомида 3569,2 млн. сўм (шундан 2013 йилда 1580,0 млн. сўм ажратилган) маблағ ажратилиши кўрсатилган бўлиб, ҳақиқатда лойиҳалаштириш институтлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда тендер савдолари натижаси бўйича 4384,8 млн. сўм маблағ талаб этилиши аниқланган.

Бу тўғрида Вазирлар Маҳкамасига қўшимча маблағ сўралиб вилоят ҳоқимлиги томонидан 2013 йил 19 сентябрда №02/1-693-сонли хат орқали жорий йил учун 1,0 млрд. сўм маблағ сўралиб мурожаат қилинган, лекин маблағ бугунги кунгача ҳал этилмаган.

Шу сабабли, ушбу объектга қўшимча маблағ ажратилса тендер савдолари ўтказилиб қурилиш-монтаж ишлари бошланади.

**Самарқанд вилояти инжиниринг компанияси
директори А.А.Сафоев**

**Самарқанд вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармасининг 2013 йил
6 ноябрда Самарқанд вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
З.Жамоловга йўллаган №1829-сонли хати**

Сўнги йилларда, вилоятда маҳаллий аҳоли томонидан сой ва сел йўллари, ўзанлари ҳамда ҳимоя ҳудудлари ўзлаштирилиши (қурилиш ишлари олиб борилиши, дарахтлар экилиши, сунъий дамбалар қилиниши ва ҳоказолар) уларнинг сув ўтказиш қобилиятига салбий таъсир этиб, сел оқимлари билан боғлиқ фавқулудда вазиятлар сони ва талафотлар ҳажми ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг февраль ва май ойларида вилоятнинг Нуробод, Ургут, Иштихон, Қўшрабат, Пайариқ туманларидаги сойлардан оқиб ўтган сел оқимлари аҳоли хонодонлари, автомобиль йўллари ва кўприкларга жиддий талафот етказган ва катта миқдорда моддий зарар келтириб чиқарган.

Шунингдек, мазкур сел оқимларида Нуробод тумани Жом қишлоғидан оқиб ўтувчи Омондарасой устига ўрнатилган, маҳаллий ҳокимлик балансида бўлган 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин, Гирдиқўрғон қишлоқларига кириш шохобча йўлидаги кўприклар бутунлай яроқсиз ҳолга келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 мартдаги раёсати мажлисининг №14-а-сонли баёни асосида ушбу кўприклар лойиҳа асосида қайта қурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги «2013 йилда сел тошқинлари ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулудда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №ПҚ-1926 қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят аҳолисини ва ҳудудларини сел оқимларидан муҳофаза қилиш, мавсум давомида сел оқимлари ва сув тошқинларини вилоят ҳудудидан беталафот ўтказиш мақсадида, Сиздан вилоят ҳудудида маҳаллий аҳоли томонидан сой ва сел йўлларининг ҳимоя ҳудудлари ва ўзанларининг ўзлаштирилиши (қурилиш ишлари олиб борилиши, дарахтлар экилиши, сунъий дамбалар қилиниши ва ҳоказолар) олдини олиш, вилоят ҳудудидаги ҳар бир сойларнинг ҳимоя ва муҳофаза заналарини белгилаш ҳамда бугунги кунда сойларнинг сув ўтказиш қобилиятини пасайтиришга сабаб бўлаётган дарахтларни кесиш ва сойлар йўлини очиш бўйича ваколатингиз доирасида зарурий чора-тадбирларни амалга оширишингизни сўрайман.

Бошқарма бошлиғи полковник Х.Давронов

Самарқанд вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси З.Жамоловга Нуробод тумани Жом қишлоғи Омондарасой устига ўрнатилган, маҳаллий ҳоқимият балансида бўлган, 2012 йил февраль, май ойларида сел оқимидан жиддий зарар кўрган кўприкларни қайта қуриш учун Нуробод тумани ободонлаштириш бош бошқармаси ва Жом МФЙ Омондара-Тегирмонбоши маҳаллалар раисларининг ваколатли вакили Раҳимов Эштурди томонидан 2013 йилнинг 6 ноябрида ёзилган ариза

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №82-сонли йиғилиш баёнининг талабларидан келиб чиқиб 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига ва Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча йўлида кўприклар қайта қурилмоқда. Фуқаролар кўприклар атрофига дарахтлар эккан. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2013 йил 6 ноябрдаги №1829-сонли хати талабидан келиб чиқиб, кўприкларнинг ҳимоя зонасини аниқлаб беришингизни сўрайман. Хатга 6 дона фото суратларни илова қиламан.

**Нуробод тумани Жом қишлоғи аҳолиси номидан
фуқаро Э.Раҳимов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил Департаменти 2013 йил 8 ноябрда Самарқанд вилояти хокимлиги (Очиллов)га, Ўзавтойўл ДАК (Абдувалиев)га, Республика йўл жамғармаси дирекцияси (Шукуров)га, нусхаси аризачи Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимовга №18-8-8/7795-сонли хатини йўллади.

Сизга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзилган такрорий ариза хати юборилмоқда.

Ушбу аризада кўтарилган масалани биргаликда атрофлича ўрганиб ҳал қилишингизни ва натижалари билан Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 декабригача жавоб беришингизни сўрайман.

Н.Ханов

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Самарқанд вилояти хокимлигига 2013 йилнинг 11 ноябрида йўллаган №ХБ-2-7/4-4-4596-сонли хати

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, Молия вазирлиги ва "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан биргаликда Самарқанд вилояти

ҳокимлигининг 2013 йил 19 сентябрдаги №02/1-6953-сонли хатини ва Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг 2013 йил 4 октябрдаги мурожаатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 сонли қарорига асосан 2013-2014 йиллар Самарқанд вилоятида 122,8 минг куб.м ер ишлари ва 3085 куб.м тош ишлари ҳажмини бажариш параметрлари ҳамда 3,57 млрд. сўм маблағ лимити, жумладан, жорий йилда 61,4 минг куб.м ер ишлари ва 1542,5 куб.м тош ишлар ҳажмини бажариш ҳамда 1,58 млрд. сўм маблағ лимити ажратилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгашининг 2013 йил 4 апрелдаги №82-сонли баёни билан Самарқанд вилояти ҳокимлигига жорий йилда кўзда тутилган маблағ давлат бюджети ҳисобидан ажратилган ва объектлар бўйича Манзилли рўйхати белгиланган тартиб асосида тасдиқланган.

Нуробод туманидаги 4Н513«и» маҳаллий автомобил йўли билан боғловчи Зарафшон ирригация тизимлар ҳавза бошқармасига қарашли Омондара қишлоғидаги Омондара сойи устидаги кўприкнинг қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасидан ўтказилган. Бироқ, ушбу объект бўйича танлов савдолари ўтказилмаган.

Тасдиқланган манзилли рўйхатда ушбу объектга жорий йилда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағ ажратилган бўлиб, объектнинг қурилиш ишлари ва топшириш муддати 2014 йил этиб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги томонидан объектларда кўзда тутилган параметрларни бажарилишини қабул қилинган ушбу қарор ва ҳужжатларга асосан амалга оширилишини таклиф этамиз.

Шу билан бирга, 2014 йил инвестиция дастури лойиҳасида ва келгуси йилларда Самарқанд вилоят ҳокимлигига белгиланган ишлар ҳажмини бажариш учун давлат бюджети ҳисобидан капитал қўйилмалар лимити ажратилиши кўзда тутилганлигини маълум қиламиз.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Хўжаев

Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи подполковник Х.Давроновга, нусхаси Ободонлаштириш бошқармаси ва МФЙ раисларининг ваколатли вакили Э.Раҳимовга 2013 йилнинг 15 ноябрида йўллаган №01-1619-сонли хати

Сизнинг 06.11.2013 йилдаги №1829-сонли аризангизга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 февралдаги «2013 йилда сел-тошқинлари ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1926 сонли қарори ижросини

таъминлаш ҳамда вилоят аҳолисини ва ҳудудларини сел оқимларидан муҳофаза қилиш, мавсум давомида сел оқимлари ва сув тошқинларини вилоят ҳудудидан беталафот ўтказиб юбориш мақсадида, вилоят ҳудудида маҳаллий аҳоли томонидан сой ва сел йўлларининг ҳимоя ҳудудлари ва ўзанларининг ўзлаштирилиши (қурилиш ишлари олиб борилиши, дарахтлар экилиши, сунъий дамбалар қилиниши ва ҳоказолар) олдини олиш, вилоят ҳудудидаги ҳар бир сойларнинг ҳимоя ва муҳофаза заналарини белгилаш ҳамда бугунги кунда сойларнинг сув ўтказиш қобилиятини пасайтиришга сабаб бўлаётган дарахтларни кесиш ва сойлар йўлини очиш бўйича Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2013 йил 19 январдаги №5-Д-сонли буйруғи чиқарилиб, рейд тадқиқотлари, тарғибот-ташвиқот ва чора-тадбирлар олиб бориш учун вилоят ва туманлар инспекторларига тўлиқ назорат қилиш кучайтирилди. Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Нуробод тумани ҳудудидаги Жом сойининг ҳимоя ҳудудларида сойнинг сув ўтказиш қобилиятига салбий таъсир этувчи ҳолатларни, жумладан, аҳоли томонидан сойнинг ҳимоя ҳудудларини ноқонуний равишда боғлар ва турли экинзорлар сифатида ўзлаштирилиши бўйича бизга берилган ваколат доирасида Самарқанд вилоят Нуробод тумани Жом ҚФЙ, Омондара МФЙ, Тегирмонбоши МФЙ, Сепки МФЙ, Сарикўл МФЙ ва Сазағон МФЙ раислари ва фуқароларига тарғибот-ташвиқот ва чора-тадбирлар олиб боришлари учун қўмитанинг 2012 йил 27 февраль №91-278-сонли мажбурий талабномалари ҳамда сойларнинг сув ўтказиш қобилиятини пасайтиришга сабаб бўлаётган дарахтларни кесиш ва сойлар йўлини очиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қўмита раиси З.Ў.Жамолов

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Нусхаси: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимовга 2013 йилнинг 29 ноябрида йўллаган №ЖШ/28-12-3727-сонли хати

Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 ноябрдаги №18-8-8/7795- сонли топшириғига асосан, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимов ва Т.Холбозоровларнинг шикоят ариза хатини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Хатда келтирилган ҳолатни ўрганиш мақсадида, ўрнатилган тартибда “Самарқандавтойўл” ХЙФТ ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи инжиниринг компанияларининг хулосалари олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелдаги №02-02/1-190(82)-сонли йиғилиш баёнига асосан Нуробод туманида 2012 йилда сел оқимидан ва сув тошқинларидан талафот кўрган 3та кўприк қурилиши режалаштирилган.

Шундан, Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш ва Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш объеклари бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, танлов савдолари ўтказилган ва бугунги кунда қурилиш ишлари бажарилмоқда.

Ажратилган маблағ етишмаганлиги сабабли Нуробод тумани 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш объекти бўйича танлов савдолари ўтказилмаган бўлиб, ушбу объектга 2014 йил манзилли дастурига киритилиши бўйича тегишли чоралар кўрилиши маълум қилинган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПҚ-499-сонли қарорида Республика йўл жамғармасининг маблағлари умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашни молиялаштириш учун ишлатилиши белгиланганлигини инобатга олиб, юқоридаги объектларнинг қурилиш ишларини маҳаллий ёки республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкинлигини билдирамыз.

Директор Ж.Шукуров

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2013 йил 30 ноябрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаролар Э.Раҳимов ва Т.Холбозоровларга йўллаган №10-2/342-сонли хати

Сизларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига «Кўприкларни таъмирлаш масаласида» ёзган аризаларингиз ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 сонли қарорига асосан Нуробод туманида 2012 йил сел оқимидан ва сув тошқинларидан талафот кўрган қуйидаги 3та кўприк қурилиши режалаштирилган эди:

1. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сой устига кўприк қуриш (562,0 млн. сўм).

2. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш (510,360 млн. сўм).

3. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш (573,870 млн. сўм).

Юқоридаги объектлар бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2 кўприк қурилиши бўйича танлов савдолари ўтказилган ва бугунги кунда қурилиш ишлари бажарилмоқда.

Ажратилган маблағ етишмаганлиги сабабли Нуробод тумани 4Н513«и»

автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш объекти бўйича танлов савдолари ўтказилмаган.

Ушбу объектга жорий йилда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағ ажратилган бўлиб, объектнинг қурилиш ишлари ва фойдаланишга топшириш 2014 йил этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги №ПҚ-2069 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори билан Самарқанд вилоятига қирғоқларни мустаҳкамлаш ва бошқа ҳимоя чора-тадбирлари учун 1990,8 млн. сўм маблағ ажратилганлигини, ушбу маблағлар доирасида аризада кўрсатиб ўтилган кўприкни таъмирлаш ишлари амалга оширилишини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов

Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг 2013 йил Самарқанд вилоятида қирғоқларни мустаҳкамлаш ва кўприк қурилиш объектлари тўғрисида 2013 йил 1 декабрь ҳолатига тезкор маълумоти

Т/н	Объектнинг номи ва манзили	Объектнинг умумий қиймати (бюджетмачи бошқа харажатлари билан бирга)	2013 йилда ажратилган маблағ	Бажарилган ҚМИ	Объектнинг умумий қийматидан ажратилган лимит факи	Пудратчи ташкилот
1.	Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	538,436	162, 160	156,300	376,276	«Ғайтуруз Ҳамкор» ХК
2.	Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдикўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	605,406	182,275	174,526	423,131	«Ғайтуруз Ҳамкор» ХК
3.	Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	674,861			674,861	Тендер

Изоҳ: 1) ажратилган маблағ етишмаганлиги учун 1та объектга танлов савдолари ўтказилмаган;

2) тезкор маълумотноманинг Нуробод тумани Жом қишлоғидаги кўприкларга тегишли қисми олинди.

Самарқанд вилояти инжиниринг компанияси директори А.Сафоев

Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи Э.Раҳимов ва Т.Холбозоровларга 2013 йил 4 декабрда йўллаган №01-2186-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 сонли қарорига асосан Нуробод туманида 2012 йил сел оқимидан

ва сув тошқинларидан талафот кўрган қуйидаги 3 та кўприк қурилиши режалаштирилган эди:

1. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сой устига кўприк қуриш (562,0 млн. сўм).

2. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Ҳафрин қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш (510,360 млн. сўм).

3. Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдиқўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш (573,870 млн. сўм).

Юқоридаги объектлар бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2 та кўприк қурилиши бўйича танлов савдолари ўтказилган ва бугунги кунда қурилиш ишлари бажарилмоқда.

Ажратилган маблағ етишмаганлиги сабабли Нуробод тумани 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш объекти бўйича танлов савдолари ўтказилмаган.

Ушбу объект 2014 йил манзилли дастурга киритилиши бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Компания директори А.Сафаев.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Самарқанд вилоят ҳудудий консалтинг марказининг 2014 йил 6 январда Нуробод тумани ҳокимлиги ва Омондара-Тегирмонбоши маҳаллалари аҳолисининг ваколатли вакили Э.Раҳимовга йўллаган №4/10-04-сонли билдиришномаси

Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Самарқанд вилоят ҳудудий консалтинг маркази Сизнинг 2014 йил 6 январдаги аризангизга жавобан Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш объекти бўйича танлов комиссиясининг 2014 йил 4 январь куни №287-3(13)-сонли баёнининг қарорига асосан «Кент» МЧЖ ташкилоти ёлиб деб топилганлигини маълум қиламиз.

Марказ директори в.б. С.И.Гулямов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 4 апрелдаги №02-02/1-190(82)-сонли йиғилиш баёни ва
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
23 ноябрдаги №ПҚ-2069-сонли қарори асосида Жомдаги 3та кўприк
қурилиши 2014 йилнинг 8 январидан манзилли дастур режасига
киритилди**

Бу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси директори А.Сафаев, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги инвестициялар бошқармаси бошлиғи М.Ғаниев, Макроиқтисодий

ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Д.Азимовлар билан келишилган ҳолда Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Б.Хўжаевлар томонидан тасдиқланди.

Ушбу режага кўра Ҳафрин ва Гирдиқўрғонга ўтиш кўприклари 2013-2014 йилларда, Омондара кўприги 2014 йилда қурилиб ишга тушириладиган, улардан дастлабки иккитасини «Ғайтуруз ҳамкор» ХК, учинчисини «Кент» МЧЖ ташкилотлари қурадиган бўлди.

Самарқанд вилоят ҳокимининг 2014 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимовга йўллаган №02/1-317-сонли хати

Ҳурматли Рустам Содиқович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПҚ-1926 сонли қарорининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелда тасдиқланган №02-02/1-190-сонли №82-йиғилиш баёнига асосан Самарқанд вилоятида 7 та сел тошқинлари мавжуд ҳудудларда қирғоқларни мустаҳкамлаш ҳамда 5 та кўприклар қурилиши белгиланган бўлиб, бугунги кун ҳолатига барча объектларда белгиланган тартибда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур объектлар қурилиши учун тендер савдолари якунига кўра, 4691,8 млн. сўм маблағ талаб этилиши аниқланган бўлиб, ҳақиқатда 3570,8 млн. сўм (шундан, 2013 йил 1580,0 млн. сўм, 2014 йил 1990,8 млн. сўм) маблағ ажратилган.

Бугунги кун ҳолатида 3 та объектларда (1та кўприк ва 2та қирғоқларни мустаҳкамлаш) қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб фойдаланишга топширилган, қолган 9 та объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида талаб этиладиган маблағлар тўлиқ ажратилмаганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари охиригача якунланмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сиздан 2014 йил инвестиция дастурига киритилган 5та қирғоқларни мустаҳкамлаш ва 4 та кўприк қурилишини қисқа муддатда тугаллаб фойдаланишга топшириш учун талаб этиладиган 897,6 млн. сўм маблағнинг ажратилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан З.Т.Мирзаев

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари
Р.С.Азимовнинг 2014 йил 30 апрелда Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев)га,
Молия вазирлиги (Юсупов)га йўллаган №05/1-190-сонли хати**

Ўрнатилган тартибда кўриб чиқишингизни сўрайман. **Р.Азимов**

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасига
2014 йил 21 майда йўллаган №ХБ-2-7/4-4-2490-сонли хати**

Топшириққа мувофиқ, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2014 йил 26 апрелдаги Самарқанд вилоятида 5 та қирғоқларни мустаҳкамлаш ва 4 та кўриклар қурилишини тугатиб, фойдаланишга топшириш учун Республика бюджети ҳисобидан етишмаётган 897,6 млн. сўм маблағни ажратиш тўғрисидаги №02/1-317-сонли хатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Самарқанд вилоятининг 12 та қирғоқларни мустаҳкамлаш ва сел тошқинлари олдини олиш объектларининг қурилиш-монтаж ишлари 2013 йилда бошланган бўлиб, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва танлов савдолари лимитига кўра қиймати 1 миллиард 580 миллион сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг тасдиқланган 2013 йилги ва 2014 йилги инвестиция дастурларга мувофиқ, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва сел тошқинларининг олдини олиш чораларига 2013 йилда 1580,0 млн. сўм ва 2014 йилда 1990,8 млн. сўм, жами 3570,8 млн. сўм маблағ ажратилган.

Бугунги кун ҳолатига, объектларда ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган ҳамда 2 та қирғоқларни мустаҳкамлаш ва 1 та кўприкнинг қурилиш ишлари тугатилиб фойдаланишга топширилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида 5 та қирғоқларни мустаҳкамлаш ва 4 та кўприклар қуриш ишларига етишмаётган маблағни қирғоқларни мустаҳкамлаш ва сел тошқинларининг олдини олиш объектларининг танлов савдолари якуни билан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан ажратиш масалаларини тегишли органлар томонидан ўрнатилган тартиб асосида кўриб чиқишлини таклиф этамиз.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Хўжаев

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги
№ПҚ-1926 қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2014 йил 4 апрелдаги №82- йиғилиш баёни асосида
Самарқанд вилоят қурилиш бўйича 2014 йил 1 июнда қабул қилинган**

Режа

Объектлар номи	Вилоят ҳокимининг 2013 йил 24 январда тасдиқланган дастурида сўралган маблағ	Республика Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПҚ-1926 қарорида ажратилган маблағ	Тендер ўтказилганда белгиланган маблағ	Ажратилган маблағ тендер суммасига нисбатан	2014 йил 1 июнь ҳолатига объектларда харажат суммаси
----------------	------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------	---------------------------------------------	------------------------------------------------------

Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Хафрин қишлоғига шоҳобча йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.	530,0	530,0	510,360	-20,0	373.523 -157,5
Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Гирдикўрғон	517,0	517,0	573,870	56,8	420.036 -133,8
қишлоғига шоҳобча йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.					
Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шоҳобча автомобиль йўлидаги Омондарасой устига кўприк қуриш.	508,4	508,4	555,0	47,0	406.808 -148,2

Изоҳ: катта режанинг Жом қишлоғида тегишли қисми келтирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳурматли Ш.М.Мирзиёевга,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари,
Республика идоралараро бюджет тақсими комиссиясининг раиси
ҳурматли Р.С.Азимовга фуқаролар Э.Раҳимов ва Т.Холбозоровлар
томонидан йўлланган хат**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПҚ-1926 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелда тасдиқланган №02-02/1-190-сонли №82-йиғилиш баёни билан Самарқанд вилоятига 2013-2014 йилларда табиий офат, сел оқимлари ва сув тошқинларидан келиб чиққан зарарларни қоплаш учун 12 та объектга (7та сув хўжалиги объектларига 201,420 минг сўм, 5 та кўприкларни қуриш учун 3162,4 млн. сўм) 3570,8 млн. сўм ажратилган. Бугунги кунда 2014 йил 1 июнь ҳолатига ажратилган маблағларнинг 1852 млн. сўми сув хўжалиги объектларига, 1789,033 млн. сўми кўприклар қурилиши учун йўналтирилган. Объектлар учун ажратилган маблағларнинг қайта тақсимланишига нима сабаб? Белгиланган маблағларнинг 2015 йилга ўтказилишига нима сабаб? Қарорларда Нуробод тумани Жом қишлоғи Омондара сойида қурилаётган кўприклар учун қўшимча маблағ ажратиш нима учун яна сўралаяпти? Ахир маблағ етарли-ку.

Фуқаролар Э.Раҳимов, Т.Холбозоров

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари
Р.С.Азимовга 2014 йилнинг 16 июнида йўлланган телеграмма**

Ҳурматли Рустам Содиқович!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПҚ-1926 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 апрелда тасдиқланган №02-02/1-190-сонли №82-йиғилиш баёнига асосан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи Омондара сойига 3 дона кўприк қуриш (қиймати 1 млрд. 555,4 млн. сўм) 2013–2014 йиллар инвестиция дастурига киритилган бўлиб, бугунги кунда шахсан Сизнинг ва Самарқанд вилоят ҳокимининг кундалик назорати сабабли мавжуд кўприклар қурилиши давом этмоқда. Қишлоқда яшовчи 26 мингдан ортиқ аҳоли бу борада шахсан Сизга, Самарқанд вилоят ҳокимига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этмоқда. Кўприкларнинг тўлиқ ишга тушиши учун ажратилган маблағларнинг бир қисмини Самарқанд вилоят инжиниринг компанияси “раҳбарияти маблағ йўқ, 2015 йил дастурига киритилган” деган жавоб билан 3та кўприк учун 450 млн. сўм маблағни бермасдан келмоқда. Натижада кўприкларда қурилиш ишлари тўхтади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кўприкларнинг дастурга мувофиқ 2914 йилда ишга тушиши учун 450 млн. сўм маблағни ажратиб беришда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз. Сизга ҳурмат билан қишлоқ аҳолиси номидан фуқаролар **Э.Раҳимов, Т.Холбозоров.**

**Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни
ишлатишга қабул қилиш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Нуробод тумани №7-МР-2013, 01.08. 2014 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПП-1926-сонли қарорига асосан қурилиши тугалланган иншоотларни қабул қилиш давлат комиссиясига, ШНК 3.01.04-04 да кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда

Аниқлади:

1. Бош пудратчи «Ғайтуруз ҳамкор» ХК томонидан Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлининг Ҳафрин қишлоғидан ўтган шохобчасидаги Омондара сойи устига қурилган кўприк фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилинди.

2. Қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари бош пудратчи «Ғайтуруз ҳамкор» ХК томонидан бажарилди.

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари «Қашқадарё ЛҚЭ» ХК лойиҳалаш институти томонидан бажарилган.

4. Қурилиш ишлари лойиҳага мувофиқ бажарилган.

5. Лойиҳа ҳужжатларига Қашқадарё вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан 2012 йил 18 декабрда №1347/2-сонли экспертиза хулосаси олинган.

6. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг

бошланиши 2013 йил август, тугаши 2014 йил июль.

7. Ишчи ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар: ишчи лойиҳа, ёпиқ ишлар далолатномаси, қурилиш ишларида ишлатилган материаллар паспорти ва сертификатлари ҳамда ШМК 3.01.04-04 талаблари асосида тўлиқ тақдим этилди.

Кўрсатилган ҳужжатлар далолатномага мажбурий илова ҳисобланади.

8. Бино, иншоот бўйича технологик ва меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: 27,6 метрга 15м-6м-6м, темир бетон қозиклар қоқилиб 9 дона плита П15, 18 дона плита П6 ўрнатиш, сойнинг қирғоқлари қуйма бетон билан мустаҳкамлаш.

9. Ускуна ишчи ҳайъатлари томонидан унинг якка ва комплекс синовларидан кейин қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларига мувофиқ (далолатномалар рўйхати мазкур далолатноманинг иловасида келтирилган) ўрнатилган.

10. Лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тўғрисидаги маълумотномаси тақдим қилинган.

11. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг №1-иловасида кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

12. Тасдиқланган лойиҳа-ҳужжатлари бўйича ажратилган маблағлар ва бажарилган ишлар бўйича

Давлат ҳайъатининг қарори

Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлининг Ҳафрин қишлоғидан ўтган шохобчасидаги Омондара сойи устига қурилган кўприк фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилинди.

Қарорни тасдиқлаган ҳайъат аъзолари: С.Зиядуллаев – Давлат қабул комиссияси раиси ўринбосари, вилоят архитектура қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи; А.Сафаев – Вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси директори; Х.Давронов – Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник; С.Валиев – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи; М.Ҳамдамов – Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари; Х.Боймуродов – Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачлари; З.Жамолов – Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи; Б.Эргашев – Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари; Ф.Чиммирзаев – Нуробод туман ДАН бошлиғи; Д.Алимов – «Қашқадарё КЛҚЭ» ХК лойиҳа институти директори; Д.Худойқулов – Бош пудратчи: «Ғайтуруз ҳамкор» ХК директори.

**«Тасдиқлайман» Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари О.И.Очилов.
2014 йил**

**Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни ишлатишга қабул қилиш бўйича
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Нуробод тумани №6-МР-2013, 01.08. 2014 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги №ПП-1926-сонли қарорига асосан қурилиши тугалланган иншоотларни қабул қилиш давлат комиссиясига, ШНК 3.01.04-04 да кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда

Аниқлади:

1. Бош пудратчи «Кент» МЧЖ томонидан Нуробод туманидаги 4Н513«и» автомобиль йўлининг Омондара қишлоғидан ўтган шохобчасидаги Омондара сойи устига қурилган кўприк фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилинди.

2. Қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари бош пудратчи «Кент» МЧЖ томонидан бажарилди.

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари «Қашқадарё КЛҚЭ» ХК лойиҳалаш институти томонидан бажарилган.

4. Қурилиш ишлари лойиҳага мувофиқ бажарилган.

5. Лойиҳа ҳужжатларига Қашқадарё вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан 2013 йил 11 декабрда №1658/1-сонли экспертиза хулосаси олинган.

6. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг бошланиши 2013 йил август, тугаши 2014 йил июль.

7. Ишчи ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилди: ишчи лойиҳа, ёпиқ ишлар далолатномаси, қурилиш ишларида ишлатилган материаллар паспорти ва сертификатлари ҳамда ШМК 3.01.04-04 талаблари асосида тўлиқ тақдим этилди.

Кўрсатилган ҳужжатлар далолатномага мажбурий илова ҳисобланади.

8. Бино, иншоот бўйича технологик ва меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: қозиклар қоқилиб 30,6 метрга 12м-9м-9м плита қопламалари гравийли қатлам билан дамба кўтариш ва тоғ мамар тоши билан мустаҳкамлаш.

9. Ускуна ишчи ҳайъатлари томонидан унинг якка ва комплекс синовларидан кейин қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларига мувофиқ (далолатномалар рўйхати мазкур далолатноманинг иловасида келтирилган) ўрнатилган.

10. Лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайдиган маълумотномаси тақдим қилинган.

11. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг №1-илоvasида кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

12. Тасдиқланган лойиҳа-ҳужжатлари бўйича ажратилган маблағлар ва бажарилган ишлар юзасидан

Давлат ҳайъатининг қарори

Нуробод туманидаги "4Н513«и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча" йўлидаги Омондара сойи кўприк қуриш фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилди.

Давлат қабул комиссияси раиси ўринбосари, вилоят архитектура қурилиш

назорат инспекцияси бошлиғи С.Зиядуллаев

Гуруҳ аъзолари: А.Сафаев – Вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси директори; Х.Давронов – Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник; С.Валиев – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи; М.Ҳамдамов – Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари; Х.Боймуродов – Вилоят давлат санитария-эпидемиология нazorат маркази бош врачлари; З.Жамолов – Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи; З.Ниёзов – Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари; Д.Алимов – «Қашқадарё КЛҚЭ» ХК лойиҳа институти директори; Бош пудратчи «Кент» МЧЖ директори Р.Зоҳидов

**«Тасдиқлайман» Нуробод тумани ҳокими
Б.Қ.Эргашев 2015 йил**

**Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган
автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини
фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Нуробод тумани 2015 йил.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 4Н513 «и» «А-378 автомобиль йўлининг 56 км.дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни табиий офат оқибатларини бартараф этишда бажарилган ишларни қабул қилиш туман ҳайъати таркиби:

О.Жўраев – ҳайъат раиси, Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Аъзолари: А.Номозов – “Самарқандавтойўл” ҲЙФТ бўлим бошлиғи; Д.Алимов – Қашқадарё КЛҚЭ си бошлиғи; Ф.Чиммирзаев – Нуробод тумани ИИБ ЙХХТ бўлим бошлиғи; У.Тошпўлатов – Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш МЧЖ директори; Р.Ҳайитов – Нуробод ТИХПТФК директори; М.Ачиллов – Йўл бўлими бошлиғи (йўлдан фойдаланувчи).

4Н513«и» «А-378 автомобиль йўлининг 56 км.дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни табиий офат оқибатларини бартараф этишда бажарилган ишларни қабул қилиб олишда меъёрий қоидаларга амал қилинган ҳолда қуйидагилар аниқланди:

1. Бош пудратчи: Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш МЧЖ томонидан 4Н513«и» «А-378 автомобиль йўлининг 56 кмдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни табиий офат оқибатларини бартараф этишда бажарилган ишлар тугалланиб, объектни туман ҳокимлиги ишчи ҳайъатига фойдаланиш учун қабул қилишга тақдим этилди.

2. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ва олдини олиш ишлари учун лойиҳа смета ҳужжатлари:

лойиҳа ҳужжатлари КП «Қашқадарё КЛҚЭ» лойиҳалаш институти томонидан тайёрланган;

лойиҳа ҳужжатлари 30 ноябрь 2012 йил лойиҳа сметалари экспертиза қилиш бошқармаси томонидан тасдиқланган №68-сонли экспертиза хулосаси;

давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган 19.12.2012 йил №1347/3-сонли экспертиза хулосаси.

3. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун қуйидаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилган:

- кўприкнинг тузилиши – 6 + 12 + 6 м;
- кўприкнинг узунлиги – 24,6 п.м;
- ўприкнинг умумий кенглиги – $G = 8 + 2 + 0,75$;
- пиёдалар йўлаклари – 2 + 0,75.

4. Табиий офат оқибатларининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилган:

- ишнинг бошланиши – март 2013 йил;
- ишнинг тугалланиши – сентябрь 2014 йил.

5. Томонларнинг келишувига кўра:

аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати 575 896,237 минг сўм.

Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишлари – 562 587,171 минг сўм;
- буюртмачи харажатлари – 13 309,066 минг сўм.

6. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари амалда тақдим этилган.

Далолатномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- бажарилган ишлар қайдномаси;
- ўлчов назорати қайдномаси;
- ижро ҳужжатлари;
- бажарилган иш схемаси.

Туман ҳокимлиги ишчи ҳайъатининг ҚАРОРИ

4Н513«и» «А378 автомобиль йўлининг 56 км.дан Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкнинг табиий офат оқибатларини бартараф этишда бажарилган ишлар сифати қониқарли деб баҳо берилсин ва фойдаланишга қабул қилинсин.

Далолатномани ҳайъат раиси О.Жўраев, аъзолари А.Номозов, Д.Алимов, Ф.Чиммирзаев, У.Тошпўлатов, Р.Ҳайитов, М.Ачиловлар имзолаб муҳрлашган.

Топширди: Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш МЧЖ директори У.З.Тошпўлатов.

Қабул қилди: Нуробод ТИХПТФК директори Р.Ҳайитов

**Омондара кўпригига доир ҳужжатлар
Нуробод тумани йўл қурилиш бўлими бошлиғи Н.Ҳақимовга
Омондара МФЙ томонидан 2012 йилнинг 30 мартада йўлланган №
06-сонли
БИЛДИРИШ ХАТИ**

Омондара МФЙ ҳудудида 1980 йилда қурилган (Самарқанд–Китоб йўналишидаги) кўприкнинг юқори ва пастки қисмлари февраль-март ойларида бўлган баҳорги сел тошқинларидан жиддий зарар кўрди. Тезлик билан кўприкнинг юқори қисми олдига ва пастки қисми остига темир бетон плиталар ўрнатилмаса, кўприк йиқилиб транспорт қатнови тўхташи мумкин.

Ушбу масалага ойдинлик киритишингизни сўрайман.

Илова: Кўприкнинг ҳозирги ҳолати тасвирланган фотосуратлар билан биргаликда сизнинг бу ишга билдирган муносабатингизни қўшиб вилоятнинг тегишли ташкилотларига мурожаат қилишга мажбурман.

Жом ҚФЙга қарашли Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппоров

**«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл»
ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти Нуробод тумани йўл
хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонасининг 2012 йил 21
майдаги Нуробод туман Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппоровга йўллаган
№20-сонли хати**

Нуробод туман Омондара МФЙ раиси томонидан 2012 йил 30 мартдаги № 06-сонли Нуробод ТИХПТФК га ёзган билдириш хати ўрганилиб чиқилди. Корхона тасарруфидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» (9-14 км) автомобиль йўлидаги 6 кмда жойлашган кўприкнинг ҳолати ўрганилиб кўрилди. Кўприкни кучли сел суви фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирган. Талафот катта бўлганлиги учун уни таъмирлашга катта куч ва маблағ талаб этилади. Шу сабабли кўприкни корхона томонидан таъмирлашнинг имконияти етарли эмас. Мазкур йўлга маблағ ажратилганда жорий таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Бу маблағ жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ҳам етарли эмас. Шу муносабат билан уни таъмирлашга маблағ ажратиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ ва Самарқанд кўприк қурилиши корхонасига мурожаат қилишингизни сўраймиз. Биз бу тўғрида юқори ташкилотларимизга маълум қилганмиз.

Илова: табиий офатдан зарар кўрган кўприкнинг фото нусхаси.

Нуробод ТИХПТФК директори в.б. И.Ҳақимов

«Самарқандавтойўл» ВХЙФТ директориға ва нусхаси Самарқанд вилоят кўприк қурилиш корхонаси директори Толиб Рисқуловға Омондара МФЙ томонидан 2012 йилнинг 25 майида йўлланган №11-сонли хати

Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган, Нуробод ТИХПТФК тасарруфидаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» ва Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Китоб туманларини боғловчи (0 – 14 км) автомобиль йўлининг 6-км.да жойлашган кўприкнинг ҳамда Омондара–Тегирмонбоши маҳалларини боғловчи ички кўприкнинг апрель-май ойларидаги кучли сел тошқинларидан кейинги ҳолати Нуробод ТИХПТФК томонидан ўрганилиб, улардан фойдаланиб бўлмаслиги, тиклаш учун катта куч ва маблағ талаб этилиши, бундай маблағнинг ташкилотда йўқлиги 2012 йилнинг 21 майидаги №20-сонли жавоб хатида маълум қилинган. Бугунги кунда транспорт қатнови оғир аҳволда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда зудлик билан мазкур куприкларни тиклаш учун амалий ёрдам кўрсатишларингизни сўрайман.

Хатга илова: Нуробод ТИХПТФК директорининг №20 21.05.2012 йил хати ҳамда кўприкларнинг сел тошқинидан кейинги ҳолати фототасвирлари.

Нуробод тумани Жом ҚФЙ Омондара МФЙ раиси Т.Ғаффоров

Бу хат 2012 йилнинг 28 майида масъул ходим З.Ташанова томонидан қабул қилиб олинган ва раҳбарларнинг танишганлик белгилари мавжуд.

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Нуробод туман Жом ҚФЙ Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппоровга 2012 йилнинг 26 июнида йўллаган № 234-сонли жавоб хати

Сизнинг 2012 йил 25 майдаги № 11-сонли хатингиз бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км жойлашган кўприкни кучли сел келиши натижасида кириш ва чиқиш қисмлари сув ювиб 4 та эни 1 м.ли узунлиги 12 м. бўлган плиталари чўккан, айти вақтда транспорт ҳаракати айланма йўл орқали ташкил этилган. Табиий офат орқали РИЖ захира маблағлари ҳисобидан бажариш учун РИЖ вакили билан биргаликда жойида бориб кўрилди. РИЖ рухсат хатидан кейин лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, кўприкни таъмирлаш ишлари бажарилади.

Директор Д.Эрмаматов

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Республика йўл жамғармасини»нинг «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотига 2012 йилнинг 25 июлидаги № ЖШ/28-06-2358-сонли хати

Нусхаси: Самарқанд ХДААЙСИТФК га

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585 сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Сизнинг 2012 йил 23 майдаги 194-сонли хатингизда кўрсатилган умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ва ундаги кўприкларда 2012 йилнинг 17-18 май кунлари бўлиб ўтган кучли ёгингарчилик натижасида келган сел таъсирида кўрилган зарарларни жойида ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Нуробод тумани бўйича:

4Н513«и» «А378 автойўлидан «Чўнқаймиш қишлоғига (56 км) кириш» автомобиль йўлининг 6-км даги темир бетон кўприкнинг бир томони тўлиқ қулаган.

Ушбу автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлардаги бузилишларни табиий офат захира маблағлари ҳисобидан бажариш учун ўрнатилган тартибда ҳужжатларни расмийлаштириб, Жамғармага тақдим этилиши лозимлигини билдирамиз.

Директор Ж.Шукуров

**Нуробод тумани Нуробод сув истемолчилари уюшмаси бошлиғи
Н.Қаршиев томонидан берилган
2012 йилнинг 1 августидаги №1-сонли маълумотнома**

Ушбу маълумотнома Жом сойида табиий офат туфайли талафот кўрган кўприкларни қайта қуриш лойиҳасини тузувчи ташкилотлар учун берилган бўлиб, унда 2012 йилнинг февраль, март, май ойларида Жом сойдан секундига 120 м³ дан 150 м³ гача сел сувлари оқиб ўтганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг «Ўзавтойўл» ДАК бошқарув раиси ўринбосари Ш.Назаровга 2012 йилнинг 9 августида йўллаган № 309-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585 сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шуни маълум

қиламизки, вилоятимизда 2012 йил январь-май ойларида кучли ёмғир ва сел келиши натижасида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ва ундаги кўприкларга жиддий зарар етказилди.

Табиий офат натижасида зарар кўрган кўприкларни қайта тиклаш ва таъмирлаш учун биринчи навбатда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун вилоятимизда шу соҳада лицензияга эга лойиҳа-смета тузувчи ташкилотлар йўқлиги сабабли муаммо бўлиб қолмоқда.

Кўприкларни қайта қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини тузиш учун лицензияга эга лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни жалб қилишга амалий ёрдам беришингизни сўраймиз

Директор Д.Эрмаматов

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Самарқанд вилоят ҳокимлигига ва нусхаси Нуробод туман ҳокимлигига 2012 йилнинг 21 августида йўллаган № 322-сонли хати

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2012 йил 7 августдаги №4/2115-сонли назорат хатига ҳамда Нуробод туман ҳокимлигининг 2012 йил 6 августдаги №02-198-сонли хатига:

Бугунги кунда Самарқанд вилояти бўйича кўприкларни лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лицензияга эга бўлган лойиҳалаш институти мавжуд эмаслигини маълум қиламиз ва ушбу масала юзасидан «Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги «Йўллойиҳа бюроси»га ёки Ўзбекистон темир йўллари ДАК тизимидаги Тошкент “Боштранслоиҳа” институтига муурожаат этишингиз мумкин.

Директор Д.Эрмаматов

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Қашқадарё ЛҚЭ ташкилотига 2012 йилнинг 21 августида йўллаган № 323-сонли хати

Жорий йилнинг май ойида кучли жала ёмғири ва сел натижасида Нуробод ТЙХПТФК хизмат кўрсатадиган 4Н513 «и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6-км.да жойлашган кўприкни ювиб кетди. Ушбу кўприкни қайта тиклаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришингизни сўраймиз. Лойиҳа-смета ҳужжатлари учун пулини тўлов кафолатланади.

Директор Д.Эрмаматов

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Нуробод тумани ҳокими Ж.Ибрагимовга 2012 йилнинг 7 сентябрида йўллаган № 263-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Республика йўл жамғармаси»нинг 25 июль 2012 йилдаги №ЖШ/28-06-2358 рухсат хатига асосан «Республика йўл жамғармаси» захира маблағлари ҳисобидан туманингиздаги маҳаллий аҳамиятдаги 4Н513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км жойлашган кўприк кучли сел келиши натижасида жиддий зарар кўрган.

Ушбу кўприкни таъмирлаш учун лойиҳачи этиб Қашқадарё ЛКЭга ва пудратчи этиб Нуробод ТИХПТФга қарор чиқариб беришингизни сўраймиз.

Директор Д.Эрмаматов

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳоқимининг 2012 йил 10 сентябрдаги №376-қ қарори

Туман ҳудудида табиий офатдан талафот кўрган кўприкни таъмирлаш учун пудратчи белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг 2012 йил 7 сентябрдаги №363-сонли хатини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ 585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Республика йўл жамғармасининг» 2012 йил 25 июлдаги №ЖШ/28-06-2358-сонли рухсат хатига асосан «Республика йўл жамғармаси» захира маблағлари ҳисобидан тумандаги маҳаллий аҳамиятидаги 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни таъмирлаш учун лойиҳачи этиб "Қашқадарё КЛҚЭ" ва пудратчи этиб Нуробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси белгилансин.

2. Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси (И.Ҳақимов) га тумандаги табиий офатдан талафот кўрган 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғига

кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни таъмирлаш ишларини сифатли ва талаблар даражасида бажарилишини таъминлансин.

3. Ушбу қарор ижросининг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**«Тасдиқлайман» Самарқанд вилояти
Нуробод тумани ҳокимининг биринчи
ўринбосари З.Ниёзов 2012 йил**

4Н513"и" «А378 йўлининг 56 километрдан «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкда сел оқибатларини бартараф қилиш бўйича

Нуқсонлар далолатномаси

Биз, қуйида тузилган комиссия аъзолари: Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедициясининг лойиҳа бош муҳандиси Ғ.Ражабов, муҳандис Р.Ҳазратқулов, муҳандис Б.Назаров, «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ бош муҳандиси Р.Исоқов, Самарқанд КХСИТФД корхонасининг бош муҳандиси А.Ўроқовлар тузамиз ушбу далолатномани шу тўғридаким, 2012 йилнинг 12-17-май кунлари бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликдан сўнг 4Н513"и" «А-378 йўлининг 56 километрдан «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкнинг ҳолатини ўрганиб чиқилганда, қуйидаги камчилик ва нуқсонлар аниқланди:

Т/н	Км ҳолати	Аниқланган камчиликлар	Нуқсонларни бартараф этиш чора тадбирлари	Иш ҳажмлари
1	2	3	4	5
1	6	Кўприк таянчлари «қўлбола» усулида қурилган бўлиб, у ҳар бир таянчда 4 (тўрт) дона, жами 8 (саккиз) дона тўртбурчакли №95 кувурлари ва сарров ўрнида кўприк плитаси ўрнатилган асос устига П-12 плиталари ўрнатилган кўприкдан иборат. Кўприкнинг ўнг томон чиқиш қисми остини кучли ёғинлар натижасида ювиб кетган, оқибатда кўприк плиталари ағанаб тушган. Кўприк авария ҳолатида. Кўприкда қатнов батамом тўхтаган.	Янги кўприк қуриш	Лойиҳа асосида

Қашқадарё КЛҚЭ лойиҳа бош муҳандиси Ғ.Ражабов
Қашқадарё КЛҚЭ муҳандиси Р.Ҳазратқулов
Қашқадарё КЛҚЭ муҳандиси Б.Назаров
«Самарқандавтойўл» ҲЙФТ бош муҳандиси Р.Исоқов
Самарқанд КХСИТФД корхонасининг бош муҳандиси А.Ўроқов

**Нуробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш
корхонасининг ЎзГАШКЛТИ директориға 2012 йилнинг 10 сентябрида
йўллаган №34-сонли хати**

Нуробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси Жом қишлоғи ҳудудида 2012 йил 7-10 май кунлари бўлиб ўтган кучли ёғингарчилик ва сел суви натижасида 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғи» (0-14 км) автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприк катта талафот кўрди ва кўприкни таъмирлаб ишчи ҳолиға келтиргунча мазкур йўлда транспорт ҳаракати тўхтатилди. Бунинг натижасида мактаб ўқувчиларига ва аҳолининг қатновига катта зарар етди. Ушбу кўприкни қайта тиклаш учун геология қидирув ишларини амалға оширишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Бажарилган ишлар учун тўловни кафолатлаймиз.

х/р 2020000000435078001, Миллий банк Нуробод ш.,

ИНН 201151154 оконх 61129

Нуробод ТЙХПТФК директори в.б. И.Ҳакимов

**4Н513"и" «А378 йўлининг 56 километридан «Чўнқаймиш қишлоғиға
кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкда сел оқибатларини
бартараф қилиш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Жом қ. 2012 йил 3 октябрь.

Биз, қуйида тузилган комиссия аъзолари: «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ бош муҳандиси Р.Исоқов, Самарқанд КХСИТФД корхонасининг бош муҳандиси А.Ўроқов, Нуробод ТЙХПТФ корхонаси бошлиғи И.Ҳакимов, Қашқадарё КЛҚЭ бош муҳандиси У.Жўраев, Қашқадарё КЛҚЭ лойиҳа бош муҳандиси Ғ.Ражабов иштирокида мавжуд кўприкнинг ҳолатини ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосаға келдик:

Мазкур кўприк таянчлари «қўлбола» усулида ҳар бир таянчда 4 (тўрт) донадан тўғри бурчакли йиғма темирбетонли №95 қузури устиға темирбетон плита ўрнатилиб П-12 плиталардан қурилган. Кўприк габарити 9 м, узунлиги 12,5 м.

2012 йил 17-18 май кунлари бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликлардан сўнг кўприкнинг чиқиш томонидан ўнг таянчи остини сув батамом ювиб кетган 2 дона П-12 плитаси ағанаб тушган ва сой тубининг бетон билан мустаҳкамланган қисмининг ярми бузилиб кетган. Кўприк остида шаршара ҳосил бўлган. Кўприкда қатнов батамом тўхтаган, кўприк авария ҳолатида.

Мавжуд кўприк бузиб олиниб, унинг ўрнида янги темирбетон кўприк қурилиши тавсия этилади.

«Самарқандавтойўл» ҲЙФТ бош муҳандиси Р.Исоқов

Самарқанд КХСИТФД корхонасининг бош муҳандиси А.Ўроқов

Нуробод ТЙХПТФ корхонаси бошлиғи И.Ҳакимов

Қашқадарё КЛҚЭ бош муҳандиси У.Жўраев

Қашқадарё КЛҚЭ лойиҳа бош муҳандиси Ғ.Ражабов

**Омондара кўприги лойиҳа-смета ва қидирув ишларини бажариш
учун №65/09-сонли шартнома**

Қарши шаҳри. 10.09.2012 йил

Бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ номидан директор Д.Эрмаматов ва иккинчи томондан бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи «Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси» ЖК номидан бошлиқ Д.Алимов орқали қуйидаги шартномани туздилар

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи 1-иловада келтирилган 4Н513«и» «А378 автомобиль йўлидан Чўнқаймиш қишлоғига автомобиль йўлининг 6 километрида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ томонидан берилган 2012 йил 21 августдаги № 323 сонли хатига асосан амалга оширилади.

1.3. Мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати икки ой.

1.4. Республика йўл жамғармасига ишчи лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади (агарда Республика йўл жамғармаси экспертиза бўлими эътирозлари билан расмий қайтарса ишлар тугалланмаган деб ҳисобланади).

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси 2-иловадаги жадвалда келтирилган ҳисобларга асосан 14 490 000 (ўн тўрт миллион тўрт юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг 15 банк куни мобайнида бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Шартнома ишчи лойиҳани ишлаб чиқишга ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиб бериш учун тузилган.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

3.1.1. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни бажарувчининг сўрови асосида ўз вақтида тақдим қилиш;

3.1.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш;

3.1.3. Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олиш нитаъминлаш мажбуриятини олади.

3.2. Мазкур шартномани бажариш учун бажарувчи:

3.2.1. Бажарувчи ишларни амалга ошириш учун дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни;

3.2.2. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар тугагандан сўнг бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.3. Агар ишларнинг бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.4. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга лойиҳа бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Тўлов талабномасини асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлик, шунингдек, ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив қўймаслик ва ҳоказо) учун, «Буюртмачи» тўловдан бош тортган ёки рад этган суммасининг 0,05 фоиз ҳажмида «Пудратчи»га жарима тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. «Буюртмачи» олган мажбуриятини бузганлиги учун мазкур шартноманинг 4.3 моддасига асосан у «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,05 фоиз ҳажмида жарима тўлайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.3. «Бажарувчи» ишларни бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,05 фоиз ҳажмида жарима

тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни кечиктириб бажарган иши ёки кўрсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.4. «Бажарувчи» томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларида нуқсонлар (тайёрланган смета ҳужжатларидаги иш ҳажмларининг лойиҳага мос келмаслиги) аниқланса, «Бажарувчи» камчиликларни ўз ҳисобидан тўғриланишини таъминлайди ёки тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларида қўпол хатоликларга йўл қўйилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5.5. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс-мажор) ҳоллар юзага келса, томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.6. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, «Буюртмачи» бажарилган ишларга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли. «Бажарувчи»дан сифатга жавоб бермайдиган иш қийматининг 0,4 фоизи пеня жарима ундиришга ҳақли, бироқ бунда, пенянинг умумий суммаси шартнома хизматнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Жарима ҳисоби тўлов талабномаси банк муассасасига сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган бажарилган ишлар ҳақида далолатнома тузилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Жарима ҳисоби тўлов талабномаси белгиланган 10 кунлик муддатни бузган тарзда тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқот йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва хўжалик судларида ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ишларнинг умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)

7.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома (контракт) бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

7.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартноманинг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2012 йил.

8.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

8.4. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова).

- Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш сметаси (2-илова).

9. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«Буюртмачи»

«Самарқандавтойўл» ҲЙФТ

Самарқанд шаҳри А.Набиев,

3-уй Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ЎР ТИФ МБ

МФО 00014 ИНН 20 11 22 919

Ҳ/р 2020 8000 9003 0538 6001

ОКОНХ 97160

Д.Эрмаматов

М.Ў

«Бажарувчи»

«Қашқадарё комплекс лойиҳа

қидирув экспедицияси»

Қарши шаҳри Хонобод кўчаси

23-уй Қарши шаҳри

Ҳазначилигининг Амалиёт

бошқармаси МФО 00150, ИНН

Ҳ/р 23402 000 300 10000 1010

ОКОНХ 66000

Д.Алимов

М.Ў

16.09.2012 йилдаги №65/09 - сонли шартномага 1-илова

**Шартнома баҳоси келишув
БАЁННОМАСИ
Қарши шаҳри 16.09.2012 йил.**

2012 йил 16 сентябрдаги №65/09 - сонли шартнома баҳоси бўйича:

Биз қуйида имзо чекувчилар «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ тасарруфидаги 4Н513 «и» «А378 автомобиль йўлидан Чўнқаймиш қишлоғи»га автомобиль йўлининг 6 километрида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида 2012 йил 16 сентябрдаги № 65/09-сонли шартнома баҳоси 14 490 000 (ўн тўрт миллион тўрт юз тўқсон минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очиқ ҳисобланиб қўшимча ишлар пайдо бўлганда қўшимча шартнома тузилади.

Буюртмачи номидан:

«Самарқандавтойўл» ҲЙФТ
директори Д.Эрмаматов
М.У.

Бажарувчи номидан:

«Қарши КЛҚЭ» ЖК
директори Д.Алимов
М.У.

**16.09.2012 йилдаги 65/09-сонли шартномага 2-илова
Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш
СМЕТАСИ**

Объект номи: 4Н513«и» “А-378 автомобиль йўлидан Чўнқаймиш қишлоғига” автомобиль йўлининг 6 километрида табиий офат оқибатларини бартараф этиш.

Буюртмачи ташкилотнинг номи: «Самарқандавтойўл» ҲЙФТ.

Лойиҳа ташкилотнинг номи: «Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси»

Т/н	Ишларнинг номи	Лойиҳалаш ва қидирув учун нархлар тўпламининг қисмлари, боблар, жадваллар ва бандлари	Баҳосини ҳисоблаш	Баҳоси (минг сўм)
1	2	3	4	5
1	4Н513«и» «А-378 автомобиль йўлидан Чўнқаймиш қишлоғига» автомобиль йўлининг 6 километрида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. Объект баҳоси: 517500,0 минг сўм.	«Давархитектқурилиш» кўмитасининг 2003 йил 15 декабрдаги 9-сонли қарори билан «Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун ЛТИ нархини Аниқлаш тартиби ҳақидаги НИЗОМ» Келишилган К1=2,8%	517500,0* 0,028	14490,0
	Шундан:			
	Экспертиза харажатларига:		14490,0* 0,015	217,3
	Муаллифлик назоратига:		14490,0* 0,01	144,9
	Жами:			14490,0

Смета бўйича жами: 14 490 000 (ўн тўрт миллион тўрт юз тўқсон минг)

сўмни ташкил этади.

Тузди: Ғ.Ражабов

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳузуридаги Республика Йўл Жамғармаси ижро этувчи дирекцияси директори Ж.М.Шукуровга 2012 йилнинг 5 ноябрида йўллаган №295-сонли хати

Ҳурматли Жамол Мухторович!

Сиздан Самарқанд вилоятида 2012 йилда умумфойдаланувчи автомобиль йўллари табиий офат натижасида зарар кўрган 4Н-513«и» «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкни, табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича Қашқадарё КЛҚЭ томонидан тайёрланган ишчи лойиҳасини соҳавий экспертизадан ўтказишга рухсат беришингизни сўрайман.

Директор Д.Эрмаматов

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Самарқанд вилоят ҳокимлигига, нусхаси Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқароси Э.Раҳимовга 2012 йилнинг 7 ноябрида йўллаган №489-сонли хати

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2012 йил 5-ноябрдаги 10-2/2306-сонли хатига:

Нуробод тумани ҳокимининг Самарқанд вилоят ҳокими номига ёзган 2012 йил 22-октябрдаги №01-2/5-305-сонли хати атрофлича ўрганилиб чиқилиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳақиқатан ҳам ,4Н513«и» «Чўнқаймишга кириш» йўлига Нуробод ТИХПТФК томонидан хизмат кўрсатилади. Жорий йилнинг февраль-май ойларида кучли сел келиши, жала ёмғири ёғиши натижасида 6 км.даги кўприкка жиддий зарар етказилди. Ушбу кўприкни тиклаш бўйича бугунги кунда Қашқадарё КЛҚЭ томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда ва Республика йўл жамғармасига соҳавий экспертизадан ўтказишга тақдим этиш арафасида. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ тайёр бўлгач, Самарқанд ЙККТ МЧЖ томонидан таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Директор Д.Эрмаматов

Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре

и строительству Кашкадарьинское территориальное управление
государственной экспертизы
«QASHDAVEKSPERTIZA»

«Утверждаю» Начальник управления М.Р.Хайитов
19 декабря 2012 года.

Сводное экспертное заключение №1347/3 По рабочему проекту
«Устранение последствий стихийного бедствия на
6 км а/д 4Н513«и» «Подъезд в к.Чункаймиш» примыкающей на 56
км а/д А-378 «Самарканд-Карши»
Самаркандской области»

Заказчик - Отдел коммунальной службы Нурабадского районного хокимията Самаркандской области. **Источник финансирования** – Госбюджет.

Генпроектировщик - КП «Қашқадарё комплекс лойиҳа қидирув экспедицияси».

Лицензия №000653 продлен до 07.09.2016 г.

Вид строительства - Новое.

1. Основание для проектирования

1.1. Письмо-заказ за №323 от 21.08.2012 г.

1.2. Письмо-заказ Дорфонда при Минфине Республики Узбекистан за № ЖШ/28-06-2358 от 25.07.2012 г. и письмо «Самаркандавтоул» за №263 от 07.09.2012 г.

1.3. Решение Президента Республики Узбекистан ПК-585 от 19.02.2007 г. «О ликвидации последствий стихийных бедствий на территории РУз.»

1.4. Дефектный акт, утвержденный первым заместителем хакима Нурабадского тумана Самаркандской области Н.Ниёзовым и подписанный членами комиссии.

1.5. Инженерно-геологические изыскания и геодезическая съемка выполненное ООО «Самаркандйуллойиха» и Самаркандским ф-лом ГУП «УзГАШКЛИТИ».

2. Материалы, представленные на экспертизу

2.1. Проектная документация на стадии разработки «РП» в составе:

- Пояснительная записка - Книга 1.

- Чертежи - Книга 2.

- Сметная документация в текущих ценах - Книга 3.

- Дефектный акт, утвержденный первым заместителем хакима Нурабадского тумана Самаркандской области Н.Нийзовым и подписанный членами комиссии.

- Техническое заключение об инженерно-геологических условиях по объекту - Книга.

3. Краткое содержание проектных решений

Проект разработан для следующих условий строительства.

Климатический район строительства – IV с расчетными температурами наружного воздуха + 36 гр.С, - 17 гр.С.

Нормативный вес снегового покрова - 50 кгс/м².

Нормативный скоростной напор ветра - 38 кгс/м².

Сейсмичность р-на – 7 баллов.

Основанием под фундаменты проектируемых сооружений будут служить грунты ИГЭ №1, ИГЭ №2, ИГЭ № 3.

Грунты ИГЭ №1 – просадочные. первого типа грунтовых условий по просадочности.

Грунты ИГЭ №2 и ИГЭ № 3 – непросадочные.

Физико-механические параметры: = 2,05 тн/м³, = 39 гр., С = 50 МПА.

Грунты на исследуемом участке – непросадочные.

Грунты не засолены, слабо агрессивны к бетонам марки <<W4>> на портландцементе по ГОСТ 10178-85. Коррозийная активность к стали – низкая.

- Категория грунтов по сейсмическим свойствам – третья.

- Сейсмичность площадки – 8 баллов.

Место строительства – Самаркандская область, район Нурабад.

3.1. Основные проектные решения

Проектно-сметная документация разработана во исполнение Решения Президента Республики Узбекистан ПК-585 от 19.02.2007 г. «О ликвидации последствий стихийных бедствий на территории РУз.», задания на проектирования и письма-заказа Дорфонда и «Самаркандавтойул». В административном отношении проектируемый мост расположен на территории Нурабадского района Самаркандской области.

Конструкция моста.

В настоящее время на отрезки дороги построен мост с общей шириной 8 м, длиной 15,5 м находится в аварийном состоянии. В архивах не сохранен документ кем и в каком году был построен мост. Мост разрушен из-за сильного дождя и потока селевых, имеются трещины. В настоящее время движения по мосту приостановлена, составлен акт о годных и негодных конструкциях моста.

Схема проектируемого моста 6+12+6 м. Габариты Г - 8+2x0,75 м. Общая длина моста – 24,6 м. Мост запроектирован из сб. ж/бетона, состоит из предварительно напряженных плит. Уклон проезжей части 2%. С двух сторон проектом предусмотрена пешеходная дорожка из плит марки ПТМ 3.68.

Проектом выполнено сопряжение моста с берегом, монтаж ограждающих брусьев из БДО 3.100, берегоукрепительные работы, временная объездная дорога.

Покрытие моста принято по типовому проекту инв. №1318/2:

- выравнивающий слой из бетона монолитного;
- защитный слой из 2 слоя «Линоккром»;
- защитный слой толщиной 4 см из монолитного ж/б;
- мелкозернистый асфальтобетон толщиной 7 см.

Проектом также предусмотрено – устройство деформационного шва.

Перечные профили приняты на основании ШНК 2.05.02-07 «Автомобильные дороги» и соответствует IV категории со следующими параметрами:

- длина моста – 24,6 м;
- схема моста – 6+12+6 м;
- габарит моста – 8 м;
- ширина проезжей части – 6 м;
- ширина тротуарной части – 2х0,75 м.

3.2. Охрана окружающей среды

Мероприятия выполняемые при строительстве моста рекомендуется выполнить полив основания водой. Использованные горюче-смазочные материалы необходимо вывести за территории в специально отведенные места. По окончании строительства территория должна быть очищена от строительного мусора и сдано согласно акта эксплуатирующей организации.

Основные технико-экономические показатели

Сметная стоимость объекта в текущих ценах с НДС без затрат заказчика – 665 453, 300 тыс. сум.

Затраты труда: рабочих-строителей – 5 541,979 чел. час.

4. Согласование проекта

4.1. Проект согласовать с заинтересованными организациями.

5. Результаты экспертизы (Замечания и предложения)

5.1. По технической части рабочего проекта:

- Существенных замечаний нет, проект выполнен в соответствии ШНК 2.05.02-07 «Автомобильные дороги», КМК 2.05.03-97 «Мосты и трубы», КМК 2.02.03-98 «Свайные фундаменты» и действующими нормативными документами.

5.2. По сметной части

Экспертизой сверены объемы работ с представленными рабочими чертежами. Проверены нормы расходов: затрат труда, эксплуатации машин и механизмов, основных строительных материалов согласно нормативам ШНК 4.02.00-04.

Рассмотрен расчет определения стоимости объекта в текущих ценах, выполненный на основании «Методических рекомендаций» и ШНК 4.01.16-09.

Среднечасовая заработная плата рабочих-строителей принята 30,39% от прямых затрат.

Выборочно проверены цены на строительные материалы и конструкции по №Каталогу текущих цен 2012 г. на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан», как средневзвешенные по региону.

Предъявленная сметная стоимость в текущих ценах с учетом НДС без затрат заказчика в сумме 665 453, 300 тыс. сум, рекомендуется к утверждению.

6. Выводы

6.1. Рабочий проект: «Устранение последствий стихийного бедствия на 6 км а/д 4Н513«и» «Подъезд в к.Чункаймиш» примыкающей на 56 км а/д А378 «Самарканд-Карши» Самаркандской области», с учетом результатов экспертизы рекомендуется к проведению тендерных торгов со следующими основными технико-экономическими показателями:

Сметная стоимость объекта в текущих ценах с НДС

без затрат заказчика – 665 453, 300 тыс. сум.

Затраты труда: рабочих-строителей – 5 541,979 чел. час.

Продолжительность работ – 5 мес.

6.2. В соответствии с «Временными положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах», утвержденных Постановлением Кабинета Министров РУз. за №261 от 11.06.2003 г. и Постановлением Кабинета Министров РУз. за №302 от 03.07.2003 г. рекомендуемая стартовая стоимость строительства является ориентиром при проведении конкурсных торгов и не может служить основанием для заключения договора подряда.

Главный специалист: С.М.Хикматов.

С участием ведущих специалистов: С.Шодмонов, И.В.Пахомкина

Ведомость источников получения и способов транспортировки материалов изделий и полуфабрикатов завозимых на трассу (непосредственно от источников получения)

Наименование объекта: Рабочий проект на строительство моста через Амандарасой в Подъезде к к-ку Гирдикурган примыкающей к а/д 4Н513«и» Нурабадского района Самаркандской области.

Наименование Компании, которому подчинена строительная организация:

№ п/п	Наименование и целевые назначения материалов	Наименование Поставщика и пункта отправления (погрузки)	Автомобильные перевозки	
			Пункт до которого определено расстояние	Расстояние (км)
1	2	5	4	5
1.	Смеси асфальтобетонные (горячие и холодные)	Сам СРЭПСАМГЗ	объект	78
2.	Шебень рядовой и фракционный	Сам СРЭПСАМГЗ	объект	78
3.	Смесь гравийно-оптимальная и гравийно-песчаная смесь	Карьер Корадарё	объект	73
4.	Битум	База Самарканд МСУ	объект	83
5.	Песок для подстилающего слоя и бетонных работ	Карьер Илансай	объект	23
6.	Сборные ж/б конструкции для круглых и прямоугольных труб, бортовые камни и сборные ж/б лотки	МЖБК Куйлюк-ст.Жомбай	объект	78
7.	Привозные фондируемые материалы			
	А) Лес	База Самарканд МСУ	объект	83
	Б) Цемент	База Самарканд МСУ	объект	83
	В) Металл	База Самарканд МСУ	объект	83

Проектная организация Кашкадарьинская КЛКЭ

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш масъулияти чекланган жамиятининг 2013 йил 11 январдаги «Самарқанд автойўл» ҲЙФТ директори Д.Эрмаматовга ёзган №1/01-13 рақамли кафолат хати

«Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш» МЧЖ 2012 йил табиий офат оқибатларидан зарар кўрган 4Н-513"и" "А-378 автомобиль йўли"нинг 56 км.даги «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги

кўприкни белгиланган режада тугатиб беришни кафолатлаймиз.

Директор Р.Ҳайитов

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг Нуробод тумани ҳокими Ж.Ибрагимовга 2013 йилнинг 12 январида йўллаган №12-сонли хати

Нуробод тумани ҳокими Ж.Ибрагимовга

Сизнинг 2012 йил 10 сентябрдаги №376-қ сонли туман ҳудудида табиий офатданталафоткўрган кўприкни таъмирлаш учун пудратчи белгилаш тўғрисида қарорингизнинг биринчи банди бўйича 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 кмдаги кўприкни таъмирлаш учун пудратчи этиб Нуробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси белгиланган, аммо Нуробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонасининг кўприк қуришга лицензияси йўқлиги сабабли пудратчи этиб, лицензияга эга «Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш» маъсулияти чекланган жамиятига қарор чиқариб беришингизни сўрайди. **Директор Д.Эрмаматов**

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг 2013 йил 14 январдаги №11-Қ-сонли қарори

Туман ҳудудида табиий офатдан талафот кўрган кўприкни таъмирлаш учун пудратчи белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг 2013 йил 12 январдаги №12-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сонли «Сел, сув тошқини, қор кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги маҳаллий аҳамиятидаги 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкни таъмирлаш учун пудратчи этиб «Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш-таъмирлаш» маъсулияти чекланган жамияти белгилансин.
2. «Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш» маъсулияти чекланган жамияти туман ҳудудидаги табиий офатдан талафот кўрган 4Н513"и" «Чўнқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкни таъмирлаш ишларини сифатли ва талаблар даражасида бажарилишини

таъминласин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2012 йил 10 сентябрдаги №376-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи З.Ниёзов

«КЕЛИШИЛГАН»
Молия вазирлиги
ҳузуридаги Республика
йўл жамғармасининг ижро
этувчи дирекцияси
Директори Ж.М.Шуқуров
«_»_____2013 йил

«КЕЛИШИЛГАН»
Самарқанд вилоят ҳокими
–Тошқин сувлари ва сел
оқимларини
талафотсиз ўтказиш, қор
қўчқиларини ва қўчки
ходисаларининг хавфини
камайтириш бўйича
ҳукумат комиссияси
вилоят штабнинг
бошлиғи З.Мирзаев
«_»_____2013 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзавтойўл» ДАК
бошқарув
ранси_____М.
Абдуллаев
«_»_____2013 йил

**«Самарқандавтойўл» ҲЙФТ буюртмачи бўлган умумфойдаланувдаги
маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида табиий офат
оқибатларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш ишлари учун
Республика йўл жамғармасининг захира маблағлари ҳисобидан 2013
йил учун
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	Объектнинг номи	Табиий офат оғибатларини бартараф этиш ишларининг бошланиш ва тугатиш йиллари	Объект ЛСХ баҳоси	Объектнинг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари	2013 йил лимити			Объектни тугатиш муддати	Ассет фондларнинг ишга туширилиши	Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси Қашқадарё вилояти давлат экспертиза ҳудудий бошқармаси ҳулосаси (санаси ва №)	Соҳавий экспертиза ҳулосаси (санаси ва №)	Пудратчи, қурилиш ташкилоти	
					Шу жумладан		Буюртмачи харажатлари						
					Жами	ҚМИ							Жами
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	4Н513» «А-378 ф/йўлининг 56 км.дан Чунқаймиш қишлоғига кириш» автомобиль йўлининг 6 км.даги кўприкни таъмирлаш	2013-йил 2013-йил	682089,633	682089,633 16636,333	682089,633	665453,300	16636,333	-	июнь 2013 йил	682089,633	№1347/3 19.12. 2012 йил	68 30.11. 2012 йил	Самарқанд йўл ва кўприкларни қуриш таъмирлаш МЧЖ
	Жами:		682089,633	682089,633 16636,333	682089,633	665453,300	16636,333	-		682089,633			

Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасининг директор ўринбосари _____ А.Хакбердиев «_____» _____ 2013 йил	«Ўзавтоёул» ДАК автомобиль йўлларида фойдаланиш бошқармаси бошлиги _____ Ф.А.Раджабов «_____» _____ 2013 йил	Самарқанд вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги _____ Х.Давронов «_____» _____ 2013 йил	«Самарқандавтоёул» ХЙФТ директори _____ Д.Эрмаматов «_____» _____ 2013 йил
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------

«Тасдиқлайман» Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари
О.Н.Очилов
2014 йил

Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни ишлатишга қабул қилиш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Нуробод тумани №12-МР-2014, 01.08. 2014 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПП-1926-сонли қарорига асосан қурилиши тугалланган иншоотларни қабул қилиш давлат комиссиясига, ШНК 3.01.04-04 да кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда

Аниқлади:

1. Бош пудратчи «Кент» МЧЖ томонидан Нуробод туманидаги 4Н513“и” автомобиль йўлидан “Омондара қишлоғига шохобча” йўлидаги Омондара сойи кўприк қуриш фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилинди.

2. Қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари бош пудратчи «Кент» МЧЖ томонидан бажарилди.

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари «Қашқадарё КЛҚЭ» ХК лойиҳалаш институти томонидан бажарилган.

4. Қурилиш ишлари лойиҳага мувофиқ бажарилган.

5. Лойиҳа ҳужжатларига Қашқадарё вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан 2013 йил 11 декабрда №1658/1-сонли экспертиза хулосаси олинган.

6. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг бошланиши 2013 йил август, тугаши 2014 йил июль.

7. Ишчи ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар: ишчи лойиҳа, ёпиқ ишлар далолатномаси, қурилиш ишларида ишлатилган материаллар паспорти ва сертификатлари ҳамда ШМК 3.01.04-04 талаблари асосида тўлиқ тақдим этилди.

Кўрсатилган ҳужжатлар далолатномага мажбурий илова ҳисобланади.

8. Бино, иншоот бўйича технологик ва меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: қозиклар қоқилиб 30,6 метрга 12м-9м-9м плита қопламалари гравийли қатлам билан дамба кўтариш ва тоғ мармар тош билан мустаҳкамлаш.

9. Ускуна ишчи ҳайъатлари томонидан унинг якка ва комплекс синовларидан кейин қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларига мувофиқ (далолатномалар рўйхати мазкур далолатноманинг иловасида келтирилган) ўрнатилган.

10. Лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тўғрисидаги маълумотномаси тақдим қилинган.

11. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг №1- иловасида кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

12. Тасдиқланган лойиҳа-ҳужжатлар бўйича нархи ...млн. сўм, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари ...минг сўм, ускуналар, асбоблар ва жиҳозлар...минг сўм.

Давлат ҳайъатининг қарори

Нуробод туманидаги 4Н513“и” автомобиль йўлидан “Омондара қишлоғига шохобча” йўлидаги Омондара сойи кўприк қуриш фойдаланишга қабул қилиш учун тавсия қилинди.

Қарорни тасдиқлаган ҳайъат аъзолари: С.Зиядуллаев – Давлат қабул комиссияси раиси ўринбосари, вилоят архитектура қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи; А.Сафаев – Вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси директори; Х.Давронов – Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник; С.Валиев – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи; М.Ҳамдамов – Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари; Х.Боймуродов – Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачлари; З.Жамолов – Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи; З.Ниёзов – Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари; Д.Алимов – «Қашқадарё КЛҚЭ» ХК лойиҳа институти директори; Р.Зоҳидов – Бош пудратчи: «Кент» МЧЖ директори.

ЖОМ ҚИШЛОҒИДАГИ АРТЕЗИАН ҚУДУҚЛАР

Жомда сув муаммоси қадимдан мавжуд. 2001 йилда Жом маҳалласи ҳудудида кескин сув танқислиги юзага келди. Пастдарғом туманининг Чандир қишлоғида туғилиб-ўсган, анча муддат хўжалик раҳбари сифатида фаолият юритган Отамурод Эшмуродов саъй-ҳаракати билан 1967 йилда Кучмин бошчилигидаги механизациялашган кўчма колонна томонидан қувурларга олинган, Нуробод тумани сув оқава ташкилоти ҳисобида турувчи, Омондара булоғи суви узунлиги 15 км масофага чўзилган Жом маҳалласи ҳудудига етиб бормай қўйди. Натижада аҳоли вужудга келган муаммо юзасидан туман “Сувоқава” ташкилоти ва маҳалла идорасига эмас, балки «Қишлоқ фуқаролар йиғини» раиси Э.Раҳимовга мурожаат этиша бошлади. Э.Раҳимов 2001 йилнинг май ойида Самарқанд вилоят ҳокимлигига ушбу масалани кўтариб чиқди, сув муаммосини ҳал этиш вилоят коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига юкланди.

2001 йилнинг 9 июнида вилоят коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси №01-212-сонли хати билан Жом қишлоғида бир дона артезиан қудуғи қазилишини, 2001 йилнинг 5 июлида №1/155-сонли хати билан бу ишни «Оби-ҳаёт» ОАЖ ташкилоти бажаришини маълум қилди ва бу тўғридаги ўзининг №94-буйруғини 2001 йилнинг 9 июлида чиқарди.

2001 йилнинг 1 августидаги Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Ибрагимов раислигида ўтказилган махсус йиғилиш қарори билан артезиан қудуқни ишга тушириш вилоят “Сувоқава” бирлашмасига топширилди. Бироқ ишлар суст кетиб бу масала қайта кўтарилгач, 2002 йилнинг ноябрь ойида вилоят ҳокимлиги ўзининг назоратига олди ва декабрь ойида артезиан қудуқ ишга тушди. Бу артезиан қудуқ суви Жом маҳалла фуқаролар йиғини биносидан 200 метр ўтмасдан тўхтаб қолди. Э.Раҳимов 2002 йилнинг 8 мартида вилоят ҳокимлигининг Нуробод тумани марказида бўлиб ўтган йиғилишида қўшимча иккинчи артезиан қудуқни қазиш таклифи билан чиқди. Мазкур таклиф вилоят ҳокимлигининг 2002 йил 8 мартдаги №03-34-348-сонли йиғилиш қарори билан Нуробод гедрогеология 3-қидирув партияси зиммасига юкланди. Вилоят ҳокимлиги коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси 2003 йилнинг 7 январида №01-04-сонли хати орқали Жом қишлоқ фуқаролар йиғинига иккинчи артезиан қудуқнинг декабрь ойида ишга тушганлигини, бироқ трансформатор йўқлиги туфайли тугалланмаган объект сифатида 2003 йил дастурига киритилишини маълум қилди.

Мавжуд иккита артезиан қудуқларни электр тармоғига улаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва ишга тушириш 2004 йилнинг май ойигача бажарилишини Самарқанд «Оби-ҳаёт» ЛТД дирекцияси ўзининг 2004 йил 19 апрелдаги №1/56-сонли хати орқали маълум қилди.

186 метр чуқурликка эга бўлган биринчи артезиан қудуқ Эргаш Сафаров раҳбарлигида Самарқанд «Оби-ҳаёт» ЛТД, 205 метр чуқурликка эга бўлган иккинчи артезиан қудуқ эса Йўлдош Сайфиев раҳбарлигида Нуробод ГРЭ №3-ташкilotлари томонидан қазилиб ишга туширилди.

Мазкур объектларни қаздириш ва ишга туширишда Жом маҳалласи фуқароларидан Суюн бобо Жўраев, Қирғиз бобо Қиличев, Хайдар бобо Ўсаров, Раҳматилло ҳожи Юсупов, Холбой Маҳатов, маҳалла раиси Қўчқор Тоиров, котиби Даврон Алимовларнинг хизматлари катта бўлди.

Қишлоқнинг қуйи Гирдиқўрғон МФЙ ва Жом МФЙлари ҳудудларида 2015 йилларга келиб сув танқислиги янада кучайиб кетди. Шу муносабат билан артезиан қудуқлар қазिशга киришилди. Жом МФЙ раиси Гулмурод Бойчаевнинг 2018 йил 20 июлда берган маълумотига кўра 2016-2017 йилларда Жом МФЙ ҳудудида 4-5 тадан хонадонлар бирлашиб, икки йил ичида 11 та, 2018 йил “Обод қишлоқ” дастури муносабати билан давлат ҳисобидан 4 та, Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудида эса 2 та артезиан қудуқлар қазилиб ишга туширилган. Шу кунларда Омондара булоғи билан биргаликда яна 19 дон артезиан қудуқлар қишлоқнинг қуйи қисмида истиқомат қилаётган аҳолини маълум даражада сув билан таъминламоқда.

НУРОБОД ТУМАНИ АРХИВИ

2015 йил 2 август куни соат 10.00 лар атрофида туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Низом Тўрақулов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб туманда 3 йилдан буён Давлат архивини ташкил қилиш учун ҳаракат қилинаётганлигини, лекин натижа бўлмаётганлигини, туман ҳокимлиги унинг ёрдами кераклигини айтиб, шу масалада суҳбатлашишга таклиф этди. Э.Раҳимов 2015 йил 3 август куни туманга бориб, Н.Туракулов, туман ҳоким ўринбосарлари Тўлқин Хушмурадов, Урол Санаевлар билан учрашиб суҳбатлашди. Умумий бўлим мудираси Наргул Тангилова Э.Раҳимовга Нуробод тумани архив материалларининг Оқтош, Каттақўрғон, Жума ва Самарқанд шаҳарлари архивларида сақланаётганлигини, аҳолининг уларга қатнаб қийналишаётганлигини маълум қилиб, йўл-йўриқни биладиган инсон сифатида шу масалани ҳал этишда ёрдам беришини илтимос қилди.

Э.Раҳимов шу куни вилоят Давлат архив ишлари бошқармасига бориб, бошлиқ Абдиали Маматов меҳнат таътилида бўлганлиги учун унинг ўринбосари Муҳиддин Дўстмурадов билан суҳбатлашди. М.Дўстмурадов 2012 йилдан буён Нуробод тумани архивини ташкил этишга ҳаракат бошланганлигини, лекин натижа йўқлигини айтди.

Э.Раҳимов ишни 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Архив иши тўғрисида"ги қонунни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 5 апрелда қабул қилинган №101-сонли қарорини атрофлича ўрганишдан бошлади. Э.Раҳимов 2015 йил 7 август куни Нуробод тумани ҳокимининг давлат архивини очиш тўғрисидаги №01-2/5-471-сонли хатини олиб бошқарма бошлиғи ўринбосари М.Дўстмурадов билан учрашиб, тегишли ҳужжатларни тахтлашни бошлади. Э.Раҳимов 2015 йил 10 август куни Нуробод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Эргашев билан учрашиб, давлат архивини ташкил қилиш учун аввало яроқли бино ва стеллажлар кераклигини айтди. Б.Эргашев давлат архиви учун ижтимоий таъминот биносидан фойдаланиш мумкинлигини ва стеллажларни топишини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2015 йил 11 август куни Самарқанд вилоят ҳокимлигига Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш учун 2014 йил 22 ноябрда тумандаги Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини биносида ўтказилган вилоят ҳокимининг сайёр қабули йиғилишининг 2014 йил 27 ноябрдаги №11/2-1185-сонли йиғилиш баёнини ва Нуробод тумани ҳокимининг вилоят ҳокими номига 2015 йил 10 августда ёзилган №01-2/5-477-сонли хатини топширди. Вилоят давлат архиви ишлари бошқармасидан архивларни ташкил қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қароридан нусха олди ва бошқарма бошлиғи Абдиали Маматов, ўринбосари Муҳиддин Дўстмурадовлар билан бафуржа суҳбатлашди. Улар бу соҳадаги уринишларнинг 2012 йилдан буён натижа бермаётганлигини айтишиб, Э.Раҳимовдан бу ишни охирига етказишда ёрдам кўрсатишини

илтимос қилишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 13 август куни давлат бюджети ҳисобидан архивни туманда очиш мақсадида Республика Молия вазири, архивлар ишини такомиллаштириш бўйича куратор Азимов Рустам Содиқович номига ёзилган мурожаатни топшириш учун Тошкентга борди. Вазирликда архивлар ишини ташкил қилиш ва маблағлар масалалари бўйича бошқарма бошлиғи Абдуҳошим Шодиев билан учрашди. У киши давлат архивини бюджет ҳисобидан очишда озми кўп муаммолар бўлишини айтиб, иложи бўлмаса хўжалик ҳисобидан очишни маслаҳат берди. Э.Раҳимов вазир номига ёзилган мурожаатни девонхонада 13 август куни соат 17.30 ларда рўйхатдан ўтказди.

Э.Раҳимов 2015 йил 14 август куни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат Архивига бориб архив ҳужжатларини сақлаш бўлими бошлиғи Фоменко Татьяна Давлетовна, "Ўзархив" агентлиги ташкилий бўлими мудирлари Мелиев Абуали, бош директор ўринбосари Кўчарова Дилдора Лутфуллаевна билан учрашиб улардан архивни тузиш учун қандай ҳужжатлар кераклигини инструкция бўйича аниқлаб, намуналар олиб қайтди.

2015 йил 15 август куни туман ҳокимлигидан давлат архиви учун бино ва керакли инвентарлар билан таъминлаш ҳақидаги №01-2/5-491-сонли хатини, 2015 йил 17 август куни Нуробод туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг "Ўзархив" агентлиги Бош директори Абдуллаев А.Х. номига ёзилган №ХЖ-01-643-сонли хатини ва туман статистика бўлимининг Нуробод туманида 2015 йил 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотни олди.

Э.Раҳимов тўпланган ҳамма ҳужжатларни топшириш учун 2015 йил 19 август куни Тошкентга "Ўзархив" агентлигига келиб, ташкилий бўлим мудирлари Мелиев Абуали билан учрашди. У ҳамма ҳужжатларни кўриб, бош директор ўринбосари Кўчарова Дилдора Лутфуллаевна ҳузурига олиб кирди. Д.Л.Кўчарова ҳамма ҳужжатларни кўриб уларнинг мақсадга мувофиқлигини, Молия вазирлиги билан вилоят ҳокимлиги келишиб қарор қабул қилинса, агентлик қарши эмаслигини билдирди. Бу фикрни "Ўзархив" Бош директори А.Х.Абдуллаев ҳам маъқуллаб, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг қарорини тезлаштиришни айтди. Э.Раҳимов "Ўзархив" бош директори қабулидан чиқиб, вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи Абдуали Маматовга телефонда аҳволни баён қилди ва вилоят ҳокимлигининг қарорини тезлаштиришни сўради. 2015 йил 19 август куни вилоят ҳокимлигига кириб, Нуробод туман ҳокимлигининг туманда давлат архивини ташкил қилиш ҳақида вилоят ҳокимлигига юборилган 2015 йил 10 августдаги №01-2/5-477-сонли хат кимга юборилганлигини девонхона бўлимида Баҳодир Тиллаевдан сўради. У киши Дилшод Бердиқуловга чиқишини айтди. Хатнинг натижасини сўраган Э.Раҳимовга Д.Бердиқулов вилоят ҳокимлигига архив ишлари бошқармаси ҳеч қандай хат билан архив очиш тўғрисида чиқиш қилмаганлигини айтди. Э.Раҳимов вилоят ҳокимлигидан чиқиб мавжуд аҳволни вилоят архив ишлари бошқармасидан қўнғироқ қилиб сўраганида, Абдуалим Маматов ҳужжатларни йиғиб вилоят ҳокимлигига тезда чиқишини ва ҳужжатлардан нусхалар беришини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2015 йил 24 август куни барча ҳужжатларни вилоят архив ишлари бошқармасига топширди ва шу асосда 2015 йил 28 августда уларнинг №01-01/417-сонли хатини олди.

2015 йил 2 сентябрь куни вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бўлиmidан архив тўғрисидаги қарорни олиш учун борганида соҳа мутахассиси Дилшод Бердиқулов яна вилоят архив бошқармасидан ҳужжатлар келмаганлигини айтди. Э.Раҳимовнинг қўнғироғига вилоят архив ишлари бошқармасининг бошлиғи А.Маматов шундай адашувчилик бўлганлигини билдириб, ўринбосари Муҳиддин Дўстмурадов билан вилоят ҳокимлигига биргаликда чиқишларини маслаҳат берди. Э.Раҳимов М.Дўстмурадов билан биргаликда вилоят ҳокимлиги ижтимоий соҳа ходими Дилшод Бердиқуловга барча ҳужжатларни топширишди. Д.Бердиқулов яқин 10 кун ичида қарор чиқишини билдирди.

2015 йил 16 сентябрь куни Республика Молия вазирлигининг 2015 йил 28 августдаги №ЖҚ/12-06-14/1309-сонли вазир ўринбосари Ж.Қўчқаровимзолаган хати олинди. Хатда 2015-2016 йил бюджет параметрларида вилоят Молия бошқармаси томонидан Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисида таклиф берилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги ПҚ-2091-сонли қарорига асосан давлат ва хўжалик органлари бошқарувида ходимларни чеклаш сони белгиланганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарорининг 10-бандига асосан, заруратга кўра давлат архиви тўғрисидаги Низомга асосан давлат архивларининг филиаллари ташкил қилиниши, шундан келиб чиқиб Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилишни асослаш кераклиги, шу сабабли бу масалада Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Ўзархив” агентлигига ва Самарқанд вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиш таклиф этилган эди. Э.Раҳимов 2015 йил 18 сентябрь куни Тошкентга “Ўзархив” агентлигига қўнғироқ қилиб, хатнинг мазмунини маълум қилди. А.Х.Абдуллаев тегишли ҳужжатларни Молия вазирлигига тақдим қилиш таклифини киритди. Э.Раҳимов вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи Абдуали Маматовга қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтирди ва учрашиб Молия вазирлигининг хати билан таништириб тегишли ҳужжатларни сўради.

Э.Раҳимов бошқармадан 2015 йил 2 сентябрдаги №01-01/425-сонли вилоят ҳокими ўринбосари Х.Худжаёров номига ёзилган хатни очиладиган архивда ишловчиларнинг тахминий харажат суммаси ҳужжатини ва вилоят архивларида бугунги кунда Нуробод туманига тегишли бўлган ҳужжатлар сони тўғрисидаги вилоят бошқармасига ёзилган 2015 йил 17 сентябрдаги №7-сонли Пастдарғом туман давлат архивининг маълумотини вилоят ҳокимлигига олиб борди. Соат 15.30 лар чамаси Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисида “Ўзархив” агентлигига ёзилган 2015 йил 4 сентябрдаги №04/1-726-сонли хатни ва тахминий қарор лойиҳасидан нусхани олди, сўнгра Тошкентга “Ўзархив” агентлигига қўнғироқ қилиб тайёрланган барча ҳужжатлар тўғрисида маълумот бериб, агентлик хулосасини сўради. Улар бош директор Сурхондарёда хизмат сафарида эканлиги сабабли хулоса тайёр эмаслигини, у киши ҳужжатни имзолаши билан хабар қилинишини айтишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 18 сентябрь куни Нуробод туман ташкилотларининг ҳозиргача архивга топширилмаган ҳужжатлари тўғрисида маълумот тўплашга киришди. 2015 йил 21 сентябрь куни “Ўзархив” агентлигининг 2015 йил 24 августдаги №01-24/728-сонли ва Республика Молия вазирлигининг 2015 йил 25 августдаги №ЖК/12-06-14/1309-сонли хатларига асосан 21та ташкилотда давлат архивига 3351 сақлов бирлигидаги ҳужжатларнинг топширилмасдан сақланаётгани тўғрисидаги ва бошқа 29 варақдан иборат керакли маълумотларни “Ўзархив” агентлигига ва Молия вазирлигига топширди.

“Ўзархив” агентлиги Бош директори А.Х.Абдуллаев барча ҳужжатлар билан танишиб, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг давлат архивини ташкил қилиш ҳақидаги қарор лойиҳасига розилик бериб имзолади.

Э.Раҳимов Молия вазирлигида архивларни молиялаштириш бошқармаси ходими Темур Султонов билан учрашди. У “барча ҳужжатларни кўриб чиқиб, масаланинг қўйилиши мақсадга мувофиқ, унинг харажат суммаларини бизлар ўрганиб чиқиб ўз хулосаларимизни Самарқанд вилоят ҳокимлигига берамиз” деб ҳужжатларни девонхонада рўйхатдан ўтказиб олиб қолади.

Э.Раҳимов 2015 йил 12 октябрь куни Самарқанд вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимида котибият мудирини Ж.Қ.Болиев ва ходим Б.Муродовлар билан учрашиб Тошкентга Молия вазирлигига архив очишга розилик хатини юбориб кераклигини айтди. Улар ҳамма ҳужжатларни кўриб чиқиб, вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳиддин Дўстмурадовни чақирди. Биргалашиб Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарорининг 14-бандига асосланган эксперт-текширув комиссиясининг хулосаси йўқлигини, жойига бориб ўрганиб шу хулосани тақдим қилиш топшириғини берди ва штат жадвалига аниқлик киритишни “Ўзархив” агентлигидан аниқлашни сўради.

Э.Раҳимов 2015 йил 13 октябрь куни Молия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига, Самарқанд вилоят ҳокимлигига ва Жом қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ў.Аҳмедов номига ёзилган 2015 йил 7 октябрдаги №ЖК/12-06-1525-сонли хатни олди. Унда 3та йўналиш бўйича аниқ таклиф киритиш кераклиги кўрсатилган эди.

Э.Раҳимов мазкур хатга асосан 2015 йил 17 октябрь куни Нуробод туман ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Қ.Эргашевдан Нуробод туманида давлат архивини очиш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрель “Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги №101-сонли қарорининг 3-бўлими 3§ 14-15-бандлари талабларини ҳокимият ваколоти доирасида таъминлашни ўз зиммасига олганлиги ҳақидаги №01-2/5-590-сонли хатни олиб вилоят ҳокимлигига ва вилоят архив ишлари бошқармасига топширди.

Э.Раҳимов Пастдарғом туман идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивидан Нуробод тумани 21та ташкилотининг 3139 сақлов бирлигидаги ҳужжатлари сақланаётгани тўғрисидаги маълумот олди. 2015 йил 1 ноябрга Нуробод туманининг жами 14861та сақлов бирлиги архив

ҳужжатлари мавжудлигини, улардан 3351 сақлов бирлиги ҳалиташкилотларнинг ўзида сақланаётганлигини аниқлади.

Э.Раҳимов 2015 йил 8 ноябрда СамДАҚИ қошидаги “Конструкцияни илмий тадқиқ қилиш” МЧЖ фирмаси раҳбари Валиаҳмад Файзуллаевич Усмонов билан учрашиб, Нуробод туманида архив учун таклиф қилинаётган бинони техник томондан асослаб беришини илтимос қилди. У киши 10 ноябрда автоулов билан келиб олиб кетишини сўради. Э.Раҳимов 2015 йил 10 ноябрда автоулов билан келиб институт ходимларини ва вилоят архив ишлари бошқармасидан Абдували Маманазаровни олиб келиб ҳозиргача туман нафақа фонди бўлими жойлашган Бухоро минтақавий темир йўллар бўлимига қарашли бўлган бинони кўрсатди. Улар бинони кўриб керакли маълумотларни олишди ва 2015 йил 16-17 ноябрларга тўлиқ техник тавсияни илмий асосда беришларини айтишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 11 ноябрда Нуробод касб-ҳунар коллежида 1979-2015 йиллардаги 183 сақлов бирлиги (2015 йил 21 сентябрь №27), Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидан 2007-2015 йиллардаги шахсий таркибга оид 55 та китоб (2015 йил 21.09 №790) мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни, 2015 йил 16 ноябрда вилоят архив ишлари бошқармасидан Нуробод туманида давлат архивини очиш учун штат масаласи бўйича имконият йўқлиги ҳақида “Ўзархив” агентлигига ёзилган 2015 йил 16 ноябрь №01-01/513-сонли хатини, 2015 йил 17 ноябрда ООО “СВП маскан” фирмасининг архив учун ажратилган бинонинг техник хулосасини олди.

Э.Раҳимов 2015 йил 18 ноябрда “Ўзархив” агентлигига бориб ташкилий гуруҳ раҳбари Абуали Мелиев билан Нуробод туманида архив ташкил қилиш бўйича мулоқот қилиб барча талаб қилинадиган ҳужжатларни бирма-бир кўрсатди. Абуали Мелиев 1,5 штат бирлиги (директор ва 0,25 штат бирлиги бухгалтер учун) ҳисобида Молия вазирлигига тақдимот киритишга розилик билдирди. Э.Раҳимов мурожаатни тасдиқлатиб Молия вазирлиги ходими Азиз Тулбоев билан Нуробод туманида архив ташкил қилиш масаласида мулоқот қилди. А.Тулбоев вазирликнинг бу масаладан хабардорлигини, олдинги мурожаатларга жавоб берилганини айтди. Э.Раҳимов унга архив тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарори ва Низоми талаби доирасидаги ҳамма ҳужжатларни кўрсатди ва вазир Р.С.Азимов қабулига киритишини сўради. А.Тулбоев Э.Раҳимовга вазир ҳар ойнинг 1-, 3-ҳафтаси шанба кунлари қабул қилишини, мурожаат билан яна бир бор ишлаб, унга жавоб ёзишини, агар жавобдан қониқмаса телеграмма беришини, тегишли ҳужжатлар билан вазир қабулига киришини тушунтирди.

Шундан кейин Э.Раҳимов Вазирлар Маҳкамасига бориб қабулхонада архив ишларига масъул бўлимнинг ходими Эргашев Нодир билан учрашди. У киши ҳамма ҳужжатларни бирма-бир кўриб чиқиб, Молия вазирлигига масалани ижобий ҳал қилиш учун маблағ ажратиш ҳақида топшириқ берилишини маълум қилди. Э.Раҳимов Вазирлар Маҳкамасидан чиқиб Республика Президенти Девони қабулхонасидаги масъул вакилларга архив ташкил этиш

бўйича тўпланган ҳужжатларни Қонун, Қарор, Низом талаблари доирасида тушунтиришга ҳаракат қилди. Улар Э.Раҳимовни диққат билан тинглашиб бўлишгач, ҳамма ҳужжатларни бирма-бир кўриб чиқишиб, масалани ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборишни айтишди. Э.Раҳимов уларга Вазирлар Маҳкамасига, Молия вазирлигига, "Ўзархив" агентлигига мурожаат қилган ҳужжатларини кўрсатди. "Бобо, бизларнинг назоратга тушган иш ҳал бўлади", деб илиқлик билан хайрлашишди улар.

2015 йил 2 декабрь вилоят архив ишлари бошқармасидан А.Маматов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб юқори ташкилотларга қилинган мурожаатнинг хулосаси келганлигини маълум қилиб, шу сабабли унинг бошқармага келишини айтди. Э.Раҳимов бошқармага бориб мурожаатига "Ўзархив" агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги факс орқали юборган №01-24/1045-сонли жавоб хатининг нухасини олди. Унда 2016 йил бошидан Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туманида филиалини ташкил қилиш ва уни сақлаш бўйича 2017 йил бюджет лойиҳасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда таклиф киритиш топшириғи берилганлиги ва назорат ўрнатилганлиги маълум қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2015 йил 20 ноябрдаги бош консультант Д.Асомов имзоси билан "Ўзархив" агентлигига ёзилган №05-2/Р-66501-сонли хатида Нурободда давлат архивини очиш бўйича 2015 йил 7 декабргача мурожаатнинг натижаси сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар тизими масалалари Ахборот таҳлил Департаментининг Ш.Содиқов имзоси билан "Ўзархив" агентлигига 2015 йил 20 октябрдаги №188-122-444-сонли хатида мурожаатга 2015 йил 7 декабргача ахборот берилиши сўралган.

"Ўзархив" агентлигининг 2015 йил 25 октябрдаги бош директор А.Х.Абдуллаев имзоси билан ёзилган №01-24/1044-сонли хатида вилоят архив ишлари бошқармасидан Нуробод туманида 2016 йил бошидан Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил қилиш, 2017 йилда давлат архивини ташкил қилиш, уни сақлаш бўйича 2017 йил бюджет лойиҳасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда таклиф киритиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан "Ўзархив" агентлигига маълумот берилиши сўралган.

2015 йил 14 декабрда олинган Республика Молия вазирлигининг 2015 йил 23 ноябрда ёзилган №ЖҚ/12-06-14/1788-сонли хатида, Молия вазирлигининг архив очишга доир 2015 йил 7 октябрдаги №ЖҚ/12-06-14/1525-сонли хати «Ўзархив агентлиги» ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилганлиги, уларнинг хулосасига асосан масаланинг кўриб чиқилиши маълум қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектр йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари режасига Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил қилиб, йилнинг биринчи чорагида уни ишга тушириш, бунинг учун Нуробод тумани ҳокимлиги бино ва жиҳозлар билан, вилоят архив ишлари бошқармаси эса штатлар

билан таъминлаши кўрсатилган. Бу чора-тадбирлар Самарқанд вилояти ҳокими томонидан 2015 йил 28 декабрда тасдиқланиб, №04/2-1864-сон билан расмийлаштирилган.

Э.Раҳимов 2016 йил 4 январда Самарқанд вилоят архиви ишлари бошқармасидан ишнинг қандай бораётганлигини сўраганда, улар вилоят ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилишди. Э.Раҳимов Самарқанд вилояти ҳокими томонидан 2015 йил 28 декабрда тасдиқланиб, №04/2-1864-сон билан расмийлаштирилган чора-тадбирлар режасидан нусха олиб, Нуробод туман ҳокимлигидан бино билан таъминланганлик тўғрисида хат беришларини сўради. Сабаби 2015 йил 11 ноябрда архив учун режалаштирилган бино «ООО СНП маскан» фирмаси томонидан экспертизадан ўтказилган эди. Туман ҳокимлигидан 2016 йил 4 январда архив учун ажратилган бино тўғрисидаги №01-2/5-4-сонли хатни олиб вилоят ҳокимлигига ва архив ишлари бошқармасига топширди.

2016 йил 15 январда Самарқанд вилоят архив бошқармасидан ишнинг боришини сўралганда, Э.Раҳимовга вилоят молия бошқармасига учрашни маслаҳат беришди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари И.А.Ахтамовга Нуробод туманида архив очиш тўғрисидаги вилоят ҳокимлигининг тадбир режаси, «Ўзархив» агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги №01-24/1045-сонли хати тақдим этилди. И.А.Ахтамов қаттиқ мунозаралардан сўнг архив ишларини назорат қилувчи ходим А.Ҳасанов билан гаплашгач, вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғидан телефон орқали масалага Республика Вазирлар Маҳкамасининг муносабатини сўради. Бу масаланинг ҳатто Президент девонида ҳам муҳокама этилганлигини билгач, мунозарани тўхтатди. А.Ҳасановга вилоят архивлар бошқармаси бошлиғи билан учрашиб туманлардан 0,25 бўлса ҳам штат бирлиги топишни, 2016 йилнинг 20 январида якуний хулоса берилишини айтди.

Шу кунни вилоят архив ишлари бошқармаси Э.Раҳимовдан архив учун туманда ажратилган архив биносининг эксперт хулосаси ҳужжатларини беришини сўраб олди. Э.Раҳимов улардан 1997 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги архив ишлари бош бошқармаси бошлиғи П.Н.Нигматова, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўринбосари Ш.Ю.Абдуллаев тасдиқлаган «Ўзархив»нинг типовой структураси ва штатлари тўғрисидаги ҳужжатдан нусха олди.

2016 йил 20 январда вилоят молия бошқармаси ходими А.Ҳасанов Э.Раҳимовга телефон орқали вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи А.Маматовга Молия вазирлигининг архив учун штат бирлигини ички имкониятдан фойдаланиб топишни тавсия этганлигини маълум қилди ва бундай имконият бўлмаса қайтадан Республика Молия вазирлигига мурожаат қилишни маслаҳат берди. А.Маматов Республика Молия вазирлигига «Ўзархив» агентлиги орқали чиқиш мумкинлигини, «Ўзархив» агентлигига эса Нуробод тумани архиви учун ички имкониятдан фойдаланиб штат топиш имконияти йўқлиги тўғрисида 2015 йил 16 ноябрда

ёзилган №01-01/513-сонли хатдан нусха берди.

Э.Раҳимов 2016 йил 25 январда Нуробод тумани ҳокимининг «Нуробод туманида Пастдарғом тумани давлат архивининг филиали очиш»ни ташкил қилиш ҳақидаги №32-К-сонли қарорини чиқартириб, 2016 йил 28 январда вилоят ҳокимлигига ва вилоят архивлар бошқармасига топширди. Шунингдек вилоят архивлар бошқармаси бошлиғи А.Маматовга Республика «Ўзархив» агентлиги директори ва Республика Молия вазирлигига тўртинчи марта ёзилган мурожаатномалардан бир нусхадан берди.

2016 йил 3 февралда Э.Раҳимов «Ўзархив» агентлиги директори ўринбосари Д.Кўчаровага мавжуд вазиятни баён қилиб, унга Самарқанд вилоят ҳокимининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли тадбирини, Нуробод туман ҳокимлигининг бино ажратилганлиги ҳақидаги 2016 йил 4 январдаги №01-02/5-1-сонли хатини, туман ҳокимлигининг Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил қилишга розилик бериш тўғрисидаги 2016 йил 25 январдаги №32-Қ-сонли қарорини ва Самарқанд вилоят архив ишлари бошқармасининг «Ўзархив» агентлигига 2015 йил 16 октябрдаги №01-01/513-сонли штат ажратишга имконияти йўқлиги тўғрисидаги хатини, шунингдек вилоят Молия бошқармасининг Республика Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги ПҚ-209-сонли қарори талабидан келиб чиқиб штат бирлиги ажратишга маблағ йўқлиги ҳақидаги ҳужжатларни кўрсатди. Д.Кўчарова ташкилий бўлим бошлиғи А.Менглиевни чақириб Самарқанд вилоят архив ишлари бошқармаси билан боғланишни, вазиятдан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилоят ҳокимининг тадбир режасига асосан вилоят Молия бошқармасига хат ёзиб, унинг жавобини тезлик билан «Ўзархив» агентлигига тақдим қилиш топшириғини берди.

Э.Раҳимов шу куни Молия вазирлигига бориб, ёзилган тўртта мурожаат бўйича шахсан Р.С.Азимов билан учраштиришларини талаб қилди. Э.Раҳимов билан суҳбатлашган вазирлик ходими Д.Самиев бу иш билан шуғулланувчи Т.Султоновни қабулхонага таклиф қилди. У Э.Раҳимовга Президентнинг №2091-К-сонли қарорини важ қилиб кўрсатди. Э.Раҳимов ундан шахсан Р.С.Азимов ёки Ж.Кўчқоров билан учраштиришини талаб қилди. Т.Султонов «Ўзархив» агентлигига қўнғироқ қилиб, “Сиз мурожаатингизда Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини эмас, балки давлат архиви очилишини сўрагансиз, у 2017 йил манзилли дастурига ҳам киритилмаган. Архив филиалини очиш бу бутунлай бошқа масала, у билан тегишли ташкилотлар иштирокида алоҳида шуғулланамиз” деб, Э.Раҳимов қўлидаги мурожаат нусхасига имзо қўйиб берди ва ушбу масала юзасидан Пастдарғом туман ҳокимлиги қарори асосида Самарқанд вилоят ҳокимлиги чиқарган қарорнинг кераклигини маълум қилди.

Самарқанд вилоят ҳокимининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли чора-тадбирлар режасининг 10-бандида Нуробод туманида Пастдарғом тумани давлат архивининг филиалини очиш бўйича штат масаласи белгиланган. Ушбу ҳужжат ва «Ўзархив» агентлигига қилинган мурожаатдан нусха олган Э.Раҳимов 2016 йил 7 февралда Самарқанд вилоят Молия бошқармаси ходими

А.Ҳасанов билан учрашиб Молия вазирлигига кирганлигини, мурожаатни топширганлигини айтиб, штат масаласида вилоят архивлар бошқармасининг ёзган хатига асосли жавоб беришини талаб қилди. А.Ҳасанов бу масалани Молия вазирлигининг рухсатисиз ҳал қилиб бўлмаслигини, шу бугун хат тайёрлаб уни вилоят архив ишлари бошқармасига беришини маълум қилди. Бу ҳақда хабар берган Э.Раҳимовга вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи А.Маматов хат келиши билан уни факс орқали «Ўзархив» агентлигига етказишини айтди.

Э.Раҳимов 2016 йил 9 мартда вилоят архив ишлари бошқармасига бориб архив филиалини очиш тўғрисида Молия вазирлигидан 2016 йил 9 февралда №ЖҚ-12-06-14/230-сонли хат олганлигини, унда эксперт ҳайъатининг ижобий хулосаси сўралгани, шунинг учун Нуробод туман иқтисодиёт бўлими, Молия бўлими ва бош архитектор томонидан тайёрланиб тасдиқланган хатларни топширди. Шупайт «Ўзархив» агентлигита шаклиий бўлим мудирини Абуали Мелиев кириб келиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг: Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини очиш 30 мартгача ҳал этилиши, бунинг учун вилоят архив иши бошқармаси иккита штат ажратиши кераклиги, вилоят ҳокимлигидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги топшириғи натижаси бўйича хат олиб «Ўзархив» агентлигига жўнатилиши, олдинги бошлиқ А.Маматов вазифасидан бўшатирилганлиги туфайли бугунги раҳбар Абдували Махманазаров бу ишни биринчи даражали вазифа сифатида қабул қилиб эксперт хулосасини тайёрлаши топшириғини берганлигини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 12 мартда Нуробод туман ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Қ.Эргашев қабулида бўлиб, Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ12-06-14/230-сонли хатига асосан архив филиалини очиш учун вилоят эксперт ҳайъатининг хулосаси, бинони жиҳозлаш ва таъмирлаш учун 20,0 млн. сўм ажратилиши кераклигини, агар туманнинг бунга имконияти бўлмаса, вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетидан маблағ ажратишини сўраб вилоят ҳокимига хат қилишни ва 1 (бир) бирлик қоровуллик штати ажратишга амалий ёрдам берилишини сўради. Б.Қ.Эргашев вилоят ҳокимига хат қила олмаслигини, қоровуллик штати ҳам йўқлигини айтгач, Э.Раҳимов ундан Молия бўлими бошлиғи Р.Ибрагимовни суҳбатга чақиришини илтимос қилди. Молия бўлими бошлиғи ҳам штат бирлиги йўқлигини айтди. Шунда ҳокимга кирган умумий бўлим мудираси Наргул Тангирова суҳбатга қўшилиб архивнинг зарурлигини, бу соҳада туман аҳолиси жуда қийналишаётганлигини гапирди. Кескин тортишувлардан сўнг Молия бўлими хат тайёрлайдиган бўлди. Икки марта хат тайёрланди, бироқ Б.Қ.Эргашев улардан камчилик ахтариб тасдиқламасликка ҳаракат қилди. Шунда Э.Раҳимов хат бермаслик сабабини кўрсатиб ёзма жавоб беришини сўради. Б.Қ.Эргашев Наргул Тангировага йўлланма бериб хатни қайта тайёрлашини буюрди. Н.Тангирова тайёрлаган хатни Э.Раҳимов ҳокимга тасдиқлатиб 2016 йил 12 мартда №01-2/5-126-сонли ва 2016 йил 12 мартдаги №01-2/5-127-сонли хатларни олиб, 2016 йил 15 мартда вилоят ҳокимлигига, вилоят архив ишлари бошқармасига топширди ва бошқармадан Молия вазирлигига эксперт-хулосани тайёрлаб беришини талаб

қилди. Шу куни соат 15.00 да вилоят архив ишлари бошқармасининг эксперт текширув ҳайъатининг №5-сонли йиғилиш баёнини олди. Унда Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини Нуробод туманида очиш мақсадга мувофиқлиги, бунинг учун ажратилаётган бино «СВП Маскан» МЧЖ томонидан экспертизадан ўтганлиги, жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилиши, Каттақўрғон шаҳар, Самарқанд тумани ва Пастдарғом тумани давлат архивларининг ҳар бири ҳисобидан биттадан штат бирлиги ажратилганлиги (қоровуллик штатини ажратиш Нуробод туман ҳокимлигидан сўралган эди) қайд этилган.

Э.Раҳимов 2016 йил 25 мартда вилоят архив иши бошқармасида А.Махманазаров, М.Дўстмуродовлар билан учрашганида, улар штат бирлиги ажратиш тўғрисидаги хулосаларини вилоят ҳокимлигига топширганликларини, вилоят Молия бўлими хулоса бергач, ҳокимнинг қарори чиқишини айтишди. Э.Раҳимовга молия бошқармасида А.Ҳасанов 1-квартал тамом бўлганлигини, 1 апрелда 2-кварталга штатларни аниқлаб вилоят ҳокимлигига жавоб хатини ёзишини, 2016 йилнинг апрелидан Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиали иш бошлашини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 1 апрелда Самарқанд вилоят ҳокимлигидан архив филиалини очиш тўғрисидаги қарорни сўраганида, лойиҳанинг тайёрланиб ҳоким ўринбосари Х.Г.Хужаёровга берилгани, имзо қўйилгач ҳокимга киритилиши, 4 апрелга қарорнинг тайёр бўлишини билди.

2016 йил 4 апрелда ҳокимликнинг умумий бўлими мудирини Б.Тиллаевдан Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини очиш тўғрисидаги Самарқанд вилоят ҳокимининг 2016 йил 2 апрелдаги №89-К-сонли қароридан нусха олди. Шу дамда Э.Раҳимов туманда архив очиш борасида чеккан барча азобларини бир зумга унутди, чунки у эл манфаати йўлида олдига қўйган мақсадига эришган эди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлган Э.Раҳимов ҳокимиятдан чиқиши билан хурсандчилигини телефон орқали қадрдон сафдошлари профессор Пирназар Давронов ва туман нафақа фонди жамғармаси ходими Низомиддин Тўрақуловлар билан баҳам кўрди.

2016 йилнинг 13 апрелида Э.Раҳимов филиал бошлиғи Низомиддин Тўрақулов билан биргаликда Самарқанд архив иши бошқармасига бориб Абдували Маманазаров билан учрашиб ишни бошлаш кераклиги тўғрисида суҳбатлашди ва айрим зарур инвентарлар бўйича имкон қадар ёрдам кўрсатишини сўради. У ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмаслигини айтди.

Катта орзу умидлар билан келиб А.Маманазаров қабулидан натижасиз чиққан Э.Раҳимовни «Вилоят миқёсидаги раҳбарнинг бевосита ўз йўналишидаги вазифасига муносабати шу бўлса, элнинг аҳволи нима бўлар экан», деган афсус-надоматларга тўла ҳис-ҳаяжон қамраб олган эди.

Шундан сўнг Э.Раҳимов 30-Улус сайлов округидан вилоят кенгашига сайланган, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Тоштемир Эшимович Остонақулов ҳузурига кириб Нуробод туманида архив филиали очилганлигини, бироқ бу иш 2016 йил дастурига киритилмаганлиги учун керакли инвентарлар билан таъминлаб бўлмаётганлигини айтиб,

тумандан сайланган депутат сифатида бир дона компьютердан вақтинчалик фойдаланиб туришга ёрдам кўрсатишини сўради. Т.Э.Остонақулов ўйланиб қолди ва бундай ишни қилиш қонунга зид эканлигини, лекин аҳвол шу даражада бўлса институтнинг ёрдам кўрсатишини, бироқ талаб этилган пайтда олинган компьютерни ўз жойига қайтарилиши зарурлигини айтди. Э.Раҳимов 2017 йил давлат дастури асосида олинадиган компьютерлардан битта янгиisini институтга қайтаришини маълум қилди.

Э.Раҳимов Нуробод тумани ҳоқимиغا Самарқанд ҚХИ дан бир комплект компьютерни олиб келганлигини маълум қилиб, ундан архивни ишга тушириш учун яна битта компьютер, стеллажлар яшаш учун 500 п/м уюлник, 6 дона стол ва 20 дона стулдан ёрдам беришини сўради. Ҳоқим ёрдам кўрсата олмаслигини, бироқ бошқа тегишли жойларга мурожаат қилиб кўришини айтди.

Архив иши йўналиши бўйича вилоят раҳбари А.Маманазаров ва туман ҳоқимининг муносабатларидан ғазабланган Э.Раҳимов бир-оз ўзини босиб олиб, туманда ташкил этилаётган архив филиали бошлиғи Низом Тўрақуловга “Туманда саховатли инсонлар етарли уларга мурожаат қиламиз” деди. Н.Тўрақулов унинг фикрини маъқуллади. Э.Раҳимов Расулов Туркманга кўнғироқ қилиб вазиятни тушунтирди. Расулов Туркман Нуробод туманида архив очилганидан хурсанд бўлиб, келинг сизга тўн кийдириб меҳмон қиламан, кўлимдан келганча ёрдам ҳам бераман деди. Бу илтифотдан руҳланган Э.Раҳимовнинг раҳбарлардан қолган кўнгли бироз таскин топди.

Кун кеч бўлганига қарамасдан соат 17.30 ларда Нуробод тумани марказидан «Оғзи катта» қишлоғи томон йўл олган Э.Раҳимов билан Н.Тўрақулов тунда Омонтош ҳожи, Норбек Эшниёзов, Норхўроз ҳожи, Салим ҳожи Холбоев, Али Хўжақулов, Собир ҳожи Суяровлардан ҳар бирининг уйларига кириб бориб уларга мавжуд вазиятни тушунтирди. Улардан бирортаси Э.Раҳимовни қуруқ қайтаришмасдан саховатларини аяшмади. Сабаби Э.Раҳимов одам танийдиган инсон. Э.Раҳимов йиғилган маблағларни Н.Тўрақуловга тутқазиб, архив учун керакли барча ашёларни харид қилиш топшириғини берди.

Э.Раҳимов 2016 йил 19 апрелда Н.Тўрақуловга кўнғироқ қилиб керакли нарсаларнинг харид қилиниб архив биносига олиб келинганлиги ва уларни жой-жойига қўйиш ишлари бошланганлигини билди. Шунда Э.Раҳимов узоқ осмонга термулиб эл учун қилаётган меҳнатларини қадрлайдиган саховатли инсонларнинг кўплигидан фахрланиб, эл манфаати йўлидаги янги ишлар, янги марралар сари одимлаб кетди.

Нуробод туман марказидаги архив биносини таъмирлаш ва тегишли инвентарлар билан таъминлаш ҳашар йўли билан амалга оширилди. Бутадбирда Туркман Расулов, Али Хўжақулов, Салим ҳожи Холбоев, Норбек Эшниёзов, Омонтош ҳожи, Мавлонов Шокир, Бобомуродов, Шерали Қаҳҳоров, Собир ҳожи Суяров, Зокир Эшниёзов, Отабек Тилавов, Норхўроз ҳожи, Жамшид Жиянов, дорихоначи Эшбой, Ҳошим Қобиловлар жонбозлик кўрсатдилар.

Э.Раҳимов Самарқанд вилоят ҳоқимининг 2016 йил 2 апрелдаги №89-К-сонли Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини очиш тўғрисидаги қарори асосида туман аҳолисининг оғири енгил бўлди деган фикр

билан вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маманазаровга қўнғироқ қилиб бинони келиб кўришларини, муҳр ва штамп олиш учун тегишли ҳужжатларни беришларини сўради. Улар 2016 йилнинг 14 май куни келиб кўришиб филиални қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топишди ва Жума шаҳридаги 2та архивдан 13200 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар келтирилди, филиалнинг муҳри ва штамп олинди. Филиалда 20 май 2016 йилдан ҳужжатлар қабули бошланди. 2016 йил 29 майда Нуробод туман ҳокимлигининг мажлислар залида филиалнинг иш бошлаганлиги расмий тазда эътироф этилди ва Нуробод газетаси орқали аҳолига маълум қилинди.

Э.Раҳимов 2016 йил 1 июнда Нуробод туманидаги архив филиалини 2017 йил давлат дастурига киритиш масаласида Самарқанд вилоят Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.А.Ахтамов билан учрашди. У киши мавжуд ҳужжатлар билан танишиб архив агентлигига мурожаат қилишни, "Ўзархив" агентлиги вилоят ҳокимига хат билан чиқишини, ушбу хат Молия бошқармасига келгач давлат дастурига киритилишини маълум қилди. Э.Раҳимов 2016 йил 20 июнда "Ўзархив" агентлигига бориб ташкилий бўлим бошлиғи Абуали Мелиев билан учрашиб 11 дона тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб хатлар бўлимига топширди.

2016 йил 28 июнда "Ўзархив" агентлигидан 2016 йил 6 июлда ёзилган №01-24/534-сонли жавоб хатини олди. Хатда 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган намунавий штатлар ва намунавий тизим ҳужжати асосан сақловда 100 000 СБ дан кам бўлган архивларни архив филиали сифатида ташкил қилиш белгиланганлиги, ҳамда бошқарув аппаратини кенгайтириш имкони йўқлигини инобатга олиб Нуробод тумани архивининг филиал сифатида иш юритиши мақсадга мувофиқлиги билдирилган. Шундай қилиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиали 2016 йил июндан фаолият кўрсатишни бошлади.

Нуробод газетасининг 2016 йил 30 май №114-сонида «Янгилик» рубрикаси остида Ҳ.Суюновнинг «Архив филиали иш бошлади» номли мақоласи чоп этилиб, туман аҳолиси хабардор қилинди:

Архив ҳужжатлари халқимизнинг маданий меросида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда архив ишини йўлга қўйиш, архив муассасаларини ташкил этиш, архив ҳужжатларини рўйхатга олиш, уларни сақлаш, энг асосийси ўтмишимиз ҳамда ҳозирги кунимизни акс эттирувчи нодир ҳужжатларни келгуси авлодларга бус-бутун ҳолда етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимининг қарорига кўра туманимизда Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиб, жорий йилнинг май ойидан бошлаб ўз фаолиятини олиб бораётгани муҳим қадам бўлди.

Аҳамиятли томони шундаки, шу кунга қадар туманимизда архив муассасаси йўқ эди. Тумандошларимиз ҳамда корхона ва ташкилотларнинг давлат архиви хизматларидан фойдаланиши Пастдарғом туман давлат ва идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари зиммасига юклатилган эди. Бу эса ўз навбатида туманимиз аҳолисининг архив хизматларидан фойдаланишида ортиқча оворагарчиликларни юзага келтириб, фуқаролар эътирозига сабаб бўлар эди.

Айни даврда архив филиалида қарийб 12 мингга яқин архив ҳужжатлари камраб олиниб, уларни сақлаш, фойдаланиш, архив филиали фаолиятини тартибга солиш, бир сўз билан айтганда, архив ишини замонга мос тарзда ривожлантириш чора-тадбирлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокимлиги ва меҳнат фахрийси Э.Раҳимовлар архив филиали ташкил этилишида жонбозлик кўрсатдилар, – дейди Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиали раҳбари Низомиддин Тўрақулов. – Аёнки, архив ишини муваффақиятли юритиш ва архив ҳужжатларини сифатли сақлашда архивларнинг моддий-техника базаси, шу жумладан, бино, жиҳоз ва муҳофаза воситалари катта аҳамиятга эга. Филиалимиз учун танланган бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг эски биносини ҳомийлар кўмаги билан таъмирляяпмиз.

Ҳозирда жисмоний ва юридик шахслар архив филиали ходимларига муурожаат қилишиб, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг архив ҳужжатларини қаерга ва қандай тартибда топшириш керак ва шунга ўхшаш саволларга батафсил жавоб олишмоқдалар, ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба кунлари филиалда қабул куни деб белгиланди.

Ҳ.Суюнов

Архив филиалини ташкил этишга доир ҳужжатлар

Нуробод туман ҳокими Ж.Ибрагимовнинг Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга ёзган 2015 йил 26 апрелдаги №01-2/5-147-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тоирович!

Нуробод тумани 1975 йил 26 ноябрда Самарқанд вилоятида Каттақўрғон, Нарпай ҳамда Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил этилган ҳамда бугунги кунга қадар аҳолининг давлат архиви маълумотларидан фойдаланиши Оқтош ва Жума шаҳридаги давлат архивлари зиммасига юклатилган. Бу айниқса, пенсияга чиқишда талаб этиладиган архив ҳужжатларни олишда аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Туман ҳудудининг катталиги ва аҳоли пунктларининг тарқоқлигини инобатга олиб, туманимиз марказида давлат архивини ташкил этишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи
А.Каримовнинг Самарқанд вилоят ҳокимлигига ёзган
2012 йил 11 майдаги №02-7-сонли хати
Нусхаси: Нуробод туман ҳокими Ж.Ибрагимовга.**

Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси Нуробод туман ҳокимининг 2012 йил 26 апрелдаги №01-2/5-147-сонли хатини ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги №101-сонли қарорининг 3 иловаси 3 бўлим 9 бандига асосан Давлат архивларини вилоят ҳокимининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этиш белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хатда кўрсатиб ўтилган Нуробод туманида Давлат архивини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда рухсат олгандан сўнг ушбу масала қайта кўриб чиқилишини маълум қиламиз.

Бошқарма бошлиғи А.Каримов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив”
агентлигининг вилоят ҳокимининг ўринбосари В.Раҳимовга йўллаган
2012 йил 16 майдаги
№01-01/150-сонли хати**

*Сизнинг 2012 йил 7 майдаги
№01-01/308-сонли топшириқ хатингизга*

Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш тўғрисида

Нуробод тумани 1975 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда туманда 126855 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва 1447 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотлар ва аҳолига туманда архив бўлмаганлиги сабабли Пастдарғом туман давлат архиви ва ушбу тумандаги идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу эса туман аҳолисини айниқса, фуқароларга пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган архив маълумотномаларини олишга маълум бир қийинчиликлар туғдириб уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Чунки туманнинг чекка қишлоқларида яшовчи аҳолининг аксарияти 150-180 км масофани босиб Пастдарғом туманига қатнапти.

Вилоят архив иши бошқармаси туман аҳолисининг талабларини инобатга олиб уларга қулай архив хизмати кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 9-бандига асосан Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

**Самарқанд вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ**

2015 йил 14 июль. Самарқанд шаҳри.

Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш тўғрисида

Нуробод туманида архив ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси талабига мувофиқ ҳамда Нуробод туман ҳокимлигининг 2015 йил августдаги №01-2/5-491-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод туман аҳолисининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда туманда давлат архивини ташкил этишга розилик берилсин.

2. Нуробод туман ҳоқимлиги (Б.Эргашев)га туман давлат архивини бино ва техник жиҳозлар билан таъминлаш топширилсин.

3. Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси (А.Маматов)га Нуробод туманида давлат архивини малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг ўринбосари Х.Худжаёров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳоқими З.Т.Мирзаев

Самарқанд вилоят ҳоқимининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Ўзархив” агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевга ёзган №04/1-726-сонли хати

Нуробод тумани ҳоқимлигининг 2015 йил 10 августдаги №01 -2/5-477-сонли хати ва тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакилларининг мурожаати билан Нуробод тумани 1975 йилда вилоятнинг Каттақўрғон, Нарпай ва Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинганлиги, туманда истиқомат қилувчи аҳоли бугунги кунга қадар Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳарчаларида (оралиқ масофа 100-150 км.гача) жойлашган давлат архивларидан фойдаланиб келаётганлиги билдирилган.

Биргина Пастдарғом тумани давлат архиви Сазағон қишлоғидан 60 км, Жом қишлоғидан 80 км, Тутли, Жарқудуқ, Ҳазармали, Олға қишлоқларидан 200 км масофада жойлашганлиги аҳолининг пенсия даврига чиқишида талаб этиладиган архив ҳужжатларини излаб топишда, тумандаги 1636 та хўжалик субъектларининг архив ҳужжатларини сақлашда, топширишда ва архив хизматларидан фойдаланишда қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Вилоят ҳоқимлиги туман аҳолисининг талабларини инобатга олиб, уларга қулай архив хизматини ташкил қилиш, ҳужжатларни амалдаги тартибларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосланган ҳолда Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор намунасини келишиш учун тақдим қилмоқда.

Вилоят ҳоқими З.Т.Мирзаев

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг
«Ўзархив» агентлигига 2015 йил 20 ноябрда йўллаган
№05/2/P-66501-сонли хати**

Сизга Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ёзган хатини (телеграммасини) кўриб чиқиш учун юборяпмиз.

Натижасини хат (телеграмма) муаллифига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълум қилишингизни сўраймиз. (Муаллифнинг хати

жавоби билан бирга қўшиб қайтарилади).

Илова 54 варақ.

Муддати 07.12.2015 йил. **Бош консультант Д.Асамов**

№11/2-1185“Тасдиқлайман”
27.11.2014 й. Самарқанд вилояти ҳокими
З.Мирзаев
2014 йил 26 ноябрь

**Вилоят ҳокими томонидан Нуробод тумани “Халқобод” маҳалла
фуқаролар йиғини биносида 2014 йил 22 ноябрда ўтказилган сайёр
қабулда фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш
бўйича чора-тадбирлар
РЕЖАСИ**

№	Мурожаатчиларнинг Ф.И.Ш., яшаш манзили	Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Мурожаатлар юзасидан берилган топшириқлар	Топшириқлар ижроси учун масъуллар
1.	Боймуродов Бекмирза, Халқобод маҳалласи	Туманда архив ташқил этишда амалий ёрдам бериш сўралган	Пастдарғом тумани архив филиалини ташқил этиш ва штатлар масаласини ҳал этиш. Бино билан таъминлаш чорасини кўриш. Муддат 1 январгача	Вилоят Архив иши бошқармаси (А.Маматов), Нуробод тумани ҳокимлиги (Б.Эргашев)

**Изоҳ: режанинг Нуробод тумани архивини тузишга доир қисми
олинди.**

**Нуробод туман ҳокимлигининг 2015 йил 7 августдаги
№01-2/5-471-сонли вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи
А.Маматовга йўллаган хати**

Нуробод туманида архив ишини юритувчи давлат архиви мавжуд бўлмаганлиги сабабли туман ҳокимлиги ва бошқа давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳужжатлари вилоятнинг турли тоифадаги архивларига топширилмоқда. Йиллар ўтиб фуқароларга ҳамда ташкилот, муассасаларга архив сақловидаги ҳужжатларга зарурат юзага келганда бир қанча архивларга мурожаат этишга тўғри келмоқда. Натижада керакли ҳужжатларни топишда ортиқча оворагарчиликлар юзага келиб фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб Нуробод тумани ҳокимлиги Сиздан Нуробод туманида архив ишини ташқил этишга амалий ёрдам беришингизни сўрайди.

Нуробод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Эргашев

**Нуробод туман ҳокими Б.Эргашевнинг вилоят ҳокими З.Т.Мирзаевга
ёзган 2015 йил 10 августдаги №01-2/5-477-сонли хати**

Нуробод тумани 1975 йил 26 ноябрда Самарқанд вилоятида Каттақўрғон, Нарпай ҳамда Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташқил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар

аҳолининг давлат архиви маълумотларидан фойдаланиш Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳридаги давлат архивлари зиммасига юклатилган. Бу айниқса, кексаларимизнинг пенсия даврига чиқишда талаб этиладиган архив ҳужжатларини топишда ортиқча оворагарчиликлар юзага келиб фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ушбу масалада вилоят ҳокимининг 2014 йил 27 ноябрдаги №11/2-1185-сонли «Вилоят ҳокими томонидан Нуробод тумани «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини биносида 2014 йил 22 ноябрда ўтказилган сайёр қабулида фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режаси»нинг 1-бандида вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи ва туман ҳокимлигига топшириқлар берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли қарорининг 3-илоvasи 3-бўлими 9-бандига асосан давлат архивларини вилоят ҳокимининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ташкил этиш белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб Нуробод тумани ҳокимлиги туманда бюджет маблағлари ҳисобидан давлат архивини ташкил этишга Сизнинг номингиздан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Молия вазирлигига мурожаат этишга амалий ёрдам беришингизни сўрайди.

Нуробод тумани ҳокими в.б. Б.Эргашев

**Нуробод тумани ҳокимининг вилоят архив ишлари бошқармаси
бошлиғи А.Маматовга йўллаган 2015 йил
15 августдаги №01-2/5-491-сонли хати**

Вилоят ҳокимининг 2014 йил 27 ноябрдаги №11/2-1185-сонли Вилоят ҳокими томонидан Нуробод тумани Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини биносида 2014 йил 22 ноябрда ўтказилган сайёр қабулида фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг 1-бандида вилоят архив бошқармаси ва туман ҳокимлигига туманда бюджет маблағлари ҳисобидан давлат архивини ташкил этиш бўйича тегишли топшириқлар берилган эди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш бўйича туман ҳокимлиги архив учун бино ва керакли инвентарлар билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

Туман ҳокими в.б. Б.Эргашев

**Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси
бошлиғи А.Маматовнинг 2015 йил 17 августдаги №01-01/402-сонли
“Ўзархив” агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевга ёзган хат**

Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш тўғрисида

Нуробод тумани 1975 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда туманда 135866 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва 1636 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотлар ва аҳолига туманда архив бўлмаганлиги сабабли Пастдарғом туман давлат архиви ва ушбу тумандаги идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу эса туман аҳолисига айниқса, фуқароларга пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган архив маълумотномаларини олишга маълум бир қийинчиликлар туғдириб, уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Чунки туманнинг чекка қишлоқларида яшовчи аҳолининг аксарияти 150-180 км масофани босиб Пастдарғом туманига қатнамоқда.

Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси туман аҳолисининг талабларини инобатга олиб, уларга қулай архив хизмати кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 9-бандига асосан Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан
ташқари пенсия жамғармаси Нуробод тумани бўлимининг “Ўзархив”
агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевга ёзган 2015 йил 17 августдаги
№ХЖ/30-01-643-сонли билдириш хати**

Нуробод тумани 1975 йил ноябрь ойида Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай ва Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар аҳолининг давлат архиви хизматидан фойдаланиши Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳрида жойлашган давлат архивлари зиммасига юклатилган.

Бу ҳолат аҳолининг пенсияга оид талаб этиладиган архив ҳужжатларини излаб топишда бир қанча ортиқча оворагарчиликларни юзага келтириб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Пастдарғом туман давлат архиви Жом қишлоғидан 80 км, Тутли, Жарқудуқ, Ҳазармали, Олға қишлоқларидан 200 км, Сазоғон қишлоғидан 60 км.дан ортиқ масофани ташкил этади.

Ушбу масалани ҳал қилиш учун Самарқанд вилоят ҳокимининг 2014 йил

27 ноябрдаги №11/2-1185-сонли «Вилоят ҳокими томонидан Нуробод тумани Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини биносида 2014 йил 27 ноябрда ўтказилган сайёр қабулида кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режаси»нинг 1-бандида вилоят Архив иши бошқармаси ва туман ҳокимлигига топшириқлар берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли Қарорининг 3-илоvasи 3-бўлими 9-бандига асосан давлат архивларини вилоят ҳокимининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўз архив агентлиги» ва Республика Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда туман маркази билан Тим қишлоғи оралиғи 90 км, Тутли қишлоғи 120 км, Сазоғон қишлоғи 60 км, Жом қишлоғи 50 км ни ташкил этади. Агар туман марказидан давлат архиви идораси ташкил қилинса, муаммолар ўз ечимини топади.

Бу тўғрида Самарқанд вилоят ва туман ҳокимликларига ҳамда вилоят Архив ишлари бошқармасига мурожаат килинган.

Ҳурматли Абдушукур Хамидович!

Келажакда аҳолининг бугунги кундаги қийинчиликларини бартараф этиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан туман давлат архивини ташкил қилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан, Самарқанд вилоят Нуробод туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Х.Жўрабоев

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Р.С.Азимовга Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган мавжуд қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллар томонидан
МУРОЖААТ**

Ҳурматли Рустам Садиқович!

Нуробод тумани 1975 йил ноябрь ойида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар аҳолининг давлат архиви маълумотларидан фойдаланиши Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳрида жойлашган давлат архивлари зиммасига юклатилган.

Бу ҳолат аҳолининг пенсия даврига чиқишида талаб этиладиган архив ҳужжатларини излаб топишда ортиқча оворагарчиликларни юзага келтириб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Пастдарғом туман давлат архиви Жом қишлоғидан 80 км, Тутли, Жарқудуқ, Ҳазармали, Олға қишлоқларидан 200 км, Сазоғон қишлоғидан 60 км дан ортиқ масофани ташкил этади.

Ушбу масалани ҳал қилиш учун Самарқанд вилоят ҳокимининг 2014 йил 27 ноябрдаги №11/2-1185-сонли «Вилоят ҳокими томонидан Нуробод тумани

Халқобод маҳалла фуқаролар йиғини биносида 2014 йил 27 ноябрда ўтказилган сайёр қабулида кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг 1-бандида вилоят Архив иши бошқармаси ва туман ҳокимлигига топшириқлар берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли Қарорининг 3-илоvasи 3-бўлими 9-бандига асосан давлат архивларини вилоят ҳокимининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив агентлиги» ва Республика Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда туман маркази билан Тим қишлоғи оралиғи 90 км, Тутли қишлоғи 120 км, Сазоғон қишлоғи 60 км, Жом қишлоғи 50 км ни ташкил этади. Агар туман марказидан давлат архиви идораси ташкил қилинса, муаммолар ўз ечимини топади.

Бу тўғрида Самарқанд вилоят ва туман ҳокимликларига ҳамда вилоят Архив ишлари бошқармасига мурожаат қилинган.

Келажақда аҳолининг бугунги кундаги қийинчиликларини бартараф этиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан туман давлат архивини ташкил қилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Ҳурматли Рустам Садиқович!

Албатта бизларнинг истак-ниятларимизни амалга оширишда амалий ёрдам берасиз деган ният билан, мустақил мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш ишида Сизга яратгандан узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ато этишини сўраймиз.

Сизга ҳурмат билан, жамоатчилик томонидан вакил Эштурди Раҳимов, Жом ҚФЙ раиси Ўрол Аҳмедов, Сазоғон ҚФЙ раиси Парда Бўриев, Улус ҚФЙ раиси Жумабой Рўзиев, Нурбулоқ ҚФЙ раиси Нурали Суюнов, Тим ҚФЙ раиси Эшмуҳаммад Раҳимов, Тутли ҚФЙ раиси Жовли Ҳайитов, Жарқудуқ ҚФЙ раиси Равшан Эшдавлатов.

2015 йил 12 август.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив”
агентлиги бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарованинг 2015 йил 24
августдаги
№01-24/728-сонли хати**

**Самарқанд вилояти Нуробод туманида истиқомат
қилувчи фуқаро Эштурди Раҳимовга**

Сизнинг мурожаатингиз ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Самарқанд вилояти Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги

«Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сон қарорининг 3-иловасига асосан Самарқанд вилояти ҳокими томонидан қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги ва «Ўзархив» агентлиги билан келишилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимининг Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ҳамда унга асослантирувчи қўшимча маълумотларни «Ўзархив» агентлиги ва Молия вазирлигига киритишингиз мақсадга мувофиқ.

Бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари
Ж.Қўчқоровнинг 2015 йил 25 августдаги
№ЖҚ/12-06-14/1309-сонли хати**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ раиси У.Ахмедовга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сизнинг жамоавий мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

«Архив иши тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига асосан Давлат архивларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-2270-сон қарорига асосан 2015 йил учун Давлат бюджети параметрлари тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 93-моддасига мувофиқ Келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай тақдим этилади.

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Молия бошқармаси томонидан тақдим қилинган 2016 йил учун бюджет лойиҳасида Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш ва уни сақлаш бўйича харажатлар кўзда тутилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2015-2016 йилларда Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш ва сақлаш учун давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш имконияти мавжуд эмаслигини билдирамыз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибини янада такомиллаштириш ва ходимлари сонини оптималлаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» ПҚ-2091-сонли қарорига асосан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари чекланган сони белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига асосан, заруратга кўра тегишли давлат архиви тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу давлат архивининг филиалларини ташкил этишга йўл қўйилган.

Таъкидланганларни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш қай даражада долзарблигини асослаб берилиши, умуман давлат архивини ташкил қилиш учун талаб мавжудлиги юзасидан аниқ маълумотлар (жумладан, Нуробод туманига тегишли бўлган архив ҳужжатлари сони) ва архивни ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китоблари тақдим этилиши лозим.

Ушбу муносабат билан, кўтарилган масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига мурожаат қилишингизни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров

“Ўзархив” агентлиги Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маматовнинг 2015 йил 28 августдаги №01-01/417-сонли хати

Нуробод туман ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Эргашевга

Сизнинг 2015 йил 7 августдаги Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш тўғрисида”ги №01-2/5-471-сонли хатингизга

Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан туман ҳокимлигининг 2015 йил 7 августдаги «Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш тўғрисида»ги №01-2/5-471-сонли хати атрофлича ўрганиб чиқилди.

Туман аҳолисининг талаб ва истакларини инобатга олиб, уларга қулай архив хизмати кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 9-бандига асосан Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шу сабабли бошқарма томонидан қуйидаги ҳужжатлар кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этилди:

Вилоят архив иши бошқармасининг хулосаси;

Вилоят ҳокимининг қарори лойиҳаси;

Туман жамоатчилик вакиллари ва архив иши соҳасига дахли бўлган туман ташкилотларининг «Ўзархив» агентлиги Бош директори А.Х.Абдуллаев номига

ёзган мурожаат хатлари.

Ушбу масаланинг якуний натижаси тўғрисида қўшимча маълумот берилади.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

**“Ўзархив” агентлиги Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий
бошқармасининг Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари
Х.Худжаёровга 2015 йил 2 сентябрда ёзган
№01-01/425-сонли хати**

Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш тўғрисида

Нуробод тумани 1975 йил 26 ноябрда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда туманда 135866 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва 1636 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотлар ва аҳолига туманда архив бўлмаганлиги сабабли Пастдарғом туман давлат архиви ва идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу эса туман аҳолисига айниқса, фуқароларга пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган архив маълумотномаларини олишга маълум бир қийинчиликлар туғдириб, уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Чунки туманнинг чекка қишлоқларида яшовчи аҳолининг аксарияти 100-150 км масофани босиб Пастдарғом туманига қатнамоқда.

Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси туман аҳолисининг талабларини инобатга олиб, уларга қулай архив хизмати кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом» нинг 9-бандига асосан Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

**Самарқанд вилоят ҳокимининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Ўзархив”
агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевга ёзган №04/1-726-сонли хати**

Нуробод тумани ҳокимлигининг 2015 йил 10 августдаги №01 -2/5-477-сонли хати ва тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакилларининг мурожаати билан Нуробод тумани 1975 йилда вилоятнинг Каттақўрғон, Нарпай ва Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинганлиги, туманда истиқомат қилувчи аҳоли бугунги кунга қадар Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳарчаларида (оралиқ масофа 100-150 км.гача) жойлашган давлат архивларидан фойдаланиб келаётганлиги билдирилган.

Биргина, Пастдарғом тумани давлат архиви Сазағон қишлоғидан 60 км, Жом қишлоғидан 80 км, Тутли, Жарқудуқ, Ҳазармали, Олға қишлоқларидан 200 км масофада жойлашганлиги аҳолининг пенсия даврига чиқишида талаб

этиладиган архив ҳужжатларини излаб топишда, тумандаги 1636 та хўжалик субъектларининг архив ҳужжатларини сақлашда, топширишда ва архив хизматларидан фойдаланишда қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Вилоят ҳокимлиги туман аҳолисининг талабларини инобатга олиб, уларга қулай архив хизматини ташкил қилиш, ҳужжатларни амалдаги тартибларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган»Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосланган ҳолда Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор намунасини келишиш учун тақдим қилмоқда.

Вилоят ҳокими З.Т.Мирзаев

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил
7 сентябрдаги №12-06-14/1525-сонли хати**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив”
Агентлигига;
Самарқанд вилояти ҳокимлигига;
Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ раиси
У.Ахмедовга**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ раиси У.Ахмедовнинг Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш тўғрисидаги 2015 йил 21 сентябрдаги 37-сонли мурожаатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-2270-сон қарорига асосан 2015 йил учун Давлат бюджети параметрлари тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 93-моддасига мувофиқ келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай тақдим этилади.

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Молия бошқармаси томонидан тақдим қилинган 2016 йил учун бюджет лойиҳасида Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш ва уни сақлаш бўйича харажатлар кўзда тутилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2015-2016 йилларда Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш ва сақлаш учун давлат бюджетидан қўшимча

маблағ ажратиш имконияти мавжуд эмаслигини билдирамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибини янада такомиллаштириш ва ходимлари сонини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2091-сон қарорига асосан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари чекланган сони белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарори билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тегишли эксперт-текширув комиссияси томонидан архивларни ташкил этиш ва фаолият юритишига қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилиши лозим.

Ўрганиш натижаларига асосан эксперт-текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши таклиф этилаётган Нуробод тумани давлат архиви бошқарув ходимлари сонини шакллантириш бўйича тегишли маълумот ва таклифларни кўриб чиқиш учун киритишингиз сўралади.

Вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров

Нуробод тумани Жом ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан 16 сентябрь 2015 йилда берилган №5-сонли маълумотнома

Берилди ушбу маълумотнома Самарқанд вилоят Нуробод тумани Жом ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан ҳақиқатдан ҳам хўжаликнинг 1951-1955-1977 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатигача хўжалик фаолиятига тегишли 205та сақлов бирлиги ҳужжатлари сақланмоқда.

Хўжалик бошқаруви раиси Н.Раззоқов, бош ҳисобчи Н.Тиллаев

Пастдарғом туман давлат архиви директорининг Самарқанд вилояти архив иши бошқармасига 2015 йил 17 сентябрда ёзган №7-сонли хати

Пастдарғом туман давлат архивида Нуробод туман ташкилот ва корхоналарнинг қуйидаги ҳужжатлари мавжуд:

Ҳужжатлар сони – 8371 та

Фонд сони – 44 та

Шахсий таркиб ҳужжатлари – 660 та

Фонд сони – 4 та

2015 йил 17 сентябрь ҳолатига юқоридаги ҳужжатлар мавжуд.

**Пастдарғом туман давлат архиви директори Х.Б.Тўйчиев,
фонд сақловчи А.Муқимов**

**Нурбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2015 йил
18 сентябрдаги №1816 -сонли маълумотномаси**

Берилди ушбу маълумотнома Самарқанд вилоят Нуробод туман Нурбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан, ҳақиқатдан ҳам собиқ Нурбулоқ сельсоветининг 1969 йилдан 1987 йилгача бўлган маъмурият ходимларига оид 38та сайлов бирлиги қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўзида сақланмоқда.

**Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.
ҚФЙ раиси Н.Суюнов, ҚФЙ котиби Р.Рустамов**

**Нуробод нефтбаза унитар корхонаси томонидан 2015 йил
18 сентябрдаги №13-10/659-сонли маълумотнома**

Берилди ушбу маълумот Нуробод нефт-база унитар корхонаси томонидан шу тўғридаким, ҳақиқатдан ҳам корхонанинг шахсий таркибга оид 1984 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига қадар 94 (тўқсон тўрт) та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

**Корхона раҳбари М.О. Ниязов, бош ҳисобчи Ф.Т. Аликулов, Кадрлар
бўлими бошлиғи О.О. Яхшиев**

**“Ўзагросуғурта” АЖ Нуробод туман бўлинмасининг 2015 йил
18 сентябрдаги №94-сонли маълумотномаси**

Маълумотнома мазмуни шундан иборатки, «Ўзагросуғурта» (АЖ) Нуробод туман бўлинмаси томонидан шу тўғридаким, ҳақиқатдан ҳам бўлинманинг шахсий таркибига оид 1980 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига қадар 63 (олтмиш уч) та сақлов бирлиги бўлинманинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

**“Ўзагросуғурта АЖ Нуробод туман бўлим менеджери Г.Қурбонов,
бош ҳисобчи Ш.Хушваков, кичик мутахассис М.Бобокулова**

**“Нуробод” газетаси муҳаррирининг 2015 йил 18 сентябрдаги
№24-сонли маълумотномаси**

Маълумотноманинг мазмуни шундан иборатки, «Нуробод» газетаси давлат корхонаси таҳририясида 1990 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ойи ҳолатига 12 (ўн икки) та сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим килиш учун берилди.

**“Нуробод” газетаси давлат корхонаси муҳаррири в.б. Г.Шерматова,
ҳисобчи А.Кенгашев**

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 2015 йил 18 сентябрдаги №197-сонли маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан шу тўғридаким, ҳақиқатдан ҳам корхонанинг шахсий таркибга оид 1991 йил 1 сентябрь ҳолатига қадар 45 (қирқ бешта) та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

**Марказ директори И.Бердиқулов,
кадрлар бўлими бошлиғи Ш.Хидирова**

Нуробод туман «Тим» қишлоқ хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежининг томонидан 2015 йил 18 сентябрдаги маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома Самарқанд вилояти Нуробод туман «Тим» қишлоқ хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан, ҳақиқатдан ҳам коллеж 2009 йил 1 сентябрдан фаолият олиб бормоқда. 2015 йил 1 сентябрь ҳолатигача, коллеж фаолиятига тегишли бўлган 40 та сақлов бирлиги ҳужжатлари сақланмоқда.

Таълим муассасаси директори А.Рўзиев, бош ҳисобчи М.Бобомуродов, кадрлар бўлими мудирини Ф.Эгамбердиев

Нуробод қишлоқ хўжалик ва сервис касб-ҳунар коллежининг 2015 йил 18 сентябрдаги маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Нуробод қишлоқ хўжалик ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан, ҳақиқатдан ҳам коллежга тегишли 2007 йил сентябрдан 2015 йил сентябргача бўлган ўқув ва меъёрий ҳужжатлар:

Шахсий таркибга оид йиғма жилдлар;

Буйруқлар дафтарлари;

Ҳисобхонага доир ҳужжатлар;

Гуруҳлар журналлари ва бошқа шу каби узоқ муддатларгача сақланиши лозим маълумотлар жамланмалари коллежининг ўзида сақланиб келинмоқда.

Нуробод қишлоқ хўжалик ва сервис касб-ҳунар коллежи директори А.Атамуродов, бош ҳисобчи М.Шомуродов, кадрлар бўлими нозири Г.Хамидова

«Нурбулоқ балнеологик даволаш муассасаси» МЧЖ томонидан 2015 йил 18 сентябрда берилган №43-сонли маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома «Нурбулоқ балнеологик даволаш муассасаси» МЧЖ томонидан шу тўғридаким, ҳақиқатдан ҳам корхонанинг шахсий таркибга оид 1972 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига қадар 290 (икки юз тўқсон) та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

Корхона раҳбари З.М.Ленская, бош ҳисобчи С.Саидов, кадрлар бўлими бошлиғи У.Буранова

Абу Али ибн Сино санатория маъмурияти томонидан 2015 йил 18 сентябрда берилган №117-сонли маълумотномаси

Абу Али ибн Сино санатория маъмурияти сизга шуни маълум қиладиким, 1990 йилдан ҳозирги кунгача иш ҳақлари ёзилган китоблар ва ички буйруқлар ўзимизда яъни 125та китоб ҳолида сақланмоқда.

Маълумот тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

Абу Али ибн Сино санаторияси МЧЖ директори А.Т.Қаршиев, бош ҳисобчи М.Р.Худайбердиев

Раззоқ Жаҳонгиров номли ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан 2015 йил 17 сентябрда берилган №7-сонли маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома Самарқанд вилоят, Нуробод тумани, Раззоқ Жаҳонгиров номли ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан, ҳақиқатдан ҳам хўжаликнинг 1957 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатигача хўжалик фаолиятига тегишли 615та сақлов бирлиги ҳужжатлари сақланмоқда.

Хўжалик бошқаруви раиси Х.Хасанов, бош ҳисобчи Б.Бобомуродов, кадрлар бўлими бошлиғи Г.Исаева

Нуробод тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 2015 йил 19 сентябрда берилган №01-809-сонли маълумотномаси

Берилди ушбу маълумот, шул ҳақдаким, ҳақиқатдан ҳам Нуробод тумани давлат солиқ инспекцияси 1991 йил 1 январдан 2015 йил 1 январь ҳолатига қадар 385 та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома сўралган жойга тақдим этиш учун берилди.

Нуробод тумани ДСИ бошлиғи В.Файзиев, бош ҳисобчи М.Яркулов, кадрлар бўлими бошлиғи М.Бабаширова

АТ Халқ банки Нуробод филиали томонидан 2015 йил 19 сентябрда берилган №245-сонли маълумотномаси

Берилди ушбу маълумотнома АТ Халқ банки Нуробод филиали томонидан, шу ҳақдаким ҳақиқатдан ҳам АТ Халқ банки Нуробод филиалида 1990 йилдан 2014 йилга қадар 52 (эллик икки) та сақлов бирлиги банкнинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома сўралган жойга тақдим қилиш учун берилди.

АТ Халқ банки Нуробод филиали бошқарувчиси Б.Жўраев

Нуробод туман «Ўзбекистон» қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалиги томонидан 2015 йил 19 сентябрда берилган №45-сонли маълумотномаси

Ушбу маълумотнома Нуробод туман «Ўзбекистон» қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалиги томонидан берилди шу ҳақдаким, ҳақиқатан ҳам корхонанинг шахсий таркибига оид 1974 йилдан 2015 йил 1 сентябрь ҳолатига қадар 362 (уч юз олти икки) та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга тақдим этиш учун берилди.

“Ўзбекистон қоракўлчилик наслчилик ширкат раиси Т.Рахимов, бош ҳисобчи О.Норқораев, кадрлар бўлими бошлиғи Н.Абдуллаев

Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 2015 йил 21 сентябрда берилган №790-сонли маълумотномаси

Нуробод туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ушбуни ёзиб маълум қиладики, ҳақиқатдан ҳам бўлимнинг 2007 йилдан 2015 йил 1 сентябргача бўлган шахсий таркибига оид 55 (эллик беш) та китоби бўлимнинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга кўрсатиш учун берилди.

Нуробод туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими мудири У.Сапаров, бош ҳисобчи Ж.Қодиров

Нуробод тумани саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2015 йил 21 сентябрда берилган №27-сонли маълумотномаси

Нуробод саноат касб-ҳунар коллежи ушбуни ёзиб маълум қиладики, ҳақиқатдан ҳам коллежнинг 1979 йилдан 2015 йил 1 сентябргача бўлган шахсий таркибига оид 183(бир юз саксон уч) та китоби коллежнинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома тегишли жойга кўрсатиш учун берилди.

Нуробод саноат касб-ҳунар коллежи директори А.Муҳаммадиев, бош ҳисобчи Р.Жавбуриев

Самарқанд вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғига Нуробод тумани шўъба корхонаси бошқаруви томонидан 2015 йил 21 сентябрда берилган №18-сонли маълумотномаси

Самарқанд вилоят Нуробод тумани шўъба корхонаси бошқаруви томонидан, ҳақиқатдан ҳам корхонанинг 1977 йилдан 1990 йил 1 август ҳолатигача корхона фаолиятига тегишли 75 та сақлов бирлиги ҳужжатлари сақланмоқда.

Шўъба корхона раҳбари М.Холиқулов

Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси томонидан берилган маълумотнома

Берилди ушбу маълумот Нуробод туман Тиббиёт Бирлашмаси томонидан, шу ҳақдаким ҳақиқатан ҳам Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси 1980 йил 1 январдан 2014 йил 1 июнь ҳолатига қадар 733 та сақлов бирлиги корхонанинг ўзида сақланиб келинмоқда.

Маълумотнома сўралган жойга тақдим қилиш учун берилди.

**Нуробод ТТБ бошлиғи Ж.Ш.Жиянов, бош ҳисобчи М.Мухторов,
кадрлар бўлими нозир И.Норбаева**

Самарқанд вилоят Нуробод тумани ҳудудидаги Давлат архивларига топширилмасдан ширкат хўжаликлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда сақланаётган ходимларнинг шахсий таркибига оид (бўйруқлар китоби, иш ҳақлари қайдномалари ва ҳ/к) ҳужжатлари РЎЙХАТИ

№	Ташкилот, корхона ва ширкат хўжалиги номи	Архивга топширилмасдан ўзида сақланаётган ҳужжатлари сони (сақлов бирлиги)
1	«Ўзбекистон» қорақўлчилик наслчилик ширкат хўжалиги	362
2	Р. Жаҳонгиров номли наслчилик ширкат хўжалиги	615
3	“Саҳобаота” наслчилик ширкат хўжалиги	79
4	Жом ширкат хўжалиги	205
5	Туман солиқ инспекцияси	385
6	АТ «Халқ банки» Нуробод филиали	52
7	ТИФ «Миллий банк» Нуробод филиали	20
8	ОАТБ «Агробанк» Нуробод филиали	20
9	Туман тиббиёт бирлашмаси	733
10	«Нуробод» газетаси	12
11	«Ўзгросуғурга» АЖ Нуробод бўлинмаси	63
12	«Нуробод нефт базаси» УК	94
13	«Нурбулоқ балнеологик даволаш муассасаси» МЧЖ	290
14	«Абу Али ибн Сино» сихатгоҳи	125
15	Нурбулоқ кишлоқ фуқаролар йиғини	38
16	«Тим» кишлоқ хўжалик ва сервис касб-хунар коллежи	40
17	Туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази	45
18	«Жом мармар» шўъба корхонаси	53
19	Туман маданият бўлими	45
20	Нуробод кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи	Сони кўрсатилмаган
21	“Жом мрамор” шўъба корхонаси	75
	Жами	3351

Нуробод туманида рўйхатдан ўтган ташкилот ва корхоналар тўғрисида маълумот

Нуробод туманида 2015 йил 1 январь ҳолатидаги доимий аҳоли сони 135866 киши

Нуробод туманида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони 2015 йил 1 январь ҳолатига

	Жами	Шундан			
		Йирик		Кичик	микрофирма
		Рўйхатдан ўтгани	Фаолият кўрсатаётгани		
Жами	1636	107	107	59	1470
Тармоқлар					
Саноат	68	-	-	-	68
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1120	6	6	8	1106
Транспорт ва алоқа	7	-	-	1	6
Қурилиш	26	1	1	1	24
Савдо ва умумий овқатланиш	154	-	-	17	136
Бошқа соҳаларда	261	99	99	32	130

Нуробод туманида ижтимоий соҳа объектлари сони 2015 йил 1 январь ҳолатига

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори (2014 йил)
I. Халқ таълими		
1. Мактабгача таълим муассасалари сони	бирлик	5
2. Умумтаълим мактаблари	бирлик	76
II. Урта-махсус таълим		
1. Касб-хунар коллежлари	бирлик	7
III. Соғлиқни сақлаш		
Стационар шифохоналар сони	бирлик	2
КВЛлар сони	бирлик	20
IV. Болалар спорти ва мусиқа мактаблари		
Болалар спорти объектлари	сон	2
Мусиқа мактаблари	сон	1

Нуробод туман статистика бўлими бошлиғи М.Тураев

“Ўзархив” агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевнинг 2015 йил 21 сентябрдаги Самарқанд вилояти ҳоқими З.Мирзаевга ёзган №01-26/824-сонли хати

Сизнинг 04.09.2015 йилдаги №04/1-726-сонли хатингизга.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани давлат архиви ташкил этиш учун қуйидагиларни:

Нуробод тумани айрим аҳоли пунктлари Самарқанд, Оқтош, Жума шаҳарларида жойлашган давлат архивларидан 100-150 км масофада узоқлигини;

туманда жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларнинг 8370 дан ортиқ сақлов бирлигидаги ҳужжатлари Пасдарғом туман давлат архивида сақланаётганлигини;

туманда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 21 тасида идоравий сақлов муддати ўтган 3351 сақлов бирлигида ҳужжатлар мавжудлигини;

туманда 2015 йил 1 январь ҳолатида 1636 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритаётганлиги;

Туман аҳолисининг архивга қатнашда қийинчиликларга учраётганлигини ва келгусида туман аҳолиси ҳамда корхона ташкилот ва муассасалари учун архив хизматларидан фойдаланишда қулай шароитлар ташкил этилишини инобатга олиб, Самарқанд вилоят Нуробод туманида давлат архиви ташкил этиш учун Молия вазирлигининг ўрнатилган тартибда розилигини олгандан сўнг мазкур туманда давлат архивини белгиланган тартибда ташкил этиш мумкин.

Бош директор А.Х.Абдуллаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив”
агентлигининг 2015 йил 21 сентябрдаги
№01-26/824-сонли хати**

Самарқанд вилояти ҳоқими З.Т.Мирзаевга

Сизнинг 04.09.2015 йилдаги №04/1-726-сонли хатингизга

Ҳурматли Зойир Тоирович!

Самарқанд вилояти Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисидаги Самарқанд вилояти ҳоқимининг қарори лойиҳаси «Ўзархив» агентлиги томонидан келишилиб юборилмоқда.

Илова: 1 varaқ.

Бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарова

**Жом қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2015 йил 21 сентябрда
Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Азимов Р.С. ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги
бош директори Абдуллаев А.Х.га ёзилган №37-сонли хати**

2015 йил 25 август №ЖК/12-06-14/1309-сонли «Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш ҳақида»ги жавоб хатингизга

Самарқанд вилояти Нуробод тумани 1975 йилда вилоятнинг Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинганлиги, бугунгача туманда давлат архиви йўқлиги туфайли фуқароларнинг Самарқанд, Оқтош, Жума шаҳарчаларида жойлашган давлат архивларига 100-150 км масофадан қатнашида жиддий қийинчиликлар содир бўлаётгани сабабли Нуробод тумани марказида давлат архивини ташкил қилишни сўраб, жамоавий мурожаат қилинган эди. Ана шу мурожаатга берилган жавоб хатида Молия вазирлиги Самарқанд вилояти ҳоқимлигига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига мурожаат қилишни маълум қилган. Юқоридаги талабдан келиб чиқиб, Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш ҳақида мурожаат қилинган ва ташкилотларнинг хулосалари асосланган хатлар илова қилинади;

1. «Ўзархив агентлиги» бош директори Абдуллаев А.Х. номига қилинган

жамоавий мурожаат;

2. Нуробод туман ҳоқимлигининг 2015 йил 10 августдаги №01-2/5-477-сонли вилоят ҳоқимлиги номига ёзилган хати;

3. Нуробод туман ҳоқимлигининг Самарқанд вилояти Архив ишлари Бошқармасига берган 2015 йил 15 августдаги №01-2/5-491-сонли хати;

4. Самарқанд вилоят Архив ишлари Бошқармасининг «Ўзархив» агентлиги Бош директори Абдуллаев А.Х. номига юборилган №01-01/-102-сонли 2015 йил 17 августдаги хати;

5. Нуробод туман Статистика бўлимининг 2015 йил 1 январь ҳолатига туманда рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотномаси;

6. Самарқанд вилояти Архив ишлари Бошқармасига Пастдарғом туман давлат архивида Нуробод тумани ташкилот ва корхоналарнинг сақланаётган ҳужжатлари тўғрисидаги 2015 йил 17 сентябрдаги №7-сонли хати;

7. Янги ташкил қилинадиган Нуробод туман давлат архивининг шахсий таркиб харажатлари тўғрисидаги тахминий маълумотномаси;

8. Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисида вилоят архив ишлари бошқармасининг вилоят ҳоқимлигига тақдим қилган №01-01/425-сонли 2015 йил 2 сентябрдаги хати;

9. Самарқанд вилоят ҳоқимлигининг Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш тўғрисида «Ўзархив» агентлиги бош директори номига юборилган 2015 йил 4 сентябрдаги №04/1-726-сонли хати ва қарор лойиҳаси;

10. Нуробод туманида 2015 йил 1 сентябргача давлат архивига мавжуд ҳужжатларини топширмасдан ўзида сақлаб келаётган 21 та корхона ва ташкилотлардаги сақланаётган 3351 та (СБ) ҳужжатлар сони тўғрисидаги маълумотномалари;

11. «Ўзархив» агентлигининг Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш ҳақидаги 2015 йил 24 августдаги №01-24/728-сонли хати;

12. Нуробод тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг «Ўзархив» агентлигига 2015 йил 17 августдаги №ХЖ/30-01-643-сонли билдириш хати.

Ҳурматли Рустам Содиқович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли қарори билан тасдиқланган «Низом»нинг 9-бандига ҳамда тақдим қилинаётган ҳужжатларга асосан Самарқанд вилояти Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилишга розилик берасиз деган умиддамиз.

Илова қилинган ҳужжатлар сони 29 (йигирма тўққиз) та.

Сизга ҳурмат билан жамоавий мурожаат қилган фуқаролар йиғинлари номидан **Жамоатчилик вакили Э.Раҳимов, Жом ҚФЙ раиси У.Аҳмедов**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигининг 2015 йил 2 октябрдаги №01-26/864-сонли хати**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини жамоатчилик вакили Э.Раҳимовга.

«Ўзархив» агентлиги Сизнинг Самарқанд вилояти Нуробод туманида туман давлат архивини ташкил этиш тўғрисидаги мурожаатингизни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, ушбу юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимининг «Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори келишилиб, 21.09.2015 йил №01-26/824-сонли алоқа хати билан Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилганлигини маълум қилади.

Илова: 2 в.

Бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарова
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигига**

Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига
2015 йил 7 октябрдаги
№ЖҚ/32-16-4/1525-сонли хатингизга

Самарқанд вилояти Нуробод тумани аҳолиси номидан
Жом қишлоғида яшовчи жамоатчилик вакили
Раҳимов Эштурди томонидан учинчи такрорий
МУРОЖААТ

Нуробод тумани 1975 йил ноябрь ойида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган бўлиб, туман аҳолисига бугунги кунга қадар Самарқанд, Оқтош, Каттақўрғон ва Жума шаҳарчаларида (оралиқ масофа ўртача 100-150 км.ни ташкил қилади) жойлашган давлат ва шахсий таркиб ҳужжатлари архивларидан фойдаланилиб келинмоқда.

Юқоридаги қийинчиликлар бартараф қилиш мақсадида архивга алоқадор вилоят ва Республика тасарруфидаги ташкилотларга 2012 йилдан буён мурожаат қилиб келинмоқда.

Нуробод туман ҳокимлигининг 2015 йил 7 августдаги №01-215-471-сонли, 2015 йил 15 августдаги №01-2/5-491-сонли хатларида вилоят Архив ишлари бошқармасига, 2015 йил 10 августдаги №01-2/5-477-сонли хатида вилоят ҳокимлигига;

Вилоят архив ишлари бошқармаси 2015 йил 7 августдаги №01-01-102-сонли хатида «Ўзархив» агентлигига Нуробод тумани ҳудудида фаолият кўрсатувчи 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини 2015 йил 12 августдаги жамоавий мурожаати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва «Ўзархив» агентликларига мурожаат қилинди.

Юқоридаги хатлар ва жамоавий мурожаатга асосан Республика Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров имзоси билан) 2015 йил 25 августда №ЖҚ/12-06-14/1309-сонли жавоб хатида:

1. Вилоят молия бошқармаси Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш ҳақида 2016 йил учун таклиф берилмаганлигини, шу сабабли бу соҳада маблағ ажратилмаслигини;

2. Нуробод туманида давлат архивини ташкил йилиш қай даражада долзарблигини асослаб берилишини, умуман давлат архивини ташкил қилиш учун талаб мавжудлиги юзасидан аниқ маълумотлар (Нуробод туманига тегишли бўлган архив ҳужжатлари сони) ва архивни ташкил қилиш, сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китоби тақдим қилиниши;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги ПК-209-сонли қарорида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари чекланган сони белгиланганлиги кўрсатилган.

Хатга асосан:

1. Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш учун мавжуд бино расми, Нуробод туман ҳокимлигининг 2015 йил 15 августдаги №01-2/5-49 сонли вилоят Архив ишлари бошқармасига юборган хати;

2. Вилоят Архив ишлари бошқармасининг «Ўзархив» агентлигига юборган 2015 йил 17 августдаги №01-01-102 сонли хати;

3. Нуробод туман ҳокимлигининг Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва Архив ишлари бошқармасига юборган 2015 йил 17 октябрдаги №01 -2/5-590-сонли хати.

4. Нуробод тумани ҳисобидаги бугунги кунда Пастдарғом туман давлат архивида 8371та сақлов бирлиги (2015 йил 17 сентябрдаги №7-сонли маълумотнома), тумандаги 21ташкилотларнинг ўзида 3351та сақлов бирлиги архивларга топширилмасдан турганлиги (маълумотномаларга асосан) тўғрисидаги маълумотлар жамоавий мурожаат қилувчи фуқаролар йиғини номидан Жом ҚФЙнинг 2015 йил 21 сентябрдаги №37-сонли хати билан 12 бандда 29 (йигирма тўққиз)та ҳужжатлар 2015 йил 22 сентбрда топширилган эди.

Шу жавоб хатга асосан Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрь №ЖҚ/12-06-14/1525 ва «Ўзархив» агентлигининг 2015 йил 2 октябрь №01-26/864-сонли хатларига асосан қуйидагиларни маълум киламиз:

1. Нуробод туманида давлат архивини ташкил этиш қанчалар долзарблиги тўғрисида 2015 йил 22 сентябрда ЖОМ ҚФЙнинг 2015 йил 21 сентябрдаги №37-сонли хатида илова қилинган ҳужжатлар ўз аксини топган.

2. Бугунги кунда Нуробод туманига тегишли бўлган 8371 та сақлов бирлиги Пастдарғом давлат архивида (2015 йил 17 сентябрдаги №7-сонли маълумотнома) Пастдарғом туман идоралараро шахсий архивида 2015 йил 21 сентбрга 21 та ташкилотнинг 3139 та сақлов бирлиги (2015 йил 21 сентябрдаги маълумотнома илова қилинади) давлат ёки шахсий архивларга топширилмаган 22 та ташкилотнинг ўзида 3534 та сақлов бирлиги ва 1 та ташкилотда 55 та китоб сақланаётганлиги (2015 йил 21 сентябрдаги №790-сонли маълумотнома);

3. Нуробод туман ҳоқимлигининг 2015 йил 17 октябрдаги №01-2/5-590-сонли вилоят ҳоқимлигига ва вилоят Архив ишлари бошқармасига юборган хати;

4. Вилоят Архив ишлари бошқармасининг 2015 йил 16 ноябрдаги №01-01/573-сонли Нуробод туманида давлат архивини очиш бўйича харажатлар суммаси тўғрисидаги хати;

5. Давлат архиви учун ажратилган бинонинг техник хулосаси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши» тўғрисидаги Қонуни ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 5 апрелдаги №101-сонли Қарори асосида Нуробод туманида давлат архивини очишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

**Сизга ҳурмат билан жамоатчилик вакили
Эштурди Рахимов**

Нуробод туман ҳоқимининг Самарқанд вилояти ҳоқими

З.Т.Мирзаевга 2015 йил 17 октябрдаги

№01-2/5-590-сонли хати

Нусхаси: Самарқанд вилоят Архив ишлари бошқармаси бошлиғи

А.Маматовга

Нуробод тумани 1975 йил 26 ноябрда Самарқанд вилоятида Каттақўрғон, Нарпай ҳамда Пастдарғом туманларининг бир қанча аҳоли пунктларини бирлаштириш йўли билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар аҳолининг давлат архиви маълумотларидан фойдаланиш Самарқанд, Оқтош ва Жума шаҳридаги давлат ҳамда хўжалик ҳисобидаги архивлари зиммасига юклатилган. Биргина Пастдарғом тумани давлат архиви Сазаған қишлоғидан 60 км, Жом қишлоғидан 80 км, Тутли, Жарқудуқ, Ҳазармали, Олға қишлоқларидан 200 км ва ундан ортиқ масофаларда жойлашганлиги аҳолининг пенсия даврига чиқишда талаб этиладиган архив ҳужжатларини топишда, тумандаги 1636та хўжалик субъектларининг архив ҳужжатларини сақлашда, топширишда ва архив хизматларидан фойдаланишда ортиқча оворагарчиликлар юзага келиб фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда биргина Пастдарғом туманидаги давлат архивида 8371та ҳужжатлар сақланмоқда. Тумандаги 21та хўжалик юритувчи субъектларда 3351та ҳужжатлар йиғма жилдлари архив сақловига топширилмасдан келинмоқда.

Ҳурматли Зойир Тоирович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли қарорига асосан Нуробод туманида давлат архивини ташкил этишни Давлат манзилли дастурига киритиш масаласида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

Нуробод тумани ҳоқимлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли қарорининг 3-бўлими

3-параграфи 14-, 15-бандларида кўрсатилган талабларни бажарилишини Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг маҳаллий ҳоқимиятлар ваколатлари доирасида таъминлашни ўз зиммасига олади.

Нуробод тумани ҳоқими вазифасини бажарувчи Б.Эргашев

**Самарқанд вилояти ҳудудий архив иши бошқармасига 2015 йил 23 октябрда берилган Пастдарғом туман идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивида Нуробод туман ҳудудидаги ташкилотларнинг сақланаётган ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

№	Берилган фонд рақами	Архив номи	Ташкилот номи	Ташкилотнинг аввалги номи	Буйруқлар	Маош китоблари	Шахсий йиғма жилдлар	Бошқа ҳужжатлар	Китоб сони
1	31-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман газлаштириш идораси	Нуробод туман газлаштириш идораси	1990-1993 й	1998-1993 й	-		6
2	32-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман Сарикўл ширкат хўжалиги	Нуробод туман Сарикўл ширкат хўжалиги	-	1994-2002 й	-		13
3	39-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман ижтимоий таъминот	Нуробод туман ижтимоий таъминот	-	1996-2000 й	-		5
4	40-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман «Истиклол» ширкат хўжалиги	Нуробод туман «Истиклол» ширкат хўжалиги	-	1997-2001 й	-		6
5	82-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман «Дон»	Нуробод туман «Дон»	-	1988-2002 й	-		10
6	86-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман кишлок ва сув хўжалиги	Нуробод туман кишлок ва сув хўжалиги	1998-2003 й	1997-2003 й	-	шахсий варақа 1997-2003 й	12
7	103-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман Амир Темур номли ширкат хўжалик	Нуробод туман «Москва» совхоз	1982-1996 й	1982-2003 й	-		84
8	164-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман СПТУ-214	Нуробод туман СПТУ-214	-	-	-	тарификация 1977-1984 й	7
9	230-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман «Тим» кишлок фуқаролар йиғини	Нуробод туман «Тим» кишлок фуқаролар йиғини	-	-	-	хўжалик китоб 1967-1990 й	139
10	231-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман «Ўзбекистон» кишлок фуқаролар йиғини	Нуробод туман «Ўзбекистон» кишлок фуқаролар йиғини	-	1965-1994 й	-	хўжалик китоб 1971-1990 й	172

11	232-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман “Жом” фуқаролар йиғини	Нуробод туман “Жом” фуқаролар йиғини	-	1978-1994 й	-	хўжалик китоб 1930-1990 й	106
12	233-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман «Жарқудук» кишлоқ фуқаролар йиғини	Нуробод туман «Жарқудук» кишлоқ фуқаролар йиғини	-		-	хўжалик китоб 1974-1990 й	70
13	234-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман “Нагорни” кишлоқ фуқаролар йиғини	Нуробод туман “Нагорни” кишлоқ фуқаролар йиғини	-	1985-1994 й	-	хўжалик китоб	42
14	235-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман шаҳар кенгаши кишлоқ фуқаролар йиғини	Нуробод туман шаҳар кенгаши кишлоқ фуқаролар йиғини	-	1984-1994 й	-		18
15	258-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман “Жом” кооперативи	Нуробод туман “Жом” кооперативи	-	1988-1993 й	-		42
16	259-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман “Улус” совхози	Нуробод туман “Улус” совхози	1941-2005 й	1941-2005 й	-		477
17	260-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман “Олга” ширкат хўжалиги	Нуробод туман “Олга” ширкат хўжалиги	-	1992-2008 й	-		100
18	261-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман Халқ таълими бўлими	Нуробод туман Халқ таълими бўлими	1974-2005 й	1974-2009 й	-		1822
19	328-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман бўрдоқчилик хўжалиги	Нуробод туман бўрдоқчилик хўжалиги	-	1983-1991 й	-		3
20	430-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман маърифатпарвар уюшмаси	Нуробод туман маърифатпарвар уюшмаси	-	2006-2009 й	-		3
21	457-фонд	Пастдарғом туман ИХХШТХ	Нуробод туман ХТБга қарашли фахрийлар уюшмаси	Нуробод туман ХТБга қарашли фахрийлар уюшмаси	-	2006-2008 й	-		2

Архив директори Б.Турсунова, фонд сақловчи Ш.Мусурманова

**Нуробод туман бюджет ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари
архиви**

№	Таркибий бўлиmlарнинг номланиши ва лавозимлар номи	Штаг бирлиги	Разряд	Тариф коэффи-циенти	Лавозим оклади	Устама ва қўшимчалар	Жами ойлик иш ҳақи	Изоҳ
1	Директор	1	9	4,997	591645			
2	Ҳисобчи	1	7	4,284	507226			
3	1-даражали архивчи	1	7	4,284	507226			
4	Фонд сакловчи	1	5	3,612	427661			
5	Қоровул	1	1	2,476	293158			
	Жами	5			2326916			

Ўзбекистон Республикаси «СВП Маскан» МЧЖ

2015 йил 11 ноябрда Нуробод шаҳрида танланган бир қаватли иморатнинг техник ҳолатини ўрганиб ундан архив сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берган.

Директор В.Ф.Усмонов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив”
агентлиги Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 2015
йил 16 ноябрдаги
№01-01/513-сонли хати**

“Ўзархив” агентлиги Бош директори ўринбосари Д.Л.Кўчаровага

Сизнинг 2015 йил 13 октябрдаги

№01-27/891-сонли хатингизга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги №ЖК/12-06-14/1525-сонли хати вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Хатда Нуробод туман давлат архивини ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китоблари ва уларни қоплаш манбалари тўғрисида маълумот ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши таклиф этилган.

Ўрганишлар натижасига асосан вилоятдаги давлат архивларидан (уларнинг сони 7 та) очилиши кутилаётган Нуробод туман давлат архиви учун штат бирлиги ажратишнинг имкони йўқ. Чунки ушбу архивларнинг ўзлари учун ҳам қўшимча

штат бирликларига эҳтиёж мавжуд.

Архив учун ажратилган бинони жиҳозлаш Нуробод туман ҳоқимлиги томонидан кафолатланган.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг «Ўзархив» агентлиги (А.Абдуллаев)га йўллаган 2015 йил 20 ноябрдаги №18-8-8/22444-сонли хати

Сизга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимов томонидан Вазирлар Маҳкамасига йўлланган мурожаат юборилмоқда.

Мазкур мурожаатни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, натижаси бўйича муаллифга жавоб ва Департаментга ахборот беришингизни сўрайман.

Муддат – 2015 йил 7 декабрь.

Мудир Ш.Садиков

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони
2015 йил 20 ноябрдаги №05/2/P-66501-сонли телеграммаси**

“Ўзархив” агентлигига

Сизга Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ёзган хатини (телеграммасини) кўриб чиқиш учун юбораяпмиз.

Натижасини хат (телеграмма) муаллифига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълум қилишингизни сўраймиз. (Муаллифнинг хати жавоб билан бирга қўшиб қайтарилади).

Илова 54 varaқда.

Муддати 2015 йил 7 декабргача.

Бош консультант Д.Асамов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг
почта varaқаси**

Манзил:100163. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 43.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг девони.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи Э.Раҳимовга. Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига юборган 2015 йил 20 сентябрдаги №P-66501-сонли хатингиз кўриб чиқиш учун «Ўзархив» агентлигига юборилиб, натижасини Сизга маълум қилишини сўрадик.

Бош консультант

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 23
ноябрдаги Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида
яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган
№ЖҚ12-06-14/1788-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сизнинг 2015 йил 18 ноябрдаги мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Мурожаатингизда кўтарилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги №ЖҚ12-06-14/1525-сонли хати йўлланган.

Мазкур хатда тегишли эксперт-текширув комиссияси томонидан архивларни ташкил этиш ва фаолият юритишига қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилиши ҳамда ўрганиш натижаларига асосан эксперт-текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ушбу архивни ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши тақлиф этилаётган Нуробод тумани давлат архиви бошқарув ходимлари сонини шакллантириш бўйича тегишли маълумот ва тақлифларни кўриб чиқиш учун киритилиши сўралган.

Ушбу муносабат билан Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан мазкур масала юзасидан тегишли хулосаси киритилгандан сўнг кўриб чиқилишини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги
№01-24/1045-сонли хати**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Эштурди Раҳимовга

Сизнинг мурожаатингиз ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, Самарқанд вилояти Нуробод туманида келгусида давлат архивини ташкил этиш юзасидан Самарқанд вилояти архив иши бошқармасига 2016 йил бошидан Самарқанд вилояти Пастдарғом туман давлат архивининг Самарқанд вилояти Нуробод туманида филиалини ташкил қилиш ва 2017 йилда Нуробод туманида давлат архиви ташкил қилиш ва уни сақлаш бўйича 2017 йил учун бюджет лойиҳасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тақлиф киритиши бўйича топшириқ берилганлигини ва ушбу бўйича назорат ўрнатилганлигини маълум қиламиз.

Бош директор А.Х.Абдуллаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги №01-24/1044-сонли хати
Тезкор назорат**

**Самарқанд вилояти Архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
А.Маматовга**

“Ўзархив” агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан келиб тушган фуқаро Э.Раҳимовнинг мурожаатини пухта ўрганиб чиқиб 2016 йил бошидан Самарқанд вилояти Пастдарғом туман давлат архивининг Самарқанд вилояти Нуробод туманида филиалини ташкил қилиш чораларини кўришингизни ва 2017 йилда Нуробод туманида давлат архиви ташкил қилиш ва уни сақлаш бўйича 2017 йил бюджет лойиҳасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда таклиф киритишингизни ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан агентликка тегишли маълумот киритишингизни сўраймиз.

Илова 4 varaқ.

Бош директор А.Х.Абдуллаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот
тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Ахборот-таҳлил
Департаментининг 2015 йил 20 ноябрдаги №18-8-8/22444-сонли хати**

“Ўзархив” агентлиги А.Абдуллаевга

Сизга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимов томонидан Вазирлар Маҳкамасига йўлланган мурожаат юборилмоқда.

Мазкур мурожаатни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, натижаси бўйича муаллифга жавоб ва Департаментга ахборот беришингизни сўрайман.

Муддат – 2015 йил 7 декабрь.

**Мудир Ш.Садиков
“Тасдиқлайман”**

**№04/2-1864 Самарқанд вилоят
25.12. 2015 й. ҳокими З.Т.Мирзаев
2015 йил 25 декабрь**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектор
йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашга
қаратилган чора-тадбирлар**

Т/р	Тадбир	Ижро муддати	Молиялаштириш маблаглари	Масъуллар
16.	Нуробод туманида Пастдарғом тумани давлат архивининг филиалини ташкил этиш мақсадида вилоят архив иши бошқармаси, вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси ва	2016 йил 1 чорак	Маҳаллий бюджетдан, ҳомий ва бошқа манбалар ҳисобидан	Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси (А.Маматов), вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Каримов), Нуробод туман ҳокимлиги (Б.Эргашев)
16.	Нуробод тумани ҳокимлиги билан биргаликда туман архив филиалини бино билан таъминлаш ва жиҳозлаш учун маблағ манбалари бўйича таклиф киритиш			

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Худжаёров
Вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маматов**

Изоҳ: тадбирнинг Нуробод туманига тегишли қисми олинди.

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг вилоят
ҳокимлигига, вилоят архив иши ҳудудий бошқармасига ёзган 2016 йил 4
январдаги №01-2/5-1-сонли хати**

Вилоят ҳокимининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли чора-тадбирлар режасининг 16-бандида кўрсатиб ўтилган Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиш юзасидан туман ҳокимлиги бино билан таъминлашни маълум қилади.

Туман ҳокими в.б. Б.Эргашев

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг Нуробод туманида
Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиш
тўғрисидаги 2016 йил 25 январдаги №32-Қ-сонли қарори**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги 2015 йил 25 ноябрдаги №01-24/1045-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектор йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, туманда аҳолига архив хизмати кўрсатишни ташкил этиш, архив ҳужжатларини амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ

жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига асосланиб

Қарор қиламан:

1. Туман аҳолисининг талабларини инобатга олган ҳолда аҳолига архив хизмати кўрсатишни ташкил этиш, архив ҳужжатларини амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида туманда Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этишга розилик берилсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Б.Джураевга ташкил этиладиган архив филиалини бино ва мавжуд меъёрлар асосида техник жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

3. Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маматовдан Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиалини малакали мутахассислар билан таъминлаш сўралсин.

4. Мазкур қарор тасдиғи Самарқанд вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

5. Ушбу қарор ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Б.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б.Б.Эргашев

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг вилоят ҳокими
З.Т.Мирзаевга 2016 йил 28 январда ёзган №01-2/5-41-сонли хати**

Хурматли Зойир Тойирович!

Нуробод туман ҳокимлиги Сиздан Нуробод туман ҳокимининг 2016 йил 25 январдаги №32-Қ-сонли «Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини тасдиқлаб беришингизни сўрайди.

Илова 1 варақ.

Туман ҳокими в.б.Б.Эргашев

**«Ўзархив» агентлиги бош директори А.Х.Абдуллаевга, Ўзбекистон
Республикаси Молия вазири Р.С.Азимовга
2016 йил 1 февралда ёзилган тўртинчи мурожаат хати**

Нуробод тумани 1975 йил ноябрь ойида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи туманларининг бир қатор тоғ ва чўл ҳудудларида жойлашган аҳоли масканларини бирлаштириш орқали ташкил қилинган.

Туман аҳолиси бугунга қадар Самарқанд, Оқтош, Каттақўрғон, Ургут ва Жума шаҳарларида (оралиқ масофа 100-150 км.ни ташкил қилади) жойлашган давлат, шахсий таркиб ҳужжатлари ва ташкилотлардан архив ҳужжатларини олиш учун қатнашмоқда.

Ушбу қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида архивга алоқадор бўлган вилоят, республика тасарруфидаги ташкилотларга 2012 йилдан буён мурожаат қилиб келинмоқда. Биргина 2015 йил давомида «Ўзархив» агентлигига ва

Молия вазирлигига 4 марта, Республика Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига 1 мартадан мурожаат қилинди.

Мурожаатларга «Ўзархив» агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги №01-24-1045-сонли хатида Нуробод туманида 2016 йил Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил қилиши, 2017 йилдан Нуробод туманида давлат архивини ташкил қилиш ва уни сақлаш бўйича тегишли ташкилотларга 2017 йил учун бюджет лойиҳасига таклиф киритиш топшириқлари берилгани маълум қилинган.

Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил қилиш бўйича 2015 йил 25 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектор йиғилиши топшириқларини бажариш юзасидан вилоят ҳокимлигининг чора-тадбирлари ишлаб чиқилган (№04/2-1864-сонли баённома).

Чора-тадбирга асосан Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиали очиш учун туман ҳокимлиги бино ва тегишли усқунлар билан таъминлаши, штат масаласини ҳал қилиш молия бошқармаси ва архив иши бошқармасига юклатилган. Нуробод туман ҳокимлиги 2016 йил 4 январь №01-2/5-4-сонли хатида бино билан таъминлаш ҳақида вилоят ҳокимлиги ва архив иши бошқармасига маълум қилган (бино тўлиқ экспертизадан ўтказилган, яроқлилиги тўғрисида хулоса берилган).

Вилоят архив иши бошқармаси 2015 йил 16 ноябрдаги №01-01/513-сонли «Ўзархив» агентлигига йўллаган хатида бошқармага қарашли архивларнинг ўзида қўшимча штатга эҳтиёж мавжудлиги туфайли Нуробод туманида очилиши режалаштирилган Пастдарғом туман давлат архиви филиали учун штат бирлиги ажратишнинг иложи йўқлиги маълум қилинган.

Вилоят молия бошқармаси (бошлиқ ўринбосари И.А.Ахтамов, бюджетни жамлаш бўлими ходими А.Ҳасанов) Республика Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги ПҚ-2901-сонли қарорига асосан, бюджетдан маблағ ажратилмаслигини маълум қилган (2016 йил 15 январь, 2016 йил 20 январь).

Ҳурматли раҳбарлар!

Нуробод туман аҳолиси қачон мустақил давлат архивини туман марказида ташкил қилинганлигини эшитиб, қийинчиликлардан холи бўлади? Акс ҳолда энди қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш керак деган саволга жавоб беришларингизни сўраймиз.

Нуробод туман аҳолиси номидан жамоатчилик вакили, Жом қишлоқ фуқароси Э.Раҳимов

Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий бошқармасининг вилоят ҳокимлиги молия бошқармасининг бошлиғи А.Каримовга 2016 йил 4 февралда йўллаган №01-01/62-сонли хати

Вилоят ҳокимининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектор йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси»нинг 10-бандига мувофиқ жорий йилнинг биринчи чорагида Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиали очилиши белгиланган. Мазкур чора-тадбир режасига асосан Нуробод туман ҳокимлиги томонидан филиалга бино ажратилиб, бинонинг яроқлилиги бўйича тегишли идоралардан экспертиза хулосалари олинган. Шунингдек, бинони мавжуд меъёрлар асосида техник жиҳозлаш бўйича ҳам туман ҳокимлиги томонидан ишлар олиб борилмоқда. Лекин ушбу архив филиалини ташкил этиш учун бюджет ҳисобидан штат birlikлари ажратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги №ЖҚ/12-06-14/1525-сонли хатида Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиалини ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китоблари ва уларни қоплаш манбалари тўғрисида маълумот ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши сўралган.

Хат вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилганда, вилоят давлат архивларидан (улар сони 7 та) штат birlikлари олишнинг имони йўқлиги аниқланди. Чунки вилоятдаги давлат архивларининг раҳбарлари уларда сақланаётган ҳужжатлар сони ва иш ҳажми кескин ошганлиги сабабли қўшимча штат сўраб вилоят архив иши ҳудудий бошқармасига ва «Ўзархив» агентлигига мурожаат қилмоқдалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Сиздан жорий йилнинг биринчи чорагида ташкил этилиши режалаштирилган Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиали учун маҳаллий бюджет ҳисобидан тўртта (1-даражали архивчи, архивчи, фонд сақловчи ва қоровул) штат birlikлиги ажратилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Бошқарма бошлиғи А.Маматов

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига, Самарқанд вилоят ҳокимлигига,

Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ 12-03-14/230-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимов Нуробод тумани

давлат архивини ташкил этиш юзасидан мурожаат қилган.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙ раиси Ў.Аҳмедовнинг Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш тўғрисидаги 2015 йил 21 сентябрдаги №37-сонли мурожаати юзасидан Сизга Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги №ЖҚ/12-06-14/1525-сонли хати йўлланган.

Мазкур хатда тегишли эксперт-текширув комиссияси томонидан архивларни ташкил этиш ва фаолият юритишига қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилиши ҳамда ўрганиш натижаларига асосан эксперт-текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ушбу архивни ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ва қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши таклиф этилаётган Нуробод тумани давлат архиви бошқарув ходимлари сонини шакллантириш бўйича тегишли маълумот ва таклифларни кўриб чиқиш учун киритилиши сўралган.

Ушбу муносабат билан юқорида кўрсатилган масала бўйича Молия вазирлигининг фикрини инобатга олган ҳолда келишилган таклиф ишлаб чиқишингизни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасининг 2016 йил
16 февралда вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маматовга
йўллаган №7-8/247-сонли хати**

Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси Сизнинг 2016 йил 4 февралдаги №01-01/62-сонли хатингизни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Хатда келтириб ўтилган Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиали учун маҳаллий бюджетдан қўшимча штат ажратиш имконияти йўқлигини маълум қиламиз.

Бошқарма бошлиғи А.Каримов

**Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигига, Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси
бошлиғи А.Маматовга 2016 йил 24 февралда йўллаган
№01-27/198-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ 12-06-14/230-сонли хатига асосан Самарқанд вилояти Нуробод туманида давлат архивини очиш масаласида тегишли эксперт-текширув комиссияси томонидан архивларни ташкил этиш ва фаолият юритишига йўл қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда Нуробод тумани давлат архивини ташкил этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилиши ҳамда ўрганиш натижаларига

асосан эксперт-текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ушбу архивни ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ва қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши таклиф этилаётган Нуробод тумани давлат архиви бошқарув ходимлари сонини шакллантириш бўйича тегишли маълумот ва таклифларни кўриб чиқиш учун киритилиши сўралган.

«Ўзархив» агентлиги томонидан Самарқанд вилояти Нуробод туманида давлат архивини очиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиали очилиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олиб, вилоят архиви муассасаларидан 2та штат бирлиги ажратилишини ҳамда сўралган барча маълумотларни агентликка жорий йил 30 мартга қадар киритишингиз сўралади.

Илова 1 варақ.

Бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарова

**Нуробод туман ҳокимлигининг Самарқанд вилоят архив иши
ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маматовга 2016 йил
26 февралда йўллаган хати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги №01-27/198-сонли хатида Нуробод туманида давлат архивини очиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиалининг ташкил этилиши билан вилоят архив муассасаларидан 2та штат бирлиги ажратилишини ҳамда сўралган барча маълумотларни агентликка жорий йилнинг 30 мартига қадар киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ12-06-14/230-сонли «Ўзархив» агентлигига, Самарқанд вилоят ҳокимлигига, нухаси: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган хатида Нуробод туман давлат архивини ташкил этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилиши ҳамда ўрганиш натижаларига асосан эксперт-текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ушбу архивни ташкил этиш ва сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши сўралган.

Ушбу муносабат билан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Архив иши учун ажратилган бино тўлиқ экспертизадан ўтказилиб яроқли деб топилган.

Бино 6 хонадан иборат бўлиб, 3та хона ҳужжатларни сақлаш, 1 таси бошқарув ходимлари учун, 2 таси фуқаролар учун мўлжалланган.

Бинони инвентарлар билан жиҳозлаш учун: металл стеллажлар 10 дона, талаб этиладиган маблағ – 5,5 млн сўм.

Бинони жорий таъмирлаш учун 3,0 млн сўм. Жиҳозлаш учун 6 дона стол, 30 дона стул 5,0 млн сўм, 2 комплект компьютер учун 5,0 млн сўм, жами талаб этиладиган маблағ 18,5 млн сўмни ташкил этишини маълум қиламиз.

Нуробод туман иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи Ш.Абдурахмонов
Нуробод туман ҳокимлиги Молия бўлими бошлиғи Р.Ибрагимов
Нуробод туман бош архитектори Ж.Абдуллаев

Нуробод тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартда Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга йўллаган №01-2/5-126-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги №01-27/198-сонли хатида Нуробод туманида давлат архивини очиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиалининг ташкил этилиши билан вилоят архив муассасаларидан 2 та штат бирлиги ажратилишини ҳамда сўралган барча маълумотларни агентликка жорий йилнинг 30 мартига қадар киритилиши белгиланган.

Ташкил этилаётган архив филиалига ажратилаётган бинони мослаштириб таъмирлаш ҳамда зарурий бирламчи идора жиҳозлари билан таъминлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ талаб этилади.

Туман маҳаллий бюджетидан бинони мослаштириб таъмирлаш ҳамда зарурий бирламчи идора жиҳозлари билан таъминлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратиш имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, мазкур маблағни тегишли тартибда ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман

Туман ҳокими в.б.Б.Эргашев

Нуробод тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартда Самарқанд вилояти «Архив» ишлари бошқармаси бошлиғи А.Махманазаровга йўллаган №01-2/5-127-сонли хати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги №01-27/198-сонли хатида Нуробод туманида давлат архивини очиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиалининг очилиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олиб вилоят архив муассасаларидан 2 та штат бирлиги ажратилишини ҳамда сўралган барча маълумотларни агентликка жорий йилнинг 30 мартига қадар киритилиши белгиланган.

Нуробод тумани ҳокимлиги ташкил этилаётган архив филиалига бир штат бирлигида қоровуллик билан таъминлашни кафолатлайди.

Туман ҳокими в.б.Б.Эргашев

**“Тасдиқлайман” Самарқанд вилояти
архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
А.Маманазаров 2016 йил 15 март**

**Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси
эксперт текширув комиссиясининг №5-сонли
БАЁНИ**

2016 йил 15 март. Самарқанд шаҳри.

Қатнашдилар: Д.Қодиров – ЭТК раиси, С.Асадова – ЭТК котибаси. ЭТК аъзолари: С.Тўраева, Р.Мансурова, С.Мустафаева.

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ12-03-14/230-сонли ва «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги №01-27/198-сонли хатлари асосида Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиалини ташкил этиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича бошқарма бош мутахассиси М.Дўстмуродов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ12-03-14/230-сонли ва «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги №01-27/198-сонли хатларида Пастдарғом тумани давлат архивининг Нуробод туман филиалини ташкил этиш масаласини атрофлича ўрганиб чиқиш ҳамда ўрганиш натижаларига асосан бошқарманинг эксперт текширув комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ушбу филиални ташкил этиш ва ҳужжатларни сақлаш бўйича харажатларнинг асосланган ҳисоб-китобларини ва уларни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотни ҳамда қайси давлат архивларидаги мавжуд бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш эвазига ташкил этилиши сўралган.

Ушбу масала бўйича Нуробод тумани ҳоқимлиги молия ва иқтисодиёт бўлими ҳамда туман бош архитекторининг филиал биноси ва уни жиҳозлаш бўйича ҳисоб-китоблари ўқиб эшиттирилди. Жумладан, филиал учун ажратилган бино 6 та хонадан иборат бўлиб, «СВП Маскан» МЧЖ томонидан экспертизадан ўтказилганлиги, бинони жорий таъмирлаш учун 3 млн. сўм маблағ талаб қилиниши ва бино архив учун яроқли деб топилганлиги, бинони жиҳозлаш учун 6 дона стол, 30 та стул ва компьютер жиҳозлари ҳамда 10 дона темир жавон ўрнатиш лозимлигини ва ушбу ишлар учун жами 20,0 млн. сўм талаб қилиниши кўрсатиб ўтилганлигини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, М.Дўстмуродов филиал учун Самарқанд тумани ва Каттақўрғон шаҳар давлат архивларидан биттадан штат бирликларини олиб Пастдарғом тумани давлат архивига бериш бўйича мазкур давлат архивлари директорларининг розилиги олинганлигини алоҳида қайд этди.

Билдирилган фикр ва таклифлар асосида вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг эксперт текширув комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги №ЖҚ12-03-14/230-сонли ва «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 24 февралдаги

№01-27/198-сонли хатларига асосан Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Нуробод тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартдаги №01-2/5-126-сонли вилоят ҳокими номига филиал биносини мослаштириб таъмирлаш ва зарурий бирламчи идора жиҳозлари билан таъмирлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ талаб этилиши тўғрисидаги ёзган хати маълумот учун қабул қилинсин.

3. Самарқанд тумани ва Каттакўрғон шаҳар давлат архивларидан биттадан штат бирликлари олиб Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод туман филиали учун бериш вилоят ҳокимлигининг молия бошқармасидан сўралсин.

4. Нуробод туман ҳокимлигидан туманда очиладиган Пастдарғом туман давлат архивининг филиали учун битта штат бирлигидаги қоровул штати ажратишга амалий ёрдам бериши сўралсин.

ЭТК раиси Д.Қодиров, ЭТК котибаси С.Асадова

**Нуробод тумани ҳокимининг 2016 йил 2 апрелда
Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга йўллаган**

№01-2/5-165-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Нуробод тумани ҳокимияти ва унинг қошида ташкил этилган «Ягона Дарча» марказида хизмат кўрсатиш учун қўйилган талабларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек иш фаолиятига қўйилган талаблардан келиб чиқиб бир қанча зарурий харажатлар борлиги аниқланди.

Жумладан, туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш, бинонинг ички электр тармоғини қайта таъмирлаш ва янги электр-щит ўрнатиш, бино ичидаги иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ва ушбу бинодаги бешта хожатхонани ҳамда канализация тизимини тўлиқ жорий таъмирлаш учун 70,0 млн. сўм;

– туман ҳокимлиги веб-сайтини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича 2016 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар манзилли дастури ижросини таъминлаш ва видеоселектор йиғилиши ўтказиш залига кузатув мосламалари ўрнатиш учун 27,1 млн. сўм;

– туман ҳокимлиги биносига мебель ва қаттиқ жиҳозлар олиш учун 15,0 млн. сўм;

– туман ҳокимлигининг фойдаланилган электр энергиядан юзага келган кредиторлик қарздорлигини қоплаш учун 7,6 млн. сўм;

– кўзи ожизлар жамиятига иш ҳақи ва унинг устамаси учун 10,5 млн. сўм;

– «Ягона Дарча» марказининг архив хонасини ташкил этиш, электрон табло ва кузатиш камераси ўрнатиш ҳамда жиҳозлаш учун 16,4 млн. сўм зарур бўлиб, ушбу мақсадлар учун жами 146,6 млн. сўм қўшимча маблағ талаб этилади.

Туман маҳаллий бюджетининг биринчи чорак даромадлар режаси 115,0 млн. сўм ортиғи билан бажарилди. Мазкур маблағни юқорида кўрсатиб ўтилган зарурий тадбирларни амалга ошириш учун туман маҳаллий бюджети ихтиёрида қолдиришда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Нуробод тумани ҳокими в.б. Б.Эргашев

**Самарқанд вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ**

**Нуробод туманида Пастдарғом тумани давлат архивининг филиалини
ташкил этиш тўғрисида**

2016 йил. Самарқанд шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги селектор йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 25 декабрдаги №04/2-1864-сонли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, Нуробод тумани аҳолисига архив хизмати кўрсатишни ташкил этиш, архив ҳужжатларини амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Конунининг 16-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги №101-сонли қарор билан тасдиқланган «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 10-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод туман аҳолисининг талабларини инобатга олган ҳолда архив хизмати кўрсатишни ташкил этиш, архив ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ жамлаш, сифатли сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида туманда Пастдарғом тумани давлат архивининг филиали ташкил этишга розилик берилсин.
2. Нуробод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Эргашевга филиални бино ва мавжуд меъёрлар асосида техник жиҳозлар билан таъминлаш топширилсин.
3. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи А.Каримовга филиал учун маҳаллий бюджет ҳисобидан тўртта штат бирлиги (1-даражали архивчи, архивчи, фонд сақловчи ва қоровул штатлари) ажратиш бўйича вилоят ҳокимлигига жорий йилнинг 25 февралига қадар таклиф киритиш топширилсин.
4. Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маматовга Пастдарғом тумани давлат архивининг Нуробод тумани филиалини малакали мутахассислар билан таъминлаш топширилсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Худжаёров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими З.Мирзаев

**Самарқанд вилоят ҳокимининг 2016 йил 2 апрелдаги
№89-Қ қарори Нуробод тумани ҳокимининг қарорини тасдиқлаш
тўғрисида**

Нуробод тумани ҳокимининг қарорини 2016 йил 25 январдаги «Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги №32-Қ-сонли қарори, вилоят архив иши бошқармасининг 2016 йил 25 мартдаги №01-01/122-сонли хатларини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани ҳокимининг қарорини 2016 йил 25 январдаги «Нуробод туманида Пастдарғом туман давлат архивининг филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги №32-Қ-сонли қарори тасдиқлансин.

2. Вилоят архив иши бошқармаси (А.Маманазаров)га вилоятдаги бошқа давлат архивлари штатларини қисқартириш орқали Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиалини малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Худжаёров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими З.Мирзаев

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив»
агентлигининг 2016 йил 6 июнда Самарқанд вилояти Нуробод туманида
истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган №01-24/534-сонли
хати**

«Ўзархив» агентлиги томонидан Сизнинг мурожаатингиз ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мурожаатда кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги №291-сонли қарори архив фаолиятига дахлдор эмас; агентлик тизимидаги архив муассасалари таркибий тузилмаси (1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган намунавий штатлар ва намунавий тузилма ҳужжати асосан) ўрганиб чиқилиб, сақловида 100 000 сақлов бирлигидан кам бўлган архивларни архив филиали сифатида ташкил этиш белгиланган;

Давлат архивларининг филиаллари давлат архиви билан бир хил функция ва вазифаларни бажаришини ҳамда ҳозирда бошқарув аппаратини кенгайтириш имконияти йўқлигини инобатга олиб, Пастдарғом туман давлат архивининг Нуробод тумани филиалини архив филиали сифатида фаолият юритишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бош директор ўринбосари Д.Л.Кўчарова

ЖОМ ТЕЛЕУЗАТУВ ТАРМОҒИ

Жомнинг тоғли юқори қисмида телекўрсатувлар узатилишининг яхши эмаслигини эътиборга олган Э.Раҳимов 2016 йил 4 апрелда янги телеузатув тармоғини қуриш мақсадида Самарқанд телеузатувлар дирекцияси бошлиғи Фурқат Розиков қабулида бўлди.

Ф.Розиков суҳбатга бош муҳандис Исомиддин Алиқуловни таклиф этиб, телеузатувларни яхшилаш учун яқинда хорижий мамлакатдан янги ускуналар келаётганини, шароитга қараб 7 апрель куни Жомга боришларини айтди.

2016 йил 7 апрель соат 13.00 лар атрофида Жомга келган Ф.Розиков ва И.Алиқулов Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон маҳаллалари фаоллари билан Жомнинг асосий сув манбаи бўлган Қорачоғолни обдон текширишиб, агар антенна тоғнинг устига ўрнатилса, Омондара қишлоғининг бир қисмига телекўрсатувлар етиб бормаслигини айтишиб, тоғнинг ёнбағри тепалигини маъқул топишди ва иморат қурилиши керак бўлган жойни ҳам кўрсатиб, қурилиш иши битса, 2016 йилнинг август, сентябрь ойларида келиб телеузатув ускуналарини ўрнатишларини маълум қилишди. Шундан сўнг уларни Э.Раҳимов билан Турум Хўжақуловлар меҳмон қилишиб кузатишди. Доимий алоқада бўлиб туришга ўзаро келишилди.

2016 йил 5 сентябрда Э.Раҳимов Самарқанд телеузатувлар дирекциясига кириб, бош муҳандис И.Алиқуловдан объектнинг қурилиши ва ўрнатилишига доир лойиҳа ҳужжатларидан нусха олди. Иморат лойиҳага кўра эни 2,40 м, бўйи 2,50 м, баландлиги 2,20 м ўлчамда қуриладиган бўлди.

2016 йил 6 сентябрда Э.Раҳимов Омондара МФЙга Турум Хўжақулов ва уста Турабой Хўжақуловларни таклиф этиб, иморатни қуриш учун керак бўладиган қурилиш материалларини биргаликда аниқлашди.

Иморатни қуриш учун "Зил" юк машинаси, 3 машина харсанг тош, 1 машина қум, 1 тонна цемент, 750 дона блок ғишт, 1 дона темир эшик, 2x1.10 ўлчамдаги 12 метр электр кабелли, диаметри 219 мм бўлган 12 метр узунликдаги труба, атрофни айлантриб ўраш учун 1,5 метр баландликдаги 32 метр сим панжара, уни тортиб ўрнатиш учун 14 дона арматура устунлар, устини ёпиш учун: 3 м узунликдаги 5 та болор, 0,4-0,6 мм ўлчамдаги 10 кг сим, 20 м рейка, 2 дона гипсакартон, 2 кг мих, 7 дона шифер кераклиги маълум бўлди.

2016 йил 7 сентябрь соат 9.00 да Тегирмонбоши маҳалласи фаоллари билан йиғилишиб ишларнинг бир қисми тақсимлаб олинди: Муҳиддин Баратов 10 кг сим, Саид Ҳамдамов 20 м рейка, 2 дона гипсакартон ва 7 дона шиферни, Сиддиқ Маҳкамов билан Юлдош Рисқулов темир эшикни, Мусурмон Султонов 18 м сетка, 1 машина тош ва 1 машина қум келтириб беришни зиммаларига олишди.

Омондара маҳалласи фаоллари қурилиш учун 1 т цемент, 14 та темир устун, 219 мм.лик 12 м труба, 2 машина тош келтириб, Тўрабой Хўжақулов эса дўстлари иштирокида бинони ҳашар йўли билан кўтариб, пардозлаб берадиган бўлишди.

2016 йил 12 сентябрь куни Э.Раҳимов Турум Хўжақулов, Нурали Сафаров,

Исматилло Тангматовлар билан биргаликда Содиқ Муродовникига бориб донасини 1200 сўмдан 330 дона блок ғишт, метри 7 минг сўмдан 14 та устун учун етарли арматура, Аслидин Холмўминовдан 400 минг сўмга 800 кг цемент харид қилишди. Диаметри 219 мм бўлган 12 метр узунликдаги трубани Хусниддин Султонов топиб келадиган бўлди. Қорачоғол тоғидаги қурилиш майдонига Элмурод Бозоров 1 машина қумни, Собир Назаров 1 машина сувни, Кўчар Мирзаев 800 кг цементни, Келдиёр Юсупов билан Илҳом Давроновлар блок ғиштарни чиқариб беришди. 2016 йилнинг 14-16 сентябрь кунлари иморат биноти кўтарилиб, 18 сентябрь куни томи ёпилди, 19 сентябрь куни темир эшик ўрнатилди ва деворларга пардоз берилди.

2016 йил 16 сентябрда Тегирмонбоши маҳалласи аҳолиси номидан Саид Ҳамдамов келиб, бу гузарда олдиндан телеантенна борлиги туфайли, зиммаларига олган қурилиш ашёларини олиб бера олмасликларини маълум қилди.

Э.Раҳимов 2016 йил 22 сентябрь куни Хўжақулов Турумнинг машинасида 500 м 0,4 маркали сим, 10 дона сим боғланадиган устун чойнақлари ва уларни устунларга бураб ўрнатиладиган мосламаларни Самарқанддан олиб келишди. Шу куни Нурали Сувонов Нурмамат Рустамовнинг чорбоғида 3 дона теракни кесиб, пўстлоғини арчиб келганлигини, Саддам Назаров 1 дона ёғоч устун беришини айтишди. Устунларнинг тагига боғланадиган темир-бетон ёстиқлар учун Айритом темир йўл станцияси ходими Нурали Сатторовга мурожаат этилди, у ишлаб чиқаришга яроқсиз устунларни топиб берадиган бўлди. Гирдиқўрғон маҳалласидан Қосим Авазов юк машинасида Исматилла Тангматов билан 18.30 да кетишиб, 5 дона темир-бетон ёстиқларни олиб келишди. Эрталаб бу ёстиқларни Келдиёр Юсупов ўзининг юк машинасида тоққа олиб чиқиб берди. Устун ўрнатиладиган жойлар тошли ва қаттиқ бўлганлиги учун уларни кавлаб бўлмади. Шундан сўнг илтимосга кўра, Жом маҳалласидан Фаррух Бозоров бурғулайдиган машинаси билан келиб 3 та чуқур қазиб берди, қолган 2 та чуқур казиладиган жой тоғнинг устида бўлганлиги учун унга машина бора олмади.

Э.Раҳимов Омондарафаолларидан Турум Хўжақулов, Қудрат Хушатов, Нурали Сувонов, Исматилла Тангматовларга 12 метр трубани топишни тезлаштиришни айтиб, ўзи 32 метр симтўр топиш учун кетди. Элмурод Нафасов 10 дона сим боғланадиган устун чойнақлари маҳкамланадиган мосламаларни топиб берди. Келдиёр Юсупов кечга 1 машина қум чиқарди.

2016 йил 24 сентябрда Норматов Исомнинг ҳовлисига қўйилган 9 дона шифер, 2 та ДВП, сим, рейка ва михлар қурилиш жойига олиб чиқилди. Шифер ва ДВПларни уста Жаҳонгир Расулов жойига ўрнатиб берди. 25 сентябрь куни Султонов Мусурмон қурилишга 20 метр, Холбой Маҳатов 15 метр симтўр ҳадя этишди. 26 сентябрда Толлидан Сувонов Нурали ўзи кесиб тайёрлаб қўйган 3 дона ёғоч устунларни келтирди. Шу куни Турум Хўжақулов, Қудрат Хушатов, Нурали Сувонов, Исматилла Тангматовлар Омондаралик кўпчилик йигитлар билан 2 та устунга темир-бетон ёстиқларни боғлашиб тиклашди.

2016 йил 26 сентябрь 17.30 да Турум Хўжақулов Э.Раҳимовга қўнғироқ қилиб 2 дона устун етишмаётганлигини, труба ва эшик харид қилиш учун йиғилган

маблағнинг камлигини маълум қилди. 27 сентябрда Назаров Саддам 1 дона устун келтирди. Раҳимов Сухроб тракторида тоғдан устун тагига боғланадиган бетон ёстиқни тушириб берди, устун Омондаралик йигитлар билан биргаликда белгиланган жойга тикланиб, сим тортилиб уланди ва қурилган бино чироғи ёнди.

2016 йил 28 сентябрь эрталаб Э.Раҳимов кимдан ёрдам сўрасам экан деб йўлга чиққанида сартарошхона олдида турган йигитлардан Роззақов Алишер деразадан чиққан темир панжараси борлигини, агар маъқул бўлса шуни беришини айтди. Э.Раҳимов панжарани кўтариб ундан эшик ясаши учун уста Рўзиев Йўлдошникига олиб борди. Уста эшик ясаши учун материаллар кераклигини, уларни Султонов Сирожиддиндан топиш мумкинлигини айтди. Э.Раҳимов Султонов Сирожиддиндан керакли материалларни харид қилиб, устага олиб берди.

2016 йил 29 сентябрь соат 10.00 лар атрофида маҳалла фаоллари йиғилишиб етишмаётган материалларни харид қилиш учун 560 000 сўм борлигини, яна 460 000 сўм етишмаётганлигини айтишди. Маслаҳатга кўра Рўзиқулов Болта, Равшанов Бердимурод, Турсунқулов Турдали, Холдаров Хусан, Сувонов Мусурмонлар 50 000 сўмдан, Хушатов Қудрат, Хўжақулов Турум, Тангматов Исматиллолар 70 000 сўмдан аҳолидан йиғиб берадиган бўлишди. Э.Раҳимов зиммасига 32 метр угольник ва 32 метр арматура топиш тушди. Мавжуд ҳолатни тушунтирган Э.Раҳимовга Тегирмонбоши маҳалласидан Холмўминов Баҳодир 150 000 сўм берди.

2016 йил 30 сентябрь куни Э.Раҳимов Самарқанд телеузатувлар дирекцияси бошлиғи Фурқат Розіқовга бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берди. Ф.Розіқов диаметри 219 мм бўлган 12 метр узунликдаги трубани қандай ўрнатишни чизиб кўрсатиб берди. Хўжақулов Дониёр бу трубани машинасида Муродов Содиқникидан келтирди.

Э.Раҳимов 2016 йил 2 октябрда Омондара ёшларини йиғиб труба ўрнатиладиган 1,7 м чуқурликда ерни қазитди. Аҳолидан тўпланган 1,2 млн сўм пулга Хушатов Қудрат билан Хўжақулов Турум биргаликда Гирдиқўрғон маҳалласида яшовчи Муродов Содиқдан трубани харид қилиб келишди. 3 октябрда Хўжақулов Турум Юсупов Омонникидан 6 м, Хушатов Қудрат уйдан 16 м арматура олиб келишди. Тўпланган барча қурилиш материаллари тоққа олиб чиқилди. Шу куни уста Акмал Бердиев Алишер Ёрматовнинг сварка аппаратида барча тегишли юмушларни бажариб берди. Талаб этилган барча ишлар бажариб бўлингач, Э.Раҳимов бино, электр тармоқ, симтўр билан ўралган ҳовли, тикланган труба суратларини олиб Самарқанд телеузатувлар дирекцияси бошлиғи Фурқат Розіқовга кўрсатди. Ф.Розіқов пахта мавсуми тугагач, ходимларнинг Жомга бориб тегишли ишларни бажаришларини айтди.

2016 йил 22 декабрь куни Самарқанд телеузатув ташкилоти ходимлари келишиб аппаратни ўрнатиш учун қилинадиган барча ишларни Хушатов Қудратнинг хонадонидан 2 кун тунаб, бажариб кетишди.

2017 йил 22 январь куни Самарқанд телеузатув ташкилоти ходимлари келишиб апаратураларни ўрнатишди. Шу куни кундузи берилмайдиган электр

Э.Раҳимовнинг илтимосига кўра Нуробод туман ЭТК томонидан соат 11.00-15.30 оралиғида улаб қўйилди. Жойларга қўнғироқ қилиниб сўралганда, ҳамма телевизор кўрсатувларидан хурсанд эди. "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" каналлари тиниқ кўрсатаётганлигини, тюнер ўрнатганлар 14 канал бўйича кўрсатувларни томоша қилишаётганликларини айтишди. Шундан сўнг 16.30 да Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон маҳаллалари фаоллари Самарқанд телеузатув ташкилоти ходимлари билан Турум Хўжақуловникида тайёрланган дастурхон атрофида суҳбатлашиб, меҳмонларга раҳматлар айтилиб, хурсандчилик билан кузатилди.

Телеузатув объекти қурилиши тўлиқ эл ҳашари йўли билан бунёд этилди, унинг иштирокчилари ҳақиқий элпарвар қаҳрамонлар бўлиб, уларнинг ҳамжиҳатлиги ва шижоати бугунги ва келажак ёшлар учун ўрнак сифатида асрлар оша яшайди. Бугунги кунда телеузатув объекти аҳолига кеча-кундуз сифатли хизмат қилмоқда. Бу ишга Эштурди Раҳимов, Турум Хўжақулов, Қудрат Хушатов, Бердимурод Равшанов, Нурали Сувонов, Фармон Хидиров, Қурбон Ҳамзаев, Турдали Турсунов, Исматилло Тангматов, Жаҳонгир Расуловлар бош бўлишди. Исломов Эшқувват, Юсупов Келдиёр, Давронов Илҳом, Бозоров Элмурод, Хўжақулов Дониёр, Мирзаев Кўчар, Раҳимов Сухроб, Нишонов Бурҳон, Ёрматов Алишерлар ўзларининг техникалари билан, телеузатув аппаратини ўрнатишда Ҳасанов Яхшимурод, электр тармоғини тортишда Жонузоқов Янгибойлар беминнат хизмат қилишди.

ЖОМ МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗИ

Э.Раҳимов 2014 йилнинг 14 декабрида Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги №178-сонли «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб вилоят туманларида ана шу марказларни қуриш режаси шакллантирилаётганлигини эшитиб, компания бош муҳандиси Рустам Олимовдан бу режага қандай кириш тартибини сўраб, вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган дастурга асосан объектнинг қурилиши мумкинлигини аниқлаб олди.

Ушбу масалада мурожаат этган Э.Раҳимовга Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев розилик билдириб, "Нуробод туманида қуриладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказини Жомда қурамиз, ҳаракатни бошланг!", деди.

Э.Раҳимов 2014 йилнинг 15 декабрида Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясига бориб, маданият ва аҳоли дам олиш марказини қуриш учун қандай ҳужжатлар талаб этилишини аниқлади. Қишлоққа қайтиб, Омондара маҳалласида жойлашган №8-сон маданият маскани биноси суратини, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Қўйлиевдан ҳудудий харитани, 20 декабрда туман "Сувоқава" ИЧАКнинг №57-сонли, 23 декабрда туман ЭТКнинг №107-сонли, 24 декабрда туман ободонлаштириш бошқармасининг №72-сонли, шу куни туман газ бўлимининг №1442-сонли хатларини, 29

декабрда туман ДСЭНМнинг №4-04/651-сонли техник шартини ва Нуробод тумани ҳокимининг 25 декабрдаги №581-К-сонли «№2-сонли Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш» тўғрисидаги қарорини олди.

Э.Раҳимов 2015 йил 19 январда телефон орқали Тойлоқ туманида яшовчи Асад ҳожини Жомга таклиф этиб, маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳудудининг топотасвирини қилдириб, уни ЎзГТИ филиалига тасдиқлатиб тегишли ҳужжатларни «Парвиз» фирмасига топширди, улар марказнинг тахминий лойиҳа чизмасини тайёрлаб беришди.

2015 йил 9 февралда вилоят ДАҚН, инжиниринг компанияси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси вакиллари келишиб бинонинг мавжуд ҳолати суратини олиб кетишди. 2015 йил 7 мартда яна вакиллар келишиб бинони қайтадан атрофлича ўрганишди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги №178-сонли қарори асосида қурилишнинг амалга оширилишини маълум қилишди.

Э.Раҳимов 2015 йил 16 мартда ДАҚНга бориб, 2015 йил 9 февралда бинонинг техник ҳолати бўйича тасдиқланган хулосани Темур Холиқуловдан олди.

Э.Раҳимов 2015 йил 24 мартда вилоят монополия бошқармасига бориб бино тўғрисида суриштирганда улар тайёрланган барча тегишли ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасига топширилганлигини, қурилишнинг қачон бошланишини инжиниринг компаниясидан билиш зарурлигини маълум қилишди. Шу куни Э.Раҳимов инжиниринг компанияси лойиҳалаштириш бўлиmidан марказ қурилиши киритилган 2015 йил режасидан нусха олди.

2015 йил 26 мартда СамДАҚИ қошидаги «Конструкцияни илмий тадқиқ қилиш» гуруҳи раҳбари Валиаҳмад Усмоновнинг топшириғи бўйича мутахассислар Д.Усмонов, Б.Ҳайдаров ва Э.К.Клеблеевлар келишиб эски клуб биносининг техник ҳолатини ўрганишиб, тўпланган маълумотларни экспертиза қилиш учун олиб кетишди.

2015 йил 26 мартда «Парвиз» лойиҳа фирмаси раҳбари Акмал Жумаев аниқ ҳужжат йўқлиги туфайли №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси лойиҳалаштирилмаётганлигини маълум қилгач, Э.Раҳимов Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2015 йил 24 февралдаги №01-11-08-888-сонли хати асосида инжиниринг компаниясига мурожаат этди. Инжиниринг компанияси лойиҳа бюроси бўлими бошлиғи Элмурод Суяров «Парвиз» лойиҳа фирмасига телефон орқали тасдиқланган лойиҳа асосида маҳаллий шароитни ҳисобга олиб 650 миллион сўм атрофида лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш топшириғини берди.

2015 йил 31 март куни №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази эски биносининг жорий давр ҳолати бўйича СамДАҚИ қошидаги «Конструкцияни илмий тадқиқ қилиш» марказининг хулосаси олинди.

Э.Раҳимов №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилишини туман ҳокими билан муҳокама этишга борганда, инжиниринг компанияси лойиҳа бюроси бўлими бошлиғи Э.Суяров ажратилган маблағ қурилиш учун етишмаслигини, шунинг учун қурилиш қолдирилиши мумкинлигини туман

ҳокимига маълум қилган эди. Э.Раҳимов шу куни Самарқандга етиб келиб Э.Суяровни топа олмагач, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Низомов Камолиддин Ҳамроевич билан суҳбатлашди. У, ҳақиқатан ҳам, қурилиш учун ажратилган маблағнинг етишмаслигини айтиб, Жомдаги тошдан қурилган хўжалик биносини капитал таъмирлаш асосида №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказини қуриш таклифини киритди. Шунда Э.Раҳимов бу бинонинг ҳеч қандай сейсмик боғловчиларсиз қурилганлигини, зилзилага бардош бера олмаслигини, маданият маркази одамлар учун қурилаётганлигини, бирор ҳодиса рўй берса унга ким жавоб беришини сўради. К.Ҳ.Низомов бу таклифни вилоят Молия бошқармаси берганлигини айтди. Э.Раҳимов бинонинг яроқлилиги тўғрисида эксперт хулосасидан нусха сўраб, ушбу масалага масъул вилоят Молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Икром Аҳроровга кирди. И.Аҳроров ҳақиқатан ажратилган маблағнинг янги бино қуриш учун етмаслигини, шу сабабли фойдаланилмасдан турган биноларни капитал таъмирлаб улардан фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасидан хат келганлигини, айнан шу тошдан кўтарилган бинони таклиф қилмаганлигини, бу масалани ҳал этиш вилоят ва туман ҳокимликларига боғлиқ эканлигини маълум қилди. Э.Раҳимов шу жойнинг ўзида туман ҳокимига қўнғироқ қилиб Жом шифохонаси ҳовлисида пишган ғишдан қурилган бир нечта бинолар борлигини, улардан фойдаланиб №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказини ташкил этиш таклифини киритди. Бу фикрга туман ҳокими ва И.Аҳроров розилик билдиришди. Э.Раҳимов ушбу таклиф билан инжиниринг компанияси лойиҳа бюроси бўлими бошлиғи Э.Суяровни хабардор қилди ва вилоят ҳокими номига ёзма билдирги бериб чиқди.

2015 йил 11 апрелда Э.Суяров мутахассислар маслаҳатлашиб собиқ Жом давлат хўжалигининг девори тошдан терилган идорасини реконструкция қилиб №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилишини келишилганликларини Э.Раҳимовга маълум қилди.

2015 йил 20 апрелда Э.Раҳимов СамДАҚИ қошидаги «Конструкцияни илмий тадқиқ қилиш» марказига бориб собиқ Жом давлат хўжалиги маъмурий биносининг илмий тасдиқланган хулосасидан нусха олди ва у билан инжиниринг компанияси лойиҳа бюроси бўлими бошлиғи Э.Суяровни таништирди. Э.Суяров шу бино №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази бўлади, деган қатъий жавобни бериб ва «Парвиз» лойиҳа фирмаси раҳбари Акмал Жумаевга лойиҳалаштириш ишларини тезлаштиришни айтди.

Э.Раҳимов 2015 йил 22 апрелда инжиниринг компаниясидан вилоят экспертиза давлат бошқармаси номига ёзилган №02/159-сонли хатни, 2015 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилояти давлат экспертиза бошқармасининг №363-2015-сонли экспертиза хулосасини, 2015 йил 12 майда вилоят инжиниринг компаниясидан "Ўзбекистон овози" газетасининг 2015 йил 1 май сонидан эълон қилинган Нуробод тумани Жом маҳалласи ҳудудидаги №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш тўғрисидаги танлов савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонни олди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмасига асосан танлов савдоси эълон қилинган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш объектини 195 кун муддатда тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш «Самарқанд Ашё» МЧЖ буюртмачи талабларига мос ташкилот деб топилди.

Қурилиш ишлари 2015 йил июнда бошланиб, шу йилнинг декабрида якунланиши режалаштирилди. Бино 2016 йил август ойида тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга тайёр бўлди. Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари О.Очилов раислигидаги Давлат қабул ҳайъатининг қарорига асосан капитал таъмирланган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси ишлатишга қабул қилинди. Бироқ белгиланган 59 номдаги жиҳозлардан 30 номдагисининг Нуробод тумани ҳокимлиги томонидан олиб берилмаганлиги учун бинони фойдаланишга топшириш ишлари тўхтаб қолди. 2018 йил Жом “Обод қишлоқ” дастурига киритилиши муносабати билан №2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази зарур жиҳозлар билан таъминланиб, Турдимурод Ғафоров раҳбарлигида рубоб ижрочилиги, ашула ва рақс ансамбли, фольклор-этнографик ансамбли, тўқиш, бичиш ва тикиш тўгараклари ишлай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги №273-сонли баёни 4-иловасида маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тўгараклари, студиялари ва жамоалари йўналишлари ва уларнинг номлари қуйидагича келтирилган:

1. Бадий ҳаваскорлик ижодиёти: ашула ва рақс ансамбли, замонавий ва бал рақслари жамоаси, фольклор-этнографик ансамбли, хореография, театр санъати (қўғирчоқ, драма ва бошқалар), вокал-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги (рубоб, ғижжак, ноғора, доира, танбур ва бошқалар), карнай ва сурнай, хор ва вокал, аккордеон.

2. Миллий амалий санъат: тўқиш, бичиш ва тикиш (зардўзлик), пазандалик, мусиқа асбобларини таъмирлаш.

3. Номоддий маданий мерос тўгараклари: лапар, алла, ўлан ижрочилиги, “Бахши ва халфа”, мақомчилар жамоаси, халқ чолғулари жамоаси, дуторчилар жамоаси, аския.

4. Студиялар: дизайн, театр-студия, овоз ёзиш студияси (фақат Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида), халқ амалий санъати ва тасвирий санъат студиялари, қўғирчоқ студияси, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни ўрганиш ҳамда “Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман” студияси.

5. Аёллар йиғини: аёллар қизиқишлари бўйича муҳокама уюшмалари.

6. Спорт тўгараклари: шахмат-шашка, соғломлаштириш гимнастикаси (йога, шейпинг, фитнес ва бошқалар), “Соғломлаштириш” уюшмаси, миллий халқ ўйинлари.

Булардан ташқари, аҳолининг эҳтиёжи ва марказларнинг моддий-техник базаси имкониятларидан келиб чиқиб, бошқа тўгарак, студия ва жамоалар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида пулли тўгарак,

студия ва жамоалар ташкил этилишига рухсат этилган.

№2-сон Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказига доир ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги №178-сонли қарорига асосан Самарқанд вилоятида 2015 йилда таъмирланиши ва жиҳозланиши кўзда тутилган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари рўйхати

Т/н	Объектлар номи	Марказ тип (сони)	Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича нархи (млн. сўм)	Жиҳоз	Вариант	Лойиҳачи
7.	Нуробод тумани Жом маҳалла сида жойлашган маданият ва аҳоли дам олиш маркази	III тип	753,5	50,0	637,0	Акмал

Изоҳ: рўйхатнинг Жомга тегишли қисми олинган.

“Тасдиқлайман” Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев 2014 йил ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №178-сонли қарори асосида Самарқанд вилоятида 2015 йилда таъмирланиши ҳамда жиҳозланиши режалаштирилган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари рўйхати

Т/н	Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг номи	Марказ манзили	Туманнинг умумий аҳолиси сони (минг кишида)	Шундан марказ хизмат кўрсатадиган аҳоли сони (минг кишида)	Марказ жойлашадиган бино кимнинг балансида	Бинонинг лойиҳа бўйича нима мақсадда қурилганлиги	Қурилган йили	Бино ва иншоотнинг умумий майдони (кв.м)	Лойиҳа бўйича томоша залидаги ўринлар сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
14	Нуробод тумани №2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази	Нуробод тумани Жом кишлоғи	132080	26530	Туман Маданият ва спорт ишлари бўлими	Собиқ жамоа хўжалиги идораси	1972	460	200

Ҳозирда мавжуд хоналар сони	Маъмурий хоналар	Тўғарак, студия ва жамоалар хоналари	Ёрдамчи хоналар	Капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича таклифлар	Изоҳ	Тип
11	12	13	14	15	16	17
1	1	1	1	Капитал реконструкция	Қўшимча хоналар қуриш	III

Изоҳ: Рўйхатнинг Жомга тегишли қисми олинган.

Нуробод тумани ҳокимининг 2014 йил 25 декабрдаги №581-Қ-сонли

қарори

Нуробод туманидаги 2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №178-сонли қарорига ҳамда вилоят ҳокими тасдиқлаган Самарқанд вилоятида 2015 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши кўзда тутилаётган объектлар рўйхатига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги 2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини реконструкция қилиш учун рухсат берилиб, марказнинг мавжуд бинолари тегишли ер майдонлари билан биргаликда реконструкция қилиш учун ажратиб берилсин.

2. 2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини реконструкция қилиш учун муҳандислик тармоқлари таъминотлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказини фойдаланиб келаётган мавжуд тармоқларнинг энг яқин нуқталарига уланиши белгилаб қўйилсин ва тегишли туман ташкилотларига мазкур Маданият ва аҳоли дам олиш маркази реконструкция қилиш учун зарур бўлган техник шартлар ва техрекомеңдацияларни шу асосда тайёрлаб бериш топширилсин.

3. Туман бош архитектори (А.Раҳимов) ва туман маданият ва спорт ишлари бўлими (М.Жўраев)ларга тайёрланадиган лойиҳа ҳужжатлари асосида манзилли дастур тасдиқлангандан кейин маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси реконструкция учун мазкур ажратилган ҳудудни (тегишли бино ва иншоотларни) жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида пудратчи ташкилотга топшириш юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими в.б. Б.Эргашев

**Нуробод тумани электр тармоқлари корхонасининг
23 декабрь 2014 йилдаги №167-сонли Техник шарт**

Нуробод электр тармоқлари корхонаси Жом қишлоқ фуқаролар йиғини Жом маҳалласи ҳудудида жойлашган Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини реконструкция қилиш учун электр энергияси билан таъминлашга фидер Нуробод ТП-Т-861 0,4 кВ тармоғидан уланиб фойдаланишга қарши эмас.

Нуробод ЭТК раҳбари Р.Шакиров

Нуробод тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасининг

2014 йил 24 декабрдаги №72-сонли Техник шарт

Нуробод тумани Ободонлаштириш бошқармаси 2015 йилда Нуробод тумани Жом маҳалласи ҳудудида №2-сонли Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш даврида чиқиндиларни чиқариш учун махсус жой ҳамда канализация тармоғи мавжуд эмаслиги сабабли, лойиҳалаш даврида махсус канализациялаштириш ва чиқиндиларни чиқариш ишлари кўзда тутилсин.

**Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Раимшукуров
“Нурободтумангаз” филиалининг
2014 йил 24 декабрдаги 1442-сонли
Техник тавсияси**

**“Марказгазтаъминот” УК директори Ф.К.Бойжигитовга.
Нусхаси: Вилоят Инжиниринг компанияси директори А.А.Сафаевга**

Нуробод туманидаги №2-сонли Жом маданият ва аҳоли дам олиш маркази табиий газ билан газлашмаганлиги сабабли 2015 йилда реконструкция қилиниши даврида бинони бошқа ёнилғи туридан фойдаланиш ва шунга мослаштириш тавсия этилади.

Техник тавсиянома «Марказгазтаъминот» унитар корхонасидан техник шарт олиш учун берилди ва бир йил муддатга ўз кучини сақлайди.

“Нурободтумангаз” филиали бош муҳандиси в.в.б. Н.Хушвақтов

**Нуробод тумани давлат санитария-эпидемиология назорат
марказининг 2014 йил 29 декабрдаги Нуробод тумани Жом ҚФЙ
Жом қишлоғидаги Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини
реконструкция қилиш учун №4-04/651-сонли Санитария-техник шарт**

Нуробод тумани Жом ҚФЙ Жом қишлоғидаги Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини реконструкция қилиш учун қуйидагилар инobatга олинсин:

1. Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини реконструкция қилишда №0246-08-сонли санитария меъёр ва қоидаларига риоя қилинсин.
2. Маданият ва аҳоли дам олиш марказида 2 очколи ҳожатхона қуриш.
3. Сув таъминоти – Жом қишлоқ водопроводидан.
4. Канализацияси – маҳаллий суюқ чиқиндилар учун бетонлаштирилган ўра қуриш.
5. Маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳудудида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

Нуробод тумани ДСЭНМ бош врачлари О.Мамасалиев

Самарқанд вилояти “Сувоқова” ишлаб чиқариш бошқармасининг

**2014 йил 29 декабрдаги
№57-сонли Техник шарт**

Нуробод тумани ЖомҚФЙ Жом маҳалласи ҳудудида №2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш режалаштирилаётгани сабабли ичимлик суви билан таъминлашда қуйидаги техник шартлар бажарилиши лозим.

1. Мавжуд ичимлик суви қувуридан янги бино ҳудудига Д15 мм ли полиэтилен қувурини Н 1/1,2 метр чуқурликда ўтказиш.

2. Асосий қувурга уланиш жойида 1,5x1,5x1,5 метр қудуқ қуриб Д-15 мм ли задвишка ўрнатиш.

3. Мавжуд бино ҳудудида 1,5x1,5x1,5 метр қудуқ қуриб Д-15 мм ли задвишка ва сув ўлчагич ўрнатиш.

4. Бино ичимлик сув таъминотини лойиҳа асосида тақсимлаб қуриш.

Ушбу техник шарт бир йил муддатга берилди.

Нуробод тумани “Сувоқова” ИЧДК раҳбари А.Аҳмедов

**Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг
компаниясининг Самарқанд вилояти экспертиза бошқармасига йўллаган
2015 йил 22 апрелдаги 02-159-сонли хати**

Начальнику управления Государственной экспертизы Самаркандской области Бокиеву С.И.

Просим Вас рассмотреть и выдать экспертное заключение по нижеследующим объектам:

1. Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №6 по ул. Фарход в г. Самарканде.

2. Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №3 в мах. Янгикент Акдарьинского района.

3. Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №4 в мах. Чандир Пастдаргомского района.

4. Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №2 в мах. Жом Нурабадского района.

5. Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №7 в мах. Халқобод Иштиханского района.

Оплату гарантируем согласно договору. Источник финансирования: местный бюджет.

Директор компании А.А.Сафаев

Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш

**Қўмитасининг 2015 йил 25 апрелдаги 363-2015-сонли
Эксперт хулоса №363-2015**

По рабочему проекту: «Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №2 в махалле «Жом» Нурабадского района Самаркандской области».

Заказчик: Инжиниринговая компания Самоблхокимията.

Источник финансирования: За счет средств местного бюджета.

Генпроектировщик: ООО «PARVEZPROEKTSERVIS».

Лицензия ДА № 001458 до 20.07.17 г.

Генподрядчик: по тендеру.

1. Основание для проектирования

1.1. Протокол Кабинета Министров Республики Узбекистан №178 от 25.06.2013 г.

1.2. АПЗ №15 от 10.01.2015 г. Утвержденным ГУАС Самаркандской области Н.Садиков.

1.3. Решение хокима Нурабадского района №581-К от 25.12. 2014 г. хоким района-Б.Эргашев.

1.4. ТУ № 172 от 24.12. 2014 г. Начальник «Туман Ободонлаштириш» Нурабадского района М. Раимшукуров.

1.5. ТУ №26 29/325 от 17.03.2015 г. Глав, инженер Самаркандского ТПЭС СТ. Мирзакулов.

1.6. ТУ №4-04/651 от 29.12.2014г. Гл. врач ДСЭНМ Нурабадского района О.Мамасолиев.

1.7. ТУ № 57от 20.12.2014 г. Начальник «Сувокова» Нурабадского района А.Ахмедов.

1.8. ТУ №1442 от 24.12.2014 г. И.О. Гл. инженер филиала «Нурободтумангаз» Н.Хушвактов.

1.9. Задание на проектирование, утверждённым директорам Инжиниринговой компании Самоблхокимията Сафаевым А.А.

1.10. Заключение о техническом состоянии одноэтажного здания ЦКиОН №2 в махалле ЖОМ Нурабадского района утвержденным ректором СамГАСИ СИ. Ахмедов.

1.11. Дефектный акт (опись работ) от 2015г., утвержденный Заказчиком.

2. Материалы, представленные на экспертизу

2.1. Книга 1- Пояснительная записка, исходные данные.

2.2. Альбом-1- Архитектурно-строительный, ОВ, ЭО, ЭС и СС разделы.

2.3. Книга 2 - Ведомости объемов работ.

2.4. Книга 3 - Ресурсная смета в текущих ценах.

3. Краткое содержание проектных решений

3.1. Характеристика участка строительства

Расчётная зимняя температура наружного воздуха – 13⁰ ; сейсмичность площадки - 7 баллов, грунты - I тип просадочности. ветровая нагрузка - 0,38 Кпа; снеговая нагрузка - 0,5 Кпа;

3.2. Генплан

Участок, Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №2 в махалле «Жом» Нурабадского района граничащей: с севера – улица местного значения, с юга – территории детсада, с востока – улица местного значения, с запада – территории детсада.

3.3. Проектом предусмотрено

Разборка стен и перегородок в здание.

Разборка АЦВ листы(шифер), стропил и деревянные конструкции.

Разборка деревянных балок покрытия.

Разборка деревянных оконных и дверных проемов.

Разборка потолка из фанеры.

Заложит оконных проемов в кирпичных стенах.

Кладка стен и перегородок из ж/кирпича.

Устройство оконных проемов инд. изготовления из профиля типа АКФА.

Устройство дверных проемов инд. изготовления из МДФ и профиля типа АКФА.

Пробит дверных проемов в бутовые стены.

Устройства бетонных и металлических сейсмопоясов.

Устройства покрытия актового зала из металлических ферм.

Устройства дощатого покрытия сцены.

Усиление наружных и внутренних стен штукатурка по сетке рябица.

Устройство, замена, а/цементных листов кровли в здание дом культуры.

Ремонт и устройство отопление в здание дом культуры.

Ремонт и устройства электроосвещение в здание дом культуры.

Штукатурка наружных стен цементно-известковым раствором, последующей окраской фасадной краской.

Высококачественная штукатурка стен, перегородок и потолка цементно-известковый раствором с окраской водоэмульсионной краской.

Ремонт и перестилка полов из дощатого покрытия и кафеля.

Окраска дощатого покрытия пола масляной краской за 2 раза.

Обшивка потолка гипсокартонная.

Замена деревянного покрытия местами.

Замена конструкции крыши местами.

Устройства крыльцо и казарок над крыльцо.

Строительство выгребного туалета на 2 очко.

3.4. Сметная часть

Расчет стоимости работ произведен ресурсным методом согласно Постановления Кабинета Министров № 261 от 11.06.2003г. «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов», Постановления Кабинета Министров от 12.05.2004 г. № 226 «О внесении изменений в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и Правилами определения стоимости строительства в договорных текущих ценах согласно ШНК 4.01.16-09.

Стоимость объекта в текущих ценах определена на основе расчетной документации ресурсным методом с применением «Каталога текущих цен на

материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве РУз.» 4 кв. 2014 год, оптово-отпускных цен заводов-изготовителей, цен на биржах и по данным представленным Заказчиком. Цены на строительные материалы и оборудование, отсутствующие в «Каталоге» согласованы Заказчиком.

Стоимость затрат труда (за 1 чел/час) принято 5070,50 сум. с учетом отчислений на социальное страхование, согласно данных Стат.Управления Самаркандской области.

4. Результаты экспертного рассмотрения

4.1. По замечаниям и предложениям экспертизы в сметную документацию внесены следующие исправления и дополнения:

- уточнены ресурсные показатели маш/час, трудозатраты чел/час;
- уточнена потребность в строительных материалах и оборудовании;
- уточнены затраты на транспорт материалов;
- уточнены прочие затраты Подрядчика;
- заявленная заказчиком расчетная стоимость объекта в текущих договорных ценах в сумме 716957,362 тыс. сум с НДС и без прочих затрат Заказчика, за счёт уточнения объёмов работ и затрат, стоимости строительных материалов и изделий, снижена на 53898,546 тыс. сум с НДС по следующим позициям сметного расчета:

СМР- 38193,414 тыс. сум;

прочие затраты (с НДС) - 15705,132 тыс. сум.

После корректировки по замечаниям и предложениям экспертизы расчетная стоимость объекта составила в текущих договорных ценах сумму 552549,013 тыс. сум без НДС (или 663058,816 тыс. сум с НДС) и без прочих затрат Заказчика, в том числе:

- стоимость оборудования, мебель и инвентарь в сумме 84187,027 тыс. сум с НДС.

Нормативная трудоемкость 18504,66 чел-час.

4.2. В процессе демонтажных работ Заказчику учесть средства от возврата материалов в установленном порядке.

4.3. Отмечается, что за соответствие проекта и объемов работ в сметной документации рабочего проекта, представленного на экспертное рассмотрение, ответственность несет проектная организация.

4.4. Авторам проекта передать Заказчику откорректированные чертежи и сметную документацию по замечаниям экспертизы.

4.5. Срок действия Экспертного заключения 2 года.

5. Выводы

5.1. Рабочий проект: «Реконструкция Центра культуры и отдыха населения №2 в махалле «Жом» Нурабадского района Самаркандской области» с учетом результатов экспертного рассмотрения и замечания по пунктам 5.3. и 5.4. и 5.5 настоящего заключения, рекомендуется к дальнейшему рассмотрению и утверждению.

5.2. В соответствии с «Временным положением о порядке определения

стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах» утвержденная Постановлением Кабинета Министров РУз. от 11.06.03 г. №261 и ШНК 4.01.16. -09 рекомендуемая стоимость строительства является ориентиром при проведении конкурсных торгов и не может служить основанием для заключения договора подряда. Решение о принятии указанной стоимости для проведения конкурсного торга принимает Заказчик.

Ведущий эксперт по АРХ части: Тиллаев И.Дж.

Ведущий эксперт по КС части: Владыкина А.В.

Ведущий эксперт по ОВ части: Каримов Н.

Ведущий эксперт по ЭС части: Ортикова Э.В.

Ведущий эксперт по СМ части: Хашимов И.Х.

Самарқанд қилояти ДАҚН инспекциясининг Маданият уйи биносининг техник ҳолати бўйича хулосаси

**«Тасдиқлайман»
Самарқанд вилояти
ДАҚН инспекцияси
бошлиғи С.Э.Зиядуллаев
“ ” _____ 2015 йил**

Самарқанд шаҳри. 9.02.2015 йил

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган ўлчамлари 21x9 бўлган Маданият уйи биносининг техник ҳолати бўйича

Хулоса

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган ўлчамлари 21x9 бўлган Маданият уйи биносининг конструктив элементлари, бино материалларининг ҳолати ва бино конструкцияларининг қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мослиги ўрганиб чиқилди.

Техник ҳолатни ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагилар аниқланди: Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган Маданият уйи эски лойиҳа асосида 1964 йилда қурилган.

Пойдевори эски ғишдан бўлиб ҳозирги вақтда чўкиб кетган,

Девори хом ғишдан бўлиб баъзи жойлари кўчиб кетган ва тошдан терилган,

Ораёпма конструкциялари ёғоч конструкциялардан,

Поллари тахта поллар бўлиб эскириб кетган,

Шифтлари ёғоч боларларга оқ бўз урилган.

Эшик ва деразалари эски ёғочдан ясалган бўлиб ҳозирги стандарт талабларига жавоб бермайди.

Том ёпмаси – чордоқли ёғоч конструкцияли, ёғоч конструкцияси эски ҳашар йўли билан бажарилган, тунука билан қопланган. Иситиш тизими йўқ. Ичимлик суви билан таъминланмаган. Электр тизими ишлайди.

Хулоса

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган маданият уйи биноси 1964 йилда ҳашар билан эски лойиҳа асосида қурилган, визуал кузатув натижасида бинонинг асосий юк кўтарувчи қурилмаларида авария ҳолатлари мавжуд эканлиги аниқланди. Бинонинг асосий юк кўтарувчи конструкцияларининг техник ҳолати КМК 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш», КМК 3.03.01-98 «Юк кўтарувчи ва тўсиқ конструкциялари» талабларига жавоб бермайди. Ушбу бинодан Маданият уйи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

**Самарқанд вилояти ДАҚН инспекцияси мутахассиси Т.Халиқулов
Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси 2015 йилда
капитал**

**таъмирланиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган
қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш
шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари
ўтказилишини эълони**

(“Голос Узбекистана” газетасининг 2015 йил 1 май сони)

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСбилан	Қурилиш муддати
Лот 46-5:				
Лот-1	Самарқанд шаҳар Фарҳод қўрғонидаги 6-сон Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш	502 991 905 сўм	603 590 286 сўм	7 ой
Лот-2	Оқдарё тумани Янгиқўрғон ҚФЙ Янгиқўрғон маҳалласидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш	706 460 014 сўм	847 752 017 сўм	7 ой
Лот-3	Иштихон туманидаги 7-сон Маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш	468 309 656 сўм	561 971 587 сўм	7 ой
Лот-4	Пастдарғом тумани Чандир МФЙдаги 4-сон Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш	476 687 637 сўм	572 025 164 сўм	7 ой
Лот-5	Нуробод тумани Жом маҳалласидаги 2-сон Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш	547 023 523 сўм	656 428 228 сўм	7 ой

Изоҳ: қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Савдо ташкилотчиси – Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд қилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй, телефон (0366) 231-10-93).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш ташкилотларини янада

ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорига асосан Лот(-3) объекти бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларга ишлаганлик тажрибасига, кўникмасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус – 2Д, 403-хона.

Тел.: 231-13-51, факс – 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

«Тасдиқлайман”
Танлов комиссияси раиси,
Самарқанд вилоят ҳокими
ўринбосари О.И.Очилов
“4” июнь 2015 й.

**Танлов савдоларини ўтказиш бўйича Самарқанд вилояти
комиссиясининг йиғилиши
БАЁНИ**

№ 245-3 (15) (ғолиб ташкилотни аниқлаш) 2015 йил 3 июнь.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2015 йил 17 апрелдаги №46-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби:

Комиссия раиси – Очилов О.И., Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари.

Комиссия раиси – Мамадалиев Т., Вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, котибият мудир.

Комиссия котиби – Худойкулов З.С., Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг Маркази бош мутахассиси.

Комиссия аъзолари:

Сафаев А. – Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори.

Ҳамдамов М. – Самарқанд вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Хушманов А. – Самарқанд вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Вахидов Р.Х. – «Меъморқурилиш» лойиҳа институти директори.

Бокиев С. – Самарқанд вилояти Давлат экспертиза бошқармаси бошлиғи.

Зиядуллаев С. – Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи.

Ҳамраев М. – Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Санаев А. – Самарқанд вилояти “Саноатқурилишбанк” Капитал қўйилмалар бўлими бошлиғи.

Азимов З. – Самарқанд вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат экология экспертизаси бошлиқ ўринбосари.

Баракаев Л. – Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Мизамов К. – Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи.

Комиссия таркибидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори – Сафаев А. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари – Хамидов К., Самарқанд вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари – Ҳамдамов М. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бош иқтисодчиси – Суванов А., Самарқанд вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи

Ўринбосари – Хушманов А. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси «Инвестициялар ва инвестиция дастурлари» бўлими етакчи мутахассиси – Мелиев Б., Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи – Зиядуллаев С. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бош мутахассиси – Илмуратов Ш., Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Ҳамраев М. ўрнига ишончнома асосида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи – Сайимов Ш., Самарқанд вилояти “Саноатқурилишбанк” Капитал қўйилмалар бўлими бошлиғи – Санаев А. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти “Саноатқурилишбанк” Капитал қўйилмалар бўлими бошлиғи етакчи мутахассиси – Гафаров Ф., Самарқанд вилояти Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Баракаев Л. ўрнига ишончнома асосида Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси “Юридик шахсларга солиқ солиш” бўлими бош Давлат солиқ инспектори – Раҳмонов З. иштирок этдилар.

Комиссия таркибидан Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, танлов комиссияси раиси – Очилов О., Самарқанд вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат экология экспертизаси бошлиқ ўринбосари – Азимов З. узрли сабабга кўра комиссия йиғилишида қатнаша олмадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг ваколатли вакили Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Н.Садиқов хизмат сафарида бўлганлиги сабабли бошқарма бошлиғи ўринбосари С.Амриддинов иштирок этди.

Йиғилишни Вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарининг котибияти мудир танлов комиссия раиси ўринбосари Т.Мамадалиев олиб борди.

Кун тартиби

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмасига асосан танлов савдоси эълон қилинган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш объектига топширилган оферталарнинг 2-пакетини очиш ҳамда танлов савдоси ғолибини аниқлаш.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмасига асосан танлов савдоси эълон қилинган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш объектини тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш учун топширилган оферталар бўйича техник малакаси ижобий баҳоланган ташкилотларнинг 2-пакети танлов комиссияси томонидан 2015 йил 3 июнь куни Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида очилди.

1. «Самарқанд Ашё» МЧЖ – ягона солиқ тўловчиси.
2. «Суфат и Д» МЧЖ – ягона солиқ тўловчиси.

Оферталарнинг 2-пакети маълумотларига асосан мазкур объектнинг қурилишини тўлиғича фойдаланишга топшириш нархи ва қурилиш ишларини олиб бориш муддати бўйича қуйидаги таклифлар берилган:

Буюртмачи томонидан қурилиш ишларини тўлиғича бажариш учун белгиланган бошланғич нархи (ККС билан) - 656 428 228 сўм, (ККСсиз) - 547 023523 сўм, объектнинг қурилиш муддати 7 ой.

1. «Самарқанд Ашё» МЧЖ таклиф қилган нархи (Барча солиқлар, шу жумладан, ККС билан) - 638 263 777 сўм, 195 кун муддатда объектнинг фойдаланишга топшириш;

2. «Суфат и Д» МЧЖ таклиф қилган нархи (Барча солиқлар, шу жумладан ККС билан) – 638846 910 сўм, 230 кун муддатда объектнинг фойдаланишга топшириш;

Мазкур объект бўйича ғолиб ташкилотни аниқлаш юзасидан комиссия аъзолари ўз фикрларини билдирдилар ва талабгор ташкилот таклифига баҳо берилди.

Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш объекти бўйича 1 ва 2-пакет натижаларига кўра комиссия аъзоларининг кўпчилиги овози билан «Самарқанд Ашё» МЧЖ буюртмачи талабларига мос ташкилот деб топилди.

Танлов савдолари натижалари асосида танлов комиссияси

Қарор қилади

1. Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказини реконструкция қилиш объекти бўйича «Самарқанд Ашё» МЧЖ (ягона солиқ тўловчиси) шартнома нархи (Барча солиқлар, шу жумладан ККС билан) — 638 263 777 сўмлик қурилиш ишларини тўлиғича қуриб, объектни 195 кун муддатда фойдаланишга топшириш шартлари билан ғолиб ҳисоблансин.

2. Буюртмачи Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясига ғолиб ташкилот билан танлов шартлари асосида шартнома тузиш тавсия этилсин.

Йиғилиш баёни тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари

Т.Мамадалиев, Ш.Илмуратов, К.Хамидов, Р.Вахидов, С.Бакиев, З.Рахмонов, Ф.Ғафаров, А.Суванов, Б.Мелиев, Ш.Сайимов, К.Мизамов. Комиссия котиби Худойқулов З.С.

“Тасдиқлайман”

**2015 йил Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши тугалланган бинони,
иншоотни ишлатишга қабул қилиш бўйича
Далолатномаси**

Нуробод тумани. 2015 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил қарори билан тасдиқланган Давлат ҳайъати КМК 3.01.09-97 “Капитал таъмирланиши тугалланган биноларни ишлатишга қабул қоидалари”га риоя қилган ҳолда қуйидагилар

Аниқланди:

1. Бош пудратчи “Самарқанд ашё” МЧЖ томонидан капитал таъмирланган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини ишлатишга қабул қилиш учун тақдим этилди.

2. Қурилиш ишлари бош пудратчи “Самарқанд ашё” МЧЖ томонидан бажарилди.

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари “Парвизпроектсервис” МЧЖ лойиҳалаш институти томонидан бажарилган.

4. Лойиҳа ҳужжатларига Самарқанд вилояти давлат экспертиза бошқармаси томонидан 2015 йил 25 апрелдаги №363-2015-сонли экспертиза хулосаси олинган.

5. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг бошланиши 2015 йил июнь, тугаши 2015 йил декабрь.

6. Давлат қабул ҳайъатига, далолатномага илова №1 иловада кўрсатиб ўтилган, “Капитал таъмирланиши тугалланган биноларни ишлатишга қабул қоидалари”да кўзда тутилган ҳажмда ҳужжатлар тақдим этилди.

7. Ишлатишга қабул қилиш учун тақдим қилинган капитал таъмирланиши тугалланган объект қуйидаги кўрсаткичларга эга.

Маданият маркази биноси	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа асосида умумий	Лойиҳа асосида топширилди	Ҳақиқатан умумий	Ҳақиқатан топширилди
Капитал таъмир	дона	бино	юино	бино	бино

8. Тақдим қилинган объект бўйича меъёрий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсияланади: Мавжуд биноларда капитал таъмирлаш ишлари бажарилган.

9. Бино, иншоот бўйича технологик ва меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: ташқи ва ички электр тармоғи, сантехника, иссиқлик таъминоти.

10. Муҳандислик коммуникациялар билан таъминланганлиги далолатномаси тақдим қилинган.

11. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг №1-илоvasида кўрсатилган муддатларда тугатилиши керак.

12. Тасдиқланган лойиҳа-ҳужжатлар бўйича нархи жами.

13. Тақдим қилинган объектни аслида кўздан ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш натижасида таъмирлаш-қурилиш ишларининг сифати баҳоси қониқарли деб белгиланди.

Давлат қабул ҳайъатининг қарори:

Қабулга тақдим қилинган капитал таъмирланган Нуробод тумани Жом маҳалласидаги №2-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси ишлатишга қабул қилинсин.

Имзолаганлар: Давлат ҳайъати раиси ўринбосари, вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси директори А.Сафаев. Давлат ҳайъати аъзолари: вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи К.Мизамов, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Н.Содиқов, вилоят Архитектура қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи С.Зиядуллаев, Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Эргашев, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачлари О.А.Бойқобилов, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи З.Жалилов, Нуробод тумани ИИБ ва ЁХБ катта инспектори К.З.Джурақулов, "Парвизпроектсервис" МЧЖ лойиҳалаш институти директори А.Боқиев, "Самарқанд ашё" МЧЖ директори Б.Исमतов

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 2016 йил 21 июнда Самарқанд вилояти ҳокимига ёзган №021632-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тоирович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги №178-сонли қарорига асосан вилоятда 2015 йилда капиталтаъмирланиши ва жиҳозланиши режалаштирилган Самарқанд шаҳар №6-сон Фарҳод Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 588000,0 минг сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 484200,0 минг сўм , яъни 82% маблағ молиялаштирилган.

Марказга тендер бўйича 62 номдаги жиҳозлардан 1 номдагиси маҳаллий ҳокимият томонидан, 12 номдагиси қурувчи ташкилотлар томонидан олиб берилмаган.

Нуробод тумани №2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 638300,0 минг сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, 563400,0 минг сўм, яъни 88% маблағ молиялаштирилган.

Марказга тендер бўйича 59 номдаги жиҳозлардан 30 номдагиси маҳаллий ҳокимият томонидан олиб берилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб Сиздан ушбу маданият ва аҳоли дам олиш марказларини меъёр бўйича жиҳозлар билан тўлиқ таъминланишида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Иловада: олиб берилмаган жиҳозлар рўйхати

Бошқарма бошлиғи К.Мизамов

Нуробод тумани №2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг жиҳозланганлиги тўғрисида маълумот						
т/р	Жиҳозлар номи	Ўлчов бирлиги	Қурувчи ташкилот		Маҳаллий ҳокимият	
			Меъёр	Берилди	Меъёр	Берилди
1	Саҳнани бошқариш ва ёритиш тармоғи(саҳна прожекторлари, саҳна пардаларини бошқариш)	дона	1	1		
2	Саҳна учун пардалар	комп.	1	1		
3	Саҳна монитори	дона	1	1		
4	Овоз кучайтириш воситалари	комп.			1	0
5	Экран/проектор	дона	1	1		
6	Минбар	дона	1	1		
7	Стул	дона	10	10		
8	Саҳна ўриндиқлари	дона	150	150		
9	Саҳна учун гилам	дона			1	0
10	Юмшоқ мебель	комп.	1	1		
11	Жавон (илгакли)	комп.			1	0
12	Стул	дона	1	1		
13	Стул	дона	2	2		
14	Стул	дона	4	4		
15	Пардоз қилиш учун махсус стол	дона	1	1		
16	Анъанавий ижрочилар ансамбли учун мусиқа чолғулари комплекти	дона			4	0
17	Кўзгу (деворий)	комп.			1	0
18	Жавон (илгакли)	дона			1	0
19	Стул	дона	2	2		
20	Стул	дона	8	8		
21	Нота тахтаси 2*1	дона			1	0
22	Мусиқа чолғуларини сақлаш учун жавон	дона			1	0
23	Стул (тўғарак раҳбари учун)	дона	1	1		
24	Стул	дона			2	0
25	Кўзгу (деворий)	дона			1	0
26	Курси (табуретка)	дона			16	0
27	Ширма	дона			2	0
28	Никоб (хайвонлар, одамлар ва эртақ қаҳрамонлари)	комп.			4	0
29	Кўғирчоқлар (эртақ қаҳрамонлари)	комп.			4	0

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповга 2016 йил 28 декабрь ва 2017 йил 25 январда ёзилган мурожаат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги №178-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидаги №2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси реконструкция қилиниб, ишга туширилиши Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2015 йил манзилли дастурига киритилиб, 2015 йил 3 июнда

танлов савдоси ўтказилган. Объектни “Самарқанд ашё” МЧЖ – 638 260 777 сўм баҳода ютиб олиб, уни 7 ойда фойдаланишга топшириши керак эди. Бино 2016 йил август ойида тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга тайёр бўлгани тўғрисида вилоят ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармасига давлат ҳайъатининг қарори ва Нуробод туман ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бўлимининг бинонинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги 2016 йил 14 сентябрдаги №18-сонли билдирги хати илова қилинган. Бинони фойдаланишга топшириш учун ҳозиргача 59 номдаги жиҳозлардан 30 номдагиси бугунгача олиб берилмаган. №2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг ишга туширилиши Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунини (2016 йил 14 сентябрь, ЎЗР-406-сон) ҳаётга татбиқ қилишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Марказнинг ишга тушмай туришига сабаб нима деган ҳақли савол туғилади. Мазкур масалага ойдинлик киритишингизни сўрайман.

Жамоатчилик номидан Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Эштурди Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга 2017 йил 7 февралдаги №01-11-08-913-сонли хати

Сизнинг 2016 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов номига ёзган мурожаатингизга Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги №18-8-8/699-сонли топшириғи ижроси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мурожаатингиз Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилди.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидаги №2-сонли Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказининг таъмирлаш ишлари якунига етказилган.

Лекин Нуробод тумани ҳокимлиги томонидан №2-сонли Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг 30 номдаги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли фойдаланишга топширилмаганлиги маълум бўлди.

Туман ҳокимлиги томонидан ушбу жиҳозларни тўлиқ етказиш ва шу йилнинг 20 февраль кунига қадар тўлиқ фойдаланишга топширилиши юзасидан зарур чоралар кўрилганлигини маълум қиламиз.

Вазирнинг спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари М.Алиев.

ЖОМ ТҮЙХОНАЛАРИ

Жомда қадимдан тўйлар «нону-шўрва» тарзида бўлар, палов қилиш урфга айланмаган эди. Тўйлар қишда ҳовли-жойларда, баҳорда қирлар, уларнинг ёнбағирларидаги ҳамманинг баҳри-дилини очадиган кўкалам бўз ерларда, ёз ва куз ойларида соя-салқин жойларда ҳамсоялардан тўпланган гиламлар, уларнинг устидан кўрпачалар, ўртага узун дастурхонлар солинган файзли бир кўринишда, баковулларнинг қаттиқ назорати остида ўтказилар эди. Ёши улуғ, ҳурматли инсонлар бошламасидан ҳеч ким дастурхондаги ноз-неъматларга қўл узатмасди. Ноз-неъматлар асосан нон билан парвардадан иборат бўларди.

Омондара гузарида баҳор ойларининг бирида кўм-кўк майсаларга бурканган қирда таомлар тортилган дастурхон атрофида ёшу қари бирга ўтиришибди. Дастурхон тўрида ўтирган, 80 ёшдан ошган Рўзиқул бобога таомни бошлаб бериши таклиф этилди. Шунда Рўзиқул бобо олавермайсизларми, анови жигит жеб жотибди-ку, деди. Ҳамма ялт этиб пойгоҳга қарашса, хумкалла бир ҳамқишлоқ аллақачон таом тановул қилишни бошлаб юборганди. Бобонинг гапи ёшларга тарбия беришдаги ўзига хос усуллардан бири эди.

Кичикроқ тўйлар бутун қишлоқ ёки унинг ичидаги маълум гузар, катта кўпқарили ва курашли тўйлар эса «қора қозон» доирасида ўтказиларди. «Қора қозон» атамасининг маъноси Жом қишлоғи катта дошқозонга, унинг узоқ-яқин атрофидаги жуда кўп қишлоқлар ушбу қозоннинг қулоқларига менгзалган.

«Нону-шўрва» атамасининг маъноси тўйга келиши кутиладиган одамларлар сонига мўлжаллаб боқилган қўйлар сўйилиб, мўл гўшт ва сабздан бир неча дошқозонларда жуда мазали шўрвалар тайёрланарди. Тўйга келган ҳар икки меҳмон олдига ёғ ёки қаймоқ аралаштирилмаган иккита «қуруқ патир» аталадиган нон, қишлоқ ҳунармандлари томонидан ясалган бир дона тол қошиқ билан катта товоқда шўрва, алоҳида лаганда пишган гўшт ва сабзи келтириб қўйилар эди. Бу семиз қўй гўшлари шунчалик сифатли ва истеъмол учун яроқли эдики, уларни тановул қилган қишлоқдошлардан ҳеч ким қон босимидан азият чекмасди.

Қишлоқдошлар шунчалик аҳил эдики, тўй-маъракаларда барча бирдек тик туришарди. Баковулларнинг топшириғига кўра, кимлардир «тўй айтими»лигини бажарса, яна кимлардир тоғлардан уловлар, араваларда ўтин ташиб келишарди. Аёллар тўйхонада супралар бошида ўтиришиб ўйин-кулгу, хурсандчилик билан ун элашар, ҳамир қоришар, қуруқ патир ясашиб, нон ёпишарди. Тўйга келадиган меҳмонларга етарли миқдорда нон тайёрлаш мақсадида бу юмушлар ҳамсояларнинг хонадонларида ҳам давом этарди.

1970 йилларга қадар Жом бозорида асосан қўй гўшти сотилган ва харид қилинган, камдан-кам ҳолатларда қорамол гўшти бозорга чиқар эди. Боқилган қорамоллар, умуман, йирик шохли моллар Самарқанд, Каттақўрғон, Жума шаҳарларига олиб бориб сотиларди.

Жомликлар семиз қўзи ёки қора қўчқор гўштини истеъмол қилишни хуш кўришарди. Ойнинг ҳар якшанба куни иложи борица ҳар бир хонадонда қўй

гўштидан шўрва қайнатилар, кечга яқин чарвини пичоқ билан чопиб майдалаш товуши бутун атрофни тутиб кетарди. Бундай товуш чиқмаган хонадонларга ҳамсоялар таом кўтариб чиқишарди.

1980 йилларга келиб тўйларда ҳам қўй-қўзи гўшти билан бир қаторда қорамол гўштидан ҳам фойдаланиладиган бўлди. «Қора қозон» доирасидаги катта кўпқарили тўйларда 800-1000 кг гуручдан 15-20 та ердан қазилган ўчоқларга осилган дошқозонларда паловлар навбат билан дамланиб элга ва узоқ-яқиндан келган меҳмонларга тортиладиган бўлди.

2010 йилларга келиб жомликлар тўйларини Самарқанд ва Жума шаҳарларидаги, Анжирли ва Иброҳим ота қишлоқларидаги тўйхоналарда ўтказадиган бўлдилар. Қишлоқдан ташқари узоқ жойларда тўй ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Қишлоқдошларини ортиқча харажат, кераксиз ташвишдан қутқариш, ҳатто кутилмаган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Содиқ Худойқулов 2012 йилда Жом тўйхонасини қуриш ташаббуси билан чиқди ва унинг ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам бериши учун эл суйган оқсоқол Эштурди Раҳимовга муурожаат этди.

Э.Раҳимов ишни С.Худойқулов билан туман ва қишлоқ жойлардаги бир қатор мавжуд тўйхоналарнинг қурилиш архитектураси, уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганишдан бошлади. Пастдарғом туманининг Жума шаҳрига киришдаги тўйхона мажмуаси уларга маъқул тушди, бироқ бундан ҳам ўзгачароқ, Жом қишлоғи шароитига мос тўйхона қуришга келишиб олдилар.

Тўйхонани қуришга доир асосий ҳужжатларни тайёрлаб бўлган Э.Раҳимов Нуробод тумани ҳоқими Ж.Х.Ибрагимовни хабардор қилиш учун унинг қабулида бўлди. Ҳоқим Жом қишлоғида тўйхона қуриш ташаббусини кўтаринки руҳ билан маъқуллади ва давлат инвестицияси дастурига киритишни таклиф этди.

Шундай қилиб бу мажмуани Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан «2013-2016 йилларда саноатни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастур» доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳаси бўйича 2012 йил май ойида “Фармонбек” хусусий корхонаси тасарруфидаги маиший хизмат кўрсатиш биноси сифатида қурилиши бошланди. Тўйхона лойиҳаси “Жамила-Жаҳон» хусусий фирмаси раҳбари, жомлик Маматқул Холиқулов томонидан амалга оширилди. Тўйхонани қуришга давлатдан узоқ муддатли қарз ҳисобига 140 миллион сўм олинди. Тўйхонанинг умумий қиймати 450 миллион сўм бўлиб, бир вақтнинг ўзида 600 кишига хизмат қилади.

Тўйхонани Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Тойлоқ тумани, Тим ва Жом қишлоқларидан ишчи-усталар қурдилар.

Жом қишлоғининг биринчи тўйхонаси 2013 йилнинг 20 августида Республикамиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида, бир неча йил Жом давлат хўжалигига раҳбарлик қилган Пиримқулов Суюннинг набиралари тўйи билан иш бошлади. 2014 йилда Раҳмон Маҳмудов томонидан қурилган иккинчи тўйхона ишга тушди.

Бугунги кунда жомликлар икки тадбиркор қишлоқдошлари томонидан қурилиб ишга туширилган тўйхоналардан катта миннатдорчилик билан фойдаланишмоқда.

ЖОМ ҚИШЛОҒИДАГИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ

ЖОМ МФЙ ҲУДУДИДАГИ КОЛЛЕЖ

Коллеж Республикамизнинг 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонунлари талабларидан келиб чиқилган ҳолда, 2002 йилнинг 10 апрелида Самарқанд вилояти ҳоқими Ш.М.Мирзиёев томонидан тасдиқланган №03-34-348-сонли йиғилиш баёни «Нуробод тумани Жом қишлоғида ҳал этилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва аниқ таклифлар тайёрлаш бўйича вилоят раҳбарларига берилган топшириқлари рўйхати» нинг биринчи бандида Жом хўжалигидаги 15 та мактабда 4286 ўқувчи ўқиши, ҳар йили 800 нафардан ортиқ ўқувчиларнинг мактабларни битириши айтилиб, қишлоқда коллеж қурилиши масаласи қайд этилган. Ушбу топшириқнинг 3-бандида Жом ҚФЙ ҳудудида 3421 нафар ишсиз йигит-қиз борлиги ва уларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш топшириғи берилган.

Буни эътиборга олган Жом ҚФЙ раиси Эштурди Раҳимов Жомнинг ўнта, Созағоннинг саккизта, Қашқадарёнинг Жомгаяқин 4-15 км масофада жойлашган Умакай, Қўчқорбулоқ, Сарсон, Тутли, Тулақул, Ғаровли қишлоқларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари учун Жомда педагогика коллежи қуриш таклифи билан Самарқанд вилояти ва Нуробод тумани ҳоқимликлари ҳамда ҳоқимликларнинг ХТБларига чиққан, шу асосда педагогика коллежи ташкил этилган эди. 2011 йилда мазкур коллежнинг номи «Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи» га ўзгартирилди.

Коллеж қурилиши 2007 йилнинг ноябрида бошланган ва 2008 йилнинг августида фойдаланишга топширилган. 540 ўқувчига мўлжаллаб 3 қават қилиб қурилган коллежнинг орқа жануб қисмида 100 ўринга мўлжалланган 2 қаватли ётоқхона, 120 ўринли ёпиқ спорт зал бор. Майдони 3784 м² бўлган мажмуани бунёд этишнинг буюртмачиси Самарқанд вилояти ҳоқимлигининг инжиниринг компанияси бўлган. «Самарқандлоийҳа» МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилган, пудратчи «Рухсора-2» ХИЧ ТФ бўлган. Қурилиш қиймати 2 миллиард 341 миллион сўм.

2008 йил коллеж қурилиши тугалланиши муносабати билан Нуробод тумани ҳоқимлиги Жом ҚФЙ зиммасига ишлаётган ишчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш, мажмуа биносини фойдаланишга топшириш учун унинг ўзини ва майдонини тозалаш, мебеллар, стол-стуллар, ўқув-кўргазмали қурооларни жойлаштириш, кўкаламзорлаштириш топшириқларини юклади. Гирдиқўрғон ва Жом МФЙлари раислари ва фаоллар Шомурод Кенжаев, Бахтиёр Қиличев, Мавжуда Каримова, Яхшигул Чинмирзаевалар ташкилотчилик ишларини амалга оширдилар. Уларга қишлоқ фуқароларидан Холбой Маҳатов ва Пардабой Соатовлар яқиндан амалий ёрдам кўрсатишди.

Коллежнинг очилиш маросими қишлоқда катта байрамга айланди. Жом

ҚФЙ томонидан коллеж биноти қурилишида иштирок этган 35 нафар ишчи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати ила қишлоққа файз киритиб, кўрк бериб турган муҳташам таълим маскани биносининг қад кўтариши, 24 минг ёшдан ошган энг кўҳна Жом қишлоғида минг йиллар оша ҳеч қачон кузатилмаган тарихий воқеа бўлди.

ЖОМ МФЙ ҲУДУДИДАГИ 24-МАКТАБ

Жом МФЙ ҳудудидаги бу мактаб 1969 йилда тарих фани ўқитувчиси Ҳасан Расуловнинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилган. 2013 йилда 240 ўринли мактабни замон талабларига мослаб қайта қуриш масаласи Абдужаббор Эрназаровнинг ташкилотчилигида давлат дастурига киритилган. Уни қуришга давлат бюджетидан 390 млн. сўм маблағ ажратилган. Қурилиш 2013 йилнинг ноябрь ойида Мирза Исломов раҳбарлигидаги «Бинокор» хусусий фирмаси томонидан бошланиб, 2014 йилда фойдаланишга топширилган.

Мактаб қурилишига фуқаролардан Салоҳиддин Эрназаров, Мурод Исоқов, Бўрон Ашуровлар амалий ёрдам кўрсатишган.

ТЕГИРМОНБОШИ МФЙ ҲУДУДИДАГИ 44-МАКТАБ

Бу мактаб 1991 йилда Гулмурод Отабоевнинг саъй-ҳаракати, туман Халқ таълими бўлими раҳбарияти ва қишлоқ фаолларининг қўллаб-қувватлаши ёрдамида ҳашар йўли билан қурилиб, ишга туширилган. Мактаб биносига термит (сарик қумурсқа)лар каттиқ зарар етказгач, 2012 йилда 120 ўқувчига мўлжалланган мактаб давлат бюджетидан берилган 240 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳисобига қайтадан қурилди. Қурилишда ўқитувчилардан Зебо Отабоева, Нишон Холмўминов, автоулов ҳайдовчиси Мусурмон Султоновлар фаоллик кўрсатдилар.

Мактаб биноти Шуҳрат Нурмўминов раҳбарлигидаги «Севинч сервис нур» МЧЖ фирмаси томонидан қурилган.

ЖОМ МФЙ ҲУДУДИДАГИ 45-МАКТАБ

120 ўқувчига мўлжалланган, эни 15,7, бўйи 28,3, баландлиги 3,7 метр ўлчамдаги бу мактаб, фуқаролар Режаб Равшанов ва Самат Тоировларнинг ташкилотчилиги билан давлат дастурига киритилган. Уни қуришга давлат бюджетидан лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича 112 млн. сўм маблағ ажратилган.

Мактаб 2007 йилда тендер асосида Мирза Исломов раҳбарлигидаги «Бинокор» хусусий фирмаси томонидан қурилиб фойдаланишга топширилган.

Мактаб биносининг барпо бўлишида туман ХТФ МТ ва ТЭ бўлими касаба уюшма бошлиғи Эркин Абдусаломов, қишлоқ фуқароларидан Саъдин Ўсаров, Эргаш Очилловлар амалий ёрдам кўрсатишган.

ОМОНДАРА МФЙ ҲУДУДИДАГИ 21-МАКТАБ ВА СПОРТ ЗАЛ

Жомдаги 21-мактаб қишлоқнинг илк таълим масканларидан бири ҳисобланади. 1929 йили Каттақўрғонда 10 ойлик муаллимлар тайёрлайдиган курсларда жомлик йигитлардан Тухсори Тожиев, Тоғайназар Холиқулов, Ёрмат Садинов, Ҳасан Раҳимов, Жўрабой Шералиев, Аҳмат Шомаҳматов, Парда Оллоёров, Очил Бердиев, Ғани Жуманов, Тура Мавлонов, Мамарайим Ирисқулов, Ибодулла Қодировлар ўқиб келишиб қишлоқнинг биринчи ўқитувчилари бўлишган. Ўқувчиларни ўқитиш 1930 йилдан бошлаб Омондара маҳалласидаги Раҳмонқул карвоннинг меҳмонхонасида, Чўммоқ қишлоғидаги масжидда, Сафар, Амирқул, мулла Аваз боболарнинг уйларида олиб борилган.

1937 йилда жамоа хўжалик бухгалтерияси учун тўрт хоналик бино қурилган. Қишлоқ болаларининг одамлар уйларида ўқитилаётганлигини эътиборга олган жамоа хўжалиги раиси Абдулла Омонов бу бинони мактаб учун берган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1948 йилда мактаб директори Тухсори Тожиевнинг саъй-ҳаракати, Каттақўрғон тумани ва халқ маорифи бўлими раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши, қишлоқ аҳолисининг ёрдами билан янги мактаб бунёд этилган. Термит (сарик қумурсқа)лар бу бинога зарар етказгач, 1960 йилдан бошлаб мактаб директори Болли Ёрқулов раҳбарлигида қайта қурилган. Бизларни шу мактабда Болли Ёрқулов, Амир Очил, Ҳақберди Хидиров, Нормўмин Жуманов, Шовхи Жўжақулов, Ўрол Жумаев, Йўлдош Холмўминов, Шукур Рўзиқулов каби жуда кўплаб фидойи ўқитувчилар ўқитган. 17 йилдан сўнг, яъни 2007 йилда Нуробод тумани ҳокими Ж.Х.Ибрагимовнинг ёрдами билан Ағрон қишлоғида қурилиши лозим бўлган 55-сонли мактабга ажратилган маблағнинг бир қисми ҳисобига 21-умумий ўрта таълим мактаби қурилди. 2008 йилда спорт зал мажмуаси қад кўтарди.

2006 йил 19 декабрда Нуробод тумани ҳокимлигида Нуробод туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи А.У.Баҳромов олиб борди. Йиғилиш асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг 11-бандида 21-умумий ўрта таълим мактабни 360 ўринли қўшимча 2 та бино ва спорт зал қурилишини инвестиция дастурига киритиш қайд этилган.

Вилоят ҳокими томонидан объектлар қурилишини 50:50 нисбатда қуриш таклифи киритилган, бутун йиғилиш қатнашчилари жим бўлиб қолган бир пайтда Жом ҚФЙ раиси Э.Раҳимов сўзга чиқиб, агар 21-умумий ўрта таълим мактаби қошида ёпиқ спорт зал қуриладиган бўлса 50 фоиз ишни ўз зиммамга оламан деган. Унга вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи А.У.Баҳромов қандай қилиб деган саволни беради. Шунда Э.Раҳимов ишчи кучи, озиқ-овқат, бир қисм қурилиш материаллари, жумладан, 10 тонна арматура бизлардан бўлади, деган. Бу гапдан сўнг А.У.Баҳромов вилоят инжиниринг компанияси бошлиғи Пиримқул Собиров ва вилоят молия бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Ҳасановларга 18х36 ўлчамдаги ёпиқ спорт зал қуриш масаласини Э.Раҳимов билан биргаликда ҳал қилиш топшириғини берди. Йиғилиш котиби

Т.Игамбердиев ва Нуробод туманига масъул қилиб бириктирилган вакил, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Р.Қаршибоевларга масалани дастурга киритишни топширди.

Спорт зални қуриш масаласини 2006 йилнинг 22 декабрида вилоят инжиниринг компанияси биносида бошлиғи Пиримқул Собиров, вилоят Молия бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Ҳасанов ва Жом ҚФЙ раиси Э.Раҳимовлар биргаликда муҳокама қилишди. Улар Э.Раҳимовдан спорт зал қурилишига қандай ёрдам бера олишини сўрашди. Э.Раҳимов пойдевор учун тош, қум ташиб келтириб, бетон ишларини қилиб беришини, Қаршидаги УБР ташкилотида ишлаётган 100 дан ортиқ ҳар бир жомлик ҳисобига 10 кг дан, жами 10 тоннадан ортиқ арматура тайёрлаб беришини, қурувчиларни озиқлантириш, ётоқ жой билан таъминлашини айтди. Шунда П.Собиров пойдеворга тош ишлатиб бўлмаслигини, у зилзилага бардош бера олмаслигини, лекин спорт зални қуриш давлат режасига киритилганлигини маълум қилди.

Спорт зали 2006 йилнинг 28 декабрида №02-3/4-18-23-сонли Самарқанд вилояти ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилиш баёни қарори билан тасдиқланган тадбир-режа асосида қурилган. Бироқ спорт зал 18x36 ўлчамда эмас, балки 21-умумий ўрта таълим мактаби маъмуриятининг эътиборсизлиги сабабли 9x18 ўлчамда лойиҳалаштирилиб қурилган. Спорт зал 2008 йилда шу қишлоқ фарзанди Жўрабой Ёрқулов бошлиқ бригада томонидан қурилиб ишга туширилган.

21-умумий ўрта таълим мактаби Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги №312-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, Нуробод тумани ҳокимлиги ишчи гуруҳи хулосасига асосан 2004 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилган ва бу иш амалга оширилган. Шу сабабли 21-умумий ўрта таълим мактабининг замонавий биносини қуриш давлат дастурига киритилмаган.

Давлат дастури асосида 2016 йил туман болалар спорт мактабининг филиали бўлмиш 21-умумий ўрта таълим мактаб спорт залини спорт анжомлари билан таъминлашга 22 миллион сўм ажратилган. Бироқ бу иш мактаб раҳбарияти, болалар спорти жамғармаси ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг лоқайдлиги туфайли охирига етказилмаган.

2016 йил декабрда 21-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Ўктам Қобулов ва олимпия захиралари спорт мактаби мураббийси Нурали Қобуловлар Эштурди Раҳимовга спорт залини керакли инвентарлар билан таъминлашга ёрдам беришини сўраб мурожаат этди.

Э.Раҳимов 2016-2017 йиллар давомида жуда кўп югур-югурлар билан давлат дастури асосида 21-умумий ўрта таълим мактаби спорт залини спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун режалаштирилган 22 миллион сўм маблағни излаб топиб, яна қўшимча 15 миллион сўм билан қайтариб олиб келди.

2017 йил 18 май пайшанба куни соат 11.00 да келтирилган спорт жиҳозларини 21-умумий ўрта таълим мактабига топшириш тадбири бўлиб ўтди. Спорт залига 30 миллион сўмлик 96 м² татами тўшаги, 1 миллион 800 минг сўмлик 2 дона

бокс қопи, 1 миллион 200 минг сўмлик 1 дона тулум, 4 миллион сўмлик 19 дона кимано комплектлари, жами 37 миллион сўмлик спорт анжомлари тухфа этилди.

Анжуманда 1960 йиллардан бошлаб Жом спорт мактаби ривожига катта ҳисса қўшган, қишлоқнинг биринчи олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси, кекса Шовхи Хўжақулов сўзга чиқиб, ўзи ўқитувчилик қилган даврларда ерига похол солиниб мослаштирилган хоналарда ўқувчилар билан спорт машғулотлари ўтказилганини айтиб, бундай мухташам спорт комплексларни кўришга етказган Аллоҳга шукроналар айтиш билан биргаликда, бугунги ёшларга шундай шароитларни яратиб бераётган мамлакатимиз раҳбариятига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдириб, “мустақиллигимдан айланай, энди ўлсам армоним йўқ”, деб йиғлаб юборди. Шундан сўнг қишлоқнинг нуроний оқсоқоли Бердимурод Равшанов, спорт анжомларини тайёрлаб олиб келган “Зулфия” хусусий фирмаси бошлиғи Фурқат Узоқов, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори Пирназар Давроновлар сўзга чиқишиб ёш спортчиларни совғалар билан табриклашди, уларнинг келажақдаги ишларига муваффақиятлар тилашди. Қишлоқ имоми Абдуфаттоҳ Турсунов ўтган раҳбарлар, полвонлар руҳларига Қуръон тиловат қилди. Ўқтам полвон Қобулов хонадонидан бир пиёла чой устида суҳбат давом этди.

21-умумий ўрта таълим мактабининг 2007 йилда қурилган бир қаватли 120 ўқувчи ўрнига мўлжалланган биносига қўшимча равишда, 2017-2018 йилларда 240 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино қурилиб ишга туширилди.

ГИРДИҚЎРҒОН МФЙ ҲУДУДИДАГИ 22-МАКТАБ

Бу мактаб Жомнинг биринчи таълим муассасаси ҳисобланади. 1920-йиллар охири 30-йиллар бошида Жомда саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилган. 1923 йилда мулла Худойберди бобо Хўшвақт Қурбонов меҳмонхонасида 14 ўқувчини ўқитишни бошлаган ва Жомнинг биринчи ҳозирги замон мактабига асос солинган. Ўқувчилар 1929 йилгача араб, 1929-1940 йилларда лотин, 1940-1993 йилларда кирилл имлосида ўқитилган. 1993 йил 2 сентябрдан лотин ёзувигача асосланган ўзбек алифбосига ўтилди.

1934 йил Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида 4 йиллик мактаб очилган. Бу мактаб 1939 йилда 7 йилликка, яъни тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилган.

Каттақўрғон шаҳар маорифи бўлими таркибида биттадан ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган ўрта мактаблар бўлган. Туман халқ маорифи бўлими таркибида эса ўрта мактаблар мавжуд бўлмаган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Каттақўрғон тумани халқ маорифи бўлими биринчи ўрта мактабни Янгиқўрғонда ташкил этган, бироқ болалар йиғилмаганлиги туфайли режа амалга ошмаган. Кейин ўрта мактаб Саройқўрғонда очилган, яшаш оғир, болалар ишлаб чиқаришда ота-оналари билан қатнашаётганлигидан бу ерда ҳам болаларни тўплаб ўқитишнинг имкони бўлмаган.

1946 йилда қишлоқнинг ҳозирги Гирдиқўрғон МФЙга қарашли ҳудудидаги жамоа хўжалигига 1933 йилдан 1952 йилгача раислик қилган Маҳмадўст

Холбозоров Каттақўрғон туман халқ маорифи бўлими раҳбарияти ҳамда қишлоқ аҳолиси ёрдамида ҳашар йўли билан жуда катта мактаб-интернат қуриб уни 1948 йилда фойдаланишга топширган. Шундан сўнг Каттақўрғон халқ маорифи бўлими Жомда ўзининг биринчи ўрта мактабини ташкил этган. Ушбу улуф масканда Жомнинг барча фарзандлари, шунингдек, Қашқадарёнинг Ўмакай, Қўчқорбулоқ, Сарсон, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманига қарашли Иброҳим ота, Анжирли қишлоқлари болалари таълим-тарбия олишган. Шамсиддин Ёқубов раҳбарлик қилган 1960 йилларда мактаб Самарқанд ва Қашқадарё воҳасида халқ томонидан Жом Университети деб довуф таратган.

Бизлар ҳам 1963-1966 йилларда шу мактабда Шамсиддин Ёқубов, Ёрмат Садинов, Сафар Қурбонов, Жалолиддин Сафаров, Улаш Турапов, Вафоқул Қулматов, Ўрол Жумаев, Дагар Мирзаев, Ўрол Сатторов, Ғофур Қудратов каби фидойи ўқитувчилардан сабоқ олганмиз. Мактабнинг интернатида Жомнинг қуйи қисмида жойлашган Жом маҳалласи ва атроф қишлоқлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар яшашарди. Бу мактаб-интернат бинолари 1970 йилларга келиб термит (сарик қумурсқа)лар таъсирида яроқсиз ҳолга келди. Натижада ўша йиллари мактабга директор бўлиб ишлаган Ғ.Қудратов ташкилотчилигида мавжуд мактабнинг шарқий қисмида янги мактаб қурилиши бошланди ва кейинги раҳбари Улаш Туропов томонидан охирига етказилиб фойдаланишга топширилди. Бу мактаб ҳам вақт ўтиши билан термитларга ем бўлди.

Ҳозирги 300 ўринли мактаб ва 12х24 ўлчамдаги ёпиқ спорт зал 2013-2014 йил давлат дастурига киритилиб, Пўлат Ҳамзаев раҳбарлигидаги «Ургут қурилиш дизайн» МЧЖ фирмаси томонидан қурилди.

ЖОМ МФЙ ҲУДУДИДАГИ 23-МАКТАБ

Мактаб қурилиши ташкилотчиси Жўрақул Тожиевнинг берган маълумотлари:

- мактаб қурилиши 2015-2016 йилларга мўлжалланган;
- давлат бюджети ҳисобидан 2 миллиард 617 миллион 348 минг сўмга қурилиши режалаштирилган;
- 315 ўринли;
- вилоятнинг 2016 йилги инвестиция дастурига асосан мактаб биниси Алижон Бўриев раҳбарлигида «Меъмор Ўткир човка» МЧЖ қурувчилари томонидан лойиҳа асосида қурилмоқда;
- қурилиш 2015 йил 20 сентябрда бошланиб 2016 йил августда ишга туширилиши режалаштирилган;
- 2015-2016 ўқув йилида 32 нафар ўқитувчилар мавжуд 20 тасинфхоналаридан фойдаланиб 425 нафар ўқувчилар таълим-тарбия беришмоқда.

ТЕГИРМОНБОШИ МФЙ ҲУДУДИДАГИ 63-МАКТАБ

1988 йилда Ҳафрин қишлоғи фаолларидан Абдурайим Хўжақулов, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Содик бобо Норқулов, ўқитувчилардан Муродулла Холбозоров ва Шойимқул Суяровлар маслаҳатлашиб ҳашар йўли билан мактаб

қуриш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳафрин қишлоғининг ўша даврдаги 200 хўжалиқдан 15-20 сўмдан пул тўпладилар.

Қишлоқ фаоллари илтимосига кўра «Галашерик»нинг жануб томонидаги суғорилмайдиган қир устидан мактаб ўрнини текислаб тайёрлаш учун Жом давлат хўжалиги раҳбари Мамат Абдуллаев ишчи Қурбонали Сафаровни бульдозер билан жўнатди. Қ.Сафаров бир ой давомида мактаб ўрнини ҳозирлаб бўлди.

Аҳолидан йиғилган маблағ ҳисобига Жом мармар конидан тош келтирилиб Зайни бобо Сафаров бошчилигида мактаб пойдеворини қуриш бошлаб юборилди, бунда айниқса, Омондулла Зиятов, Рустам Норқуловлар жонбозлик кўрсатдилар. Санақул Тўйлиев қурилишга ўз ҳисобидан 10 тонна цемент совға қилди. Пойдевор устига Абдурасул Холмирзаев ва Сойип Суяровлар бошчилигидаги усталар пахса девор ўрнатишди. Мактаб томини ёпиш учун иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Содиқ бобо Норқулов вилоят ва туман раҳбариятига ёзма талабнома билан чиқди. Раҳбарият томонидан талабнома қондирилиб, етарли маблағ ажратилгач, мактаб томини ёпиш ишлари бошлаб юборилди. Ўқитувчи Омонтурди Суяров қурувчиларга икки ой давомида уйдан жой бериб, уларнинг таомланишига бутун оила аъзолари билан биргаликда хизматда туришди. Қишлоқ аҳолиси томонидан қурувчилар озиқ-овқатлари учун кўзи-улоқлар сўйиб берилиб турилди.

Мактаб қурилиши тугагач, 1989 йил апрель ойида уни очиш учун туман раҳбариятига, жумладан, ўша даврда туман маориф бўлими мудирини бўлиб турган Мусурмон Норматовга мурожаат этилди.

М.Норматовнинг бевосита ёрдами туфайли мактаб парта, стол, стул, доска, спорт жиҳозлари, лаборатория ускуналари, лингафон, дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминланди.

1989 йилнинг 1 сентябрида 63-сонли 8 йиллик тўлиқсиз ўрта мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Қишлоқ аҳолиси талабига асосан мактаб директори қилиб ўша даврда МУПК раҳбари бўлиб ишлаб турган Қоплон Худоёров кўчириш йўли билан тайинланди. Қ.Худоёров биринчи ишини қишлоқ аҳолиси кўмагида тоғдаги Ойхолсойдан 3 км. масофага қувур орқали булоқ сувини олиб келиш ва мактаб атрофини ободонлаштиришдан бошлади.

Мактабга узоқ йиллар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари молиясининг мудирини бўлиб ишлаган, Жомдан жуда кўплаб кадрлар тайёрлаган ажойиб инсон Ўрол бобо Бозоров номи берилди, 10 йилдан сўнг унинг эсдалик бюсти ўрнатилди. Ў.Бозоровнинг Қашқадарёда масъул лавозимларда ишлайдиган фарзандлари Рустам ва Улуғбекларнинг ёрдамида мактаб атрофи тош девор билан ўралди ва мактабга яқин тепаликда спорт майдони қурилди.

1990 йилда мактаб икки сменада ишлаганлиги туфайли, қишлоқ аҳолиси яна ҳашар йўли билан мактабга иккинчи бино қуриш ташаббуси билан чиқди. Мактаб директори Қ.Худоёровнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан давлат ҳисобидан маблағ кўчирилишига эришилди.

«Боғизағон» ПМКси томонидан иккинчи бинонинг қуриб ишга туширилиши муносабати билан 1991 йилнинг 1 сентябридан мактаб бир сменили ўқишга ўтди.

Ушбу бинонинг қурилиши ва ободонлаштириш ишлари учун ўша пайтда Нуробод туманидан Олий Кенгашга депутат қилиб сайланган О.К.Адамонов томонида 55 минг сўм пул кўчирилиб берилди. Жом мармар кони бошлиғи С.Худойназаров мактабни майдаланган керакли тошлар билан таъминлаб турди. Мактабнинг янги биноси давлат дастури асосида 2007-2008 йилларда қурилиб ишга туширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Жом МФЙ ҳудудидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб коллеж биноси 3 қават қилиб қурилган. Коллежнинг орқа жануб қисмида 100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2 қаватли турар жой биноси, 120 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ёпиқ спорт зал қурилган.

Чўнқаймиш қишлоғидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2005-2006 йилларда, Ҳафрин қишлоғидаги 63-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2007-2008 йилларда, Каримовул қишлоғидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2012 йилда, Жом МФЙ ҳудудидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда, Бешбармоқ қишлоғидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2017-2018 йилларда бир қаватли қилиб қурилиб ишга туширилди.

Жом МФЙ ҳудудидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2010-2011 йилларда, 24-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда, 23-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2015-2016 йилларда, Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда икки қаватли қилиб қурилиб ишга туширилди.

21-умумий ўрта таълим мактабининг 120 ўқувчи ўрнига мўлжалланган эски биноси ва спорт мажмуаси 2007-2008 йилларда янгидан қурилди. Бурумдаги филиали биносини қуриб ишга туширишга доир ишлар 2011 йилдан 2015 йилгача давом этди. 2017 йилда мактабнинг спорт зали 37 миллион сўмлик спорт анжомлари билан янада бойитилди. 2017-2018 йилларда шу мактабнинг 240 ўқувчи ўрнига мўлжалланган икки қаватли янги биноси қурилиб ишга туширилди.

ОМОНДАРАДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ФИЛИАЛИ

Жом ҚФЙга қарашли Омондара МФЙнинг Юқори қишлоқ, Бешбулоқ, Толли, Тошбулоқ, Калта сой, Сарик чўққи гузарларига аҳолининг кўплаб кўчиб чиқишлари натижасида узоқ масофадаги тарқоқ жойлашган хонадонлардан мактабга келиб ўқиши керак бўлган ёшларга катта қийинчилик туғдира бошлагач, Жом давлат хўжалиги раҳбари Пўлат Раҳмоновнинг ёрдами билан Бошбулоқ гузарида 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси 1980 йилда ҳашар йўли билан тошдан тўрт хонали қилиб қуриб берилди. Иккита хонада бошланғич синф ўқувчилари ўқишди, қолган хоналардан бирида кўргазмали қуроллар сақланса, бошқасидан ўқитувчилар фойдаланишди. Мактабга 4-7 км узоқликда жойлашган хонадонлардан ўқувчилар дарсларга пиёда қатнашди. Бу тоғли ҳудуддан ўқувчилар 9 ой ўқиш давридаги куз, қиш ва баҳор фаслларининг 6 ойида, жуда кўпчилик тенгдошлари ширин уйқуда ётган бир пайтда, эрталаб

соат 5 да мактабга отланишиб, жар-чуқур оралаб хавотирликда, совуқда, қор ва ёмғир остида жуда қийналишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги №321-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 21-умумтаълим мактаби биноси капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган, бироқ унинг филиали биносини қайта қуриш ва таъмирлаш кўзда тутилмаган. Бу тўғрида тегишли бирон ташкилотга мурожаат этилмаган. Оқибатда ҳудуддаги 135 нафар ўқувчидан бошланғич синф ёшидагилари филиалнинг мавжуд икки синф хонасида ўқитилган бўлса, қолганлари яна 21-умумтаълим мактабининг асосий биносига 6-7 км масофадан қатнаб таълим-тарбия олишни давом эттиришган.

Болаларнинг мактабга қатнашида қийинчиликлар юзага келаётганлигини ҳисобга олган ота-оналар, оқсоқоллар 2011 йилнинг февраль ойида 21-умумтаълим мактаби филиали биносини қайта қуриб ўқувчиларнинг ўқишига шароит яратиб берилишини сўраб Нуробод тумани ҳокимлигига ёзма мурожаат билан чиқишган. Туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган текшириш ҳайъати 2011 йилнинг 30 мартида қишлоққа келиб масалани жойида ўргангани ва 8 хонадан иборат филиал биносини қуриш зарурлиги тўғрисида далолатнома тузади. Далолатнома талабидан келиб чиқиб Нуробод тумани Халқ таълими бўлими 2011 йил 5 апрелда №171-сонли хати билан туман ҳокимлигига 21-умумтаълим мактаби филиали биносини қайта қуриш тўғрисида чиқиш қилади. Шунинг билан масалага хотима берилади.

2012 йил 27 январда Омондара маҳалласи оқсоқоллари Э.Раҳимовни маҳаллага чақириб, мазкур масала билан шуғулланишини таклиф этишади. Э.Раҳимов ушбу масала бўйича 2012 йил 4 февралда Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга тегишли ҳужжатлар қўшилган ариза билан мурожаат қилади.

Э.Раҳимов Нуробод тумани ҳокими Ж.Х.Ибрагимов томонидан 2012 йилнинг 20 феврилида мактаб филиали биносини 4 хонали қилиб қайта қуришга амалий ёрдам сўраб вилоят ҳокими номига ёзилган №01-2/5-54-сонли хатини олиб вилоят ҳокимлигига топширади.

Вилоят ҳокими номига ёзилган аризага вилоят Халқ таълими бошқармаси 2012 йилнинг 25 феврилида №284-сонли икки хил мазмундаги хат билан жавоб берган. Улардан бирида мактаб филиали биносини капитал реконструкция дастурига киритилса мақсадга мувофиқ бўлиши айтилган бўлса, иккинчисида 4 хонали филиал биноси лойиҳа-смета ҳужжатлари ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш масалалари Халқ таълими бошқармаси томонидан ечилиши, бинонинг маҳаллий ҳокимлик томонидан қурилиши таклифи берилган.

2012 йил 16 апрелда Нуробод тумани ҳокимлиги ўзининг №02-2/5-133-сонли хати билан «Меъмор қурилиш» МЧЖ директори Р.Воҳидовдан 100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришини сўрайди.

2012 йил 23 июлда Омондара МФЙнинг 21-умумтаълим мактаби филиали биносини кўчириш ва қайта қуриш ишини совуқ кунларга қолдирмасдан ҳал

этишга бағишланган йиғилиши бўлиб, йиғилиш қарори билан Э.Раҳимовга ушбу иш бўйича шуғулланувчи ваколатли вакил деган кафолат хати берилади.

Шундан сўнг Э.Раҳимов вилоят ҳокимига иккинчи ариза билан мурожаат қилади. Масалага ойдинлик киритилмагач, 2013 йилнинг 21 январида Нуробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутатлигига сайланган О.А.Ўсаровга ёзма чиқиш қилади. Яна бирор натижа бўлмагач, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси спикери Д.Г.Тошмуҳаммедовага мурожаат қилади.

Э.Раҳимов Омондара маҳалла аҳолисининг 21-умумтаълим мактаби филиали биносини кўчириш ва қайта қуриш масаласи бўйича ваколатли вакил сифатида ёзган қатор мурожаатларига олинган жавоб хатлари қуйидагича бўлган:

2013 йил 15 майда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига ёзган №10-2/-106-сонли хатида 21-умумтаълим мактаби филиали биносини жорий таъмирлашга 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги;

2013 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутати О.А.Ўсаровнинг №111-13/54-сонли хатида аризанинг ўрганиб чиқилганлиги;

2012 йил 6 октябрда Нуробод тумани ХТМФМТТЭБ мудир У.Сапаровнинг №467-сонли туман ҳокими номига ёзилган хатида филиал биносини жорий таъмирлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги;

Нуробод тумани ҳокимлигининг 2012 йил 8 октябрдаги №02-259-сонли хатида филиал биносини қуриш бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф берилганлиги;

2013 йил 21 январда Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг №01-234-сонли хатида филиал биносини қуришнинг инвестиция дастурига киритилмаганлиги;

2013 йил 27 апрелда Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармасининг №599-сонли хатида мактаб филиали биносини қуриш учун маблағ масаласида туман ҳокимлигига мурожаат қилиш кераклиги тўғрисидаги;

2013 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Абруевнинг мактаб филиали биносини қуриш масаласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига ёзган №04-1058-сонли хати;

2013 йил 15 майда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг мактаб филиалини жорий таъмирлашга 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги тўғрисидаги №10-2/108-сонли хати (такрор);

2013 йил 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактаб филиал биноси қурилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига йўлланган №18-8-8/3583-сонли хати;

2013 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Абруевнинг имзоси билан филиал биносини қуриш таклифи туман ҳокимлиги томонидан берилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги №291-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда туман ва вилоят ҳокимликларининг таклифларига асосан филиал биноси қурилиши давлат дастурига киритилиши тўғрисидаги №04-1557-сонли хати;

2013 йил 20 июндаги Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармасининг филиал биноси жорий таъмирдан чиқарилганлиги, уни қуриш масаласида туман ҳокимлигига мурожаат қилиш лозимлиги ҳақидаги №926-сонли хати;

2013 йил 25 июнда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг мактаб филиали биноси қуриш учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги ҳақидаги №10-2/138-сонли учинчи хати (тақрор);

Қонун устуворлиги масаласида 2013 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Спикери Д.Г.Тошмухамедовага икки марта мурожаат қилинган. Мурожаатнинг натижаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳавола этилганлиги сабабли шу санада Вазирлар Маҳкамасининг маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бошлиғи М.Болтабоевга қайта мурожаат қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси девонининг 2013 йил 12 августда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси Самарқанд вилояти ҳокимлигига йўлланган №05/10-1075-сонли хати (хат мақсади кўрсатилмаган);

2013 йил 30 августда Нуробод тумани ҳокими ўринбосари З.Н.Ниёзовнинг туман ҳокимига 21-умумтаълим мактаби филиали биносини қуришга имкониятнинг йўқлиги туфайли 2013 йил 23 августдаги №08-2-40 сонли топшириқ карточкани назоратдан чиқариш тўғрисидаги №02-185-сонли хати (Ушбу хат туфайли ҳокимлик асоссиз равишда мактаб филиали биноси масаласини назоратдан чиқарган);

2013 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Абруевнинг имзоси билан филиал биносини қуриш Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига юклатилганлиги тўғрисидаги №04-313-сонли хати;

2013 йил 28 декабрда Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг филиал биносини 2014 йил инвестиция дастурига Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда киритишни бажариш ҳақидаги №01-2583-сонли хати (бирок натижа бўлмаган);

2014 йил 8 январда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг филиални қуриш бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлигига ёзган №24-сонли хати;

2014 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига филиал биноси қурилишига доир 44 варақ ҳужжатлар билан мурожаат этилгач, 2014 йилнинг 25 феврида Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг филиални қуриш 2015 йил дастурига киритилганлиги ҳақидаги №352-сонли хати.

Шу ўринда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси

филиал биносини қуриш масаласини нега шунча йил орқага суриб келди, деган ҳақли савол туғилади.

2014 йил 9 апрелда Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясидан филиал биносини қуришнинг 2015 йил инвестиция дастурига киритилганлиги тўғрисидаги маълумот сўралганида, Нуробод тумани ХТМФМТТЭБ мудирини киритган дастурни Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари З.Н.Ниёзов тасдиқламаганлиги учун инвестиция дастурига киритилмаганлигини маълум қилди. Яна ҳақли савол туғилади, Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари З.Н.Ниёзов қандай асосларга кўра мактаб қуришдек хайрли ишга қарши турмоқда?

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг филиални қуриш 2015 йил дастурига киритилганлиги ҳақидаги 2014 йил 25 февралдаги №352-сонли хати илова қилинган телеграмма берилгач, филиал биносини қуриш 9 апрель 2015 йил санаси билан инвестиция дастурига киритилди.

Э.Раҳимов бу ҳужжатни Тошкентдан келтириб Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясига тақдим этганида, улар яна бошқа ҳужжатни, яъни филиални 60 ўқувчи ўринли қилиб қуриш тўғрисидаги Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг маълумотномасини кўрсатишди. Э.Раҳимов уларга мазкур ҳудудда 135 нафар ўқувчи борлиги тўғрисидаги 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров ва Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппаровлар имзолаган маълумотномани берди. Шунда улар 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаровнинг Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига ҳудудда 56 нафар ўқувчи борлиги тўғрисида берган ёзма маълумотномасига асосан тузилган дастурни кўрсатишди.

2014 йил 25 июнда Э.Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга мазкур аҳвол юзасидан ариза билан мурожаат қилди ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.И.Иноятов қабулида бўлди. У.И.Иноятов Э.Раҳимовга ишчи гуруҳи берган тавсияга асосан қурилишлар режалаштирилишини, энди маҳаллий ҳокимликларнинг Бош вазир номига чиқиш қилишлари кераклигини айтди.

Бош вазирга қилинган мурожаатдан сўнг 21-умумтаълим мактаби филиали биносини 60 ўқувчи ўринли қилиб қуриш 2015 йилнинг давлат дастурига киритилганлиги тўғрисидаги Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2014 йил 18 июлдаги №10-2/315-сонли, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 8 августдаги №03-2584-сонли хати олинди.

2014 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг филиал биносини қурилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Э.Раҳимовга йўлланган №18-8-8/8080-сонли хатида масалани жойида атрофлича ўрганиш сўралган.

2014 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 8 августдаги №04-2523-сонли хатида яна филиал биносини 60 ўқувчи ўринли қилиб қуриш кўрсатилган эди.

Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясида 21-сон умумтаълим

мактабининг филиали биносини қуришга доир ҳужжатлар ўрганилганда Нуробод тумани ҳокимлиги ҳатто филиал биноси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги қарорни ҳам бермаганлиги маълум бўлган. Э.Раҳимов 2014 йил 11 сентябрда филиал биносини қуриш учун ер ажратиш тўғрисида Нуробод тумани ҳокимлиги ишчи гуруҳи тузган далолатномани тасдиқлатиб, 2014 йил 16 сентябрда филиал биноси қуриш учун 0,30 га ер майдони ажратилганлиги ҳақидаги №438-К-сонли туман ҳокимининг қарорини чиқартириб вилоят инжиниринг компаниясига топширди.

Филиал биносини қуриш масаласида Бош вазирга ёзилган аризага жавобан Самарқанд вилояти ҳокимлигининг филиал биноси 60 ўринли бўлиб дастурга киритилганлиги тўғрисидаги 2014 йил 5 сентябрдаги №10-2/159-сонли хати олинган.

2014 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг филиал биноси қурилиши масаласини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Э.Раҳимовга йўлланган №18-8-8/9408-сонли хати олинган.

2014 йил 5 сентябрдаги Самарқанд вилояти ҳокимлигининг №10-2/1591-сонли хати олинган.

Э.Раҳимов 2014 йил 26 сентябрда 135 ўқувчи ўринли мактаб филиали биносини қуриш тўғрисидаги аризининг инobatга олинмаганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига телеграмма юборди.

Э.Раҳимов 2014 йилнинг 8 октябрида эрталаб соат 9.30 да Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг режалаштириш бўлими бошлиғи Абдиғани Муродқобилловдан филиал биносининг 80 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4 хонадан иборат қилиб қурилиши, бунинг фақат вилоят ҳокимининг таклифига асосан Бош вазир ўзгартириши мумкинлигини айтди.

Э.Раҳимов вилоят ҳокимлиги қабулхонасига кириб вилоят ҳокими ўринбосари О.И.Очилов билан учраштиришларини сўраганида ёрдамчиси Толиб Пиримқулов унга кутишини айтди. Соат 11.00 да вилоят ҳокимининг ўринбосари О.И.Очилов қабул қилгач, яна филиал биносини қуриш масаласида ва Бош вазирга юборилган телеграммаси натижасини билиш учун келганлигини айтди. О.И.Очилов қурилиш лимити тасдиқланганлигини маълум қилди. Сўхбат кескин тус олди, Э.Раҳимов лимит тасдиқланганлиги тўғрисида ёзма маълумот беришини сўради ва шу жойнинг ўзида Нуробод тумани ҳокимига телефон қилиб аҳволни баён қилди. Туман ҳокими вилоят ҳокимининг ўринбосари О.И.Очиловдан масалага ижобий ёндашишини сўради. Шундан кейин О.И.Очилов «Парвиз» фирмаси бошлиғи Сулаймон Боқиевга телефон қилиб филиал биноси тўғрисидаги олдинги лойиҳа-смета ҳужжатларини бузиб, 120 ўқувчи ўринга мўлжаллаб янгисини тайёрлаш топшириғини берди. Э.Раҳимовдан эса Нуробод тумани ҳокимининг хатини ва ўқувчилар рўйхатини тақдим этишини талаб қилди.

Э.Раҳимов Нуробод тумани ҳокимининг 2014 йил 9 октябрда ёзилган №01-2/5-340-сонли хатини ва 135 нафар ўқувчи рўйхатини олиб 2014 йилнинг

10 октябрь куни соат 9.30 да тақдим этди. 2014 йил 13 октябрда «Парвиз» лойиҳа-смета тайёрлаш фирмасидан 120 ўқувчи ўрнига мўлжалланган лойиҳа-смета ҳужжатларини олиб вилоят инжиниринг компаниясига топширди. Уни кутиб олган Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг режалаштириш бўлими бошлиғи Абдиғани Муродқобилов вилоят ҳокимлиги томонидан филиал биносини 120 ўринли қилиб қуриш учун маблағ топиш топшириғи олинганлигини маълум қилди. Шунда Э.Раҳимовнинг 2012-2014 йилларда биргина филиал биносини қуриш учун босиб ўтган йўллари, заҳматлари, мамлакатимизнинг келажак тараққиёти учун хизмат қиладиган 135 нафар ўғил-қизларнинг янги қуриладиган мактаб филиали биносига иссиқ-совуқлардан қийналмасдан келиб, замон стандартлари даражасида жиҳозланган шинам синф хоналарда таълим-тарбия олишаётганлари хаёлини чулғаб, кўзларидан фахр ва севинч ёшларининг сизиб чиқаётганини сезмас эди. Бу ҳолатга гувоҳ Абдиғани Муродқобилов лол қолиб, “Ҳа бобо, сизга нима бўлди?” деб, Э.Раҳимовга бир пиёла чой узатиб унга далда бўлди.

Э.Раҳимов вилоят инжиниринг компаниясидан қишлоқ аҳолисининг елкасига юклаган оғир юкини туширгандай бўлиб енгил тортиб чиқди ва бу хушxabарни биринчи бўлиб қишлоқда набираларини етаклаб юрган Элмирза Нишоновга айтиб, 120 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб тузилган филиал биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини уларга кўрсатди. Бу хушxabардан қишлоқда барча бирдек хурсанд бўлишди.

Республика Президентининг 2015 йилда қуриладиган объектлар тўғрисидаги 2014 йил 17 ноябрдаги №2261-ПҚ-сонли қарорига асосан 21- умумтаълим мактабининг филиали биноси қурилиши учун ажратилган 201,0 млн. сўм маблағ 60 ўқувчи ўрнига мўлжалланган эди. Э.Раҳимов 2014 йил 27 ноябрда Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев билан учрашганида аслида бу ҳудуддаги оилаларда 135 нафар ўқувчи ёшидаги болалар яшашини эътиборга олиш зарурлигини илтимос қилди. З.Т.Мирзаев шу кунги вилоят ҳокимлиги йиғилишининг №11/2-1185-сонли қарори билан вилоят инжиниринг компанияси ва вилоят Халқ таълими бошқармасига қурилаётган объектлар бўйича тендер савдоси ўтказишда иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан яна қўшимча 60 ўринли мактаб учун маблағни 5 кун ичида топиш топшириғини берди ва Жомда 120 ўринли янги мактаб қурилишига ишонтирди.

2014 йил 12 декабрда 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси 334 647 257 сўм маблағ билан қурилиши бўйича тендер эълони чиқди. Вилоят инжиниринг компанияси лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган 100,0 млн. сўм маблағнинг 15 февралгача ўтказилишини маълум қилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг топшириғига асосан 2014 йил 13 октябрда «Парвиз» лойиҳа-смета тайёрлаш фирмаси томонидан 120 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб тайёрланган филиал биноси, 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худайназаровнинг берган маълумотномасига асосан 60 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб 4 хонадан иборат қилиб қурилди.

Янги мактаб биносининг 2015 йил 27 августда очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимни Нуробод туман ҳокимининг ўринбосари Тўлқин Хушмуродов

очиб мактаб қурилиши ташкилотчиси Э.Раҳимовга, қишлоқ аҳлига, «Нарзитош Раҳматова» номли қурилиш фирмаси жамоасига самимий миннатдорчилигини билдирди. Анжуманда туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходими Хотамов, туман меҳнат, бандликка кўмаклашувчи гуруҳ раҳбари Бердикулов, қишлоқ фаолларидан Б.Равшанов ва Э.Раҳимовлар сўзга чиқишиб бу мактабда таҳсил оладиган ўқувчиларни табриклашиб, уларга шундай шароит яратган мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорчиликларини билдирдилар.

Мактаб ҳовлисида кун бўйи катта тантана бўлди. «Нарзитош Раҳматова» фирмаси қурувчиларига ва қишлоқнинг фаол фахрийларига тантанали равишда қимматбаҳо совғалар топширилди. Омондара маҳалласининг ҳаваскорлари иштирокида концерт бўлиб, бир пиёла чой устида давра суҳбатлари давом этди.

Мактаб биноси қурилишида жамоатчилик вакиллари Нурали Сувонов, Фармон Хидиров, Бурхон Нишонов, Тўйли Рустамовларнинг олиб борган ташкилотчилик ишлари айниқса мақтовга лойиқ.

**Янги мактаб биноси қурилиши бўйича ёзилган аризалар, хатлар,
уларга жавоблар ва бошқа расмий ҳужжатлар**

**Нуробод туман ҳокими Ж.Х.Ибрагимовга Жом қишлоғи Омондара
маҳалласи аҳолисидан йўлланган ариза хати**

Ҳурматли Жамолхон Хайруллаевич!

Сизга ушбу хатни ёзишимиздан мақсадимиз Омондара маҳалласида 7 та, яъни Юқориқишлоқ, Калтасой, Толли, Тошбулоқ, Бешбулоқ, Бошбулоқ ва Сарикчўққи гузарларида 113 та хўжалик истиқомат қилади. Ушбу гузарларнинг 149 нафар ўқувчи ёшлари ва 19 нафар ўқитувчилар 3-5-8 км узоқликдаги масофалардан қатнаб 21-умумтаълим мактабида ўқишади ва ишлашади. Қишнинг қорли, изғиринли, баҳорнинг ёмғирли кунлари аҳвол қийинлашади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқ таълимига оид кўплаб фармонлар ва қарорлар ишлаб чиқилиб, халқ таълимини ривожлантиришга, ёш авлодни мамлакатимизнинг ҳақиқий ворислари қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб замонавий мактаблар қуриш мақсадида Давлат Умуммиллий Дастури эълон қилиниб, унинг бажарилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди, ушбу чора-тадбирлар режасидаги вазифаларнинг босқичма-босқич бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳурматли Жамолхон Хайруллаевич!

Сиздан Омондара маҳалласидаги юқорида номлари зикр этилган 7 та гузарда истиқомат қилувчи аҳоли ва ўқувчилар сонини эътиборга олган ҳолда, ушбу гузарлар марказида янги замонавий мактаб қуришга амалий ёрдам беришингизни илтимос қилиб сўраймиз.

Аризага Омондара маҳалласидаги Юқори қишлоқ, Калта сой, Толли, Тошбулоқ, Бешбулоқ, Бошбулоқ ва Сарик чўққи гузарларида истиқомат

қилувчи аҳоли, мактабгача ёшдаги ва мактаб ўқувчилари ҳақидаги маълумот илова қилинади. Ариза-хатга 113 киши имзо қўйган.

**Нуробод тумани Халқ таълими бўлимнинг 2011 йил
5 апрелда Нуробод туман ҳокими Ж.Х.Ибрагимовга
йўллаган №171-сонли хати**

Нуробод тумани ҳокимлиги Халқ таълими бўлими ушбуни ёзиб маълум қиладики, Жом қишлоғининг Омондара маҳалласида яшовчи фуқаролар номидан туман ҳокимлигига ёзилган ариза 2011 йил 29 март куни жойида ўрганиб чиқилди. Ундада кўрсатилган Омондара маҳалласидаги Юқори қишлоқ, Калта сой, Толли, Бешбулоқ ва Бошбулоқ гузарларида истиқомат қилувчи қишлоқ оқсоқоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам юқорида номлари зикр этилган гузарларда истиқомат қилувчи оила фарзандлари Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактабига 4-5 км узоқликдаги масофадан қатнаб таълим олишмоқда. Шунингдек, Бошбулоқ гузарида жойлашган №21-умумтаълим мактабининг филиали биносида 2 та синфхонаси мавжуд бўлиб, 28 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг таълим олишига шароит бор.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Юқори қишлоқ гузари бошқа қишлоқлар марказида жойлашганлиги сабабли ушбу жойда №21-умумтаълим мактабига 8 та синф хонасидан иборат 1-4 синф ўқувчилари учун филиал биноси қуриш тавсия этилади.

Тушунтириш даврида тузилган далолатнома нусхаси илова қилинади.

**Нуробод тумани Халқ таълими бўлими
муdiri У.Сапаров**

Далолатнома

2011 йил 30 март. Жом ҚФЙ.

Далолатномани тузиб имзо чекувчилар Нуробод туман Халқ таълими бўлими муҳандиси Б.Ялғашев, Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов, Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппаров, қишлоқ оқсоқоллари Қ.Пиримқулов, Т.Тожиев, Б.Ёрқулов, Б.Хидиров, 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаровлар иштирокида тузамиз.

Ҳақиқатан ҳам, Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудига қарашли Калта сой, Толли, Бешбулоқ, Тошбулоқ, Бошбулоқ ва Сарик чўққи гузарларида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан туман ҳокимига ёзилган аризаси жойида ўрганилиб, қуйидагилар аниқланди.

Юқорида номлари кўрсатилган гузарларда яшовчи аҳоли фарзандларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км дан узоқ масофадан қатнаб №21-умумтаълим мактабида таълим олмоқда.

Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиалидаги 2та синф хонасида 28 нафар ўқувчиларининг таълим олишига имконият бор.

Гузарлардаги истиқомат қилувчи аҳоли ва ўқувчилар сонининг ўсишини

ҳисобга олган ҳолда Юқори қишлоқ гузарлар марказида жойлашганлиги сабабли шу жойда 8 хонадан иборат 21-умумтаълим мактаби филиали биносини қуриш мақсадга мувофиқ.

Далолатнома юқорида исм-шарифлари қайд этилган 7 киши томонидан имзоланган.

Ваколат хати

Берилди ушбу ваколатнома Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Омондара МФЙ томонидан шу маҳалла фуқароси, маҳалла маслаҳатчиси Эштурди Раҳимовга шул ҳақдаким маҳалла аҳолиси бир қисмининг мактаб қуриш тўғрисидаги юқори ташкилотларга қилган мурожаатларини ташкилотлар билан муҳокама қилишда ва бу борада маҳалла аҳолиси номидан иш юритишда мактаб биноси ишга тушгунга қадар ваколатли вакил қилиб 4 февраль 2012 йил умумий йиғилиш қарорига асосан тасдиқланган.

Омондара МФЙ раиси Т.Ш.Ғаппоров

Самарқанд вилояти ҳокими ҳурматли З.Т.Мирзаевга Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалла фуқароси нафақадор Э.Раҳимов томонидан 2012 йил 4 февралда ёзилган ариза

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг муқаддимасида «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак» деб кўрсатилган.

Ҳақиқатан ҳам, муҳтарам юртбошимизнинг бу доно кўрсатмаси ва келажагимиз бўлган ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, асрларга татиғулик бажарилаётган тадбирлар барчамизни қувонтиради.

Ҳурматли Зойир Тойирович!

2004 йилдан сизнинг Молия бошқармасида, вилоят ҳокимининг ўринбосари, туман ҳокими, бугунги кунда вилоятимизнинг биринчи раҳбари сифатида барча соҳаларда олиб бораётган ишларингизни, ишдаги талабчанлигингизни ўтказаетган йиғилишларингиздан кўриб, эшитиб қувонамиз. Буни Самарқанд вилояти аҳолисининг бахти деб биламиз.

Мазкур аризани сизнинг қимматли вақтингизни олиб мурожаат қилишдан мақсад, Жом қишлоғи вилоятнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Мен яшаётган маҳаллада 21-умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, илм олиш учун маҳалланинг юқорисидаги Калта сой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларида яшовчи 121 нафар ўқувчилар 4-5 км узоқликдан қатнашади. Қорли, ёмғирли кунлар аҳвол оғирлашади, чунки ҳудуд тоғ зонасида, аҳволни бугунги кун талабига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун 2011 йил март ойида маҳаллада яшовчи 113 оила бошлиқлари туман ҳокимига мактаб биноси

қуришда амалий ёрдам беришини сўраб мурожаат қилишган. Ҳокимликнинг шу масаладаги комиссияси аризани атрофлича ўрганиб, ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда 8 хонадан иборат мактаб биноси қурилишини мақсадга мувофиқ топишган. 2011 йил 5 апрелда туман халқ таълими мудирининг №171-сонли хатида 8та синф хонасидан иборат 1-4-синф ўқувчилари учун филиал биносини қуришни тавсия қилган.

Аризанинг натижаси ҳозиргача йўқ (эҳтимол маблағ етишмовчилигидир).

Ушбу масалани охирига етказиш мақсадида маҳалла гузарлари аҳолиси мени ўзларига ваколатли вакил қилиб кўрсатишган. Аҳолининг хоҳиши ва талаби ҳамда Омондара МФЙ томонидан шу масала бўйича шуғулланиш учун берилган 2012 йил 8 январдаги №4-сонли ваколат хатига асосан сизга мурожаат қиляпман.

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Маҳалла аҳолисининг талаби ва истагини албатта ижобий ҳал қиласиз ва ёшларимизнинг илмли ва соғлом бўлишлари учун лозим бўлган барча ишларни амалга оширасиз деб сизга ҳурмат билан маҳалла аҳолиси номидан нафақадор Э.Раҳимов.

Аризамга туман ҳокимлигига ёзилган ариза, туман ҳокимлиги комиссиясининг хулосаси, туман Халқ таълими бўлими мудирининг 2011 йил 5 апрелдаги №171-сонли хати нусхаларини ҳамда мактаб филиали биносининг фотосуратларини илова қиламан.

Нуробод тумани ҳокимининг 2012 йил 20 февралда вилоят ҳокимига йўллаган №01-2/5-54-сонли хати

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Нуробод тумани Омондара маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаролар томонидан Сизнинг номингизга юборилган ариза жойида атрофлича ўрганиб чиқилди, ҳақиқатан ҳам юқорида номлари кўрсатилган гузарларда истиқомат қилувчи оила фарзандлари Жом қишлоғидаги 21- умумтаълим мактабига 4-5 км узоқликдаги масофадан 120 нафар ўқувчи қатнаб таълим олмоқда. Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси ҳашар йўли билан қурилиб, 2 та синф хонаси мавжуд, лекин бугунги кунда мактаб авария ҳолатига келиб қолган.

Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси ўрнида янги 4 хонадан иборат мактаб филиали қурилса 120 нафар ўқувчининг таълим олишига имконият яратилади.

Туман ҳокимлиги Сиздан юқоридагиларни инобатга олиб, Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг филиали биносини қуриш учун маблағ ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Ўз ўрнида ҳомийлар ёрдами кўрсатиши ва аҳоли ҳашарини ташкил қилиб, қурилишга маҳаллий қурилиш материаллари ажратиб берилишида туман ҳокимлиги томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қиламиз.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ

**таълими бошқармасининг 2012 йил 25 февралда вилоят ҳокимлигига,
нусхаси: Нурубод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга
йўллаган №284-сонли хати**

2012 йил 4 февралдаги №10-5/232-сонли хатингизга

Нурубод туман Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг вилоят ҳокими номларига Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиали биноси авария ҳолатига келиб қолганлиги туфайли замонавий филиал биноси қуриб беришни сўраб ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

№21-умумтаълим мактаби биноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли «2004-2009 йиллар Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи хулосасига асосан 2004 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин ушбу қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабнинг филиал биноси қурилиши ва таъмирланиши дастурда кўзда тутилмаган эди.

Вилоятда 2004-2009 йилларда Давлат умуммиллий дастурига киритилмаган, аҳволи ночор ҳолатда бўлган мактабларни 2012 йилда «Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» ҳисобидан қайта қуриш ва таъмирлаш юзасидан манзилли дастурни шакллантириш бўйича республика ишчи гуруҳи томонидан ишлар олиб борилиб, туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда (таклифига кўра) манзилли дастур тайёрланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ-1620-сонли қарори билан тумандаги 6, 44, 62, 72-умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилиш бўйича параметр тасдиқланди.

Ҳақиқатан ҳам Бошбулоқ гузарида жойлашган №21-умумтаълим мактаби филиали биноси ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бугунги кунда ночор ҳолатга келиб қолган.

Мазкур мактаб филиали биноси учун лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 4та синф хонадан иборат бино маҳаллий ҳокимлик ва хомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қуриб берилса, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва мебель-жиҳозлар билан таъминлаш Халқ таълими бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бошқарма бошлиғи А.Умаров

Нурубод туман ҳокимлигининг 2012 йил 16 апрелда «Меъмор

қурилиш» МЧЖ директори Р.Воҳидовга йўллаган №02-2/5-133-сонли хати

Нуробод туман Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалласи ҳудудидаги 21-умумтаълим мактаби филиали бугунги кунда авария ҳолатига келиб қолганлиги сабабли ушбу мактабни реконструкция қилиш учун 100 ўқувчи ўринга мўлжалланган тўртта ўқув ва битта ўқитувчилар хоналарини кўзда тутган ҳолда мактабнинг лойиҳасини қилишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Бажарилган ишлар учун тўлови кафолатланади.

Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Н.Ниёзов

**Нуробод тумани Жом қишлоғи Омондара маҳалласида
ўтказилган умумий йиғилиш
БАЁНИ**

23.07.2012 йил. Омондара МФЙ

Йиғилишда қатнашганлар: Т.Ғаппаров-Омондара МФЙ раиси, Д.Жумаев-Омондара МФЙ раиси котиби, Х.Жабборов-Жом ҚФЙ раиси, Э.Худойназаров-21-умумтаълим мактаби директори, 35 нафар маҳалла фуқаролари.

Кун тартиби:

1. Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган Юқори қишлоқ аҳолисининг 21-умумтаълим мактаби филиали биносини кўчириш ва қайта қуриш тўғрисидаги 2011 йил март ойида Нуробод туман ҳокимлигига берган аризаси натижаси тўғрисида.

Эшитилди: Кун тартибидаги масала юзасидан Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппаров сўзга чиқиб, куз, қиш ва баҳор ойларидаги совуқ, ёғингарчиликларнинг 5-6 км узоқликдан мактабга қатнаб ўқиётган ўқувчилар соғлигига путур етказаётганлигини, шунинг учун 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ гузаридаги филиали биносини тезлик билан аҳолига яқин жойга кўчириш ва қайта қуриш зарурлиги тўғрисида батафсил гапирди.

Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов сўзга чиқиб, Нуробод туман Молия бўлимининг №21-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ ўтказганлигини, ундан филиални қайта қуришда фойдаланиш зарурлигини айтди.

21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров сўзга чиқиб, ҳақиқатан мактаб биносини жорий таъмирлаш учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлигини, агар Нуробод туман Молия бўлими рухсат берса, бу маблағдан филиал биносини кўчириш ва қайта қуришда фойдаланиш мумкин бўлишини маълум қилди.

21-умумтаълим мактаби филиали биносини кўчириб қайта қуриш масаласи бўйича қишлоқ аҳолисининг ваколатли вакили Э.Раҳимов сўзга чиқиб қилинган ишлар бўйича атрофлича ахборот берди (улар тегишли ҳужжатларда ўз аксини топган).

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги масалани ўрганиб ва атрофлича

муҳокама этиб қарор қабул қилди.

Йиғилиш қарори

1. Омондара МФЙ Бошбулоқ гузарида жойлашган мактаб филиали биносини кўчириш ва қайта қуриш ишлари 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров зиммасига юклатилсин.

2. Мактаб филиали биносини кўчириш ва қайта қуриш учун зарур бўладиган маблағлар ва бошқа масалаларни тегишли ташкилотлар билан ҳал қилиш Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов, Омондара МФЙ раиси Т.Ғаппаров, қишлоқ аҳолисининг ваколатли вакили Э.Раҳимовлар зиммасига юклатилсин.

3. Омондара МФЙ йиғилишининг ушбу қарорини туман ҳокимига киритиш Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси Т.Ғаппаров, йиғилиш котиби Д.Жумаев

Нуробод тумани ҳокимлиги Молия бўлимининг 2012 йил 30 июлда 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаровга йўллаган №65-сонли хати

Нуробод тумани ҳокимлиги шуни ёзиб маълум қиладики, сизнинг мактабингизда 2012 йилга харажатлар сметангизга жорий таъмирлаш учун (42-32-200 код)га 20,0 млн. сўм маблағ ажратилган.

Ушбу маблағни мақсадли равишда ишлатиш учун амалдаги йўриқномаларга амал қилган ҳолда товар хом-ашё биржасига сўровнома беришингиз, ҳамда жорий йилнинг 1-сентябрига ажратилган маблағни тўлиқ харажат қилишингизни сўрайман.

Нуробод тумани Молия бўлими мудирини Р.Ибрагимов

Самарқанд вилояти ҳокими З.Т.Мирзаевга Нуробод тумани 21-умумтаълим мактабининг директори Э.Худойназаров томонидан тушунтириш хати

Ушбуни ёзиб маълум қиламанки, мактабнинг ҳудудидаги Калта сой, Толли, Бешбулоқ ва Бошбулоқ гузарларидан 4-5 км узоқликдан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун барча гузарларга яқин бўлган Бошбулоқ қишлоғида 21-умумтаълим мактабининг филиали 1980 йилда тошдан тўрт хона қилиб ҳашар йўли билан қурилган эди. Шундан 2таси ўқув хона ва биттаси ўқитувчиларга берилган, 1 хона эса кўргазмали қурооларни асраш учун ажратилган.

2012 йилда мактабнинг филиалини жорий таъмирлаш учун туман Молия бўлими маҳаллий бюджет ҳисобидан 20,0 млн. сўм маблағ ажратган. Ушбу маблағ ҳисобидан мактабнинг филиалини жорий таъмирлаш учун амалдаги йўриқномага амал қилган ҳолда товар хом-ашё биржасига мактаб томонидан сўровнома берилган. Товар хом-ашё биржасидан кимошди савдоси бўйича «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК 16 млн. сўмга мактабнинг филиали биносини жорий таъмирлаш учун ютиб олди. Филиал биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда шартнома тузилган. Ушбу ҳужжатлар бўйича

шартнома асосида 15% маблағ олдиндан тўлов (2,4 млн. сўм) «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК га кўчириб берилган. Кўчириб берилган маблағ тўлиқ ишлатилган. Иш якунига етказилиш арафасида. Иш якунлангандан кейин қолган 13,6 млн. сўм маблағ кўчириб берилади.

2012-2013 ўқув йилида мактабнинг филиалида 1, 2-синфларда 17 нафардан, 3, 4-синфларда 15 нафардан, жами 64 нафар ўқувчилар қабул қилиниб ўқитилмоқда. Қолган 5, 6, 7, 8, 9-синфлардаги ўқувчилар мактабнинг асосий биносида таҳсил олмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалладаги ушбу гузарларда уй-жой қуриш шароити бўлганлиги учун янги хўжаликлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун келгусида болаларнинг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда мактаб филиалини 4 хона эмас, 8 хона қилиб қуриш мақсадга мувофиқ деб биламан. Чунки, 2012-2015 йилларда ўқувчилар сони 1-9 синфларда 135 нафарга етиш таҳлили мавжуд. Ушбу тушунтириш хатини ўз қўлим билан ёздим деб,

21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров

Самарқанд вилояти ҳокими, сенатор З.Т.Мирзаевга Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалла фуқароси нафақадор Э.Раҳимов томонидан 2012 йил 31 июлда ёзилган 2-ариза

2012 йил 4 февралда Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг филиалини қуришга амалий ёрдам беришингизни сўраб мурожаат қилган эдим. Аризам вилоят ҳокимлигида 2012 йил 4 февралда №10-5/252-сон билан рўйхатга олиниб Нуробод тумани ҳокимлигига ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига юборилган. Нуробод тумани ҳокими 2012 йил 20 февралда №01-2/5-54-сонли хати билан сизга филиал қурилишини бошлаш учун маблағ ажратишингизни сўраган.

Вилоят Халқ таълими бошқармаси 2012 йил 25 февралда №284-сонли хати билан вилоят ҳокимлигига ушбу филиал ҳокимлик ва ҳомий ташкилотлар томонидан қурилса, лойиҳа-смета ҳужжатларини ва мебель-жиҳозлар билан таъминлашини маълум қилган.

2012 йил 27 июлда Нуробод тумани ҳокимининг 1-ўринбосари З.Н.Ниёзов ва бош архитектор, Жом ҚФЙ раиси Х.Жабборов, туман Халқ таълими бўлими мудири У.Сафаров, 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров иштирокида, аҳолининг гувоҳлигида 100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган филиал биноси жойини белгилаб берган. Аҳоли шу куни филиал биноси пойдевори ўрнини қазиб З.Н.Ниёзовга телефон орқали маълум қилган.

Нуробод туман ҳокимлиги 2012 йил 16 апрелда №02-2/5-133-сонли хатини З.Н.Ниёзов имзоси билан «Меъмор қурилиш» МЧЖ директори Р.Воҳидов номига йўллаб, 100 ўринга мўлжалланган филиал биноси лойиҳасини тайёрлаб беришини сўраган. Ҳокимлик мактаб филиали қурилиши учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлигини, туман Молия бўлими эса бу маблағ жорий таъмирлаш учун ажратилганлигини 2012 йил 30 июлдаги №65-сонли хати

орқали маълум қилди. Филиал биносини қуриш масаласи ҳозиргача ора йўлда қолмоқда. Менинг аризам қандай асосларга кўра назоратдан чиқарилган?

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Яна 2 ойдан сўнг қорли, ёмғирли кунлар бошланади. Маҳалламиз фарзандларининг мактабга қатнаши нима бўлади?

Сиз албатта бу масалага ижобий ёндашиб, Омондара маҳалласи фуқароларининг ҳоҳиш-истакларини рўёбга чиқарасиз деган ишонч билан сизга соғлиқ тилаб аҳоли номидан нафақадор Э.Раҳимов

Аризага 21-умумтаълим мактаби филиалига тегишли 15 варақ ҳужжатлар илова қилинди.

Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимнинг 2012 йил 6 октябрдаги Нуробод тумани ҳокими Ж.Х.Ибрагимовга йўллаган №467-сонли хати

Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов аризаси ижроси ҳақида:

НурободтуманиХалқтаълимимуассасаларифаолиятиниметодиктаъминлаш ва ташкил этиш бўлими ушбуни ёзиб маълум қиладики, Жом ҚФЙга қарашли Омондара маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг 21-умумтаълим мактаби филиалига бино қуриш тўғрисидаги 2012 йил 5 сентябрда вилоят ҳокимлигига ёзган аризаси жойида мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди.

1. Аризада Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиалига янги бино қуришни сўралган.

Ҳақиқатан, 21-умумтаълим мактабининг Калта сой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км узоқликдан қатнаб таълим олади. Шу боис мавжуд 2 та синфхонасига қўшимча яна янги тўртта синф ва битта ўқитувчилар хоналари қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Лекин маҳаллий бюджетда маблағ етишмовчилиги сабабли қурилиш ишларини олиб боришнинг имконияти бўлмади. Шунга қарамай молиявий имкониятдан келиб чиқиб, мавжуд филиал биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилган.

2. 21-умумтаълим мактаби филиалини жорий таъмирлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилган:

21-умумтаълим мактаб ҳисоб рақамига маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилган. Ушбу ажратилган маблағ бўйича амалдаги йўриқномага амал қилган ҳолда товар хом-ашё биржасига сўровнома мактаб маъмурияти томонидан берилган.

3. «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК товар хом-ашё биржасидан кимошди савдоси бўйича 16,0 млн. сўм билан 21-умумтаълим мактабининг филиали биносини жорий таъмирлаш учун ютиб олган. Филиал биносини жорий таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда шартнома тузилган (илова қилинади), ушбу ҳужжатлар асосида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Таъмирлаш ишлари учун мактаб ҳисоб рақамидан

шартнома асосида 15% маблағ (2,4 млн. сўм) «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК га кўчириб берилган. Бу маблағ мактаб филиалини жорий таъмирлашга тўлиқ ишлатилган. Қолган 13,6 млн. сўм маблағ жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейин кўчириб берилиши шартномада кўзда тутилган. Бугунги кунгача амалга оширилган ишлар юзасидан 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаровнинг тушунтириш хати илова қилинади.

Нуробод тумани ХТМФМТ ва ТЭБ мудирлари У.Сапаров

Нуробод тумани ҳокимлиги саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарининг 2012 йил 8 октябрда туман ҳокими Ж.Ибрагимовга, Нусхаси: Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимовга йўлланган №02-259-сонли хати

Сизнинг 2012 йил 12 сентябрдаги №08-2-29-сонли назорат карточкангиз тўғрисида:

Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини Омондара маҳалласида яшовчи Э.Раҳимов томонидан вилоят ҳокимлигига мактаб филиали биносини қуриш масаласидаги мурожаатномаси тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Аризани ўрганиш жараёнида ҳақиқатан 21-умумтаълим мактаби филиалига Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ гузарларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км узоқликдан қатнаб ўқиши маълум бўлди. Шу боис филиалнинг мавжуд 2та синфхонасига қўшимча яна янги 4 синф ва ўқитувчилар хоналари қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Лекин маҳаллий бюджетдан маблағ етишмовчилиги сабабли қурилиш ишларини олиб боришнинг имонияти бўлмади. Шунга қарамай, молиявий имкониятдан келиб чиқиб, мавжуд филиал биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилган. Бу маблағ бўйича амалдаги йўриқномага амал қилган ҳолда товар хом-ашё биржасига мактаб маъмурияти томонидан хат берилган. Товар хом-ашё биржасидан кимовшди савдоси орқали «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК 16,0 млн. сўмга мактаб филиалини жорий таъмирлашни ютиб олган. Бугунги кунда «Аслиддин Пайариқ қурилиш» ХК га 15% маблағ кўчириб берилган бўлиб, жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган. Қолган маблағ жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ тугаллангандан сўнг кўчириб берилиши шартномада кўзда тутилган. Омондара маҳалласи ҳудудидаги 21-умумтаълим мактабининг филиалига янги бино қуриш бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф берилган. Бунга туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2012 йил 6 октябрдаги №467-сонли хати ва 21-умумтаълим мактаби директорининг тушунтириш хати илова қилинади.

Ушбуни инобатга олиб мазкур назорат карточкангизни назоратдан чиқаришингизни сўрайман.

Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Н.Ниёзов

**Самарқанд вилояти ҳоқимлиги инжиниринг компаниясининг
2013 йил 1 январда Нуробод туманидаги Жом қишлоғида яшовчи
фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган №01-234-сонли хати**

2012 йил 20 январдаги аризага:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1885-сонли 2013 йил Инвестиция дастури дастури тўғрисидаги қарорига асосан Нуробод туманида жорий йилда 26, 43, 69, 73-умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилиниши ва 2-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Аризангизда сўралган Нуробод туманидаги 21-умумтаълим мактабининг филиал биноси қурилиши 2013 йил Инвестиция дастурига киритилмаганлигини маълум қиламиз.

Компания директори А.А.Сафаев

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига
Нуробод сайлов округидан сайланган депутат О.А.Ўсаровга 2013
йилнинг 21 январидан Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқароси,
сайловчи Э.Раҳимов томонидан йўлланган билдириш хати**

Ҳурматли Олим Аввалбоевич!

Нуробод туманига келиб мактаб қурилиши бўйича учрашувга мени таклиф қилган экансиз. Ҳурмат учун катта раҳмат. Мен кўприклар қурилиши бўйича Қарши шаҳрида эдим. Учраша олмаганим учун узр сўрайман.

Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиалини қуриш бўйича аҳоли 2011 йил февраль ойида Нуробод тумани ҳоқими Ж.Х.Ибрагимовга ариза билан мурожаат қилишган, туман ҳоқими туман Халқ таълими бўлимига ўрганиб тегишли таклиф беришни сўраган.

Туман комиссияси бу аризани 2011 йил 30 мартда жойида ўрганиб чиқиб, ҳақиқатан 21-умумтаълим мактабига 8 (саккиз) хонадан иборат филиал биноси қуришни таклиф қилган.

Комиссия таклифига асосан Нуробод тумани Халқ таълими бўлими мудир Умир Сапаров 2011 йил 5 апрелда №171-сонли хат билан туман ҳоқими Ж.Х.Ибрагимовга чиқиш қилиб, 21-умумтаълим мактабига 8 (саккиз) хонадан иборат филиал биноси қуришни таклиф қилган.

Шундан кейин ҳаракат тўхтаган.

2012 йил 8 январда 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси қурилишини тезлаштириш учун мени шу қурилиш бўйича Омондара МФЙ раисининг ваколатли вакили деб кўрсатишиб, йиғилиш қарорига асосан ваколат хати беришди.

Мен 2012 йил 4 февраль куни Самарқанд вилояти ҳоқими қабулига мазкур масала бўйича кириб, филиал биноси қуриш зарурлигини таклиф қилиб тегишли ҳужжатларни кўрсатдим.

Вилоят ҳоқимлиги аризамни Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Халқ таълими

бошқармасига ва Нуробод тумани ҳоқимига юборди.

Нуробод тумани ҳоқими 2012 йил 20 февралда №01-2/5-54-сонли хат билан вилоят ҳоқимлигига мактаб қурилишида амалий ёрдам бериш таклифи билан чиқди.

Самарқанд вилоят ҳоқимлиги Халқ таълими бошқармаси 2012 йил 25 февралда №284-сонли хати билан вилоят ҳоқимлигига ҳақиқатан 21-умумтаълим мактабидаги шароитни ҳисобга олиб филиал биноси маҳаллий ҳоқимликлар томонидан қурилса, инвентар билан таъминлашни ўз зиммасига олган.

Нуробод тумани ҳоқимлиги 2012 йил 16 апрелда №02-2/5-133-сонли хати билан «Меъморқурилиш» МЧЖ директори Р.Воҳидов номига хат йўллаб, 21-умумтаълим мактабига 100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4та ўқув, 1та ўқитувчилар хонаси кўзда тутилган лойиҳани тайёрлаб беришни сўраган.

2012 йил 27 июнда Нуробод тумани ҳоқимининг 1-ўринбосари З.Н.Ниёзов туман архитектори А.Раҳимов, Жом ҚФЙ раиси Ҳ.Жабборов, туман халқ таълими мудирини У.Сапаров, 21-умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров ва аҳоли иштирокида филиал биноси жойи белгиланган ва аҳоли томонидан пойдевор ўрни қазилиб тайёрланган.

Туман ҳоқимлиги филиал биноси қурилиши учун 20,0 млн. сўм ажратилганлигини маълум қилгани ҳолда туман Молия бўлими ўзининг 2012 йил 30 июлдаги №65-сонли хатида бу сумма мактабга жорий таъмирлаш учун ажратилганлигини маълум қилган.

Қурилиш бошланмагач, 2012 йил 31 июлда вилоят ҳоқими З.Т.Мирзаевга иккинчи ариза билан мурожаат қилинган.

Ариза Нуробод туман ҳоқимлигига 2012 йил 5 сентябрда №10-5/2071-сонли хат билан кўриб чиқиш учун юборилган.

2012 йил 23 июлда Омондара МФЙ фаоллари йиғилишида мактаб филиали масаласи кун тартибига қўйилиб, филиал қурилиши зарурлиги кўрсатилиб, тегишли ташкилотларга етказиш қарор қилинган.

2012 йил 6 октябрда Нуробод тумани Халқ таълими бўлими мудирини У.Сапаров №467-сонли туман ҳоқими номига ёзилган хатида лойиҳа-смета тайёрланганлигини, лекин маблағ йўқлиги сабабли қурилиш ишлари бошланмаганлигини маълум қилган.

21-умумтаълим мактаби директори мактабга 8 хона қуриш лозимлигини, ўқувчилар сони 135 нафарни ташкил қилишини тушунтириш хатида кўрсатган.

2012 йилнинг 8 октябрида Нуробод тумани ҳоқимининг 1-ўринбосари З.Н.Ниёзов №02-259-сонли туман ҳоқими Ж.Х.Ибрагимовнинг номига чиқиш хатида мактаб филиали биносини қуриш бўйича вилоят ҳоқимлигига таклифи берилганлиги сабабли аризани назоратдан чиқаришни сўраган.

Ваҳоланки, вилоят ҳоқимлиги инжиниринг компаниясида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Вилоят инжиниринг компаниясининг 2013 йил 21 январдаги №01-234-сонли хати иловада.

Олим Аввалбоевич!

Муҳтарам юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг учинчи бобида «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, уша ерда маънавият ожиз ва заиф нуқтага айланади ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», – деб уқтирган.

Мақтаб филиали қурилиши бўйича Халқ таълими бошқармаси ва туман бўлими раҳбарларининг 135 нафар ўқувчининг тақдирига қандай қараётганлигига баҳо бериш Сизга ҳавола.

Олим Аввалбоевич!

Бизнинг ёшлар муҳтарам юртбошимизнинг чақириқларига «Лаббай» деб жавоб бериб, яратиб берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, 4-5 км лик йўлни 5-6 ой давомида қорли, ёмғирли кунларда пиёда юриб, тоғликларга хос матонатли қадам ташлаб ўқишларини давом эттириб, мамлакатимиз келажак пойдеворлари бўлиш учун мактабга қатнайверади, чунки улар илмга чанқоқ.

Лекини бор, 5-6 ой қорли, ёмғирли кунлар уларнинг соғликларига таъсир қилмайди деб ким кафолат беради?

4-5 км масофадан Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаров, Нуробод тумани Халқ таълими бўлими мудир У.Сапаровлар бир кунгина қорли, ёмғирли кунда болалар билан пиёда юриб, №21-умумтаълим мактабига қатнаганда балки инсофга келиб, мактаб филиалини қуриб берармиди?

Албатта, билдириш хатимни таҳлил қилиб жавоб берасиз, деган умиддаман. Шундан кейин муҳтарам юртбошимизга мурожаат қилиб кўраман.

Билдириш хатига доир 19 (ўн тўққиз) варақ ҳужжатлар илова қилинди.

Сизга соғлиқ, бахт, ишларингизга омадлар тилаб сайловчингиз, нафақадор фуқаро **Э.Раҳимов**

Нуробод туман ҳокимлиги саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарининг 2013 йил 30 августда туман ҳокими Ж.Ибрагимовга йўллаган №62-18-сонли хати

Сизнинг 2013 йил 23 августдаги №08-2-40-сонли назорат карточкангиз тўғрисида:

Нуробод тумани Жом ҚФЙ Омондара маҳалласида яшовчи Э.Раҳимов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига 21-умумтаълим мактабининг филиали биносини қуриш масаласида ёзган аризаси тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Омондара МФЙ ҳудудининг Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ гузарлари 21-умумтаълим мактабининг асосий биносидан узоқда жойлашганлиги сабабли мактабнинг филиалидаги мавжуд 2 та синфхонасига қўшимча янги тўртта синф ва битта ўқитувчилар хоналари қуриш шу ерда яшовчи аҳоли томонидан таклиф этилган эди ва шу таклиф бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари

тайёрланган.

Туман ҳокимлиги Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Омондара МФЙ фаоллари ва ота-оналар иштирокида филиал биноси қуриладиган жой белгиланиб, қурилиш ишларининг 50% Омондара МФЙ ҳомийлигидан, 50% туман ҳокимлиги ҳомийлигидан қурилиши таклифини маҳалла вакили Э.Раҳимов томонидан билдирилган эди. Лекин белгиланган муддат тугагунча Омондара МФЙ аҳолиси томонидан бино қурилиши учун 50% деб ваъда қилинган қурилиш ишлари бажарилмади.

Натижада маҳаллий бюджетдан мавжуд 2 та синфхонасидан иборат филиал биноси 20,0 млн. сўм маблағ ажратилиб тўлиқ қайта таъмирланди.

2014 йил манзилли дастурга киритилиши таклиф этилган таълим муассасаларининг бинолари техник ҳолати жойида туман ишчи гуруҳи томонидан тўлиқ ўрганилиб, капитал реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган таълим муассасаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича ишлари олиб борилди ва тегишли ҳужжатлар юқори ташкилотларга тўлиқ тақдим этилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда туманда ўқувчи сони кўп бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг асосий биноларини биринчи навбатда манзилли дастурига киритиб, қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилгандан кейин, иккинчи навбатда мактабларнинг филиаллари биноларини янгидан қуриш кўзда тутилган.

Шунинг учун 2014 йилда 21-умумтаълим мактабининг филиали биносини манзилли дастурига киритиб янгидан бино қуришнинг имконияти мавжуд эмаслиги маълум қилинади.

Ушбуга туман ҳокимлиги Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2013 йил 6 сентябрдаги №619-сонли хати илова қилинади.

Буларни инобатга олиб мазкур назорат карточкангизни назоратдан чиқаришингизни сўрайман.

Нуробод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Н.Ниёзов

2013 йилнинг 1 апрелида 21-сонли умумтаълим мактабига филиал биноси қуриш масаласи бўйича Омондара МФЙ нинг ваколатли вакили Э.Раҳимов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутат О.А.Ўсаровга қонун устуворлигининг бажарилиши талаб этилган телеграммаси жўнатилди.

**Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги
Халқ таълими бошқармасининг 2013 йил 27 апрелда Ўзбекистон
Республикаси Халқ таълими вазирлигига,
Нусхаси: Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро
Э.Раҳимовга йўллаган №599-сонли хати**

2013 йил 22 апрелдаги №04-939-сонли хатингизга:

Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутати О.Ўсаровга Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиали учун янги ўқув биноси қурилишига амалий ёрдам беришларини сўраб ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

21-умумтаълим мактаби биноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли «2004-2009 йиллар Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи ҳулосасига асосан 2004 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин ушбу қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабнинг филиал биноси қурилиши ва таъмирланиши дастурда кўзда тутилмаган эди.

Ҳақиқатан ҳам мактаб филиали биноси ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бугунги кунда ночор аҳволга келиб қолган.

Мазкур мактаб филиалини янгидан қуриш учун туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини маҳаллий ҳокимлик маблағлари ҳисобидан ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш эса Халқ таълими бошқармаси томонидан амалга оширилиши режалаштирилган эди.

«Меъмор қурилиш лойиҳа» МЧЖ да тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бошқарма томонидан туман ҳокимлигига тақдим этилди. Лекин, маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиб, бино фақат жорий таъмирдан чиқарилди.

Шу сабабли, маблағ масаласида туман ҳокимлигига мурожаат этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқарма бошлиғи А.Умаров

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013
йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
Палатасининг депутати О.Ўсаровга
йўллаган №04-1058-сонли хати**

Вазирлик Сизнинг 2013 йилнинг 15 апрелдаги №105-13/54-сонли хатингизга жавобан қуйидагиларни маълум қилади:

2004-2009 йиллар Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида ҳудудий ҳокимликнинг таклифига кўра, Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Бироқ мазкур умумтаълим мактабига филиал биноси қуриш бўйича ҳудудий ҳокимлик томонидан тегишли таклиф берилмаган.

Бугунги кунда 2014 йил манзилли дастурини шакллантириш юзасидан ҳудудий ҳокимлик томонидан таклиф этилган таълим объектларининг техник ҳолати бўйича тегишли вазирликлар ҳамда “Давархитектқурилиш” қўмитасининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан жойида

ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу сабабли вазирлик Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабига филиал биноти қуриш масаласини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори билан тасдиқлаш тартибга асосан, туман ва вилоят ҳокимликларининг таклифига кўра келгуси йиллар манзилли дастурини шакллантириш жараёнида кўриб чиқишнинг маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари У.Абруев

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига йўллаган №10-2/106- сонли хати

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Омондара маҳалласида яшовчи Э.Раҳимовнинг 21-умумтаълим мактаби филиали учун янги ўқув биноти қуриш тўғрисида ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Нуробод туманидаги №21-сонли умумтаълим мактабида Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км га қатнаб таълим олишади.

Молиявий имкониятдан келиб чиқиб мактаб филиали бинотини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилган.

Нуробод туман ҳокимлигининг ушбу ариза юзасидан 2013 йил 2 майдаги №02-2/5-175-сонли жавоб хатида Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабида Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км.га қатнаб таълим олиши, молиявий имкониятдан келиб чиқиб мактаб филиали бинотини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги, ушбу ажратилган маблағ бўйича амалдаги йўриқномага асосан товар хом-ашё биржасига сўровнома мактаб томонидан берилиб «Аслидин Пайариқ қурилиш» хусусий корхонаси товар хом-ашё биржасида танловда қатнашиб ғолиб деб топилганлиги, пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилганлигини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Алиходжаев

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
2013 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик Палатасининг депутати О.Ўсаровга,
Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида
истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган №04-1557-сонли хати**

Халқ таълими вазирлиги Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жорий йил 3 июнда ёзган №113-13/54-сонли мурожаатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

2004-2009 йиллар Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий

дастури доирасида ҳудудий ҳокимликнинг таклифига кўра, Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабида 2004 йилда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 апрелдаги №05-05/1-783-сонли йиғилиш баёни билан Республика ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудудий ҳокимлик томонидан 2014 йил манзилли дастурига киритилиши таклиф этилган таълим объектларининг техник ҳолати жойида ўрганиб чиқилди.

Бироқ, 21-сон умумтаълим мактабига 2014 йилда филиал биносини қуриш бўйича ҳудудий ҳокимлик томонидан тегишли таклиф берилмаган.

Шу сабабли вазирлик Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабига филиал биноси қуриш масаласини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори билан тасдиқлаш тартибга асосан, туман ва вилоят ҳокимликларининг таклифига кўра келгуси йиллар манзилли дастурини шакллантириш жараёнида кўриб чиқилишини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари У.Абруев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2013 йил 11 июндаги №18-8-8/3583-сонли хати

Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Самарқанд вилояти ҳокимлигига,

Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга

Мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, масала юзасидан муаллифга асосланган жавоб йўллашингиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасига аниқ ахборот киритишингиз сўралади. Муддат 7 кун.

М.Болтабоев

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг 2013 йил 20 июнда вилоят ҳокимлигига,

Нусхаси: Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга йўлланган №926-сонли хати

Сизнинг 2013 йил 12 июндаги №10-2/1169 «Н»-сонли хатингизга:

Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига ушбу маҳаллада жойлашган 21-умумтаълим мактаби филиали учун янги ўқув биноси қурилишига амалий ёрдам беришларини сўраб ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

21-умумтаълим мактаби биноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги №321-сонли «2004-2009 йилларда

мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига туман ҳоқимлиги ишчи гуруҳи хулосасига асосан 2004 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин, ушбу қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабнинг филиали биноси қурилиши ва таъмирланиши дастурда кўзда тутилмаган эди.

Ҳақиқатан ҳам мактаб филиали биноси ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бугунги кунда ночор ҳолатга келиб қолган.

Мазкур мактаб филиалини янгидан қуриш учун туман ҳоқимлиги билан келишилган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини маҳаллий ҳоқимлик маблағлари ҳисобидан ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш Халқ таълими бошқармаси томонидан амалга оширилиши режалаштирилган эди.

«Меъморқурилиш лойиҳа» МЧЖ да тайёрланган смета-лойиҳа ҳужжатлари бошқарма томонидан туман ҳоқимлигига тақдим этилди. Лекин, маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилиб, бино фақат жорий таъмирдан чиқарилди.

Шу сабабли, маблағ масаласида туман ҳоқимлигига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ бўлади. (Такрор)

Бошқарма бошлиғи А.Умаров

**Самарқанд вилояти ҳоқимлигининг 2013 йил 25 июнда
Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи Э.Раҳимовга йўллаган
№10-2/138-сонли хати**

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Нуробод туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабига филиал биноси қуриш тўғрисидаги ёзган аризангиз ўрганиб чиқиш учун Нуробод тумани ҳоқимлигига юборилган ва белгиланган тартибда ўрганиб чиқилган.

Нуробод тумани ҳоқимлигининг ушбу ариза юзасидан 2013 йил 2 майдаги №02-2/5-175-сонли жавоб хатида 21-умумтаълим мактабида Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларидан 121 нафар ўқувчилар 4-5 км.га қатнаб таълим олиши, молиявий аҳволдан келиб чиқиб мактаб филиали биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 20,0 млн. сўм маблағ ажратилганлиги, ушбу ажратилган маблағ бўйича амалдаги йўриқномага асосан товар хом-ашё биржасига сўровнома мактаб томонидан берилиб «Аслидин Пайариқ қурилиш» хусусий корхонаси товар хом-ашё биржасида танловда қатнашиб ғолиб деб топилганлиги, пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилганлигини маълум қиламиз.

Вилоят ҳоқимлиги котибият мудирини Т.Мамадалиев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданият,

таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи М.Болтабоевга Самарқанд вилояти Нурубод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов томонидан МУРОЖААТ

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги №1064-XII-сонли «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 19-моддасида мурожаатни кўриб чиқишда фуқаронинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида рўйхатга олинган мурожаатим №18-8-8/3583-сон билан 2013 йил 11 июнь куни Халқ таълими вазирлигига ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилган.

Мурожаатим менинг иштирокимсиз муҳокама қилиниб, 2 йилдан буён олаётган жавоб хатларим қайта такрорланишдан нари ўтмаяпти.

Исботи учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 18 июндаги №04-1557-сонли, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 25 июндаги №10-2/138-сонли хатларини мурожаатимга илова қиламан.

Наҳотки 1 та мактаб филиали биносини қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори билан тасдиқланган «ТАРТИБ»га тўғри келмаса?

Сиздан ҳукумат аъзоси сифатида мурожаатимга аниқ жавоб беришингизни сўрайман **Э.Раҳимов**

**Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси Спикери
Д.Ғ.Тошмуҳамедовага 2013 йил 11 майда Самарқанд вилояти Нурубод
тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов томонидан
йўлланган таклиф-ариза**

Ҳурматли спикер Дилором Ғафуржонова!

Муҳтарам Юртбошимиз ўзининг нутқларида «Ватанимизнинг куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак» деб уқтириб келади.

Юртбошимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, Жом қишлоғининг Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактабига масофани ҳисобга олиб филиал биносини қуриш тўғрисидаги 2011 йил февраль ойдан буён мурожаат қилинган ариза-таклиф бугунгача ҳал бўлмасдан халқимизнинг «Алдагани бола яхши» мақолига амал қилиниб келинмоқда.

Масалага доир 25 (йигирма беш) варақ ҳужжатлар тақдим қилинмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг учинчи бобида «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият ожиз ва заиф нуқтага айланади ва аксинча юксак

ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», деб уқтирган.

Менинг фикримча аризамда кўрсатилган масалани қонун устуворлиги амалга оширади, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Халқ таълими раҳбарларини ҳаракатга келтиради деб ўйлайман.

Аризамни Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг (Янги таҳрири) 3, 15, 19, 22-моддаларига асосланиб ёздим.

Албатта, менинг ариза-таклифимни ўрганиб чиқиб тегишли жавобни берасиз деб ўйлайман.

Сизга соғлик тилаб Э.Раҳимов

**Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси Спикери
Д.Ғ.Тошмуҳамедовага Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом
қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимов томонидан
иккинчи таклиф-ариза**

Ҳурматли спикер Дилором Ғафуржонова!

21-умумтаълим мактаб филиали биносини қуриш масаласи бўйича 2013 йил 11 майда Сизга мурожаат қилган эдим.

Ушбу мурожаат бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан 2013 йил 11 июнь куни №18-8-8/3583-сонли жавоб хатини (М.Болтабоев имзоси билан), Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 18 июнь куни №04-1557-сонли жавоб хатини (Абруев имзоси билан), Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 25 июндаги №10-2/106-сонли жавоб хатини олдим.

Вазирлик бу жавобни 2013 йил 7 майдаги №04-1058-сонли хатида, Вилоят ҳокимлиги 2013 йил 15 майдаги №10-2/106-сонли хатида, Вилоят Халқ таълими бошқармаси 2013 йил 27 апрелдаги №539-сонли хатида берган эди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасини четлаб ўтиб, мутасадди ташкилотлар масалани мурожаат қилган фуқаро иштирокисиз стол устида ечимини топишса.

У ҳолда Қонун устуворлиги нима бўлади?

Э.Раҳимов

**Нуробод тумани ҳокимлиги саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш,
коммуникациялар, коммунал ва ободонлаштириш масалалари бўйича
ўринбосарининг 2013 йил 30 августда туман ҳокими Ж.Ибрагимовга
йўллаган №62-18-сонли хати**

Сизнинг 2013 йил 23 августдаги №08-2-40-сонли назорат карточкангиз тўғрисида:

Нуробод тумани Жом қишлоқ фуқаролар йиғини Омондара маҳалласида яшовчи Э.Раҳимов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига 21-сон умумтаълим мактаби филиали биносини қуриш масаласида ёзган аризаси

тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

21-сонли умумтаълим мактабининг Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ гузарлари 21-умумтаълим мактабининг асосий ўқув биносидан узоқда жойлашганлиги учун филиалнинг мавжуд 2 та синфхонасига қўшимча янги 4 ўқув хонаси ва ўқитувчилар хоналари қуриш, шу ерда яшовчи аҳоли томонидан таклиф қилинган эди ва бу таклиф бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган.

Туман ҳокимлиги, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Омондара МФЙ фаоллари ва оналар иштирокида филиал биноси қуриладиган жой белгиланиб, қурилиш ишларининг 50 фоизи Омондара МФЙ ҳомийлиги, 50 фоизи туман ҳокимлиги ҳомийлигида бажарилиш таклифи Эштурди Раҳимов томонидан билдирилган эди. Лекин ушбу қурилиш бўйича Омондара МФЙнинг ваъдаси бажарилмади.

Натижада маҳаллий бюджетдан мавжуд 2 та синфхонасидан иборат филиал биноси учун 20,0 млн. сўм маблағ ажратилиб тўлиқ қайта таъмирланди.

2014 йил манзилли дастурга киритилиши таклиф этилган таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати жойида туман ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, капитал реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган таълим муассасаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича ишлар олиб борилди ва тегишли ҳужжатлар юқори ташкилотларга тўлиқ тақдим этилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда туманда ўқувчи сони кўп бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг асосий биноларини биринчи навбатда манзилли дастурга киритиб, қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилгандан кейин, иккинчи навбатда мактабларнинг филиаллари биноларини янгидан қуриш кўзда тутилган.

Шунинг учун 2014 йилда 21-умумтаълим мактабининг филиал биносини манзилли дастурга киритиб янгидан бино қуришнинг имконияти мавжуд эмаслиги маълум қилинади.

Бунга туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими 2013 йил 6 сентябрдаги №619-сонли хати илова қилинади.

Ушбуни инобатга олиб мазкур назорат карточкангизни назоратдан чиқаришингизни сўрайман.

Нуробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Н.Ниёзов

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
2013 йил 21 ноябрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом
қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга
йўллаган №04-3138-сонли хати**

Вазирлик Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган мурожаатингизга жавобан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори 2-иловасига кўра, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан манзилли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби билан ҳар йили:

1 апрелга қадар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан манзилли рўйхат шакллантирилиб вилоят ҳокимлигига;

1 июнга қадар вилоят ҳокимликлари томонидан ушбу дастлабки манзилли дастур тегишли вазирликларга;

1 июлга қадар эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари ҳамда "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан биргаликда ҳудудий ҳокимликлар томонидан тақдим этилган дастлабки манзилли дастурни ўрганиш, зарурат бўлганда жойларга борган ҳолда шакллантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига келгуси йил учун манзилли дастурни тақдим этиш белгилаб берилган.

Шу сабабли вазирлик, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 21-умумтаълим мактабининг филиалига янги бино қуриш юзасидан туман ҳокимлиги томонидан тегишли таклифларни белгиланган муддатда вилоят ҳокимлигига тақдим этганидан сўнг, ҳудудий ҳокимлик томонидан тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда келгуси йил дастурига киритиш масаласи кўриб чиқилишини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари У.Абруев

**Нуробод тумани ҳокимининг 2013 йил 16 декабрда Самарқанд
вилояти ҳокимига йўллаган №01-2/5-456-сонли хати**

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Нуробод тумани Омондара маҳалла фуқаролар йиғинидаги Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ гузарларидаги оилаларнинг 135 нафар фарзанди Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактабига 4-5 км масофадан қатнаб таълим олади. Қиш ойларида, ёғингарчилик вақтида тоғли зона бўлганлиги сабабли ўқувчиларнинг мактабга қатнашида қийинчиликлар юзага келмоқда.

Жом қишлоғидаги Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг филиали биноси ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, 2 та синфхонаси мавжуд, лекин бугунги кунда мактаб авария ҳолига келиб қолган.

Жом қишлоғидаги Бошбулоқ гузарида жойлашган 21-умумтаълим

мактабининг филиали биноти ўрнида янги 4 хонадан иборат мактаб қурилса 135 нафар ўқувчининг таълим олишига имконият яратилади.

Сиздан юқоридагиларни инобатга олиб, Жом қишлоғидаги Бошбулоқ гузарида 21-умумтаълим мактабининг филиали бинотини қуриш учун 2014 йил дастурига киритилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Туман ҳоқими Ж.Ибрагимов

**Самарқанд вилояти инжиниринг компаниясининг 2013 йил
28 декабрда Самарқанд вилояти ҳоқимлигига йўллаган
№01-2583-сонли хати**

Сизнинг 2013 йил 18 декабрдаги №4/3006-сонли назорат карточкангиз, Нуробод тумани ҳоқимлигининг 2013 йил 16 декабрдаги №01-2/5-436-сонли хатида Жом қишлоғидаги Бошбулоқ гузарида 21-умумтаълим мактабининг филиали бинотини қуриш учун 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилишида амалий ёрдам берилиши сўралган.

2014 йилги Инвестиция дастури шаклланишида вилоят ҳоқимлиги Халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда бажарилиши назоратга олинганлигини маълум қиламиз.

Инжиниринг компанияси директори А.Сафоев

**Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Халқ таълими бошқармасининг 2014
йил 8 январда вилоят ҳоқимлигига йўллаган №24-сонли хати**

Сизнинг 2013 йил 18 декабрдаги 4/3006-сонли хатингизга

Нуробод тумани ҳоқими томонидан вилоят ҳоқими номига ёзилган 2013 йил 10 декабрдаги №01-2/5-436-сонли хатида Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактаби бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга келиб қолганлиги туфайли таъмирлаш ишларига амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб ёзган хати юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 апрелдаги №95-05/1-783-сонли мажлис баёни билан шакллантирилган Республика ишчи гуруҳи ҳамда вилоят ишчи гуруҳи мутахассислари томонидан жойлардаги маҳаллий ҳоқимликлар билан биргаликда 2014 йил инвестиция дастурини шакллантириш бўйича ишлар олиб борилиб, манзилли рўйхат шакллантирилди ва вилоят ҳоқими ўринбосари томонидан тасдиқланиб Халқ таълими, Молия, Иқтисодиёт вазирликларига тақдим этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланиб, 2013 йил 4 октябрда №01-07/1-830-сон билан рўйхатга олинган таълим ватиббийет муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасини бошқариш кенгашининг 277-сонли мажлис баёнининг 1-иловасига асосан 2014 йилда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган объектлар рўйхати шакллантирилган. Ҳозирда ушбу мактабларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертизадан

ҳамда тендер савдосидан ўтказилиб, ғолиб пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур мактаб учун қўшимча маблағ ажратилса ёки келгуси йилда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 4 та синфхонадан иборат бино қурилса Омондара маҳалласи фуқаролари томонидан кўтарилаётган муаммо ўз ечимини топиб, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошқарма бошлиғи А.Умаров

Муҳтарам Юртбошимиз!

Сизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиши шарт», деган даъватингиз илм даргоҳлари пештоқидаги шунчаки шиор бўлмай, балки келажак авлодларимизнинг истиқболни белгиловчи чақириқдир. "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарингизнинг «Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар» бўлимида бизни доимо сергак қиладиган қўйидаги сатрлар: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ», – деган пурҳикмат сўзлар киши қалбини доимо уйғотиб туради. Биз жомликлар ҳам бошқа ҳамюртларимиз қатори, Сизнинг бошчилигингизда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузининг ортиб бораётганлиги билан фахрланамиз.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙнинг таркибига кирувчи Омондара МФЙ ҳудудида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ қишлоғида ҳашар йўли билан қурилган, бугунги кунда авария ҳолатида бўлган, 2 та синфхонадан иборат филиалида 135 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Мактаб билан ўқувчилар яшаётган аҳоли пунктлари орасидаги масофа 4-5 км.ни ташкил қилиб, тоғли зонада қишнинг аёзли, баҳорнинг серёғин кунларида мактабга мунтазам қатнаш ва мукамал билим олиш имконияти мавжуд эмас.

21-умумтаълим мактаби филиалининг янги биносини қуриш тўғрисидаги 2012 йил 4 февралда маҳалла аҳолисининг менга берган ваколати доирасида Нуробод тумани ва Самарқанд вилояти ҳокимликларига, ХТБ раҳбарларига, Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига сайланган депутатга, Қонунчилик Палатаси Спикерига, Вазирлар Маҳкамасига, Халқ таълими вазирлигига, вилоят инжиниринг компаниясига мурожаат қилдим. Бугунгача масала ечимини топмади. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси бу масалага жиддий ёндашмаяпти. 2011 йил 30 мартдаги Нуробод тумани ҳокимлиги ишчи гуруҳининг таклифини инobatга олмаяпти.

Сизнинг ёшлар анжуманларида болаларни "булар менинг болаларим, менинг фарзандларим", деб уларни бағрингизга босганингизда беихтиёр қалбларимиз тўлқинланиб, кўзларимизда севинч ёшлари қалқийди. Шундай бағри кенг меҳрибон Юртбошимиз, сарбонимиз борлигидан фахрланиб кетамиз.

Мамлакатимиз ёшларининг бир қисмини ташкил этувчи 135 нафар

(келажакда кўпайиб боради) фарзандларимизнинг мустаҳкам илм олишлари учун янги филиал биносини қуриш ҳақида тегишли ташкилотларга кўрсатма берасиз, деган умид билан Сизга Оллоҳдан битмас-туганмас соғлиқ тилаб маҳалла аҳолиси номидан ваколатли вакил **Эштурди Раҳимов**.

Мурожаатга 44 varaқ ҳужжат илова қилинди.

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг
2014 йил 23 июнда Нуробод тумани ҳокими Ж.Х.Ибрагимовга
йўллаган №522-сонли хати**

Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Сизга қуйидагиларни ёзиб маълум қиладики, 21-умумтаълим мактаби филиалининг 1-4 синфларида 63 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ушбу филиал ҳудудидан 5-9 синфлар ўқувчиларининг 69 нафари 21-умумтаълим мактабига қатнаб ўқийди.

21-умумтаълим мактаби филиали ҳудудда жами 132 нафар ўқувчи яшайди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб ўқувчиларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишлари учун мактабнинг филиалига 9 йиллик умумий ўрта маълим мактаби мақомини беришингизни сўраймиз.

Бўлим мудири У.Сапаров

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг 2014 йил
23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига
йўллаган №01-2/5-218-сонли хати**

Ҳурматли Улуғбек Илясович!

Нуробод туманининг Жом ҚФЙ Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактабига қарашли Бошбулоқ филиали тоғли ҳудудда жойлашганлиги ҳамда филиал билан асосий бино оралиғидаги масофа 4-5 км бўлганлиги, жамоат транспорти йўналиши йўқлиги сабабли ҳудудда қиш ва баҳор ойларида ёғингарчилик вақтида мактаб ўқувчиларининг мактабга қатнашларида жиддий қийинчиликлар туғилмоқда. Мазкур филиалда бугунги кунда 1-4-синфларда 63 нафар, 5-9 синфларда 69 нафар, жами 132 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётганлигини, мактабнинг шарт-шароитларини инobatга олиб, ўқувчи сонидан келиб чиқиб, мактабнинг Бошбулоқ филиалини 9-йиллик умумий ўрта таълим мактабига айлантириб беришга рухсат беришингизни сўраймиз.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга Самарқанд

**вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқаролари номидан 2014
йилнинг 25 июнида йўлланган хат**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 29-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ филиали ҳудудида бугунги кунда 135 нафар (1-9 синф) ўқувчи 4-5 км масофага тоғли ҳудуддан қатнаб ўқиётганлигини ҳисобга олиб шу қишлоқда яшовчи 113 нафар фуқаро тумани ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилган. Мурожаатга асосан ҳокимлик комиссияси 2011 йил 30 мартда 135 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 (саккиз) хонадан иборат мактаб биноси қуришни мақсадга мувофиқ топган. Халқ таълими бўлими 2011 йил 5 апрелда №171-сонли хат билан ҳокимликка чиқиш қилган.

2013 йил 16 декабрда ҳокимлик ўзининг №01-2/5-456-сонли хати билан вилоят ҳокимлигига 21-умумтаълим мактаби филиали қурилса 135 нафар ўқувчи учун етарли имконият яратилишини маълум қилган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси менинг мактаб қурилиши тўғрисидаги аризамга 2012 йил 15 февралдаги №284-сонли, 2013 йил 20 майдаги №926-сонли, 2013 йил 27 апрелдаги №599-сонли хатларида мактаб филиали биносини қуриш келгуси йиллар дастурига киритилишини маълум қилган, худди шу мазмундаги аризамга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2013 йил 18 июндаги №04-1557-сонли, 2013 йил 7 майдаги №04-1058-сонли, 2013 йил 21 ноябрдаги №04-3138-сонли хатларида (У.Абруев имзоси билан) жавоб берган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига 2014 йил 3 февралда мурожаат қилганимдан кейин Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси 2014 йил 25 февраль №352-сонли хатида мактаб филиали биносини қуриш 2015 йил дастурига киритилишини маълум қилган. Бугунги кунда мазкур мактаб филиали ҳудудида 135 нафар ўқувчи яшашлиги туман ҳокимининг №01-2/5-456-сонли хатида ва ҳокимлик комиссиясининг далолатномасида кўрсатилгани ҳолда, вилоят Халқ таълими бошқармаси 60 ўқувчи ўрнига мўлжалланган филиал биносини қуришни режалаштирган ва ҳукуматга тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-сонли қарорининг 3-бандида дастурни ўрганишда зарурат туғилган жойларда комиссия аъзолари келиб ўрганиши кўрсатилган. Комиссия бу ерга келиб ҳолатни аниқ ўрганиб чиқмади. Мазкур масалага ойдинлик киритиб, 135 нафар (келгусида кўпайиб боради) келажагимиз пойдевори бўлган ёшларга шароит яратиб беришингизни сўраймиз.

Мактаб филиалига доир 32 варақ ҳужжатлар илова қилинади.

**Сизга ҳурмат билан қишлоқ аҳолиси номидан Оллоҳдан соғлик тилаб
фуқаро Эштурди Раҳимов**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлигининг 2014 йил 30 июндаги Нуробод тумани ҳокимига
йўллаган №03-2160-сонли хати**

Ҳурматли Жамолхон Хайруллаевич!

Сизнинг 2014 йил 23 июндаги №01-2/5-218-сонли хатингизга Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ таълим муассасаларини ташкил этиш, тугатиш ҳамда қайта ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатида эканлигини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари А.Холбеков

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданият,
таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-
таҳлил департаментининг 2014 йил
2 июлдаги №18-8-8/6609-сонли хати
Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов),
нусхаси: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани Жом қишлоғида
яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга**

Аризани ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, муаллифга асосланган жавоб беришингизни сўрайман **М.Болтабоев** Ижрочи: Н.Тайлаков

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлигининг 2014 йил
8 июлдаги Самарқанд вилояти ҳокимлигига,
нусхаси: Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармасига, Самарқанд
вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро
Э.Раҳимовга йўллаган №04-2015-сонли хати**

Вазирлик Сизга Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган мурожаат хатини жойида ўрганиш учун юбормоқда.

Мазкур мурожаат хатида кўрсатилган масалани ҳудудий мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда жойида ўрганиб ўқувчилар сони (контингент) бўйича аниқлик киритишингизни ҳамда натижаси юзасидан вазирликка ва муаллифга жорий йилнинг 20 июлига қадар асосланган маълумот тақдим этишингиз сўралади. (Мурожаат хати илова қилинади).

Илова 32 варақда.

Вазир ўринбосари У.Абруев

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасининг 2014 йил 15 июлда вилоят ҳокимлигига ва нусхаси Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган №1480-сонли хати

2014 йил 9 июлдаги №10-2/1261-сонли хатингизга

Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ушбу маҳаллада жойлашган 21-умумтаълим мактаб филиали учун 135 нафар болага янги ўқув биносининг қурилишига амалий ёрдам беришларини сўраб ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

21-умумтаълим мактаби биноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи ҳулосасига асосан 2004 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин ушбу қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабнинг филиал биноси қурилиши ва таъмирланиши дастурда кўзда тутилмаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, мактаб филиали биноси ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бугунги кунда ночор ҳолатга келиб қолган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори билан тасдиқланган «Таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби»га кўра 2015 йил манзилли дастурини шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбуларни инобатга олиб, бошқарма ҳамда вилоят ишчи гуруҳи томонидан 2015 йил дастурига 60 ўринли янги мактаб биноси қуриш бўйича таклиф киритилган эди. Ушбу киритилган таклиф ариза муаллифига тушунтирилди ва у олиб борилаётган амалий ишлар ҳамда жавобдан қониқиш ҳосил қилганлигини оғзаки баён қилди. (Такрор).

Бошқарма бошлиғи А.Умаров

Нуробод тумани ҳокимининг 16, 21, 30, 51, 54-сон умумий ўрта таълим мактабларини реконструкция қилиш тўғрисидаги 2014 йил 16 июлдаги №336-Қ-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги №05/1-751-сонли хати билан юборилган 2015 йил объектларининг дастлабки манзилли дастурига асосан Нуробод тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 120 ўқувчи ўринли 51-умумий ўрта таълим, 270 ўқувчи ўринли 30-умумий ўрта таълим, 210 ўқувчи ўринли 16-умумий ўрта таълим, 240 ўқувчи ўринли 54-умумий ўрта таълим, 60 ўқувчи ўринли қўшимча корпус қуриш 21-умумий ўрта таълим мактаблари реконструкция қилиниши кўзда тутилаётганлигини ҳисобга олиб

ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2014 йил 26 июндаги №01-914-сонли хатини ўрганиб чиқиб

Қарор қиламан

1. Туманнинг Улус қишлоқ фуқаролар йиғини, Олға қишлоғидаги 30-умумий ўрта таълим, Жом қишлоқ фуқаролар йиғини, Ағрон қишлоғидаги 54-умумий ўрта таълим мактабларини реконструкция қилиш-қўшимча бино ва спорт зали қуриш, Сазаған қишлоқ фуқаролар йиғини, Товоқбулоқ қишлоғидаги 51-умумий ўрта таълим, Жом қишлоғидаги 21-умумий ўрта таълим (мактабига қўшимча 60 ўринли корпус қуриш) мактабларини реконструкция қилиш-қўшимча бино қуришга рухсат берилиб, мактабларнинг мавжуд ҳудудларидан тегишли ер майдонлари ажратиб берилсин.

2. Реконструкция қилинадиган мактабларнинг (қўшимча қуриладиган бино ва иншоотларни ҳисобга олиб) муҳандислик тармоқлари таъминоти мактаблар фойдаланиб келаётган мавжуд тармоқларнинг энг яқин нуқталарига уланиши белгилаб қўйилсин ва тегишли туман ташкилотларига мазкур мактаблар реконструкцияси учун зарур бўлган техник шартлар ва техрекомандацияларни шу асосда тайёрлаб бериш топширилсин.

3. Туман бош архитектори (А.Раҳимов), Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи (У.Сапаров) ларга тайёрланадиган лойиҳа ҳужжатлари асосида манзилли дастур тасдиқлангандан кейин, реконструкция (қўшимча қурилиш) ишларини бошлаш учун мазкур ажратилган ҳудудни, тегишли бино ва иншоотларни жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида пудратчи ташкилотга топшириш юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2014 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига йўллаган №10-2/315-сонли хати

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовнинг «Мактаб қурилишига амалий ёрдам бериш тўғрисида»ги аризаси ўрганиб чиқилди.

Нуробод туманидаги 21-умумтаълим мактаби биноси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига Нуробод тумани ҳокимлиги ишчи гуруҳи хулосасига асосан 2004 йил капитал таъмирлаш режасига киритилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Лекин ушбу қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабнинг филиал биноси қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилмаган эди.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли «Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш,

мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2015 йил манзилли дастурини шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят ишчи гуруҳи томонидан 2015 йил 21-умумтаълим мактабига 60 ўринли янги мактаб биносини қуриш бўйича Республика ишчи гуруҳига таклиф киритилган.

Ушбу киритилган таклиф ариза муаллифига тушунтирилди ва аризасига ёзма равишда жавоб юборилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳурматли Ш.М.Мирзиёевга
2014 йилнинг 25 июлида йўлланган хат**

Сизнинг номингизга 2014 йил 25 июнда ёзган Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ филиалига ҳудуддан бугунги кунда 4-5 км узоқликдан 135 нафар ўқувчи қатнаётганлиги, келажакда ўқувчилар сонининг кўпайишини ҳисобга олиб қурилиш учун режалаштирилган 4 (тўрт) хонани 9 йиллик мактаб биносига айлантириш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги аризам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилган. Вазир ўринбосари У.Абруев имзоси билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига 2014 йил 8 июлда №04-2015-сонли хат билан масалани жойида ўрганиш сўралган.

Халқ таълими бошқармаси вилоят ҳокимлигига ва менинг номимга ёзилган 2014 йил 15 июлдаги №1480-сонли хатида мутлақо нотўғри ахборот берган. Ҳеч ким келиб бу масалани ўргангани йўқ.

Масалага ойдинлик киритишингизни сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Эштурди Раҳимов

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири У.Иноятовга
2014 йилнинг 25 июлида йўлланган хат**

Сизнинг номингизга 2014 йил 25 июнда ёзган Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ филиалига ҳудуддан бугунги кунда 4-5 км узоқликдан 135 нафар ўқувчи қатнаётганлиги, келажакда ўқувчилар сонининг кўпайишини ҳисобга олиб қурилиш учун режалаштирилган 4 (тўрт) хонани 9 йиллик мактаб биносига айлантириш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги аризам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилган. Вазир ўринбосари У.Абруев имзоси билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига 2014 йил 8 июлда №04-2015-сонли хат билан масалани жойида ўрганиш сўралган.

Халқ таълими бошқармаси вилоят ҳокимлигига ва менинг номимга ёзилган 2014 йил 15 июлдаги №1480-сонли хатида мутлақо нотўғри ахборот берган. Ҳеч ким келиб бу масалани ўргангани йўқ.

Масалага ойдinлик киритишингизни сўрайман (Такрор).

Сизга ҳурмат билан Эштурди Раҳимов

**Самарқанд вилояти ҳоқими З.Мирзаевга 2014 йилнинг
25 июлида йўлланган хат**

Сизнинг номингизга 2014 йил 25 июнда ёзган Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ филиалига ҳудуддан бугунги кунда 4-5 км узоқликдан 135 нафар ўқувчи қатнаётганлиги, келажакда ўқувчилар сонининг кўпайишини ҳисобга олиб қурилиш учун режалаштирилган 4 (тўрт) хонани 9 йиллик мактаб биносига айлантириш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги аризам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилган. Вазир ўринбосари У.Абруев имзоси билан Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Халқ таълими бошқармасига 2014 йил 8 июлда №04-2015-сонли хат билан масалани жойида ўрганиш сўралган.

Халқ таълими бошқармаси вилоят ҳоқимлигига ва менинг номимга ёзилган 2014 йил 15 июлдаги №1480-сонли хатида мутлақо нотўғри ахборот берган. Ҳеч ким келиб бу масалани ўргангани йўқ.

Масалага ойдinлик киритишингизни сўрайман (такрор).

Сизга ҳурмат билан Эштурди Раҳимов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданият,
таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-
таҳлил департаментининг 2014 йил 5 августдаги №18-8-8/8080-сонли
хати**

**Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов),
нусхаси: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани Жом қишлоғида
яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга.**

Аризани ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, муаллифга асосланган жавоб беришингизни сўрайман (Такрор) **М.Болтабоев**. Ижрочи: Н.Тайлаков

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
2014 йил 8 августда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом
қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга йўллаган №03-2584-сонли хати**

Сизга Нуробод тумани Жом қишлоғи ҳудудидаги 21-умумтаълим мактаби филиали биноси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номларига ёзган шикоят хатингиз бўйича Самарқанд вилояти ҳоқимлиги томонидан Халқ таълими вазирлигига тақдим этилган ўрганиш натижаларини юбормоқдамиз.

Илова 1 варақда.

Вазир ўринбосари А.Холбеков

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга.
Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири У.Иноятовга
Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро
Раҳимов Эштурди томонидан
Ариза**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи Омондара маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактабининг Бошбулоқ филиали ҳудудидаги 135 нафар ўқувчи бугунги кунда 4-5 км масофадан мактабга қатнамоқда. Айниқса, баҳор ва қиш фаслларида жиддий қийинчиликлар вужудга келаётганлигини эътиборга олиб, филиал ўрнида 9 йиллик мактаб биноси қуриш тўғрисидаги аризам Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси (А.Умаров) томонидан 2012 йил февраль ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар муурожаатлари тўғрисидаги Қонун»нинг 19-моддаси талабига зид равишда бажарилмаётгани, бу масалани ўрганиб келгуси йиллар манзилли дастурини шакллантириш жараёнида кўриб чиқиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 18 июндаги №04-1557-сонли, 2013 йил 7 майдаги №04-1058-сонли, 2013 йил 21 ноябрдаги №04-3138-сонли, 2014 йил 8 июлдаги №04-2015-сонли (Вазир ўринбосари У.Абруев имзоси билан), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги №18-8-8/3583-сонли, 2014 йил 2 июлдаги №18-8-8/6609-сонли (М.Болтабоев имзоси билан), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2014 йил 28 январдаги Жам-2765-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Девонининг 2013 йил 12 августдаги №05/10-1075-сонли топшириқларини асоссиз равишда бажармаётганлигини (Аризам тегишли ишчи гуруҳи томонидан жойида ўрганилгани йўқ) ҳисобга олиб, Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаровга нисбатан хизмат текшируви ўтказиб, интизомий чора кўришингизни сўрайман.

Аризамга топшириқларнинг 15 (ўн беш) варақ нусхасини илова қиламан.

Фуқаро Э.Раҳимов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият,
таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-
таҳлил департаментининг 2014 йил
25 августдаги №18-8-8/9408-сонли хати Халқ таълими вазирлиги
(У.Иноятов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев), Нусхаси:
Самарқанд вилояти, Нуробод тумани Жом қишлоғида яшовчи фуқаро
Э.Раҳимовга**

Аризанинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда батафсил кўриб чиқишингизни ва хат муаллифига асосланган жавоб йўллашингизни сўрайман
М.Болтабоев Ижрочи:Тайлаков

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
2014 йил 26 августда Самарқанд вилояти Нуробод тумани
Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга ёзган
№04-2523-сонли хати**

Вазирлик Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган мурожаат хатингизга жавобан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Нуробод тумани Жом қишлоғидаги №21-умумтаълим мактаб учун филиал биноси қуриш бўйича ўрганиш натижаларини юбормоқда. Вилоят ҳокимлигининг жорий йил 18 июлдаги №10-2/315-сонли хати илова қилинади.

Илова 1 varaқ.

Вазир ўринбосари У.Абруев

**Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Нуробод тумани Жом қишлоғида
яшовчи фуқаро Э.Раҳимовга 2014 йил 5 сентябрда йўллаган
№10-2/1591-сонли хати**

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган 25 августда №02/3/Н-30889-сон билан қайд этилган «Мактаб қуриб бериш тўғрисидаги мурожаатингизнинг ўрганилмаётганлиги тўғрисида»ги аризангиз ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги №05/1-751-сонли хатидаги «2015 йилда ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бўйича манзилли дастурида» Нуробод туманидаги 21-умумтаълим мактабининг филиалига 2015 йилда 60 ўқувчи ўринли мактаб биноси қурилиши киритилганлигини, Сизнинг ушбу мазмундаги аввал ёзган аризаларингиз ўрганиб чиқилиб белгиланган тартибда жавоб берилганлигини маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов

**Нуробод тумани ҳокимининг 2014 йил 11 сентябрдаги фармойишига
асосан тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари танлаш
(реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2014
йил 11 сентябрда тузган
далолатномаси**

Б.Эргашев – Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси.

Н.Раҳмонов – Туман ҳокимлиги бош мутахассиси, комиссия котиби.

Комиссия аъзолари:

Н. Қўйлиев – Туман Ер ресурслари ва кадастри бўлими бошлиғи.

А.Раҳимов – Туман бош архитектори.

О.Отамуродов – Туман ИИБ Ёнғин ҳавфсизлиги назорати ноизири в.б.

А.Аҳмедов – Туман сувоқава ИЧК бошлиғи в.б.

Р.Шокиров – Нуробод электр тармоқлари корхонаси бошлиғи.

З.Исақов – “Нурободгаз” филиали директори.

О.Мамасолиев – Туман ДСЭНМ бош врач.

А.Турсунов- Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси туман бўлими инспектори.

Ў.Аҳмедов – Жом ҚФЙ раиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги №05/1-751-сонли хати билан юборилган 2015 йил инвестиция объектларининг дастлабки манзилли дастурига киритилаётган, Нуробод туманидаги №21-умумтаълим мактабининг филиалининг реконструкция қилиниши (60 ўқувчи учун ўқув бино қурилиши)га ер танлаш учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари танлаш (реализация қилиш) комиссияси Нуробод тумани ҳокимлиги захира фондининг, Жом ҚФЙ, Жом қишлоғи ҳудудида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган контурдаги ер майдонини жойига бориб ўрганиб, контурнинг бўш турган 0,30 га ер майдони танланди.

Ер майдони чегаралари:

Шимол: бўш майдон. Ғарб: бўш майдон. Шарқ: бўш майдон. Жануб: бўш майдон.

Муҳандислик тармоқлари

Электр таъминоти – Туман электр тармоқлари корхонасининг техник шартларига асосан.

Ичимлик суви – Туман сувоқава ИЧДК кўрсатмасига асосан.

Газ таъминоти – “Нурободтумангаз” филиали техник шартларга асосан.

Комиссия ҳулосаси

1. Жом ҚФЙ Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактаб филиалини реконструкция қилиш (60 ўқувчи учун ўқув бино қуриш) учун Нуробод тумани ҳокимлиги захира фондининг Жом ҚФЙ Жом қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган контурдан бўш турган 0,30 га ер майдони таъминлансин. Қурилиш ости ва ободонлаштириш учун танланган ер майдонидан лойиҳа асосида белгиланади.

2. Ушбу далолатнома ташкилотларнинг келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

3. Ушбу далолатномани тасдиқлаш туман ҳокимидан сўралсин.

**Имзолар: Б.Эргашев, Н.Раҳмонов, Н. Қўйлиев, А.Раҳимов,
О.Отамуродов, А.Аҳмедов, Р.Шокиров, З.Исақов, О.Мамасолиев,
А.Турсунов, Ў.Аҳмедов**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
2014 йил 12 сентябрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани
Жом қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Раҳимовга ёзган
№03-3150-сонли хати**

Вазирлик Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ёзган (такрорий) мурожаатингиз бўйича вазирликнинг жорий йил 26 августдаги №04-2523-сонли жавоб хати юборилганлигини маълум қилади. (№04-2523-сонли хат ва вилоят ҳокимлигининг жорий йил 18 июлдаги №10-2/315-сонли хати илова қилинди).

Илова 2 varaқ.

Вазир ўринбосари А.Холбеков

**Нуробод тумани ҳокимининг 21-умумтаълим мактабининг
филиалини қайта қуриш (60 ўқувчи учун қўшимча бино қуриш) учун ер
майдони ажратиш тўғрисидаги 2014 йил
16 сентябрдаги №438-Қ-сонли қарори**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 05/1-751-сонли хати билан юборилган 2015 йил объектларининг дастлабки манзилли дастурига киритиш учун таклиф берилган. Нуробод туманидаги 21-умумтаълим мактаби филиалининг реконструкция қилиниши (60 ўқувчи учун ўқув бино қурилиши) кўзда тутилаётганлигини ҳисобга олиб, ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 2014 йил 26 июндаги №01-914-сонли хатини ўрганиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ер танлаш комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги туманнинг Жом ҚФЙ Омондара маҳалласи 21-умумтаълим мактаб филиалини қайта қуриш (60 ўқувчи учун ўқув бино қуриш) учун 0,30 га ер танлаш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Туманнинг Жом ҚФЙ Омондара маҳалласи 21-умумтаълим мактаб филиалини қайта қуриш (60 ўқувчи учун ўқув бино қуриш) учун 0,30 га ер майдони ажратиб берилсин.

3. Тегишли туман ташкилотларига ўқув биноси қурилиши учун зарур бўлган техник тавсияномалар ва шартларни расмийлаштириб бериш топширилсин.

4. Туман бош архитектори (А.Раҳимов), Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи (У.Сапаров) ларга тайёрланадиган лойиҳа ҳужжатлари асосида манзилли дастур тасдиқлангандан кейин, қайта қуриш ишлари (ўқув биноси қурилиши)ни бошлаш учун мазкур ажратилган ҳудудни жойида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида пудратчи ташкилотга топшириш юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Нуробод тумани давлат санитария-эпидемиология назорат
марказининг 2014 йил 17 сентябрда Нуробод тумани бош архитектори
А.Раҳимовга йўллаган №4-06/512-сонли хати**

Нуробод тумани ДСЭНМ Сизнинг 2014 йил 17 сентябрдаги хатингизга қуйидагиларни маълум қилади.

Нуробод тумани Жом ҚФЙ Жом қишлоғида 21-умумтаълим мактабга 60 ўқувчи ўринли бино қурилиши учун ажратилаётган ер майдонида 2014 йил 17 сентябрда №04-06/511-сонли санитария техник шарт ва №79-сонли гигиеник хулоса берилди.

Нуробод тумани ДСЭНМ бош врачлари О.Мамасолиев

**Нуробод тумани ички ишлар бўлимининг 2014 йил 17 сентябрда
Нуробод тумани бош архитектори А.Раҳимовга йўллаган №2404-сонли
хати**

Нуробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси сизнинг мурожаат хатингизга асосан, Нуробод тумани Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида ажратилиши тавсия этилган ер майдони бўйича ишлаб чиқилган 200 масштабли режа, архитектура-режалаштириш нуқтаи назаридан баҳолаш имконини берадиган фасад эскизи ва бош режа ҳамда (15x20 см ўлчамли) фотосуратларда эски мактаб биноси жойлашувини ҳаракатдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари асосида ўрганиб чиқиб, Нуробод тумани Жом ҚФЙ Омондара МФЙ ҳудудида 21-умумтаълим мактаб филиалини реконструкция қилиш (60 ўқувчи учун ўқув биносини қуриш) учун 0,30 га ер майдони ажратилишига қаршилик билдирмайди.

Нуробод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори сержант О.У.Отамуродов

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқароси
Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевга
2014 йил 26 сентябрда йўллаган хати**

Ҳурматли Ш.М.Мирзиёев!

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида жойлашган 21-умумтаълим мактабига 135 нафар ўқувчи (бугунги кунда) 4-5 км тоғлик ҳудуддан қатнаётганлигини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, филиал биноси қуриш тўғрисида 2012 йилдан буён мутасадди ташкилотларга мурожаат қиламан. 2014 йилнинг 26 июнида Сизнинг номингизга ариза, 25.07.2014 йилда телеграмма билан мурожаат қилдим. Вазирлар Маҳкамасида шу мазмундаги аризам (11.06.2013 йил №18-8-8/3583-сон, 2.07.2014 йилдаги №18-8-8/6609-сон, 25.08.2014 йилдаги №18-8-8/9408-сон билан) рўйхатга олинган. Тегишли ташкилотларга юборилган. Бугунги кунда 135 нафар ўқувчи ўрнига 60 ўринли филиал биносини қуриш ҳукуматда режалаштирилган. Қолган 75 нафар

Ўқувчининг тақдирини сўрасам Самарқанд вилояти мутасадди раҳбарлари маблағ йўқлигини айтишмоқда. Наҳот шундай кучли мамлакатда 135 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қуриш учун маблағ топилмаса?

Сизга ҳурмат билан Э.Раҳимов

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи фуқароси
Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2014
йил 26 сентябрда йўллаган хати**

Ҳурматли М.Болтабоев!

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактабига 135 нафар ўқувчининг тоғли ҳудуддан 4-5 км масофага қатнашини ҳисобга олиб, уларга мўлжалланган мактаб биноси қуриш тўғрисидаги аризаларим (11.06,2013 йил №18-8-8/3583-сон, 2.07.2014 йилдаги №18-8-8/6609-сон, 25.08.2014 йилдаги №18-8--8/9408-сон билан рўйхатга олинган) Сизнинг имзонгиз билан тегишли ташкилотларга юборилган. Улар 60 ўринли филиал биноси қурилиши, бошқа маблағ йўқлигини маълум қилишмаяпти. Қолган 75 нафар (бугунги кунда, келажакда кўпайиб боради) ўқувчининг тақдирини нима бўлади?

Ҳукумат аъзоси сифатида Сизнинг шу масалага қарашингизни билмоқчиман. Наҳот ташкилот раҳбарлари ишчи гуруҳнинг хулосасини айта олмаса? **Сизга ҳурмат билан Э.Раҳимов**

**Нуробод тумани ҳокими Ж.Ибрагимовнинг Самарқанд вилояти
ҳокими З.Т. Мирзаевга 2014 йил 7 октябрда йўллаган
№01-2/5-340-сонли хати**

Ҳурматли Зойир Тойирович!

Нуробод тумани Омондара МФЙ ҳудудидаги Калтасой, Толли, Бешбулоқ, Бошбулоқ қишлоқларида истиқомат қилувчи оилаларнинг 135 нафар фарзандлари Жом қишлоғидаги 21-умумтаълим мактабига 4-5 км узоқликдан қатнаб ўқимоқда.

Мактаб филиали ҳашар йўли билан 2 хонали қилиб қурилган бўлиб, бугунги кунда авария ҳолатига келиб қолган.

«2015 йилда ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бўйича манзилли Дастури»да Нуробод тумани 21-умумтаълим мактабининг филиалига 2015 йилда 4 хонали 60 ўқувчи ўринли мактаб биноси қурилиши режалаштирилган.

Келгусида ўқувчилар сонининг ўсишини инобатга олиб ушбу филиал биносини 6 хоналига (лойиҳа-смета ҳужжатларига) алмаштирилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Туман ҳокими Ж.Ибрагимов

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил
17 ноябрдаги ПП-2264-сонли Қарори**

Об Инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2015 год

№	Наименование объектов	Лимиты, млн.сум	Ед.изм.	Мощность
28.	Филиал школы 21 в Нурабадском районе (с пристройкой учебного блока на 60 уч.мест)	201,6	уч.мест	60

Изоҳ: дастурнинг Жомга тегишли қисми олинди.

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига
Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси
2015 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги
объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти
билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари
ўтказилишини эълон қилади**

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
Лот-2	Нуробод туманидаги 60 ўринли 21-сон (60 ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш	278 647 257 сўм	334 376 708 сўм	8 ой

Изоҳ: жадвалнинг Жомга тегишли қисми олинди.

Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон (0 366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 16-2 (Лот-2) объектлари

бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-Д, 403-хона. Телефон 231-13-51. Факс 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10.00 да ўтказилади. – “Правда востока” газетаси, 13 декабрь 2014 йил.

Реконструкция филиала школы 21 в Нурабадском районе (с пристройкой учебного блока на 120 ученических мест) 10.10.2014 г.

№ п/п	Наименование затрат	Цена (всего в суммах)	Учебный блок 120 учащихся	Уборная на 2 очка	Противопожарный водоем на 50 м3	Выгреб на 15 м3	Тепловой пункт (на 1 котла)	ЛЭП-0,4 кв	Благоустройство
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Затраты на оборудование, мебель и инвентарь	9 960 923	7 410 923					2 550 000	
2.	Затраты на строительные материалы, изделия и конструкции	236 150 439	193 918 339	6 053 836	5 000 898	2 423 656	1 273 457	5 765 360	21 714 893

3.	Затраты на основную заработную плату с учетом начислений на социальное страхование	46 954 660	39 164 553	1 393 791	2 145 374	214 173	361 326	769 067	2 906 376
4.	Затраты на эксплуатацию машин и механизмов	4 984 296	2 621 629	293 129	212 006	64 225	11 503	407 024	1 374 779
5.	Итого прямых затрат	298 050 317	243 115 444	7 740 755	7 358 278	2 702 055	1 646 286	9 491 451	25 996 048
6.	Прочие затраты и расходы подрядчика -21%	60 498 773	49 497 949	1 625 559	1 545 238	567 431	345 720	1 457 705	5 459 170
7.	Затраты на страхование строительство объектов	1 147 357	936 363	29 972	28 491	10 462	6 374	35 037	100 657
8.	Итого стоимость строительства в текущих ценах	359 696 447	293 549 756	9 306 286	8 932 008	3 279 949	1 998 380	10 984 193	31 555 875
9.	НДС - 20%	71 939 289	58 709 951	1 879 257	1 786 402	655 990	399 676	2 196 839	6 311 175
10.	Всего стоимость строительства в текущих ценах	431 635 736	352 259 707	11 275 543	10 718 410	3 935 938	2 398 056	13 181 032	37 867 050

**Рекомендуемая расчетная стоимость объекта в текущих ценах.
Директор А.Бакиев, ГИП А.Жумаев**

**«Тасдиқлайман» Самарқанд вилояти ҳоқими
27.11.2014 й. 3.Мирзаев2014 йил 26 ноябрь № 11/2-1185**

**Самарқанд вилояти ҳоқими томонидан Нурубод тумани Халқобод
МФЙ биносида
2014 йил 22 ноябрда ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар томонидан
кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар
РЕЖАСИ**

№	Мурожаатчининг ФИШ, яшаш манзили	Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Мурожаатлар юзасидан берилган топшириқлар	Топшириқлар ижроси учун масъуллар
7.	Хидиров Жамол (Жом маҳалласи)	Тоза ичимлик суви масаласида	Вилоят ҳоқими ўринбосари раҳбарлигида тегишли	Вилоят ҳоқимлиги (Т.Мамадалиев), Вилоят
7.			масъул ташкилот ва бошқармалар иштирокида ишчи гуруҳ тузиш ва тасдиқлаш. Ишчи гуруҳ 10 кун муддатда тумандаги тоза ичимлик суви ҳолатини тўлиқ ўрганиб чиқиб вилоят ҳоқимлигига таклиф киритиш (Кўшимча инвестиция киритиш ёки грант маблағлари ҳисобидан)	Сувоқава ИЧДК (Қ.Тожиев), Вилоят Иқтисодиёт бошқармаси (А.Хушманов). Вилоят ҳоқимлиги Инжиниринг компанияси (А.Сафоев), туман ҳоқимлиги (Б.Эргашев), ишчи гуруҳи аъзолари
14.	Раҳимов Эштурди-Омондара маҳалласи	А-372 Автомагистрал йўлига қўйилган кўприкни қайта куриш, аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш учун газ баллон ажратиш, 21 мактабнинг филиалини куриш масаласи	Автомагистрал йўли проекти бўйича таклиф киритиш. Муддати 3 кун. Аҳолини суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш мақсадида вилоятдан битта ISUZU автомашинаси билан 2015 йилнинг март ойига қадар тумангаз ихтиёрида бўлишини таъминлаш ҳамда қўшимча равишда 2000та газ баллонлари ажратиш.21 мактабнинг филиалини 120 ўринли қилиб куриш бўйича таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан 60 ўринга қўшимча маблағ ажратиш бўйича таклиф киритиш. Муддати 5 кун.	Самарқанд ХДААЙСИТФДК корхонаси (Ў.Хайдаров), Вилоят “Марказгаз” унитар корхонаси (Ф.Бойжигитов), Вилоят Инжиниринг компанияси (А.Сафоев), Вилоят Халқ таълими бошқармаси (А.Умаров), туман ҳоқимлиги (Б.Эргашев).

Изоҳ: режанинг Жомга тегишли қисми олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг 23 январь
2015 йилда Нуробод тумани ҳоқимлиги ва Омондара маҳалласи
аҳолисининг
ваколатли вакили Э.Раҳимовга ёзган №106/10-04-сонли хати**

Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази Сизнинг 2015 йил 23 январдаги хатингизга жавобан, Нуробод туманидаги 60 ўқувчи ўринли 21-сонли (60 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш объекти бўйича 2014 йил 13 декабрь куни «Правда востока» рўзномасида эълон берилган, бошланғич нархи (ККС билан) 334 376 708 сўм, (ККС сиз) 278 647 257 сўм, объектнинг қурилиш муддати 8 ой. Танлов ҳайъатининг 2014 йил 16 январь куни №78-3(15)-сонли баёнининг қарорига асосан «Нарзитош Маматова» ХФ ягона солиқ тўловчиси бўлганлиги сабабли шартнома нархи (барча солиқлар, шу жумладан ККС билан) 323 677 291 сўмлик қурилиш ишларини тўлиғича қуриб, объектни 210 кун муддатда фойдаланишга топшириш шартлари билан ғолиб деб топилди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги №302-сонли қарорига асосан танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади. Буюртмачи «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

Марказ директори в.б. С.И.Гулямов

**«Тасдиқлайман»
Самарқанд вилояти ҳоқимининг
Инжиниринг компанияси
директори А.Сафоев**

**Қурилиши тугалланган бино, иншоотнинг Давлат қабул ҳайъатига
тақдим этиш учун тайёрлиги тўғрисида
ишчи ҳайъат далолатномаси**

Нуробод тумани. 2015 йил.

2015 йил Самарқанд вилояти ҳоқимининг инжиниринг компанияси директорининг буйруғи билан тасдиқланган ишчи қабул ҳайъати, КМК 3.01.09-97нинг «Янгидан қурилган биноларни ишлатишга қабули қоидалари»га риоя қилган ҳолда қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

1. Бош пудратчи «Нарзитош Маматова» ХК томонидан капитал реконструкция қилинган Нуробод туманидаги 60 ўқувчи ўринли (60 ўқувчи ўринли янги ўқув

биноси) 21-сонли мактаб фойдаланишга қабул қилиш учун тақдим этилди.

2. Бош пудратчи ва ёлланма пудратчи томонидан барча қурилиш-монтаж

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари «Парвизпроектсервис» МЧЖ лойиҳалаш институти томонидан бажарилган, лойиҳа ҳужжатлари Самарқанд вилояти давлат экстертиза бошқармаси томонидан 2014 йил 13 октябрда №840-12-сонли экспертиза хулосаси олинган.

4. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг бошланиши 2015 йил январь, тугаши 2015 йил июнь.

5. Ишчи ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар: ишчи лойиҳа, ёпиқ ишлар далолатномаси, қурилиш-монтаж ишларида ишлатилган материаллар паспорти ва сертификатлари ҳамда ШМК 3.01.04-04 талаблари асосида тўлиқ тақдим этилди.

6. Иншоотқуйидаги кўрсаткичларга: 1 қаватли 60 ўқувчи ўринга мўлжалланган, узунлиги 21,6 метр, эни 15,0 метрга тенг янги қурилган ўқув биноси, ҳожатхона, ёнғинга қарши сув ҳавзаси, ободонлаштириш ишлари ҳамда иссиқлик тармоғи қозонхонаси қурилган.

7. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг №1-иловасида кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

8. Тасдиқланган лойиҳи ҳужжатларининг тендер савдоси бўйича нархи жами 278 647 257 сўм.

9. Тақдим қилинган объектни кўздан ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш натижасида капитал реконструкция ишларининг сифати баҳоси қониқарли деб белгиланди.

Ишчи ҳайъатининг қарори:

Капитал реконструкция қилинган Нуробод туманидаги 60 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб биноси давлат қабул ҳайъатига тақдим этиш учун тайёр деб ҳисоблансин.

Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари вилоят инжиниринг компанияси бош муҳандиси Р.Олимов.

Ишчи гуруҳ аъзолари: вилоят инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи К.Хамидов, вилоят архитектура қурилиш назорат инспекцияси инспектори Т.Холиқулов, Нуробод тумани Халқ таълими бўлими мудир У.Сафаров, Нуробод тумани бош меъмори А.Раҳимов, туман газлаштириш идораси бошлиғи З.Исоқов, туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Р.Шакиров, туман сувоқава бошқармаси бошлиғи А.Аҳмедов, «Парвизпроектсервис» МЧЖ лойиҳалаш институти директори А.Бакиев, Нуробод тумани 21-сонли умумтаълим мактаби директори Э.Худойназаров, «Нарзитош Маматова» ХК директори М.Қурбонов

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд вилояти ҳоқимининг
ўринбосари О.Очилов**

**Давлат қабул ҳайъатининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни
ишлатишга қабули бўйича далолатномаси**

Нуробод тумани №28-ПК-2015, 01.07.2015 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил
15 мартдаги ПК-1302-сонли қарорига асосан қурилиш тугалланган иншоотларни
қабул қилиш давлат ҳайъатига, ШНК 3.01.04-04 да кўрсатилган қоидаларга амал
қилган ҳолда

Аниқланди:

1. Бош пудратчи «Нарзитош Маматова» ХК томонидан капитал реконструкция қилинган Нуробод тумани 60 ўқувчи ўринли (60 ўқувчи ўринли янги ўқув биноси) 21-умумтаълим мактаб фойдаланишга қабул қилиш учун тақдим этилди.

2. Қурилиш ишлари бош пудратчи «Нарзитош Маматова» ХК томонидан бажарилган ва «Азия-тонг» МЧЖ томонидан ёнғинга қарши ускуналарни, соатларни ўрнатиш ишлари бажарилган.

3. Қурилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари «Парвизпроектсервис» ХФ лойиҳалаш институти томонидан бажарилган.

4. Қурилиш ишлари индивидуал намунавий лойиҳага мувофиқ бажарилган.

5. Лойиҳа ҳужжатлари учун Самарқанд вилояти давлат экстертиза бошқармаси томонидан 2014 йил 12 октябрда №812-12-сонли экспертиза хулосаси олинган.

6. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда бажарилган: ишларнинг бошланиши 2015 йил январь, тугаши 2015 йил июнь.

7. Давлат ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар: ишчи лойиҳа, ёпиқ ишлар далолатномаси, қурилиш-монтаж ишларида ишлатилган материаллар паспорти ва сертификатлари ҳамда ШМК 3.01.04-04 талаблари асосида тўлиқ тақдим этилди.

8. Иншоот қуйидаги кўрсаткичларга: 1 қаватли 60 ўқувчи ўринга мўлжалланган, узунлиги 21,6 метр, эни 15,4 метрга тенг янги қурилган ўқув биноси, ободонлаштириш ишлари ҳамда иссиқлик тармоғи қозонхонаси қурилган.

9. Бино, иншоот бўйича технологик ва меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади: 1 қаватли, 60 ўқувчи ўринли, пишиқ ғиштдан, темир бетон конструкцияли, ташқи ва ички электр тармоғи ҳамда иссиқлик тармоқлари.

10. Ускуна ишчи ҳайъатлари томонидан унинг якка ва комплекс синовларидан кейин қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларига мувофиқ (Далолатномалар рўйхати мазкур далолатноманинг иловасида келтирилган) қуйидаги миқдорда

ўрнатилган: лойиҳа бўйича: 60 бирлик; ҳақиқатда: 60 бирлик.

11. Лойиҳада кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, портлаш хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайдиган ва зилзилага қарши тадбирлар маълумотномаси тақдим қилинган.

12. Муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлиги далолатномаси тақдим қилинган.

13. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар далолатноманинг 1-иловасида кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

14. Tasdiqlangan loyiha hujjatlar tender savdosi бўйича нархи жами 278 647 257 сўм.

Далолатнома ҳайъатининг қарори:

Капитал реконструкция қилинган Нуробод туманидаги 60 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб биноси фойдаланишга қабул қилиш учун тайёр деб ҳисоблансин.

Давлат қабул қилиш ҳайъатининг раиси: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси директори А.А.Сафаев.

Давлат қабул қилиш ҳайъатининг аъзолари: вилоят архитектура қурилиш назорати инспекциясининг бошлиғи С.Зиядуллаев, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаров, Нуробод тумани ҳокими ўринбосари О.Жўраев, вилоят Архитектура-қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи Н.Содиқов, вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Ҳамдамов, вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Хушмонов, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари Х.Боймуродов, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи И.Ф.Амониллоев, "O'zGASHK" директори Ж.Носиров, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси З.У.Жамолов, вилоят иссиқлик манбаи бошқармаси бошлиғи З.Набиев, «Парвизпроектсервис» МЧЖ лойиҳалаш институти директори А.Бакиев

Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг 2015 йил 27 июлдаги №395-Қ-сонли Қарори

Тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг Омондара гузаридаги филиал базасида янги умумий ўрта таълим мактабини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини бажариш, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосан ҳамда туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2015 йил 8 июлдаги №02-01/115-сонли, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2015 йил 27 июлдаги №668-сонли хатларини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар

тайёрлаш миллий дастури» талабларини бажариш ҳамда туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2015 йил 8 июлдаги №02-01/115-сонли, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2015 йил 27 июлдаги №668-сонли хатларига асосан 21-умумий ўрта таълим мактабининг Омондара гузаридаги филиал базасида янги умумий ўрта таълим мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари инobatга олинсин.

2. Тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг Омондара гузаридаги филиал фаолияти тугатилсин ҳамда унинг негизида янги умумий ўрта таълим мактаби ташкил этилсин.

3. Туман Молия бўлими (Р.Ибрагимов)га янги ташкил этилаётган мактабнинг бюджет параметрлари ва штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими (У.Сапаров)га умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган таянч ўқув режасининг бажарилиши, раҳбар ва педагог ходимларнинг келгусида ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланишига доир белгиланган ташкилий ишларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Санаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Эргашев

ТАШАББУС ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

ёхуд ёшларининг порлоқ келажаги учун талпинаётган Жом

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти юксак маънавиятли, билимли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқ бўлиб қолди. Бунга Япония ва Корея каби давлатлар яққол мисол бўлади. Уларнинг ер майдони катта эмас, унумдор ерлари ҳам кам, қазилма бойликлари деярли йўқ, бироқ илм-фан туфайли жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Мустақиллик йилларида иқтидорли, талантли ёшларни аниқлаш, уларга кўмаклашиш мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзди ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги №226-сонли қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги 18-Қ/Қ, 20, 13-Қ/Қ-сон қарори билан тасдиқланган «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида Низом» ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №175-сонли қарори ғоялари асосида Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг 14 та умумий ўрта таълим мактаблари доирасида «Профессор Давронов издошлари» номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциацияси нодавлат, нотижорат уюшма сифатида тузилди ва давлатимизнинг ёшлар тўғрисидаги ҳужжатлари доирасида, жамоатчилик асосида фаолият кўрсата бошлади.

Ассоциация – ташкилотлар, муассасалар ва шахслар томонидан муштарак, умумий мақсадни амалга ошириш учун тузиладиган уюшма.

Республикамизнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» аталган 2009 йилдан бошлаб профессори Пирназар Давронов ўзи ўқиган Нуробод тумани Жом қишлоғидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг иқтидорли ўқувчиларини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқиб, ўзининг шахсий жамғармасидан стипендия ва махсус тайёрланган сертификат бера бошлади. Биринчи стипендия ва сертификат 25 май 2009 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» фани бўйича вилоят олимпиадаси ғолибаси бўлган Ирода Эрназаровага 21-умумий ўрта таълим мактабининг сўнги қўнғироғига бағишланган анжуманда, кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда топширилди.

Бу хайрли ташаббус йилдан-йилга қанот ёзиб борди. Унга қишлоқ фаоллари,

мактаб ўқитувчилари, ота-оналар жамоатчилиги, ўқувчилар катта қизиқиш билан қарай бошладилар. Дастлабки йилларда фақат вилоят олимпиадасида ғолиб бўлган ўқувчилар рағбатлантирилиб борилган бўлса, кейинги йилларда 1). Президент асарлари билимдони; 2). Қомусимиз билимдони; 3). Қишлоғимиз тарихи билимдони; 4). Экология соҳаси билимдони; 5). Компьютер соҳаси билимдони; 6). Энг моҳир мусаввир; 7). Энг моҳир ҳунарманд; 8). Энг яхши созанда; 9) Энг яхши хонанда; 10). Энг яхши иншо; 11). Энг кўп китоб ўқиган ўқувчи; 12). Энг чиройли ёзув; 13) Энг кўп шеър биладиган ўқувчи; 14) Инглиз тилидан энг кўп сўз биладиган (бошланғич синфлар учун); 15). Инглиз тили билимдони (юқори синфлар учун); 16) Математикадан энг кўп формула биладиган ўқувчи; 17). Физикадан энг кўп формула биладиган ўқувчи; 18). Кимёдан энг кўп формула биладиган ўқувчи; 19). Энг кучли спортчи. 20). Ўзбек тили ғолиби; 21). Тарих фани ғолиби; 22). Давлат ва ҳуқуқ асослари фани ғолиби; 23). Иқтисодий билим асослари фани ғолиби; 24). Математика фани ғолиби; 25). Физика фани ғолиби; 26). Биология фани ғолиби; 27). Кимё фани ғолиби; 28). География фани ғолиби; 29). Информатика фани ғолиби; 30). Чизмачилик фани ғолиби; 31). Инглиз тили фани ғолиби; 32). Рус тили фани ғолиби каби номинациялар бўйича талабгор бўлиб чиққан юзлаб иқтидорли ўқувчилар ичидан фақат биринчи ўринни эгаллаган ғолибларга стипендия ва сертификат, 2- ва 3-ўринни олганларига сертификат берилди бошланди. Мактабда иқтидорли ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бориб, улар қизиқишларига мос соҳалар бўйича ўзларини намоён қила бошладилар. Номинация тури ёки ўқув фани ўқувчининг иқтидори, қизиқиши ва қобилиятига мос равишда ўқитувчилари кўмагида эркин танланади.

Мактаб ўқитувчилари ўзлари ўқитадиган фанга мувофиқ йўналишда иқтидорли ўқувчиларни йиллар давомида тайёрлайдиган бўлишди. Ўқитувчилар томонидан таклиф этилган иқтидорли ўқувчилар, синфлар кесимида, ўқув йили март ойининг биринчи ярмида, ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари раҳбарлигида, мактаб педагогик кенгаши томонидан тасдиқланган мутахассис ўқитувчилар ҳайъати томонидан барча номинациялар ва ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган мактаб ички олимпиадасида иштирок этади. Натижалар 100 баллик тизимда баҳоланади. 76-100 оралиғида балл тўплаган ўқувчилар иқтидорли ўқувчилар сифатида рўйхатга олинади ва улар орасидан ғолиблар аниқланади.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни кенг жамоатчилик иштирокида тақдирлаш, ҳеч ким кутмаган ижобий натижаларга олиб келди. Масалан, биргина 2014 йилда 2»А» синф ўқувчиси Нодирбек Бобоев билан 9»Б» синф ўқувчиси Садоқат Яхшимуродовалар энг чиройли ёзиш бўйича, 3»А» синф ўқувчиси Севинч Убайдуллаева 130 та шеър ёдлаб, 5»Б» синф ўқувчиси Бобуржон Ўктамов 110 та китоб ўқиб, 6»Д» синф ўқувчиси Шоҳсанам Айназарова 500 та шеър ёдлаб, 8»А» синф ўқувчиси Жамшид Абдихолов математикадан 91 та, 9»А» синф ўқувчиси Зарнигор Неъматиллаева физикадан 57 та, 9 «Б» синф ўқувчиси Собира Шамсиддинова кимёдан 75 та формулани ёддан тўғри ёзиб бериб, 9»А» синф ўқувчиси Хосият Темирова қишлоғи тарихини ҳаммадан

яхши билиб, 9»Б» синф ўқувчиси Латофат Комилова биология бўйича вилоят фан олимпиадаси ғолиби бўлиб, стипендия ва сертификат билан тақдирланди.

Вужудга келган ижобий тажриба доирасини кенгайтириш, оммалаштириш мақсадида Жом ва унинг яқин атрофидаги қишлоқлар мактабларига очик хатлар билан «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциациясини тузиш тўғрисида мурожаат қилинди. Ассоциациянинг низоми Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Тайёрланган низом ва иқтидорли ўқувчиларга бериладиган сертификат намунаси нусхалари таклиф беришлари учун мактабларга тарқатилди, Нуробод туман ҳокимлиги ва туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига тақдим этилди. Ҳокимлик бошланган мазкур ташаббусни маъқуллади.

2015 йил 3 майда Жом ва унинг яқин атрофидаги қишлоқлар ҳудудидаги «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциациясининг умумий йиғилишида унинг Низоми тасдиқланди. Республикамиз мустақиллиги йилларида Жом қишлоғида амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари учун шу йил якуни бўйича Самарқанд вилояти ифтихорига айланган Эштурди Раҳимов раҳбар, 21- умумий ўрта таълим мактаби математика фани ўқитувчиси Маҳаммади Мошонов ассоциациянинг йиллик олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш кенгашининг раиси, шу мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Норматов Умрқул ва информатика фани ўқитувчиси Усмонов Элдорлар аъзолари этиб сайланди.

Ассоциация олимпиадасини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун тўртта, яъни эксперт, номинациялар ва ўқув фанлари бўйича олимпиадани ўтказиш, олимпиада қатнашчилари ишларини баҳолаш, апелляция ҳайъатлари мактабларнинг мутахассис ўқитувчиларидан тузилди. Эксперт ҳайъати аъзолари ўқув дастури доирасида мактаблар томонидан таклиф этилган ва ўзлари тайёрлаган саволлардан ассоциация олимпиадасини ўтказишга тақдим этиладиган топшириқлар базасини яратади.

2014-2015 ўқув йили бошида Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон, Жом, Дўстлик ва Сариққўл МФЙлари раислари, жомлик олимлар, жамоатчи инсонлар, «Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар» коллежи ва 14 та мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларидан иборат ассоциация кенгаши таркиби шакллантирилди. Кенгаш йиғилишида унинг раиси, ўринбосари ва котиби сайлаб олинди. Ушбу йиғилишда «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциациясининг низоми, йиллик иш режаси, ўқув йили давомида ўқувчилар тайёргарлик кўрадиган олимпиаданинг йиллик дастури, кенгашнинг аъзолари тасдиқланди. Режага кўра барча мактабларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳайъатлари тузилади. Улар мактабларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари раҳбарлигида ишлаб, белгиланган 32 та номинация ва ўқув фанларидан синфлар бўйича иқтидорли ўқувчиларни март ойининг охирига қадар аниқлайди. Бу ўқувчилар ва уларни тайёрлаган устозлари рўйхати, мактаб педагогик кенгаши йиғилишининг баённомаси тарзида 1-апрелдан

кечиктирмасдан, ассоциация кенгашининг раисига топширилади. Баённомада ўқувчининг исми-шарифи, синфи, у қатнашадиган номинация тури ёки ўқув фани номи, ўқитувчисининг исми-шарифи ва мутахассислигининг кўрсатилиши шарт эканлиги қатъий белгилаб қўйилади. Чунки ассоциация олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказишнинг сифати ушбу баённомага боғлиқ эканлиги тажрибада исботланди.

Мазкур ишларнинг мактаблар томонидан белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш учун ассоциация кенгаши раиси томонидан уларга янги ўқув йили арафасида олимпиада дастури тақдим этилади.

Апрель ойининг биринчи ярмида кенгаш раиси, ўринбосари ва котиби биргаликда мактаблар педагогик кенгашлари баённомалари асосида олимпиадада қатнашадиган ўқувчилар умумий сонини, олимпиада ўтказиладиган номинациялар ва ўқув фанларни, уларнинг ҳар бирида иштирок этадиган ўқувчилар сонини синфлар кесимида олдиндан аниқлаб, тегишли жадваллар тузишади. Жадвалда номинациялар ва ўқув фанлар бўйича синфлар кесимидаги ўқувчилар сонига мос олимпиада ўтказиладиган хона рақами, бу хонада олимпиадани ўтказадиган ўқитувчиларнинг исми-шарифлари ва мактаблари рақамлари кўрсатилади. Бу ўқитувчилардан бири хонабоши бўлади. Олимпиадани ўтказиш ҳайъатларининг аъзолари ҳам мактаблар педагогик кенгашлари баённомаларида таклиф этилган мутахассис ўқитувчилардан тузилади. Олимпиада ўтказиладиган апрель ойининг охиригача кунигача қадар, мактаблар педагогик кенгашлари баённомалари бўйича тўпланган маълумотлар асосида етарли сондаги сертификатлар, 1-ўрин ғолиблари учун пул мукофотлар тайёрлаб қўйилади.

Олимпиада ўтказишда фойдаланиладиган ёзма ишлар саволлари ва тест вариантлари мажмуи мактабларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари раҳбарлигида мутахассис ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг синфларига мос равишда мактаб дарсликлари доирасида тузилади. Тегишли номинациялар ва ўқув фанларига доир тузилган саволлар мажмуи ассоциация кенгаши раисига мактаб педагогик кенгашининг баённомаси билан биргаликда топширилади.

Ассоциация кенгаши раиси эксперт ҳайъати аъзолари тавсиясига кўра, мактаблар томонидан берилган саволлар ва тест вариантлари асосида ҳар бир номинация ва ўқув фанга тегишли топшириқлар жойланган 3 тадан конвертлар тайёрлаб, уларни имзолаб муҳрлайди.

Олимпиада ёзма иш ва тест шаклида бўладиган хоналарга кенгаш раиси бир нечта аъзолар билан биргаликда кириб, ўқувчиларга 3 та конвертдан бирини танлаб олишларини таклиф қилади ва ундаги саволлар бўйича олимпиада ўтказилади. Олимпиаданинг ёзма иш ёки тест шаклига қатнашадиган ўқувчилар 2 та 12 варақлик дафтар, 2 та зангори рангли ручка, 1 та чизғич билан келишади. Ўқувчилар хона боши бўлган ўқитувчининг доскадаги ёзма кўрсатмаси бўйича дафтарларининг юзини тўлдиришади ва саволларни дафтарнинг тегишли бетига кўчириб, уларга жавоб ёзишади.

Хона боши олимпиада регламенти доирасида ўқувчиларнинг ёзма ишларини

шифрлаш учун кенгаш раисига топширади. Кенгаш раиси шифрланган ёзма ишларни текшириб баҳолаш ҳайъатларига тақдим этади. Мактаблар педагогик кенгашларининг баённомалари асосида тавсия этилган ўқитувчилардан шакллантирилган бундай ҳайъатлар, текширилган ёзма ишлар ёки тестлар ичидан 1-, 2-, 3-ўринларни ёзма ишларнинг ёки тест вариантларнинг юзига белгилаб, имзолаб, кенгаш раисига топширади. Кенгаш раиси, муовини ва котиби биргаликда 1-, 2-, 3-ўринлар белгиланган ёзма ишлар дафтарлари жилдларини кийдириб, шунингдек тест вариантларидан ғолиб ўқувчиларнинг исми-шарифларини аниқлайди ва ўринлар бўйича тартиб билан олдиндан тайёрлаб қўйилган жадвални тўлдиришади. Бу жадвалда ғолиб ўқувчининг исми-шарифи, мактаби рақами, синфи, ғолиблик ўрни, ўқув фани ёки номинация номи, раҳбар ўқитувчининг исми-шарифи ва унинг мутахассислиги ўз аксини топади.

“Энг моҳир мусаввир”, “Энг моҳир ҳунарманд”, “Энг яхши созанда”, “Энг яхши хонанда”, “Энг кучли спортчи” каби номинациялардан олимпиада намойиш қилиш шаклида, энг кўп китоб ўқиган, энг кўп шеър биладиган ўқувчиларни аниқлаш бўйича номинацияларда эса суҳбат, синаб кўриш тарзида ўтказилади.

“Энг моҳир мусаввир”, “Энг моҳир ҳунарманд” номинациялари иштирокчилари ўзлари йиллар давомида олдиндан тайёрлаб келган ишларини намойиш қилади ва ҳакамлар томонидан тақлиф этилган янги топшириқларни бажаришади.

Энг кўп китоб ўқиган, энг кўп шеър биладиган, инглиз тилидан энг кўп сўз ёдлаган (бошланғич синфлар учун), энг кўп формула биладиган номинациялар иштирокчилари китоблар, шеърлар, инглизча-ўзбекча сўзлар луғати ва формулалар рўйхати ёзилган дафтарларини жюрига тақдим этади. Жюри ушбу рўйхат асосида иқтидорли ўқувчиларнинг билимларини текшириб кўриб ғолибларни аниқлайди.

Олимпиаданинг якуний йиғилишида ассоциация кенгаши раиси 1-, 2-, 3-ўринларни олган ўқувчиларнинг барчаси сертификатлар билан тақдирланганлигини, 1-ўрин соҳибларига бериладиган пул миқдорини, ассоциация кенгаши йиғилиши қарорига асосан ҳомийлар томонидан берилган қимматли совғаларнинг кимларга берилганлигини эълон қилади ва шу жойда ҳурматли инсонлар кўмагида, кенг жамоатчилик иштирокида, яхши истаклар билан мукофотлар эгаларига тақдим этилади.

Жом ва унинг яқин атрофидаги қишлоқлар ҳудудидаги барча мактаблар ўқувчиларининг, ўқитувчиларининг ва ота-оналар жамоатчилигининг ассоциация ишига қизиқишларини ошириш мақсадида, олимпиада ғолибларининг барча мукофотлари улар ўқийдиган мактабларнинг умумий йиғилишида қайтадан топширилади. Жом мактабларида ғолиблар алоҳида қатор қўйилиб дастлаб мадҳия янграйди, сўнгра махсус тайёргарликка эга бўлган бошловчи ҳар бир иқтидорли ўқувчи, унинг эришган ютуқлари, устозлари тўғрисида қисқача тўхталиб, мусиқа садолари остида, кўтаринки руҳда, кенг жамоатчилик иштирокида, мукофотлар анжуманга келган ҳурматли, кўпни кўрган меҳмонлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ўқитувчилар томонидан

топширилади. Эришилган ютуқларнинг бундай тарзда эътироф этилиши иқтидорли ўқувчиларни янги марралар сари етаклаётганлигини, қолган ўқувчиларда ўқишга иштиёқ ортаётганлигини, ота-оналар жамоатчилигида эса ўз фарзандларини, набираларини ўқишга ундаш кескин кучайганлигини тажриба исботлади.

Ўқувчиларга улар эришаётган ҳар қандай муваффақиятларини тасдиқловчи диплом, сертификат, фахрий ёрлиқ каби ҳужжатларни алоҳида папкада сақлашлари, уларнинг келажак ҳаётларида асқотиши тушунтирилади.

2015 йилда ассоциация олимпиадасида 14 мактабдан 155 иқтидорли ўқувчи қатнашиб, улардан 39 нафари ғолиб бўлди, шундан 21 нафари биринчи ўринни эгаллади.

2016 йилда эса 289 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этиб, улардан 71 нафари ғолиб бўлди, 27 нафари 1-ўринни эгаллади.

Бу рақам 2017 йилда 477 нафарни ташкил этди. 1-ўринни 103, 2-ўринни 51, 3-ўринни 66 нафар ўқувчи эгаллади. Уларга жамоатчилик иштирокида профессор П.З.Давроновнинг шахсий жамғармасидан 9 миллион 600 минг сўм миқдоридаги тўхталари тақдим этилди.

Ғолиб ўқувчиларнинг исм-шарифи, мактаб рақами, номинация ёки ўқув фани номи, мукофот пули миқдори, уни олимпиадага тайёрлаган устозининг исм-шарифи ассоциация архивида алоҳида папкада сақланади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ассоциация олимпиадасида ғолиб бўлган битирувчи синф иқтидорли ўқувчиларига кўмаклашиш мақсадида, уларнинг келажакда ўқиш хоҳиши бўлган лицей ёки касб-ҳунар коллежларига тавсиянома берилди

Ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаб муваффақиятларга эришаётган ўқитувчиларни тақдирлаб бориш қўйилган мақсадларнинг ушалишида катта омил бўлиб хизмат қилади.

Ассоциация кенгашининг раиси, мандат ва эксперт комиссияларининг раислари фаол хизматлари учун ҳар йили профессор П.З.Давроновнинг шахсий жамғармасидан 1 миллион сўм миқдорида рағбатлантириб борилади.

Ассоциация кенгашининг қарори билан ғолиб ўқувчиларнинг ўқитувчиларини улар ишлайдиган мактабларнинг тоифа маошлари белгилаш ҳайъатларига тавсия этилади.

Шунингдек, ассоциация кенгашининг қарори билан олимпиадада энг юқори натижалар кўрсатган ўқувчиларнинг ўқитувчилари мамлакатимизнинг тегишли байрамлари олдида рағбатлантириш учун туман ҳокимлигига ва туман ХТБга ёзма таклифлар киритилади. Ассоциация ишида фаоллик кўрсатган кенгаш аъзолари ҳам шундай рағбатлантиришларга тавсия этиб борилади. Масалан, ассоциация кенгаши томонидан Нуробод тумани ҳокими ва туман ХТМФМТТЭБга ассоциациянинг 2015 йил олимпиадасида юқори натижаларга эришиб биринчи ўринларни эгаллаган қўйидаги ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари рағбатлантириш учун тавсия этилди. Натижада, 21-умумий ўрта таълим мактабининг 300 та шеърни ёд олган 4-синф ўқувчиси Убайдуллаева Севинч, 155 та китоб ўқиган 6-синф ўқувчиси Ўктамов Бобур,

630 та (5158 байтдан иборат 10317 мисра) шеър ёд олган 7-синф ўқувчиси Айназарова Шоҳсанам, шунингдек, чиройли ёзиш бўйича барча ўринларни эгаллаган 45-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Юлдошева Моҳинур, Қўчқорова Фотима, Йўлдошева Рушаналар туман ўқитувчиларининг анъанавий август кенгашининг очилиш йиғилишида қайта синаб кўрилди ва улар Нуробод тумани ҳокимлиги ва туман ХТМФМТТЭБнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бу ўқувчиларни тайёрлаган Омондара ва Жом маҳаллалари ҳудудларида жойлашган 21-сон умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Боймирзаев Алишер Тошимович ва 45-сон умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Раҳимова Солиҳа Хўжамовналар тегишли мактаблар маъмуриятлари билан келишилган ҳолда рағбатлантиришга тавсия этилди.

Кейинги икки йиллик ишлар натижалари таҳлилининг кўрсатишича, бир ўқув йилида 4 «А» синф ўқувчиси Убайдуллаева Севинч ёдлаган шеърлари сонини 140 тага, 6 «Б» синф ўқувчиси Уктамов Бобуржон ўқиган китоблари сонини 45 тага, 7 «Д» синф ўқувчиси Айназарова Шоҳсанам ёдлаган шеърлари сонини 160 тага оширган. Ушбу ўсиш ва қизиқиб интилиш жараёни, ташкил этилган ассоциация ўзининг олдига қўйган мақсадига эришаётганлигидан дарак беради.

Тажрибанинг кўрсатишича, ассоциация ишини шаҳар ёки туман миқёсида эмас, балки бир нечта, масалан, 4-5 та маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган мактаблар доирасида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жомда ёшларнинг тарбияси ва таълимини янада яхшилаш мақсадида эл орасида катта обрў қозонган, камчиликни кўрганда юзинг-кўзинг демасдан гапира оладиган инсонлардан 2-3 киши ўзлари яшайдиган гузарда жойлашган мактаб билан яқин алоқада бўлишади. Масалан, 2017 йилда узоқ йиллар давлат хўжалиги директори, туман ҳокимлигининг масъул лавозимларида ишлаган Мамат Абдуллаев Омондара МФЙ раиси билан биргаликда 21-умумий ўрта таълим мактабининг ахборот ресурс марказини ўрганиб адабиётларнинг етишмаётганлигини аниқлашди. М.Абдуллаев Нуробод тумани ҳокимлигининг тегишли идоралари билан гаплашиб мактаб АРМни зарур адабиётлар билан бойитди. Бундай инсонларнинг ўқув йили давомида мактаб ўқитувчиларининг дарсларига кириб ўз маслаҳатларини беришлари ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. М.Абдуллаевнинг бундай шахсий ташаббусидан эл ҳам, мактаб жамоаси ҳам бирдек миннатдор.

Вилоят ХТБ, туман ХТБ вакиллари ёки мактаб маъмуриятининг ўқитувчи дарсига кириши билан қишлоқнинг ҳурматли жамоатчилик вакилларининг дарсларга кириши ўртасида жуда катта тафовут бор. Чунки, вилоятдан, тумандан келган вакиллар, мактаб маъмуриятининг дарсларга кириши табиий ҳол сифатида қабул қилинади. Бироқ, жамоатчилик вакилларининг мактаб ўқитувчиси дарсига кириб "Эл сизга азиз фарзандларини ишониб бериб ўтирибди", мазмунидаги гаплари бутунлай бошқача таъсир кўрсатади. Элининг катта обрўсига эришган бундай жамоатчилик вакиллари билан мактабларда

фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда “Элнинг ҳурматига сазовор бўлган жамоатчилик вакиллари”ни ўқувчилар ота-оналари жамоатчилигидан фарқ қилишни таъкидлаб ўтамиз.

Бундайташкилий ишларни йўлга қўйиб, уларни амалга ошириш ўқувчиларнинг ўқишга интилишига, иқтидорли ўқувчилар сонининг йилдан-йилга кўпайиб боришига, ўқитувчиларнинг тизимли ишлашига, ота-оналарнинг таълимга яқинлашишига, ёшлар таълим-тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигининг кучайишига олиб келади.

21-умумий ўрта таълим мактабининг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, ассоциация мандат комиссиясининг раиси Умрқул Норматов.

Бу мақола мазмуни “Нексия” сани сотган профессор мактаб ўқувчиларини рағбатлантиряпти” мавзусида чоп этилган. – “XXI asr” газетаси, 2018 йил 25 январь.

“ОЗОДЛИК” ОВОЗАСИ

2018 йил 2 февраль соат 09.34 да “Озодлик” халқаро радиоси “Самарқандлик профессор ўқувчиларни рағбатлантириш учун ўз “Нексия” сани сотди” номли мақолани қуйидагича шарҳлади: Самарқандлик профессор Пирназар Давронов ўзи ўқиган Нуробод тумани Жом қишлоғидаги 21-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларини 2009 йилдан бери қўллаб-қувватлаб келмоқда (“XXI аср”, 4-сон). Профессор фан олимпиадалари ва турли танловларда ғолиб чиққан иқтидорли ўқувчиларни бир неча йилдан буён шахсий жамғармасидан рағбатлантириб келмоқда. Профессор Давронов “Нексия” автомашинасини сотиб, пулини тўлиғича таълимга инвестиция сифатида банкка омонатга қўйган. “Биласиз, маблағ баъзан топилади, баъзида эса йўқ. Аммо ўқувчиларнинг порлаб турган кўзлари, илмга ташна қалбларини бир дам бўлса-да эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ташаббусининг бардавомлигини таъминлаш учун “Профессор Давронов издошлари” номи билан махсус ассоциацияни рўйхатдан ўтказиш ташвиши билан югуриб юрибман. Негаки, шу пайтгача бу савобли ҳаракатни расмийлаштириш осон кечмаяпти. Бир неча идораларга мурожаат этдим, лекин ҳалигача амалий натижа йўқ”, дейди савобталаб профессор.

“Озодлик”нинг ушбу маълумотдан сўнг Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Нуробод тумани ҳокимлиги, Нуробод тумани ХТМФМТТЭБ томонидан сўраб-суриштирув авжига чиқди. Мендан Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Азамат Умаров тушунтириш хати ёзиб беришимни сўради. Худди шу маънода Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари ҳаммен билан телефонда суҳбатлашди. Мақола муаллифи Умрқул Норматовни Нуробод тумани ҳокимлигига ва тумани ҳокимлиги ХТМФМТТЭБга чақириб суҳбатлар ўтказишди. ХТМФМТТЭБ бошлиғи Равшан Тўраев барча мактаблар директорларини йиғиб, бундан кейин Давронов олимпиадасига ўқувчи юбормайман, мазмунида тушунтириш хати ёздириб олди. Оқибатда 500 нафар атрофидаги иқтидорли ўқувчилар орзиқиб кутиб турган олимпиада 2018 йилда ўтказилмади. “Озодлик” халқаро

радиосидан нега шунчалик қўрқимизнинг маъносини тушуниб бўлмайди.

Мен «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» уюшмасини расмийлаштириш учун 2015 йилдан буён тегишли барча идораларга мурожаат қилганман. Жумладан, Президентимизга 2 марта (Президентимизнинг ўзлари кўрсин деб илтимос қилишимга қарамасдан мурожаатим Девондан Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига юборилаверган ва иш шу жойда тўхтайверган), Вазирлар Маҳкамасига (телефон орқали масала кўрилаяпти деган жавоб беришган), Қонунчилик Палатасига (раҳматнома хат олганман), Халқ таълими вазирига (жавоб бермаган), Адлия вазирига (жавоб бермаган), Самарқанд вилоятининг собиқ 2 ҳокимига (жавоб беришмаган), Самарқанд вилояти ХТБ бошлиғи Азамат Умаровга (жавоб бермаган), Самарқанд шаҳар Ёшлар Иттифоқи Кенгашига (жавоб бермаган), Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига жуда кўп марта (натижасиз бўлган), Нуробод тумани ҳокими Б.Эргашевга (натижа бўлмаган), Нуробод тумани ХТМФМТТЭБга (эътибор қаратишмаган).

2018 йил 30 октябрда Самарқанд вилояти ҳокими Турдимов Эркинжон Оқбўтаевичга 2015 йилдан буён Жом ва унинг атрофидаги Иброҳим ота, Анжирли, Сарикўл қишлоқларидаги 14 та мактаб доирасида апрель ойида «Профессор Давронов издошлари номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» уюшмаси йиллик олимпиадасини ўтказиб келганлигимни, 2017 йил Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси норасмий олимпиадани ўтказишга тақиқ қўйганлигини, ушбу савоб ишга амалий ёрдам кўрсатишини сўраб мурожаат қилдим.

2018 йил 14 ноябрда Самарқанд вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти мудирини Нурмуротов Анвар Яхшибоевич мен билан боғланиб ҳокимнинг фармойиши билан бўлса-да бундан кейинги йилларда олимпиаданинг ўтказилишига рухсат берилиши, ҳокимнинг топшириғи шундай бўлганлигини, ушбу масала юзасидан Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига тегишли топшириқ берилганлигини маълум қилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги вакилларининг менга берган кўрсатмаларига асосан Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига 2018 йил 16 ноябрь санаси билан интернет тармоғи орқали мурожаат қилдим. Бошқарманинг ННТ бўлими бошлиғи Абдулаҳатов Ғулум 19-24 ноябрь оралиғида ҳар куни мен билан 2-3 мартадан телефон орқали суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб, ишим юзасидан 300 дан ортиқ ҳужжатларни ўрганиб чиқди. Охир-оқибат ишимни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг 2019 йил иш режасига битта яхши тадбир сифатида киритиб, олимпиадани расмий равишда ўтказиш йўлини топиб берди.

24 ноябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг раиси Зиятов Асомидин Келдиёрович билан мени Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига таклиф қилиб, ўзининг иш жойида учраштириб, учаламиз биргаликда суҳбатлашиб, ижобий натижага эришдик.

Абдулаҳатов Ғулум ишларимизга муваффақият тилаб 2019 йил апрель ойи

охирги ҳафтасининг якшанба куни бўладиган олимпиадада, албатта, Адлия бошқармаси вакиллари ҳам қатнашади деб, бизлар билан хурсанд хайрлашди.

2019 йил 18 февралда “Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги СамДУ ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази”да бўлган йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Қобилов Рустам Ражаббоевич 2019 йилдан бошлаб олимпиаданинг ўтказилиши вилоят ҳокимлиги назоратида бўлишини маълум қилди. 2019 йил 20 февралда П.З.Давронов иштирокида Самарқанд вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти мудирлари Нурмуротов Анвар Яхшибоевич Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари Самад Холбердиевич Элмуродовга, Нуробод тумани Халқ таълими бўлими бошлиғи Рустам Тўраев билан биргаликда 2019 йил апрель ойининг охирги якшанба куни Жом қишлоғидаги коллеж биносига бўладиган олимпиадани ўтказишга доир тегишли тадбирларни белгилаш топшириғини берди.

Самарқанд вилояти ҳокими Турдимов Эркинжон Оқбўтаевичнинг топшириғи, Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси ННТ бўлими бошлиғи Абдулаҳатов Ғуломнинг ўз вазифасига масъулият ва ижодкорлик билан ёндашуви натижасида 5 йиллик сарсон-саргардонликка чек қўйилди. 2019 йилдан Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлар ҳудудларидаги мактаблар доирасида “Профессор Давронов издошлари” номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш йўналишидаги билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашуви Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг иш режасига киритилиб, ҳар йили ўтказиладиган бўлди.

Билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашувига доир айрим ҳужжатлар

Ассалому алайкум муҳтарам Шавкат Миромонович!

Жаннатмакон Ўзбекистоннинг бир оддий фуқароси сифатида Сизни жуда ҳам яхши кўраман. Олиб бораётган ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатингизни мамлакатимизнинг бошқа фуқаролари қатори мен ҳам дилдан қўллаб-қувватлайман ва охирги нафасимгача Сиз, Президентимга, Жонажон Она Ватанимга, халқимга хизмат қиламан. Мамлакатимизнинг порлоқ келажаги, халқимизнинг бахту саодати учун Аллоҳдан белингизга қувват, кўзларингизга нур, мустаҳкам соғлиқ беришини сўрайман.

Меҳнат фаолиятим давомида кўп йиллар декан муовини ва декан лавозимларида ишладим. 2009 йилда кафедра мудирлигидан меҳнат нафақасига чиқдим. Ҳозирги пайтда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти “Математика ва АКТ” кафедраси доценти лавозимида ишлайман. 1994 йилдан профессорман.

Республикамизнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” аталган 2009 йилда ўзим туғилиб ўсган, Сиз яхши биладиган Жом қишлоғининг тарихи битилган 236 бетдан иборат “Самарқанд Жоми” китобимни 7 йилда ёзиб

тугатиб, элимга туҳфа қилдим. Шу йилдан бошлаб шахсий жамғармамдан ўзим ўқиган 21-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларини яхши ўқишга рағбатлантириш учун стипендия бериб келаман. 2009 йилда иқтидорли ўқувчи 1 нафар бўлган бўлса, менинг стипендиямга қизиқувчи иқтидорли ўқувчилар сони йилдан йилга ортиб борди. Ҳеч ким кутмаган ижобий натижаларга эришдик. Масалан, 2014 йилда 4-синф ўқувчиси Убайдуллаева Севинч 300 та, 7-синф ўқувчиси Айназарова Шоҳсанам 10317 мисрадан иборат 630 та шеър ёд олиб, 6-синф ўқувчиси Ўктамов Бобур 155 та китоб ўқиб, 8-синф ўқувчиси Абдихолов Жамшид 91 та формулани ёддан ёзиб бериб, стипендиям ёлиблари бўлишди. Бундай гапларни ҳар бир иқтидорли ўқувчиларга нисбатан айтиш мумкин.

Натижалар мени янги марралар сари илҳомлантирди. 2015 йилда Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлар 14 та “Мақтаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш” ассоциациясини Жом ҚФЙ қошида норасмий ташкилот сифатида туздик. Ассоциациянинг олимпиадасини ташкил қилиш ва ўтказиш Низоми ва йўриқномасини Самарқанд вилояти ХТБ ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқдик. Бу Низом 2015 йил 3 майда Жом ҚФЙ қошида норасмий тузилган “Мақтаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш” ассоциациясининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб тасдиқланди.

2015 йилда ассоциацияни расмий рўйхатга олдириш учун Жом ҚФЙ, унинг таркибидаги 6 та маҳалла, 14 та мактаб жамоалари номидан Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат этилди. Бошқарма таълим билан боғлиқ ташкилотни рўйхатга олиш ваколоти йўқлигини маълум қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига, Самарқанд вилояти ҳокимига, Самарқанд вилояти ХТБга, Нуробод тумани ҳокимига, Нуробод тумани сектор бошлиғига, Нуробод туманидаги “Ягона дарча”га, охири Президент Девонига мурожаат этдик. Президент Девони мурожаатимизни яна Самарқанд вилояти адлия бошқармасига юборди. Бошқарманинг мавжуд қонунлар доирасидаги барча оғзаки ва ёзма тушунтиришларидан қониқиш ҳосил қилганман.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Хўжамқуловнинг 2017 йил 16 декабрдаги №9-482/14-сонли хатида “давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятини амалга ошириш – энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантириласиз”, – дейилган. Ушбу хат мазмунидан келиб чиққан ҳолда 2018 йилда ассоциация олимпиадасини ўтказиш тақиқланди.

Танлов 1 йилда 1 марта апрель ойининг охириги якшанба куни мактабда ўқитиладиган 13 та фан ва 18 та ўқувчиларнинг қизиқишларига мос йўналишлар бўйича ўтказилар эди. Олимпиадада 2015 йили 155 нафар иқтидорли ўқувчи қатнашиб, 39 нафари ёлиб бўлди. 2016 йилда 289 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этиб, улардан 71 нафари ёлиб бўлди. 2017 йилда эса 477 нафар иқтидорли ўқувчи қатнашиб, улардан 103 нафари 1-ўринни, 51 нафари

2-ўринни, 66 нафари 3-ўринни олди. Демак, 3 йил ичида иқтидорли ўқувчилар сони 1 нафардан 477 нафарга етди. Ҳар йили ғолибларга шахсий жамғармадан 3 миллион сўм миқдорида стипендия берилган.

Мақтаблар орасида кучайиб бораётган соғлом рақобатни, фидойи ўқитувчи ва ўқувчилардаги интилиш ва иштиёқни кўриб, “Нексия” русумли автомашинамни сотиб, пулини тўлиғича ёшларнинг порлоқ келажаги учун инвестиция сифатида “Миллий банк”нинг Самарқанд филиалига омонатга қўйдим.

Омонатга қўйган пулим йиллик фоизининг ярмини ўзим ташаббус кўрсатиб, ташкил қилган олимпиадам ғолибларига доимий равишда, мен оламдан ўтиб кетганимдан сўнг ҳам бериб борилишини истайман. Буни авлодларимга васият қилиб қўйганман.

Олимпиадамиз куни “Ота-оналарнинг менинг болам ҳам ўқимишли одам бўлармикан”, дея менга термулиб туришларини, иқтидорли ўқувчиларнинг порлаб турган кўзларини, илмга ташна қалбларини бир зум бўлса-да унута олмайман.

Ишимиз Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг “Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси” томонидан Самарқанд ҚХИ ректори номига 2015 йил 29 июнда ёзилган №Д-43-15-18-сонли раҳматнома хатида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар самарадорлигига алоҳида бир шахс томонидан қўшилаётган улкан ҳисса”, – деб баҳоланган.

Бизнинг шаҳар ва туман марказларидан узоқ қишлоқларда яшаётган иқтидорли ўқувчиларни ўқишга, ўзларини намоён қилишларига, келажак ҳаётга илҳомлантиришимизнинг нимаси ёмон? Нега уни 4 йилдан буён расмий уюшма сифатида рўйхатга олиш шунчалик қийин кечмоқда?

Ассоциациямиз фаолияти Республикамиз матбуотида кенг ёритилган. Улардан бирини мурожаатимга илова қиламан.

Мурожаат хатимни ўқиётган ҳурматли ватандошларим, Сизлардан бу мурожаатимни бирор масъул ташкилотга юбормасликларингизни илтимос қиламан. Чунки мурожаатларимизни у ташкилотдан бу ташкилотга тўрт йилдан буён юборишлар ҳеч қандай натижа бермади. Бу масалани фақатгина Президентимизнинг ўзи ижобий ҳал қилишига ишонаман.

Президентимизга мурожаатимнинг қисқача мазмуни ҳеч қандай шахсий моддий манфаатни назарда тутмайдиган, давлатдан ҳам ҳеч қандай маблағ ажратиш сўралмайдиган, фақатгина “Профессор Давронов издошлари номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциациясини расмий уюшма сифатида рўйхатга олинишига, шу асосда муҳр ва штамп олишимга амалий ёрдам кўрсатилишини сўрашдан иборат.

Сизларга ҳурмат билан Давронов П.З. 9 февраль 2018 йил

Ушбу мурожаат 2017 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига бориб тушган ва №275839-s/17-сон билан рўйхатга олинган.

**Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг фуқаро
Пирназар Давроновга 2017 йил 16 декабрда йўллаган
№9-482/14-сонли хати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига “Профессор Давронов номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш” ассоциациясини расмий ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказиб, муҳр ва штамп олишга амалий ёрдам беришни сўраб ёзган мурожаатингиз ўрганиб чиқилди.

Мурожаатингиз мазмунидан ушбу ташкилот, хайрия билан шуғулланувчи ҳамда таълим йўналиши бўйича иш юритиши кўзланган.

Бу борада, Сизга, таълим фаолияти лицензияланадиган фаолият турига кириши, ушбу турдаги ташкилотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олиниши ҳамда лицензия олиш масаласида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги махсус комиссияга мурожаат этиш ҳуқуқингиз борлиги тушунтирилади.

Шунингдек, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтувчи органга Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 17, 21, 22-моддалари, “Нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4, 12, 13-бандларида белгиланган ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг рўйхатдан ўтказиш масаласи тегишли тартибда кўриб чиқилиши маълум қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 239-моддасига асосан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятни амалга ошириши энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантириласиз.

Шунингдек, Сиз ҳуқуқий тушунтиришдан қаноат ҳосил қилганингизни ва тушунтириш юзасидан эътирозингиз йўқлигини билдирдингиз.

Мазкур жавоб хатидан норози бўлган тақдирингизда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқларингиз мавжудлиги тушунтирилади.

Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Хўжамқулов

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Турдимов Эркинжон Оқбўтаевич!**

Сизга 5 йилдан буён “Профессор Давронов издошлари” номли мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш” йўналишида Нуробод тумани Жом ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг 14 та мактаблари иқтидорли ўқувчилари орасида 2009-2017 (9 йил давомида, 2018 йил адлия бошқармаси норасмий ташкилот сифатида тақиқ қўйди) йилларда олимпиада ўтказиб, уларни ўзимнинг шахсий жамғармам ҳисобидан рағбатлантириб

келганлигим, бироқ бу ишимни расмийлаштиш имкони бўлмаётганлиги тўғрисида 30 октябрь ва 16 ноябрь саналари билан мурожаат қилган эдим. Сизнинг топширигингизга асосан ҳокимият вакили Анвар Нурмуратов мен билан суҳбатлашиб, ҳокимликнинг буйруғи билан бўлса ҳам ишимни давом эттиришимга шароит яратилишини айтиб, мени жуда қувонтирди ва вилоят адлия бошқармасига тегишли топшириқ берилганлигини маълум қилди.

Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси ННТ бўлими бошлиғи Абдулаҳатов Ғулом 19-24 ноябрь оралиғида ҳар куни мен билан 2-3 мартадан телефон орқали суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб ишим юзасидан 300 дан ортиқ ҳужжатларни ўрганиб чиқди. Охир-оқибат ишимни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг 2019 йил иш режасига битта яхши тадбир сифатида киритиб, олимпиадани расмий равишда ўтказиш йўлини топиб берди.

24 ноябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг раиси Зиятов Асомидин Келдиёрович билан мени Самарқанд вилояти адлия бошқармасига таклиф қилиб, ўзининг иш жойида учраштириб, учаламиз биргаликда суҳбатлашиб, ижобий натижага эришдик.

Абдулаҳатов Ғулом ишларимизга муваффақият тилаб 2019 йил апрель ойи охирига ҳафтасининг шанба куни бўладиган олимпиадамизда, албатта, адлия бошқармаси вакиллари ҳам қатнашади, деб бизлар билан хурсанд хайрлашди.

5 йил давомида мен ушбу масала юзасидан мурожаат қилмаган биророрта тегишли ташкилот қолмади. Жумладан, Сиздан олдинги 2 вилоят ҳокимларига (ҳатто, жавоб ҳам беришмаган), Вазирлар Маҳкамасига, ХТ вазирига, вилоят ХТБга, Нуробод тумани ҳокими ва Халқ таълими бўлимига, Президентимизга 2 марта, Самарқанд вилояти адлия бошқармасига жуда кўп марта мурожаат қилганман. Кўриб турибманки, раҳбарлар фуқароларнинг мурожаатларини қўлдан кетгунча қабалида бир идорадан бошқасига йўналтиравермасдан, масалага масъулият, эгаллаб турган лавозимига ҳурмат билан ёндашса, унинг ечимини топса бўлар экан.

Эркинжон Оқбўтаевич! Сиздек, шогирдларингиз Анвар Нурмуратовдек, Ғулом Абдулаҳатовдек элим деб, юртим деб ёниб яшаётган раҳбар кадрларнинг жаннатмакон мамлакатимизда жуда кўп бўлишини Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайман. Мамлакатимизнинг тараққиёти, порлоқ келажаги учун бажараётган ишларингизда Аллоҳдан Сизларга соғлиқ, кўзларингизга нур, белларингизга қувват тилайман. Ёзганларимни оддий бир фуқаронинг дилдан миннатдорчилиги, деб қабул қилишларингизни илтимос қиламан.

Профессор Давронов Пирназар Зиятович. 26.11.2018 йил

Қуйида келтирилган тушунтириш хатимни адлия бошқармасидан ННТ бўлими бошлиғи Фарҳод СамҚХИга келиб менга қайтариб берди ва бошқа юмшоқроғини ўзи айтиб туриб ёздириб олиб кетди.

**Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига фуқаро Давронов
Пирназар Зиятовичдан тушунтириш хати**

Мендан телефон орқали 2018 йил 17 февраль куни эрталаб соат 8.30 да Президент Девонига юборган мурожаатим юзасидан Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига келиб кетишим сўралди. Мен Сизларга борганим билан ишим ҳал бўлиб қолмаслигини биламан. Шунинг учун тушунтириш хатимни ёзма равишда юбораяпман.

Президентимиз мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевга 2018 йил 9 февралда юборган мурожаатимда Президент девони ходимларидан менинг мурожаатимни бирор ташкилотга, жумладан, Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига юбормасликларини сўраганман. Лекин юборишибди, на илож.

Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига 4 йилдан буён жуда кўп марта мурожаат этдим ва менинг ишимни ҳал этиш Сизларнинг ваколатингизга кирмаслиги тўғрисида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олганман.

Менинг 10 йилдан буён узоқ қишлоқларда яшаётган, жонажон Ватанимизнинг порлоқ келажагига хизмат қиладиган иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб келаётганлигимни Президентимизнинг шахсан ўзлари билганлари тақдирдагина ассоциациямизни расмий рўйхатга олдириш мумкин деган фикрга келиб бўлганман. Шунинг учун мурожаатимни Сизларга эмас, шахсан Президентимиз номига йўллаганман. Девондаги ватандошларим менинг мурожаатимни Президентимизга етказишни муносиб кўришмабди. Энди Республикамизнинг нуфузли газеталари орқали Президентимиз номига очиқ хат билан мурожаат қиламан.

Сизлар менга мамлакатимизнинг мавжуд қонунлари доирасида керакли тушунтиришларни бердиларингиз, Сизларга ҳеч қандай эътирозим йўқ.

Бироқ мурожаатим юзасидан ёзадиган жавоб хатларингизга менинг тушунтириш хатимдан нусха қўшиб юборишларингизни сўрайман.

Фуқаро Давронов П.З. 17 февраль 2018 йил

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига
Ассалому алайкум бу хатни ўқиётган ҳурматли ватандошим!**

Мен ўқитувчиман, дарсларимнинг шиорлари бор. Уларни талабаларим қалбига сингдириб бораман. Шиорларимдан бири “Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ, энг олий саодатдир”. Шогирдларим мутахассис бўлиб ишга борганларида ҳам шу шиор билан ишлашларига, яшашларига ўзим ўрناق кўрсатаман. Чунки ўзим ҳам шу шиор билан яшайман.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилгач, 2012 йилдан буён газета ва журналларда чоп этиш имконияти бўлмаган “Ҳар қандай коррупциядан холи талабалар қабулини амалга ошириш” ва “Китоб ўқитмасдан юксак маънавиятли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб бўлмайди” мазмунидаги икки мақоламни 2017 йил бошида Президент халқ қабулхонасига юбордим. Натижада Президент девонидан телефон орқали раҳмат эшитдим,

ЎзР Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказларидан раҳматнома хатлари олдим. Бошқа ватандошларим қаторида менинг таклифларим ҳам эътиборга олиниб, мамлакатимиз бўйлаб сифатли талабалар қабулини амалга ошириш ҳамда китобхонлик тўғрисида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилганидан бошим кўкка етди.

Ўн йилдан буён ушалмай келаётган яна бир орзу-истагим бор. Шу орзуимни рўёбга чиқаришни Президентимиз ва Сизлардан илтимос қиламан.

Сизларга мурожаатимнинг қисқача мазмуни ҳеч қандай шахсий моддий манфаатни назарда тутмайдиган, давлатдан ҳам ҳеч қандай маблағ ажратиш сўралмайдиган, фақатгина “Профессор Давронов издошлари” номли қишлоқ «Мактабёшлари ичиданиқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциациясининг расмий ташкилот сифатида рўйхатга олинишига, шу асосда муҳр ва штамп олишга амалий ёрдам кўрсатишларингизни сўрашдан иборат.

2009 йилдан бошлаб Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидаги ўзим ўқиган 21-умумий ўрта таълим мактабининг иқтидорли ўқувчиларига шахсий жамғармадан стипендия бериб келаман. Бу иш йиллар ўтган сари ўзининг ижобий натижасини кўрсатди, яъни иқтидорли ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб борди. Натижада, бу ишимиз 26 000 дан ортиқ аҳоли яшайдиган тоғ-чўл ҳудуддаги мактаблар жамоалари, фаол инсонлар ва ота-оналар жамоатчилигининг таклифлари ва қўллаб-қувватлашлари асосида Жом ҚФЙга қарашли 6 та маҳалла ҳудудидаги 14 та умумий ўрта таълим мактаблари доирасига кенгайтирилди. 2015 йилда Жом ҚФЙ қошида «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциацияси ташкил этилди. Ассоциациянинг Низоми Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилди ва 2015 йил 3 майда Жом ҚФЙ умумий йиғилишида тасдиқланди. Ассоциациямизга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда Жом ҚФЙ муҳри ва штампидан фойдаланиб турдик. 2016 йилдан Жом ҚФЙ тугатилди.

Ҳар йили апрель ойининг охириги якшанба куни 1 марта “Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи”да ўтказиб келинаётган ассоциация олимпиадасида биринчи ўринни олган иқтидорли ўқувчиларга камида 3 миллион сўмни тақсимлаб бериб, уларнинг ўзларини намоён қилишларини, ўқиш, касб-ҳунар эгаллашларини рағбатлантираман.

1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ўқувчиларга махсус тайёрланган сертификат бераман.

2015 йил ассоциациянинг олимпиадасида 155 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этиб улардан 39 нафари ғолиб бўлди. 2016 йилда эса 289 нафар иштирокчидан 71 нафари ғолиб, деб топилган бўлса, кейинги йили 477 нафар иқтидорли ўқувчи ичидан 103 нафари 1-ўринни, 51 нафари 2-ўринни, 66 нафари 3-ўринни эгаллади. Уларга шахсий жамғармадан 9 миллион 600 минг сўм миқдордаги тўхфаларимни ва сертификатларни тақдим этдим (бу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар бор).

2017 йилда олимпиада ишига янада қулайлик бўлиши учун уюшмамизга 4 600 000 сўмга ноутбук ва принтер олиб бердим.

Ассоциациянинг олимпиадаси Президент асарлари билимдони, Қомусимиз билимдони, Ватанимиз ва қишлоғимиз тарихи билимдони, экология соҳаси билимдони, компьютер соҳаси билимдони, энг моҳир мусаввир, энг моҳир ҳунарманд, энг яхши созанда, энг яхши хонанда, энг яхши иншо, энг кўп китоб ўқиган, энг чиройли ёзадиган, энг кўп шеър биладиган, инглиз тилини энг яхши биладиган, ёки математика, ёки физика, ёки кимёдан энг кўп формула биладиган, энг кучли спортчи номинациялар ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган 13 та фан бўйича бўлади. 31 та номинация ва ўқув фанларидан ўтказиладиган ассоциация олимпиадаси олис қишлоқ ёшларига ўзларини қизиқтирадиган соҳалари бўйича ўзларини намоён қилиш имконини бермоқда. Масалан, 7-синф ўқувчиси Айназарова Шоҳсанам 10 317 мисрадан иборат 630 та шърни ёд олган бўлса, 7 синф ўқувчиси Ўктамов Бобуржон 189 та, 3-синф ўқувчиси Убайдуллаева Севинч 110 та китоб ўқиб олимпиада ғолиблари бўлишди. Бундай мисолларни ҳар бир иқтидорли ўқувчи тўғрисида айтиш мумкин.

Мактаблар, фидойи ўқитувчилар ва ўқувчилардаги бундай катта ижобий ўзгаришни эътиборга олган ҳолда “Нексия” русумли автомашинамни сотиб, унинг пулини тўлиғича “Қишлоғим ёшларининг порлоқ келажаги учун инвестиция” сифатида Республика миллий банкининг Самарқанд филиалига қўйганман. Унинг йиллик фозининг ярмини ўзим ташкил этган уюшма олимпиадасида ғолиб бўлган иқтидорли ўқувчиларга доимий равишда (ўзим дунёдан ўтганимдан кейин ҳам) бериб борилишини йўлга қўйишни истайман.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаётган кўплаб фидойи ўқитувчиларни ҳам рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак деб ҳисоблайман. 2009 йилдан буён иқтидорли ўқувчилар биланишлашда каттамуваффақиятларга эришиб келаётган 21-умумтаълим мактабининг она-тили ва адабиёти ўқитувчиси Боймурзаев Алишер Тошимович, физика фани ўқитувчиси Очилов Холмурод Шоназарович, география фани ўқитувчиси Усмонов Турсунали Ҳалилович, 45-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Солиҳа Раҳимовалар 2015-2017 йиллар ассоциация олимпиадаларига тайёрлаган иқтидорли ўқувчилари эришган юқори натижалари бўйича ассоциация умумий йиғилишининг қарори билан “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишонига тавсия этиш бўйича Нуробод тумани ХТМФМТТЭБ бошлиғи Р.Тўраев ва Самарқанд вилояти ХТБ бошлиғи Р.Д.Юлдошевларга мурожаат этилди. Бироқ улар ассоциациямизнинг расмий ташкилот эмаслигини, муҳр ва штамп йўқлигини айтишиб, бизларнинг мурожаатимизни рад этишди.

Фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилади ва бир фан бўйича бир ўқувчи ғолиб бўлади. Бизнинг олимпиадамиз эса шаҳар ва туман марказларидан узоқ қишлоқ жойларидаги 6 маҳалланинг 14 та мактаблари доирасида ҳам қуйи, ҳам юқори синф ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида ўтказилади. Ўқувчилар мактабда ўқитиладиган ўқув фанларидан ташқари, ўзларини қизиқтирган бошқа соҳалар бўйича ҳам иқтидорини намоён этишади. Шаҳар ва туман марказларидан узоқ қишлоқларда яшаётган юзлаб ўқувчиларнинг иқтидорларини эътироф этиб,

уларни юксакликка парвоз этишга, мамлакатимизга, элимизга хизмат қилишга рағбатлантиришнинг нимаси ёмон?

Ассоциациямиз иши матбуотда кенг ёритилиб қўллаб-қувватланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси “Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси” томонидан ижобий баҳоланган. Бу борада уларнинг мактуби ҳам бор.

Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси биз тузган ассоциацияни расмий ташкилот сифатида рўйхатга олиш Нуробод тумани ҳокимлигининг иши деса, Нуробод тумани ҳокимлиги (собиқ ҳоким Б.Қ.Эргашев) адлия бошқармаси қилиши керак дейди, бироқ шу кунга қадар натижа йўқ (Самарқанд вилояти Адлия бошқармасининг хати бор).

11 декабрь 2017 йилда Президент халқ қабулхонасига қилган мурожаатим яна Самарқанд вилояти Адлия бошқармасига юборилди. 15 декабрь 2017 йилда адлия бошқармаси яна таълим билан боғлиқ ННТни рўйхатга олишга ваколатларининг йўқлигини менга қайта тушунтириб, бу ишни халқ таълими раҳбарияти йўналишида ҳал этишимни маслаҳат берди.

Ушбу масалада Адлия вазирлигига, Самарқанд вилояти ҳокимлигига 2 марта, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши аппарат раҳбарига, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгашига мурожаат этиб, хатларимга ёзма жавоб беришларини илтимос қилдим. Бироқ мурожаатларимга жавоб олмадим.

Энг хавотирли жойи, олимпиадага айрим ўқувчилар мактаблари, ўқитувчилари ёки ота-оналарининг кузатувисиз ўзлари келишади. Йўл транспорт ходисаси ва бошқа нохуш ҳолат рўй бериши мумкинлиги тўғрисида мактаблар маъмурияти ҳар йили ёзма огоҳлантирилади. Бироқ натижа йўқ. Мактаблар маъмурияти ўқувчиларининг олимпиадага келиб-кетишдаги хавфсизлигини ўз зиммаларига олишлари, акс ҳолда, ўқувчиларини юбормасликлари керак.

Ассоциациямизни мамлакатимизнинг мавжуд қонунлари доирасида расмий ташкилот сифатида рўйхатга олиш имконияти бўлмаса, унинг олимпиадасини қишлоғимиздаги “Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи” ёки 21-умумий ўрта таълим мактаби қошида қонуний ўтказишимизга, унга келувчи иқтидорли ўқувчиларнинг мактаблар кузатувида бўлишига амалий ёрдам кўрсатишининг илтимос қиламан. Бунинг учун Самарқанд вилояти ХТБ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси” ва Нуробод тумани ХТМФМТТЭБларига топшириқ беришларининг илтимосини сўрайман.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти “Математика ва АКТ” кафедраси доценти, либерал демократик партия аъзоси, профессор Давронов Пирназар Зиятович. 20 декабрь 2017 йил.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг
депутати Н.И.Мухторовнинг 2015 йил 23 июнда Самарқанд ҚХИ**

ректори, профессор Т.Э.Остонақуловга ёзган №Д-43-05-18-сонли хати

Ҳурматли Тоштемир Эшимович!

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг “Олий математика ва ахборот технологиялари” кафедраси доценти Пирназар Зиятович Давроновнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига мактаб ўқувчиларини рағбатлантиришнинг ижтимоий кўринишини такомиллаштиришга оид юборган таклифлари ўрганиб чиқилди.

Давронов Пирназар Зиятович Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғида ўзи ўқиган 21-умумтаълим мактабида ўзиинг шахсий жамғармасидан ўқувчиларнинг билимини ошириш, хорижий тилларни ўрганиш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини ва келажакка ишонч руҳини кучайтириш, шунингдек, келгусида ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган баркамол авлод бўлиб камол топишларига беминнат меҳнатини қўшиб келаятганлигини мамлакатимизда амалга оширилаятган таълим соҳасидаги ислохотлар самарадорлигига алоҳида бир шахс томонидан қўшилаётган улкан ҳисса деб биламиз.

Пирназар Зиятовичнинг бу борадаги шахсий ўрнатқ даражасидаги ҳаракатларини эътироф этган ҳолда, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик ва хотиржамлик, ватанимиз равнақи йўлидаги масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурмат билан Депутат, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Н.И.Мухторов

Ушбу хат Самарқанд ҚХИда 2015 йил 30 июнда №2366-сон билан қайд этилган ва шу куни институт илмий кенгашида жамоага ректор томонидан ўқиб эшиттирилган.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига

Ҳурматли Азамат Умаров!

2015 йилда Жом ҚФЙ қошида «Мактаб ёшлари ичидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш» ассоциацияси ташкил этилган. Аслида бу ишга 2009 йилда Самарқанд ҚХИ профессори Пирназар Зиятович Давронов ўзи ўқиган 21-умумий ўрта таълим мактаби мисолида асос солган эди. Тажриба натижалари яхши бўлгач, бу тажриба Жом ҚФЙ ҳудудидаги 14 та умумий ўрта таълим мактаблари доирасига кенгайтирилди. Қишлоқдошимиз профессор П.З.Давронов ўзининг шахсий жамғармасидан ҳар йили ассоциация олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаган иқтидорли ўқувчиларга 1 миллион сўмни тақсимлаб бериб, уларни ўқишга, касб-ҳунар эгаллашга рағбатлантиради. Масалан, 21-умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчиси Эрназарова Иродани ота-онасининг олий ўқув юртида ўқитишга хоҳишлари бўлмаган. Бу ўқувчи 2009 йилда иқтидорли ўқувчи стипендиясини олгач, ота-онаси унинг олий ўқув юртида ўқишига рухсат беришган. Натижада, Ирода Эрназарова СамДУнинг филология факультетига бюджетга ўқишга қабул қилиниб, уни имтиёзли диплом билан битирди. Ҳозирда СамДУнинг бюджет асосида ўқиётган магистрантига айланди. Унинг келажақда фан доктори, профессор бўлишига биз жомликлар ишонамиз.

Ассоциациянинг олимпиадаси Президент асарлари билимдони, Қомусимиз билимдони, Ватанимиз ва қишлоғимиз тарихи билимдони, экология соҳаси билимдони, компьютер соҳаси билимдони, энг моҳир мусаввир, энг моҳир ҳунарманд, энг яхши созанда, энг яхши хонанда, энг яхши иншо, энг кўп китоб ўқиган, энг чиройли ёзадиган, энг кўп шеър биладиган, инглиз тилини энг яхши биладиган ёки математика, ё физика, ё худ кимёдан энг кўп формула биладиган, энг кучли спортчи каби номинациялар ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган 8 та фан бўйича бўлади. 30 дан ортиқ номинациялар ва ўқув фанларидан ўтказиладиган ассоциация олимпиадаси ёшларга ўзлари қизиқадиган соҳалар бўйича ўзларини намоён қилиш имконини бермоқда. Масалан, 7-синф ўқувчиси Айназарова Шоҳсанам 10 317 мисрдан иборат 630 та шеър ёд олган бўлса, 7 синф ўқувчиси Ўктамов Бобуржон 189 та, 3-синф ўқувчиси Убайдуллаева Севинч 110 та китоб ўқишиб олимпиада ғолиблари бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кейинги йилларда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаётган фидойи ўқитувчиларни рағбатлантиришда амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз. Оддий кўкрак нишони шундай ўқитувчиларга берилмаса, кимга берилади?

Ассоциация олимпиадаси ҳар йили апрель ойининг охиригача яқин куни ўтказилади.

Ассоциациямизнинг нуфузини ошириш ҳамда мутахассислардан тегишли маслаҳатлар олиш учун 2017 йил 30 апрель куни ўтказиладиган олимпиада анжуманида Самарқанд вилояти ХТБдан вакиллар қатнашишини Сиздан илтимос қиламиз. Анжуман соат 8.30 да ўз ишини бошлайди.

Сизга ҳурмат билан Жом ҚФЙ ҳудудидаги 27 мингга яқин аҳоли номидан Жом ҚФЙ раиси Жабборов Ҳ.

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси
_____ Қ.Қ.Қуранбаев
“ ___ ” _____ 2018 йил

Ассоциация кенгаши раиси Мошонов М.

“КЕЛИШИЛДИ”

Нуробод тумани ҳокими
_____ Ф.А.Заиров
“ ___ ” _____ 2018 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи Нуробод тумани
Кенгаши раиси
_____ А.К.Зиятов
“ ___ ” _____ 2018 йил

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Нуробод тумани Кенгашининг
2019 йилга мўлжалланган йиллик
ИШ РЕЖАСИ**

№	Амалга ошириладиган ишлар	Ижро муддати	Масъуллар	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Қутилаётган натижа
	Профессор П.З.Давроновнинг таклифи ва ҳомийлигини инобатга олиб Жом қишлоғи ҳудудидаги 14 та (16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 44, 45, 60, 63) умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашуви”ни ўтказиш.	Апрель	Туман Кенгаши раиси, таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассис, “Камалак” болалар ташкилоти раиси	5,0 (Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 3.0)	Ҳудуддаги ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари ортади. Билимли ва истедодли ёшлар рағбатлантирилади.

ХАЛҚИ ЭНГ КЎП КИТОБ ЎҚИЙДИГАН МАМЛАКАТ – ЭНГ ЯХШИ МАМЛАКАТ

1930 йилда Жомнинг тўртта жамоа хўжалиги бошқарув идоралари биноларининг ҳар бирида аҳоли учун хизмат қиладиган икки хонадан иборат кутубхоналар ишлаб турган. Хоналарнинг бирида китоблар, иккинчисида газета ва журналлар сақланар, хонанинг ўртасида пойгоҳидан тўригача икки қатор жойлаштирилган узун столларда шахмат-шашкалар ўйналар, китобхонликка доир тадбирлар ўтказиларди.

1950 йилда қишлоқдаги жамоа хўжаликлари бирлаштирилиб битта жамоа хўжалигига айлантирилган. Натижада, 1954 йилда мавжуд кутубхоналар ҳам бирлаштирилиб Омондара ва Жом маҳаллаларида иккита кутубхона ташкил этилган. Бу кутубхоналарга Тошпўлат Боймирзаев, Мамаш Бобоқулов, Эшназар Усмонов, Аъзам Йўлдошев, Абдурасул Сатторов, Ўктам Сатторов, Гулбаҳор Сатторова, Шафоат Суярова, Хурсанд Бойчаевлар мудирлик қилишган.

1960 йиллар атрофида қишлоқдаги кутубхоналарда катталар, ўқувчилар, қишлоқ хотин-қизларининг китобсеварлар тўғараклари навбат билан ишлаб турарди. Кутубхоналар доимо мухлислар билан гавжум, катталар ва ўқувчилар навбатда туриб китоб олишар, ярим йил ва йил якунида икки марта китобхонлар конференциялари ўтказилиб, энг кўп китоб олиб ўқиганлар рағбатлантириларди.

Кутубхоналарда сиёсий, бадий, айниқса, халқ оғзаки ижодига доир адабиётлар кўп бўларди. Китобхонларга қулай бўлиши учун янги келтирилган адабиётлар алоҳида кўргазма жавонларига қўйилар, кундалик ва ойлик газета-журналлар, уларнинг тикилган йиғмалари тартиб билан столлар устида кўринарли қилиб сақланар эди.

Омондара гузаридаги кутубхонанинг бир хонасида ҳар куни тушлиқдан сўнг шахмат, шашка тўғараги фаолият кўрсатар, ой якунида мусобақа ўтказилар, шахмат бўйича кўпинча мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Вали Норматов ғолиб бўларди.

Бугунги кунда бу анъаналар қолиб кетган, китобхонлар сони кескин камайган бўлса-да, ўша кутубхоналар 2006 йилга қадар фаолият кўрсатди.

2006 йилда 22 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган Жом қишлоғидаги мавжуд кутубхоналарнинг тугатилиши ачинарли ва кечириб бўлмайдиган ҳол бўлди. Аждодлар томонидан бунёд этилган бу тарихий ноёб ва кўпчилик учун ўта қадрли бўлган кутубхоналар доимий равишда замонга мос адабиётлар билан бойитилиб борилиши, керакли жиҳозлар билан таъминланиши, авлодлар учун авайлаб-асралиши, зиё маскани бўлиб аҳолига хизмат қилиши керак эди.

2017 йил 4 мартда 30-Улус сайлов округидан сайланган вилоят кенгаши депутаты, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Т.Э.Остонақуловнинг “Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи”да сайловчилари билан бўлган учрашувида, узоқ йиллар агроном бўлиб ишлаган, қишлоқнинг фаол инсонларидан 87 ёшлик Бердимурод Равшанов шундай дейди: “Илгари қишлоғимизда аҳоли учун 4 та

кутубхона ишлаб турарди. Ҳозирда аҳоли Жом сойи бўйлаб 40 км дан ортик масофада жойлашган. Қишлоғимиз шаҳар ва туман марказидан узоқда. Электр таъминоти узилиши туфайли телевизор кўрмасак, газета-журнал ўқимасак, дунёдан беҳабар қолдик. Бизларнинг ҳам китоб, газета-журналлар ўқигимиз, жаҳонда рўй бераётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардан, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлгимиз келади. Депутатимиз сифатида қишлоғимизда кутубхоналарни қайтадан ташкил қилишга ёрдам кўрсатишингизни барча жомликлар номидан сўраймиз”.

2017 йил 13 сентябрда телеведение “Ўзбекистон” каналининг кечки кўрсатувида, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги халқ қабулхонаси ходимларининг халқ билан мулоқот сайёручрашувида қишлоқ жойларга газета-журналларнинг етиб келмаётганлиги, вақтли матбуот нашрларини ва китоб сотиш дўконларининг йўқлиги кекса авлод вакиллари томонидан кўтарилди.

Жом МФЙ ҳудудида жойлашган 23-умумий ўрта таълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган, ёши 70 ни қоралаган синфдошим Қаюм Турғонов суҳбатлар асносида қишлоқда ўқишга нарса тополмайман, йиртилган газета парчаси кўлимга тушса ҳам ўқиб чиқаман, сиз шаҳарда яшайсиз, менга китоблар юбориб туринг, деди. Мен унга ўзим ишлаётган Самарқанд ҚХИнинг жуда бой ахборот ресурс марказидан жомлик талабалар орқали кўп йиллардан буён китоблар юбориб тураман. Қаюм Турғонов бадиий китоблар билан бир қаторда ветеринария, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, йилқичилик, деҳқончиликка доир адабиётларни ҳам қунт билан ўқиб-ўрганиб, қишлоқдошларга тегишли маслаҳатлар берадиган бўлди.

Жомда умрини китобсиз тасаввур қила олмайдиган ва китоб ўқишни тарғиб қиладиган инсонлар кўп. Омондара МФЙдан Бердимурод Равшанов, Мамат Абдуллаев, Обрўй Назаров, Тегирмонбоши МФЙдан Исмоил Ибрагимов, Э.Элмирзаев, Ҳасан Шомиров, Н.Бегимова, Гирдиқўрғон МФЙдан Давир Тўқсонов, Орол Холбозоров, Қодир Ҳазратқулов, Жом МФЙдан Жом масжиди имом хатиби мулла Аббос Равшанов, Қаюм Турғонов, Зайнаб Ўсарова, Салима Бобонтоева кабилар шулар жумласидандир.

2017 йил 20 майда Самарқанд сервис институтида ректор вазифасини бажариб турган, профессор Қулмамат Мирзаев институт ахборот ресурс маркази фондидан Нуробод тумани мактабларига адабиётлар туҳфа этишдек савобли ишни амалга оширди. Жумладан, институт вакиллари томонидан Жомдаги №63-умумий ўрта таълим мактабига 176 дона китоб қишлоқ аҳолиси, ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида тантанали равишда тақдим этилди. 2017 йил 17 августда менинг хонадонимда бўлган суҳбат чоғида шу мактабнинг директори Исомиддин Жабборов шундай деди: “Бир куни қарасам мактабга 5 нафар аёл келяпти. Бирор норозичилик пайдо бўлибди-да деб, хавотирланиб ичимга муз кирди. Шунда мактабимиз АРМ мудираси Зумрад Хўжақулова улар китоб олишгани келишяпти, деганидан сўнг ўзимга келдим. Олдин ҳам бир-иккита одамлар келиб мактаб АРМдан китоб олиб туришарди. Бироқ сервис институти томонидан тақдим этилган китобларни аҳоли иштирокида қабул қилганимиздан буён ҳар куни ўнлаб қишлоқдошлар, айниқса, аёллар

келиб китоб олиб ўқийдиган бўлишди. Ушбу ҳолат қишлоқнинг Ҳафрин гузари аҳолисининг китобхонлигига, мактаб билан ота-оналар алоқасининг янада яхшиланишига олиб келмоқда”.

2018 йил 1 апрелда Жом МФЙ биносида Самарқанд вилояти Нуробод тумани прокурори Шухрат Сапарович Холмирзаевнинг саъй-ҳаракати билан кутубхона ташкил қилинди. Кутубхонага ўлчамлари 6х2 метр бўлган китоб жавонлари ва 672 дона адабиётлар тўхфа этилди. Саховатли инсонларнинг ҳадялари ҳисобига кутубхонадаги китоблар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу кутубхонанинг биринчи мудираси Гавҳар Норбоева бўлди. 3 нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаётган бу она ишли бўлиб, аҳолига хизмат қилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносида кутубхонанинг бўлиши тўғри амалиёт эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Боиси МФЙга турли юмушлар билан келадиган аҳоли сони кўп бўлиб, уларнинг аксарият қисми кутубхонага кириб китоблар олишар экан. Ушбу ижобий жараён келажакда МФЙ биноларини лойиҳалаштиришда кутубхона ва қироатхона бўлишини ҳам эътиборга олиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Биз ўтказган сўровномалар, суҳбатлар ва кузатишларимиз китоб ўқимайдиган одамлар сони кам эмаслигини, Самарқанд шаҳридаги аҳоли учун мўлжалланган кутубхоналардаги абонентлар сони ҳам бугунги кун талаблари даражасида эмаслигини кўрсатди.

Мавжуд ҳолатни эътиборга олган ҳолда, жойларда кутубхоналар учун янги биноларни қуриш, жиҳозлаш, мутахассис кадрлар билан таъминлаш, уларга ва бошқа хўжалик ходимларига маошлар каби кўплаб ортиқча харажатлар қилиш ўрнига, мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари АРМларини ўқувчилар ва катта ёшдаги инсонлар учун мўлжалланган адабиётлар билан бойитилиб, улардан яқин атрофдаги аҳолининг тегишли тартибда фойдаланишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жом қишлоғи тажрибаси маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида кутубхоналар ташкил этиш ўринли эканлигини кўрсатди. Давлат бюджетидан кераксиз харажатларнинг олдини олиш мақсадида, мавжуд шароитни атрофлича ўрганган ҳолда аҳоли учун зарур нуқталарда алоҳида кутубхоналар, китоб дўконлари қурилса тўғри бўлади. Масалан, Жом қишлоғи ўртасида бунёд этилган №2-сон Жом маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносида катта марказий кутубхона, ҳар бир мактаб ва маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар, ҳар бир маҳаллада китоб дўконлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва етарли бўлади.

Жом қишлоғида мўъжаз бўлса-да, кутубхоналар ташкил этишга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Жом жоме масжиди кутубхонаси

Қуйида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакили муҳтарам Нуриддинхон домла Исломов ва Имом Бухорий халқаро маркази директори, т.ф.н. Шовосил Юнусович Зиёдовлар номларига ёзилган хат мазмуни келтирилган:

“Ҳидоят сари” ва “Зиё” телекўрсатувларидаги бой, ўта файзли, кўркем кутубхонани кўрганимда Буюк Яратувчи менинг қалбимга ўзим туғилиб ўсган қишлоғим жоме масжидида кутубхона ташкил этишдек хайрли ишни солди. 2009 йил 17 апрель жума куни Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоқ жоме масжидига китоб жавони, хонтахта, лавҳ, китоблар рўйхатини қайд қилиш дафтари ва бир қанча адабиётлар тақдим этилди.

Шундай қилиб имом-хатиб, намозхонлар, қишлоқнинг фаол инсонлари иштирокида Жом жоме масжидида диний, тарихий ва дунёвий илмлар кутубхонасига асос солинди.

Ушбу тадбирга доир ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори Давронов
Пирназар Зиятович. 5 март 2016 йил.**

Мазкур хат юзасидан олинган жавоблар

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятида «Ўқи», дея хитоб қилиб, инсониятни илм олишга буюрган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин.

«Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздор», дея ҳар бир кишининг илм ўрганиши лозимлигини уқтирган Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламга салоту саломлар бўлсин.

Авваламбор, ҳар бир масжидда Дин ишлари бўйича қўмитадан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан, саховатпеша инсонлар томонидан туҳфа этилган Ҳанафий мазҳабига доир ва бошқа илмий, бадий китоблардан, рисоалардан иборат кутубхона бўлиши лозим.

Сизнинг бошлаган бу хайрли ишингиз диний идора томонидан берилган топшириққа амал қилиш билан бир қаторда, инсонларни, хусусан, намозхонларни илм олишга чорлаш, маърифат нуруни тарқатиш йўлидаги катта бир хизматдор. Бу ишингизни биз юксак баҳолаган ҳолда, сизга ўзимизнинг катта миннатдорчилигимизни билдирамиз ва кутубхонанинг ишларига омадлар тилаймиз.

Қуръони каримда: «Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир» (Ар-Роҳман, 60), дея таъкидланган. Сизнинг амалга ошираётган бу эзгу ишингиз Аллоҳ таоло томонидан муносиб тақдирланишини, манфаати кенг оммага етишини, самарасидан юртдошларимизнинг илмлари зиёда бўлиб, қалблари маърифат нури ила тўлишини сўраб, дуои-хайрлар қилиб қоламиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакили

Нуриддинхон домла Исломов. 7 март 2016 йил

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Биз маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади». Шундай экан профессор П.Давроновнинг ташаббуси билан жоме масжиди қошида кутубхона очилиши намозхон ва ёшларнинг буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий меросидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Халқимиз азалдан илм-маърифат ва зиёга интилиб келган ва том маънода бутун дунёга ана шу эзгу иш ва амални нашр этиш учун улкан хизматларни амалга ошириб келган. Пайғамбаримиз (сав): «Бешиқдан қабргача илм изланг», деб марҳамат қилган бўлсалар, Имом Бухорий (ра): «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай» деб айтганлар. Бу бир-бирига ҳамоҳанг фикрлар барчани дунёда илм ва эзгуликка даъват қилиб келмоқда. Сизнинг маърифат улашишдек улкан ишни бошлашингиз хайрли ишлар сирасига киради. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, хайрли ишнинг мукофоти фақат яхшиликдир. Ушбу хайрли ишларингизга муваффақият тилаймиз ҳамда бу хайрли ишни яратган Зотдан бардавом этишини сўраб қоламиз.

Имом Бухорий халқаро маркази директори, т.ф.н.

Ш.Ю.Зиёдов хати.

9 март 2016 йил

Изоҳ: бу икки хатнинг асли Жом қишлоғидаги жоме масжидда сақланмоқда.

Жом жоме масжиди кутубхонасини адабиётлар билан бойитишда имом хатиб Аббос Равшанов, мулла Абдуфаттоҳ Турсунов, Исмоил Ибрагимов, Турум Хўжақулов каби кўп намозхонлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Энг қувонарлиси, Имом Бухорий масжидидаги жума намозларидан бирида имом хатиб маърузасидан Жом қишлоғи жоме масжидида кутубхона ташкил этилганлигини эшитган Пайариқ шаҳридаги Усмон Носир номли кўча, 34-хонадонда истиқомат қилувчи намозхон Зафар Муҳаммадиев 220 000 сўмлик қийматдаги қуйидаги 5 дона ноёб китобларни масжидга тухфа қилган:

1. Зиёвуддин Раҳим. Қуръон – қалблар шифоси. -Тошкент, 2014. - 360 б.
2. Пайғамбарлар тарихи. -Тошкент, 2014. -444 б.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент, 2015. -704 б.
4. Поён Равшанов. Амир Темур сулоласи. -Тошкент, 2014. -656 б.
5. Содиқов Ҳамдам. Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар. -Тошкент, 2016. 384 б.

Барча жомликлар бу сахий инсонга ва унинг оила аъзоларига фақат яхшиликлар тилайди.

2015 йил 27 апрелда П.З.Давронов томонидан тухфа этилган адабиётлар асосида Жом ҚФЙ ва Жом МФЙ биноларида ҳам кичик кутубхоналар ташкил

этилди. Бу кутубхоналар жомликлар билан бир қаторда бошқа саховатли инсонлар томонидан туҳфа этилаётган адабиётлар билан йилдан-йилга бойиб бормоқда ва улардан аҳоли фойдаланмоқда.

Булардан ташқари П.З.Давронов 2017 йил 30 апрелда ўзининг шахсий кутубхонасидан «Нуробод мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар» коллежи ахборот ресурс марказига 500 донадан ортиқ адабий, тарихий ва илмий-услубий адабиётларни туҳфа этди.

Жом қишлоғининг Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” биноси 1900 йилда Каримовул қишлоғида яшаган Эсонбой бобо, Яъқуб карвон каби инсонларнинг маблағлари ҳисобидан, Муҳиддин махсум бобо бошчилигида ҳашар йўли билан қурилган. 2018 йил 27 июлда 88 ёшли Бердимурод бобо Равшановнинг берган маълумотига кўра, Иккинчи жаҳон уруши бошланган йилларда масжид ҳужраларининг шарқий қисмида раис Роззақ Тиллаев раҳбарлигида “Қизил қаҳрамон” жамоа хўжалигининг болохонали идораси биноси қурилган. Р.Тиллаев ўз аризасига кўра 1943 йилда урушга кетгач, унинг ўрнига Очил Раҳимов раислик қилган. Масжид олдида катта ҳовуз бўлиб, унинг атрофида беҳи дарахтлари ўсиб турган катта чорбоғ бўлган. Ҳовузнинг шарқий томонида масжиднинг қатор ҳужралари жойлашган. Ҳужраларда муллаваччалар яшаб таҳсил олишган.

Собиқ шўро даври бошланиши билан масжид-мадраса ёпилган. Унинг охириги муллаваччаларидан бири Омондара маҳалласи ҳудудида яшаган мулла Аҳмад Шомаҳматов Муҳиддин махсум бободан илм ўрганган ва 1930 йилда Жомнинг юқори қишлоғида мактаб очиб, шу атрофдаги гузарлар болаларини ўқитган.

2018 йил август ойида Қўчқорбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи, тарих фани ўқитувчилигидан нафақага чиққан 91 ёшли Тошпўлат бобо Шерқулов берган маълумотга кўра, шу қишлоқдан Норқулов Мусурмон ва Ўтаев Шерқул, Умакай қишлоғидан Умиров Абдуназар боболар Жомдаги масжид-мадрасада таҳсил олишган.

Масжид-мадраса ҳужралари 1937 йилларда Каттақўрғон тумани Халқ таълими раҳбарияти томонидан Жомга юборилган ўқитувчиларга яшаш жойи сифатида берилган. Жумладан, жамоа хўжалиги биносининг болаҳонасида татар миллатига мансуб Гулжаҳон Латипова, қизи Луиза ва жияни Сагида билан яшаб, ҳозирги 21-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчилик қилишарди. Жамоа хўжалиги идораси биноси 1950 йилда Жом қишлоқ фельдшерлик пунктига айлантирилди. 1960 йилда Жом стационар шифохонаси ташкил этилгач, масжид-мадрасанинг ҳужраларидан ошхона, кўмирхона ва бошқа хўжалик эҳтиёжларида фойдаланилди.

1935 йиллар атрофида масжид-мадраса биноси ҳозирги Омондара ва Тегирмонбоши МФЙлари ҳудудларида жойлашган икки жамоа хўжаликлари аҳолисига хизмат қиладиган чойхонага айлантирилган. Бу жойда сайловлар, анжуманлар ўтказилган, партия ва комсомоллар тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришган, кечга йигитлар, қизлар ва аёллар биргаликда ҳовуз атрофида ўйин-кулгу қилишган, ёши катталар чой ичишиб, суҳбатлашиб дам олишган. Бундай тадбирлар учун жой торлик қилгач, ҳовуз кўмиб ташланган. Умуман

олганда масжид, унинг олдидаги ҳовуз бўйи ва дарахтзор катта боғ, қишлоқ аҳолиси онгини собиқ совет тузумига мос ўзгартиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот масканига айлантирилган.

Масжид-мадраса биносидан 1938 йилда Каттақўрғон шаҳридаги ёғ-мой комбинати ишчи-хизматчилари фарзандларининг дам олиш оромгоҳи, 1950 йилдан сепаратор ўрнатилиб жамоа хўжаликларида соғилган сигирлар сутининг ёғини ажратиб олишда ишлатилган. Бир неча марта савдо дўконлари сифатида фойдаланиб келинган.

Бу бино "Эски масжид" номи билан 2000 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясининг №83-қарори билан давлат муҳофазасига олинган.

2015 йилларга келиб "Эски масжид" биноси болорлари, шопуллари (устун устидаги моша устига икки томондан келиб минадиган тўсин) синиб, деворлари қулай бошлади. Бундан хавотирга тушган Олия Яқубова масжид биносини таъмирлаб, ундан кутубхона сифатида фойдаланиш тўғрисида 2016 йил 8 ноябрда Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақуловга, 2016 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясига, 2018 йил 8 январда Нуробод тумани ҳокими Ф.А.Зоировга аризалар билан мурожаат этди.

Тегирмонбоши ва Омондара МФЙлари фаолларининг 2017 йил 5 майдаги қўшма йиғилиши №6-сонли баёни қарори билан О.Яқубованинг таклифи тасдиқланди. Аҳоли томонидан беғараз ёрдам фонди ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, унга маҳалла фаоли Ю.Рўзиев масъул қилиб белгиланди.

2017 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясидан мутахассислар келишиб Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган "Эски масжид" маданий мерос объектининг техник ҳолати тўғрисида 1-сон далолатнома тузилиб, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар рўйхати шакллантирилди. Бажарилиши лозим бўлган амалий ишларга Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, маҳалла фаоллари О.Яқубова ва Қ.Азизовлар масъул қилиб белгиланди.

2017 йил 11 январда маданий мерос объектини муҳофаза қилиш мажбурияти тўғрисида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси бошлиғи М.А.Набираева, Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов ва фуқаро О.Яқубова томонидан 5 йил муддатга уч томонлама шартнома тузилди. Бунда инспекция бинони ижарага берувчи, Тегирмонбоши МФЙ фойдаланувчи, фуқаро О.Яқубова

ижарачи бўлди. Бу шартнома ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳоли учун кутубхоналар ташкил этиш тажрибасининг тўғри амалиёт эканлигини яна бир бор исботлаб турибди. Бироқ кутубхонада ишловчи ходимни маош билан таъминлаш масаласи очиқ қолмоқда. Фикримизча, бу муаммони, шунингдек, кутубхонанинг моддий техник базасини кучайтириш, янги адабиётлар билан доимий бойитиб бориш масаласини, аввало, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, қолаверса Нуробод тумани ҳокимлиги маданият бўлими ҳал этиши керак.

Самарқанд вилояти давлат инспекцияси томонидан 2017 йил 5 октябрда №18-сон хат билан Маданий мерос объектларни таъмирлаш ишларини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, “Қўзғалмас Маданий мерос объектларни таъмирлаш, рўйхатга олиш, бузилмаслигини таъминлаш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш йўриқномаси” асосида Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган XVIII аср “Эски масжид” маданий мерос объектини таъмирлаш бўйича рухсатнома берилди.

2018 йил 15 майда Нуробод тумани ҳокимининг Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” маданий мерос объектида “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши чиқди.

2018 йил 17 июнь куни соат 10.00 да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган “Маҳалла кутубхонаси”нинг очилиш маросими бўлди. Нуробод тумани ёшлар иттифоқи бўлими томонидан кутубхонага 10 миллион сўм миқдоридаги китоблар ва китоб жавонлари тўхфа этилди.

“Эски масжид” биноси Тегирмонбоши, Омондара, Ҳафрин ва Каримовул гузарлари аҳолисининг фаол иштироки ва беғараз ёрдамида тўлиғича ҳашар йўли билан таъмирланди. Ҳашарга аҳоли томонидан 2 дона қўчқор ва 6 дона серка ҳадя этилди. Таъмирлаш жараёнида компьютер билан боғлиқ барча ёзувчизув ишлари Оламхон Қодиров томонидан бажарилди. Қишлоқ ҳайдовчилари шахсий машиналарида масжид томи устидан олинган 10 машина тупроқни олиб чиқиб ташлашди ва керакли қурилиш ашёларини беминнат ташиб беришди. Том устидаги барча дурадгорлик ишлари Қаҳҳор Қўзибоев томонидан бажарилди. Ҳашарда иштирок этган ёшларга оқсоқоллардан Йўлдош Рўзиев, Мухтор Маҳкамов, Рустам Пирназаров, Худойберди Ярқуловлар кеча-кундуз ёрдам кўрсатиб туришди.

“Эски масжид”ни таъмирлаш ишлари жараёнида унинг жанубий деворидаги газеталарга ўралиб, олдига тахталар терилиб суваб ташланган тоқчасидан китоблар ва қўлёзмалар топилди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгашининг таклифига кўра Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг “Фидойи ёшлар экспедицияси” аъзолари бўлган, Ўзбекистон Миллий университетининг Фахриддинхўжа Ашрафхўжаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ манбашунос олимлари гуруҳи “Эски масжид”га келишди. Олимлар топилма китоблар Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикматлар”и, Тажвид қоидалари, Қуръон оятлари, Пайғамбарлар тарихи, Абдураҳмон Жомий ва Амир Темурга тегишли асарлар эканлигини аниқлашди. Аждодларимиз томонидан шўролар даври тазйиқидан эсон-омон сақлаш мақсадида турли усуллар ёрдамида шундай дурдона асарлар

эҳтиёт қилинган.

Олимлар масжид биноси хонақоҳи (ички қисми) ўртасидаги нақшинкор устунда араб имлосида уста Саттор ҳижрий 1321 (мелодий 1900) йилда ясаган, усто Ҳасан нақш берган ёзувларини ўқиб беришди. Бу маълумотлардан масжиднинг 1900 йилда қурилганлиги ҳам эҳтимол қилинмоқда.

Айвон олдида 5 та, жануб томонида 3 та нақшинкор устунлар бор. Масжид биноси ташқи ўлчами 13x13, хонақоҳ ўлчами эса 7x7 метр. Барча устунлар арча дарахтидан ясалган. Хонақоҳдаги устун баландлиги 4 метр, айвондагилариники 5 метрдан. Бундай узун, диаметри катта арча дарахтларининг Жом ҳудудида ўсмаслигини эътиборга олсак, устунларнинг бошқа юртлардан олиб келинганлиги маълум бўлади. Самарқанд шаҳрининг ғарбий чегарасида жойлашган Чортут маҳалласида истиқомат қиладиган, Самарқанд вилояти бозорлар бошқармаси раиси Тоҳир Мамадалиевнинг берган маълумоти кўра, Жомдаги “Эски масжид” дан Самарқанд вилоятида 76 та мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги авария ҳолатида. Уларнинг устунлари 1900 йилларда чортутлик усталар томонидан ясалган. Масжид устунда қайд этилган сана ва Тоҳир Мамадалиев берган маълумотнинг бир-бирига айнан мос келишини эътиборга олсак, Жомдаги “Эски масжид” нинг ҳақиқатан 1900 йилда қурилганлиги маълум бўлади. Чўнқаймишлик уста Элмурод бобо дурадгорлик ишларини бажарган.

Масжид олди ва жануб томонига 2 тадан, шимол томонига 1 та эшик ўрнатилган. Ҳар бир эшикнинг ўзига хос маъноси бор. Пастроқ ясашиб қурилган эшикдан муллаваччалар саломхонага эгилиб киришиб саломлашишган ва яна эгилиб орқаси билан чиқиб кетишган. Қолган 4 эшикнинг ўлчамлари бир хил бўлиб, улардан бири имом кирди, иккинчиси имом чиқди, олдидаги 2 эшикдан номозхонлар кириб чиқишган.

Бугунги кунда масжиднинг асл эшикларидан иккитаси сақланиб қолган. Улардан бири масжиднинг шимол томонига, иккинчиси масжидга олдидан киришда ўнг қўл томонга ўрнатилган. 2018 йил масжидни таъмирлаш даврида усталар бир хил ўлчамли учта эшик ясашиб, муллаваччалар кириб чиқадиган кичик эшик ўрнини кенгайтириб шу эшиклардан бирини ўрнатиб юборишди. Масжиднинг жануб томонидаги бу эшик ўрни деворнинг шарқий қисмида жойлашган.

Масжид биносини келажак авлодларга бус-бутун, асл ҳолида етказиб бериш ҳар бир жомликнинг муқаддас бурчи эканлигини қишлоқдошлар яхши тушуниб етишди. Улар кутубхона фондиди кенгайтиришга, компьютерлар билан бойитишга, аҳоли томонидан китобхонлар акцияларини ўтказишга, келажакда масжид боғини тиклашга, ҳозирда йўқ бўлиб кетган ҳужраларни қайта қуришга, улардан кутубхона, қироатхона, музей сифатида фойдаланишга, турли тўгарак ишларини йўлга қўйишга қаттиқ бел боғлашган.

2018 йил 17 июнда Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” маданий мерос биносида ташкил этилган “Маҳалла кутубхонаси”нинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Жаҳон тиллари институтидан профессор Дилором Ёрматова, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидан профессор Пирназар Давронов, Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари

Гулшан Шерматова, Самарқанд вилояти давлат инспекциядан Олмосхон Умаров, Самарқанд вилояти ҳокимининг Ёшлар сиёсати ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти мудирин Нурмуротов Анвар Яхшибоевич, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Нуробод тумани Кенгаши раиси Зиятов Асомидин Келдиёрович, қишлоқ оқсоқоли Мамат Абдуллаевлар сўзга чиқишиб, эски масжиднинг таъмирланиб, кутубхонага айлантирилиши қишлоқ аҳли учун ажойиб совға бўлганлигини таъкидлашди. Бу ишнинг бошида ўзининг ташкилотчилиги ва шахсий маблағлари билан турган Хайриддин Яқубовга, вилоят ва туман раҳбариятига ҳамда беғараз ёрдам кўрсатган барча инсонларга миннатдорчиликларини билдиришиб, ўзларининг туҳфаларини кутубхонага тақдим этдилар. Кутубхонанинг ташкил этилишида фаол қатнашган барча инсонларга тўнлар кийдирилди, қўчқорлар сўйилиб Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан, Нуробод тумани ҳокимлиги ва унинг узоқ Олға, Оғирон, Меҳр қишлоқларидан келган 250 дан ортиқ меҳмонлар ва қишлоқдошлар Музаффар Шодмоновнинг сўлим чорбоғида, бир пиёла чой устида суҳбат қуришди, ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Олия Яқубова 2018 йил 3 августда 2000 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган янги кутубхона ишини юритиш ҳамда маданий мерос объекти бўлган ушбу кутубхона биносини қўриқлаш учун штат бирлиги ажратилишига амалий ёрдам беришини сўраб Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Оқбўтаевич Турдимовга ариза билан мурожаат қилди. Натижада, 2018 йил 28 августда Нуробод тумани ҳокими Ф.Зоировнинг №1031-Қ-сонли қарори билан туман маданият бўлимига қарашли 2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг филиали сифатида Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Маҳалла кутубхонаси” тегишли штат бирлиги билан таъминланди.

Кутубхона китобхонлар билан гавжум, унинг моддий техник базаси Нуробод тумани ҳокимлиги молия ва маданият бўлимларининг яқиндан ёрдами ҳамда қишлоқнинг сахий инсонлари туҳфалари ҳисобидан кундан-кунга бойиб бормоқда.

ЖОМ ТУРИЗМИ

Ёшлигидан диний ва дунёвий илмлар шайдоси бўлган Абдуфаттоҳ Турсунов 1978 йиллар атрофида Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудида жойлашган эски масжидда дам олиб ўтирадиган чўнқаймишлик устози мулла Соҳиб бобони кўп марта мотоциклда уйига олиб бориб қўярди. Йўлдаги суҳбатлар асносида Соҳиб бобо бир гал Сурхондарёдан Сўфи Оллоёр бобони зиёрат қилиб келяпман, деса бошқасида Бухорои шарифдан 7 пирни зиёрат қилиб келаяпман, дерди. Бундай суҳбатлар ёш Абдуфаттоҳнинг кўнглида кексалик йилларини мулла Соҳиб бобо, унинг шериклари мулла Дониёр бобо ва мулла Норбўта боболар каби дунё кезиб яшаш иштиёқини уйғотар эди.

Мулла Абдуфаттоҳ Турсунов 1997 йилда устози Соҳиб бобонинг фарзанди Исмоил махсум билан отасининг зиёратлари, дуолари тўғрисида суҳбатлашди. Шунда Исмоил махсум мулла Абдуфаттоҳни Пастдарғом туманининг Гўзалкент

мавзеида истиқомат қилувчи, Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги “Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар” маркази ходими Нурулла Жўрақулов билан таништириб қўйишини, Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлардан хоҳловчи қанча одам бўлса саёҳатга олиб чиқавериши мумкинлигини айтди.

Мулла Абдуфаттоҳ Турсунов 1998 йилдан бошлаб, “Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар” маркази ёрдамида, Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг таклифларини эътиборга олган ҳолда, ҳар йили 1-2 марта саёҳатлар уюштириб бошлади. Жумладан, 1998 йилда 55 нафар саёҳатчи билан Жом–Бахмал–Усмат–Ҳазрати Новқа ота–Ҳазрати Абу Ваққос–Ғалла оролга, 2014 йилда 55 нафар саёҳатчи билан Жом–Самарқанд–Имом Бухорий–Даҳбед–Маҳдуми Аъзам–Хўжа Дониёл–Чўпон ота–Афросиёб–Шоҳи Зинда–Ҳазрати Хизр–Регистон–Чорраҳа масжиди–Рухобод–Амир Темур мақбараси–Хўжа Аҳрори валий мажмуасига, 2014 йилда 55 нафар саёҳатчи билан Нурота–Навоий шаҳрига, 2015 йилда 55 нафар саёҳатчи билан Жом–Денов–Сангардак–Вахшивор–Хожаи пок–Омонхонага, 2016 йилда 55 нафар саёҳатчи билан Жом–Тошкент–Қўқон–Фарғона–Марғилон–Наманган–Чортоқ оромгоҳи–Балиқли кўл–Андижонга, 2016 йилда иккинчи марта 76 нафар саёҳатчи билан Жом–Занги ота–Кумушкон–Чимён–Чортоққа, 2017 йилда 55 нафар саёҳатчи билан 16-19 май кунлари Жом–Ғиждувон–Урганч–Хива–Қорақалпоғистоннинг шаҳарларига, 2018 йил 25-28 июнь кунлари 55 нафар саёҳатчи билан Сурхондарёнинг Сайроп–Термиз–Денов–Сангардак–Вахшивор–Хўжаи пок–Омонхона йўналишлари бўйлаб сафарлар уюштирилди.

Мулла Абдуфаттоҳ ўтаташкилотчи, шароитга қараб одамларнинг кўнглидагини топиб гапирадиган, шеърийатга ошно инсон. 30-Улус сайлов округидан вилоят кенгашига сайланган депутат сифатида, қишлоқдаги кўп йиғинларда иштирок этган Самарқанд ҚХИнинг ректори, профессор Т.Э.Остонақулов “Жомнинг ёшлари-ку – ёшлари, кекса муллаларигача шеър ўқишади”, – деб юради.

Мулла Абдуфаттоҳ саёҳатлар чоғида шерикларини эсдалик сифатида китоблар олишга ундайди. Масалан, 2015, 2016 йилларда зиёратчи қишлоқдошлар Жом жоме масжиди кутубхонасига қиймати 200 минг сўмдан ортиқ китоблар туҳфа этишди. 2017 йилда саёҳатчилар томонидан савоб учун тўпланган 800 минг сўмга харид қилинган 54 дона китоб Республикамиз мустақиллиги байрами куни А.Турсунов ва бир неча фаол ҳожилар иштирокида Жом ва Сарикўл қишлоқлари масжидларига, 18-, 21-, 22-, 44-, 60-, 63-умумий ўрта таълим мактаблари АРМларига туҳфа этилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жомликлар нафақат ўзлари, шунинг билан биргаликда яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолиси китобхонлиги ва туризмни ривожлантиришга қатъий киришган.

“Эски масжид”ни кутубхонага айлантиришга доир ҳужжатлар

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2000 йил 14 мартдаги №83-қарори

Вилоятда қўшимча аниқланган ва давлат муҳофазасига олиниши лозим бўлган тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш, халқимизнинг бой маданий меросини асраш ва ундан тўла фойдаланиш, вилоятда туризмни янада ривожлантириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси, вилоят давлат музей-қўриқхонаси ҳамда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати томонидан қўшимча аниқланган, давлат ҳисобига ва муҳофазасига олиниши лозим бўлган тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлар рўйхати 1-иловага, қўриқланиш манзараси тасвирланган харита 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

кўчмас ёдгорликлар жойлашган ҳудудларда бош режага асосан амалга ошириладиган лойиҳалаш, қайта қуриш, қурилиш, ободонлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати билан келишилган ҳолда амалга ошириш;

тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати билан биргаликда тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлар атрофида муҳофаза ҳудудларини белгилаш;

2000 йил давомида шаҳар ва туман ҳудудларида жойлашган барча кўчмас ёдгорликларнинг ўрни ва муҳофаза ҳудуди кўрсатилган бош режаларини тайёрлаш топширилсин.

3. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлардан фойдаланувчи муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, жисмоний шахсларга вилоят тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати мурожаат қилгандан кейин 3 кун ичида зарур ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматовга юклатилсин.

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев

Иловалар: 1. Давлат ҳисобига ва муҳофазасига олиниши лозим бўлган тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлар рўйхати:

420.	Нуробод тумани: Жом қишлоғидаги эски қабристон	XVII аср	Жом қишлоғи Самарқанд-Қарши йўли олдида
421.	Жом қишлоғидаги эски масжид	XX аср ўрталари	Жом қишлоғи

Изоҳ: рўйхатнинг Жомга тегишли қисми олинган.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси Б.Синдоров

2. Нуробод тумани Жом ҚФЙ ҳудудида жойлашган масжид-мадраса биносининг мензула билан олинган режаси.

**Нуробод тумани кўчмас мулк ва давлат ер кадастр бўлими бошлиғи
Б. Боймуродов**

**Тегирмонбоши МФЙ раиси Т Хўжақуловга шу маҳалла ҳудудида
яшовчи Якубова Олия томонидан 2016 йил 8 ноябрда ёзилган ариза**

Аризамнинг мазмуни, маҳалламиз ҳудудидаги аجدодларимиздан мерос, бизгача етиб келган ва зиё маскани бўлган “Эски масжид” биносини асраш, хайрли мақсадда фойдаланиш ва келажак авлодларга беталафот етказиш мақсадида Президент қарорлари асосида, ўз ваколатингиздан келиб чиқиб янги зиё маскани – кутубхонага айлантиришга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Нуробод тумани Тегирмонбоши МФЙ 2016 йил 24 декабрдаги вакиллар йиғилишининг №6-баёни

Раислик қилувчи: Т.Хўжақулов – Тегирмонбоши МФЙ раиси.

Йиғилиш котиби: И.Бобохонов – Тегирмонбоши МФЙ котиби.

Қатнашдилар: 21, 44, 63-мактаблар директорлари, маҳалла қошидаги доимий ишчи комиссиялар аъзолари, маҳалла фуқароларидан 43 нафари, жами 66 киши.

Кун тартиби:

Тегирмонбоши қишлоғида яшовчи фуқаро “Маҳалладаги 1906 йилда қурилган эски масжид биносини таъмирлаб, кутубхона мақсадида ижарага олиб фойдаланиш” тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш тўғрисида.

Эшитилди:

Йиғилишни Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов кириш сўзи билан очиб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан таништирди. “Эски масжид” биносининг фойдаланилмасдан, қаровсиз ҳолда турганлигини, уни

ижарага олиб, таъмирлаб, кутубхона сифатида фойдаланиш тўғрисида маҳалла фуқароси Якубова Олиянинг ариза билан чиққанлигини маълум қилди. Сўзга чиққан Тегирмонбоши МФЙ вакилларида А.Маманов, Н.Холмўминов, Т.Алиқуловлар Олия Якубованинг аризасини қаноатлантириш кераклигини айтиб ўтишди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб йиғилиш қарор қилди:

1. Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро О.Якубованинг аризаси қаноатлантирилсин.
2. Ушбу йиғилиш қарорининг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралсин.
3. Йиғилиш қарорининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш раиси Т.Хўжақулов. Йиғилиш котиби И.Бобохонов

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш
илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах
вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясига 2016 йил 12
декабрда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли
Тегирмонбоши МФЙда яшовчи фуқаро Якубова Олия томонидан
ёзилган ариза**

Аризамнинг мазмуни, маҳалламиз ҳудудидаги аждодларимиздан мерос, бизгача етиб келган ва зиё маскани бўлган “Эски масжид” биносини асраш, хайрли мақсадда фойдаланиш ва келажак авлодларга беталафот етказиш мақсадида Президент қарорлари асосида, ўз ваколатингиздан келиб чиқиб янги зиё маскани – кутубхонага айлантиришга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш
илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах
вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясининг Самарқанд
вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ
ҳудудида яшовчи фуқаро О.Якубовага 2016 йил 28 декабрда ёзган
№748-сонли хати**

Сизнинг 2016 йил 12 декабрдаги аризангизга жавобан, Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” биносини янги зиё маскани – кутубхонага айлантириш бўйича 2016 йил 7 январь куни ташкил этилган комиссия ташрифи режалаштирилаётганлиги тўғрисида маълум қиламиз.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси.

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” маданий мерос объектининг техник ҳолати тўғрисида
1-сон далолатнома**

2016 йил 5 январь. Жом қишлоғи.

Бизларким, қуйида имзо чекувчилар:

Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси техник назорат бўлими бошлиғи А.Х.Умаров, маданий мерос объектларини реставрация-таъмирлаш ишларининг лойиҳа-сметалари бўйича бош меъмори М.Холиқулов, Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро О.Яқубова, Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙнинг собиқ раиси, меҳнат фахрийси И.Яқубов юқорида қайд этилган маданий мерос объектини кўздан кечирганда қуйидагилар аниқланди:

1. Пойдеворлари: харсанг тошлар билан кўтарилган. Пойдевор асосида ва пойдеворнинг ўзида чўкиш ва ёрилиш аломатлари сезилмайди. Масжиднинг шимолий пойдеворининг ёнидан қўшимча тарзда, ер сатҳидан 40 см баландликда бетон пойдевор тикланган. Айвон қисми пойдеворлари ҳам харсанг тошлар билан тикланган бўлиб, ёғингарчилик сувларининг пойдевор орасига ўтганлиги, маданий қатламнинг кўтарилиши натижасида харсанг тошлар орасидаги қоришмалар ўз хусусиятларини йўқотганлиги пойдеворнинг салбийлашувига олиб келган. Ҳолати қониқарсиз.

2. Деворлари: Масжид деворлари мусулмонча квадрат шаклдаги хом ғиштлар билан лойли қоришмада 2,5 бар қалинликда терилган. Деворлар сомонли лойда панжакаш услубида пардоз сувоқ қилинган. Кейинчалик оҳақ қоришмаси билан оқлаб қўйилган. Деворларининг ташқи қисми намланиши оқибатида, хом ғиштларнинг 5-6 смгача намланиб емирилиши ҳолатига олиб келган. Деворларда конструктив ёриқлар, оғиш ҳолатлари сезилмайди. Ҳолати – таъмирталаб.

3. Том ёнламалари ва қопламалари: Болорли ва вассажуфт қилиб, устидан қамиш поялари ташланиб, сомонли лойда сувоқ қилинган. Кўп йиллар давомида том усти сомонли сувоқ қилиниб турилиши, том устидаги сувоқ қатламининг қалинлашиб кетишига ва натижада болорларга катта юк тушишига олиб келган.

Том усти кейинчалик, 1996-2000 йилларда шифер билан қопланган. Том устидаги шиферларнинг айрим жойларида синиш, ёриқларнинг мавжудлиги, масжид томи устидан ёғингарчилик сувларининг бино ичига ўтиши, болор ва вассаларнинг чиришига олиб келган. Том устида юкнинг катталиги шопулнинг чириши туфайли масжид устидаги шопул синган. Уни ушлаб туриш учун қўшимча тиргак устун қўйилган.

Масжид айвонининг жанубий томонида кейинчалик айвоннинг ташқи шопулитагидан қаламакорлик қилиб девор кўтарилган. Айвондаги устунларнинг иккитаси конструктив мустақамлик ҳолатини 50-60 фоиз йўқотган. Қўшимча устунлар ўрнатилиб, тиргаклар қўйилган. Бино устунларининг ўзак қисмида ёрилиш аломатлари мавжуд, Айвоннинг шопуллари ва болорларида синиш, эгилиш ҳолатлари кўп миқдорда мавжуд. Масжиднинг айвон қисми мукамал таъмирталаб ҳолатида.

Масжид томи устидан 3 фазали электр тармоғи симлари шиферга тегиб туриш ҳолатида тортилган бўлиб, ёнғин содир этиши мумкин.

Масжид атрофидаги йўлаклар маданий қатламлари кўтарилиб кетган, натижада ёнғингарчилик сувларининг бино асосларига ўтишини содир қилмоқда. Масжиднинг шимолий томонидаги йўлакда қум уюми тўпланиб турибди. Бу масжид деворининг намланишини янада кучайтирмоқда. Масжиднинг ғарбий деворига қадаб ўзбошимчалик билан қассобхона биноси қурилган. Қассобхона томининг обдави масжид томон олинган бўлиб, масжид деворининг намланишига сабаб бўлмоқда.

Масжидга тегишли бўлган ҳудудда – унинг ҳужралари ўрнида фуқаро Зиётов Хўжақул томонидан нонвойхона биноси қурилиб фаолият кўрсатмоқда.

Маданий мерос объектдан маданий-маърифий соҳалар бўйича кутубхона сифатида, талаб даражасида фойдаланиш учун қуйидаги ишлар бажарилиши лозим:

№	Бажарилиши лозим бўлган амалий ишларнинг номи	Бажарилиш муддати
1.	Масжид томи устидан ўтаётган ёнғингарчилик сувларини баргараф этиш чоралари кўрилсин, ёриқ ва синиқ шиферларни вақтинчалик алмаштириб қўйиш ишларини амалга ошириш лозим. Том устидан ўтган 3 фазали электр симларини кўтариш ёхуд траверс билан кўтариб қўйиш. Масъул: Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, фуқаро О.Яқубова.	15.01.2017 йил.
2.	Маданий мерос объекти деворига такаб қурилган қассобхона биносини фуқаро Қ.Азизов томонидан бузиб олиниши ва масжид атрофи ҳамда ҳудудда қурилган нонвойхона биносини кўчириш ишлари ташкил этиш. Масъул: Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, фуқаро Қ.Азизов.	10.02.2017 йил.
3.	Масжид томидаги сувоқ қатламини енгиллаштириш, атроф йўлакларни 40 см га пасайтириш ишларини давлат инспекциясининг ёзма рухсатномаси орқали амалга ошириш. Масъул: фуқаро О.Яқубова.	15.01.2017 йил.
4.	Масжид биносини мукамал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари лойиҳасини тайёрлаш учун ихтисослашган лойиҳа корхонасига буюртма бериш ва лойиҳа тайёр бўлгандан сўнг келишиб олиш ва рухсатнома бериш учун 2 нусхада давлат инспекциясига тақдим этилиши Масъул: Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, фуқаро О.Яқубова.	15.01.2017-15.03.2017 йил.

Имзолаганлар: Давлат инспекцияси вакиллари А.Х.Умаров, М.Холиқулов. Тегирмонбоши МФЙ вакиллари: Т.Хўжақулов, О.Яқубова, И.Яқубов

Маданий мерос объектини муҳофаза қилиш мажбурияти

2017 йил 11 январь. Муддати 5 йил.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган XVIII аср “Эски масжид” маданий мерос объекти бўйича фойдаланувчи Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, фуқаро О.Яқубова ушбу маданий мерос объектдан фойдаланишда ЎзР “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23, 24-моддаларига асосан қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Мажбуриятнинг асосий шартлари

1. Объектни қасддан қабул қилмаслик, унга (унинг қисмларига) зарар етказмаслик.

2. Объект хоналарининг (қисмларини) ёнғинга қарши хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, санитария ҳолатини сақлаган ҳолда, ёнғингарчилик ва бошқа сувлар таъсиридан салбий ҳолатлардан сақлаган ҳолда ҳамда бўладиган ҳар хил авария ҳолатларининг олдини олган ҳолда тутиш.

3. Объект ҳудудини ободонлаштирилган ҳолда сақлаш, объект ҳудуди ва муҳофаза хоналарида ҳар қандай янги қурилишни, ободонлаштиришни ва хўжалик эҳтиёжлари Минтақалараро давлат инспекциясининг ёзма равишда берган рухсатномасиз олиб боришга йўл қўймаслик, объектнинг ташқи ва ички қисмида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясидан махсус равишда рухсатнома олмасдан ўзгартиришлар киритилишига йўл қўймаслик.

4. Объектда ҳар қандай бузилиш, авария ёхуд бошқа зиён етказиш ҳолатлари бўлганда, объект ҳудудида муҳофаза зоналарида ўзбошимчалик билан қурилиш, ободонлаштириш ва ҳоказо ишларни биров томонидан олиб борилганда ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда тезлик билан Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясини хабардор қилиш ва ушбу зиёнларнинг олдини олиш.

5. Объектни фойдаланиш учун бошқаларга топширилганда албатта ушбу тўғрисида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясини огоҳлантириш ва объектнинг янги фойдаланувчилари билан муҳофаза мажбуриятининг тузилишига ҳамкорлик қилиш (объектни қабул қилиш-топшириш далолатномасига киритилишини таъминлаш).

Изоҳ: Юқорида қайд этилган талаблар бажарилмаганда ва ушбу билан маданий мерос объектга зиён етказилган тақдирда, айбдор шахслар қонун олдида жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси томонидан

Инспекция бошлиғи М.А.Набираева. Инспекция манзили: Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси, 3-А уй. Телефон:235-72-44.

Фойдаланувчи: Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов, фуқаро О.Яқубова. Манзил: Нуробод тумани Жом қишлоғи. Телефон: 94-371-55-28, 93-722-93-56.

Нуробод тумани Тегирмонбоши ва Омондара МФЙлари вакиллари йиғилиши баёни №6

2017 йил 5 май. Эски масжид биноси.

Раислик қилувчи: Т.Хўжақулов – Тегирмонбоши МФЙ раиси.

Котиби: Д.Жумаев – Омондара МФЙ раиси.

Қатнашдилар: маҳаллалар фуқароларидан 43 нафар, маҳаллалар фаоллари, маҳаллалар қошидаги доимий ишчи комиссиялар аъзолари, жами 76 киши.

Кун тартиби:

Тегирмонбоши қишлоғида яшовчи фуқаро О.Яқубованинг “Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган XVIII аср эски масжид маданий мерос биносини таъмирлаш ишларини кўриб чиқиш” тўғрисида.

Эшитилди:

Йиғилишни Тегирмонбоши МФЙ раиси Т.Хўжақулов кириш сўзи билан очиб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан таништирди. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги №350-сон қарори. 2013 йил 22 апрель 5-моддасидаги Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборатлиги ҳақида гапириб, қонун ҳужжатлари билан таништирди. Эски масжидда шу кунга қадар олиб борилган таъмирлаш ишлари хусусида тўхталиб ўтди. МФЙлари вакилларида М.Абдуллаев, А.Турсунов, Ю.Холмўминов ва Ю.Рўзиевлар сўзга чиқиб, Т.Хўжақуловнинг фикрларини маъқуллашди ва О.Яқубованинг ташаббусини қувватлаб, масжид биносини таъмирлашга беғараз ёрдам ташкил қилиш таклифини киритдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб йиғилиш қарор қилди:

1. Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудида яшовчи фуқаро О.Яқубованинг таъмирлаш ишлари ҳақида олиб борган ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

2. Маҳаллалар аҳолисининг беғараз ёрдам уюштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Аҳоли томонидан беғараз ёрдам фонди ташкил қилинсин ва масъул этиб маҳалла оқсоқоли Й.Рўзиев тайинлансин.

4. Ушбу йиғилиш қарорининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш раиси Т.Хўжақулов, йиғилиш котиби Д.Жумаев

Маданий мерос объектларини таъмирлаш ишларини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, “Қўзғалмас Маданий мерос объектларини таъмирлаш, рўйхатга олиш, бузилмаслигини таъминлаш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш йўриқномаси” асосида Нуробод тумани Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган XVIII аср “Эски масжид” маданий мерос объектини таъмирлаш бўйича 2017 йил 5 октябрдаги №18-сон рухсатнома (Рухсатнома 30 декабрь 2017 йилдан ўз кучини йўқотади)

Объект: “Эски масжид” маданий мерос объекти Жом ҚФЙ .

Фойдаланувчи: Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ, фуқаро О.Яқубова.

Пудратчи: Юқоридагилар.

Масжид айвонининг олд қисмидаги устунлар ости пойдеворларини бетонли қоришма билан кўтариш, айвондаги синган устунлар ва шопулларни алмаштириш, масжид атрофидаги йўлакларни бетон қоришмада тасдиқланган лойиҳа асосида тиклаш ишларини амалга ошириш учун берилди. Мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиши давлат инспекцияси мутасадди ходимларининг кўрсатмалари асосида олиб борилиши лозим.

Ушбу рухсатнома бўйича амалий ишларни бажарувчи муассасанинг мажбурияти

1. Ишларни фақат тасдиқланган илмий-лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ва Маданий мерос объектларини сақлаш давлат органларининг кўрсатмалари бўйича бажариш.

2. Иш бажариш жараёнида ёдгорликнинг илмий жиҳатларини қайд этиш, ишларнинг бошланиш даврида, бажарилиш жараёнида ва тугалланганида қўшимча ўлчашлар, фототасвирлар, чизмалар ва бошқа ишлар билан таъминлаш.

3. Ёдгорликларни сақлаш давлат органларининг кўрсатмаси асосида мутахассислар учун зарур бўлган текширув-маслаҳатлар билан таъминлаш.

4. Ишлар тугагач, ушбу рухсатномани берган Самарқанд вилояти давлат инспекциясига 30.12.2017 йил изланиш ва таъмирлаш ишлари ҳақида илмий ҳисобот топшириш.

Жом ҚФЙга қарашли Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро О.Яқубова

Инспекция техник назорат бўлими бошлиғи, иш бўйича илмий раҳбар А.Х.Умаров

**“Утверждаю” Начальник межрегиональной инспекции по охране и
использование памятников культуры М.А.Набираева**

Дефектный акт

**Выполняемых реставрационных работ по мечети Жом в кишлаке
Жом Нурабадского района**

№	Наименование видов работ	Ед.изм	Объем
	Мечет		
1.	Демонтаж шиферной кровли	М2	180
2.	Демонтаж обрешеток из рейки 50x50	М2	180
3.	Демонтаж стропил	М2	180
4.	Демонтаж глина-саманной стяжки перекрытия	М3	24
5.	Спуск строительного мусора	М3	24
6.	Демонтаж васси	М2	101,0
7.	Демонтаж трещиных балок	Шт	5
8.	Монтаж деревянных балок	Шт	5
9.	Демонтаж южной части пристроенных стен	М3	11,23
10.	Замена главной балки по оси "А"	Шт	3
11.	Замена главной балки между осей 1-2	Щт	1
12.	Демонтаж внутренней части хонакох балок по оси 3	Шт	1
13.	Поднятие угловых балок	Шт	3
14.	Монтаж васси	М2	105,0
15.	Устройство камышного слоя	М2	135,4
16.	Глина саманной стяжки в 2 слоя	М2	135,4
17.	Осторожная отбивка штукатурки стен изучая нижних слоев (если сохранились росписа какие ни будь) пригласит автора проекта	М2	248,0
18.	Штукатурка стен (ганчок)	М2	300,56
19.	Рытье траншеи для подводка фундамента	М3	7,68
20.	Армирование из АРМ. Д-12А3	ТН	0,284
21.	То же ветикальных	ТН	0,080
22.	Устройство бетона В-12	М3	7,68
23.	Кирпичная кладка	М3	1,2
24.	Поднятие деревянных колон с помощи домкрат	Шт	5
25.	Срезка нижней части колон и реставрация	Шт	5
26.	Выравнивание колон	Шт	4
27.	Шлифовка и реставрация колон	Шт	7
28.	Замена баши	Шт	4

29.	Очистка колон и боши и балок от масляной краски внутри хонаки	М2	200
30.	Окраска бесцветным лаком за 2 раза ваши и балок	М2	240
31.	Изготовления и установка ганчевых панжара средней сложности	М2	3
32.	Демонтаж цементного пола внутри хонакох	М2	49
33.	Демонтаж цементного пола айванов	М2	54
34.	Понижение наружной части отмасток до 30 см по периметру мечети	М2	29
35.	Устройство выстилки полов квадратными жжеными кирпичами	М2	108,6
36.	Устройство выстилки квадратными жжеными кирпичами наружных отмасток	М2	96,0
37.	Демонтаж дверных блоков	Шт	3
38.	Устройство дверей с резьбой	Шт	3
39.	Устройство окон	Шт	3
40.	Устройство штрабы для прокладки проводов	П/М	120
41.	Прокладки проводов сеч. 2,5х2 кв.	П/М	320
41.	Монтаж бра ганчевых	Шт	14
42.	Монтаж люстр	Шт	8
43.	Включатели	Шт	10
44.	Розетки	Шт	10

Состав комиссии:

1. Технадзор инспекции охраны памятников А.Х.Умаров. 2. ГАП проектного института М.П.Халикулов. 3. Представитель махали И.Якубов

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокими Ф.А.Зоировга
Самарқанд вилояти Нуробод тумани Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида
яшовчи фуқаро Яқубова Олия томонидан
2018 йил 8 январда ёзилган
Ариза**

Ёзаман ушбу аризани шу тўғридаким, Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудида жойлашган аждодларимиздан мерос бўлган, бизгача етиб келган XVIII аср “Эски масжид” объектини ўз маблағим ҳисобидан қайта таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказдим.

Ушбу объектни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини

ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги №53-сонли қарорининг №123-моддаси 8-банди “м” кичик бандида кўрсатилган кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга маданий-ахлоқий қадриятларини сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилиятини ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида менга ахборот кутубхона маркази фаолиятини такомиллаштиришни молиялаштириб, давлат бюджети ёки ҳомийлар маблағлари ҳисобидан кутубхона моддийтехника базасини мустақамлашга ўз ваколатингиз доирасида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Нуробод тумани Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро
Яқубова Олия**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг 2018 йил
15 майдаги №118-Ф-сонли фармойиши**

**Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган “Эски масжид” маданий
мерос объектда “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сонли “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 25-моддаларига асосан:

1. Маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган қизиқишни ошириш ҳамда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида тумандаги Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясига қарашли “Эски масжид” маданий мерос объекти биносида белгиланган тартибда “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этилсин.

2. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (С.Рўзиев)га ташкил этилган “Маҳалла кутубхонаси”да китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамра олиш, китоб маҳсулотлари нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқсин.

3. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари

С.Илмуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Ф.Зоиров

Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимовга Нуробод тумани Жом қишлоғининг Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро Яқубова Олия томонидан 2018 йил 3 августда ёзилган ариза

Ҳурматли Эркинжон Оқбўтаевич!

Авваламбор, Сизни Самарқанд вилояти ҳокими вазифасига тайинланганлигингиз билан чин юракдан оилам номидан табриклайман. Бутун Жом эли Сизнинг қадамингиз қутлуғ келиб, бутун вилоятимиз халқи қалбига йўл топиб, шаҳар ва қишлоқларни обод бир масканга айлантиришингизга ишонамиз.

Муҳтарам Юртбошимиз ва Сиз каби олижаноб раҳбарлар қаторида биз ҳам озгина бўлса-да халқимизга фойдаси тегадиган ишларни амалга оширишни хоҳлаймиз. Нуробод тумани Жом қишлоғи Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида XX аср бошларида қурилган эски масжид биноси бор. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах минтақалараро давлат инспекцияси рўйхатига олинган. Бироқ собиқ иттифоқ давридан буён таъмирланмаган. Мен бу иншоотнинг тарихини ўрганиб чиқиб, ушбу ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эски масжид биносини имкон қадар асрашга бел боғладим. 2017 йилдан 2018 йилнинг ярмига қадар ушбу маданий мерос объектини Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси рухсати билан ўз маблағларим ҳисобидан таъмирладим.

Ҳурматли Эркинжон Оқбўтаевич, масжид-мадрасини тўлиқ таъмирлаш ва олдинги ҳолатига қайтариш учун унга тегишли тарихий ҳужраларни ҳам тиклаш лозим. Ҳужралар бузиб ташланиб, унинг ўрнига девор қурилган. Агар Сизнинг раҳнамолигингизда ушбу ноқонуний қурилган деворлар олиб ташланса, мен ҳужраларни инспекция билан келишган ҳолда ўз шахсий маблағларим ҳисобидан тиклашга ваъда бераман. Барчамизга маълумки, бугун ҳукуматимиз томонидан “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида бизнинг Жом қишлоғимизда ҳам катта ишлар амалга оширилди. Бироқ 4 та маҳалласи бор ушбу қишлоқда бирорта ҳам кутубхона мавжуд эмасди.

Мен 2018 йилнинг май ойида Нуробод тумани ҳокими Ф.Зоиров ҳузурига кириб, кутубхона ташкил қилиш учун керак бўладиган китоблар ва моддий товар бойликларни ўз ҳисобимдан ҳомий сифатида олишимни айтдим. Туманимиз ҳокими Ф.Зоировга минг раҳмат, у киши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан 2018 йилнинг 15 май куни

№118-Ф-сонли фармойиши билан эски масжид биносида кутубхона ташкил қилишга рухсат берди. Бугунги кунда кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ 2000 донадан ортиқ китоб фондига эга кутубхонада кутубхона ишини юритиш ҳамда маданий мерос объекти бўлган ушбу бинони қўриқлаш учун бирорта ҳам штат бирлиги мавжуд эмас.

Шу сабабли, Сиздан ушбу янги ташкил этилган кутубхона фаолиятини юритиш ҳамда маданий мерос объекти бўлган кутубхона биносини қўриқлаш учун етарлича штат бирлигини ажратишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Жом қишлоғи Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро О.Яқубова

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимининг 2018 йил
28 августдаги №1031-Қ-сонли қарори**

Туман ҳокимлиги маданият бўлимига қарашли 2-сон Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказида кутубхона ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сонли "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда туман маданият бўлимининг 2018 йил 9 августдаги №03-53-сонли хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан қарор қиламан

1. Туман маданият бўлимига қарашли 2-сон Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказининг филиали сифатида Тегирмонбоши МФЙ ҳудудида жойлашган "Маҳалла кутубхонаси"га битта штат бирлигида кутубхоначи фаолият кўрсатишига рухсат берилсин.

2. Туман маданият бўлимининг 2-сон Жом Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг филиали сифатида "Маҳалла кутубхонаси" фаолият кўрсатиши муносабати билан штат бирлиги ва моддий техник базасини кўриб чиқиш туман ҳокимлиги Молия бўлими (Р.Ибрагимов)га, "Маҳалла кутубхонаси" фаолиятини назорат қилиш ва малакали мутахассис билан таъминлаш туман маданият бўлими (М.Жўраев)га юклатилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Илмурадов зиммасига юклатилсин.

Нуробод тумани ҳокими Ф.Зоиров

МАВЛОНОИ ЖОМ ОТА ҚАБРИСТОНИ

2000 йилда Жом фуқаролар йиғини раиси Э.Раҳимовнинг саъй-ҳаракати билан қишлоққа таклиф этилган археолог олимларнинг аниқлашича, Мавлонои Жом ота қабристонини мавжудлиги тахминан 1200 йилларга тўғри келади. Бугунги

кунда одамлар зиёрат қиладиган гумбаздаги қабрга милодий ҳисоб билан 1254 йилда аёл киши дафн этилганлиги маълум. Қабрнинг бош қисмидаги тошга Калимаи шаҳодат “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадин Расулуллоҳ”, пастки қисмига “Иноятой Бинти Оқ Муҳаммадбой–1254” ёзуви битилган. Ёндош қабрларда қуйидаги битиклар мавжуд: Домло Худоёр Маҳдум ибн домло Хўжамурод ҳожи. 1252 йил; Мирзабой ибн Авазбой 1255 йил. Оқибад ба хайр тад” ёзувлари бор.

ЎзР Археология институтининг етакчи илмий ходими А.Бердимуродов Мавлонои Жом ота қабристонининг мавжудлигига 900 йиллар бўлган деса, Жомнинг иқтидорли тарих ўқитувчиси Ж.Ирисқулов 1500 ёшни белгилаган.

Қабристондаги зиёратгоҳ гумбаз Ҳасан Бозоров ташаббуси билан жомлик уста Эгамберди Суюнов томонидан оқ тунука билан қопланган.

1970 йилда ўша даврдаги қишлоқ кенгашининг раиси оқсойлик Иброҳим Исрофилов раҳбарлиги ва қишлоқ фаолларининг ташаббуси билан Жомдаги барча қабристонлар темир панжара тўсиқ билан ўралган.

1992 йилда Мавлонои Жом ота қабристони атрофини тош девор билан ўраш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Барот Бекмуродов ташаббуси билан бошланиб, хайрия йўли билан 700 метр девор қурилган. 2001-2002 йилларда Файзуллахон эшон Маҳмудхон эшон ўғли қабристоннинг асфальт йўл ғарбий томонидан 900 метр, шимолидан Ҳайдар Ўсаров 300 метр, жанубидан Раҳмон Маҳмудов 190 метр, Жуманазар Абдураҳмонов, Тоштемир Бозоров, Тўйли Омонов ва Қоплон Худоёровларнинг ҳар бири 100 метрдан ортиқ масофани ўз маблағлари ҳисобидан тош девор билан ўрашдилар. Бугунги кунда яна 1500 метрдан ортиқ жой олдинги темир панжара билан турибди.

2008 йил 20 апрелдан қишлоқ ерларини чигиртка босди. Унга қарши курашнинг бирор тури фойда бермади. Чигирткалар бир муддат тўхтаган жойларда ҳўлу қуруқ ҳеч нарса қолмасдан худди ўт кетгандек ер қоп-қора тусга кирди. Чигирткалар ҳужуми Мавлонои Жом ота қабристони томон йўналиб, унинг деворларига 2-3 метрлар қолганда, кутилмаган ғаройиб ҳодиса рўй берди, осмон тўла қушлар пайдо бўлиб, чигирткаларга ҳужум бошлашди. Қушлар чигирткаларнинг бошини кесиб ташлар, уларнинг ширасидан ёпишиб қолган тумшукларини сойдаги сувдан чайқаб келиб, яна ишга киришарди. Шундай қилиб, қушлар бир ҳафта давомида қишлоқни чигиртка балосидан халос этди. Қушлар бир лаҳзада қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай ғойиб бўлди.

Мавлонои Жом ота қабристонининг девори пойдеворсиз қурилганлиги туфайли 2010 йилларга келиб қулай бошлади. Шунинг учун 2013 йилда гирдиқўрғонлик мулла Салим Йўлдош ўғлининг саъй-ҳаракати билан бу девор пойдевори билан узунлиги 910 метр, 2,2 метр баландликда, усти тунукаланиб қайта қурилди.

Қабристон атрофини тош девор билан ўраш учун давлат бюджетидан 2013 йилда 63 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг қурилиши Комил Акбаров раҳбарлик қилган «Достоншоҳ» Дарғом МЧЖ томонидан бажарилди.

2014 йилда 45 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг қурилиши Қабул

Баратов раҳбарлик қилган «Нуробод ободончилик сервис» МЧЖ томонидан бажарилди.

Шундай қилиб, 2013-2014 йилларда Мавлонои Жом ота қабристонининг Самарқанд–Қарши катта асфальт трассаси томонини тош девор билан ўраш учун давлат бюджетидан 108 млн. сўм маблағ сарфланди.

Аждодларимиз хоки ётган қабристонларимизгача замонавий деворлар билан ҳимоялаб, ободонлаштириб бераётган бундай юртни севмай, унинг раҳбариятини қадрламай ва орқасидан собитқадамлик билан эргашиб меҳнат қилмай бўладими? Виждони бор инсон учун, албатта, йўқ.

СЎНГИ ЙИЛЛАР ҚУВОНЧИ

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йилда “Обод қишлоқ” дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Самарқанд вилоятидан биринчи бўлиб Жом қишлоғи ушбу дастурга киритилди. 2018 йилнинг 26 февралда Жом қишлоғини обод масканга айлантириш лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилояти ҳокими, барча секторлар раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, вилоятдаги бошқармалар, идоралар, жамоат ташкилотлари бошлиқлари иштирок этди. 2018 йилнинг март ойида қишлоқда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Беш ой ичида Гирдиқўрғон ва Жом маҳаллалари обод қишлоққа айланди.

Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари О.Бўтаев томонидан тайёрланган ҳисоботда “Обод қишлоқ” дастури доирасида қуйидаги ишларнинг бажарилганлиги кўрсатилган:

1. Уй-жойларни таъмирлаш бўйича

Жом маҳалласида 1253 оила, 1065 та хонадонда 7612 нафар аҳоли истиқомат қилади. Гирдиқўрғон маҳалласида 847 оила, 752 та хонадонда 4187 нафар аҳоли яшайди.

Бу икки маҳаллада дастурни амалга ошириш доирасида 106 та ҳомий ташкилот томонидан 761 та уй-жойда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бунга қўшимча равишда 82 та уй-жой қайта таъмирланди, йўл ёқаларига 380 метр масофада девор қуриш ишлари бажарилди, 10 000 туп дарахт кўчатлари экилди, ҳудуд тўлиқ ободонлаштирилди.

2. Газ таъминоти бўйича

Жом қишлоғи ва унга туташ ҳудудларга газ баллонлари ташиш учун 1 дона “Исузу” русумли автомашина ажратилди, 2105 дона суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. Жами 1817 хонадон тўлиқ газ баллонлари билан таъминланди. Аҳолининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “Жом газ-сервис маркази омборхонаси” қурилди.

3. Марказий ва ички йўллар қурилиши бўйича

Жом қишлоғига киришдаги 2,2 км масофадаги марказий йўл таъмири учун 5 млрд. 400 млн. сўм маблағ сарфланди. Автомобиль йўли ёқасида пиёдалар

йўлаклари ҳамда лотоклар ўрнатилди.

Ҳашар йўли билан қум-шағал аралашмасида 12,2 км узунликда ички хўжалик йўллари таъмирланди.

2,32 км масофадаги ички йўлга асфальт-бетон ётқизишга 1 млрд.172 млн. сўм маблағ сарфланди.

282 млн. сўм маблағ ҳисобига қишлоқ ўртасида узунлиги 16, эни 6 метр янги кўприк қурилди. Бундан ташқари, 3 та кўприк реконструкция қилинди.

Гирдиқўрғон қишлоғида 11 км узунликда ҳашар йўли билан қум-шағал аралашмасида ички йўллар таъмирланди.

Гирдиқўрғон билан Чўнқаймиш қишлоғини боғлайдиган 3,45 км масофадаги марказий йўлнинг қурилиши учун 4 млрд. 839 млн. сўм ажратилди, 3 та автобус бекати қурилди.

“Жом деҳқон бозори”га кириш ҳовлиси ҳамда автотураргоҳни таъмирлаш мақсадида 1 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Автомобиль йўли атрофини кўкаламзорлаштириш учун 600 туп манзарали (сафора, каталпа, гужум ва бошқа навли) кўчатлар экилди.

Марказий ва ички кўчаларга 30 та, янги бозор ҳудуди, Жом ва Гирдиқўрғон маҳаллалари марказий майдонларида 12 та, жами 42 та тунги ёритиш устунлари ўрнатилди.

4. Ичимлик суви билан таъминлаш бўйича

“Обод қишлоқ” дастурига қадар ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этган.

Дастур давомида эҳтиёжни бартараф этиш мақсадида:

“Омондара” сув иншооти капитал таъмирланди ва сув чиқариш қуввати 2 баробар оширилди;

0,5 км тармоқ янгиланди;

2 км сув тармоғи жорий таъмирланди;

19 км масофадаги ичимлик сув тармоғига 40 дона клапанли кўча кранлари ўрнатилди;

75 метр дренаж қувур ўрнатилиб, монтаж қилинди;

3 та сув иншооти реконструкция қилинди;

4 та янги сув иншооти қурилиб, 6 км.га ичимлик сув тармоғи тортилди;

2 та янги сув иншоотида қурилиш ишлари олиб борилмоқда;

2 та сув ташувчи махсус техникага сув олиш нуқталари ташкил этилди;

аҳолининг чорва молларини суғориш учун 12 та сув ҳовузи қазилди.

Натижада, аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 62,3 фоизга кўтарилди.

Марказлашган сув тармоғи етиб бормаган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун 2 та махсус сув ташувчи автомашина ажратилди. Ичимлик сувига бўлган эҳтиёж Жом қишлоғида тўлиқ бартараф этилди.

Сув иншоотлари ва сув тармоқларида авария ҳолати рўй берса, уни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида барча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 2 та янги махсус мотоцикл харид қилинди.

5. Электр тармоқлари қурилиши бўйича

Вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан қишлоқ аҳолисини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида қўшимча 12 та янги трансформатор пункти ўрнатилди, 6 дона трансформатор капитал таъмирланди. 1230 дона темир-бетон устун қўйилиб, 45 км узунликдаги ҳаво тармоғи реконструкция қилинди.

Булардан ташқари, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 75 та уй-жойнинг 25 таси Республика Касаба уюшмалари кенгаши томонидан молиялаштирилиб, кам таъминланган ва шароити оғир оилаларга бепул ажратилди.

10 та мактаб таъмирдан чиқарилди, янги мебеллар билан жиҳозланди, 1 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 1 та мактабгача таълим муассасаси қурилди, 1 та кутубхона бунёд этилди.

Деҳқон бозори, масжид, ҳаммом, 3 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, 4 та озиқ-овқат дўкони ҳамда 2 та автобекат барпо этилди.

6. Уй-жойларни рўйхатга олиш бўйича

“Ермулккадастр” давлат корхонаси томонидан Жом қишлоғида мавжуд аҳоли турар-жойлари хатловдан ўтказилиб, 1815 та уй-жойга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Шундан 436 та хонадонга туман ҳокимлиги томонидан эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича қарор қабул қилинди.

7. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича

Аҳоли хонадонларига кириб чиқилиб, ўрганилиб, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга ҳамда ногиронлиги бўлган хотин-қизларга уй жиҳозлари, кир ювиш воситалари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

1. Жом маҳалласида яшовчи 210 нафар хотин-қизга кир ювиш воситалари ва фарзандларига кийим-кечак;

2. 70 оилага турли хилдаги кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар;

3. 40 оилага озиқ-овқат маҳсулотлари;

4. 14 та кам таъминланган оилага қорамол тарқатилди;

5. 14 нафар ногиронларга тикув машинаси ажратилди;

6. 4 нафарига ногиронлик аравачалари берилди.

8. Соғлиқни сақлаш бўйича

Жом қишлоғида 20733 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 7504 та касаллик аниқланиб, 5834 нафар беморга амбулатор, 1041 нафарига стационар равишда даволанишга йўлланмалар берилди.

2475 та УЗИ, ЭКГ, флюорография, лаборатория текширувлари ўтказилди. 1103 та ВБКТТМ, туман шифохоналарига юборилди.

Худуддаги 10 та умумтаълим мактаби ўқувчилари тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди.

Вилоят ногиронлар реабилитация марказига жами 24 та ордер берилди.

9. Давлат хизматлари агентлиги бўйича

Дастур даврида 54 та туғилиш гувоҳномаси, 5 та ўлим гувоҳномаси, 680 та паспорт расмийлаштирилди, 31 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди, 39 та никоҳ ва 7 та такрорий никоҳ гувоҳномалари берилди.

10. Судлар бўйича

Жом ва Гирдиқўрғон маҳаллаларининг паспорт олиш муддати ўтиб кетган фуқароларни жаримадан озод қилиш ҳамда уларнинг ҳужжатларига асосан эгалик ҳуқуқини белгилаш масалаларини ҳал этиш учун фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича вилоят судлари судьялари жалб этилди.

Суд ҳуқуқ масалалари бўйича 63 та хизматлар амалга оширилди, нотариал хизматлари 3 та, ҳуқуқий маслаҳатлар 983 та.

11. Кўчат етказиб бериш бўйича

Туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оилаларга томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2182 дона олма кўчати, 204 дона лимон кўчати, 11450 дона помидор уруғи тарқатилди.

Жом МФЙ ҳудудида жойлашган 2-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилиш ишлари 2015 йил июнда бошланиб, 2016 йил август ойида тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга тайёр бўлди. Бироқ белгиланган 59 номдаги жиҳозлардан 30 номдагисининг етишмаслиги туфайли бинони фойдаланишга топшириш ишлари тўхтаб қолди. 2018 йил “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2-сон Маданият ва аҳоли дам олиш маркази зарур жиҳозлар билан таъминланиб, рубоб ижрочилиги, ашула ва рақс ансамбли, фольклор-этнографик ансамбли, тўқиш, бичиш ва тикиш тўгараклари ишлай бошлади.

Жомда 2012 йил баҳор ва куз ойларидаги ёғингарчилик туфайли рўй берган катта тошқин сел сувлари қишлоққа катта талафот етказди. Сойларга яқин жойлашган иморатлар сув ичида қолди, кўприклар бузилиб транспорт қатнови тўхтади, аҳолининг бозор-ўчарга, ўқувчиларнинг мактабларга бориб-келиши қийинлашди.

Жом фарзанди – элим деб, юртим деб ёниб яшаётган қишлоғимиз фахри Эштурди Раҳимовнинг тегишли қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган тинимсиз ҳаракатлари зое кетмади. Бу ҳаракатларни мутасаддиларҳартомонламақўллаб-қувватлади. Натижада, 2013-2017 йилларда давлат бюджети ҳисобидан қиймати 22,5 миллиард сўмдан ортиқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аждодларимиз хоки ётган қабристонларимизгача замонавий деворлар билан ўралди.

2001-2004 йилларда Гирдиқўрғон ва Жом маҳаллалари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қишлоқда иккита артезиан қудуқ қазилиб, ишга туширилди.

2012-2013 йилларда бир вақтнинг ўзида 600 меҳмонга хизмат қиладиган, умумий қиймати 450 миллион сўм бўлган Жом тўйхонаси, Республикамиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига туҳфа тариқасида давлатдан олинган 140 миллион сўм кредит ҳисобидан қурилиб ишга туширилди.

Жомда 2013-2015 йилларда узунлиги 24,5, эни 10 метр бўлган Омондара кўпригига 635 миллион сўм, узунлиги 28,5, эни 9 метр бўлган Дўғоб кўпригига

555 миллион сўм, узунлиги 28,5, эни 9 метр бўлган Ҳафрин кўпригига 508 миллион сўм, узунлиги 30,5, эни 9 метр бўлган Каримовул кўпригига 573 миллион сўм, жами 2 миллиард 271 миллион сўм ҳисобидаги сармоя Республикамиз бюджети маблағлари ҳисобидан сарф этилди. Натижада қулай ва маҳобатли кўприклар бунёд бўлди.

2007-2008 йилларда майдони 3784 м² бўлган 3 қаватли коллеж биноси қурилиб, ишга туширилди. 540 ўқувчига мўлжаллаб қурилган коллеж биносининг жануб томонида 100 ўринли, 2 қаватли ётоқхона, 120 ўринли ёпиқ спорт зали бунёд этилган.

Чўнқаймиш қишлоғидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2005-2006 йилларда, Ҳафрин қишлоғидаги 63-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2007-2008 йилларда, Каримовул қишлоғидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2012 йилда, Жом МФЙ ҳудудидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда, Бешбармоқ қишлоғидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2017-2018 йилларда қурилиб, ишга туширилди.

Икки қаватли, янги типда қурилган ва ишга туширилган мактаблар ҳам турли йилларда қад ростлаган. Жумладан, Жом МФЙ ҳудудидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2010-2011 йилларда, 24-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда, 23-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2015-2016 йилларда, Гирдиқўрғон МФЙ ҳудудидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби биноси 2013-2014 йилларда қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган.

21-умумий ўрта таълим мактабининг эски биноси ва спорт мажмуаси 2007-2008 йилларда янгидан қурилди, мактабнинг Бурумдаги филиали биносини қуриб ишга туширишга доир ишлар 2011 йилдан 2015 йилгача давом этди. 2017 йилда мактабнинг спорт зали 37 миллион сўмлик спорт анжомлари билан янада бойитилди. 2017-2018 йилларда шу мактабнинг 2 қаватли янги бош биноси қурилиб ишга туширилди.

Давлатимизнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсатига монанд равишда 2009 йилдан бошлаб бир гуруҳ жомликлар иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида ўзларининг шахсий жамғармаларидан стипендиялар ажрата бошладилар. Бу тадбир йиллар ўтган сари иқтидорли ўқувчилар сонининг ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

2015 йилда Жом қишлоқ фуқаролар йиғини қошида 14 та умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олган, ҳар йили апрель ойининг охирги якшанба куни ўтказиладиган «Профессор Давронов издошлари» номли иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш олимпиадаси ўзининг низоми ва йўриқномаси асосида фаолият кўрсата бошлади. 2009 йилда бир нафар бола иқтидорли ўқувчи сифатида рағбатлантирувчи стипендия билан тақдирланган бўлса, 2015 йилда бундай ўқувчилар сони 155 нафарга, 2016 йилда 289, 2017 йилда эса 447 нафарга етди.

Жомлик фаолларнинг саъй-ҳаракати билан 2009 йилдан буён Жом жоме масжидида, Жом ҚФЙ, Жом МФЙ биноларида кутубхоналар ташкил этилди. 2017-2018 йилларда 1900 йилда қурилган эски масжид биноси лойиҳа асосида қайта реконструкция қилиниб «Маҳалла кутубхонаси»га айлантирилди.

1998 йилдан бошлаб Жом ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг мамлакатимиз бўйлаб ички туризми йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили 1-2 марта йирик саёҳатлар уюштирилади.

2013-2014 йилларда “Мавлонои Жом ота” қабристонининг “Тошкент–Термиз” трассаси томони замонавий қурилиш талабларига жавоб берадиган тош девор билан ўралиб, тунука томлар билан ёпилди ва бошқа кўплаб ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ушбу саъй-ҳаракатларга давлат бюджети ҳисобидан 108 миллион сўм маблағ сарфланди.

2014 йилда Жомдан Чўнқаймиш қишлоғига кириш автомобиль йўлининг маълум қисми капитал таъмирлаш давлат дастурига киритилиб, 1 млрд. 671 млн. сўм маблағ ажратилган эди. Бу иш 2018 йилнинг февраль-март ойларида эни 10 м, шундан асфальт ётқизилган қисми 7 м, узунлиги 700 метр қилиб бажарилди. Йўлнинг қолган 1300 метр қисмига 2018 йилнинг 27 июнидан 3 июлига қадар асфальт ётқизилди. Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” дастури муносабати билан қўшимча равишда Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида 1,5 км, Жом маҳалласи ҳудудида 2,5 км, жами 6 км йўл асфальтланиб фойдаланишга топширилди.

Келажақда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи бўлган Бухоро–Тим–Жом–Шаҳрисабз йўналишидаги Жом ичидан ўтувчи йўл, Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани йўли билан боғланса, ҳозирги даврдаги Самарқанд–Қарши йўналишидаги айланма йўлга нисбатан жуда қисқа йўл ҳосил бўлиб, катта иқтисодий самара беради ва бу йўл бўйлаб жойлашган кўплаб қишлоқлар аҳолисининг турмуш тарзига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

2015 йилда Жом МФЙнинг замонавий намунадаги биноси қурилиб, иш бошлади.

2015-2016 йилларда элнинг саъй-ҳаракати билан Нуробод туманида давлат архиви филиали ташкил этилиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди.

2015-2016 йилларда аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази қурилиб, ишга туширилди.

2016-2017 йилларда Жом телеузатув объекти тармоғи ҳашар йўли билан бунёд этилди.

2016-2017 йилларда янгидан қурилган ВЛ-35 кВ ва ПС 35/10 кВ Жом нимстанцияси, 16,63 км масофага ҳаво электр тармоғи тортилиб Улус нимстанциясига 2017 йил 4 декабрда уланиб, ишга туширилди. Жом нимстанциясида 4000 кВА қувватли трансформатор, 6 та фидер ва 9 та ячейкалар бўлиб, Жом фидеридан чиққан ячейка Жом маҳалласи ва Гирдиқўрғон маҳалласининг 2/3 қисмидаги аҳолини, Нуробод фидеридан чиққан ячейка Гирдиқўрғон маҳалласининг 1/3 қисми, Тегирмонбоши ва Омондара маҳаллалари ҳудудларидаги аҳолини, Мармар фидеридан чиққан ячейка Иброҳим ота, Анжирли, Сарикўл қишлоқлари аҳолисини электр энергияси билан таъминлайди. Захирада 3 та фидер ва 6 та ячейкалар мавжуд.

Жом қишлоғи тарихида ҳеч қачон кузатилмаган помидор, бодринг каби сабзавотлар ва бошқа цитрус меваларнинг 2019 йилда иссиқхоналарда жомликлар томонидан етиштирилаётганлигидан жуда қувондим. Бу янгиликни

ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йилда қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастури ижросининг бир кўриниши деб биламан.

Шу каби маълумотларни ўрганиш жараёнида эл-юрт манфаати йўлида қилинадиган ҳар қандай қонуний ҳаракатларнинг мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланганлигига, зарур маблағларнинг қатъий ҳисоб-китобларга асосланган тарзда беминнат берилганлигига амин бўламиз. Бироқ манзилли дастурга киритилган айрим объектлар қурилишининг режалаштирилган муддатларда бажарилмай қолиши ҳолатлари ҳам кузатилган. Бунинг бош сабабларидан бири, белгиланган маблағларнинг ўз вақтида берилмаслигидан иборатлиги китобда келтирилган хатлар мазмунини ўрганиш жараёнида маълум бўлади. Бу камчилик ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан аниқланди ва кескин чоралар кўрилди. Республика Молия вазирлиги тизимидаги давлат хизматчиси номига доғ туширган 562 нафар ходимнинг ўз лавозимларидан озод этилганлиги бунинг яққол исботидир.

Бирор ишни битириш учун одамларнинг сарсон-саргардон бўлаётганлигини англаган Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017 йилда “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланмоғи керак” ғоясини олға сурди. Бу борада иккита мисол келтирамиз: баҳорнинг ёмғирли, қишнинг қировли кунларида ўқувчиларнинг қийналиб 7-8 км масофадан 21-умумий ўрта таълим мактабига пиёда қатнашларидан норози бўлган Омондара маҳалласининг етти гузари аҳолиси бошланғич синфлар ўқувчилари учун мактаб қуриб бериш тўғрисида 2011 йилдан бошлаб мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишни бошлади. Бу иш 2015 йилда яқун топди. Ушбу ишга Жом ҚФЙ томонидан ваколатли вакил қилиб белгиланган Э.Раҳимов Нуробод тумани, Самарқанд вилояти ва Республиканинг тегишли идораларига 112 марта, 2015-2017 йиллар давомида бунёд этилган Жом электр нимстанцияси учун 96 марта Жом–Нуробод–Самарқанд–Тошкент йўналишида у ёқдан-бу ёққа йўловчи транспортларда тиним билмай сарсон-саргардон қатнаб турди. Жумладан, Э.Раҳимов 2014 йил 31 март куни эрталаб Жомдан Тошкентга етиб бориб “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги”нинг капитал қурилиши бошқармаси бошлиғи М.Т.Қурбонов билан учрашиб, Ёштбанд тўғони қурилиши ва уни тезлаштириш тўғрисида суҳбатлашди. М.Т.Қурбонов Самарқанд вилояти ҳокимлигидан сув тўғони қурилишини тезлаштириш тўғрисида хат олиб келинса, шу кунларда шакллантирилаётган 2015 йил давлат дастурига киритилишини маълум қилди. Тошкентдан Самарқанд вилояти ҳокимлигига етиб келган Э.Раҳимовга Нуробод тумани ҳокимининг шу мазмундаги хати кераклигини айтишди. Э.Раҳимов Нуробод тумани ҳокимлигига етиб келиб, ҳокимнинг вилоят вакиллари билан Собирсой сув омбори комплексида эканлигини, соат 16.00 лар атрофида келишини билди. Нуробод тумани ҳокими Ибрагимов Жамол Хайруллаевичнинг Ёштбанд тўғони қурилишини тезлаштиришга ва 2015 йилнинг манзилли дастурига киритилишига амалий ёрдам сўраб, 2014 йил 31 март санаси билан тайёрланган №01-2/1-115-сонли хатини Самарқанд вилояти ҳокимлигига топширди. Шу куни Э.Раҳимов Тошкентга қайтиб бориб, соат 22.00 да Қурбонов

Мадаминжон Турсуновичга Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш.Ж.Тешаев номига 2014 йил 31 март санаси билан тайёрланган №03/1-229-сонли хатини топширди. 70 ёшли инсоннинг эл манфаати йўлидаги жонбозлиги, меҳнати дастлаб 2019 йилга мўлжалланган Ёштар банд тўғони қурилишини, 2015 йил манзилли дастурига киритилишига олиб келди.

Ушбу китобга иш жараёнларига доир хатлар ва турли-туман ҳужжатларнинг киритилиши жоиз, деб топилди. Улар жараённинг динамикасини яққол намоён этади, келтирилган фикрлар тўғрилигига асос бўлади. Ҳужжатлар тажрибали мутахассислар томонидан тайёрланган бўлиб, улар ёшларнинг иш юритишларида ўзига хос намуна, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни, хорижлик меҳмонларни бизнинг жондан азиз Жомга таклиф этиб қоламиз. Зеро, «минг марта эшитгандан кўра, бир бора кўрган маъқул», деган халқ ҳикмати бор. Қишлоғимизга марҳабо, қадрли дўстлар! Бу ердаги мустақиллик шарофатидан, Президентимиз раҳнамолигида, фидойи инсонлар жасорати туфайли амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини ўз кўзларингиз билан кўринг! Халқимизнинг, элимизнинг куч-қудратига ўзингиз холис баҳо беринг!

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Пирназар Зиятович Давронов 1949 йилнинг 18 январида Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғида туғилган. 1955-1966 йилларда қишлоқдаги Амир Темур ва Бурҳон Турсунов номли мактабларда, 1968-1973 йилларда С.Айний номли Самарқанд ДПИнинг “Физика-математика” факультетида, 1977-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИнинг кундузги аспирантурасида ўқиган, 1980-1995 йилларда Жиззах ДПИда ўқитувчи, кафедра мудир, декан лавозимларида ишлаган. 1995-2018 йилларда Самарқанд ҚХИ “Олий математика ва ахборот коммуникацион технологиялар” кафедрасида доцент, кафедра мудир лавозимларида фаолият кўрсатди.

1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси, 1989 йилдан “Олий математика” кафедрасининг доценти, 1994 йилдан шу кафедра профессори. 2018 йил сентябрдан Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази”да фаолият кўрсатмоқда.

2009 йилдан бошлаб Жом ва унинг атрофидаги 14 та умумий ўрта таълим мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириб келади.

Муаллифнинг юздан ортиқ илмий ишлари ва услубий қўлланмалари нашр этилган. Она Жом қишлоғи тўғрисида кўплаб мақолалари билан биргаликда 2007 йилда «Жомлик Алпомиш авлодлари», 2009 йилда “Самарқанд Жоми”, 2017 йилда “Мустақиллик йилларида гуллаб-яшнаётган Самарқанд Жоми”, 2019 йилда «Жондан азиз Жомим: унинг тарихи, бугуни ва эртаси» номли китоблари босмадан чиқди. Эндиликда кўп йиллик заҳматли илмий изланишларининг самараси бўлган “Жўмард элли Жом” номли асари билан танишишга муяссар бўлдик.

Мундарижа

1. Асар ҳақида сўз.....	3
2. Муқаддима.....	5
3. Ғиштбанд сув омбори.....	11
4. Ғиштбанд тўғони қурилишига доир ҳужжатлар.....	25
5. Ғиштбанд.....	83
6. Жомдаги қадимги Ғиштбанд сув ҳавзасини ўрганиш.....	83
7. Қадимги Ғиштбанд сув омбори.....	87
8. Келажак сув захираларини ҳосил қилиш имкониятлари.....	89
9. Сел сувлари тутиб қолинса – роҳат-фароҳат, акс ҳолда – офат.....	98
10. Жом нимстанцияси.....	100
11. Нимстанцияни барпо этишга доир ҳужжатлар.....	142
12. Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази.....	262
13. Аҳоли маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази қурилишига доир ҳужжатлар	274
14. Автомобиль йўллари.....	346
15. Жомдаги 4Н513 “и” Чўнқаймиш қашлоғига кириш автомобиль йўлига доир ҳужжатлар.....	355
16. Жом сойдаги кўприклар.....	389
17. Жом сойдаги кўприкларнинг қурилишига доир ҳужжатлар.....	398
18. Жом қишлоғидаги артезиан қудуқлар.....	458
19. Нуробод тумани архиви.....	460
20. Архив филиали иш бошлади.....	472
21. Архив филиалини ташкил этишга доир ҳужжатлар.....	473
22. Жом телеузатув тармоғи.....	514
23. Жом маданият ва аҳоли дам олиш маркази.....	517
24. №2-сон Жом маданият ва аҳоли дам олиш марказига доир ҳужжатлар.....	521
25. Жом тўйхоналари.....	538
26. Жом қишлоғидаги ўқув масканлари.....	540
27. Омондарадаги умумтаълим мактаби филиали.....	547
28. Янги мактаб биноси қурилиши бўйича ёзилган аризалар, хатлар, уларга жавоблар ва бошқа расмий ҳужжатлар.....	554
29. Ташаббус қанот қоқмоқда ёхуд ёшларининг порлоқ келажаги учун талпинаётган Жом.....	600
30. “Озодлик” овозаси.....	607
31. Билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашувига доир айрим ҳужжатлар.....	609

32. Халқи энг кўп китоб ўқийдиган мамлакат – энг яхши мамлакат.....	621
33. Жом жоме масжиди кутубхонаси.....	624
34. Жом туризми.....	630
35. “Эски масжид”ни кутубхонага айлантиришга доир ҳужжатлар.....	632
36. Мавлонои Жом ота қабристони.....	644
37. Сўнги йиллар қувончи.....	646
38. Муаллиф ҳақида.....	654

ҚАЙДЛАР УЧУН

Муҳаррирлар: Луқмон Бўрихон,
Элмурод Эгамқулов
Рассом: Забиҳилло Убайдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Ҳусан Бердиев
Саҳифаловчи: Баҳром Нормуродов

Нашриёт лицензияси – АИ № 015. 20.07.2018
Босишга рухсат этилди 28.01.2020.
Бичими 60x84^{1/16}
«Segoe UI» гарнитураси.
Ҳажми: 82.5. босма таб. Нашр таб. 64.
Адади 100 нусхада. Буюртма № 15.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Оригинал-макет «Zamin nashr» МЧЖда
тайёрланди ва чоп этилди.
100053, Тошкент ш. Боғишамол кўчаси, 160.
Тел: 71-235-44-86



ISBN 978-9943-5893-6-0



9 789943 589360